

4943 75-3

M 90

МУСТАҚИЛЛИК

**ИЗОҲЛИ
ИЛМИЙ-ОММАБОП
ЛУҒАТ**




ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
И.М. МУМИНОВ НОМИДАГИ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ

МУСТАҚИЛЛИК

Изоҳли илмий-оммабон луғат

*Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ ва
Кўчқор ХОНАЗАРОВ умумий таҳририда*

Иккинчи наشري



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2000

4943.15-3

Муаллифлар:

Абдуллаев М., Абдуллаева М., Абдураззоқова Г., Абдура-
 сулова Қ., Абдурахмонов Ф., Абдуқосимов Ш., Азизов Н.,
 Азимова Д., Алимасов В., Аликулов Ҳ., Аминов Н., Аҳмад-
 шоева М., Аҳмедов Ф., Бақоева Ф., Бедринцев А., Биркин М.,
 Бобоҳўжаев М., Бобоҳўжаева Р., Бурҳонова Л., Бўриева М.,
 Валиев А., Ваҳобов А., Воҳидов Ҳ., Галиулина Э., Дехқоно-
 ва Д., Ельшов М., Жабборов Ж., Жалилов И., Зоҳидий А.,
 Имомалиева Р., Исломов А., Йўлдошева Г., Каменев Г.,
 Каримов Б., Каримов Н., Каримова Т., Каттабоев А., Коми-
 лов К., Комилов Н., Комилова М., Лезилова Л., Маманазар-
 ров Н., Мансурова Г., Маҳмудова Г., Мирзабекова О., Мир-
 заева М., Мусурмонов Р., Муҳитдинов Ф., Мўминов Ф.,
 Назаров Ю., Назаров Қ., Назирқулова М., Ниёзов М., Номо-
 зов О., Носирова Л., Нуритдинов М., Одилқориев Ҳ., Ориф-
 хонова С., Отамуротов С., Охунжонов Л., Охунжонова М.,
 Оқйўлов О., Расулов А., Расулов К., Раҳмонов А., Садибеко-
 ва Б., Саидов А., Самарҳўжаев Б., Собиров А., Солиев Э.,
 Судоргин В., Султонов Д., Султонов С., Тошқулов Ж., Туле-
 нов Ж., Усмонов М., Усмонова М., Файзиев М., Файзиева
 К., Файзуллаев О., Холматова М., Хоназаров Қ., Худойберг-
 ганова Ф., Чориев С., Чориёров У., Шарипов А., Шепелев В.,
 Эшонов Б., Эшпўлатов Б., Юнусова С., Юсупов А., Юсупова
 Н., Яҳёева Л., Қаноатова Ф., Қаҳҳоров М., Қодиров М.,
 Қодирова З., Қосимова Ф., Курбонов С., Фафуров И., Фафу-
 ров У., Фафуров С., Фойибова Ш., Фуломова М., Фуломова
 Ғ., Ҳакимов Р., Ҳакимов Э., Ҳакимов Ҳ., Ҳикматов О.,
 Ҳожааҳмедов А., ~~Олимов Э.~~

M 90



M 90

Мустақиллик: ~~Изоҳли нима~~-оммабоп лугат // Му-
 аллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Г.Абдураз-
 зоқова ва бошқ.; А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий
 таҳририда /. —Т.: «Шарқ», 2000.— 320 б.

Сарл олдида: Ўзбекистон Фанлар академияси И.М.Мўминов но-
 мидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти. I. Абдуллаев М. ва бошқ.

ББК 66.3(5У)я2

© «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти, 1998

© «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти, 2000

СЎЗ БОШИ

Мустақиллик ҳаётимизга кўплаб янгиликлар олиб кирмоқда. Кундалик сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, маданий-маънавий ва илмий, ёзма ёки оғзаки мулоқотда фойдаланаётган сўзларимиз, ибораларимиз, тушунчаларимиз доираси шитоб билан кенгайиб бормоқда. Бундай жараёни табиий деб билмоқ керак. Чунки, яқин ўтмишда ўта зиддиятли бир ҳолат мавжуд бўлган, тараққиёт ва такомиллашиш йўллари сунъий равишда бўғиб қўйилганди. Шу сабабли ҳозирги замон илғор ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётида мавжуд тушунчалар ва атамаларнинг салмоқли қисми билан таниш эмасмиз, уларнинг мазмуни ва моҳиятини тўла билмаймиз ҳамда аниқ изоҳлаб беролмаймиз.

Бундай аҳвол — масаланинг бир жиҳати. Масаланинг иккинчи жиҳати шундан иборатки, мустақил мамлакат фуқаролари сифатида биз тарихимизни, ўтмишимизни, буюк аждодларимизни, уларнинг фикр ва ғояларини, Ўзбекистоннинг инсоният маданиятига қўшган ҳиссалари нималардан иборат эканлигини обдон билмоғимиз зарур. Шунинг баробарида, миллий онгимиз, миллий ўзлимиз, миллий ғуруримиз нималарга суянади қабилдаги кўплаб масалаларга аниқ ва асосли жавоб керак. Бозор иқтисодига ўтиш жараёнида шу вақтгача бизга номаълум бўлган ёки улар тўғрисида сўзлаш ҳукмрон мафкурадан чекиниш деб қаралган тушунчалар кириб келди. Баъзилари бевосита иқтисодга, айримлари эса сиёсатга ёки ҳуқуқий-юридик соҳаларга оид. Янги тушунчалар мазмунини, маънавий янгиликни жараёнидаги ўрнини, бозор иқтисоди билан қандай ва қай даражада боғланганлигини билиш, уларнинг келиб чиқиш тарихидан маълумотга эга бўлиш илғор давлат барпо этишнинг зарурий шартларидан биридир.

Ҳаётимиз мазмуни мустақиллик туфайли бойиб бормоқда. Марказий Осиё азалдан инсоният моддий ва маънавий маданиятининг, шу жумладан, фалсафий тафаккурнинг етакчи минтақаларидан бири бўлган. Афсуски, аждодларимиз қолдирган фалсафий мерос истибдод йилларида бир томонлама ўрганилди. Истиқлол бизга Инсон тафаккурининг янги бир хазиначини очди. У ҳам бўлса Марказий Осиё фалсафасидир. Бу маънавий бойликни ўрганиш ҳали кўп куч-ғайратни ва вақтни талаб қилади. Биз дуч келадиган исмлар, фалсафий тушунчалар, оқимлар ва ғояларнинг асл маъносини, тарихини, ўтмишдаги ва ҳозирги аҳамиятини тушуниш ва тушунтириш маданий-маънавий тараққиётимизнинг таркибий қисми саналади.

Қўлингиздаги луғат мустақиллик шарофати билан юзага келган янги тушунчалар оламида китобхонларга жиддий кўмакчи бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Луғатда икки юздан ортиқ атамалар, шахслар, саналар ҳақида шарҳлар ва изоҳлар берилган. Улар тўғрисида маълумотлар йиғиш ишига юздан ошиқ мутахассис олимлар ва тадқиқотчилар жалб этилди. Муаллифлар Ўзбекистон Фанлар академияси И.М. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, Иқтисод институти, Адабиёт институти, Улутбек номидаги Тошкент Давлат университети, Иқтисодиёт университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва бошқа қатор илмий-тадқиқот ҳамда ўқув даргоҳларида ва турли давлат муассасаларида хизмат қиладилар.

Муаллифлар жамоасининг саъй-ҳаракати ва меҳнати билан яратилган луғат — бу борадаги дастлабки қадамдир. Изоҳлар, уларда баён этилган қарашлар, саналар ва тавсифларнинг аниқлиги муаллифлар зиммасидадир. Умуман, камчиликлар бўлиши табиий. Китобхонларнинг фикр-мулоҳазалари луғатни такомиллаштириш йўлларини белгилашга ёрдам беради деган умиддамиз ва бу хусусда хатларингизни кутамиз.

«А»

АВТОРИТАРИЗМ (лотинча «authorities» — обрў, нуфуз ва эътибор) — давлатни бошқариш усулларида бири, якка шахснинг давлатни ўз таъсири, обрўси, ташкилотчилиги, шижоати, жамиятни яхши билиши асосида бошқариши. Авторитаризм, одатда, жамият ўз тараққиётининг мураккаб, қалтис ва масъулиятли даврларини бошдан кечираётган паллаларда тарих саҳнасида чиқади. XX асрнинг биринчи ярмида авторитаризм асосан салбий маънода намоён бўлди. Чунки ўнлаб миллионларнинг ёстигини қуритган Биринчи жаҳон уруши, 1929 йилда бошланган ва мисли кўрилмаган жаҳон иқтисодий бўҳрони, бундай вазиятда жамиятдаги зиддият ва қарама-қаршиликларнинг кескинлашиши ва қатор бошқа омиллар бир қанча мамлакатларда демократияни бўғиш, инсон ҳуқуқларини оёқости қилиш, давлатни ҳарбийлаштириш йўли билан айрим айрим шахсларнинг давлат тепасига чиқишига, авторитар тузум яратилишига олиб келди.

Кейинги ярим асрда эса демократия кучларининг Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабаси ва инсонпарварлик тамойилларининг жаҳон тараққиётида устун келиши натижа-сида авторитаризмнинг моҳияти аста-секин ўзгармоқда. Авторитаризм мураккаб тарихий паллаларда жамиятни ўзгартиришнинг, долзарб масалаларни зудлик билан ҳал этишнинг, мамлакатни, халқни инқироз гирдобидан олиб чиқишнинг самарали йўлларида бирига айланмоқда. Бу, айниқса, ўтмишда мустамлака ва қарам бўлган мамлакатларда иқтисодий, маданий қолоқликни бартараф этиб, уларни жаҳон демократик давлатлари ҳамжамиятига олиб кириш учун курашда яққол намоён бўлмоқда. Ёрқин намуналарини Мисрда Жамол Абдул Носир ва Ҳусни Муборак, Жазоирда Бен Белла ва Бумадьен, Индонезияда Сукарно ва Сухарто мисолларида кўриш мумкин. Ривожланган мамлакатлардан — Францияни Иккинчи жаҳон урушидан кейинги кемтиклик ҳолатидан олиб чиқишда генерал Шарль де Голлнинг хизмати катта бўлди.

Собиқ СССР парчаланиб кетгандан сўнг янги мустақил давлатларни мустабид тузум йилларидаги бир томонлама-лик, норасолик, боқимандалик ва қарамликдан олиб чиқишда мамлакат раҳбарининг обрўси, мавқеи, нуфузи, сўзининг салмоқдорлиги, ўз фаолиятида изчиллиги муҳим аҳа-

мият қасб этмоқда. И.А. Каримовнинг мустақил Ўзбекистонни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий тиклашдаги хизмати бунинг ёрқин мисоли бўла олади.

АДОЛАТ (арабча «адолат» — одиллик, тўғрилиқ) — ахлоқ ва ҳуқуқнинг меъерий категорияларидан бири бўлиб, мавжуд ижтимоий воқелик инсон моҳиятига ва ҳуқуқларига мос ёки мос эмаслигини ажратишда мезон бўлиб хизмат қилади.

«Адолат» тушунчаси ўтмиш тарихий даврларда турлича талқин қилинган. Хукмрон синфлар ўз манфаатларига мос тартибларни ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар ёрдамида ёқлаб, уларни адолатли деб таърифлаганлар. Мазлум синфлар эса уларни янги, ўз манфаатларига монанд, адолатли муносабатлар билан алмаштиришни талаб қилганлар. Шу сабабли жамиятда ҳамма вақт нима адолатли ва нима адолатсиз деган масала атрофида муҳофазаси мавжуд бўлган. Бу муаммо ҳар бир воқеа, ҳодиса ва жараённинг жамият ривожланишига, инсоният тараққиётига, инсонпарварлик ва демократия қоидаларига ҳамнафаслиги билан белгиланади. Шу маънода, умуминсоний адолат синфий, миллий, гуруҳий адолатлардан юксак туради.

Жамиятнинг шахсга, шахснинг жамиятга ва бир шахснинг иккинчи шахсга муносабатида намоён бўладиган адолат ана шу муносабатларни баҳолаш мезонидир. Бу баҳолаш иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ёки ахлоқий бўлиши мумкин ва ҳаётнинг барча соҳаларида юз берадиган ижтимоий муносабатларда қўлланилади. Адолат инсоният маънавий қадриятларининг олий кўриниши бўлиб, бахт, озодлик, тенглик, тинчлик тушунчалари каби, инсон эрки ва иродасини ўзида ифода этади.

Истиқлол туфайли ўзининг мустақил тараққиёт йўлидан бораётган жамиятимиз кун сайин демократлашиб, давлат, жамият ва шахс муносабатлари тобора кўпроқ адолат тамойилларига асосланмоқда. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ва муассасалар вужудга келиши, инсон манфаатларига эътибор жаҳон ҳуқуқий андозалари ва миллий урф-одатларнинг уйғунлигида шаклланиб бораётганлиги мустақил Ўзбекистонда адолат талаб ва қоидалари тантана қилиб бораётганлигининг белгисидир. *«Биз шунчаки демократик давлат эмас, — дейди Президент И.А. Каримов, — балки адолатпарвар демократик давлат қуришга интиляпмиз. Адолатга интилиш халқимиз руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусиятдир. Адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимига сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши мумкин».*

Халқимизнинг бобокалони Амир Темур айтганидек, «Куч — адолатдадур». Адолат қонун-қоидаларига суянган

давлат ва жамият кучли бўлиши муқаррарлиги тўғрисидаги шарқона қарашлар бугунги Ўзбекистон сиёсатининг муҳим асосларидан бирини ташкил этади, «Инсон ҳуқуқлари ҳақида умумжаҳон Декларацияси» тамойилларига жавоб беради, чунки: а) демократик умуминсоний тамойилларга суянади; б) инсоннинг дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади; в) демократик ҳуқуқлар ва эркинликлар конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади; г) барчанинг қонун олдида тенглиги тамойили таъминланади.

Адолат барчанинг қонун олдида тенглиги ва қонуннинг барчага тенг тегишлигидир.

«АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ — мустақил Ўзбекистондаги сиёсий партиялардан бири. 1995 йил февраль ойида Таъсис мажлисида тузилган, «Адолат» социал-демократик партияси аъзоларининг сони ўттиз мингдан ошиқ. Ўзбекистоннинг 147 шаҳар ва туманларида ҳудудий партия ташкилотлари мавжуд бўлиб, улар мингдан ортиқ бошланғич партия ташкилотларини уюштирадilar.

«Адолат» социал-демократик партияси ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

- ҳуқуқий демократик давлат қуриш;
- мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш;
- Ватанга содиқ хизмат қилиш;
- адолатли фуқаровий жамият қуриш;
- сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий демократия талабларига ҳамда мамлакатимизда яшаб турган барча миллат ва элатларнинг орзу-умидларига монанд шарт-шароит юзага келтиришга ҳисса қўшиш.

Партия ўз фаолиятини Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларига таяниб олиб боради; ўзини-ўзи бошқариш, ошкоралик, қонунийлик, ўзаро ёрдам, партия барча аъзолари ва ташкилотларининг фаолият қоидаси ва асосидир.

Партиянинг олий раҳбар органи қурултой бўлиб, қурултойлар оралиғида раҳбарликни Сиёсий кенгаш пленумлари, жойлардаги ташкилотларнинг конференциялари амалга оширадilar. Партиянинг аъзолар ва омма билан кундалик ишини унинг барча даражадаги котибиятлари олиб борадilar.

«Адолат» социал-демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ҳозирги пайтда 47 овозга эга бўлиб, улар партиянинг парламентдаги фракциясини ташкил қиладilar, Олий Мажлис ишида ҳамда комиссияларининг фаолиятида, қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда, уларнинг муҳокамасида ва қабул қилинишида қатнашадilar, ички ва ташқи сиёсатнинг шаклланиши, давлат идоралари тузилмаси ва тизимини яратиш ёки такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирадilar, таклифларини киритадilar

ва бу таклиф ҳамда фикр-мулоҳазаларнинг инobatга олин-
шига ҳаракат қиладилар.

АКЦИЯДОРЛИК (ҲИССАДОРЛИК) ЖАМИЯТИ — мулкчилик кўринишларидан бири бўлиб, турли корхона, ташкилот, банк, компания (юридик шахслар) ва фуқаролар (жисмоний шахслар) пул маблағларини шерикчилик асосида ва фойда олиш мақсадида бирлаштирган хўжалик юритиш уюшмасидир. Акциядорлик жамияти бозор иқтисодиётининг кенгайиши ва чуқурлашишида, мамлакатнинг ривожланиши учун маблағ топишда катта ижобий омилдир. Акциядорлик жамияти билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикаси-
нинг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқ-
ларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қону-
лари асосида тартибга солинади.

Акцияларни муомалага чиқариш ва уларни сотиш акция-
дорлик жамиятининг молиявий негизини ташкил этади.

Акциядорлик жамияти — юридик шахсдир. У ўзининг алоҳида мол-мулкига эга бўлади. Акциядорлик жамияти ўз зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. У, белгиланган пайтдан қонуний тартибда рўйхатдан ўтказилгач, ўз фаолиятини бошлайди. Акциядор-
лик жамиятининг иши унинг Низоми асосида олиб борила-
ди.

Акциядорлик жамияти очиқ ёки ёпиқ турда бўлиши мум-
кин. Очиқ турдаги акциядорлик жамиятида унинг акциялари очиқ савдога чиқарилади, эркин муомалада сотилади ва со-
тиб олинади, акциядорлик жамиятига кирувчиларнинг сони чекланмайди. Ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятида эса унинг акциялари фақат акциядорлик жамияти таъсисчилари ўртасида тарқатилади, таъсисчиларнинг сони эса камида уч шахсдан иборат бўлиши керак. Ҳар бир муассис айна вақтда акциядор бўлиши лозим.

Акциядорлик жамияти янгидан таъсис этилиши ёки мав-
жуд юридик шахсни қайта ташкил этиш йўли билан тузили-
ши мумкин. Акциядорлик жамиятини таъсис йўли билан тузиш муассисларнинг (муассиснинг) қарорига мувофиқ амалга оширилади. Акциядорлик жамиятини таъсис этиш тўғрисидаги қарор таъсис йиғилиши томонидан қабул қили-
нади. Акциядорлик жамияти бир шахс томонидан таъсис этилган тақдирда, жамиятни таъсис этиш ҳақидаги қарорни шу шахснинг ёлғиз ўзи қабул қиладди.

Акциядорлик жамияти Низомида унинг Низом фонди белгиланиб қўйилади.

Акциядорлик жамиятининг Низом фонди миқдори очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари учун энг кам иш ҳақининг икки юз баравари ҳажмида, ёпиқ турдаги жамиятлар учун эса

энг кам иш ҳақининг юз бараваридан кам бўлмаган ҳажмда белгиланади. Акциялар эгаси ёзилган ва эгаси ёзилмаган, имтиёзли ва оддий акцияларга бўлинади. Акцияларнинг номинал қиймати юз сўмдан кам бўлиши мумкин эмас.

Акциядорлик жамиятлари Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиши шароитида давлат мулкани хусусийлаштириш, мулкдорлар синфини вужудга келтириш ҳамда аҳолининг бўш пул маблағларини капиталга айлантириб, иқтисодга жалб этиш орқали аҳоли даромадларини оширишда самарали усул бўлмоқда.

Собиқ СССРда 1930-йилларга қадар савдо ва саноат соҳаларида давлат, аралаш, хусусий, кооператив мулк шаклига асосланган 160 дан зиёд акциядорлик жамиятлари мавжуд бўлган.

Акциядорлик жамиятлари Ўзбекистонда 1989 йилдан ташкил этила бошлади.

Дастлабки акциядорлик жамиятлари Англияда XVII асрнинг бошида тузилган ва бозор иқтисоди ҳамда бозор муносабатларининг ривожланишида улкан ижобий роль ўйнаганлар.

АЛ-БУХОРИЙ (810 йил, Бухоро — 870 йил, Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғи) — «Ҳадис илмида амир ал-мўминийн» (Ҳадис илмида мусулмонларнинг етакчиси) деган шарафли номга сазовор бўлган, ҳаёти ва ижоди алоҳида эътиборга молик буюк олим, муҳаддис, яъни ҳадисшунос мутафаккир. Ёшлигидаёқ отаси вафот этиб, онаси тарбиясида ўсган. Ақл-идроки, ўткир зеҳни ва маърифатга ҳаваси кучли бўлиб, турли илм-фанларни, айниқса, ҳадис илмини зўр қизиқиш билан эгаллаган. Ун ёшида Қуръони каримни ёд олган, олимларнинг ҳадис тўпламларини мутолаа қилиш ва кишилардан эшитиш асносида ҳадисларни ёдлаган, устози Шайх Дохийий билан ҳадис ривоятчилари ҳақидаги қизғин баҳсларда қатнашган. 825 йили ўн олти яшар ал-Бухорий онаси ва акаси Аҳмад билан Ҳижозга йўл олади, муқаддас шаҳарлар Макка ва Мадинада олти йил яшайди, ўша давр илмий марказлари — Дамашқ, Қоҳира, Басра, Куфа, Бағдод шаҳарларида умр кечириб, фикҳ (илоҳиёт) фани бўйича ҳам таълим олади, баҳсларда қатнашади, дарс ҳам беради. Замондошларидан бирининг ёзишича, ўз илмини ошириш мақсадида, ал-Бухорий тўқсонгача олимдан таълим олади, ўз навбатида кўпгина шогирдларига устозлик қилади.

Узоқ йиллар Шарқнинг турли мамлакатларида сафар қилгандан сўнг, умрининг охирларида ал-Бухорий беш йил (863—868 йиллар) Эроннинг шарқи-шимолида, она юртига яқин жойлашган Нишопур шаҳрида яшаб, мадрасада ҳадис илмидан дарс берган, ат-Термизий билан унутилмас, қизғин

баҳслар ўтказган, «Мен сендан кўрган фойда, сен мендан кўрган фойдадан ортиқроқ», деб унга нисбатан чуқур ҳурмати билдирган. Имом ал-Бухорий хулқ-атвори, одамохунлиги, мурувватпешалиги, ҳиммати ва саховати билан ажралиб турган, зеҳни ўткирлиги ва ёдлаш қобилиятининг кучлилиги билан ҳам халқ орасида гоёта машҳур бўлган. Манбаларда ал-Бухорийнинг 300 мингга яқин ҳадисни ёд билгани қайд қилинган.

Имом ал-Бухорий хориждан қайтгач, она юрти Бухорода кўплаб шогирдлар ва уламоларга ҳадис илмидан сабоқ бериш билан машғул бўлади. Ҳасадгўйларнинг хатти-ҳаракати сабабли Бухоро амири билан муносабатлари бузилиб қолади ва Самарқандга йўл олиб, шаҳар яқинида жойлашган Хартанг қишлоғида ўз шогирдлари даврасида яшаб, оғир касалга чалинади ва вафот этади.

Имом ал-Бухорий йигирмадан ортиқ асар ёзган бўлиб, улар орасида энг машҳури «Ал-Жомеъ ас-саҳийҳ»дир. Ўзига ча ўтган муҳаддислардан фарқли ўлароқ, ал-Бухорий ҳадисларни табақаларга бўлиб, уларнинг ишончилиларини ажратиб алоҳида китоб яратган. Ушбу асар ёзилганига тахминан 1200 йил бўлса-да, у ислом таълимотида Қуръондан кейинги иккинчи ўринда турадиган муҳим манба сифатида юксак баҳоланиб келмоқда. Бу китобнинг 1325 йилда кўчирилган саккиз жилддан иборат гўзал нусхаси ҳозир Истанбулда сақланмоқда.

Имом ал-Бухорий асарлари меҳр-муҳаббат, саҳийлик, очиқкўнгиллилик, ота-она, аёллар ва катталарга ҳурмат, етим-есирларга мурувват, фақир бечораларга ҳиммат, Ватанга садоқат, меҳнатсеварлик ва ҳалолликка даъват этиш каби ҳақиқий инсоний фазилатлар ва намунали тартиботлар мажмуасидир. Уларда айниқса ёш авлод учун катта тарбиявий аҳамиятга эга йўл-йўриқлар, панд-насихат ва ўғитлар акс эттирилган.

АЛ-ФАРҒОНИЙ АҲМАД ИБН МУҲАММАД (Фарғона водийсида туғилган, тахминан 861 йили вафот этган, таваллуд санаси эса аниқ эмас) — ал-Хоразмий билан бир вақтда, Бағдоддаги «Байт-ул Ҳикма» илмий марказида илмий ишлар билан шуғулланган. Китоблари Оврупо ўрта асрлар университетларида астрономиядан асосий дарслик ва қўлланма ҳисобланиб, муаллифнинг исм-насаби «ал-Фарғоний»ни латинчасига «Алфраганус» деб атаганлар. Ал-Фарғоний шу ном билан дунёда машҳур ва маълумдир.

Ал-Фарғонийнинг асосан олти китоби жаҳон бўйлаб тарқалган:

1) «Китоб фи усул илм ан-Нужум». Бу рисоланинг асл кўлёмалари матни бир хил бўлиб, беш хил ном остида

сақланиб келмоқда. Чунончи, «Алмажисти»га бағишланган астрономик рисола», «Фалак сфералари сабабияти», «Алмажисти» (Алмагест), «Илм ал-ҳайа» (Астрономия илми). Бу қўлёзмалар Англия, Франция, АҚШ, Марокаш, Миср ва Россия кутубхоналарида сақланиб келмоқда. Асар 1145 йили ва 1175 йили лотин тилига таржима қилинган, чунки, ўша даврда лотин тили Оврупо мамлакатларида муштарак фан тили ҳисобланган, ҳар бир диққатга сазовор йирик илмий асар шу тилда чоп этилган ва лотин тили орқали бутун фан оламига тарқалган ва маълум бўлган. Асар 1193, 1533, 1590 ва 1910 йилларда атоқли олимлар ва ноширлар раҳбарлигида Оврупонинг турли мамлакатларида чоп этилган.

2) «Ал-Фарғоний жадваллари» (қўлёзмаси Ҳиндистонда сақланмоқда).

3) «Ой Ернинг устида ва остида бўлганида вақтни аниқлаш рисоласи» (қўлёзмаси Қоҳирада сақланмоқда).

4) «Устурлоб билан амал қилиш ҳақидаги китоб» (қўлёзмаси Ҳиндистонда сақланмоқда).

5) «Етти иқлим ҳисоби» (қўлёзмаси Олмонияда сақланмоқда).

6) «Устурлоб яшаш ҳақидаги китоб» (қўлёзма нусхалари Франция ёки Олмонияда топилиши мумкин, чунки 1919 йилда асарни Эйдеман олмон тилида нашр этган).

Самовий jismlar ҳаракатини Ньютон ва Лаплас масса ҳаракатининг динамикаси шаклида, Кеплер эса геометрик йўсинда баён этган бўлса, ал-Фарғоний улардан бир неча аср аввалроқ жадваллар қонунияти шаклида изоҳлаган. Жадвалнинг фазилати ва имтиёзи — унинг жонли мушоҳадага очиқ эканлигидир.

Стереографик проекциялар назариясининг кашфиётчиси ҳам ал-Фарғонийдир. Куёш, Ой, сайёралар ва юлдузларнинг, бинобарин, умуман осмоннинг бўлажак манзарасини билиш учун геометрик-кинематик усул астрономия фанининг умумий усули сифатида қабул қилиб олинган бўлса, жаҳон мунажжимлик фанининг бундай умуммахражга келишида ал-Фарғоний топган ва асослаган устурлоб (оврупочасига — астролябия) асбобининг аҳамияти катта бўлган. Чунки осмон гумбазида мавҳум равишда жойлаштирилган меридиан, экватор, эклиптика, азимут, координата ўқлари ва тизимларининг, бурчакларнинг, нуқталарнинг доира асбобга проекцияларини, яъни фазовий шаклларнинг текисликдаги тасвирини тушириш фанга, астрономияга, денгизчиларга анча қулайликлар туғдирган. Бу асбоб илгари ҳам бор эди. Лекин, унинг назариясини фақат ал-Фарғоний кашф этди. Бу кашфиётнинг аҳамияти ва илмий изчиллик билан асосланганлигини шундан ҳам билсак бўладики, ал-Фарғоний давридан қарийб минг йил кейин, XVIII асрда буюк математик Эйлер

бу назарияни жуғрофий хариталар тузиш назариясига татбиқ қилди ва «Россия империясининг Бош жуғрофий харитаси»ни тузишда ишлатди. Бу назария комплекс ўзгарувчан миқдорлар текислиги, ноевклид геометриялар, Лобачевский текислигининг Бельтрани-Клейн проекцияси, космик геодезия ва космографиянинг заминларида ётади.

Ал-Фарғоний Ватанимиз довруғини жаҳоншумул даражага кўтариб келаётган аллома ажодларимиздандир.

АЛ-ХОРАЗМИЙ (783—850) — Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий Хоразмда туғилган. Бағдоддаги «Байт-ул Ҳикма» илмий марказида фаолият кўрсатган. У ерда илмий раҳбар бўлиб ишлаган.

Ал-Хоразмий илму фан соҳасида бир қанча шоҳ-асарлар яратган ва инсоният амалиётига қуйидаги оламшумул илмий-амалий янгиликларни киритган:

1. Ал-Хоразмий алгебра фанининг асосчиси ва буюк кашфиётчидир. У «Ал-Жабр вал-муқобил ҳисоби ҳақида қисқача китоб» асарида тарихда биринчи марта алгебра фани, яъни математиканинг миқдорлар устида, уларнинг сон қийматидан қатъи назар бажариладиган амалларининг умумий қонуниятларини ўрганадиган бўлимини яратди. Ал-Хоразмийнинг «Ал-Жабр» асари ўрта асрлар Оврупосида фанининг асосий тили бўлган лотин тилига Шарқ мамлакатларида фанининг умумий тили бўлмиш араб тилидан ўгирилди ва араб тилидан ўзлаштириш қоидаларига биноан «Алгabr...» шаклида намоён қилинди, кейинчалик эса «алгебра» деб ўқила бошлади. Бу асар биринчи марта лотин тилига 1145 йилда таржима қилинган. XIX—XX асрлар давомида инглиз, француз, олмон ва бошқа тилларда чоп этилган. 1964 ва 1983 йилларда рус ва ўзбек тилларида нашр этилган.

2. Ал-Хоразмий алгоритмнинг кашфиётчисидир, яъни бир турдаги масалаларнинг бирор синфига мансуб ҳар қандай конкрет масалани соф механик равишда ечишга имкон берувчи қоидалар тизимини тарихда биринчи марта тузиб берган. «Алгоритм» сўзи «ал-Хоразмий» сўзининг ўрта аср Оврупо фанида ўқилишидир (дастлабки таржимонлар арабча ёзилган «ал-Хоразмий»ни «алгоритм» деб лотинчага ўгирганлар). Ал-Хоразмийнинг фан ва амалиётдаги буюк хизмати шундан иборатки, аллома космонавтика, атом электр станциялари, электроника, иқтисод, халқ хўжалигининг, ҳаётнинг ҳар бир соҳасида бошқариш тизимларини тузишда, электрон-ҳисоблаш машиналари ҳамда компьютерлар оилаларини яратишда асос ва замин бўлиб хизмат қиладиган қоидалар мажмуини ишлаб чиққан. Техника, фан, технология ва умуман ҳаёт мураккаблашгани сайин алгоритмнинг аҳамияти ошиб бормоқда.

3. Ал-Хоразмийнинг «Ҳинд ҳисоби бўйича китоб», «Астрономик зийж», «Ер сурати ҳақида китоб» асарлари XI—XII асрлардаёқ лотин тилига, XIX—XX асрларда эса ҳозирги замоннинг энг кенг тарқалган тилларига ўгирилган. Бу асарлар деярли ўн икки аср давомида барча мусулмон мамлакатларида (ал-Хоразмий ўз асарларини ўша замон мусулмон мамлакатларида барча фанларнинг умумий тили бўлган араб тилида ёзган) ва деярли минг йил давомида Оврупо мамлакатларида фанга, амалиётга, инсон манфаатларига хизмат қилмоқда.

1983 йили ЮНЕСКОнинг қарори билан Муҳаммад ал-Хоразмийнинг 1200 йиллик юбилеи ўтказилди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Фанлар академияси қошида «Алгоритм» институти, мамлакатимиз пойтахтида «Алгоритм» заводи ишлаб турибди.

Буюк аждодимиз Ўзбекистон фахридир.

АЛТЕРНАТИВА (французча «alternative», лотинча «altēgas» — бир-бирига қарама-қарши бўлган) — икки номзод, вазият, фикр ёки нарсадан бирини танлаш ёки танлашга мажбур бўлмоқ. Алтернатива ҳамма соҳаларда — билишда, сиёсатда, иқтисодда, ижтимоий ҳаётда ва бошқа соҳаларда учрайди.

Алтернативлик демократик жамият ҳаётининг ажралмас таркибий қисмидир. Алтернативлик ижтимоий кучларни руҳан сафарбар қилади, соғлом ва ижобий курашга чорлайди, жамият аъзоларининг фаоллигини кўтареди.

Изчил демократик қоидаларга содиқ давлат сифатида Ўзбекистон ўз сиёсий ва ижтимоий ҳаётида барча сайловлар алтернатив асосда ўтиши тарафдори эканини намойиш қилмоқда. Бу демократик қоида биринчи маротаба кенг миқёсда 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Президентини сайлашда амалга оширилди.

АМИР ТЕМУР (тўлиқ исми-шарифи Амир Темур Кўрагон ибн Амир Тарағай Баҳодир, 1336, 9.IV., ҳозирги Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани Хўжаилғор қишлоғи, — 1405, 18.II., Ўтрор шаҳри) — йирик давлат арбоби, енгилмас саркарда, ўрта асрда энг катта давлатлардан бирининг бунёдкори, ташқи муносабатларда энг оқил йўлларни топа билган раҳбар, жанг санъати ва қонунларини ишлаб чиққан машҳур лашкарбоши. Отаси Амир Тарағай Баҳодир барлос қабиласи зодагонларидан бири, замонасининг кўзга кўринган бадавлат кишиси ҳисобланган, онаси Тегина бегим эса бухоролик олим Убайдуллоҳ аш-Шариъанинг қизи бўлган.

Амир Темурнинг гўдаклигиданоқ иродали, яхши ташкилотчи, ўткир жангчи эканлиги намоеън бўла бошлади. У ўз

кучи, ғайрати ва иродасини чиниқтириш мақсадида йигирма беш ёшигача бир қанча ҳукмдорлар хизматида бўлди. Бу даврда Мовароуннаҳр бир қанча амирликларга бўлинган, тарқоқлик кучайган, қабилалар ва элатлар ўртасидаги низолар авжига чиққан эди. Шундай мураккаб вазиятда Амир Темур ҳарбий ва дипломатик қобилияти туфайли Кеш (Шаҳрисабз) ҳокими даражасига кўтарилди. 1370 йилда Амир Темур Кешдан Балхга юриш қилиб, Амир Ҳусайн қўшинларини енгди, рақибини қатл қилди ва унинг хотинларидан бири Сароймулкхоним (Бибихоним)га уйланди. Хон қизига уйланганлиги муносабати билан Амир Темур «кўрагон», яъни «хоннинг куёви» номини олди.

Ўша 1370 йилиёқ кўчманчи зодагонлар, ўтроқ феодаллар ва мусулмон руҳонийлари Амир Темурни Мовароуннаҳр амири деб эълон қилдилар. Амир Темур Самарқандни давлатнинг пойтахтига айлантирди, ўз яккаҳокимлиги ва давлати чегараларини мустаҳкамлаш мақсадида исёнчи амирларга қарши қатъий кураш бошлаб юборди. У Еттисув ва Шарқий Туркистонга юришлар қилди, 1388 йилга келиб Хоразмни узил-кесил забт этди.

1380 йилдан Амир Темурнинг бошқа мамлакатларга юришлари бошланади: 1381 йилда Ҳиротни, 1383 йилда Сейистонни эгаллайди. 1386 йилдан «уч йиллик юриш», 1392 йилдан «беш йиллик юриш» ва 1399 йилдан эса «етти йиллик юриш»ларни бошлаб, уларни изчиллик билан амалга оширади ва натижада Кавказ, Эрон ҳамда Ироқни ўз давлатига бўйсундиради, Олтин Ўрда хони Тўхтамишни Марказий Осиёдан ҳайдаб чиқаради. 1395 йилда Амир Темур Тўхтамиш қўшинларининг Кавказортига ҳамласини қайтариб, уларни тор-мор қилди ва Москвадан 400 километр масофада жойлашган Елец шаҳригача қувиб борди, Олтин Ўрда пойтахтини ишғол қилиб, 1396 йилда Самарқандга қайтди.

Амир Темур 1398 йилда Ҳиндистонга юриш бошлаб, Лохурни ва Дехлини эгаллади, 1400 йили Ҳалаб (Алеппо)ни, 1401 йилда Дамашқни олди, 1402 йилда Усмонли Туркия султони Боязид Йилдиримнинг қўшинларини тор-мор келтирди.

1404 йилда Самарқандга қайтиб, Хитойга юришни тайёрлашга киришди ва 1405 йилда қўшинлари билан йўлга чиқиб, Тошкентдан шимоли-шарқдаги Ўтрор шаҳрига келганда касалланиб вафот этди.

Амир Темур юришларида 20 дан ортиқ мамлакатни забт этди, Олтин Ўрда хони Тўхтамишни енгиб, Қадимги Русни мўғуллар истибодидан қутқарилишини осонлаштирди, Туркия султони Боязид Йилдиримни енгиб, Болқон яримороли халқларини маълум муддат мустабидликдан сақланиб қолишига сабабчи бўлди.

✓ Амир Темурнинг саркардалик маҳорати дунё аҳамиятига эгадир: жаҳон ҳарбий академияларида қулдорлик даври ҳарбий санъатининг энг ёрқин вакили сифатида Александр Македонский, ўрта асрлардан — Амир Темур, капитализм давридан Наполеоннинг саркардалик маҳорати ўрганилади.

Амир Темур давлатни мустаҳкамлашда савдогарларга, хунармандларга, шайхларга ва ислом динига таянди, ички ва ташқи савдони йўлга қўйди, илм-фан, адабиёт, санъат тараққиёти учун қулай шароитлар яратди, забт этилган мамлакатлардан олиму фузалоларни, илоҳиётчиларни, санъат намояндalarини Самарқандга олиб келди. Натижада меъморчилик, рассомчилик, наққошлик юксак чўққиларга кўтарилди. У Самарқандни жаҳоннинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айлантирди, атрофидаги қишлоқларга Бағдод, Қоҳира, Дамашқ, Фориш (Париж) каби номларни бериш билан пойтахтнинг мавқеини оширишга ҳаракат қилди, қатор хорижий мамлакатлар билан, шу жумладан, Франция, Испания, Генуя, Англия билан алоқалар ўрнатди.

Марказий Осиё Уйғониш даври Амир Темур ва унинг авлодлари ҳукмронлиги йилларида мустаҳкам негизга эга бўлди.

АНЪАНАЛАР — жамият ҳаёти турли соҳаларининг, моддий ва маънавий фаолият шаклларининг, кишилар ўртасидаги алоқалар ва муносабатларнинг авлоддан-авлодга ўтиши, аجدодлар ҳаёти, белгилари ва хусусиятларининг такрорланиш тарзи; дунёда анъаналар ва урф-одатларга эга бўлмаган миллат ёки элат йўқ. Шу маънода, анъаналар бутун инсониятга хос тушунчадир. Анъаналарга турли хил — мафкуравий, синфий, партиявий — муносабатда бўлиш, бир ҳудуд ёки халққа хос анъаналарни бошқа ҳудуд ёки халқ нуқтаи назаридан баҳолаш нотўғри. Анъаналарда, бир томондан, мерос қолдириш ва ижтимоий ворисликни, иккинчи томондан эса, янгиланиш ва навқиронликни яққол кузатиш мумкин.

Анъаналар халқларнинг тарихий ривожланиши жараёнида шаклланади ва сайқалланади. Давр талабига жавоб берган анъаналар унутилмайди, авлодларга мерос қолади, халқ ҳаётининг таркибий қисмига айланади. Ҳар бир эл, миллат ёки халқ ўз анъаналарини ривожлантиради, асраб-авайлайди. Анъаналарда халқ даҳоси, турмуш тарзи, маданий камолот даражаси акс этади. Унда миллий онг ва миллий қиёфа гавдаланади. Анъаналарни менсимаслик, улар мансуб халқ ёки миллатни ҳурмат қилмасликдир. Анъаналар ёшларни тарбиялаш, уларга кекса авлоднинг тажрибаларини ўзлаштириш воситаси ҳамдир. Кўпмиллатли давлатларда фақат битта миллатга хос бўлган анъаналарга эмас, балки барча миллат-

ларнинг анъаналарига эътибор бериш лозим. Бу — умуминсоний талабдир.

Анъаналар кишиларни бошқариш, уюштириш, уларнинг ҳамжиҳатлигини таъминлаш каби вазифаларни ҳам бажаради.

Анъаналарда нафақат ижобий, балки салбий жиҳатлар ҳам сақланиб қолиши ёки салбий анъаналар бўлиши ҳам мумкин. Бу эса анъаналарнинг намоён бўлиши ва сақланиб қолиши билан боғлиқ.

Эндиликда мустақил Ўзбекистонда ижобий анъаналарни асраб-авайлаш, уларни яқин ўтмишдаги мафкуравий таъсирлардан поклаш, мамлакатимиздаги маънавий янгиланишнинг воситаларидан бирига айлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараён мамлакатимиздаги миллий тикланиш, мустақилликни мустақкамлашнинг таркибий қисми бўлиб қолди.

Анъаналар худди жамиятдаги бошқа нарсалар сингари эскирадилар, аста-секин сафдан чиқиб, истеъмолдан четда қоладилар. Аммо, бу жараён ниҳоятда мураккаб. Чунки асрлар давомида кишилар ўрганган одатларни тўсатдан улоқтириб ташлаб бўлмади: баъзи анъаналар нисбатан тез, баъзилари эса ниҳоятда секинлик билан жамият эътиборидан четда қолади. Анъаналарнинг бу хусусияти уларнинг онг билан боғлиқлигидадир. Масалан, инсоният тараққиёти жараёнида умумжаҳон жараёнлари гирдобига тортилган баъзи қабилалар ҳар йили табиат кучларига одамни (одатда, бўйи етган қизни) қурбон қилиш анъанасидан осонгина воз кечдилар. Худди шу тариқа баъзи миллатлар ва элатлар «Қонга — қон, жонга — жон» деган, асрлар давомида сақланган ўч олиш анъанасидан нисбатан осон қутулдилар. Айни чоғда кўпчилик анъаналар сақланиб қолмоқда ва ҳаттоки бойимоқда (меҳмондорчилик, худойилар, турли диққатга сазовор саналар, тантанали маросим ёки маърака ва ҳоказо).

Ватанга муҳаббат, оилага садоқат, ота-онага меҳр-муҳаббат, қарияларга иззат-ҳурмат каби анъаналар умуминсонийдир. Чунки улар ҳар бир миллатда, элатда ва эл-юртда бор. Уларнинг намоён бўлиши эса ҳар бир халқда турлича. Бундай хилма-хиллик халқнинг, элнинг тарихи ва ҳаётий шарт-шароитларига боғлиқ. Масалан, ҳиндлар билан ўзбеклар, италянлар билан мўғуллар анъаналарини қиёсласак, улар қанчалик фарқланишини яққол кўрамиз. Шунинг учун анъаналарга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлмоқ зарур. Бу қоидага риоя қилмаслик шўролар даврида жамият ва миллатлар ҳамда элатлар ҳаётида кўплаб зиддиятлар ва қийинчиликларга сабабчи бўлди.

(Яна қаранг: «Миллий анъаналар».)

АТ-ТЕРМИЗИЙ (тўлиқ исми-шарифи Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Шадлод ал-Буғий ат-Термизий, таваллуд йили номаълум — 883 ёки 892—893 йилларда вафот этган) — мусулмон оламида машҳур йирик муҳаддислардан ҳамда Қуръони карим тафсиричлари орасида энг етуқларидан бири. Бу инсонни Абу Абдуллоҳ ал-Ҳаким ат-Термизий (X асрнинг биринчи чорагида вафот этган) ва бошқа Термизийлар билан чалкаштирмаслик лозим.

Ат-Термизий ёшлигидан мукамал олий мусулмон таълимини олган. Ҳадислар тўплаш мақсадида Хуросон, Ироқ, Ҳижоз диёрларида саёҳат ва зиёратда бўлган, яшаган, ўша даврнинг маълум ва машҳур олимлари раҳбарлигида таҳсил олган, мустақил ижод қилган. Унинг дунё тан олган асарлари кўп. Хусусан, «Ал-Жомеъ ас-саҳийҳ», «Аш-шамоил ан-Набавия» машҳурдир. Ат-Термизий зуҳд (тоат-ибодат), куня (исм-лақаб), шунингдек, шариат, тарих, тафсир ва тасаввуф илмлари билан шуғулланган, балоғатли асарлар қолдирган.

Пайғамбар ҳадисларини тўплаш ва ўрганишда Абу Исо ат-Термизий икки йўлдан борган: биринчидан, ҳадислар иснодлари (нисбат бериш занжири)нинг боғланишига танқидий ёндошган. Иккинчидан, ҳар бир ҳадис атрофидаги мазҳаблараро нуқтаи назарлар курашига эътибор қилган, холисона таҳлил ва талқин қилган. Бу ишда у машҳур имомлар изидан бориб, исломга мақсадга мослашиш тамойилларини киритган, мусулмон Шарқидаги ҳурфикрлилик, илмий-фалсафий, диний-ахлоқий тафаккурнинг кенг қамровлигини, умуман, исломнинг замон шарт-шароитларига ўта мослашувчанлик қобилиятини шакллантирганлардан бири бўлган. У шариатда инсонпарварлик майлларининг кучайишида катта роль ўйнаган.

Афсуски, истибдод даврида Имом ат-Термизий ҳаёти ва ижодини ўрганиш тақиқ остида эди, чунки у «реакцион фалсафий оқим тарафдори, мутасаввуф» деб эълон қилинганди. Мустақиллик шарофатидан буюк олимнинг асарлари унинг Ватанида нашр этилмоқда, ҳаёти ва ижоди ҳар томонлама ўрганилмоқда.

«Б»

БАЙНАЛМИЛАЛЧИЛИК (арабча «байналмилал» — миллатлараро) — жаҳондаги барча миллат ва элатларнинг тенглиги, ҳамжиҳатлиги назарияси ва амалиёти. Инсоният тарихи турли миллатлар ва элатлар орасида иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий алоқалар ўрнатилиб, уларнинг тобора мустақамланиб бориши жараёндир. Буларнинг орасида



батларсиз ижтимоий тараққиёт амалга ошмайди. Бироқ, бу асосий тамойилга зид ўлароқ, ўзларининг хусусий манфаатларини кўзлаган баъзи давлатлар, миллатларни ва элатларни бир-бирларидан ажратиб қўядилар, узоқлаштирадилар. Ҳолбуки, дунёдаги барча миллат ва элатларнинг асосий мақсади — тинч-тотув яшаб, фаровон ҳаёт кечиришдир. Бундай асосий ғояни амалга ошириш ниҳоятда қийин. Чунки ҳар бир миллат ва элат доим маълум ҳукмрон синфлар ва гуруҳларнинг манфаатларини акс эттирувчи мавжуд сиёсий тузум, назария ва мафқуранинг таъйиқида бўлади.

Байналмилалчилик миллатчилик ва миллий биқиқлик хато ва камчиликларини очиб ташлаш жараёнида вужудга келди. Мустабид шўролар тузуми давридаги ҳукмрон назария ва мафкура байналмилалчиликни бир томонлама таърифлар, уни фақат бутун дунё меҳнаткашларининг капитализмга қарши, социализм ва коммунизм учун курашда бирлиги тарзида талқин қилар, яъни байналмилалчиликка ишчилар синфий курашининг воситаларидан бири сифатида қарар эди. Ваҳоланки, байналмилалчилик умуминсоний воқеа бўлиб, давлатлар ўртасидаги чегаралар ва турли тўсиқлар меҳнаткашларга ҳам, бошқа ижтимоий гуруҳларга ҳам путур етказмаслиги кераклигини тавсифлайди. Халқлар, миллатлар, элатлар, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳар бир инсон, ҳар бир ижтимоий гуруҳ ёки табақанинг манфаатларига монандлигига эришиш — умумбашарий вазифалардан биридир.

Бозор иқтисоди шароитида байналмилалчиликнинг моҳияти, мазмуни ва шакли тубдан ўзгаради. Чунки бозор иқтисоди миллатлар, элатлар, ижтимоий гуруҳлар ва давлатлар муносабатларида инсон, миллат, элат ва давлатнинг тadbиркорлиги ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқара олишини, халқаро ҳуқуқ, демократия ва инсонпарварлик қоидаларига риоя қилишни биринчи ўринга қўяди. Демак, бозор иқтисоди шароитида синфий ва миллий имтиёзлар ёки камситишлар ўрнини тadbиркорлик, ташаббускорлик, ғайрат-шижоат, ишчанлик, бозор қонунлари талабларини ҳар томонлама ўрганиш, янги техника, технология ҳамда фан ютуқларидан самарали фойдаланиш эгаллайди.

Мустақил Ўзбекистон байналмилалчиликнинг эскича, бир ёқлама синфий талқинидан воз кечиб, уни янгича талқин этиш ва шу асосда иш олиб бориш жараёнини кечирмоқда, ички ва ташқи сиёсатини шу негизга қурмоқда.

БАРҚАРОРЛИК (ИЖТИМОЙИ, ЖАМИЯТДАГИ) — тинчлик, осойишталик ва ижодий меҳнат муҳити қатъий, узил-кесил ҳамда мустаҳкам ўрнатилган муқим шароит. Барқарорлик ҳар қандай бунёдкорлик фаолиятининг замини ва

зарурий шартидир. Инсониятнинг шу кунларгача кечирган тарихи — барқарорлик ва беқарорликдан (яъни синфий, ҳарбий, қабилавий ва гуруҳий қарашлар, тўқнашувлар, шафқатсиз урушлар саҳифаларидан) таркиб топган. Беқарорлик натижасида барқарорлик даврида яратилган моддий ва маънавий бойликлар нест-нобуд қилинган, жамият тараққиёти сустлашган. Бундай жараёнлар кишилар онгига асрлар давомида чуқур сингиб кетган бўлса-да, инсоният тарихи, хусусан, охириги беш аср давомида, жамиятни илмий асосда бошқариш имкониятларини излаш ва топишни тақозо этди. Бу йўналишдаги қарашлар Томас Морнинг «Утопия» (1515—16), Томазо Кампанелланинг «Қуёш шаҳри» (1602) асарида баён қилинади; назарий-амалий изланишлар социал-утопистлар фаолиятида давом этади.

Собиқ СССР ўрнида вужудга келган мустақил давлатлар барқарорлик ва бунёдкорлик йўлига ўтиш чораларини изламоқдалар. Бироқ, сиёсий тажрибасизлик, демократия қонунқоидалари ва талабларини юзаки талқин қилиш натижасида уларнинг аксарияти оғир кунларни бошдан кечирдилар ва кечирмоқдалар. Мустақил Ўзбекистонгина бу борада яхши натижаларга эриша олди. Чунки, мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ мамлакатимиз раҳбарияти барқарорликни таъминлаш учун ҳамма зарур чора-тадбирларни кўрди, барча ижтимоий, шу жумладан, мухолафатчи кучларни мавжуд вазиятдаги ягона тўғри барқарорлик ва ўзаро ҳамкорлик сари йўналтирди. Барқарорлик туфайли Ўзбекистоннинг ижобий натижаларга эришаётганлигини жаҳон жамоатчилиги ҳам эътироф қилмоқда.

БЕРУНИЙ АБУ РАЙҲОН (973—1048) — жаҳон, хусусан, Шарқ маданияти, фанининг ёрқин сиймоларидан бири, ўрта асрлар даврининг буюк қомусий олими (тўлиқ исми-шарифи Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний) Хоразмда туғилди, она юртида таълим олди ва замонасининг энг йирик олимларидан бўлиб етишди. 1973 йилда ЮНЕСКО ташаббуси билан Беруний таваллудининг 1000 йиллиги жаҳон миқёсида кенг нишонланди.

Беруний Хоразмшоҳ Маъмун раҳнамолигида Урганчда вужудга келган ўз даврининг энг йирик илмий марказларидан бири — Маъмун академиясида фаолият кўрсатди. Кейинчалик эса ҳар хил сабабларга кўра Ғазна шаҳрига кетишга мажбур бўлди, она юртидан йироқда ҳам йирик фан ва жамоат арбоби сифатида катта обрў қозонди.

Абу Райҳон Берунийнинг ўрта асрлар фанларига, хусусан, астрономия, физика, математика, геодезия, география, геология, фармакогнозия, фалсафа, хронология, фанлар тарихи ва бошқа фанларга қўшган улкан ҳиссаси уни бутун

дунёга танитди. У ўрта асрлар шароитида ҳақиқий илмий табиатшуносликка асос солган алломалардан бири бўлиб, турли соҳаларда ўз даври учун таажжубга солувчи фикрлар, хулосалар ва илмий фаразларни олға сурган эдики, улар бир неча асрлардан сўнг Оврупо илмида ўз исботини топди. У ҳақиқий тажрибага, кузатишга, экспериментга асосланувчи аниқ илмий тафаккурни бошлаб берувчилардандир. Аниқ илмий ёндошув асосида машҳур юнон мутафаккири Аристотель қарашларини ривожлантирди, заиф томонларига эса танқидий нуқтаи назардан ёндошишга ҳаракат қилди.

Беруний комил инсонпарвар сифатида халқлар дўст-иноқ ва бирдамликда яшаши учун курашди, инсониятга, у яратган фан ва маданиятга қирғин келтирувчи урушларни қоралади. Алломанинг Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда амалга оширган кенг илмий-тадқиқот ишлари халқлар ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳамкорлик, маданий, илмий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган эди. Берунийнинг эътиқодига кўра, ҳар бир халқ ижтимоий ва маънавий ривожланиш учун ҳақиқий мустақил бўлиши керак. Шунинг учун Беруний Султон Маҳмуд Ғазнавий томонидан Ҳиндистонга уюштирилган юришлар ҳинд маданиятига катта зарар келтирилгани тўғрисида очикдан-очик ёзади. Қомусий олим аввало чинакам ватанпарвар бўлиб, бутун фикри-зикри, фаолияти халқи ва диёри мустақиллиги ҳамда ривожланишини таъминлашга йўналтирилган эди. У бундай эзгу ишга ҳам буюк олим, ҳам йирик ижтимоий-сиёсий арбоб сифатида салмоқли ҳисса қўшди. Асарларида Хоразм халқининг қадим ва бой маданияти ва фанини юксак баҳолайди, Ибн Қутайба бошчилигидаги араб истилочилари томонидан келтирилган талафотлар тўғрисида дарғазаб ёзади.

Беруний улкан мерос, ўз даври илм-фанининг турли соҳаларига оид 160 дан ортиқ асарлар, бир неча тиллардан бажарилган таржималар, турли ёзишмалар қолдирди. Улар орасида жаҳон фанида энг ишончли ва муҳим манбалар сирасига киритилган «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Геодезия», «Ҳиндистон», «Масъуд қонуни», «Сайдана» (Минералогия) каби асарлари алоҳида ўрин тутади. Ўрта асрлардан бошлаб, хусусан XIX асрда, унинг асарлари лотин, француз, инглиз, олмон, форс, турк тилларига ўтирилди.

Ўзбекистон олимлари Беруний меросини ўрганишга катта ҳисса қўшмоқдалар. Асосий асарларини қамраган кўп жилдлик сайланма нашрлар ўзбек ва рус тилларида Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан чоп этилди. Ҳозирги кунда улуғ аллома меросига жаҳон миқёсида қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистонда фан ва техника соҳасидаги энг яхши асарлар учун бериладиган Давлат мукофоти Беруний номи билан аталади.

БЕХБУДИЙ МАҲМУДХҲҲЖА (1875 йил, Самарқанд — 1919 йил, Қарши) — руҳоний оиласида таваллуд топган, эски мактаб ва мадрасада ўқиган, қозихоналарда мирзолик ва муфтилик қилган. Шу боисдан баъзи мақолаларига «Муфти Маҳмудхўжа Бехбудий» деб имзо чеккан. Арабистон, Миср, Туркия сингари Шарқ мамлакатларига сафар қилган (1900—1914), шунингдек, Қозон ва Уфага (1903—1904) борган.

Маҳмудхўжа Бехбудий Туркистонда янги «усули жаид» мактаблари зарурлигини назарий асослаган ва уларни ташкил этишга йўналтирилган катта ишларга раҳнамо бўлган. Бундай мактаблар учун у юздан ортиқ дарсликлар ва қўлланмалар ёзиб, чоп эттирган: «Мунтахаби жуғрофийайи умумийа» (Қисқача умумий жуғрофия), «Китобатул-атфол» (Болалар мактублари), «Мухтасари тарихи исломийа» (Ислом қисқача тарихи), «Амалиёти ислом» (Ислом амалиёти), «Мадхали жуғрофийайи умроний» (Аҳоли жуғрофиясига кириш), «Мухтасари жуғрофийайи Русийа» (Россия қисқача жуғрофияси) ва бошқалар шулар жумласига киради.

Маҳмудхўжа Бехбудий Туркистонда жаидчилик ҳаракатининг асосчиси ва карвонбошисидир. У давр тақозоси ва эҳтиёжи ўртага ташлаган масалалар ва муаммоларни ҳал этиш йўлларини шакллантиришда таниқли тараққийпарвар зиёли, олим, жамоат арбоби Исмоил Гаспралининг (Кримдаги Гаспра шаҳарчасидан, русчада — Гаспринский) илғор ғояларини кенг тарқатувчилардан бири бўлди. Шу мақсадда Бехбудий 1913 йилда «Самарқанд» газетасини ва «Оина» журналинини чиқара бошлади. «Оина» ўлкада чиқа бошлаган ўзбек тилидаги биринчи журнал эди. «Самарқанд» газетаси 45-сонидан кейин моддий танглик сабабли тўхтади. 1913 йилда чоп этилган «Падаркуш» пьесаси бир йилдан кейин Тошкентда «Турон» труппаси томонидан сахналаштирилди ва муаллифга катта шуҳрат келтирди.

Маҳмудхўжа Бехбудий фаолияти ва унга боғлиқ дунёқарашида қуйидаги уч қонидани олға сурди: 1) замон талабларидан келиб чиқиб иш кўриш; 2) миллат тақдири ва истиқболини белгилловчи миллий кадрларни етиштириш; 3) миллий биқиқликдан чиқиб, дунё миқёсида фикрлай оладиган, чет эллар билан сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий муносабатлар ва мулоқотларда жаҳон андозалари даражасида иш юритадиган миллатга айланиш. Асримиз бошларида илғари сурилган бу қарашлар ҳозирги даврга ҳамоҳангдир ва бу нарса улўф сиймо нақадар узоқни кўра билганидан далолат беради.

Бехбудий 1917 йилдаги Октябр тўнтаришини қабул қилмади. Бироқ, у янги ижтимоий муҳитга мослашишга мажбур эди: 1918 йилда Самарқандда тузилган «Мусулмон ишчи ва деҳқон шўроси»да маориф комиссари лавозимида ишлай

бошлади. У бевосита мактабларни ташкил этиш, ўқув тизимини ислоҳ қилиш, дарсликлар яратиш имкониятига эга бўлади. Худди шу даврда «Янги ҳисоб» дарслигини ёзиб нашрдан чиқаради.

Маҳмудхўжа Беҳбудий жамиятни табақалаб, пролетариат-йўқсуллар ғояси асосида ҳаётга ёндошишга қарши чиқди. Аксинча, у бирлашган «Муттаҳид фронт» ғоясини баён қилар экан, «уламо ила зиёли ва тараққийпарварларимиз, бой ва авомимиз бирлашиб, дину миллат ва Ватаннинг ривожини учун хизмат этсак», дейди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий даҳоси шу қадар ўткир бўлганки, у деярли юз йил муқаддам мустақиллик туфайли биз эндиликда ҳал эта бошлаган вазифаларни белгилаб берган эди. Жамиятдаги қора кучлар алломани кўролмасди: 1919 йилда Бухоро амири уни «большевикларнинг айғоқчиларидан» деб айблади, унинг жосуслари Маҳмудхўжа Беҳбудийни Қарши шаҳрига келтириб пинҳона қатл этдилар.

Буюк маърифатпарварнинг ғоялари, фаолияти тарихда қолди ва орзу-умидлари мустақиллик шарофатидан рўёбга чиқмоқда.

БИРЖА (лотинча «bourse» — ҳамён) — стандартлар, яъни андозалар ёки намуналар бўйича сотиладиган оммавий товарларнинг мунтазам фойдаланиладиган савдо шаклидан бири бўлиб, товар биржаси, қимматбаҳо қоғозлар (акциялар, облигациялар ва бошқалар) биржаси, фонд биржаси, валюта, яъни чет эл пуллари биржаси ва шу каби турларга бўлинади. Ишчи кучидан оқилона фойдаланиш ва шу асосда ишга жойлаш масалалари ҳам меҳнат биржаси орқали амалга оширилади.

Биржа мунтазам иш олиб борувчи улгуржи бозорнинг энг ривожланган шакли бўлиб, унда товарлар стандартлар, яъни андозалар ва намуналар бўйича алмаштирилади, қимматбаҳо қоғозлар ва валюта сотилади. Биржанинг ярмаркадан фарқи шундаки, товарларни сотиш чоғида мавжуд товарлар юзасидан битишувлар амалга оширилмайди. Биржалар даставвал Ғарбий Оврупо мамлакатларида XV—XVI асрларда пайдо бўлдилар. Саноат инқилоби ҳамда ишлаб чиқаришнинг асосан машиналарга суяниши савдо ҳажми ва товарлар хилма-хиллигини чексиз даражада кўпайтириб юборди, товарлар сифатининг ўхшашлигига ва уларни етказиб беришда мунтазамликни таъмин этиш масалаларига талабни беқиёс оширди. Биржалар ана шу шарт-шароит ва талабларга мослаша бориб, олди-сотдини ташкил қилиш, савдо қоида ва тартибларини қайд қилиш билан бирга, товарларга нисбатан стандартларни, яъни асосий талабларни (масалан, ашёларнинг сифати, кимёвий таркиби, физикавий хусусиятлари, ўлчов ва

оғирлиги жиҳатидан маълум шартларга жавоб бериши масалаларини белгилаш ва аниқлаш, намунавий контрактларни тайёрлаб қўйиш, нархларни котировка қилиш, умуман, аҳборот фаолияти) ишлаб чиқариш ҳам товар биржаларининг муҳим вазифаларига айланди. Биржалар аста-секин халқаро савдо марказлари даражасига кўтарилдилар.

Шўролар даврида биржалар 1930 йилгача мавжуд бўлиб, кейинчалик, капитализмгагина хос ва социализмга ёт муассаса деган баҳона билан йўқ қилинди. Ҳолбуки, биржалар ҳозирги замоннинг мураккаб ва кўпқиррали ижтимоий ҳамда иқтисодий ҳаётини шакллантиришда, жамиятда маромлик ва барқарорликни таъмин этишда кўмакчи омил сифатида ижобий ўрин тутиши шубҳасиздир. Мустақил Ўзбекистон бу борада илғор давлатларнинг тажрибасини ўрганиб, ўзида биржалар тизимини ташкил этмоқда.

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ (БМТ) —

Ер юзидан тинчликни ва хавфсизликни таъминлаш, давлатларнинг ва миллатларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида 1945 йилда Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан ғалаба қозонган мустақил давлатларнинг ихтиёрий бирлашиши асосида тузилган халқаро ташкилот. Шундай халқаро ташкилот тузиш зарурати Биринчи жаҳон урушидан кейиноқ маълум бўла бошлади. Шу мақсадда 1919 йилда «Миллатлар Иттифоқи» номли халқаро ташкилот таъсис этилиб, 1946 йилгача Швейцариянинг Женева шаҳрида фаолият олиб борди. Аммо, у даврда демократик ва тинчликсевар кучлар уюшқоқ эмаслиги ва заифлиги туфайли Миллатлар Иттифоқи халқларнинг умидларини оқламади, Биринчи жаҳон урушидан ғалаба билан чиқиб, етакчи мустамлакачи давлатларга айланган Буюк Британия ва Франциянинг қуроли бўлиб қолди. Иккинчи жаҳон уруши давомида ва ундан кейинги йилларда 1919—1939 йиллар қолдирган салбий тажриба инobatга олинди, тегишли хулосалар қилинди ва ўтмиш сабоги янги халқаро ташкилотнинг тубдан бошқача бўлишини талаб қилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тўғрисидаги дастлабки фикрлар 1942 йилда тажовузкор гитлерчи давлатларга қарши кураш олиб бораётган мамлакатлар раҳбарлари ва намояндлари томонидан ўртага ташланди, 1943 йилда Буюк Британия, АҚШ, СССР ва Хитой ташқи ишлар вазирларининг қўшма кенгашида бу фикр аниқ ифодаланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми 1944 йилда худди шу тўрт давлат вакилларининг Думбартон-Оксдаги конференциясида ишлаб чиқилди ва 1945 йил июнида Сан-Францискодаги Таъсис конференциясида имзоланиб, 1945 йил 24 октябрдан кучга кирди.

1945 йилнинг 24 октябри шу боисдан *Бирлашган Миллатлар Ташкилоти* куни сифатида нишонланади.

Табиийки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига турли давлатлар турлича ёндошадилар. Шу сабабли ўз фаолияти даврида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти сиёсий кучларнинг кураш сахнаси бўлиб келди. Жумладан, собиқ Совет Иттифоқи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан синфий ва мафкуравий кураш воситаси сифатида фойдаланишга интилди. Аммо, охир-оқибатда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқлар ва мамлакатлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириш ва мустақамлаш воситаси сифатида танилмоқда. Буни собиқ Югославия, Ироқ ва Фаластин-Исроил мисолларида, мустамлакачилик тизимини барбод этишда, давлатларнинг мустақиллик ҳуқуқини ҳимоя қилишда ва бошқа шу каби вазиятларда кўриш мумкин.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мавқеи ва обрўси йил сайин ошиб бормоқда. Унга аъзо бўлишни ва аъзоликка қабул этилишни ҳар бир мустақил давлат фахрли қадам деб билади, чунки бундай воқеа ушбу давлат жаҳон демократик давлатлар ҳамжамиятига қабул қилинди ва кирди деган маънони билдиради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз таркибига кўра 6 асосий орган, шунингдек, бу асосий органларга кўмаклашиш учун тузилган маълум миқдордаги кўмита ва комиссиялардан иборат.

Бош Ассамблея — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг энг нуфузли органидир. Унинг ҳар йили сентябрь ойида чақириладиган сессияларида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолари бўлган барча давлатларнинг делегациялари қатнашадилар.

Хавфсизлик кенгаши 15 давлат вакилларида ташкил топади. Уларнинг 5 таси доимий аъзо (АҚШ, Россия, Хитой, Франция ва Буюк Британия), қолганлари ҳар икки йилда алмашилиб турадилар. Хавфсизлик кенгаши давлатлар ўртасидаги тортишувлар, тажовуз ва агрессиянинг олдини олиш, янги аъзолар қабул қилиш ва бошқа масалаларни ўрганаяди, қарорлар қабул қилади ёки тавсиялар беради.

Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш халқаро ва ижтимоий ҳамкорлик соҳаларига оид масалалар билан шуғулланади. *Васийлик кенгаши* тобеъ ҳудудлар масалаларини назорат этиб боради; *Халқаро суд* эса халқаро сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ҳудудий масалаларни ҳал этишда юзага келган барча муаммолар бўйича, вазият талаб қилганда, ўз фикрини айтади ёки ҳукмини чиқаради. БМТ *Котибияти* ташкилотнинг кундалик ишини таъмин этади.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига 1992 йил 2 мартда қабул қилинди, унинг

байроғи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳи олдида бошқа давлатлар байроқлари қаторидан жой олди. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, қўшни Афғонистонда биродаркушлик урушини тўхтатиш, Марказий Осиёни ядро қуролидан озод зонага айлантириш, наркобизнесга қарши курашда барча давлатлар хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, Марказий Осиёда экологик вазиятни соғломлаштириш мақсадларида, яъни умумманфаат йўлида фойдаланмоқда.

БОБУР ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД (1483, Андижон — 1530, Агра) — ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили, тарихчи олим, теурий ҳукмдорларнинг машҳур намояндаларидан бири, «Буюк мўғуллар империяси» деб ном олган ва Ҳиндистоннинг ярмидан кўпини эгаллаб турган бобурийлар давлатининг асосчиси. Отаси Умаршайх Мирзо Амир Темурнинг эвараси, Фарғона вилоятининг ҳокими бўлган. Онаси Қутлуғ Нигор хоним Тошкент ҳокими Юнусхоннинг қизи.

Бобурнинг болалиги асосан Андижон ва унинг атрофларида ўтди. У сарой муҳотида ўқиди ва тарбия топди, ёшлигидан илм-фанга, шеърятга қизиқа бошлади. Довжураклиги ва жасурлиги учун у ёшлигидан «Бобур» (шер) лақабини олган.

Отасининг вафотидан кейин ўн икки ёшида тахтга чиқди. 1504 йилда Амир Темур империясини қайта тиклаш учун олиб борган кўпийиллик кураши қутилган натижани бермагандан сўнг, Афғонистонга ўтади ва у ерда тарқоқ афғон ва турк қабилаларини бўйсундириб, 1508 йилда ўзини расмий равишда уларнинг подшоҳи деб эълон қилади.

Ўз давлатини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун курашиб, Ҳиндистонга вақти-вақти билан ҳужум қилиб, уни жиддий ўрганиб боради ва ниҳоят, 1526 йилда Деҳли яқинидаги жангда 12 минг аскар билан 100 минггача аскар, икки минг ҳарбий филга эга ҳинд подшосини енгади, жангда биринчи марта порох ишлатади, ўзининг ўткир лашкарбоши эканлигини кўрсатади. Бобур ўз давлати пойтахтини Ҳиндистонга кўчиради, у ердаги тарқоқликка барҳам беради, янги ҳудудларни босиб олинган ер деб қарамайди, мамлакат иқтисоди, маданияти ва мавқеини кўтариш учун астойдил ғайрат билан, кенг миқёсда иш олиб боради, олимлар, фозиллар ва орифларни ўз атрофига йиғади, тўрт ўғли ҳамда уч қизини шу руҳда тарбиялайди.

1525—1530 йилларда у ўзининг шеърый ижодини давом эттирди, ўзбек тили ва адабиётининг дурдоналаридан бири «Бобурнома» асарини яратди. У Ҳиндистонда вафот этди, ва васиятига кўра, Кобулда дафн этилган (ҳозирги «Боғи Бобур» зиёратгоҳи). Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, фаолияти Ўзбекис-

тон мустақиллигига, юртимизнинг миллий тикланиш ғояларига хизмат қилмоқда.

Бобур халқимизнинг фахридир.

БОЖХОНА — давлат чегарасидан ўтадиган ва ўтказиладиган мол-мулклар ҳамда транспорт воситаларини назорат қилувчи, шунингдек, юк эгаларидан белгиланган тартибда бож (пошлина) ва бошқа йиғимларни ундирувчи давлат муассасаси. Божхона давлатнинг иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилувчи органлардан биридир. Мамлакатдаги божхоналар тизими одатда Давлат солиқ қўмитасининг Бош божхона бошқармаси, ҳудудий божхона органлари, божхоналар, божхона постларидан ташкил топади. Ўзбекистонда улар устидан раҳбарликни Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади. Бож ишлари «Божхона кодекси» ва «Бож тарифи тўғрисида» қонун ва, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси имзолаган халқаро шартномалар билан тартибга солинади.

Бож органларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

— Ўзбекистон Республикаси бож сиёсатини ишлаб чиқишда иштирок этиш ва бу сиёсатни амалга ошириш;

— ўз ваколати доирасида республика иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш;

— Ўзбекистон Республикаси иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш;

— бож тўловларини ундириш;

— контрабандага қарши кураш олиб бориш;

— ташқи савдо бож ҳисоботини олиб бориш;

— давлат хавфсизлигига хизмат қилиш;

— жамоат тартибини, кишиларнинг ҳаёти ва соғлигини, ҳайвонлар ва ўсимликларни муҳофаза қилиш;

— атроф муҳитни муҳофаза қилиш чораларини амалга оширишда ёрдам бериш;

— ўз ваколати доирасида валюта назоратини амалга ошириш ва ҳоказо.

Мустақил Ўзбекистон божхоналари шу қоидалар ва талаблар асосида иш олиб бориб, давлатимиз манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнамоқдалар.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ — жамият тараққиётини тезлаштирувчи иқтисодий алоқалар мажмуи. Бозор иқтисодиётининг моҳияти шундан иборатки, у барча жамият аъзоларини ишлаб чиқариш ва истеъмол орқали доимий ҳамда тўхтовсиз мусобақанинг иштирокчиларига айлантиради, шу боисдан бозор иқтисодиёти ишлаб чиқаришнинг кун сайин такомиллашувига, маҳсулот сифатининг яхшиланиб боришига, миқдорининг эса кўпайишига сабабчи бўлади. Бозор

иқтисодиёти халқнинг, омманинг ижодий ва меҳнат имкониятларини юзага чиқариб, тадбиркорлик ва ишбилармонликка йўл очади, мулкка эгалик қилиш қоидаларини такомиллаштиради, унга туртки беради. Бозор шароитида талаб ва таклифларнинг миқдори ва таркиби бир-бирига мувофиқ келиши таъминланади. Ишлаб чиқаришнинг истеъмолчи устидан ҳукмронлик қилишига чек қўйилади, бунинг учун фан ютуқлари ҳаётга ва ишлаб чиқаришга татбиқ этилади, техникавий ва технологик янгиланишнинг энг замонавий усулларида фойдаланилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий кризислар, ишсизлик, пулнинг қадрсизланиши, кўпгина корхоналарнинг ёпилиши, ишбилармонларнинг синиши ва ҳаттоки хонавайрон бўлиши, аҳоли турмуш даражаси бўйича табақаланишнинг кучайиши муқаррардир. Бу даврда сиёсий ва иқтисодий жиноятчилик ортади, чунки, ўтмишда юқоридан берилган кўрсатмалар ва давлат томонидан ажратилган маблағга ишланган бўлса, энди эркин бозорнинг шафқатсиз ва холис талабларига жавоб бера оладиган рақобатбардош маҳсулот яратиш керак, бунга эса кўплар ўргангани йўқ, орамизда хўжакўрсинга ишлайдиганлар оз эмас.

Ўзбекистон иқтисодиётнинг бозор шаклига босқичма-босқич, ижтимоий сакрашлар ва портлашларсиз ўтиб, ўз тараққиётида янги сифат даражасига кўтарилмоқда. Бу даврда давлатнинг вазифаси: аҳолини ижтимоий муҳофазалаш; унинг муҳтож қатламларига доимий ёрдам кўрсатиш; бозорни мафкура таъсиридан озод этиш; хўжалик юритиш ишларига фақат иқтисодий усуллар билан таъсир кўрсатиш.

БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЎТИШ — жамият тараққиётининг, яъни унинг бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтишининг асосий тур ва шаклларида бири.

Собиқ ҳукмрон мафкура ва назария бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга, бир сифатдан иккинчи сифатга ўтишнинг инқилобий портлаш ва ижтимоий сакраш билан боғлиқ шаклларида тан олар, босқичма-босқич, аста-секин ўтишни, янгиланишнинг таркибий қисмларини кундалик изчил фаолият натижасида битта-биттадан шакллантириб, янги сифатни юзага келтиришни, шу тариқа жамиятни ўзгартиришни асосан рад қилар ва бу — революция қонун-қоидаларидан чекиниш деб тушунтирар эди. Жаҳон ижтимоий тараққиёти тажрибаси шуни кўрсатадики, инқилобийлик, муросасизлик қулдорликдан феодализмга ва феодализмдан капитализмга ўтиш давларига нисбатан ўринли бўлган, чунки, у давларда кишилар жамият тараққиёти қонунларини билмаганлар, жамият ўз қаъридаги зиддият ва қарама-қаршиликларни ҳал этолмай, боши берк кўчага кириб қолган ва бундай вазиятларда ижти-

мой портлаш ва сакраш зарур бўлган. XX аср бу масалаларни ҳал этишнинг эскирган шаклларидадан воз кечишни, унинг ўрнига музокара ҳамда мубоҳасалар орқали консенсус, яъни ҳамма учун маъқул умум қарорни топишни, зиддият ҳамда қарама-қаршиликларни инсон онги, ақл-заковати, таҳлил қобилиятига таяниб ҳал қилиш ягона тўғри йўл ва инсон номига ярашадиган усул эканини англашга олиб келди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда ана шу йўлдан бориб, инсон ақл-заковатининг маҳсуллари, яъни фан, техника ва технология янгиликларини ўзлаштиришни ўзларига асосий вазифа қилиб қўйган АҚШ, Олмония, Франция, Япония каби давлатлар ҳозирги замоннинг илғор мамлакатларига айландилар.

Мустақил Ўзбекистон худди шундай йўл танлади ва бу нарса унинг ташқи ва ички сиёсатда энг оқил қадамидир. Ушбу мақсадни амалга оширишда давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи бўлмоғи зарур.

Иқтисодий ислоҳотлар икки асосий босқичга бўлинади. Ўтиш даврининг *биринчи босқичи*да ислоҳотлар стратегияси ва уни амалга ошириш йўллари белгиловчи ўз моделimiz яратилди. Бунда марказлашган, маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш, сифат жиҳатдан янгича хўжалик юритиш механизмини яратиш вазифаси амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда ислоҳотларнинг қонуний-ҳуқуқий базаси ривожлантирилмоқда. Биринчи навбатда давлат мустақиллигини ва иқтисодий муносабатларни муҳофаза қилувчи Асосий қонун — Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси қабул қилинди, кўпукладли иқтисодиёт негизлари яратилди. Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш жараёни амалга оширилди. Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга имтиёз берилди. Бунда қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишловчи тармоқларни ривожлантириш асос қилиб олинди. Ерга эгалик қилишнинг замонавий йўллари «Ер тўғрисида»ги қонун билан белгилаб берилди. Ташқи дунё билан ўзаро тенг ҳуқуқли, миллий манфаатларга мос келувчи савдо-сотик ва молия муносабатларини таъмин этувчи давлат механизми яратилди.

*Иккинчи босқич*да бозор тизимлари шаклланиб, солиқ, молия, пул-кредит сиёсати янада такомиллашади, макроиқтисодий барқарорлик таъминланади. Янги солиқ тизими барпо қилинади, экспорт имкониятлари кенгайтирилади, сўмнинг мавқеи ва қуввати кучайтирилиб, ташқи иқтисодий алоқаларда тўлов балансининг ижобий бўлишига эришилади. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизнинг ривожини, унинг қудрати ва обрўсини кучайтириш учун мустақам замин яратади.

Босқичма-босқич ўтиш сиёсатида мустақил Ўзбекистон раҳбариятининг, ва биринчи навбатда, Президент И.А. Каримовнинг ривожланишнинг ўта масъулиятли палласида ягона тўғри йўлни танлай ола билиши намоён бўлди. Бундай сиёсат туфайли Ўзбекистон бозор иқтисодиётига қурбонларсиз, митингбозлик, иш ташлашлар ва даҳанаки жанглрсиз ўтмоқда, жамият моддий ва маънавий бойликларининг вайрон ва яксон бўлишига йўл қўймапти, келажакнинг негизини яратмоқда.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ — Хитой, Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари, кенг маънода эса Шарқ ва Ғарб ўртасидаги қадимги савдо-сотиқ, тижорат, дипломатик ва маданий-илмий алоқалар йўли.

Буюк Ипак йўли ҳақидаги илк ёзма маълумотлар милоддан аввалги 138 йилга тўғри келади: Хитой императори Уди топшириғи билан Ўрта Осиёга юборилган элчи ва сайёҳ Чжан Цян Буюк Ипак йўлини ўрганеди ва бу тўғрида ўз таснифини беради. Буюк Ипак йўли Хитойдаги Хуанхэ дарёсининг ўрта оқимида жойлашган Сиан шаҳридан бошланиб, Ланчжоу орқали Дунхуанга келган. Бу ерда йўл иккига айрилган: биринчиси — Шимоли-ғарбий Буюк Ипак йўли — Турфон, Торим воҳаси, Қашқар, Фарғона орқали ўтиб, Самарқандгача келган. Бу ерда Буюк Ипак йўли яна иккига бўлиниб, бири Марв, Ниса (Туркманистоннинг жанубида жойлашган шаҳар, ҳозир фақат харобалари ўрганилмоқда), Ҳамадон, Бағдод ва Миср орқали Ўртаер денгизигача етиб борган. Иккинчиси Бухоро ва Хоразмга йўналган ва Хоразмда иккига бўлинган: бири Оролнинг шарқидан Жанубий Орол орқали Сақлаб юртига (Россияга) ва Сабар (Сибирь) турклари юртига борган. Хоразмда давом этган иккинчи йўл Манғишлоқ, Ҳазар (Каспий) денгизи шарқи-шимоли орқали Кавказ, Итил (русчасига Волга), Булғория (Татаристоннинг эски номи), Қрим, Қора денгиз йўли билан Оврупога борган.

Жануби-ғарбий Буюк Ипак йўли — Хўтан, Ёркент, Помир-Тяньшань тизмалари орқали ўтиб, Бактриянинг пойтахти Зарияспа (Балх)га борган. Балхда жанубий йўл иккига ажралиб, бири Ҳиндистонга, иккинчиси ғарбга йўналган ва Марвда шимолий йўл билан туташган. Марвдан Буюк Ипак йўли Парфиянинг пойтахти Ниса, Эроннинг Гекатомпил, Апалия ва Эқбатана (Ҳамадон) шаҳарлари орқали Месопотамияга чиқиб, у ердан Дамашқгача борган, Қуддус ва Мисрга йўналган.

Буюк Ипак йўли орқали турли-туман жиҳоз ва буюмлар савдо қилинган. Аммо йўлнинг номида «ипак» сўзининг борлиги Буюк Ипак йўлининг асосий аҳамияти нимадан иборат

эканлигига ишора қилади. Ғарбни мафтун қилган нарса ипак эди. Ғарб ипакни билмасди, ипак қуртини, уни парвариш-лаш, ипакни пилладан олиш, қуртни нима билан боқиш каби нарсалар ғарб кишиларига номаълум эди. Хитой ва аждодларимиз, Мовароуннаҳр усталари ипакдан турли гулли матолар тайёрлашда ҳам жаҳоннинг бошқа қисмларидан олдинда бўлиб, овруполикларни лол қолдирардилар. Мутахассисларнинг ёзишича, ипак мато ўрами ўтган замонларда, ҳали металл пул бирлиги қарор топмаган даврда, пул вазифасини ҳам бажарган.

Буюк Ипак йўли ўнлаб мамлакатлар ва халқлар ҳудудини кесиб ўтган. Унинг асосий йўналишларини қўлга киритиш ёки сақлаб қолиш учун кўп урушлар, тўқнашувлар бўлган. Ҳар бир давлатнинг ҳукмдори Буюк Ипак йўлининг имкониятларини кенгайтиришга интилган, бекатлар, карвонсаройлар, бандаргоҳлар қурдирган, карвонларни от-улов, туя ва турли абзаллар билан таъминлаган. Бундай фаолият бир томондан, юртни, мамлакатни кенг савдо-сотиққа тортиб, иқтисодни кўтарган, ва иккинчидан, давлат ғазнасига сезиларли даромад келтирган.

Буюк Ипак йўли XV—XVI асрлардаги буюк жуғрофий кашфиётлар даври бошлангандан сўнг ўз-ўзидан сўна бошлади, чунки, туя ва отга суянган карвон Ғарбий Оврупонинг елканли кема ва каравеллалари билан тенглаша олмас эди. Аммо унинг инсоният тараққиётидаги ижобий роли шубҳасиздир. Шу жумладан, Буюк Ипак йўли Марказий Осиёнинг, ва биринчи навбатда, Ватанимиз Мовароуннаҳрнинг иқтисодий ва маданий кўтарилишида жиддий ўрин тутган.

Буюк Ипак йўлининг тарихини ўрганиш — мустақил Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг таркибий ва узвий қисмидир. Аммо, афсуски, ҳануз бу борада сезиларли иш бажарилганлиги номаълум. Ва бу тушунарли, чунки яқин ўтмишдаги ҳукмрон мафкура бу масаланинг ўрганилишидан манфаатдор эмас эди. Мустақил Ўзбекистон тарихини тўлақонли қилиб ёритмоқ учун Буюк Ипак йўли ўтган давлатларнинг қадимий архив материалларини ўрганмоқ, савдо-сотиққа тегишли рақамларни қиёсламоқ, ташқи савдо-тижорат, бошқа мамлакатлардан келтирилган ва бошқа мамлакатларга жўнатилаётган ашёлар рўйхатларини тиклаш орқали Ватанимизнинг Буюк Ипак йўли даврида қўшни мамлакатлар ва халқларга, инсоният моддий ва маънавий маданиятига қилган хизматини кўрсатмоқ зарур. Бу — бизнинг инсоният ва халқимиз олдидаги бурч ва вазифамиз.

«В»

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ — баъзи давлатларда, шу жумладан Ўзбекистонда, ҳукуматнинг номи; мустақил Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати 1992 йилда қабул қилинган Конституцияга кўра Вазирлар Маҳкамаси деб номланади. Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқий мақоми, ташкил этилиши ва фаолият тартиби ҳамда ваколат доираси Конституция ҳамда унинг тўғрисидаги 1993 йилдаги махсус қонун билан мустақамлаб қўйилган. Бу қонунни тайёрлашда ҳозирги барча илғор давлатларда ҳукумат тузиш ва уни бошқаришнинг энг мукамал томонлари ва ютуқлари инобатга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти айна вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади, унинг фаолиятига раҳбарлик қилади. Вазирлар Маҳкамаси таркибини Президент тузади ва бу таркиб Олий Мажлис томонидан беш йиллик муддатга тасдиқланади. Президент Бош вазир, унинг биринчи ўринбосарини, ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, бу қарорларни Олий Мажлисининг тасдиғига киритади. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи ўз лавозими бўйича Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради.

Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари фақат Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан белгиланади, у янги сайланган парламент олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг асосий ҳуқуқий мақоми — унинг мустақил Ўзбекистон ҳукумати эканлигидадир. Унга, ўз ваколати доирасида, қонунларни, Президент фармонларини ижро этиш ва мамлакатни бошқариш бўйича катта масъулият юкланган. Амалдаги Конституцияга биноан Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни таъминлайди. Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқарув идоралари тизимида ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви муассасаларига бошчилик қилади, уларнинг ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятини ижтимоий адолат ва қонунийлик, коллегиялик ва бошқа демократик тамойиллар асосида, инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширади. Вазирлар Маҳкамаси ўзининг ялпи мажлисларида ва Раёсати йиғилишларида норматив ёки норматив бўлмаган қарорлар ҳамда фармойишлар қабул этади.

ВАЗИРЛИК — барча ҳозирги замон илғор демократик конституцион давлатларида бўлганидек, Ўзбекистон халқ хў-

жалигининг ижтимоий, сиёсий ва маданий қурилишининг йирик тармоғига раҳбарликни амалга оширадиган ҳамда шу тармоқнинг бугунги аҳволи ва келгуси ривожланиши учун жавоб берадиган марказий давлат бошқарув органидир.

Ҳар бир вазирлик махсус ваколат ва компетенциялар мажмуига эга. Вазирликни Ўзбекистон Республикаси Президенти тузади, вазият талаб қилганда тугатади ва шу масалага доир фармонларни Олий Мажлис тасдиғига киритади. Вазирликка вазир бошчилик қилади. У Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мазкур лавозимга тайинланади ва ундан озод этилади. Бу ҳақдаги Президент фармони кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади. Вазир вазирликка юклатилган вазифа ва мажбуриятлар учун шахсан жавобгардир. Вазир ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади, улар ўртасидаги вазифаларни вазир тақсимлайди ва уларнинг жавобгарлик даражасини белгилайди.

Ҳозир Ўзбекистон Республикасида 17 та вазирлик фаолият кўрсатмоқда; булар: Адлия, Алоқа, Ижтимоий таъминот, Ички ишлар, Коммунал хизмат кўрсатиш, Маданият ишлари, Меҳнат, Молия, Мудофаа, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Ташқи ишлар, Ташқи иқтисодий алоқалар, Фавқулодда ҳолатлар, Халқ таълими, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Энергетика ва электрлаштириш вазирликлари.

Вазирлик давлат марказий бошқарув органлари ичида энг нуфузлиси ҳисобланади. Бу вазирлик раҳбарлик қилаётган тармоқ ёки соҳанинг жамиятдаги ўрни, вазирликни тузиш ва тугатиш фақат Президент томонидан амалга оширилиши ва олий қонун чиқарувчи орган томонидан тасдиқланиши ҳамда вазир ҳукумат аъзоси бўлишлиги ҳоллари билан изоҳланади.

Вазирликларнинг ҳозирги кунда бажараётган асосий вазифалари энг умумий тарзда қуйидагилардан иборат:

— вазирликка топширилган соҳа ёки тармоқда давлат сиёсатини амалга ошириш;

— тармоқ ёки соҳани ривожлантириш тамойилларини, истиқболли дастурларини ишлаб чиқиш;

— тармоқда ягона илмий-техникавий сиёсатни татбиқ этиш, бу соҳадаги жаҳон тажрибасидан ижодий фойдаланиш;

— бозор муносабатлари шароитида вазирлик таркибига кирувчи корхоналарга ва ташкилотларга уларни акционерлик, жамоа, уюшма, ижара ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларга босқичма-босқич ўтишида кўмаклашиш;

— тизимга кирувчи ишлаб чиқариш субъектларига ўз имкониятларини тўла намоён этишини таъминловчи иқтисодий муҳитни яратиш ва ҳоказо.

Вазирликлар давлат бюджети ҳисобидан молиявий таъминландилар. Бозор иқтисодиётининг муҳим шартлари-

дан бири эса, бошқарув аппаратини арзонлаштириш ва қисқартириш ҳисобланади. Вазирликлар ўрнига ҳўжалик ҳисобида иш юритадиган компания ва концернлар, уюшма ва ассоциациялар пайдо бўлади. Вазирлик давлат суверенитетига дахлдор соҳалардагина сақланиб қолиши мумкин (мудофаа, адлия, ички ишлар, таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари).

Шўролар тузуми даврида вазирликлар Марказнинг буйруқларини бажарувчи ва унинг сиёсатини амалга ошириш воситалари эди. Мустақиллик туфайли вазирликлар биринчи навбатда Ватанимиз, халқимиз манфаатларини кўзлаб хизмат қила бошладилар.

ВАТАН (арабча «ватан» — она юрт) — кишиларнинг яшаб турган, уларнинг авлод ва аждодлари туғилиб ўсган жойи, ҳудуди, ижтимоий муҳити, мамлакати.

Ватан бир-бирини тақозо этувчи ташқи муҳит ва ички кечинмалар ҳамда тушунчаларни ўз ичига олади. Ташқи муҳит нуқтаи назаридан Ватан киши ёки авлодлар туғилиб ўсган ва камол топган жой, замин, ўлкадир. Ватан остонадан бошланади, деб бежиз айтмайди халқимиз. Бироқ, киши улгайган сайин, унинг Ватан ҳақидаги тушунчаси ҳам кенгайди. Натижада тили, эътиқоди, урф-одатлари ва миллий сифатлари бир бўлган авлодлар яшаган ва яшаётган жуғрофий муҳит Ватанни ифода этади. Ички тушунча ва кечинмаларни кўзда тутиб фикр юритсак, Ватан тарихий ривожланиш жараёнида пайдо бўлиб, ташқи муҳит ва даврлар таъсирида шакланган ва ўзгариб келган ижтимоий-руҳий туйғудир.

Миллатлар ва элатлар ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларнинг ўсиши авваллари фақат бир элат ёки миллат учун Ватан бўлган ўлкани, бу ўлкада яшаб турган барча элат ва миллатлар учун Ватанга айлантиради. Республикамизда ҳозир яшаётган юздан зиёд миллат ва элатларнинг Ўзбекистонни ўз Ватани деб билиши ҳам ана шундай жараёнлар ва ўзгаришлар натижасидир. Шу боисдан, Ватан тушунчаси тор миллий қарашлардан кенгроқ бўлиб, у бир жой, замин, ўлкада яшаётган кишиларни, уларнинг миллатидан қатъи назар бирлаштирувчи ижтимоий туйғудир.

1920-йилларда юртимиздан чет элларга кетишга мажбур бўлган ватандошларимизнинг фарзандлари ва неваралари ҳам Ўзбекистонни ўз Ватанимиз деб атайдилар. Бу ўринда миллий-маънавий тушунчалар ва анъаналар кўпроқ таъсир қилаётгани аёнлиқ.

Ватан, энг аввало, объектив муҳит, борлиқ, замин билан боғлиқ бўлгани учун киши онгида аниқ тасвир, қиёфа, сиймолар тарзида шакланади. Мавҳум Ватан йўқ. Ватан ҳар

доим аниқ кўринишга эга бўлади. Шунинг учун ҳам у кишидан аниқ ва мақсадли муносабатларни талаб этади. Ўзаро бир-биримизга, ота-боболаримизга, тарихимизга, ён-атрофимизни қуршаган табиатга ва фарзандларимизга бўлган муносабатлар, охир-натихада Ватанга бўлган муносабатларимиздир.

Халқ маданияти, анъаналари, урф-одатлари, миллий онг ҳам Ватан тушунчаси билан мустаҳкам боғлиқ. Кишининг шаклланишида ушбу қадриятлар етакчи ўрин тутгани сабабли, улар Ватан тушунчасига боғланиб қолиши табиий. Демак, Ватан кишининг, авлодларнинг бутун ҳаёти, турмуш тарзи, онги, ўтмиши ва келажаги билан боғлиқ бўлган кенг қамровли тушунчадир.

Ватан тушунчаси мустақиллик шароитида алоҳида аҳамият касб этади. Маълумки, истибдод йилларида ҳукмрон мафкура кишиларимизнинг онгидаги Ватан тушунчасини бузиб, унинг ўрнига мавҳум, кенг ва умумий Ватан тушунчасини сингдирмоқчи бўлди, яъни, масалан, ўзбек учун гўё Карелия ҳам, Ёкутистон ҳам, Ўзбекистон билан бир қаторда баробар Ватан эди. «Ўзбекистон — Ватаним маним» ёки «ўзбегим» дейиш миллатчилик, миллий чекланганлик деб баҳоланар эди ва бундай сўзларнинг муаллифи фаол ижодий ишдан четлатиларди. Ҳолбуки, Ватан — муайян, аниқ тушунча. Ватан тушунчаси халқимизнинг талайгина қисмида етарли даражада аниқ эмаслигининг биринчи сабаби — ўтмишдаги ҳукмрон мафкура таъсири бўлса, иккинчи сабаби — темирйўллар замонидан сўнг, то XX асрнинг биринчи чорагигача Ўзбекистон деган ягона жуғрофий ва сиёсий тушунчанинг амалда йўқлиги, хонликлар-амирликларга бўлиниб ётган ҳудудларнинг устига-устак хоризмнинг мустамлакасига айланиши эди. Мустақиллик ана шу икки салбий омилни бекор қилиб, халқимизда ҳақиқий Ватан ҳиссини, тушунчасини мустаҳкамламоқда. Навбатдаги долзарб вазифалардан бири — ҳар бир фуқаромизда Ватанни севмоқ, Ватан учун бутун куч-ғайратини бағишлаш, Ватаннинг шаън-шавкати, номи, мавқеи билан ғурурланиш хислатларини халқимиз вакилларига сингдиришдир.

ВАТАНПАРВАРЛИК — кишининг ўзи туғилиб ўсган, камол топган жой, замин, ўлкага бўлган меҳр-муҳаббатини, муносабатларини ифода этадиган ижтимоий ва маънавий-ахлоқий хислатлари, фазилатларидир. Ватанпарварлик аниқ муҳитда, заминда ва мавжуд маънавий-ахлоқий қадриятлар асосида шаклланади. Шахс ватанпарварлик туйғусини яратмайди, балки, уни тайёр ҳолда қабул қилади. Чунки ватанпарварлик узоқ тарихий ривожланиш жараёнида шаклландиган ижтимоий туйғудир.

Ватанпарварлик кишиларнинг ижтимоий ва маънавий-ахлоқий хислатларининг, фазилатларининг юксак намоён бўлиши ҳисобланади. Зеро, улар негизида ота-боболардан мерос қолган заминни севиш, урф-одатларни, қадриятларни сақлаш, эл-юрт равнақи учун чин дилдан меҳнат қилиб, Ватанни душманлардан ҳимоя қилиш, ҳар қандай қарамликдан озод этиш, ҳатто, зарур бўлса, унинг озодлиги ва мустақиллиги учун жонини ҳам аямаслик қабила ётади. Ватанпарварлик эл-юрт манфаатларига хизмат қилиш, эл-юрт манфаатларини шахсий манфаатлардан устун қўйиш демакдир.

Фидойилик ватанпарварликнинг бош белгиси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатида мустақамланиши, унинг иқтисодий, маънавий-маданий тараққиёти, меҳнаткашларнинг тезроқ фаровон ҳаётга эришиши учун тинмай меҳнат қилиш ва изланишни фидойилик дейишимиз мумкин. Фидойилик Ватанга бўлган садоқатдан, муҳаббатдан бошланади. Истаган соҳада ватанпарварлик туйғусини намоён қилиш мумкин. Табиатни муҳофаза қилиш, ота-боболаримиз қолдирган маданий меросларни тўплаш, ўрганиш, авайлаб сақлаш ва тарғиб қилиш қабила ҳам ватанпарварлик ҳисобланади.

Ватанпарварликнинг олий кўриниши жасоратдир. Жасорат кишининг Ватан ва юртдошлари учун ўз манфаатларидан, керак бўлса жонидан ҳам кечиб намоён этадиган юксак маънавий-ахлоқий фазилатларидир. Жасорат халқ фаровонлиги, илм-фан ва маданият равнақи, Ватан ҳимояси учун қилинган узоқ меҳнатда ҳам, ўзини фидо қилиш талаб этиладиган фавқулудда ҳолатларда ҳам намоён бўлиши мумкин.

Ватанпарварлик ўзбек халқининг миллий туйғусини ривожлантириш, миллий юксалиш ғояларини тарғиб қилиш, мамлакатимизда яшаётган турли элат ва миллатлар ўртасидаги дўстлик, тинчлик ва аҳилликни мустақамлаш учун курашишда ҳам намоён бўлади. Худди шунингдек, у Ўзбекистонда демократия ва ҳурфикрлиликнинг қарор топишига ғов бўлаётган ҳолларга қарши курашишни ҳам ўз ичига олади.

Мустақиллик шароитида кишиларда ватанпарварлик ҳиссини уйғотиш, кенгайтириш ва мустақамлаш алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Муҳим вазифа — Ўзбекистондаги ҳар бир инсонни миллати, дини, тилидан қатъи назар ватанпарварлик руҳида, қадимий моддий ва маънавий маданиятнинг масканларидан бири бўлмиш бу ҳудуднинг ҳақиқий жонкуярлари этиб тарбиялашдир.

Бозор иқтисодиёти шароитларида ватанпарварликнинг энг муҳим кўринишларидан бири тадбиркорликдир. XVI—XX асрлар давомида инсоният шундай уддабурон, ғайратли, ихтирочи ва кашфиётчи тадбиркорларни жаҳон

сахнига чиқардики, улар ўз миллатларининг ва давлатларининг донгини оламга ёйдилар, ўз номларинигина эмас, ўз ватанларининг номини ҳам олтин ҳарфлар билан тарих шараф тахтасига ёздирдилар (масалан, Форд, Рокфеллер, Дюпон, Батя, Мелон, Крупп ва ўнлаб бошқа тadbиркорларни олайлик).

Мустақил Ўзбекистонга ҳозирги пайтда ўз тadbиркорлари ва корчалонлари керак. Жаҳон бозорига чиқиб, ўз жойини эгаллайдиган, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқара оладиган мутахассисларга давлатимиз муҳтож. Демак, мустақиллик муносабати билан ватанпарварликнинг мазмуни ва шакллари ўзгармоқда. Ватанпарварлик ҳиссини уйғотиш, мустаҳкамлаш ва унинг талқинини кенгайтириш — мустақил Ўзбекистон фуқароларининг муҳим вазифаси эканлиги шубҳасиздир.

«ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ» ПАРТИЯСИ — Ўзбекистон Республикасидаги сиёсий партиялардан бири. 1992 йил 24 майда Таъсис съездида ташкил этилган. Аъзолари сони 35 минг нафарга етади.

Партиянинг мақсади ва вазифаси унинг номида акс этган — Ватан тараққиётига хизмат қилиш, хусусан:

— эркин бозор муносабатлари асосида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маънавий мустақиллигини ривожлантириш;

— демократик жамият тараққиётини жадаллаштиришга қадам-бақадам таъсир кўрсатиш;

— зиёлилар, тadbиркорлар ва деҳқонлар манфаатини ифода этиш;

— хусусий мулкчиликни ҳар томонлама муҳофаза қилишни ривожлантириш;

— фаолиятда ҳамиша амалий тажриба ҳамда соғлом ақл-идроқка таяниб иш кўриш.

«Ватан тараққиёти» партиясининг олий органи — курултой бўлиб, уч йилда бир марта Президент сайлови ёхуд Олий Мажлисга сайловлар олдидан чақирилади. Партия ўз Дастурини давлат, ҳокимият ҳамда бошқарув органларидаги вакиллари орқали амалга оширади, улар орқали давлат ички ва ташқи сиёсатига ўз таъсирини кўрсатади. 1994 йил декабридаги Олий Мажлисга сайловларда «Ватан тараққиёти» партиясининг 14 нафар аъзоси депутат этиб сайландилар. Бу номзодлар учун бир миллиондан ошиқ сайловчи, яъни сайловчиларнинг ўн фоизи овоз берди. Партиянинг ижтимоий базаси илғор зиёлиларнинг бир қисми, тadbиркорлар, хусусий мулк эгалари, фермерлар ва деҳқонлардир.

«Ватан» газетаси — партиянинг нашри. Партия ҳузурида жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ишлаб турибди. У тadbиркорликнинг турли муаммоларини ўрганади ва таҳлил қилади, жамоатчилик фикрини сўрашни ташкил этади, но-

ширлик фаолияти билан шуғулланади. Шунингдек, партия хузурида таҳлил-ахборот маркази мавжуд бўлиб, у иқтисодиёт ва ижтимоий жараёнлар технологияси соҳасида таҳлилий тадқиқотларни олиб боради, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ўрганиш ва башорат қилиш, мамлакат ахборот инфратузилмасини ривожлантириш, иқтисодий жараёнлар ва қонунчилик мониторингни, бозор иқтисодиёти масалаларини оммалаштириш каби фаолият билан шуғулланади.

ВОЛЮНТАРИЗМ (лотинча «voluntare» — ирода) — ушбу терминни фанда биринчи бор Ф.Тённис 1883 йилда қўллаган.

1. Фалсафада волюнтаризм идеалистик оқимлардан бири бўлиб, иродани борлиқнинг энг юқори тамойили деб қарайди. Маънавий борлиқда биринчи ўринга иродани қўйиш орқали волюнтаризм интеллектуализмга ёки рационализмга, яъни биринчи навбатда ақл-идрок ва таҳлилга суянишга қарши чиқади.

2. Психологияда волюнтаризм иродани инсон руҳий ҳаётининг асосий омили деб қараш. Унга қарама-қарши йўналишда эса ақл руҳий ҳаётнинг асосий омили деб қаралади.

3. Сиёсатда волюнтаризм ҳақиқий, инсон онгидан мустақил равишда мавжуд бўлган қонуниятларни инкор қилиб, имконият ва шароитларни эътиборга олмаган ҳолда, шахснинг ўз субъектив иродаси орқали фаолият кўрсатишидир.

Шўролар даврида волюнтаризм жамиятдаги муаммоларни ҳал этишнинг асосий усулларида бири бўлиб қолган эди. Орол денгизи фожиаси, кўриқ ерларни «ўзлаштириш» натижасида тупроқ тузилишининг бузилиши, термоядро қуроли очик синовлари каби экологик жиноятлар сабабли жамиятда кўплаб касалликлар оммавий тус олмоқда. Бундай ҳодисалар — сиёсатдаги волюнтаризмнинг оқибатларидир.

Жамиятни бошқаришда ҳар бир иродавий қадам илмий жиҳатдан асосланиши ва амалий жиҳатдан тасдиқланиши шарт.

Ўтмишнинг аччиқ сабоқлари мустақил Ўзбекистон иқтисодий ва маданий-маънавий сиёсатини белгилашда тўла равишда инobatга олинмоқда. Иродасиз раҳбар — раҳбар эмас. Аммо илм-фанга ва тарих сабоқларига суянмаган раҳбар ҳам чинакам раҳбар бўлолмайди. Ўзбекистон раҳбариятининг бу қоидаларга амал қилиши сабабли мамлакатимиз бозор иқтисоди, демократия, инсонпарварлик ва ҳуқуқий давлат жамиятига ижтимоий моҳороларсиз ўтмоқда.

Волюнтаризм билан боғлиқ назарий ва методологик масалалар, афсуски, шўролар даврида бир томонлама ёритилди, унинг ҳақиқий илмий-назарий таҳлили берилмади. Бунинг оқибатида давлатни бошқаришда раҳбарнинг илмий асос-

ланган ва унинг ҳаётий тажрибаси ҳамда истиқболни кўра билиш қобилияти пойдевори негизида шаклланган иродаси ҳозирги замоннинг демократия, ҳуқуқий давлат тамойиллари билан уйғунлашса, жамият тараққиётини тезлаштирувчи туб янги омил пайдо бўлиши каби масалалар жамиятшуносларнинг диққат доирасидан четда қолди.

Иродасиз раҳбар давлатни, айниқса, ҳозирги мураккаб даврда, бошқаролмайди. Лекин, фақат ўз иродасига ишониб, жамият ва омма манфаатларини менсимаган раҳбар ҳам жамият умидларини оқлай олмайди. Ҳозирги замон фанининг тавсиялари билан ҳисоблашмаган раҳбар ҳам қоникарли натижаларни қўлга киритолмайди. Замон талаблари даражасида жамиятга, давлатга бошчилик қилмоқчи бўлган раҳбар ана шу уч омилга суянмоғи лозим: — шахсий ирода, халқ манфаати ва фан тавсиялари. Ўзбекистон ана шу йўлдан бормоқда.

Шўро тузумининг 1917—1985 йиллардаги тарихи волонтаризм, шахснинг тарихдаги роли, ирода масалаларига юзаки қараш, уларга бефарқ муносабатда бўлиш қандай мудҳиш оқибатларга олиб келишини кўрсатди. Маълумки, 1953—1964 «илиқланиш йиллари»да илмий асосланмаган қуруқ волонтаризм собиқ СССРда авжига чиқди, натижада ўзлаштирилган кўрик ва бўз ерлар чанг-тўзон манбасига айланди, озик-овқат танқислиги бошланди. 1964—1985 йилларда собиқ СССР раҳбарлигига ниҳоятда иродасиз, ақидапараст шахслар келдилар ва бунинг оқибати эса, СССРнинг барча соҳаларда Фарбдан орқада қолиб кетиши бўлди. Тарихнинг бу сабоқларини Ўзбекистон инobatга олмоқда.

«Д»

ДАВЛАТ БАЙРОҒИ — давлатнинг рамзий белгиларидан бири. Давлат байроғи махсус қонун билан ёки конституция асосида расмийлаштирилади. Давлат байроғи — мустақил давлат ва унда яшовчи фуқаролар дахлсизлигининг шартли ифодасидир. Давлат байроғи айни шу давлатдаги синфий, миллий, ҳарбий ва партиявий бирлик ҳамда уюшмаларнинг ҳам рамзий белгисидир.

Давлат байроғи одатда якранг ёки кўпрангли матодан иборат бўлиб, унинг бир томони дастага маҳкамланади. Матога баъзан турли эмблема ва белгилар туширилади (масалан, Швейцария байроғида оқ ранг хоч, Шри Ланка байроғида — қилич ушлаган шер, Канада байроғида — заранг дарахтининг япроғи тасвирланган).

Давлат байроғи давлатнинг рамзий белгиларидан бири сифатида шаклланиши узоқ тарихга эга. Давлат бошқариш амалияси давлат раҳбари (подшоҳ, қирол, император, амир, хон ва бошқалар) атрофидагилардан расмий қабул қилинган ва фақат давлат раҳбари кийиши мумкин бўлган либос билан ажралиб турган. Шу қоидани давом эттириб, давлат раҳбари яшайдиган ёки ишлайдиган иморат ва бинога, дала шароитида — чодирга, ҳарбий юриш вақтида — бош қўмондон ҳаракат воситасига (чодир-арава, автомобиль ва ҳоказолар) махсус узун таёқ ёки найзага бириктирилган, кўпинча турли суратлар (шер, бургут ва шу кабилар) билан безалган мато давлат раҳбарининг рамзи ва белгиси сифатида ўрнатилган.

Ҳозирги даврда давлат байроғининг аҳамияти ошиб бормоқда, чунки, халқларнинг мустақиллик учун кураши ва ғалабаси, жумладан, улар тузган давлатнинг байроғида намоён бўлмоқда. Давлат байроғи давлат мустақиллигининг рамзи сифатида давлат раҳбари, ҳукумат, олий қонун чиқарувчи орган, давлат ташкилотлари, элчихоналар, консуликлар биноларида, халқаро қатновдаги ҳаво ва денгиз кемаларида ва бошқа қонунда белгиланган қатор вазиятларда кўтарилади. Давлат байроғини ҳақорат қилган шахс жазога тортилади.

(*Яна қаранг: «Ўзбекистон давлат байроғи».*)

ДАВЛАТ — БОШ ИСЛОҲОТЧИ — истибдод тузумидан бозор муносабатларига ўтишнинг шаклларида бири.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат бош ислохотчи сифатида иш олиб бориб, иқтисодиётни ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларини ўзгартириш режаларини тузиб, уни изчиллик билан амалга ошириши лозим. Собиқ СССР парчаланиши натижасида юзага келган мустақил давлатларнинг кўпчилиги, демократиянинг ниҳоятда кенг талқин қилинишига йўл қўйиб, давлатнинг ташкилотчилик ролига етарли эътибор бермадилар ва шу сабабли уларда бозор иқтисодига ўтиш кўп тартибсизликларга олиб келди. Мустақил Ўзбекистон бу йўлдан бормади, иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солиб бориш энг оқил йўл эканлигини аниқлаб олди.

Давлат ўзининг алоҳида мавқеига кўра, ҳамма даврларда иқтисодий жараёнларга таъсир ўтказиб келган; ҳозирги ўтиш даврида давлат халқ хўжалигининг, айниқса, унинг асосини белгилайдиган тармоқларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаши, нарх-наволарни тартибга солиб туриши, солиқ солиш ва қарз беришда маълум табақаларга имтиёзлар яратиши, шунингдек, бевосита ёрдам кўрсатиш йўли билан муҳим тармоқларга мадад бериши лозим.

Бозор муносабатларига ўтишнинг қийин даврида аҳолининг манфаатларини фақат кучли қайта тақсимлаш восита-

сига эга бўлган давлатгина ҳимоя қилишга қодирдир. Айти пайтда, давлатнинг вазифаси ҳимоя этиш билан чекланиб қолмайди. Бозор муносабатларининг қарор топиши даврида давлат ислоҳот жараёнида фаол иштирок этиши, унинг ташаббускори бўлиши ва ислоҳотларнинг асосий йўналишларини ва бозорга ўтиш йўллари ишлаб чиқишда пешқадам бўлиши керак. Давлат иқтисодий ислоҳотнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этади. Энг муҳими эса шундаки, уларни бевосита амалга ошириш керак.

Давлат ислоҳот жараёнининг марказида бўлиши шарт. Чунки, фақат давлатгина, умуммиллий иқтисодий манфаатларни мужассам ифодалашга ва ҳимоя қилишга, аҳолининг барча кучларини умум мақсадлар асосида жиқлаштиришга қодир.

Давлат ўз иқтисодий фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, ўзига хос «бозор шарт-шароити»ни вужудга келтиради ва тасдиқлайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат иқтисодий эркинликларнинг кафолатчиси бўлади. Шу туфайли давлат иқтисодиётга ўзининг тартибга солиш таъсирини мақбул равишда ўткази олади. Тартибга солинадиган бозор шароитида асосий мақсад йўналишларини ишлаб чиқиш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг стратегик йўлини белгилаш ва бу йўлни ўтказиш юзасидан тактик қарорлар қабул қилиш давлат зиммасига юклатилади.

Ижтимоий муаммоларни ҳал этишда, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг самарали ва аниқ-равшан тизимини вужудга келтиришда давлат катта ўрин тутди. Вужудга келаётган ишбилармонлик тузилмаларининг қарор топиши ва ривожланишига кўмаклашиш ҳам давлатнинг бурчидир. Мустақил Ўзбекистоннинг етти йиллик тарихи давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши нақадар тўғри эканлигини қайта-қайта тасдиқламоқда.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИ — ижро ҳокимиятини амалга оширувчи идоралар тизими, яъни ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятини амалга оширувчи органлар тизимидан иборат.

Давлат бошқаруви тизими кўп мингйиллик тарихга эга бўлиб, жамият тараққиёти жараёнида секин-аста асрлар давомида такомиллашиб борган. Ҳозирги замон илғор давлатларининг бошқарув тизимлари шакл жиҳатидан турлича бўлиб, мазмун жиҳатидан мукамалдирлар ва ҳар бир давлатнинг тарихи, анъаналари, жуғрофий шароитларини ва бошқа омилларни инобатга олган ҳолда ташкил топган.

Давлат бошқаруви тизимини юзага келтиришда мустақил Ўзбекистон ҳозирги замон илғор давлатларининг тажрибаси-

ни ҳар томонлама ўрганиб ва Ўзбекистоннинг муайян ша-роитларини инобатга олиб, халқнинг анъаналари ва мента-литети билан ҳисоблашиб, бу тизимни юзага келтирди.

Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви тизими-га қуйидагилар ки-ради:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти — республика ижроия ҳокимиятининг бошлиғи сифатида;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси — рес-публика ҳукумати;

— Ўзбекистон Республикаси вазирликлари;

— Ўзбекистон Республикаси давлат қўмиталари;

— Ўзбекистон Республикаси марказий давлат бошқаруви идоралари ва уларнинг жойлардаги маҳаллий органлари;

— вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари ва ҳокимиятлар ҳамда уларнинг бўлим ва бошқармалари.

Давлат бошқаруви тизимининг юқорида санаб ўтилган тармоқлари ва йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида ва ҳар бир соҳага тегишли қонун, қарор, кўрсатма ва шу каби бошқа ҳужжатларга таяниб иш олиб борадилар. Уларнинг самарадорлиги жамиятдаги тинч-лик, барқарорлик ва аҳилликда намоён бўлмоқда.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ПРЕЗИДЕНТЛИК ШАК-ЛИ — давлат бошқарувининг самарали шакллари-дан бири, давлатларни бошқариш санъати, назариёти ва амалиётининг тараққиёти натижасида тарихий тажриба асосида танлаб олинган йўллари-дан бири.

1. Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, мамлакат-да давлатни идора этишнинг замонавий ҳамда самарали шак-ли — президентлик шакли тизими қарор топа бошлади. Дунё давлатчилиги тараққиётида бошқарувнинг асосан икки шак-ли — монархия ва республика шакллари мавжуд. Республика, ўз навбатида, парламентар ва президентлик республикаси кўринишларига эга.

Президентлик республикаси ҳозирги кунда энг кўп тар-қалган давлат бошқаруви шаклидир. 1995 йилги маълумотга кўра, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо 186 давлатдан 140 тасида Президент лавозими мавжуд бўлиб, уларнинг ак-сарияти президентлик республикаси-дир. Булар АҚШ, Фран-ция, Аргентина, Бразилия, Мексика, Россия Федерацияси, Гондурас, Гамбия, Уругвай ва бошқалардир.

Президентлик республикасининг парламентар респу-бликадан асосий фарқи шундаки, Президент халқ томонидан сайланиб, давлатнинг ва ижроия ҳокимиятининг бошлиғи ҳисобланади, ҳукумат Президент томонидан тузилади ва унга ҳисобот беради. Парламентар республикада эса, парла-мент, яъни олий вакиллик, қонун чиқарувчи идора, Президи-

дентни ва ҳукумат таркибини сайлайди ва уларни ўзига итоат эттиради.

Ўзбекистон Республикасида президентлик лавозими 1990 йил 24 мартда Олий Кенгашнинг I сессиясида таъсис этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1990 йил 1 ноябрда «Ижроия ва бошқарув ҳокимиятининг тузилишини такомиллаштириш тўғрисида» Қонун қабул қилиб, собиқ ҳукумат — Министрлар Советини тугатиб, Президент ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамасини вужудга келтирди. Мазкур тарихий қадам туфайли президентлик ҳокимияти билан аввалги ҳукумат тимсолидаги ижроия-бошқарув ҳокимияти барлаштирилди.

Ўзбекистондаги президентлик ҳокимиятини мустақкамлашда 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун ва унинг асосида ўтказилган умумхалқ сайлови катта аҳамият касб этди. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А. Каримов дастлаб парламент — Олий Кенгаш томонидан сайланган эди. Юқоридаги қонунга биноан 1991 йил 29 декабрда муқобиллик (алтернатива) асосида ўтган сайловларда эса у халқ томонидан бевосита сайланди. И.А. Каримов мазкур сайловда 86 фоиз овоз олиб, ўз рақибига нисбатан мутлақ устунликка эришди.

Мамлакатимиз сиёсий тизимида президентлик институтининг узил-кесил мустақкамланишида 1992 йил 8 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси алоҳида ўрин тутди. Конституцияда Президентнинг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари ўз ифодасини топган. Унга мувофиқ, Президент Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти, айни вақтда, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади (89-модда). Мазкур конституциявий қоида мамлакатда давлат бошқарувининг президентлик республикаси шакли ўрнатилганлигидан далолат беради.

Президент давлат бошлиғи сифатида Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этилишининг кафилидир. У, зарурат туғилган чоғда, Конституциявий суд билан бамаслаҳат, Олий Мажлисни тарқатиб юбориши ва уч ой мобайнида янги парламент сайловларини белгилаши мумкин. У мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этиш ҳуқуқига эга, зарур бўлганда, республика бошқарув органларининг, шунингдек, ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатади ва бекор қилади. Президент республика Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади.

Президент ўз ваколатларини бажаришда бошқа ҳокимият тармоқларидан мустақилдир.

Шундай қилиб, республикада давлат бошқарувининг тўлақонли президентлик тизими, Президент раҳбарлигидаги кучли ҳокимият қарор топди.

ДАВЛАТ ГЕРБИ — давлат рамзи; давлатнинг миллий, сиёсий, иқтисодий хусусиятлари ҳамда ижтимоий ва давлат тузуми, географик ва бошқа белгиларини шартли равишда ифодалайдиган тамга-белги. Герб давлат муҳрида, расмий бланкаларда, муҳим ҳужжат, пул ва давлат заёмларида акс эттирилади. Гербнинг барча хусусиятлари махсус қонун ёки Конституция билан расмийлаштирилган бўлади.

Давлат герби милоддан аввалги уч мингинчи йиллардан бошлаб маълум. Масалан, Шумер давлатининг гербида шер бошли бургут, Қадимги Рим давлатиникида бургут расми тасвирланган. Давлат герби давлатнинг ўзига бўлган ишончини, ўз мустақиллигини ҳимоя этишга тайёр эканлигини, бунёдкорлик мақсадларини, давлат ва жамият ҳаётининг турли бошқа томонларини шартли расм, белги тарзида ифодалайди. Ана шу сабабдан баъзи давлатларнинг гербларида қилич ва қалқон, баъзиларида шер ёки бургут, баъзиларида эса ўроқ-болға, юлдуз, пахта, буғдой бошоқлари, қуёш, дарахт, тоғлар ва ҳоказолар ҳамда ҳаттоки от тасвирини кўриш мумкин.

Давлат герби баъзи аҳамиятли расмий биноларда: ҳукуматнинг юқори бошқарув органлари, Олий суд, ҳарбий трибунал, прокуратура, дипломатик, савдо ваколатхоналари ва консулликлар биноларида, сессия ва йиғинлар ўтказиладиган залларда, суд биноси залларида, ундан ташқари, муҳрларда ва олий органлар бланкаларида, қоғоз пулларда ва металл тангаларда, облигацияларда, фуқаролик паспортларида, чегара устунларида акс эттирилган бўлади. Давлат герби, унинг катта-кичиклигидан қатъи назар, доимий равишда, рангли ёки оқ-қора тасвирга аниқ мос келиши керак.

Давлат гербини ҳақорат қилган шахс Жиноят кодексига биноан жазоланади. (*Яна қаранг: «Ўзбекистон Республикасининг давлат герби».*)

ДАВЛАТ ГИМНИ (юнонча «hymnos» — мадҳия, мақтов ашуласи)— тантанали куй ва ашула, мамлакат яқдиллигининг тимсолларидан бири, дастурий характердаги тантанали кўшиқ, давлатнинг расмий атрибутлари силсиласида муҳим жиҳат. Ўз мазмунида ва шаклида ушбу давлатдаги барча миллатлар ва миллий гуруҳлар, ижтимоий табақалар мақсадлари ва қарашларини акс эттиради.

Гимнлар ўзининг фикрий йўналиши ва акс эттириш воситалари билан бошқа мусиқий асарлардан ажралиб туради. Гимн давлатнинг умумий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳа-

миятга эга ва у сиёсий ташвиқотнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Гимнларнинг ижро этилиши тантанали байрамлар, сиёсий чиқишлар, расмий давлат қабуллари, ҳарбий парадларнинг, муҳим меъморий ёдгорликлар — ҳайкалларнинг очилиши, аҳамиятли митинглар, тарихий саналарга бағишланган йиғинлар, йирик байналмилал ва миллий қадриятларга бағишловлар, турли давлатлар бошлиқларини кутиб олиш ва кузатиш, ҳарбий қасамёд қабул қилиш, халқаро олимпиада мусобақалари, кинофестиваллар ўтказилиши билан боғлиқ.

Давлат гимнлари турли шаклларда ва мазмунда узоқ замонлардан бери у ёки бу тарзда маълум. Кўп асрлар давомида давлат гимнига баъзи давлатлар жиддий эътибор берганлар ва ижро этилиши шарт деб билганлар, баъзилари эса бу масалани вазиятга қараб ҳал этганлар, яъни баъзи азиз ва мўътабар меҳмонларни мусиқа садоси билан кутиб олганлар. Давлат гимнининг расмий тус олиб, аста-секин халқаро алоқаларнинг таркибий қисми, давлат ва халқ мустақиллигининг рамзи сифатида ўрнининг аниқланиши Улуғ француз инқилобининг (1789—1793) тантанаси ва жаҳон бўйлаб таъсир-эътиборининг ўсиб бориши билан боғлиқ. Марселдан Париж томон йўлга чиққан инқилобчилар йўл-йўлакай ўз руҳларини кўтарадиган ашула айтганлар. Бу ашула кейинчалик бутун дунё бўйлаб «Марсельеза» (Марсель ашуласи) номи билан маълум бўлди. Бу ашула француз халқининг ўзига бўлган ишончини, ўз инқилобий фаолиятидан ва тарихидан мағрурлигини, келажакка ёруғ умид билан қарашини ифода қилади.

Ҳозирги даврда давлат гимни жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида мавжуд ва давлат мустақиллигининг муҳим ифодаси ҳисобланади. Ўзбекистон давлат гимни мусиқасини Мутал (Мутаваккил) Бурҳонов, сўзини Абдулла Орипов ёзган.

ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ РАМЗЛАРИ — давлатнинг тимсоллари, яъни унинг суверенитетини, миллий ва иқтисодий кўрсаткичларини, сиёсий-ижтимоий тузумини, асосий мафкура ва ҳаёт қоидаларини кўрсатувчи белгилар, энг муҳим ҳужжатлар, ғоялар ва тушунчалар.

Давлат рамзи — бу мустақил давлат белгисидир. У давлат байроғи, давлат гимни, давлат герби, мамлакат миллий валютаси ва мамлакат конституциясида ўз ифодасини топади. *(Тегишли мақолаларни қаранг.)*

ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ — давлат мустақиллигини шартли равишда белгиловчи ташқи белги, нишона ёки тимсоллардир. Булар муайян давлатнинг байроғи, герби, миллий валю-

таси ва мадҳиясидир. Улар мазкур давлатнинг тузумини, халқнинг табиати-менталитетини, иқтисодий асосларини ва бошқа муҳим белгиларини англатади.

Давлат рамзлари кўп мингйиллик тарихга эга бўлиб, миллий давлат қурилиши ва маданий ривожланиш тарихи билан боғлиқ. Масалан, Амир Темур яратган марказлашган давлат ўзининг герби — уч ҳалқа шаклидаги тамғаси билан танилган. Соҳибқироннинг юришларида лашкар олдида унинг туғи — байроғи олиб юрилган.

Ўзбекистоннинг янги тарихидаги биринчи расмий давлат рамзи — герблари Бухоро ва Хоразм халқ республикаларида жорий қилинган. Хоразм Халқ Республикасининг 1920 йилда таъсис этилган герби унинг қишлоқ хўжалигига асосланганлигини акс эттирган, унда ўроқ, белкурак ва макка-жўхори сўталари нақши бўлган. Хоразмнинг 1922 йилги Конституциясига кўра гербга бешқиррали юлдуз ва ярим ой шакллари — дин тимсоли киритилган. Бухоро Халқ Республикасининг геральдик белгилари ҳам шу аснода таркиб топган бўлиб, унга ўроқ, ярим ой ва бешқиррали юлдуз шакллари киритилган. Бу халқ республикаларида давлатнинг бошқа рамзлари — байроқ, мадҳия ва миллий валюта масалалари тўла ҳал этилмаган ва илмий адабиётларда деярли ёритилмаган.

СССРнинг 1922 йилда ташкил топиши давлат рамзларига ҳам ўз таъсирини ўтказган. 1925 йилда ЎзССР Марказий Ижроқўми республиканинг вақтинчалик герби ва байроғи ҳақида қарор қабул қилган. Гербга ўроқ ва пахта чаноқларидан ташқари болға тасвири киритилган, байроқ аксариятан қизил рангдан иборат бўлган, гербдаги ёзувлар араб алифбосида бўлиб, 1929 йилда лотин алифбосига, 1940 йилда кирилл алифбосига ўтирилган эди. ЎзССРнинг давлат мадҳияси — гимни 1947 йилда тасдиқланган. СССР Конституцияси республикани расмий жиҳатдан эркин ва суверен деб таърифласа-да, у аслида Совет Иттифоқи таркибидаги маъмурий қисм бўлган, матн эса «катта оға», яъни рус халқи шаънига айтилган мақтов сўзларидан бошланган. Бу жиҳатдан ЎзССР мадҳияси, моҳиятан, бошқа миллатни улуғловчи ўзича ягона гимн эди.

Юртимиз мустақилликка эришгач, халқимизнинг азалий орзу-истаклари, эзгу интилишлари Ўзбекистон Республикасининг янги давлат рамзларида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Президент И.А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура» асарида: *«Давлатимиз рамзлари — байроқ, тамға, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради, мана шу рамзларни эъзозлаш ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига*

бўлган ишончни мустаҳкамлаш демакдир», деб аниқ таъриф берган.

Республикамизда давлат рамзлари қонун томонидан муҳофаза қилинади; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1994 йилнинг 22 сентябрида тасдиқланган ва 1995 йилнинг апрелидан кучга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига алоҳида «Давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш» деб номланган 215-модда киритилган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг давлат байроғи, давлат герби ёхуд давлат мадҳиясига ҳурматсизлик қилиш бошқарув тартибига қарши жиноят деб таърифланиб, 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишларига маҳкум қилиш жазоси белгиланган.

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ (МУЛКНИ) — шўролар иқтисодий тузумини синдириб, унинг асоратларини бартараф этиш ва эркин бозор иқтисодиётига ўтишининг энг самарали йўлларида бири. Бу тадбир хусусийлаштириш жараёни билан мантиқан боғланган тушунча бўлиб, давлатга оид ташкилот, корхона, муассасаларни ҳамда бирлашмаларни давлат тасарруфидан, яъни давлат ихтиёридан чиқариб, хусусий мулк эгаларига бўлиб бериш, аниқроғи, уни сотиш тушунилади. Давлат тасарруфидан чиқариш — янги бошқарув тузилмаларини барпо этиш демакдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йилнинг март ойида «Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича давлат дастури»ни тасдиқлади.

Дастур бўйича:

1) Хусусийлаштиришнинг минтақавий ва тармоқ дастурларига мажбурий тартибда атроф муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари киритилади, яъни минтақага экологик зиён етказувчи корхоналар, уларда муҳофаза иншоотлари барпо этилиб, ишга туширилганидан кейингина, хусусийлаштирилади. Шунингдек, мазкур корхона тугатилиши ва мулкни қисмларга бўлиб, кимошди савдосида сотилиши, ёхуд экологик талаблари ҳисобга олинган ҳолда, танлов асосида сотилиши ҳам мумкин.

2) Хусусийлаштиришнинг минтақавий ва тармоқ дастурлари асосий қоидаларини амалга ошириш, қонун бўйича минтақада ёки тармоқда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш учун масъул бўлган бўлинмалар ва мансабдор шахсларнинг масъулият тартиби асосида тезкор ва сифатли бажарилиши керак.

Исталган тармоқни давлат тасарруфидан чиқариш концепцияси, мамлакатдаги ҳақиқий иқтисодий аҳволни ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Бунда бошқа давлатларда бўлиб ўтган иқтисодий танглик даврлари инобатга олинади. Товар-пул мутаносиблигига, асосан, давлат мулкининг бир қисмини сотиш, шунингдек, бюджет ва кредит сиёсатини ўзгартириш билан эришиш мумкин. Давлат самарасиз ишлаб чиқаришларни қўлаб-қувватлашдан воз кечиб, бу билан чуқур тузилмавий ўзгаришлар учун шарт-шароит яратиб бериши керак. Мулкий табақаланишни чекловчи ва ишлаб чиқариш инвестицияларини рағбатлантирувчи солиқ ислоҳоти давлат тасарруфидан чиқариш кенг тус олишидан олдинроқ амалга оширилиши керак. Ҳуқуқий шахслар ва фуқароларнинг, шу жумладан, хорижий фуқароларнинг қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай хўжалик фаолиятида тенглик эълон қилинади. Ҳуқуқий шахслар ва фуқароларнинг ҳеч истисносиз, давлат мулки ҳисобланадиган мулк турларидан ташқари, ҳар қандай мулк турига, шу жумладан, ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

ДАВЛАТ ТИЛИ — тегишли давлатдаги умумий расмий тил.

Давлат тили одатда уч йўл билан белгиланади: а) тарихий анъана асосида ушбу давлат ҳудудида истиқомат қилувчи барча халқлар мавжуд тилларидан бирини умум тил деб тан оладилар; бундай тил, кўпинча, шу давлатдаги энг йирик ёки ҳукмрон миллатнинг тили бўлади; б) ҳукумат, президент, парламент ёки раҳбар органлар томонидан давлатнинг расмий тили деб эълон қилинган халқаро ёки жаҳон тилларидан бири; давлат органларида, ҳукумат идораларида ва расмий ташкилотларда, кўрсатмага биноан, ёзишмалар фақат шу тилда қабул қилинади ёки жўнатилади, барча учрашув, муҳокама, мубоҳаса, мусоҳаба, мажлис, сессия, конференция, конгресс ва шу қабилар ана шу расмий тилда ўтказилади; в) давлатнинг қонун чиқарувчи органи томонидан ёки мамлакат президенти томонидан жамият ҳаётининг барча соҳаларида қўлланилиши керак деб эълон қилинган тил.

Швеция, Норвегия, Англия, Канада, Япония, Хитой, АҚШ каби кўпчилик мамлакатларда ҳеч қайси тил давлат тили деб эълон қилинмаган. Лекин, қадимдан уларда мамлакат аҳолисининг кўпчилигини ташкил қилувчиларнинг тили давлат тили, расмий тил деб тан олинади. «Б» гуруҳига кирган давлатлар асосан ўтмишдаги мустамлакалардир (масалан, Гвинея, Гана, Конго қабилар). Чунки, уларнинг ҳар бирида ўнлаб қабилалар мавжуд бўлиб, биринчидан, қабилалардан бирининг тилини давлат тилига айлантириш ички тортишув ва ўзаро ғаразга сабабчи бўлиши мумкин, ва иккинчидан эса, қабила тиллари ҳозирги замон талабларига луғат ва терминологик жиҳатидан жавоб бермайдилар. Бу

давлатлар давлат тили сифатида собиқ мустамлакачиларнинг тилини, масалан, инглиз ёки француз тилини қабул қилганлар.

«В» гуруҳидаги давлатларга, асосан, собиқ СССР парчаланиб кетгандан сўнг шаклланган мустақил давлатлар кирди. Ўз мустақиллигини эълон қилган янги давлатларнинг давлат тили тўғрисидаги қонунларида, одатда, «мажбурий» деган сўз қўлланилмайди; аммо чоракан бир асрлик шўро тузуми даврида юзага келган вазиятни ҳуқуқий, демократик, инсонпарвар жамият талабларига мослаштириш мақсадида, айниқса, Болтиқбўйи мамлакатлари давлат тилини билиш мажбурий демоқдалар.

Ҳаёт давлат тили масаласи қанчалик мураккаб муаммо эканлигини кўрсатди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари туб аҳолисининг ўзи, кўп жиҳатдан давлат тилини қабул қилишга тайёр эмаслигини, миллий тиллар давр талабларидан бирмунча орқада қолганлигини, муайян қисми эса умуман рус тилини афзал кўришини маълум қилди. Бундай омиллар таъсирида, ҳозир, собиқ СССР ҳудудида давлат тили уч турда ҳаётга татбиқ этилмоқда: а) давлат тили мажбурий равишда ҳамма жойда истисносиз сингдирилаётган давлатлар (Эстония, Латвия, Литва); б) давлат тилини аста-секин, зарур вазиятларда бошқа тиллардан ҳам фойдаланиб, ҳаётга сингдириб бориш сиёсатини амалга ошираётган давлатлар (Украина, Молдавия, Ўзбекистон ва бошқа қатор давлатлар); в) туб ерли аҳоли салмоғининг нисбатан камлиги, унинг миллий ҳудудда кўпинча тарқоқ яшаши, устига-устак замонавий мутахассисларнинг етишмаслиги каби омиллар таъсирида рус тилини ҳам моҳиятан давлат тили даражасига кўтаришга мажбур давлатлар (Қозоғистон, Қирғизистон).

Собиқ СССР ҳудудида жойлашган ва ҳозирги даврда мустақиллик йўлига чиққан мамлакатлар учун давлат тили сиёсатини амалга ошириш истибдод даврининг оқибатлари ва сарқитлари билан самарали курашишнинг зарурий шартидир. Аммо, маълумки, тилни ўзлаштириш, истеъмол доирасини кенгайтириш, уни бошқа тилларда сўзлашувчилар орасида ёйиш, давлат тилини бойитиш, — булар вақтни, сабртоқатни, изчил меҳнатни талаб қилади. Энг муҳим нарсалардан бири аҳолида давлат тилига муносабатни ўзгартириш, оммада ўз миллий тилига нисбатан бўлган ҳурмат ва қизиқиш ҳиссини уйғотиш ва мустаҳкамлаш, русийзабон аҳолида давлат тилига нисбатан бефарқлик, бегоналик ҳиссини сабртоқатли, кундалик изчил иш билан баргараф қилиш, давлат тили бўйича дарсликлар, луғатлар, ўқув китоблари, қўлланмалар тайёрлаш ва нашр этишни таъмин этмоқ лозим. Бу борада ҳозирча ишлар суст.

ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАРИ — давлат ўз тузилиши жиҳатидан асосан уч турда: федератив, конфедератив ва унитар тарзда бўлиши мумкин. Бундай ҳолат давлатнинг таркибий қисмлари ўртасидаги, қисмларнинг марказий ҳокимият билан ўзаро муносабатлари, шунингдек, ҳар бир ҳудудий қисмнинг ҳуқуқий мавқеи турлича моҳият касб этишидан келиб чиқади.

Унитар (яхлит) давлатлар, федерациядан фарқли ўлароқ, вилоят, ўлка, туман, губерна, графликлар сингари маъмурий-ҳудудий қисмлардан ташкил топган тузумдир. Федератив (мураккаб) давлатлар эса давлатчиликнинг автоном (мухтор) штатлар, ҳудудий ер бирликлари каби қисмлардан тузилган бўлади (масалан, АҚШда штатлар, ОФРда ҳудудий ер бирликлари федерациянинг таркибий қисмларидир).

Конфедерация давлат тузилишининг шундай бир шаклики, унга кўра, конфедерацияни таъсис этувчи давлатлар, ўз мустақилликларини тўлиқ сақлаб қолган ҳолда, муайян бир мақсадда (ҳарбий, хўжалик, муҳим ички ва ташқи сиёсат масалаларини ҳал қилишда) ўз кучларини уйғунлаштириб, иш кўрадилар. (*Яна қаранг:* «Унитар давлат», «Федерация», «Конфедерация» ва «Ўзбекистон» мақолаларига.)

ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ — давлатнинг зарурий белгиларидан бири. Ҳар қандай давлат ўз ҳудудий чегарасига эгадир. Давлат ҳудудининг бошқа давлат ҳудуди билан туташ чизиги давлат чегараси деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси беш мустақил давлат — Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Афғонистон давлатлари билан чегарадошдир.

Давлатимиз ҳудуди чегараларининг умумий узунлиги 6221 километрни ташкил этади. Жумладан, Афғонистон билан чегара — 137 км, Қозғистон — 2203 км, Қирғизистон — 1099 км, Тожикистон — 1161 км, Туркменистон билан 1621 км дан иборатдир.

Собиқ Иттифоқ даврида давлат чегараси билан боғлиқ масалалар Марказнинг мутлақ ваколатига кирар эди; республикалараро чегаралар, республикаларнинг чет давлатлар билан чегаралари Марказ томонидан ўз билганича, «умумсовет манфаатлари» нуқтаи назаридан ҳал қилинар, республикалар Марказ қарорларини ижрога қабул қилардилар, холос. Шўро давлати тарихи бундай мисоллар билан тўла. Иттифоқдош республикаларнинг ўзаро туташ ҳудудлари республика чегараси, ўзга давлатлар билан туташ ҳудудлари эса СССР давлат чегараси деб ҳисобланар эди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Конституциясининг 3-моддасида Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмас дейилган. Ўзбекистон Респуб-

ликасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгашнинг баёнотида ҳам тинчликсевар ўзбек давлатининг давлатлар ўртасидаги чегараларнинг бузмаслиги тўғрисидаги Хельсинки шартномаларига қатъий садоқати бутун дунёга маълум қилинган. Ўзбекистон давлат чегараси билан боғлиқ масалалар чегарадош давлатлар билан шартнома ва келишувлар асосида, шунингдек, умум эътироф этилган халқаро меъёрий ҳужжатлар ёрдамида тартибга солинади.

Ўзбекистон давлат чегарасини қўриқлаш вазифасини Республика Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари амалга оширади.

Давлат чегараси масаласида мустақил Ўзбекистон изчил ва ҳозирги замон сиёсий тамойилларига монанд йўлдан бормоқда. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда бу борада урушда енгилган давлат (биринчи навбатда, Олмония, Япония ва Италия) ва урушда енган давлатлар (АҚШ, Буюк Британия, Франция ва бошқалар), тарихий тажриба ва урушдан кейинги даврда жаҳонда юзага келган вазиятни инобатга олиб, чегараларни қайта кўриб чиқиш, уларни ўзгартириш сиёсатидан воз кечдилар, мустамлакачилик сиёсатини асосан тўхтатдилар ва ўз тараққиётларини таъмин этишнинг янги манбасига кўчишни маъқул кўрдилар. У ҳам бўлса янги техника, янги технология ва илғор фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш эди. Шу боисдан Иккинчи жаҳон урушидан кейин ўтган ярим асрдан ортиқ давр ичида АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия ва бошқа илғор давлатлар ўзаро ва бошқа давлатлар билан бўлган чегараларини ўзгартирмадилар ва бутун диққат-эътиборни техника, технология ҳамда фаннинг янги ютуқларидан самарали фойдаланишга жалб этдилар ва этмоқдалар. Ер талашишга, ҳудудлар устида можароларга куч-қувват ва салоҳиятни сарфлаш ўрнига, илғор мамлакатлардан ўрнат олиб, иш юритиб, мамлакатда яшаб турган барча миллатлар ва элатлар вакилларининг фаровонлигини, ҳамкорлигини, дўстлигини, тотувлигини таъмин этиш барча халқлар ва давлатларнинг манфаатига жавоб беради.

Мустақил Ўзбекистон шу ягона тўғри йўлдан бормоқда.

ДЕВАЛЬВАЦИЯ (лотинча «devalere» — пасайиш, камайиш, қийматсизланиш) — миллий валюта курсининг олтин стандарти ва валюталар қатъий курси тизимига нисбатан камайиши, пасайиши. Девальвация натижасида чет эл валютаси қиймати ошиб, импорт қилинадиган товарлар ва хизматлар нархининг ошиши, мамлакат ичида ишлаб чиқариладиган товарлар нархи тушиши юз беради. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, девальвацияни бартараф қилиш учун экспортни кенгайтиришга эришиш, мамлакатда ишлаб чиқарилган

товарларнинг жаҳон бозорида рақобатбардош бўлишига эришиш керак.

Амалда миллий валюта девальвацияси аҳолининг реал даромади камайишига ва унинг турмуш даражаси пасайишига олиб келади. Иш ҳақини ошириш ишлаб чиқариш харажатларининг ўсишига ва натижада нархларнинг кўтарилишига, яъни инфляцияга сабабчи бўлади.

Асримизнинг 70-йилларида содир бўлган валюта кризиси ривожланган мамлакатларда валюта курсини давлат томонидан белгилаш амалиётидан ва қатъий валюта курси тизимидан воз кечишга олиб келди. 1976 йилда тузилган Кингстон шартномасига биноан «сузиб юрувчи валюта курси» номли тизимга ўтилди, яъни валюта курслари бозордаги талаб ва таклифга асосан марказий банк аралашувисиз ўз-ўзидан белгиланади.

Девальвацияга тескари жараён ревальвация деб аталади.

Мустақил Ўзбекистон ўз иқтисодий ва молиявий сиёсатида жаҳон иқтисодиёти, ва биринчи навбатда, илғор мамлакатлар тажрибасини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб, бу борада иш олиб бормоқда.

ДЕМОКРАТИЯ (қадимий юнон тилида «demos» — халқ ва «kratos» — ҳокимият) — «халқ ҳокимияти» маъносини англатади.

Жамият тараққиётида давлатчиликнинг турли шакллари, бинобарин, демократиянинг ҳам турли типлари яратилган. Демократия тушунчасининг шакл ва мазмуни жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларига боғлиқ ҳолда шаклланиб, ўзгариб боради. Инсоният тарихида демократиянинг бошланиш нуқтаси ҳам, тугаш нуқтаси ҳам йўқ. Кишилик жамияти пайдо бўлганданоқ, демократиянинг куртаклари пайдо бўлган ва, ҳатто, энг тараққий этган мамлакатларда ҳам у ўзининг сўнгги чўққисига эришганича йўқ. Демократияни бўғиш, унга раҳна солиш мумкин, лекин, бутунлай йўқ қилиб бўлмайди. Ҳар қандай даврнинг, ҳар қандай жамиятнинг ва ҳар қандай халқнинг ўзига хос демократияси бўлади. Яъни демократик тамойилларни белгилашда, жамиятнинг объектив ва субъектив шарт-шароитлари асосида шаклланган, халқнинг, миллатнинг ижтимоий онги ва психологияси ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Демак, демократия инсониятнинг маданияти, маънавияти, ижтимоий онги, менталитети, идроки, билим доираси, ишбилармонлик қобилияти, унинг жамиятда эркин яшаш ва меҳнат қилиш кўникмаси билан биргаликда шаклланиб, ривожланиб борадиган табиий тарихий жараёндир.

Демократиянинг муҳим хусусияти шундаки, унда халқ ҳокимияти, яъни озчиликнинг кўпчиликка бўйсунуш қоида-

си, расмий равишда эълон қилинади ҳамда фуқароларнинг эркинлиги ва тенг ҳуқуқлиги эътироф этилади. Бу шартлар жамият ҳамда унинг аъзолари ҳаётининг асосий қонуни — ушбу давлатнинг конституциясида акс эттирилади. Шунга қарамай, демократия тамойиллари, кўп ҳолларда, оғзаки ва тарғибот қилинувчи шиор сифатида қолади. Чунки, жамиятда фуқароларнинг иқтисодий тенглиги мавжуд бўлмаса, уларнинг ижтимоий тенглиги ҳам мавжуд бўлмайди.

Демократия ҳақида гапирганда, аксарият ҳолларда, биринчи навбатда, сайлов мажмуасига ва жамиятда инсон ҳуқуқларига урғу берилади. Бошқача айтганда, энг аввало жамиятнинг ва унда яшаётган фуқароларнинг яшаш шароитлари таҳлил қилинади. Лекин, демократиянинг бундай таҳлили тор ва бир томонламадир. Уни тўлиқ таҳлил этиш учун субъектив омилларни ҳам ҳисобга олиш ва улар билан ҳисоблашиш зарур. Демократия инсоннинг худди шундай ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун берилган имкондир. Демократия шахс билан жамиятнинг уйғунлигини таъминловчи омилдир. Бу уйғунлик қанча такомиллашган бўлса, жамият тараққиёти шунчалар илдамлашади. Демократия шахс эркинлигини таъминловчи ва уни тартибга солувчи омилдир. Демократия ҳар бир шахснинг шаклланишига «чегара» ҳам қўяди. Конституцияга оид қоидалар ва қонунлар орқали шахсларнинг ижтимоий ҳаёти ва хатти-ҳаракатлари тартибга солинади. Аммо, демократия шахснинг шаклланиши жараёнида фақат уни тўхтатиб турувчи ва йўналтирувчи «чегара» вазифасинигина ўйнамайди. У шахсларнинг ўзлари яшайдиган жамиятнинг ахлоқий-психологик иқлимини вужудга келтирадиган шарт-шароитларни ҳам яратади.

Демократия икки шаклда намоён бўлади: а) вакиллик шакли; б) бевосита шакли. Вакиллик шаклида фуқаролар қонунчилик, ижроия ва бошқа функцияларни бажарувчи органларни сайлайдилар, фуқароларнинг ўзлари бу функцияларни амалга оширишда бевосита иштирок этмайдилар; демократиянинг бевосита кўриниши шундан иборатки, фуқаролар унинг воситасида масалаларни ўзлари ҳал қиладилар. Демократиянинг бундай тўғридан-тўғри, бевосита шаклига референдумлар, давлат бошлиқларини сайлаш, мамлакат тақдирини умумхалқ овоз бериш йўли билан белгилашга оид масалалар кирати.

Демократия асосида муросачилик (компромисс) ва консенсус топиш сиёсати ётади. Чунки, тарихий тараққиёт кўрсатадики, қарама-қаршиликларсиз ва зиддиятларсиз жамият бўлиши мумкин эмас. Демократиянинг асосий вазифаларидан бири — жамиятдаги кучларни келишиш ва муроса асосида бирлаштириб, уларни умумризо қарорга, яъни консенсус-

га олиб келиш ва мамлакат тараққиёти учун хизматга сафарбар қилишдан иборатдир.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг фаолияти эътиборга сазовордир. «*Ҳар қандай мунозарали масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш, музокаралар йўли билан фикр алмашиш ва энг тўғри, ҳамма учун бирдай манфаатли бўлган хулосаларга келиш ва ҳар қандай зўравонликларга, тазйиқ ва куч ишлатишга қарши равишда шарқона муносабатлар илмини эгаллаш — демакки, шарқона демократия тамойиллари асосида иш юриштиш*», дейди Президент.

Бу — давримиз муаммо ва масалаларини ҳал этишнинг энг оқил йўлидир.

ДИН ВА ДИНЛАР (арабча «дин» — эътиқод, ишонч) — ижтимоий ҳаётни, воқеликни, унинг ҳодисаларини ўзига хос тарзда инъикос эттирувчи ижтимоий онг шаклларида бири. Дин ибтидоий жамоа тузуми даврида вужудга келган ва ўша даврда яшаган инсонларнинг дунёқарашини акс эттирган. Дин дунё, инсон, мавжудотларнинг келиб чиқишини, ҳаётнинг мазмуни ва маъноси, инсоннинг яшашдан мақсадлари каби саволларга ўзича жавоб берувчи дунёқараш шакли бўлиб келган. Ҳозирги даврда ҳам инсониятнинг талай қисми учун ушбу вазифани бажариб келмоқда.

Диний эътиқод диний онгнинг асосий хусусиятларини ифода этиб, диндорнинг кечинмалари ва хулқ-атворини белгилайди. Дин диний дунёқарашни, диний маросимларни, шунингдек, диний туйғуни ўз ичига олади. Ўрта асрларда дин маданиятнинг барча турларини (илм-фан, фалсафа, ҳуқуқ, ахлоқ ва бошқа шунга ўхшашларни) ўзида мужассамлаштирган ва уларга ўз таъсирини ўтказган. Ҳозирги вақтда дин маънавиятнинг бир тури ва маънавий маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Диний эътиқодларнинг моҳияти умумий бўлганлигига қарамасдан, динларнинг кўриниши хилма-хилдир. Дунёда жуда содда динлар билан бир қаторда, ривожланган, мураккаб динлар ҳам мавжуддир. Уларнинг вужудга келиш вақтлари ҳар хил бўлган.

Динларни шартли равишда қуйидаги турларга бўлиш мумкин: уруғ-қабил динлари (фетишизм, сеҳргарлик, тотемизм, анимизм ва бошқалар); халқ-миллий динлари (иудаизм, ҳиндуизм, зардуштийлик, синтоизм, конфуцийлик ва бошқалар); жаҳон динлари (буддавийлар — 2,5 миллиард киши атрофида, христианлар — 2 миллиардга яқин, мусулмонлар — 1 миллиарддан ошиқ).

Динларнинг ўзаро муносабатлари ҳамкорлик, ҳамдўстлик ва тенгҳуқуқлилиқ асосида амалга оширилади. Бундай муносабатларнинг сабабларидан бири ҳозирги вақтда дунёда

умуминсоний манфаатлар ва қадриятларнинг мамлакат, халқ ва синфлар манфаатлари ҳамда қадриятларидан устун туришидадир.

Мустақил Ўзбекистонда барча динларга тўла эркинлик берилган. Аҳолининг асосий қисми ислом дини ва христианликнинг православие мазҳабига эътиқод қилса-да, улар билан бир қаторда католиклар, протестантлар, бошқа мазҳаблар вакиллари ҳам истиқомат қиладилар. Уларнинг асосий фаолият йўсини — давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, сиёсий-ижтимоий барқарорликни таъмин этишга хизмат қилиш, бунинг учун эса, турли динларнинг ҳамкорлигини такомиллаштиришдир.

Шўролар даврида динга қарши олиб борилган хуруж ва хужум, «меҳнаткашларнинг диннинг асл моҳиятига кўзини очиш» мақсадида олиб борилган кўпйиллик изчил ташвиқот ва тарғибот, охир-оқибатда, истибдодчилар кутган натижани бермади ва дин фақатгина қолоқликнинг, саводсизликнинг, фан ютуқларини билмасликнинг натижаси дейиш ниҳоятда юзаки фикр эканлигини, дин инсон тафаккури, маданияти, маънавияти, руҳияти, кундалик ҳаёти билан жуда мураккаб боғланганлигини кўрсатди. Дин ҳар бир жамият, давлат, мамлакатнинг маданий, маънавий, руҳий ҳаётида ҳамма вақт маълум ўринни тутган ва, тарих кўрсатадики, тутажак.

ДИПЛОМАТИЯ — давлат, ҳукумат бошлиқлари ва махсус ташқи алоқа органларининг, давлат ташқи сиёсатининг мақсад ва вазифаларини, шунингдек, чет элларда давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашни амалга оширишга қаратилган расмий фаолияти. Дипломатия — ташқи сиёсатнинг, давлат халқаро фаолиятининг ажралмас қисми.

Ташқи алоқаларни амалга оширувчи конституцион органлар — парламент, давлат бошлиғи, ҳукумат бошлиғи, ҳукумат ташқи алоқаларни олиб боришга умумсиёсий раҳбарлик қилади, ташқи алоқаларни ташкил қилади ва тартибга солади. Кўпчилик мамлакатларнинг конституцияларига мувофиқ, парламент уруш ва тинчлик масалаларини ҳал этиш, мамлакат ҳудудига ўзгаришлар киритиш, халқаро шартномаларни тасдиқлаш ёки бекор қилиш, ташқи сиёсий тадбирлар учун сарф-харажатларни аниқлаш, бевосита халқаро муомалада иштирок этиш ва ҳоказолар бўйича ваколатларга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан, Олий Мажлис, юқорида кўрсатилганларидан ташқари, ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаш, ташқи алоқалар соҳасига тегишли бўлган қонунларни қабул қилиш, ушбу соҳа идоралари тизими, уларнинг ваколатларини белгилаш, божхона, валюта ҳамда кредит ишларини қонуний тартибга солиш ваколатларига ҳам эгадир (78-модда).

Давлат бошлиғи халқаро муносабатларда давлатнинг олий вакили сифатида иштирок этади. Одатда, у махсус ваколатларсиз ҳам бошқа давлатларнинг бошлиқлари билан учрашади, улар билан музокаралар олиб боради, халқаро шартнома ва битимларни имзолайди, расмий равишда элчи ва вакилларни тайинлайди ва вазифасидан бўшатади, чет давлатлар элчи ва бошқа вакилларининг ишонч ҳамда чиқарув ёрлиқларини қабул қилади. Юқорида айтилганларга қўшимча тарзда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига биноан, Президент, давлат бошлиғи сифатида, республика томонидан тузилган шартнома ва битимлар бўйича олинган мажбуриятларга амал қилинишини таъминлайди, ижро этувчи ҳокимият аппаратини тузади, унга раҳбарлик қилади, ташқи алоқалар соҳасидаги ишларни мувофиқлаштиради, ҳар йили Олий Мажлисга ички ҳамда халқаро аҳвол тўғрисида маълумот беради.

Ҳукумат бошлиғи ва бутун ҳукумат ташқи алоқа органлари ҳисобланиб, давлатнинг ташқи сиёсатда туган йўлига умумий раҳбарлик қилади, уни амалга оширади; ҳукумат ташқи сиёсат, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш соҳасидаги асосий йўналишни белгилайди ҳамда тегишли таклифларни кўриб чиқиш, тасдиқлаш учун парламент ва давлат бошлиғига тақдим этади, ташқи алоқага доир қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлайди, назорат қилади.

Ташқи ишлар вазирлиги давлатнинг ташқи алоқалари бўйича ихтисослашган органи ҳисобланади, у бевосита ва ҳар куни тегишли давлатнинг дипломатик фаолиятини амалга оширади, чет давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва делегациялари билан алоқада бўлади, улар билан музокаралар олиб боради, битимларнинг лойиҳаларини тайёрлайди, давлатнинг халқаро ташкилотларга аъзолигидан келиб чиқувчи хизмат ва алоқаларни амалга оширади, халқаро дипломатик тадбир ва учрашувларда иштирок этади ва ҳоказо.

Бошқа давлатлар билан иқтисодий алоқалар соҳасидаги умумдавлат манфаатларини ҳимоя қилиш, таъминлаш давлат бошқарувининг махсус органи — Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Дипломатик фаолиятни амалга оширувчи ташқи алоқа органларига чет элларда доимий иш олиб боровчи дипломатик ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар қошидаги ваколатхоналар, консуллик ва савдо ваколатхоналари кирадилар.

Давлатнинг дипломатик фаолияти, дипломатик хизматнинг иш жараёни халқаро ҳуқуқ меъёрлари (халқаро конвенциялар, шартномалар, одатлар) билан бирга, давлатнинг ички ҳуқуқ меъёрлари (Конституция, қонунлар, қонун асосида тузилган турли актлар) томонидан ҳам тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик фаолияти, дипломатик ва консуллик ҳуқуқи соҳасидаги конвенциялар билан бир қаторда халқаро шартномалар, ташқи сиёсий фаолиятнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги қонунлар, фармонлар ва ҳукумат қарорлари билан тартибга солинади.

Мустақил Ўзбекистон дипломатия соҳасида ўз салоҳияти ва анъаналари борасида аниқ, асосланган ва узоққа мўлжалланган сиёсатни олиб бормоқда. Мустақил Ўзбекистон дипломатияси — давлатимизнинг халқаро миқёсда танилиши, тан олинishi, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа алоқалари кенгайishi, халқаро мавқеи мустаҳкамланишининг асосий восита ва қуролларидан биридир. Бу борада мустақил Ўзбекистон дипломатияси олдида мураккаб ва муҳим вазифалар турибди. Гап шундаки, тежурийлар давридан сўнг Ўзбекистонда ҳозирги замон андозаларига жавоб берадиган дипломатик алоқалар ва дипломатик хизмат бўлган эмас. 1944 йилда Марказ кўрсатмаси билан очилган Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги кичиккина бир идорача бўлиб, ҳеч қандай ваколатларга эга эмас эди. У Марказнинг кўрсатмаларини бажарар, чет эллардан келган меҳмонларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш билан чекланарди. Шайбонийлардан сўнг юзага келган тарқоқлик ва чоризм ҳукмронлиги йиллари тўғрисида сўзлаш ортиқча, чунки ҳудудимиз жаҳон дипломатиясидан четда эди.

Мустақил Ўзбекистон дипломатияси йил сайин ўтмиш қолдирган «мерос»нинг салбий таъсирини бартараф қилмоқда: ҳақиқий дипломатик давлат хизмати, элчихоналар, консулликлар, дипломатия шохобчалари, марказий дипломатик муассасалар тизими изчиллик билан иш олиб бориб, давлатимизнинг халқаро алоқаларнинг фаол қатнашчиси эканлигини тасдиқламоқда. Дипломатия кадрлари тайёрлаш учун мамлакат пойтахтида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети 1993 йилдан ишлай бошлади.

«Ж»

ЖАДИДЧИЛИК (арабча «жадид» — янги) — янгиланиш, янги замонавий мактаб, матбаа, миллий тараққиёт усуллари, йўллари тарафдорларининг умумий номи. Жадидчилик XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи чорагида туркий-мусулмон ўлкаларида (Крим, Кавказ, Волгабўйи — Булғор ва Жанубий Ўрол ҳавзаси, Туркистон) шаклланиб келаётган миллий буржуазия муҳитида вужудга келган. У ўша даврдан Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатининг мафкураси —

Туркистон миллий мустақиллик мафқураси вазифасини ба-
жарди.

Жадидчиликнинг асосий ғоя ва мақсадлари: Туркистон-
ни ўрта асрчилик, феодал қолоқлик, хурофотлардан озод
қилиш, «Усули қадим»ни инкор этган ҳолда ўлкани, халқни,
миллатни замонавий мутараққий йўлга олиб чиқиш, миллий
давлат бунёд этиш, конституцион, парламент ва президент
идора усулидаги озод ва фаровон жамият қуриш, туркий
тилларга давлат тили мақомини бериш, миллий пул бирлиги
ва миллий қўшин тузиш. Бу ғоя ва мақсадлар 1917—1920
йилларда «Туркистон мухторияти», Бухоро ва Хоразм халқ
республикалари даврида, қисқа муддатда ва қисман бўлса-да
амалга оширилди.

Жадидчиликнинг минтақавий-ҳудудий тарихий шаклла-
ри: Қрим, Кавказ, Волгабўйи-Булғор ва Жанубий Ўролдаги
жадидчиликка Гаспдали Исмоилбей, Жовид Ҳусайнзода,
Мусо Жоруллоҳ Қозоний, Ризоуддин ибн Фахриддин раҳна-
молик қилишган; Туркистонда — Мунаввар Қори, Беҳбудий
ва бошқалар етакчилик қилишган; Бухорода «Ёш бухоролик-
лар» ҳукумати, Жумҳурраис Усмонхўжа, Фитрат ва бошқалар
йўлбошчилик қилишган; Хива жадидларига «Ёш хивалик-
лар» ҳукумати, Жумҳурраис Хожа Паҳлавон Ниёз Ҳожи етак-
чилик қилган.

Жадидчиликнинг Туркистондаги тадрижоти:

I. 1885—1895 йиллар: Г.Исмоилбейнинг «Таржумон» газе-
таси таъсирида Қўқонда янги — жадид усулидаги мактаблар
очиш ҳаракатлари бошланиб, улар аста-секин рус-тузем мак-
таблари билан рақобатлаша бошлаган.

II. Қримдаги Гаспра шаҳридан Г.Исмоилбейнинг Бухоро
ва Самарқандга ташрифи, Бухоро амири билан учрашиши
натижасида 1895 йилда жадид мактабларини ташкил этиш
даври — Бухорода Жўрабой, Самарқандда А.Шакурий,
С.Азизий, А.Мунзим, Мулла Қилич, Тошкентда Мунаввар
Қори, А.Авлонийлар, Қўқонда Ҳамза, Наманганда И.Ибрат,
Сўфизода ва бошқа сиймоларимиз очган жадид мактаблари
ўз фаолиятларини олиб борадилар.

III. 1905—1914 йиллар жадидчиликнинг мактаб-маориф-
дан кенгроқ газетчилик, яъни рўзномалар ва жаридалар чоп
этиш, матбаа ишларини йўлга қўйиш, илм-фан, адабиёт,
маданият-маорифни миллийлаштириш босқичи.

IV. 1914—1917 йиллар жадидчиликнинг ўта ижтимоий-
сиёсий йўналиш касб этиши, жадидчилик сиёсий фирқала-
рининг тузилиши ва уларнинг уч хил турли талаблар қўйиши:

1) Россиядан тўла ажралиб чиқиш; 2) Россия Федерация-
си таркибида «миллий-ҳудудий мухторият» тузиш; 3) Россия
унитаризми таркибида фақат маънавий-диний мухторият ҳу-
қуқлари кафолатига эга бўлиш.

V. 1917 йил октябри — 1918 йил Қўқонда «Туркистон мухторияти»нинг тузилиши ва унинг қонга ботирилиб, маҳв этилиши даври.

VI. 1918—1924 йиллар — шўро тизими таркибида, маориф-матбаа ишларида «Чигатой гурунги»ни тузиш билан ажралиб туради.

VII. Туркистон парчаланиб (1924), жадидчиликнинг кейинги тараққиёти «миллий жумҳуриятлар» доирасида борди. Жадидчилик асосан маданият-маориф, мактаб ва матбаа ишларида «Чигатой гурунги» ғояларини зимдан амалга оширишга, миллий-озодлик ҳаракатини жонлантиришга уринди.

VIII. 1931 йилдан то 1937—38 йиллар орқали 50-йилларнинг биринчи ярмигача қатағонга учраш даври.

Туркистон жадидчилигидаги асосий ғоявий-назарий йўналиш Беҳбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Чўлпонлар томонидан илгари сурилган бўлиб, шўролар тузуми, иштирокиончилар ғоя ва мафқурасини тўласича инкор этиб, ягона ва бир бутун Туркистон халқи ва давлатини қуриш, замонавий тараққиёт йўлидан боришни таклиф этганлар. Ж.Тавалло, Хондайлиқий, Ажзий ва бошқалар 1917 йил февраль буржуа демократик инқилоби берган конституцион имкониятлардан фойдаланиб, миллий истиқлолга эришишни кўзлаганлар. А.Авлоний, С.Айний, Ҳамза, Боту, Олтой, Элбек, А.Икромов, Ф.Хўжаев ва бошқалар миллий ва умуминсоний демократик қадриятларга муқобилан шўро ғоя ва қадриятларига урғу беришган.

Туркистон жадидчилиги ва маърифатчилиги тўғрисида гап борганда, уни анъанавий Шарқ маърифатчилигидан, шунингдек, ўша даврдаги ислом диний ислоҳотчилигидан фарқлаш зарур. Анъанавий Шарқ маърифатчилиги (Турди, Дониш, Гулханий, Муқимий, Фурқат, Нодира, Завқий) жадидлар маърифатчилиги учун маънавий-руҳий замин бўлган. Исломда бошланган Курсавий, Домла Икромча ислоҳчилик уринишлари жадидлар ҳаракати учун ислом, шариат нуқтаи назаридан диний-қонуний жиҳатдан йўл очиб берган. Бироқ жадидчилик ҳаракати, ундаги маърифатчилик майллари ўзининг ҳаётга юз бурганлиги, умуммиллий ижтимоий-сиёсий вазибаларни ҳал қилишга йўналтирилганлиги билан анъанавий Шарқ маърифатчилиги ва диний ислоҳчилик жараёнларидан тубдан фарқ қилган.

Жадидчилик — туркий халқлар, шу жумладан, ўзбек халқи тарихида янги саҳифани оча бошлаган ижтимоий ҳаракат бўлган. Истибод тузуми унга қарши шафқатсиз кураш олиб борганлигининг сабабини тушуниш қийин эмас. Чунки жадидчилик миллат уйғонишининг ва кўтарилишининг ижтимоий сатҳда намоён бўлиши эди. Жадидчиликнинг тор-мор қилиниши туркий миллатларнинг жаҳон миқёсида танили-

шини деярли бир асрга орқага сурди, уларни ҳукмрон мафкурага ва истибдодга қарам этиб, коммунистларнинг миллатларни жадал суръатлар билан қўшиб юбориш стратегик режаси ва назариясига бўйсундирмоқчи бўлди. Жадиличлик ҳаракати бир аср давомида коммунистик ғоянинг бошида тазйиқида, кейинчалик — исканжасида бўлиб, тўла равишда намоён бўла олмади. Унинг заминлари ва шаклланиш тарзини ўрганиш тақиқ остида бўлди. Бу масалалар ва муаммоларни ўрганиш — бизнинг жиддий вазифамиз. «Ривожланган социализм» (1960—1985) йилларидаги мисли кўрилмаган мафкуравий, маънавий, сиёсий ва иқтисодий тазйиқга қармай, ўзбек халқи ўзини, миллат сифатида ўзига хослигини сақлаб қола олди, зимдан жадиждлар ўртага ташлаган ғояларни амалга ошириш вақти-соати келишини умид билан кутди, ва бу вақт мустақиллик билан бирга ҳаётимизга кириб келди, чунки жадиждларнинг ғоялари ўлмас ғоялар эди.

ЖАМИЯТ СИЁСИЙ ТИЗИМИ ВА ДЕМОКРАТИЯ — Маълумки, халқ ҳокимияти, халқни ҳокимият манбаи, деб билувчи, тенглик ва озодлик тамойилларига асосланган жамият сиёсий тизимининг шаклидир. Демократик жараён давлат ҳаётининг деярли барча томонларини ўз ичига қамраб олади. Халқ билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг туб моҳиятини демократия белгилайди. Демократиянинг тартиби ва шакллари мамлакат конституциясида мустақамланади. Демократия шароитида, бошқа давлат тузумларидан фарқли ўлароқ, кўпчилик ҳукмронлиги, фуқароларнинг тенглиги, ҳуқуқнинг устуворлиги, давлат бошқарув тизимлари сайланиши расмий тан олинади.

Бевосита демократия ва вакиллик демократияси — демократиянинг икки асосий шаклидир. Биринчи ҳолда асосий қарорлар бевосита халқ томонидан қабул қилинади (масалан, умумий мажлисларда, референдум ва шу кабилар орқали); иккинчи ҳолда — сайлов билан тайинладиган давлат муассасалари ёки делегатлар, депутатлар, вакиллар халқ номидан қарор қабул қиладилар.

Қадимги Юнонистон ва Рим давлатлари қулдорлик давлатлари демократиясининг классик намунаси бўлган. Масалан, Юнонистон давлатини Халқ мажлиси бошқарган, бу мажлисда халқнинг жуда оз қисмини ташкил қилган қулдорлар ва эркин шахслар қатнашган. Рим Халқ мажлиси ва сенатига ўтказиладиган сайловларда эса патрицийлар, яъни «ерли» фуқаролар орасидан чиққан аристократлар иштирок қилганлар. Бу даврдаги демократия фақат эркин кишиларга тааллуқли бўлган.

Демократиянинг асосий тамойиллари ривожланишига Уйғониш даври ва Маърифатпарварлик ғояларининг таъсири

бениҳоядир. XVIII асрда Улуғ француз инқилоби «Инсон ва фуқаролар ҳуқуқи Декларацияси»ни эълон қилди: бунга эса янги давр демократиясининг манифести деб қаралса бўлади.

Ҳозирги замон демократияси қулдорлик ҳамда феодал тузумидаги демократиядан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади: а) кенг ва конституцияда умумий, тенг, тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан ўтказиладиган сайлов ҳуқуқининг расмий эълон қилинганлиги; б) ҳокимият органларининг умумиллат, умумхалқ вакиллик органи деб аталганлиги; в) фуқароларнинг тенглиги, дахлсизлиги; г) сўз, матбуот, йиғилиш, митинглар, кўча намоийшлари ўтказиш ва виждон эркинлиги.

Аммо эркинлик бошбошдоқлик эмас. Эркинлик жамиятда тартибсизликларга олиб бормасин, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётга путур етказмасин учун ҳар бир жамоатчилик тадбири расмий ҳокимият билан келишилади.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик давлат барпо этилмоқда, демократик ислоҳотлар кенгайтирилмоқда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, фуқаролар сиёсий фаоллигини ошириш, суд ислоҳотини чуқурлаштириш ва ҳоказолар бўйича иш олиб борилмоқда, демократик ўзгаришлар жадаллаштирилмоқда. Бу борада ҳам мустақил Ўзбекистон ўзига хос йўлдан бормоқда.

Фарб мезонлари ва анъаналари кўр-кўрона Ўзбекистонга кўчирилмаяпти. Бу йўлдан бориш мамлакатимизни тартибсизлик гирдобига тортиб, мустақилликни мустаҳкамлаш ишига жиддий путур етказиши мумкин. Халқимизнинг кўпчилик қисми бу масалада ўзининг аниқ фикрини айтди ва бундай йўлдан боришни рад этди. Шу муносабат билан миллий зиёлиларимиз шарқоналик ва шарқ демократияси асосларини тиклашга, уни кенг оммага тушунтиришга ҳаракат қилдилар ва бу соҳада маълум ижобий натижаларга эриша олинди. Яъни Шарқ асрлар давомида тадрижий-эволюцион йўлдан борган, ҳар бир жиддий қийинчиликни енгишда, биринчи навбатда, мубоҳаса, мунозара ва музокараларга имтиёз берган, сабр-тоқат кўрсатган, андишали бўлган. Бозор муносабатларига ўтиш даврида энг самарали бошқариш усули — Президент ва ҳокимлар бошқаруви танлаб олинди ва бу нарса оқил қадам эканлиги тасдиқланмоқда. Бунинг учун 1991—1998 йиллардаги Ўзбекистон ҳаётини МДҲ таркибидаги бошқа давлатлар ҳаёти билан қиёслаш кифоя.

ЖАМИЯТНИНГ ИЖТИМОЙ-СИНФИЙ ТУЗИЛИШИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР — унинг замирида доимо мавжуд жараёнлар бўлиб, уларга тарихий зарурият ва жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида қаралади. Чунки, табақаланиш, тафовутланиш, фарқланиш табиатда ҳам,

жамиятда ҳам ривожланишнинг зарурий шартидир. Жамиятдаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий силжишлар ижтимоий синфларнинг сони, салмоғи ва ўрнининг ўзгаришига олиб келади.

Жамиятнинг XVI асрдан то XX асрнинг биринчи чорагигача ривожланиши жаҳон миқёсида иккита синфнинг — буржуазия ва ишчилар синфларининг ниҳоятда, сон жиҳатидан ҳам, сифат жиҳатидан ҳам ўсишига олиб келди. Чунки, буржуазия ўзининг феодализм билан қурашдаги галабасига суяниб, Озодлик, Тенглик ва Биродарлик шиорларини олға суриб, тарихда мисли кўрилмаган даражада тадбиркорлик ва ғайрат билан ўз бойлигини кўпайтириш, алоқаларини кенгайтириш, ўзини синф сифатида мустақамлаш йўлидан ғолибона илгарилай бошлади. Худди шу вақтда ишчилар синфининг сони миллионлаб майда ер эгалари, дўкандорлар, хунармандларнинг хонавайрон бўлиши ҳисобига тез ва салмоқли ўсди.

XX аср давомида ишлаб чиқариш техника ва технологиясида ва шу сабабли жамиятнинг ижтимоий-синфий тузилишида оламшумул сифат ўзгаришлари намоён бўлди: биринчидан, иқтисодда оғир, мураккаб ва хавfli меҳнат турлари асосан автомат ва яримавтомат машиналарга топширилди. Иккинчидан, ҳукмрон синфлар социалистик инқилоб хавфининг олдини олиш мақсадида ишчиларнинг моддий аҳволини жиддий равишда яхшилаб бошладилар.

Ҳозир инсоният тараққиётида ҳал қилувчи куч — илғор илм-фан, техника ва технология билан шуғулланувчилар эканлиги ўз-ўзидан тарихий ҳақиқатга айланмоқда. Бундай тамойилнинг намоён бўлиши шубҳасиз эди. Чунки инсониятни ўлик ва тирик табиатдан ажратиб турадиган асосий аломат ва кучи — унинг ақли, тафаккури, илм зиёси. Инсоният ўзининг ёввойилик ва ваҳшийлик давридан мерос бўлиб қолган уруш, босқинчилик, зўравонлик сиёсатидан воз кечиб, ақл кучи, тафаккур салоҳияти ва илм зиёсини фан, техника ва технологияга қаратмоқда.

Мустақил Ўзбекистон ўзининг ижтимоий-синфий сиёсатини белгилар экан, юқоридаги қоидаларга таянади, яъни замонамизнинг илғор давлати бўлмоқ учун, авваламбор, илм-фан, янги техника ва технологияни ўзлаштирмоқ, кишиларимизнинг тадбиркорлигини кўтармоқ учун уларда мулкчилик ҳиссини уйғотмоғимиз зарур. Давлатимиздаги асосий ижтимоий-синфий ўзгаришлар шундан иборатки, янги ижтимоий гуруҳ — ўрта синф, мулкдорлар синфи шаклланди. Бошқа ижтимоий синфларнинг ўзгариши ана шу асосий ўзгаришга хизмат қилиши лозим. *(Бу тўғрида ҳозирги Ўзбекистонга оид бошқа мақолаларга қаранг.)*

ЖУҒРОФИЙ МАДАНИЯТ — умуминсоний моддий ва маънавий маданиятнинг илк негизи, ибтидоси, табиатига боғлиқ муҳитнинг қадрини билиш ҳисси шаклланадиган шароитлар мажмуи, инсонда табиат бойликларининг истеъмолчисигина эмас, балки, унинг ҳимоячиси, қўмакчиси ва бойитувчисини ҳам кўриш қобилияти. Жуғрофий маданият — жамият тараққиёти натижасида юзага келади.

Ўз тараққиётининг бошланишида инсон — табиатнинг бир қисми ва у атрофидаги ёввойи ҳайвонлар ҳамда ўсимликлар оламидан ўзини ажратмайди. Инсон ва жамият ривожлангани сари унинг табиатга таъсири кучайиб боради. Ҳозирги даврда инсоннинг табиатга таъсирида жамият қалтис нуқтага келди. Чунки, инсон билан табиат ўртасидаги мувозанат ва мутаносибликнинг бузилиши оқибатида инсоният учун умумхавф туғилди. Шу сабабли, ҳозирги даврда жуғрофий маданият масаласи бутун дунё бўйлаб биринчи ўринга чиқмоқда.

Бу масала, айниқса, мустақил Ўзбекистон шароитларида кескин тус олмоқда. Чунки, истибод йилларида коммунизмнинг моддий-техникавий базасини яратиш учун кураш ниқоби остида Марказий Осиё минтақасининг жуғрофий маданияти талаблари қўпол равишда бузилди. Марказий Осиёнинг марказида жойлашган Ўзбекистон, айниқса, бу жиҳатдан оғир аҳволга солиб қўйилган: «ривожланган социализм» йилларида (1960—1985), «пахтачиликни кўтариш» баҳонасида республика тупроғига фан тавсияларидан 10-20 баробар кўпроқ, миллион тонналаб заҳарли ўғитлар киритилган. Минг йиллар давомида шаклланган сув баланси, қўриқ ва бўз ерларнинг (Мирзачўл, Қарши чўли ва бошқалар) ўзлаштирилиши натижасида Ўзбекистон табиати кечириб бўлмас зарбага учраган ва шу сабабли Орол денгизи сув билан таъминланмай қурий бошлаган.

Марказий Осиёдаги бундай мураккаб аҳволдан чиқмоқ учун: а) сув, ер ва ҳосилдорлик баланси ва техника билан энергетиканинг ўсиши жуғрофий маданият талабларига бўйсундирилиши керак; б) техника, энергетика ва аҳолининг келажакда ўсиши беш йил, ўн йил, чорак аср ва ундан кўпга олдиндан ҳисоб-китоб ва мўлжал қилиб чиқилиб, барча амалий ишлар шунга қараб олиб борилиши шарт; в) Марказий Осиё минтақасида ёқилғи ва энергетика манбаи сифатида қуёш кучидан кенг фойдаланиш зарур; г) аҳолининг экологик маданиятини кўтаришга ўтмиш анъаналари, шу жумладан, «Авесто»дан бошлаб то Амир Темур боғларигача ҳамда ота-боболар миришкорлигигача бўлган омиллар сафарбар қилинмоғи зарур.

«Жуғрофий маданият» тушунчаси ўзида фан, сиёсат, ахлоқ, табиатга оқилона муносабат ва иқтисодни мужассам-

лаштиради. Шунинг учун ҳам у жуғрофий, омилни асос қилиб оладики, ташқи муҳит, жуғрофий шароит — жамиятнинг ибтидо заминидир ва сиёсат, иқтисод, ахлоқ, экологик тарбия — буларнинг ҳаммаси жуғрофий борлиқ асосида мавжуд бўлиб, ривожланади. Жуғрофий маданиятнинг илмий асосланган қоида ва талаблари заминдаги фаолиятгина Ўзбекистоннинг келажакда буюк давлат бўлишига мустақкам негиз яратиб беради. Фақат шундагина «Орол денгизи қуришни тўхтатиш мумкин, аммо уни илгариги ҳолатига қайтариб бўлмайди», деган пессимистик хулосалар ва умидсизлик ғоялари ўринсиз эканлиги аён бўлади. Бунинг учун табиатга нисбатан истеъмолчилик муносабати ўрнига инсон унинг ҳомийси ва дўстига айланиши керак.

«И»

ИБН СИНО АБУ АЛИ (980—1037) — жаҳон фани, маданиятининг энг йирик намояндаларидан бири, Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон халқлари маданиятини дунё миқёсида кўтаришга улкан ҳисса қўшган буюк қомусий олим. Унинг исми Фарбда «Авиценна» тарзида талаффуз қилинган. Халқимизнинг маънавий мустақиллигини таъминлашда катта хизмат кўрсатган. Ўзининг улкан илмий муваффақиятлари орқали у Шарқ ва Фарбда кенг танилиб, «Шайх ур-раис», «Олимлар бошлиғи», «Табиблар подшоҳи» деган номларга сазовор бўлган.

ЮНЕСКО қарорига биноан унинг 1000 йиллик юбилейи 1980 йилда бутун дунё миқёсида нишонланди.

Ибн Сино ёшлигиданоқ ўз даври фанларини, диний манбаларини, бир неча тилларни чуқур эгаллаб олади, 16-17 ёшидаёқ машҳур табиб бўлиб танилади. Бир неча вақт у Хоразмда Хоразмшоҳ Маъмун ташкил қилган, ўша даврдаги энг йирик фан марказларидан бири, ўз замонасининг академиясида фаолият кўрсатди. Кейинчалик эса у Хуросон, Эроннинг турли шаҳарларида бўлади ва 1037 йилда Исфажон шаҳрида вафот этади.

Ибн Сино Шарқ, энг аввало, Абу Наср Форобий ва Фарб, хусусан, Қадимги Юнонистон фалсафий аъёнларини чуқур ўзлаштириб, ривожлантирди, ўз ижтимоий таълимотида у буюк инсонпарвар, ватанпарвар ва адолатпарвар мутафаккир сифатида танилди. Шу билан бирга Ибн Сино бошқа бир неча, хусусан, табиий фанлар (астрономия, математика, геология, кимё, минералогия ва бошқалар) соҳасида иш олиб борган ва йирик натижаларга эришган. Лекин Ибн Синонинг табобати, хусусан, анатомия, психоло-

гия, фармакология, диагностика, гигиена фанларини ривожлантиришдаги хизматлари улкан бўлиб, у инсониятнинг энг машҳур табиблари қаторида жой олган. Унинг назарий ва тажрибавий таботат соҳасига оид ишларининг аҳамияти ҳозирги замонда яна ҳам ошиб бормоқда. Унинг бу соҳага оид асарлари XIII—XVII асрларда барча Оврупо ҳақимлари ва табиблари учун қўлланма ҳамда маълумотнома бўлиб хизмат қилди.

Ибн Сино жаҳон фани, хусусан, фалсафа, таботат, логика (мантик) ва бошқа фанларда бутун бир давр яратди, унинг китоблари эса бир неча асрлар давомида Шарқ ва Ғарб олимлари учун энг муҳим манбалар қаторида қўлланилиб келинди.

Ибн Сино қолдирган улкан илмий меросини 450 дан ошиқ асарлар ташкил этади: шулардан бизгача 160 га яқини етиб келган. Энг йириклари қаторида кўп жилдли «Китоб ал-Қонун фит-тибб» (Тиб қонунлари), «Китоб уш-шифо» (Шифо китоби), «Китоб ул-инсоф» (Инсоф китоби), «Донишнома» ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Унинг Аристотель асарлари бўйича, Абу Райҳон Беруний ва Баҳманёр билан олиб борган ёзишмалари катта аҳамиятга эга. Ибн Сино асарлари Оврупода XIII асрдан бошлаб латин тилига, кейинчалик эса кўп шарқ ва ғарб тилларига таржима этилди. Унинг таълимоти, илмий ишлари бўйича бутун дунё миқёсида тадқиқотлар олиб бориляпти.

Ўзбекистон олимлари Ибн Сино меросини ўрганишга, асарларини ўзбек ва рус тилларига таржима этишга ва нашр қилишга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Ибн Сино ўз илмий ва ижтимоий фаолияти билан Шарқ, хусусан, Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон халқларининг ижтимоий ва маънавий тараққиётига, маърифий ва маданий ривожига катта таъсир кўрсатди. Унинг мустақиллик мафкураси тизимида фахрли ўрин эгаллаб турганлиги табиийдир.

ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТИ — давлат ҳокимиятининг уч асосий тармоқлардан бири. Маълумки, давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларига бўлинади. Мазкур тамойил XVII—XVIII асрларда Англия ва Францияда назарий жиҳатдан асосланиб, феодал мутлақ яккаҳокимликка — монархияга қарши қаратилган ва халқ оммасининг кенг доираларини давлатни бошқаришга фаол жалб этишни кўзда тутган эди. Собиқ СССРда бу тамойил амалда инкор этиб келинди.

Мустақил Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бўлиниши тамойили мавжуд шароитларнинг ўзига хослигини инобатга олиш, жаҳондаги илғор демократик мамлакатлар таж-

рибасидан ижодий фойдаланиш асосида амалга оширилмоқда. Шунга кўра ижроия ҳокимияти давлат ҳокимияти тизимининг бир тармоғи ҳисобланади. Ўзбекистонда ижроия ҳокимияти Олий Мажлис қабул қилган қонунлар ва қарорларни, Президент фармонларини, ҳукумат қарорлари ва фармойишларини ижро этиш ҳамда шу жараёнда юзага келадиган фаолият ва муносабатларни бошқаришдан иборат. Бу иш билан ижроия ва бошқарув ҳокимияти тизимига кирувчи махсус марказий ва маҳаллий давлат идоралари шуғулланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси — ижроия ҳокимиятининг бошлиғидир. Бундан ташқари, ижроия ҳокимият органлари тизимига Вазирлар Маҳкамаси — ҳукумат, вазирликлар, давлат қўмиталари, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, улар раҳбарлигидаги бўлимлар ва бошқармалар, шунингдек, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг маъмурияти ҳам кирadi. Ижроия ҳокимияти органлари жамоавий раҳбарлик ва яккабошчилик асосида ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш йўли билан тегишли соҳаларни бошқариш, ривожлантириш чора тадбирларини ишлаб чиқади, уларни амалга оширади. Ижроия ҳокимияти идораларининг тизими, ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари Ўзбекистон Конституциясига биноан Олий Мажлис томонидан белгиланади.

ИЛҒОР ДАВЛАТЛАР — ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқаришнинг мутлақ кўрсаткичи даражаси юқори, ўз манфаатларини иқтисодийнинг юксак малакали ишчи кучи салмоқли тармоқларида мужассамлаштирган ва, шу билан бирга, илмий-техникавий жараёнлар жадал суратларда кечилиши таъмин этаётган давлатлар.

Илғор давлатлар жаҳон тарихида янги воқеа бўлиб, капитализмнинг ичдан ва ўзаро муносабатларда такомиллаштиши туфайли пайдо бўлган сифат жиҳатдан янги жамиятлардир. Уларни инсоният келажакнинг нишонлари деб билиш мумкин. Бу давлатлар ўзларининг бор кучларини юқори сифатли ҳамда энг илғор фан, техника ва технология асосида яратилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирадилар.

Ҳозирги кунда илғор давлатларнинг сони 24 тага етди. Булар орасида еттита давлат — «Кучли Еттилик», яъни АҚШ, Япония, Буюк Британия, Олмония, Италия, Канада ва Франция алоҳида мавқега эгадирлар (улар қаторига саккизинчи бўлиб 1997 йилда Россия Федерацияси қабул қилинди).

Экспортда мураккаб техника ва технология устунлик қилади. 1980—1992 йиллар оралиғида бу давлатларда машина ва ускуналар экспорти 3 маротаба ўсди. Айниқса, электр техника ва электроника ускуналари экспорти соҳаси бағоят юқори суръатларда ўсмоқда. Машина-техникавий маҳсулотлар иш-

лаб чиқариш экспортнинг 25 фоизини ташкил қилади. Юксак технология маҳсулотлари ишлаб чиқариш салмоғи эса 40 фоизга яқиндир. Бундай давлатларнинг иқтисодий сиёсати — бандлик даражасини қўллаб-қувватлашга, саноатнинг илғор тармоқларини ҳамда иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларини қўллаб-қувватлаш ва, шу билан бирга, капиталнинг сезиларли қисмини қўлга киритишга қаратилгандир.

Илғор давлатлар дунёдаги қолақ мамлакатларга иқтисодий ёрдам кўрсатадилар. Бу иқтисодий ёрдам эҳсоний текин ёрдамни ва имтиёзли кредит беришни ўз ичига олади. Масалан, 1994 йилда АҚШ қолақ мамлакатларга иқтисодий ёрдам кўрсатиш учун 13 миллиард доллар ажратди (шу жумладан, иқтисодий соҳага 76 фоиз ва ҳарбий соҳага 24 фоиз). Бундай ёрдам охир-оқибатда илғор давлатларнинг янада бойишига, халқаро миқёсда уларнинг мавқеи ва обрўсининг ошишига, моддий ва маънавий ютуқларга эришишга олиб келади.

Ўзбекистон суверен давлат сифатида, очиқ иқтисодиётни вужудга келтириш соҳасида фаол иш олиб бориб, илғор мамлакатларнинг кўпчилиги билан кенг кўламли иқтисодий алоқалар ўрнатмоқда. Ҳозир Ўзбекистонни дунёдаги 160 тадан ортиқ давлат тан олди. Улардан 74 таси билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Ўзбекистон пойтахтида 30 дан ортиқ мамлакатнинг, шу жумладан, буюклиги эътироф этилган — АҚШ, Япония, Олмония, Буюк Британия, Франция ва Италия давлатлари элчихоналари ишлаб турибди.

Мамлакатимиз халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотларида фаол қатнашмоқда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий муассасалари, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Халқаро молия корпорацияси, Иқтисодий тараққиётга кўмаклашувчи ташкилот, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби бошқа кўпгина ташкилотларга аъзо бўлди. Ўзбекистон билан АҚШ, Буюк Британия, Олмония ўртасида ҳамда республикамиз билан фаол ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган бошқа мамлакатлар ўртасида, баҳамжиҳатлик асосида, савдо-саноат палаталари барпо этилди.

Ўзбекистон ҳукумати Канада, Олмония, Голландия, Швейцариянинг банклари ва фирмалари билан 1,5 миллиард АҚШ доллариға яқин суммада ҳукуматлараро 32 та йирик кредит битими тузди ва ҳозир бу битимлар ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Чунончи, Тошкентда Халқаро савдо-кўргазма комплекси, Хоразм вилоятида қанд-шакар заводи қурилмоқда. Американинг «Ньюмонт-Майнинг» компанияси билан биргаликда олтин қазиб оладиган қўшма корхона ишга туширилди. Бундан ташқари, хорижий ҳамкорлар иштирокида республикамизда «ЎзДЭУавто» ва «ЎзДЭУэлектроникс» (Корея Республикаси), «Ўзиталмотор» (Италия), «ЎзБАТ» (Буюк

Британия) ҳиссадорлик бирлашмалари ва бошқалар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон илғор давлатлар қаторидан жой олиши шубҳасиз. Мамлакатимиз ривож шунга қаратилган. Лекин, бу мақсадга эришиш катта ва изчил меҳнатни талаб қилади. Янги ҳаётга, янги муносабатларга, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини сустлаштирадиган уч асосий салбий омилни бартараф қилиш лозим. Улар илғор давлат бўлиш йўлидаги уч тўсиқ ва тўғондир; *биринчиси*: ҳозирги Ўзбекистондаги саноат, қишлоқ хўжалиги, нақлиёт ҳамда алоқа асосан жаҳон андозаларидан орқада қолиб кетган шўролар даврида яратилган; *иккинчи* сабаб: шўролардан қолган бу моддий-техникавий меросдан фойдаланувчилар, яъни инженер-техник ходимлар, турли мутахассислар ўзлари меҳнатдаги малака ва маҳорат жиҳатидан асосан ўша даврнинг маҳсулидирлар. Ва *учинчидан*, шўро тузуми бизни етмиш йилдан ошиқ вақт давомида социализмнинг ҳар қандай бошқа ижтимоий тузумдан афзаллиги ва имтиёзлилигини тушуниб-англаш руҳида, боқимандалик, қарамлик, миллат сифатида иккинчи даражалиликни, юқоридан кўрсатма кутиш руҳида тарбиялади. Онгимизни ўтмишнинг бу сарқитларидан озод этиш осон иш эмас.

Давримизнинг илғор давлатларидан бирига айланишни ўзига мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон ҳозирги даврда барча диққат-эътиборини ана шу уч салбий омилни бартараф этишга қаратмоқда ва бу борада амалга оширилаётган ишлар шу даражада кенг миқёсли ва серқирраки, бу фаолиятнинг натижалари ва самаралари яқин йилларда билина бошлаши шубҳасиздир.

ИМПЕРИЯЧА ТАФАККУР — чор империяси даврида Россиянинг атроф ва чекка ўлкаларида истиқомат қилиб турган халқларга нисбатан расмий маъмурият ва ҳукмрон миллатнинг имтиёзли қатламлари томонидан амалга оширилган манманлик ва калондимоғлик муносабати ва бу муносабатнинг шўро йилларида ва ундан кейин ҳам давом эттирилиши. Империяча тафаккур марказлашган Русь давлати мустаҳкамланиб, кенгайиб бориши жараёнида юзага келди ва катта давлатнинг ҳамда катта миллатнинг босиб олинган ва забт этилган халқлар ҳамда элатларнинг устидан ҳукмронлигининг мафкуравий ифодаси эди. Миллий тафаккурнинг мазкур шакли жамият онгига сингиб, маълум даражада, худди табиийдек бир нарсага айланишига Россиянинг бу халқлар устидан деярли тўрт юз йилдан ортиқ ҳукмронлиги, уларга нисбатан баъзида шафқатсиз, баъзида маккорона олиб борган сиёсати бўлди.

Афсуски, шўро йилларида бу борада вазият тубдан ўзгаргани йўқ.

Чоризмнинг «бир бутун, яхлит ҳамда бўлинмас Россия» сиёсати давом эттирилиб, бундай сиёсатни янада янги поғонага кўтарадиган гоё ўртага ташланди, яъни СССРдаги юздан ортиқ миллат ва элатлар ўрнига «янги тарихий бирлик — совет халқи»ни шакллантириш коммунизм қуриш ишини тезлаштиради, дейилди.

Бундай сиёсат натижасида миллатлар ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилиги кўпол бузилди; масалан, 1935—1985 йиллар орасида СССРда мактабларда ўқитув тилларининг сони 105 тадан 39 тага тушди, миллий тилларнинг мавқеи республикаларда тубанлаша борди; республикалар кўпмиллатли улкан давлат — СССРнинг оддий маъмурий қисмларига айлантисилдилар, уларда ҳар йили қандай китоблар, ойномалар ва рўзномалар ва қанча тиражда чоп этиш фақат Марказнинг рўхсати билан ва назорати остида амалга оширилди. Бундай вазиятда Шўро Иттифоқи тенг ҳуқуқли миллатлар ва элатларнинг ҳур оиласи эмас, балки зўравонлик, куч ҳамда мажбурийлик асосида юзага келтирилган сунъий уюшма эканлигини бутун дунёга намойиш этди; бу нарса унинг ўз-ўзидан, ичдан чириб, барбод бўлишининг, парчаланиб кетишининг сабабларидан бири бўлди.

Империяча тафаккур сарқитларига қарши сабр-тоқат билан изчил кураш олиб бориш — муҳим вазифаларимиздан бири.

ИНВЕСТИЦИЯ (лотинча «*investicio*» — жойламоқ) — маблағни, маълум бойликни, кўшимча даромад олиш мақсадида, ишлаб чиқариш ёки бошқа соҳага жойлаштириш, маблағ сарфлаш. Демак, «инвестиция» ва «маблағ сарфлаш» тенг кучли сўзлардир.

Тадбиркорлик ва бошқа фаолиятлар турларига қўшиладиган барча моддий ҳамда номоддий бойликлар инвестиция ҳисобланадилар.

Бу бойликлар қуйидагича бўладилар:

— пул воситалари, мақсадли банк омонатлари, ҳиссалар, акциялар, суғурта ҳужжатлари ва бошқа қийматдор қоғозлар;
— кузатиш мумкин бўлган ва кўчмас мулк (бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа моддий бойликлар);

— муаллифлик ҳуқуқидан келиб чиқадиган мулкий ва номулкий ҳуқуқлар, бошқа интеллектуал ҳуқуқлар;

— бошқа бойликлар.

Ўзини-ўзи қоплашга кўра, инвестициялар узоқ, ўрта ва қисқа муддатли инвестицияларга бўлинадилар. Узоқ муддатли инвестициялар, асосан, қимматбаҳо ва мураккаб лойиҳаларда амалга ошириладилар, улар узоқ вақт мобайнида ўз-ўзларини қоплайдилар (10 ва ундан кўпроқ йиллар), қисқа муддатли инвестициялар одатда бир йилгача бўлади.

Инвестиция масалалари билан инвестицион сиёсат (инвестицион фаолият) узлуксиз боғлиқдир. Инвестицион сиёсат — давлатнинг жамиятда моддий ва маънавий бойликларни такрор ишлаб чиқариш ташкил этилишига қаратилган фаолиятидир. Замонавий инвестицион сиёсат — бу иқтисодиётда тубдан ўзгаришлар, қишлоқ хўжалигини замонавийлаштиришни амалга ошириш, табиий бойликларни ўзлаштириш, минтақаларнинг иқтисодий ривожланишларидаги номутаносибликни бартараф этиш, аҳолини иш билан таъминлаш, фан ва техникани ривожлантириш, экология муаммоларини ҳал этишнинг асосий усулидир. Мустақил Ўзбекистонда инвестицион сиёсат республикага чет эл инвестицияларини жалб этишга қаратилган. Шу туфайли чет эл инвестицияларини ҳуқуқий тартибга солиш ҳозирги вақтда жуда долзарб масала ҳисобланади.

ИНСОНПАРВАРЛИК («инсон» — арабча; «парвар» — форс-тожикча; «лик» — ўзбекча — кишига ғамхўрлик, гуманизм) — одамзоднинг қадри, унинг эркинлиги, қобилиятлари ҳар томонлама намоён бўлиши учун курашиш, инсоннинг бахт-саодати, тенг ҳуқуқлилиги, адолатли ҳаётини таъмин этишга интилиш, инсонийликнинг барча тамойиллари юзага чиқишига шарт-шароитлар яратиш маъносини англатади.

Инсонпарварлик ғоялари узоқ тарихга эга.

Инсонпарварлик ғоялари, бахт-саодат ва адолатга эришиш орзу-ҳаваслари халқ оғзаки ижодиётида, адабиётда, диний ва фалсафий таълимотларда узоқ ўтмишдан бери ўз аксини топиб келмоқда.

Марказий Осиё мутафаккирларидан Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқалар ўз асарларида инсон эркинлигини, унинг қадр-қимматини, инсонпарварлик ғояларини олға сурдилар.

Хусусан, Форобий фикрича, бахт-саодат, осойишта ҳаёт, кишилар ўртасидаги ҳамкорлик жараёнида инсоннинг кўп ижобий фазилатлари ва хислатлари асосида инсонлар жамоаси юзага келади. Форобий инсонларнинг иноқ ва дўст яшаши мамлакатда халқлар учун катта фойда келтиришини исботлашга интилган ва тинчликни қатъий равишда қувватлаб, бутун фаолиятини инсон хизматига қаратган.

Навоий инсон тақдири, халқ манфаатлари, мамлакат ҳақида ғамхўрликни асосий масала қилиб қўйган. У дунёда энг қимматли нарса инсондир, деган фикрни олға сурган. Унинг фикрича, бутун мавжудот, борлиқ, инсонга, унинг бахт-саодатига хизмат қилиши лозим. «Одамий эрсанг демагил одами, Оники йўқ халқ ғамидан ғами». Навоийнинг шу мисралариданоқ унинг инсонпарварлиги яққол кўринади.

Ўзбек жадидлари (Беҳбудий, Мунаввар Қори, Фитрат ва бошқалар) ва маърифатпарвар шоирлар (Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар ўғли ва бошқалар) ижодида ҳам инсонпарварлик ғоялари давом эттирилиб, юксак инсонийлик куйланган.

Инсонпарварлик яхлит дунёқараш тизими сифатида биринчи бор Оврупонинг Уйғониш даврида, яъни XV—XVII асрларда шаклланган. Шарқ фалсафаси ва ижтимоий тафаккурида инсонпарварлик ғоялари азалдан кенг тарқалган бўлиб, унинг кўп мингйиллик тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Фарбда эса инсонпарварлик ғоялари Овруро ўрта асрларида инсонни камситишни, уни худо ва дин номидан ҳақоратлаб, минглаб кишиларни инквизиция гулханига ташлаган шафқатсиз диндорларга ва уларни қўллаб-қувватлаган феодалларга қарши, инсон ҳуқуқлари учун мурасасиз кураш сифатида намоён бўла бошлади.

Инсонпарварлик кенг ижтимоий фикрни қамраб олиб, адабиёт, фалсафа, санъат ва бошқа соҳаларда намоён бўлди. XIV—XVII асрларда инсонпарварлик Италияда, кейинчалик эса Оврупонинг бошқа мамлакатларида тарқала бошлади.

Шундан кейинги асрлар давомида инсонпарварлик ғоялари катта тарихий йўлни ўтди. Жаҳон илмий, сиёсий ва ижтимоий фалсафасида инсонпарварлик «гуманизм» номи билан ривожланди. Бу атама биринчи марта XIX аср бошларида фанда ишлатила бошланди ва XX асрнинг ўрталаригача жамиятдаги адолатсизликни, тенгсизликни танқид қилишга қаратилди. Инсониятнинг XV асрдан то XX асрнинг ўрталаригача бўлган тарихи кишиларни аста-секин инсонпарварлик ғояларини ўзлаштиришга олиб келди ва бу ғояларни инкор этиш инсониятни таҳлика остонасига келтириб қўйишни кўрсатди. Шу асосда Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда жаҳон тараққиётида туб ўзгаришлар юз бера бошлади ва ҳақиқий инсонпарварлик томон жиддий қадамлар қўйилди. Буни БМТ, ЮНЕСКО, турли минтақавий ва давлатлараро музокаралар, муносабатлар, иттифоқлар мисолларида кўрсак бўлади. Бу борада жаҳон илғор давлатларининг ҳаётий тажрибаси диққатга сазовордир. Инсонпарварлик ҳар бир замонавий ҳуқуқий демократик давлатнинг ҳаёт қондаси ва ижтимоий тузилиш устунларидан бирига айланмоқда.

Мустақил Ўзбекистон ўз сиёсатида инсонпарварлик ва гуманизм шартлари, талаблари ва қоидаларига, Шарқ ва Фарб давлатларининг энг илғор тажрибасига таяниб, халқ ҳаётини ва жамият фаолиятини ташкил қилмоқда. Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари инсон манфаатларини ҳимоя қилишга, уни қадрлашга, ҳар бир шахснинг баркамоллашувига қаратилган. Инсонпарварлик мавзусининг назарий ва амалий муаммоларини ёритишда Ўзбекистон олимлари олдида улкан вазифалар турибди. Инсонпарварлик ғоялари,

мазмуни ва тамойиллари ўзбек миллий менталитетининг таркибий қисмидир. Халқ тафаккурида доим мавжуд бўлган нарса унинг мутафаккир фарзандлари (Фаробий, Навоий ва бошқалар) ижодида ўз ифодасини топган. Яъни инсонпарварлик ғоялари ташқаридан, мутафаккирларнинг ҳаракати билан, киритилган эмас. У халқ тафаккурининг узвий қисми бўлган. Шу анъана мустақиллик йилларида янада давом эттирилмоқда. Инсонпарварликнинг ҳозирги халқимиз воқелигида намоён бўлиши шундан иборатки, мустақил Ўзбекистон тарихий тараққиётнинг энг оқил йўлидан, тинчлик, барқарорлик ва тотувлик йўлидан бормоқда.

ИНТЕГРАЦИЯ — миллий иқтисодиётларнинг сифат жиҳатидан янги шароитларга эга бўлиши ва, мамлакат тараққиёти имкониятларини кенгайтириш мақсадида, ихтиёрий равишда бирлашиши, бир-бирларига ўзаро таъсир этиши жараёни.

Иқтисодий интеграция ҳамкорлик, иқтисодий сиёсатда устувор йўналиш, деб ишлаб чиқариш ривожланишини белгиланган мамлакатлар ўртасида, асосан, ишлаб чиқариш соҳасида юз беради ва бу жараёни амалга ошириш мақсадида мамлакатлар қатор чора-тадбирларни қўллайдилар. Интеграция жараёни, ривожланиш даражасига боғлиқ ҳолда, бешта поғонага ажратилади: 1) эркин савдо минтақаси; 2) божхона иттифоқи; 3) умумий бозор; 4) валютавий-иқтисодий иттифоқ; 5) сиёсий иттифоқ.

Мазкур борада Оврупо иқтисодий ҳамкорлиги (ОИХ) — Оврупо Иттифоқи намуна бўлиб хизмат қилади. Унинг интеграция соҳасидаги тажрибасини бошқа минтақаларда ҳам қўллаш мумкин.

Ҳозирги пайтда дунёдаги кўплаб интеграция ассоциациялари ОИХ тажрибасига амал қилган ҳолда интеграциянинг беш поғонасига асосланиб иш олиб бормоқдалар. Эндиликда фақат поғонали интеграция моделига асосланган эркин савдо минтақалари (Лотин Америкаси эркин савдо ассоциацияси) ёки божхона иттифоқлари (Фарбий Африка божхона иттифоқи ва Марказий Африка иқтисодий-божхона иттифоқи) билан бир қаторда иқтисодий иттифоқлар ҳам ташкил этила бошланди (ЭКОВАС — 1975 й.).

Фарбий Оврупода Оврупо Иттифоқи (ОИ) 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб ягона бозор ташкил этишни мақсад қилиб қўйди ва Маастрих шартномасини тузиб, валютавий-иқтисодий иттифоққа ўтишнинг тартибини белгилаб олди. 1989 йилда Шимолий Африкада, 1994 йилда Канада ва АҚШ ўртасида эркин савдо минтақаси ташкил этилиб, унга Мексика қўшилиши натижасида Шимолий Америка эркин савдо ассоциацияси шаклланди. Осиё-Тинч океан минтақасида

1989 йилда Осиё-Тинч океан иқтисодий кооперацияси (ОТИК) тузилди. Ҳозир бу ассоциацияга Тинч океани ҳавзасининг 20 дан ортиқ мамлакати аъзо бўлиб, 2020 йилга бориб, унинг доирасида эркин савдо минтақаси ташкил этиш тўғрисида келишилган. Ундан аввалроқ, 1992 йилда, Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари ассоциациясига аъзо бўлган олти мамлакат 2008 йилгача эркин савдо ассоциациясини ташкил қилиш тўғрисида шартнома тузганлар.

Интеграция борасида Ўзбекистон мураккаб йўлни босиб ўтди. Чоризм даврида Ўзбекистон иқтисоди умумроссия ягона иқтисодининг таркибий қисми эди ва мамлакатимизнинг барча моддий бойликлари мустабид Марказнинг ихтиёрида эди. Ўзбекистон иқтисоди, мустамлака иқтисоди сифатида Россия давлатига хизмат қилар эди. Шўролар даврида вазият янада мураккаблашди. Ўзбекистон иқтисоди янада маҳкамроқ равишда Марказга бўйсундирилиб, юртимиздан моддий бойликларни олиб кетиш аввалгидан ҳам тезлашди, «ривожланган социализм» йилларида «Бутуниттифоқ ягона иқтисодий мажмуаси» ташкил қилинди. Буларнинг ҳаммаси мажбурий, зўравонларча интеграциянинг ёрқин мисолларидир. Ҳолбуки, у ихтиёрий, манфаатдорона ва табиий равишда амалга ошиши керак.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, ўтмишдаги мажбурий интеграция ришталари узилди ва барбод бўлди. Энди мустақил давлатлар, ўзаро ҳамкорлик ва тенглик асосида, ихтиёрий интеграциянинг янги шакллари ва йўлларини ярата бошладилар. Ўтмишдагидан фарқ шундан иборатки, янги мустақил давлатлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидагина эмас, балки бошқа, «узоқ хориж»даги давлатлар билан ҳам иқтисодий алоқалар ўрнатиб, аста-секин бу алоқаларни кенгайтириб, мустаҳкамлай бошладилар. Аммо иқтисодий интеграция, биринчи навбатда, МДҲ доирасида кун тартибига қўйилмоқда. Чунки бу ерда гап ўтмишда ўрнатилган иқтисодий алоқаларни янги асосда тузиш тўғрисида сўз боради. МДҲ ичида Ўзбекистон, биринчи галда, Марказий Осиё давлатлари, — Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистон, — билан иқтисодий интеграция тўғрисида сўз олиб борди. Чунки, мазкур ҳудуддаги давлатлар ўзаро иқтисодий, руҳий, тарихий, жуғрофий ва бошқа жиҳатлардан яқинлар. Бу тўғрида Марказий Осиё давлатлари ўзаро қатор битим ва шартномалар тузганлар ва ҳақиқий интеграцияга эришиш йўлидан бормоқдалар.

ИНФЛЯЦИЯ (лотинча «inflatio» — шишиш, кўтарилиш) — нарх-наво умумий даражасининг ошиши, реал товарлар таклифларига нисбатан пул массаси ортиб, пулнинг қадр-қиммати ва харид қобилиятининг пасайиб кетиши. Иқтисод-

да вужудга келадиган муаммолар пул босиб чиқаришни кўпайтириш орқали ҳал қилинса ёки қоғоз пуллар ҳажми ўзгармаган ҳолда, товар ҳажми камайса, инфляция юз беради. У, аҳоли турмуш даражасининг пасайишига сабаб бўлишдан ташқари, корхоналарни узоқ муддатли инвестициялар жорий этишга мажбур қилади, ишлаб чиқариш салоҳиятини ва техникани янгилашга қаратилган интилишларни сўндиради, бу билан иқтисодийнинг қайта ривожланишига тўсқинлик қилибгина қолмай, унинг келажакда ривожланишининг су-сайишига олиб келади.

Инфляциянинг қуйидаги турлари мавжуд: 1. Интеграцияланган инфляция иқтисодий омиллар таъсирида рўй беради; 2. Кредит инфляцияси — ҳаддан ташқари кредит экспансияси натижасида вужудга келади; 3. Урмаловчи инфляция — суст суръатларда ривожланувчи инфляция (нархларнинг ўртача йиллик ўсиши 5-10 фоиздан ортмайди); 4. Чопагон инфляция — нархларнинг юқори суръатларда — йилига 10 фоиздан 50 фоизгача — кўтарилиши; 5. Гиперинфляция (нархлар ойига 50 фоиздан кўп ўсади); 6. Маъмурий инфляция — нархларни бошқариш йўли билан ошириш натижасида юзага келади; 7. Ижтимоий инфляция — нархлар, жамиятнинг маҳсулот сифати-га бўлган талабининг ортиши, атроф муҳитни ҳимоя қилишга ҳаракат қилиши натижасида, ўсади; 8. Иқтисодий тушкунликнинг, ишсизликнинг ортиши ва ишлаб чиқаришнинг қисқариши билан боғлиқ инфляция.

Инфляцияга боғлиқ ҳолда пулнинг қадри тушиши натижасида даромаддаги йўқотиш ўрнини қоплаш учун тўланадиган маблағ инфляция маблағи деб аталади.

Инфляция кутиш эҳтимоли деб, инвесторнинг келажакда инфляция суръати ўсиши рўй беришини кутгандаги ўрнига айтилади. Ундаги шароитда инвестор ўз инвестицияларини инфляциядан ҳимоя қилиш мақсадида моддийлаштиришга (облигация, имтиёзли акция, жамғарма сертификатлари ва ҳоказоларга айланттиришга) ҳаракат қилади.

Инфляцияга қарши тадбирлар тизими қуйидагилардан ташкил топади:

— ишлаб чиқариш воситаларининг демонополлашган ва тақчилликсиз бозорини шакллантириш;

— муомаладаги пул ҳажмини чеклаш;

— нархларни назорат қилиш, уларнинг ўсишини тартибга солиш;

— иш ҳақи ўсишини, хом ашё нархини вақтинча ушлаб туриш, табиий шароит ёмонлашиши натижасида зарар кўрган корхоналарга дотациялар тўлаш, ишлаб чиқариш харажатларини назорат қилиш;

— инвестицион фаолликни чеклаш.

ИСЛОМ ДИНИ (арабча «аслама» — худога ўзини топшириш, итоат, бўйсунуш; шундан «муслим» — бўйсинувчи, итоаткор) — дунёда энг кенг тарқалган уч диннинг, яъни жаҳон динларининг (буддавийлик, христианлик ва ислом) бири. Ер юзидаги 5,7 миллиардга яқин аҳолидан деярли бир миллиарддан ортиқроғи унга эътиқод қилади.

«Муслим» сўзининг кўплиги «муслимун» шаклида ёзилиб, Марказий Осиё халқларида «мусулмон», форсларда «мусалмон», Шарқий Оврупода ўтмишда «басурман» тарзида талаффуз қилинган. «Муҳаммад» исми эса «Магомет» тарзида ёзилиб ва ўқилиб, шундан бу дин тарафдорлари русчасига «магометане» деб ҳам аталадилар.

Ислом дини Арабистон яримороли, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, Шимолий Африка, Индонезия, қисман Марказий Африка ва Ҳиндистонда тарқалган. Ундан ташқари, бу динга эътиқод қилувчилар жаҳоннинг деярли барча қитъаларида мавжуд, шу жумладан, АҚШдаги қоратанлиларнинг, Япония аҳолисининг, Кавказ ва Кавказорти аҳолисининг бир қисми бу динга эътиқод этадилар.

Ислом дини VI—VII асрларда Арабистон яриморолида шакланган ва емирилиб бораётган қабилачилик ҳамда уруғчилик муносабатлари ва қабилавий худолар ўрнига эл-юртни бирлашишга, жипслашишга хизмат қиладиган яккахудоликка бўлган ижтимоий талабини қондиришга хизмат қилган. Ислом динининг илк ва асосий тарғиботчиси Муҳаммадир (570, Макка — 632, Мадина). Ўз тарғиботини у 609—610 йилларда Маккада бошлаган ва қаршиликка учрагач, 622 йилда Мадинага кўчган. Араб тилида «кўчиш» «ҳижра» дейилади ва шундан ҳижрий йил ҳисоби бошланади. Муҳаммад Мадинада ўз тарафдорлари қаторини тезда кенгайтириб, Маккани ҳам ўз қўлига олган ва шу йўла йирик араб мусулмон давлати юзага келган. Муҳаммаднинг вафотидан сўнг давлатни унинг ўринбосарлари ёки ноиблари (арабча «халифа») бошқарганлар ва бу давлат «халифалик» деб атала бошлаган.

Ислом дини таълимотининг асослари Қуръонда, ҳадисларда ҳамда илоҳиёт адабиётида ва уларга қўшимча манба сифатида яратилган Суннада ўз ифодасини топган. «Дин асослари» деб ном олган беш амалий маросимчилик — калима келтириш, намоз ўқиш, рўза тутиш, закот бериш ва, имкони бўлса, ҳаж қилиш мусулмон бўлишнинг шартларидир. VIII асрда бошланган ислом динини асослаш XII асрга келиб ислом динининг қонун-қоидалари мажмуи — шариатни ишлаб чиқиш билан тугалланди. Ислом дини, аввалбошиданоқ, инсонни ўқиб-ўрганишга, илм воситаси билан дунёни англаб етишга даъват қилади. Қуръонда «илм» сўзидан чиққан «алима» (билмоқ) сўзи 750 мартаба уч-

райди. Ислом дини тарихий тараққиётда тадрижийлик, яъни босқичма-босқич ривожланиш, эволюцион тараққиёт тарафдори.

Барча динларда бўлганидек, ислом динида ҳам турли йўналиш ва оқимлар мавжуд. Тарих жараёнида улардан фақат учтаси сақланиб қолган: — суннийлик, шиалик ва ибодийлик. Суннийлик энг катта йўналиш бўлиб, ҳозир жаҳондаги мусулмонларнинг қарийб 90 фоизини қамраб олади. Шиаликнинг суннийликдан фарқи шундаки, мусулмонлар жамоасига «пайғамбар қуёви ва тўртинчи халифа Али ибн Абу Толиб авлодлари раҳбарлик қилиши керак», деган талабни эътиқод, мазҳаб даражасигача кўтарган.

Ислом дини кибрни қоралайди, қабилачилик хурофотларига кескин қарши чиқади, ирқий биродарлик ўрнига инсоний биродарлик жамоаси — «умма» тушунчасини киритди. Бу нарса инсониятнинг маънавий такомилида муҳим бурилиш нуқтаси бўлди.

Мустақил Ўзбекистон ўзининг ички ва ташқи сиёсатида ислом дини қобигида ифода этилган умуминсоний қадриятларга жиддий ўрин ажратади; ислом дини халқимизнинг моддий ва маънавий ҳаётининг шақлланишида, юртимизнинг жаҳон маданиятининг йирик масканига айланишида муҳим аҳамият касб этгани таъкидланмоқда. (*Яна қаранг: «Мустақил Ўзбекистонда ислом дини», «Қуръон», «Ҳадис».*)

ИСЛОҲОТ (арабча «ислоҳот» — яхшилаш, тузатиш) — ислоҳ қилиш, тубдан ўзгартириш, қайтадан қуриш, янгидан ташкил қилиш.

«Ислоҳот» сўзи ўзбек тилида қадимдан мавжуд бўлиб, айниқса, XX аср давомида кенг қўлланилади (масалан, «Ерсув ислоҳоти», «Ёзув ислоҳоти» ва бошқалар).

Мустақиллик муносабати билан давлатимизда бошланган туб ўзгаришларга нисбатан, лотинчадан олинган «реформа» сўзи ўрнига қадимий арабчадан кирган «ислоҳот» сўзи кенг ишлатила бошлади. Бу сўз, биринчи навбатда, иқтисодимизга нисбатан ишлатилади. Чунки, уни ислоҳ қилмоқ, яъни ундаги истибдод тузуми ўрнатган тартиб-қоидаларни тубдан ўзгартириш, янгидан қуриш ва қайтадан ташкил қилиш керак эди.

Истибдод тузуми, жамиятимизда тарихан ташкил топиб, кенгайиб бораётган бозор муносабатларини ва хусусий мулкчиликни бузиб, синдириб ва барбод қилиб, ўрнига ягона давлат ва колхоз-кооператив мулки ўрнатди, барча фуқароларни давлатнинг дастёрларига айлантирди. Ўз ақли, заковати, ташаббуси, тadbиркорлигининг манбаси бўлган хусусий мулкдан маҳрум аҳоли давлатга, ҳукмрон мафкурага қарам бўлиб қолди.

Аҳоли ижодкордан ижрочига айланди.

Бу ҳол, вақт ўтиши билан оғир оқибатларга олиб келди: коммунистик партиянинг ва шўро ҳукуматининг қаттиққўл сиёсатига қарамай, иқтисодда ишлаб чиқариш унумдорлиги йилдан-йилга пасайиб бораверди. Бинобарин, 1985 йилда собиқ СССР саноатида ишлаб чиқариш унумдорлиги АҚШ-никидан 4-6 баробар, қишлоқ хўжалигида эса 11-12 баробар паст бўлди. Улкан мамлакат ўз аҳолисини асосан ерости бойликлари ва замонавий қурол-аслаҳаларни чет элга сотиб, шунинг пулига боқа бошлади.

Собиқ СССР иқтисоди, шу жумладан, Ўзбекистон иқтисоди, боши берк кўчага кириб, тўхтаб қолди. Жаҳон иқтисодий тараққиётининг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ҳолатини таҳлил қилиш кўрсатадики, социализм йўлидан борган барча мамлакатлар инқироз ботқоғидан, эркин бозор иқтисоди йўлидан борган мамлакатлар эса жаҳон иқтисодий тараққиётининг олд қаторидан жой олдилар.

Ана шу тарих сабоқларини инобатга олиб, мустақилликка чиққан барча давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам, бозор муносабатлари асосида ривожланиш йўлини танладилар.

Истибдод иқтисодидан эркин бозор муносабатларига ўтиш барча янги мустақил давлатларда ниҳоятда қийин кўчмоқда. Чунки, истибдод тузуми барча ишларни асрларга мўлжаллаб олиб борган эди ва жаҳонда мисли кўрилмаган ташвиқот, тарғибот машинасини юзага келтирган, кетма-кет уч авлоднинг онгини социализм ғоялари билан обдон, ҳар томонлама заҳарлаган эди. Одамлар ҳукуматга, давлатга, партияга орқа қилиб, лоқайдликка, қарамликка, боқимандаликка ўрганиб қолган эдилар.

Собиқ СССР иқтисоди жаҳон бозорида рақобат курашига кўп жиҳатдан чидай олмасди. Шу сабабли, мустақиллик эълон қилиниб, бозор очиқ деб эълон қилингандан сўнг, барча янги мустақил давлатлар бозорларини чет эл маҳсулоти тезлик ва енгиллик билан эгаллай бошлади. Чунки, уларнинг йўлини тўсадиган рақобатбардош маҳсулотни етарли миқдорда чиқаришга ҳозирги даврда қодир эмасмиз. Бу ҳолатдан чиқиш, айниқса, ҳозирги даврда, қийин жараён, зеро, илғор мамлакатлар билан тенглашиб, ишлаб чиқаришни бозор иқтисоди талаблари даражасига кўтаргунча кўп йиллар сабртоқат ва қунт билан меҳнат қилишимиз лозим бўлади. Шу йўлдан изчиллик билан давом этишимиз — ягона, мураккаб, айни пайтда истиқболли ечимдир.

ИСТИҚЛОЛ (арабча «истиқлол» — кўтарилиш, қадини ростлаш, ўсиш, юқори жойга эришиш). — ҳар бир инсон, жамоа, давлат, миллатнинг ривожланиши учун зарур эркинлик шароити.

Ўзбекистон 1991 йилнинг 31 августида ўз истиқлолини қўлга киритиб, жаҳон майдонига чиқиб, қаддини ростлади. Истиқлолнинг барча маъноларини амалга ошириб бўлгандан кейингина мустақилликка тўла эришиш мумкин. «Мустақиллик» тушунчаси ҳам «истиқлол» сўзидан келиб чиққан бўлиб, унинг барча маъноларининг бажарилганлигини билдирадиган ҳолатдир. «Истиқлол» кўпинча сиёсий мустақиллик маъносига қўлланилади. Истиқлолга эришган кўпгина давлатлар ҳали иқтисодий жиҳатдан қарамликдан тамоман қутула олмаган бўлиши мумкин.

«Истиқлол» сўзи «мустақиллик» сўзига нисбатан бирламчидир. «Истиқлол» сўзи билан «мустақиллик» сўзининг ўзаро маънавий нисбати худди ўзбекча «эрк» сўзи билан «эркинлик» сўзининг мутаносиблигидекдир. «Истиқлол» ва «мустақиллик» сўзлари араб тилидан ўзбек тилига аллақачонлар кириб, асрлар давомида ҳақиқий ўзбек сўзларига айланиб кетган. Аммо, мустақиллик йиллари бу сўзлар «ёт сўзлар» сифатида ва айниқса, маъно жиҳатидан, у замон талабларига мос эмасликлари туфайли, ўзбек тилининг фаол сўзлар қисмидан анча четлатилган эдилар.

«Истиқлол» сўзи «бошқаларга тобеъ бўлмай, ўз эрки билан яшаш, ўзини ўзи идора қилиш, эркинлик» маъносини билдиради. «Мустақиллик» эса «ихтиёри ўзида бўлган, тобеъ эмаслик, қарам эмаслик, ўзганинг ёрдамисиз ва раҳнамолигисиз ўз масалаларини ҳал қила оладиган, ўзича эркин фикр юритиб, кун кечира оладиган», деган маъноларни билдиради.

Демак, «истиқлол» ҳам, «мустақиллик» ҳам ҳар биримизга улкан масъулият юклайдиган сўзлардир.

Истиқлолга интилган Ўзбекистон халқи мустақилликка эришди. Мамлакат раҳбариятининг оқидона, шахдам ва матонат билан ҳаракат қилиши туфайли Ўзбекистон истиқлол йўлига дадиллик билан чиқди. Энди Ўзбекистон истиқлол кун тартибига қўйган энг мураккаб масалани ҳал этиши даркор. У ҳам бўлса, истиқлол берган кенг имкониятлардан фойдаланиб, мустақил Ўзбекистонни илғор давлатга айлантиришидир.

ИЧКИ ИШЛАРГА АРАЛАШМАСЛИК — халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб, маълум бир давлат ёки давлатлар гуруҳи, қандай сабаб бўлишидан қатъи назар, бошқа бир мустақил давлатнинг ички ва ташқи ишларига аралашмасликларини билдиради.

Ҳеч қайси давлат бошқа давлат тузилишини зўрлик билан ўзгартиришга қаратилган ҳарбий, қўпоровчилик, террористик фаолиятни ташкил этиш, қўллаб-қувватлаш ёки шуларга ўхшаш хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги лозим. Ҳар бир давлат бошқа бир давлатнинг ташқаридан қандай

шаклда бўлмасин, аралашувисиз ўзининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий тизимини танлаш ҳуқуқига эгадир. Ҳуқуқларнинг ҳар томонлама бузилиши натижасида кўплаб одамлар қурбон бўлсалар, тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солинса, ўша давлатга нисбатан БМТ Хавфсизлик кенгашининг қарорига биноан, мажбурий чоралар қўлланиши аралашмаслик тамойилига хилоф ҳисобланмайди. Халқаро ҳамжамият бундай давлатларнинг тинчлиги ва хавфсизлигига путур етказувчи жанжалларни бартараф этишда четда тура олмайди.

Шундай қилиб, ички ишларга аралашмаслик тамойили ўз ҳудуди доирасида амалга ошириладиган халқаро ҳуқуқий мажбуриятларнинг бузилишига асос бўла олмайди. Бу тамойил давлатнинг ички ҳуқуқлари ва вазифалари доирасига тааллуқли бўлган ҳамкорлик қондасига ҳам зид эмас: БМТ Низомида ички хусусиятга эга бўлган анчагина масалалар, масалан, ҳаёт даражасини кўтариш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш шароитида аҳолини иш билан тўла банд этиш, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, жиноятчиликка қарши кураш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳоказолар бўйича давлатларнинг ҳамкорлик қилишлари кўзда тутилган.

Ички ишларга аралашмаслик тамойили давлатларнинг нафақат ички, балки ташқи ишларига ҳам тааллуқлидир. Давлатлар ўзларининг суверен тенгликларидан келиб чиқиб, бир-бирларининг ҳуқуқларини ўзаро ҳурмат қилишлари, ўз хоҳишларига кўра, халқаро ҳуқуққа асосан, бошқа давлатлар билан муносабатларини аниқлаш ва амалга оширишга мажбурдирлар; шунингдек, улар бир-бирларининг халқаро ҳуқуқ субъектлигини ҳам ҳурмат қилишлари лозим. Яъни ҳар бир мустақил давлат халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш ёки бўлмаслик, халқаро шартномаларда қатнашиш ёки қатнашмаслик ҳамда бетараф қолиш каби масалаларни ўзи мустақил ҳал қилади. Ҳеч бир давлат бошқа давлатнинг ташқи ишларини ўз хоҳишидан бошқачароқ амалга оширишга мажбур этиш ҳуқуқига эга эмас.

Ўзбекистон Республикаси суверен давлат ва халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъекти сифатида халқаро ҳуқуқнинг умум томонидан тан олинган нормаларининг устуворлигига амал қилиб, ўз Конституциясининг IV бобида ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари, шу жумладан, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилини ҳам мустаҳкамлагандир. Бу талаб ва қоидаларга тўла риоя қилинмоқда.

Ўзбекистоннинг бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилига содиқлиги Президент И.А. Каримовнинг БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар минбарлари-

дан туриб ушбу минтақадаги вазиятни юмшатиш тўғрисидаги қатор чиқишларида ўз ифодасини топди. Юқоридаги ва бошқа муаммоларни муҳокама қилиш учун Ўзбекистонда БМТ раҳбарлигида Марказий Осиёда ҳамкорлик, барқарорлик, хавфсизлик масалаларига бағишланган семинар-йиғилишлар, Оролни қутқариш, наркобизнесга қарши курашиш, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни шакллантириш муаммоларига бағишланган конференциялар ва бошқа қатор учрашувлар ўтказилди.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ СИЁСАТДАН УСТУВОРЛИГИ — Ўзбекистон Республикасида давлат қурилишини ва иқтисодиётни ислоҳ қилишдаги, бозор муносабатларига ўтишдаги бешта муҳим тамойиллардан бири бўлиб, улар билан биргалликда, мамлакатдаги ўтиш даври сиёсатининг назарий ва амалий асосини ташкил этади.

Иқтисод ва сиёсатнинг ўзаро муносабатлари ниҳоятда мураккаб мазмун ва шаклга эга бўлиб, улар диалектик моҳиятлидирлар. Давлатлар тарихида ҳеч бир вақт иқтисод сиёсатнинг аралашувисиз мавжуд бўлган эмас, сиёсатга эса иқтисод пойдевор бўлиб хизмат қилган. Бундай диалектик муносабатларни фақат масалага бир томонлама қараш бузди. Собиқ СССР даврида худди шундай эди, яъни иқтисод яккаҳокимлик сиёсатининг воситасига айлантирилган эди.

Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти холис, объектив иқтисодий қонунлар асосида амалга ошади. Бу қонунларнинг амал қилишидаги табиийликнинг ҳар қандай кўринишдаги бузилиши (айрим ҳоллардан ташқари) уларнинг самарадорлик даражасини пасайтиради. Амалиёт, ҳаётий тажриба шуни кўрсатадики, иқтисодий ривожланиш жараёнларининг сиёсий манфаатларга бўйсундирилиши, уларнинг қандайдир ягона ҳукмрон мафкуравий ақидалари билан чегаралаб қўйилиши иқтисодиётнинг бутунлай барбод бўлишига, ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиб кетишига, аҳолининг турмуш даражаси тубанлашиб, ижтимоий зиддиятларнинг авж олишига олиб келади. Буни бутун дунё собиқ СССР мисолида кўрди.

Жамиятда амал қилаётган хўжалик механизми, асосан, иқтисодий дастак ва усуллар мажмуидан иборат бўлиб, у ҳар қандай сиёсий фаолиятдан, мафкуравий ўзгаришлар таъсиридан холи бўлиши ва, аксинча, мамлакатда вужудга келган барқарор иқтисодий замин, демократик ва сиёсий ислохотлар учун мустаҳкам моддий негиз вазифасини ўташи лозим.

Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги тамойили мустақил Ўзбекистонда давлат қурилишини ва иқтисодиётини ислоҳ қилиш дастурининг ўзаги ҳисобланади. Бу борадаги

асосий қоидалар, шу жумладан, иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги ҳамда уни мафкурадан холи этилиши тамойилининг мазмуни Президент И.А. Каримовнинг бир қатор рисола ва нутқларида муфассал ёритилиб, асослаб берилган. Уни амалга оширишнинг чора-тадбирлари мамлакат ҳукуматининг бозор муносабатларини таркиб топтиришга оид кўплаб меъёрий ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда, Ўзбекистонда иқтисодиётнинг сиёсат ва мафкурадан устуворлиги тамойили иқтисодий ҳаёт жабҳаларининг барча даражаларида ўзининг муайян кўринишига эга бўлмоқда. Жумладан, халқаро иқтисодий муносабатлар доирасида «очиқ эшиклар» ва «ўзаро тенг манфаатдорлик» тамойили илгари сурилиб, сиёсий тузум, мафкуравий қарашлар, диний ёки бошқа ижтимоий ҳаракатларга мансублик каби белгиларга кўра иқтисодий алоқаларни ўрнатиш амалиётидан қатъиян воз кечилди. Шунингдек, мамлакат ички хўжалик фаолиятида ҳам давлат билан бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар, мулкчилик шакллариининг турли-туманлиги, манфаатлар устуворлиги, тадбиркорлик фаолиятидаги эркинлик ва бошқалар сиёсий ва мафкуравий тазйиқлардан холи равишда таркиб топиши учун ҳақиқий замин яратилди.

Бозор иқтисодиётининг ўрнатилиши ва унинг мустақамланиши йўлида иш олиб бораётган ҳар қандай давлат, шу жумладан, Ўзбекистон иқтисоднинг ва бозор муносабатларининг такомиллашувига барча имкониятларни яратиб бериши керак. Яъни бундай шароитда давлат ва унинг сиёсати иқтисодга хизмат қилишлари шарт. Мазкур шароитларда давлат аппарати хизматининг самарадорлиги унинг шу вазифаларни уддалаш даражасига боғлиқ бўлади.

ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ — иқтисодий ривожланиш даражаси кўп ҳолларда бир хил бўлган миллий иқтисодиётлар ўртасида чуқур иқтисодий алоқалар ва меҳнат тақсимоти ривожланиши жараёнидир. У халқаро ҳамкорлик жараёнида юз берадиган мамлакатлар ташқи иқтисодий алоқалари, уларнинг бозор алоқаларинигина қамраб олиш билан чекланмай, бу мамлакатлар моддий ишлаб чиқариш соҳасини ҳам ҳар томонлама қамраб олиб, уларнинг такрор ишлаб чиқариш тизимлари ўртасида турли даражада ва турли шаклларда ўзаро чуқур алоқаларни тақозо қилади. Иқтисодий интеграция умумий интеграциянинг энг муҳим қисми ва ҳал қилувчи йўналиши бўлиб, унинг қуйидаги асосий шакллари мавжуд: 1) эркин савдо минтақаси; 2) божхона иттифоқи; 3) умумий бозор; 4) тўлиқ иқтисодий иттифоқ.

Иқтисодий интеграциянинг ўзига хос хусусияти унинг минтақавий характерга эга эканлигидадир: одатда унинг ри-

вожланиши учун, биринчидан, сиёсий замин зарур ва, иккинчидан, иқтисодий ҳудуд жиҳатидан ўзаро яқин жойлашган мамлакатлар ўртасида амалга ошади.

Ҳозирги даврда дунёда ўнлаб мамлакатларнинг иқтисодий бирлашмалари мавжуд. Масалан, интеграция жараёнлари Фарбий Овруро (Овруро ҳамкорлиги), Жануби-шарқий Осиёда (АСЕАН), Шимолий Америкада (НАФТА) тез суръатларда ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси, 1991 йилда давлат мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг, турли даражада интеграция жараёнларида фаол қатнашмоқда. Бунга мамлакатимизнинг минтақавий даражада — Марказий Осиё, субминтақавий даражада — МДХ, глобал даражада — Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотида интеграция жараёнида иштирокини мисол сифатида келтириш мумкин. Энг қатта истиқболга эга интеграцион жараён — 1994 йили Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида тузилган шартнома асосида ташкил этилган Марказий Осиё умумий бозорининг ривожланишидир. Ушбу шартномада минтақавий интеграцион алоқаларни кучайтириш бўйича қатор тадбирлар кўрсатиб ўтилган. Улар қаторига ёнилғи-энергетика мажмуини, транспорт ва ахборот тизимларини, минтақа сув ҳўжалик тизимини ривожлантиришнинг ягона дастурларини ишлаб чиқиш; умумминтақа эркин савдо ҳудуди ва божхона иттифоқини ташкил этиш; банклараро ҳисоб-китобларнинг самарали минтақавий тизимини шакллантириш; бюджет сиёсати, пул-кредит, валюта муносабатларида мутаносибликка эришиш; минтақа доирасида давлатлар иқтисодий қонунчилигини яқинлаштириш ва ҳуқуқий-норматив актлар мувофиқлигига эришиш; қўшма корхона, молия-саноат гуруҳлари тузиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш; ишлаб чиқариш кооперациясининг турли хил давлатлараро шаклларини амалга оширишни (корпорация, ассоциация, бирлашмалар ташкил этиш) киритиш кўзда тутилган ва бу режалар аста-секин амалга аширилмоқда.

ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЯТ — жамият аъзоларининг иқтисодий ҳаётдаги оммавий ижодий иштирокининг, уларнинг иқтисодий билимлари, ҳўжалик юритишдаги маҳорати ва малакаси, иқтисодий фикрлаши ва тафаккури ривожланганлигининг сифат тавсифи.

Иқтисодий маданият иқтисодий ҳаёт соҳасида кишилар томонидан эришилган натижаларни, жамият томонидан қўлга киритилган иқтисодий тажрибани нисбатан умумлашган ҳолда акс эттиради. У иқтисодий сиёсатнинг таъсирчанлигига, бошқарувнинг сифатига, ҳар бир ходим меҳнатининг самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади, иқтисо-

дий қонунлардан фойдаланишнинг тўлақонли эканлигини англатади.

Ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий маданияти, пировардида, ундаги алоҳида шахсларнинг иқтисодий маданият даражасининг мажмуи сифатида юзага чиқади. Шахснинг иқтисодий маданияти деганда, унинг томонидан ўзлаштирилган иқтисодий билимлар, малакалар ҳамда уларнинг амалиётда, турмуш тарзида, меъёр ва анъаналарда рўёбга чиқариш борасидаги фаол меҳнати тушунилади. Бундан кўринадики, шахснинг иқтисодий маданияти унинг ўзини ривожлантириш бўйича фаолиятларининг натижаси ҳисобланади.

Иқтисодий маданият даражаси ҳар бир муайян жамиятдаги иқтисодий мафкура, хўжалик юритиш усуллари ва шарт-шароитларига боғлиқ бўлади, шунга кўра, ана шу шарт-шароитлар доирасидагина ривожланади.

Маълумки, иқтисодий ҳаёт объектив иқтисодий қонунлар мажмуи асосида ҳаракат қилади. Бу қонунларнинг мазмунини оммавий равишда теран англаб етиш иқтисодий маданият даражасини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади. Чунки, кенг омма ва унинг таркибидаги ҳар бир алоҳида шахснинг объектив иқтисодий қонунлар тўғрисидаги билимга тўла эга бўлиши, пировардида, улар томонидан ҳар бир иқтисодий ҳолатни тўғри талқин этилишига ва самарали ҳаракатлар қилинишига олиб келади.

Ўз навбатида, жамиятдаги мавжуд иқтисодий ҳолатнинг нотўғри талқин этилиши, хўжалик юритишда субъектив салбий ҳолатларнинг кўпайиши, иқтисодий муносабатларда ахлоқ меъёрларининг, ижтимоий меҳнатнинг юқори самарадорлиги учун интилмаслик, хўжалик юритиш субъектлари манфаатларига асоссиз путур етказиш, эркин иқтисодий фаолиятнинг чеклаб қўйилиши, бошқарув тизимининг номукамаллиги ва ходимларнинг малакасизлиги, меҳнат натижалари ва сифатининг етарли рағбатлантирилмаслиги, мажбурий меҳнат тартибининг жорий этилиши, мулкий чеклашларнинг мавжудлиги ва бошқа ҳолатлар иқтисодий маданият даражасининг етарли эмаслигидан дарак беради.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач, иқтисодий маданиятни юксалтириш давлатнинг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан асосий ўзгаришлар амалга оширилиб, бозор маданиятини шакллантириш учун жиддий асос яратилди. Иқтисодий маданият ривожининг асосий омилларидан бири бўлган хўжалик юритиш эркинлигининг асоси таъминланди. Ўзбекистон Конституциясида мамлакат иқтисодиётининг бозор муносабатларини ривожлантиришга йўналтирилганлиги, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқли эканлиги ва уларнинг баб-баравар муҳофаза этилиши, хусу-

сий мулкнинг ҳам давлат ҳимоясига олинганлиги белгилаб берилди. Иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги учун кенг йўл очилди. Аҳолининг иқтисодий билим савияси ва малакасини, иқтисодий фикрлаш қобилиятини кенгайтириш, меҳнатга бўлган ижодий ёндошувини кучайтириш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятидаги иштирокини фаоллаштиришга асосий эътибор қаратилиб, уларни амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда.

ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК — муайян бир мамлакатнинг шу мамлакатда мавжуд ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш воситаларига, табиий ва маънавий бойликларга ва шу бойликлар туфайли яратилган маҳсулотдан тушган миллий даромадга ва уни тақсимлашга ягона эгалик қилиши.

Ўзбекистон мисолида иқтисодий мустақиллик умумжаҳон цивилизациясига, давлат ва жамият қурилишининг халқаро тажрибаларига, миллий анъаналарга, ижтимоий қадриятларга асосланган.

Иқтисодий мустақилликни таъминлашнинг асоси — мамлакатнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлиги, унинг бир маромда мувозанатни сақлаган ҳолда ривожланишидир.

Иқтисодий барқарорлаштириш — бозорни шакллантириш бўйича қонунлар билан белгиланган муқаррар жараён. У танглик ҳолатига барҳам беришга қаратилган. Бунда ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари даражаси ўртасидаги мувофиқликка иқтисодий қонунлар орқали эришилади. Бозорда талаб билан таклиф ўртасида қулай мувозанат юзага келади.

Жаҳон тажрибасида иқтисодий барқарорлаштиришнинг бир неча кўринишлари мавжуд: 1) — монетар ёндошув бўлиб, у пулнинг қадрсизланиши даражасини пасайтириб туришга, пул ҳажмини кескин камайтириш ҳисобига пул муомаласини барқарорлаштиришга асосланган. Бундай ёндошув чуқур иқтисодий қайта ўзгартиришларни таъминламайди, аксинча, ишлаб чиқаришнинг моддий ҳажмлари камайишига, инвестиция фаолияти тўхтаб қолишига олиб келади; 2) — ишлаб чиқаришни ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириб, таркибий ўзгаришларни амалга оширади, иқтисодий номутаносибликларга барҳам беришга асосланиб ёндошади.

Ўзбекистонда иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг ўзига хос йўли танланди. Бу йўл қуйидагилардан иборат:

- макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш;
- таркибий ўзгаришларни таъминлаш;
- ишлаб чиқаришнинг барча даражаларида давлат

таъсирини мувофиқлаштириш ва юксак меҳнат интизомини таъмин этиш;

— аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш;

— пулнинг қадрсизланишини тўхтатиб қолиш чораларини кўриш;

— давлат бюджети ва корхоналар молиявий аҳволини барқарорлаштириш имкониятини яратиш;

— тўлов баланси ва давлат валюта резервлар ҳолатини яхшилаш, сўмни айирбошлаш, сўм курсининг барқарорлигини таъминлаш.

Ички имконият, салоҳият ва захираларимизнинг чексиз бой ва ранг-баранг эканлигини кўзда тутиб, давлатимиз иқтисодий мустақиллик йўлида муваффақиятли одимлаб бормоқда.

ИҚТИСОДИЙ РАҚОБАТБАРДОШЛИК — миллий иқтисодиётнинг халқаро иқтисодий ҳамкорлик доирасида ўз таъсир даражасини сақлаб тура олиш ва уни кучайтириш ҳамда шароитга мослашувчан бўлиш қобилиятини ифодалайди.

Мамлакат у ёки бу соҳада рақобат имкониятларига эга бўлиши учун қуйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлиши лозим: а) омилларга боғлиқ шароитлар (арзон нархда ишлаб чиқаришнинг моддий омиллари, малакали иш кучи: капитал, инфраструктура, техника янгиликларининг татбиқ этилганлиги); б) тармоқ маҳсулотига ички талаб шароитлари; в) рақобатбардошлилик шароитини яратувчи яқин тармоқларнинг мавжудлиги; г) фирмаларнинг сиёсати, уларнинг тармоқ ичида ва ички бозорда улар ўртасидаги рақобат хусусияти.

Бу шарт-шароитларнинг ҳар бири мамлакатда мавжуд компаниялар амал қилувчи муҳитни яратади. Мамлакат муайян соҳада рақобатдош бўлиши учун юқоридаги шарт-шароитнинг тўртталаси биргаликда мавжуд бўлиши лозим. Бу шартларнинг битта ёки иккитасининг мавжуд бўлиши тармоқнинг қисқа муддатда ва асосан табиий ресурсларга боғлиқ тармоқларда рақобатбардош бўлиш имкониятини берadi, холос.

Мамлакат иқтисодиёти унда тезкор технологик ва бошқарув соҳасида инновациялар манбаи бўлган тармоқларнинг ривожланиши учун муҳит мавжуд ҳолларда рақобатбардош бўлади. Ҳар бир мамлакат унда мавжуд шарт-шароит ва миллий хусусиятларга боғлиқ тармоқларда рақобатбардош бўлади.

Бу муҳит ўз-ўзидан такрор яратилиш ва такомиллашиш хусусиятига эга. Чунки, самарали иқтисодий ўсиш белгиси

бўлган рақобатбардошлик ҳаёт даражасининг ўсиши учун шароит яратади.

Мустақил Ўзбекистон шароитида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш масаласи ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий рақобатбардошлик — ҳозирги замон илғор мамлакатлари қаторидан жой олишнинг ҳал қилувчи шартидир. Иқтисодий рақобатбардошликка эришолмаган ва уни таъмин этолмаган давлат, ўтмишдагидек, қарамлигича қолаверади. Чунки, унинг ички бозорини турли чет эл фирмалари эгаллаб олади, ташқи бозорга эса бундай давлат чиқолмайди. Зеро, унинг саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти қиммат ва сифатсиз бўлади. Лекин, юқорида айтилганидек, иқтисодиётнинг барча соҳаларида иқтисодий рақобатбардошликни таъмин этиб бўлмайди. Аммо, бундай соҳаларни кенгайтириб бориш — умуммиллий вазифадир.

«К»

«КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ — Ўзбекистон ёшларининг нодавлат хайрия-жамоат бирлашмаси.

«Камолот» жамғармасы ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши, ёшларда чуқур билим, юксак маданият ҳосил қилиш, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилатларини юксалтириш, замонавий ишбилармонлик, тadbиркорлик ва омилкорликни шакллантириш учун шарт-шароит яратиш мақсадларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 17 апрель Фармони билан ташкил топган.

Жамғарманинг асосий вазифаси — ёшларнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий, маданий, ҳуқуқий манфаатлари ва эҳтиёжларини ўрганиш, уларни қондириш юзасидан дастурлар тузиш, ҳаётга татбиқ этиш, давлат, ҳукумат дастурлари, ислохотларни бажаришга кўмаклашиш, ёшларни Конституция, қонунлар, давлат ва ҳукумат қарорларини ҳурмат қилиш, уларга амал қилиш руҳида тарбиялаш, ёшлар учун янги иш жойларини яратиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини ўрганиш ҳамда мазкур масалаларни бартараф этишда ҳукумат идоралари, ҳокимликлар, бошқа манфаатдор вазирликлар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ва ҳоказо.

«Камолот» жамғармасининг мақсад ва вазифаларини маъқуллаган, уни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, жамоавий, илмий, ижодий бирлашмалар, меҳнат жамоалари, акционерлик жамиятлари ва уюшмалари, шунингдек, жамғар-

манинг фаолиятига кўмак бериш истагини билдирган, республика ҳудудида яшовчи ҳар қандай айрим шахс «Камолот» жамғармаси аъзоси бўла оладилар.

«Камолот» жамғармасининг олий раҳбар органи конференция ҳисобланади ва у камида уч йилда бир марта чақирилади. «Камолот» жамғармасининг Бошқарув раёсати унинг доимий ижроия органидир. Жамғарманинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари кенгашлари мавжуд бўлиб, уларнинг юқори органи йиғилишдир. «Камолот» жамғармасининг жамоатчилик марказлари жойларда 14 дан 35 ёшгача бўлган ёшлар истаги ва ташаббуси билан ташкил топиши мумкин. Унинг маблағи турли ихтиёрий пул ўтказиш ва хайриялар ҳисобига ташкил топади, ноширлик, ўйинлар ва бошқа тадбирлар ҳисобига бойиб боради.

Ҳозирги пайтда «Камолот» жамғармаси ўз фаолиятини кенгайтириб, Ўзбекистон ёшларининг нуфузли ташкилотига айланмоқда.

КАПИТАЛИЗМ (лотинча «capital» — бойлик, неъматлар) — жамият тараққиётидаги муҳим босқичлардан бири, феодализмдан кейин тарих саҳнасига чиққан ижтимоий-иқтисодий формация.

Капитализм шунинг учун ҳам феодализмни енгиб, унинг ўрнини эгаллайдики, у ўзидан олдинги ижтимоий босқичга нисбатан инсон фаолиятига жуда кенг йўл очади, моддий ва маънавий тараққиёт учун янги имкониятлар юзага келтиради. Хусусий мулкчилик ва ёлланма меҳнат капитализмдан илгари ҳам бўлган. Капитализмнинг феодализмдан туб фарқи шундан иборатки, у хусусий мулкдан ва ёлланма меҳнатдан фойдаланишда кишиларга кенг эркинлик беради, кишиларни феодалга, помешчикка ва бошқа давлат ҳамда жамият ҳукмронларига қонун билан мажбуран боғлаб қўймайди, инсон кучи, салоҳияти, ғайрати, қобилияти ва шижоати учун янги уфқлар очади.

Ана шу сабабли капитализм инсоният тарихида мисли кўрилмаган кашфиётлар ва ихтиролар даври бўлди. Капитализм даврида кишилар мотор, машина, пароход, паровоз, темир йўл, дизель, мартин печи ва бошқа ихтироларни кашф қилдилар, авиация, телеграф, телефон, телевидение, радиони ўйлаб топдилар. Ер юзини электр чироқлари билан қопладилар, атомни парчалаб, энергия манбаига айлантirdилар, оммавий тарзда китоб чоп этишни, полиграфия саноатини юзага келтирдилар. Капитализм даври Шекспир ва Диккенс, Гёте ва Шиллер, Бальзак ва Мопассан, Толстой ва Достоевский, Жек Лондон ва Хэмингуэйлар пайдо бўлишига шароит туғдириб берди. Бах ва Бетховен, Ньютон ва Паскаль, Ван Гог ва Рембрандт,

Чайковский ва Суриковларнинг юзага чиқишига сабабчи бўлди.

XVI—XX асрлар мобайнида инсоният ўзининг капитализмгача бўлган тарихи давомида яратган моддий ва маънавий бойликлардан кўпроқ неъматлар яратди, фан, техника ва технологияни инсоният ҳаётининг негизи, замини ва келажак тараққиётининг пойдеворига айлантирди. Капитализм даврида инсоният ўзини, биринчи марта, бир бутун, яхлит эканлигини, Ер юзидаги ҳаёт, унинг келажаги, оқилона ташкил этилиши ёки термоядро қуроли алангасида барбод бўлиш-бўлмаслиги Ер юзи бўйлаб олиб бориладиган сиёсатга боғлиқ эканлигини англай бошлади ва шу асосда халқаро ҳамкорлик, тинчлик, халқлар ва давлатлар орасидаги муаммо ҳамда тортишувларни мулоқот, музокара йўли билан ҳал этиш тамойилларини умуминсоний қоидага айлантириш йўллари излаб, бу борада Иккинчи жаҳон урушидан сўнг илк истиқболли қадамларни қўя бошлади.

Аммо, бу натижаларга эришиш капитализм тарихида XVI асрдан бошлаб то XX асрнинг ўртасигача чексиз эксплуатация, қашшоқликнинг ўсиши, мустамлакачиликнинг бутун дунё тизимига айланиши, ўнлаб мамлакатлар ва юз миллионлаб кишиларнинг капитализм қулига айланрилиши, қонли урушлар, турли қўзғолонлар билан боғлиқ бўлди. Лекин, умуман олганда, капитализмнинг бунёдкорлик хислати унинг бузғунчилик хоссасидан зўрроқ, кучлироқ эканлиги тарих тажрибаси асосида тасдиқланади. Бу, айниқса, капитализмнинг социализм билан 1917—1991 йиллар давомидаги мусобақасида яққол кўзга ташланди. Капитализмнинг социализмдан шак-шубҳасиз устун эканлиги маълум бўлди ва социализм жаҳон бўйлаб барбод бўла бошлади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда капитализм бағрида қатор илғор мамлакатлар гуруҳи пайдо бўлди (АҚШ, Япония, Улуғ Британия, Франция, Олмония, Италия, Голландия, Швеция, Дания, Норвегия, Финляндия, Канада ва бошқалар). Улар ўтмишдаги мустамлакалар билан узил-кесил видолашдилар, ўзларида ишчилар ва деҳқонлар учун етарли даражада таъмин этилган ҳаёт шароитларини яратиб бердилар, халқаро ва ички можароларни ҳарбий куч билан ҳал этиш фикридан, тарихий тажрибалари асосида, воз кеча бошладилар, давлатнинг ички ҳаётида қонунларни, инсонпарварлик, демократия қоидаларини жамиятни бошқаришнинг ҳал қилувчи негизлари сифатида қабул қилиб, иш кўра бошладилар.

Инсоният бу мамлакатларни умид кўзи ва муайян эҳтиёткорлик билан кузатиб бориб, улардан кўп нарсаларни қабул қилиб олишга ҳаракат қилмоқда. Шу жумладан, мус-

тақил Ўзбекистон ҳам ўз олдига ҳозирги замоннинг илғор давлатлари даражасига кўтарилишни вазифа қилиб қўйган ва бу йўлдан муваффақиятли олға бормоқда.

Ҳозирги замон илғор давлатларининг кейинги ярим асрдаги фаолияти, босиб ўтган йўли ва эришган ютуқлари шундан далолат берадики, инсониятнинг келажаги социалистик инқилоб билан эмас, балки мавжуд капиталистик жамиятни тадрижий усул билан камчиликлари, нуқсонлари, сарқитларидан озод қилиб такомиллаштириб бориш билан боғлиқдир, дейишга жиддий асослар бор.

КАРИМОВ ИСЛОМ АБДУФАНИЕВИЧ (1938 йил) — таниқли давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Республикаси Президенти, мамлакат Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони.

И.А. Каримов 1938 йилда Самарқанд шаҳрида таваллуд топган. Ўрта Осиё политехника ва Тошкент халқ хўжалиги институтларини битирган. Меҳнат фаолиятини 1960 йилда «Ташсельмаш» заводида мастер ёрдамчилигидан бошлаган. Шундан кейин мазкур корхонада мастер, технолог бўлиб ишлаган. 1961 йилдан В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор лавозимида меҳнат фаолиятини давом эттирган. 1966 йилдан бошлаб 17 йил мобайнида Ўзбекистон Давлат режалаштириш қўмитаси фан ва янги техникани жорий этиш бўлимининг бош мутахассислигидан мазкур қўмита раисининг биринчи ўринбосарлигигача бўлган йўлни босиб ўтди. 1983 йилда Ўзбекистон Молия вазири этиб тайинланади. 1986 йилдан Ўзбекистон Министрлар Совети Раисининг ўринбосари — Ўзбекистон Давлат режалаштириш қўмитасининг раиси. Худди шу йилнинг декабрида Қашқадарё вилояти партия қўмитасининг биринчи котиби, 1989 йилнинг июнида Ўзбекистон Коммунистик Партияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиблигига сайланади. 1990 йилнинг мартада Республика Олий Кенгаши уни Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайлайди. Ўзбекистон 1991 йил 31 августда мустақил давлат деб эълон қилинганидан кейин ўша йилнинг 29 декабрида муқобиллик асосида ўтган умумхалқ сайловида Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди. 1995 йилнинг мартада ўтказилган умумхалқ референдумида эса Ислом Каримовнинг президентлик ваколатлари 2000 йилгача узайтирилди.

Ўзбекистоннинг суверен давлат сифатида мустақилликка эришиши ва ўз мустақиллигини мустаҳкамлаб бориши, албатта, Ислом Каримов номи билан боғлиқ. Бинобарин, унинг ташаббуси билан 1989 йил июндан 1991 йилнинг 1 сентябрига қадар Ўзбекистон Компартияси собиқ Совет

Иттифоқидаги ягона ҳукмрон партия КПССдан йироқлашиш, мустақил иш юритиш йўлини тутди, иттифоқдош республикалар орасида биринчи бўлиб мамлакатимизда президентлик бошқаруви жорий этилди, Олий Кенгашнинг II сессияси 1990 йил 20 июнда «Мустақиллик Декларацияси»ни қабул қилди. Ва ниҳоят, тарихий 1991 йил 31 август кунини парламентнинг VI сессияси Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди.

И.А. Каримов раҳнамолигида Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўли танланди, бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойили ишлаб чиқилди, ёш мустақил давлат тарихида туб ислохотлар даври бошланди. Тарихан қисқа муддатда янги демократик сиёсий тузумнинг асослари яратилди, миллий давлатчилик пойдевори бунёд этилди, кўп-партиявийлик тизими барқарорлашди; ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтилмоқда; истиқлол маънавиятини шакллантириш ва соғлом авлодни вояга етказиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу даврда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб кирди (1992 йил 2 март), деярли барча нуфузли халқаро ташкилотлар ва минтақавий уюшмаларга қабул қилинди, дунёдаги кўплаб давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатди, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйди. Ўзининг тинчликсевар ташқи сиёсати, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, минтақа мамлакатлари ўртасида ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш, Орол денгизи муаммоларини жаҳон ҳамжамияти кўмагида комплекс ҳал этишга қаратилган бир қатор ташаббуслари билан халқаро майдонда танилди, ўз нуфузига эга бўлди.

Ислом Каримов — таниқли жамиятшунос олим. Президентнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Биздан озод ва обод Ватан қолсин», «Истиқлол ва маънавият», «Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» ва бошқа ўнлаб асарларида нафақат иқтисодиёт, қолаверса ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг кўплаб долзарб масалалари тадқиқ қилинган, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати илмий асослаб берилган, жорий ва истиқболдаги вазифалар аниқланган, муҳими, уларни амалга ошириш йўллари кўрсатилган. Жаҳон назарий тафаккурида биринчи бўлиб, И.А. Каримов истибод иқтисодиётидан эркин бозор муносабатларига ўтиш йўллари асослаб берди ва уни изчиллик билан амалиётга татбиқ этга олди.

Ўзбекистонда гуманитар фанлар ва иқтисодий тафаккур ривожига катта ҳисса қўшган Ислом Каримов 1994 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги этиб

сайланди. Худди шу йили «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвонига сазовор бўлди. Жаҳоннинг бир неча тилларига таржима этилган асарларида эркин бозор муносабатлари ҳукмрон жамиятга ўтиш масалалари ва муаммолари назарий асослаб берилган, пишиқ фалсафий умумлашмалар илгари сурилган. Уларнинг аксарияти Ўзбекистонда муваффақиятли амалга оширилаётгани диққатга сазовордир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Ватан олдидаги, Тарих олдидаги, Инсоният олдидаги хизматлари нечоғлик буюк эканлиги хусусида фақат одил Вақтгина холис хулоса чиқара олади. Аммо, ҳозир ҳам комил ишонч билан айтиш мумкинки, у ўзининг фавқуллодда, биз билган андоза ва таърифлардан анча юқори турувчи истеъдоди билан Ўзбекистоннинг янги тарихи яратила бошланган даврнинг энг буюк давлат арбоби, ташкилотчиси, назариётчи ва амалиётчиси эканлиги шубҳасиздир. Чунки у: а) СССРнинг парчаланиб барбод бўлиши муқаррарлигини олдиндан кўра билди, империя емирилишидан 15 ой илгари Ўзбекистонни мустақил давлат деб эълон қилишнинг назарий ва амалий ташкилотчиси бўлди; б) Мустақил Ўзбекистон истиқлоли ва тараққиётини белгилашда жаҳон амалиётида биринчи бўлиб шарқона менталитетни, яъни тадрижийликни асос қилиб олди ва бу йўлнинг тўғрилигини амалда исботлади; в) Дунё назарий тафаккурида илк мартаба «ривожланган социализм»дан бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишни асослаб берди ва унинг муҳим принциплари ҳамда қоидаларини ишлаб чиқди. Бу принциплар ва қоидаларни собиқ социалистик мамлакатлар ҳам зимдан, ҳам ошқора эътироф этиб ўрганмоқдалар ва улардан фойдаланмоқдалар.

КАФОЛАТ (арабча «кафолат» — масъулиятли ишонтириш) — ишонтириш, масъулиятни, жавобгарликни ўз устига олган ҳолда, таъминлаш; кафиллик, гарантия. Кафолат — инсониятнинг, жамиятнинг демократия ва ҳуқуқий давлат томон ривожланиш жараёнида қўлга киритилган ютуқлардан бири. Демократик ҳуқуқий давлат инсон, ташкилот ва оммавий ҳаракатларнинг ҳуқуқларини конституцияда ва бошқа давлат ҳужжатларида эълон қилиш билан чекланиб қолмай, улардан амалда фойдаланишни кафолатлайди, яъни таъминлайди, ҳаётда амалга оширишга барча шарт-шароитларни яратиб беради. Шўролар даврида ҳамма ҳужжатларда, шу жумладан, СССРнинг ва барча республикаларнинг конституцияларида «кафолат» сўзи қайта-қайта такрорланар, лекин, амалиёт кафолатлардан йироқ эди. Чунки, инсоннинг тақдири, биринчи навбатда, маъмурий органлар ихтиёрида эди.

Мустақил Ўзбекистон «кафолат» сўзини янги маъно билан тўлдирди, унга янги мазмун бахш этди. Шу сабабли бу сўз халқнинг ҳаётига кенг кириб бориб, алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Кафолатлашнинг асосий турлари сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий кафолатлардир. Ҳуқуқий маънода «кафолат» деб, суверен Ўзбекистоннинг барча фуқароларининг миллати, тили, дини, жинси, ижтимоий келиб чиқиши ва ижтимоий ҳолатидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқлар билан таъминланиши тушунилади. Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўзига хос белгиларидан бири шундан иборатки, унда фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликлари эълон қилиниши билан чекланилмасдан, балки, унинг амалга оширилиши ҳам аниқ кафолатланган (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг X бўлими).

Ҳуқуқий кафолатнинг махсус турларига, конституцион кафолатлардан ташқари — меҳнат, ҳўжалик-ҳуқуқий, процессуал, табиатдан фойдаланишни таъминловчи кафолатларни ҳам киритиш мумкин.

«Кафолат» сўзи Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ва қонуности ҳужжатларининг номланишида ҳам ўз аксини топган; бунга мисол сифатида 1994 йилда қабул қилинган «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида» ва ўша йили қабул қилинган «Чет эл инвестициялари ва чет эл инвесторлари фаолиятини кафолатлаш тўғрисида»ги қонунларни келтириш мумкин. Маълум бир шахс томонидан ўзига юкланган мажбуриятларнинг бажарилиши ҳам кафолатланиши мумкин. Ушбу мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, кафолатловчи қонун бўйича жавобгар бўлади.

КОНВЕРТИРЛАНИШ (лотинча «convertire» — алиш-тирмоқ, ҳар қанақасига айлантирмоқ) — валютанинг олтинга алмашинуви. Кенг маънода — бир турдаги валютанинг бошқа турдаги валютага эркин алмашинуви. Оддий тилда — конвертация. Қимматбаҳо қоғозлар бозорида эса акция ва облигацияларнинг бошқа хил облигация ва акцияларга эркин алмашинуви.

Конвертирланадиган валюта — миллий пул бирлигининг қонун билан белгиланган тартибда алмашинуви, давлатнинг аралашувисиз уни чет эл валютасига алмашинув эҳтимоли ёки чет эл валютасининг миллий валютага алмашинуви. Конвертирланиш даражаси давлат ташкилотларининг валютани чеклаш бўйича қўллайдиган қаттиққўллигига тескари нисбатдадир. Пул бирлигининг бошқа пул бирлигига алмашинуви — давлатлар ўртасидаги муносабатлар, халқаро сав-

до ва ҳисоб-китобларда жуда аҳамиятлидир. Валютанинг конвертирланиши ишлаб чиқариш жараёнининг натижаси эмас, балки унинг учун зарур бўлган шарт-шароитлар натижасидир.

Бизнинг мамлакатимизда бу хил шароитларни яратиш мақсадида ишлаб чиқаришни замонавий техника билан таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг сифат ва самарадорлик даражаси жаҳон талабларига мос бўлишига эришиш, маҳсулотларнинг рақобатбардош бўлиши, четга мол чиқариш (экспорт) системаси ривожланиши, ички бозордаги нархнаво таркибини халқаро нархларга мослаштириш, тўлов мувозанатини таъминлаш, хўжалик юритишнинг ички бўғинларида бозор муносабатларини ривожлантириш лозим. Бозор муносабатларига ўтиш пулнинг конвертирланишини тақозо этади. Бунга эришмоқ учун секин-аста, босқичма-босқич, конвертирлашнинг чекланган кўринишларидан бозор механизмини тобора кучайтиришга ўтиш лозим. Ана шундагина қисман конвертирлаш усули орқали пулнинг тўлиқ конвертирланишига эришилади.

Конвертирланувчи облигациялар — сармоядорга унинг молиявий қўйилмаларининг хавфсизлигини ва барқарор даромад тушумини таъминлайди, компаниянинг ривожланиши билан бирга, уни иқтисодий хатардан сақлашга ҳаракат қилувчи сармоядорларга қўл келади. Ҳатто, бундай сармоядорлар, обрў-эътибор учун, конвертирланувчи облигацияларни оддий акцияларга алмаштиришга рози бўладилар. Кўпгина конвертирланувчи облигацияларда сармоядорларни конверсиялар бўйича рағбатлантириш учун конверсия баҳоси кўрсатилади.

Конвертирланадиган префакциялар — алоҳида имтиёзли қимматбаҳо қоғозлардир.

Эркин конвертирланувчи валюта — миллий валютанинг эркин ва чекланмаган миқдорда бошқа хил валюталарга алмашинуви. Қисман конвертирланувчи валюта — миллий пул бирлигининг маълум бир чет эл валюталарига алмашинуви ва ундан баъзи бир тўлов воситалари сифатида фойдаланиши. Алмаштирилмайдиган (берк) валюта — бир мамлакат доирасида амал қиладиган ва бошқа чет эл валютасига алмаштирилмайдиган миллий пул бирлигидир.

Валютанинг сифати унинг бошқа пул бирликларига алмашинуви билангина белгиланмайди. Зеро, халқаро ҳисоб-китоб ишларида маълум бир пул бирлиги бажарувчи вазифалар, жаҳон валюта тизимидаги унинг ўрни ва аҳамияти қандайлиги билан белгиланади.

Жаҳон миқёсида ҳар қандай чет эл валютасига бемалол алмаша оладиган валюта — бу Люксембург давлатининг пул бирлиги — франкдир. Халқаро валюта фондида аъзо 152

мамлакатдан атиги 67 та давлатнинг пул бирлиги савдосотиқ муносабатларида ва 15 мамлакатники эса молия муносабатларида тўлов воситаси сифатида фойдаланилади. Люксембург давлати пул бирлигининг конвертирланиш хусусияти катта бўлса-да, жаҳон миқёсида кучли ҳисобланмайди. Чунки, бу митти давлатнинг ўрни жаҳон ташқи савдо алоқаларида қарийб сезилмасдир. Кучли валюталар қаторига халқаро ҳисоб-китоб, ташқи савдо алоқалари, чет эл сармоядорлари ва халқаро баҳс ҳамда тўлов муомаласини бажариш қувватига эга бўлган эркин алмаштириладиган валюталар киради. Булар қаторига АҚШ доллари, Буюк Британия фунт стерлинги, Олмония маркаси, Швейцария франки ва Япония иенаси киради.

Мустақил Ўзбекистон ўзининг миллий валютасини — сўмни 1994 йилдан муомалага киритди ва у жаҳон молия ва валюталар тизимида ўз ўрнини эгаллади. Миллий сўмимизнинг ички бозорда ва халқаро майдонда «рақобатбардошлиги» давлатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги муваффақиятларига, мустақилликни мустаҳкамлаш ишидаги ютуқларимизга боғлиқ.

КОНСТИТУЦИОН БУРЧ — демократик, ҳуқуқий давлат ва замонавий жамият қуришнинг ҳамда улар ривожланишининг зарурий шартларидан бири. Барча илғор давлатлар конституцияларида фуқароларнинг бурчларига алоҳида ўрин ажратилган. Мустақил Ўзбекистон ўз Конституциясида фуқаролар бурчларини белгилашда ўз тарихий хусусиятларига, илғор мамлакатлар тажрибасига суянади.

Конституцион бурч — Ўзбекистон фуқароларининг Конституцияда белгилаб қўйилган, фуқаролар бажаришлари шарт бўлган мажбуриятларидир.

Фуқароларнинг конституцион бурчлари қуйидагилардир:

— барча фуқаролар конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар;

— Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдир;

— фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар;

— маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир;

— фуқаролар атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар;

— фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар;

— Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — мамлакат ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчидир;

— фуқаролар, қонунда белгиланган тартибда, ҳарбий ва муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

1992 йилдаги Ўзбекистон Конституциясининг 1978 йилги ва бошқа конституциялардан, бурчлар масаласида, бирмунча фарқлари бор. Масалан, 1978 йилдаги Конституцияда фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари битта бобда берилган. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг бурчлари алоҳида бобда кўрсатилган.

Конституцион бурчлардан ташқари, ноконституцион бурчлар ҳам бор (масалан, ота-онага ҳурмат, фарзандларга гамхўрлик, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилиш ва ҳоказо).

КОНСТИТУЦИЯ (лотинча «constitutio» — тузилиш, тартиб) — давлатнинг асосий қонуни.

Маълумки, ҳар бир давлатда, унинг ички ва ташқи ҳаёти тартибга солиш ва давлат механизмининг режали ишлаб туришини таъмин этиш учун, юзлаб ва минглаб турли қонунлар ҳамда қонуности актлари қабул қилинади. Уларнинг баъзилари иқтисодга, баъзилари — енсатга, баъзилари эса маданият ва ҳаётнинг бошқа соҳаларига тегишли бўлиши мумкин. Буларсиз давлат ўз вазифаларини бажара олмайди. Аммо, юзлаб ва минглаб қабул қилинган барча бу қонунлар ва қонуности актлари давлат ҳаётининг жузъий, яъни айрим томонларига бағишланган бўлади. Бу қонунларнинг ҳаммасининг бир мақсад, бир гоё ва бир тартибга бўйсундирадиган ягона умумдавлат асосий қонуни керак. Ана шу энг асосий, энг кенг, энг муҳим қонун конституция дейилади. Яъни, содда қилиб айтганда, Конституция қонунларнинг қонундир. Шу сабабли Конституция барча бошқа қонунлар, қарорлар, кўрсатмалар ва ечимлардан юқори туради, уларга нисбатан энг олий манбадир. Конституциянинг талаблари ва шартлари фуқаролар, идоралар ва бошқалар томонидан қай даражада инобатга олинаётганлиги, бу талаблар ва шартларга давлатнинг турли тармоқлари ёки ижтимоий ташкилотлар томонидан риоя қилинаётганлигини назорат қилиб бориш махсус давлат идораларига топширилади (масалан, Конституциявий суд, Олий суд ва бошқалар).

Конституциялар кишилик жамияти тараққиётининг буюк ютуқларидан биридир. Конституция — давлатдаги тартиб-қоидаларнинг ҳуқуқий асосидир. Инсоният ўзининг кўп асрлик тарихий тажрибаси асосида давлатда конституция бўлиши шарт эканлиги ҳақидаги хулосага келди. Конституция йўқ жамиятда маълум даражада ижтимоий тартибсизлик, ҳуқуқий тушунмовчилик, сиёсий бошбошдоқлик ва талафотга кенгроқ ўрин қолади. Конституция — мустақиллик,

тенглик, демократия ва инсонпарварлик учун курашнинг мевасидир.

Конституциялар баъзи давлатларда олдиндан тайёрланиб, ёзилиб, муҳокамадан сўнг қабул қилинади. Баъзи мамлакатларда эса конституция турли даврларда қабул қилинган қонунларнинг мажмуасидан иборатдир. Ва, ҳаттоки, расмий қабул қилинган конституцияси йўқ давлатлар ҳам бор (масалан, Буюк Британия). Улар қонунлар соҳасидаги анъаналарга суянадилар. Конституция давлатда тартиб ва қоида учун ҳуқуқий қуролдир. У барча фуқароларга тенглик, барча ижтимоий ташкилотларга уларнинг демократия ва ҳуқуқий давлат қоидалари асосида фаолият кўрсатиш учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериши керак.

Конституцияда жамиятдаги ижтимоий синфлар ва табақалар ёки сиёсий партиялар ҳамда жамоатчилик ҳаракатларидан бирига ёки бир нечтасига имтиёз бериш мумкин эмас. Конституция мамлакатда ижтимоий тузум ва давлат тузилишининг ҳуқуқий асос ва қоидаларини белгилайди, давлат органлари тизими, унда уларнинг ташкил этилиши ва фаолиятига тегишли умумий қоидалар, сайлов тизими, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва бурчлари акс этади. Конституцияга ўзгариш ва қўшимча киритиш тартиблари ҳар бир давлатда алоҳида белгиланган бўлади. Конституция давлатдаги барқарорлик ва изчилликнинг омилидир.

Тарихда биринчи Конституция 1778 йилда АҚШда қабул қилинган ва ҳозиргача у кучда. (*Мустақил Ўзбекистон Конституцияси тўғрисида қаранг: «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси».*)

КОНСТИТУЦИЯНИНГ ВА ҚОНУННИНГ УСТУНЛИГИ — демократик жамият, ҳуқуқий давлат ҳаёти ҳамда фаолиятининг асосий талаби ва муҳим қоидаларидан бири. Бу тамойил Қадимги Юнонистон ва Римда маълум бўлган, айниқса, милоднинг XVI асрдан бошлаб жамият ҳаётига сингдирила бошлаган.

Мустақил Ўзбекистон Конституциясининг III боби шу масалага махсус бағишланган. Мазкур конституциявий тамойилнинг жорий этилиши шўро даврининг аччиқ сабоқлари билан ҳам боғлиқ, албатта. Чунки, ўша даврда синфий кураш сиёсатини кескинлаштириш, шахсга сиғиниш туфайли кўплаб давлат раҳбарлари, жамоат арбоблари, мутахассислар ва оддий фуқаролар адолатсизлик қурбони бўлдилар, турли уйдирмалар, айблар билан шафқатсиз жавобгарликка тортилдилар. Ана шундай вазият тақрорланмаслиги учун, демократияга кенг йўл очиш мақсадида Конституциянинг ва қонуннинг устунлиги тамойили ўрнатилди. У истибодий давлат тизимига қарши адолатли, демократик, ҳу-

қуқий меъёрларни белгилайди. Кўчма маънода Конституциянинг ва қонуннинг устунлиги деганда, жамиятда умуман ҳуқуқнинг ҳукмрон бўлиши, ҳамманинг суд ва қонун олдида тенглиги ҳам назарда тутилади.

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов ҳуқуқий давлатнинг асосий белгилари ҳақида гапириб, шундай дейди: *«Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи шуни англатадики, бунда барча жорий қонунлар ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади»*. Шу муносабат билан алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, давлатнинг ҳуқуқ тизимида конституция алоҳида мавқега эга. Чунки, у жиддий, йирик ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар содир бўлганда қабул этилади, жамият ва давлат ҳаётидаги энг муҳим муносабатларни тартибга солиб туради, ҳуқуқнинг барча тармоқлари учун умумий тамойилларни белгилаб беради, жорий қонунлар унинг асосида қабул қилинади ва унга зид бўлиши мумкин эмас.

Конституция ва конституциявий қонунларнинг аҳамияти ва мавқеи уларнинг Олий Мажлис томонидан қабул қилинишида ҳам намоён бўлади. Бунда Олий Мажлис депутатлари демократик тартиблар асосида фаол иштирок этадилар. Конституция ва конституциявий қонунлар Олий Мажлис депутатларининг учдан икки қисми ёқлаб овоз бергандагина қабул қилинади. Конституция ва қонунларнинг демократик тартибда қабул этилиши, ўзгартирилиши ва бекор қилиниши уларнинг бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлардан устунлигини, олий юридик қучини кўрсатади. Асосий қонунизмнинг 15-моддасида Ўзбекистонда унинг «Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади», деб белгиланади. Шу билан бирга, Конституция Муқаддимасида республика халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиши қайд қилинган. Мустақиллик ва бозор муносабатлари шароитида ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб туришга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Шу боисдан Асосий қонунга биноан, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Бу қоида қонунийликни мустаҳкамлашга, Конституциянинг ва қонуннинг устунлигини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг барча вакилликлари ва ижроия органларига ҳуқуқ ижодкорлиги ваколатлари берилган. Улар мазкур ваколатларни Конституция ва қонунлар асосида, уларга мувофиқ равишда амалга оширадилар. Масалан, Вазирлар Маҳкамаси қонунлар, фармонлар асосида меъёрий қарорлар қабул қилади. Конституциянинг ва қонуннинг устунлиги тамойили уларни муҳофаза қилиш

тартибида ҳам мавжуд. Чунончи, Конституция махсус суд томонидан муҳофаза қилинади. Конституциянинг ва қонуннинг устунлиги тамойили уларнинг жамиятимизда амал қилувчи бошқа ижтимоий (социал) меъёрларга нисбатан муносабатларида ҳам ифодаланади.

Конституциянинг ва қонунларнинг устунлигига эришиш демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қуришнинг зарурий талаби, ўтмиш тузум бизнинг онгимизга сингдирган ва кўникмаларимизга айлантирган эскилик сарқитларидан қутулишнинг бирдан-бир тўғри йўлидир. Конституциянинг ва қонуннинг устунлигисиз демократик жамият ва ҳуқуқий давлат яратиш тўғрисида, бозор муносабатларини жаҳон андозалари даражасида ташкил қилиш тўғрисида сўз бўлиши мумкин эмас. Бу масала ниҳоятда жиддийдир ва у, жумладан, кундалик изчил ҳуқуқий тарбия жараёнида ҳал этилади.

КОНФЕДЕРАЦИЯ (лотинча «confederatio» — бирлашиш, иттифоқ) — давлат тузилиши шаклларидан бири бўлиб, уни таъсис этувчи давлатларнинг ўз мустақилликларини, жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини тўлиқ сақлаб қолган ҳолда, муайян ҳарбий, хўжалик ёки сиёсий мақсадларни қўзлаб, ўз ҳаракатларини уйғунлаштириш учун махсус тузган бирлашмасидир. Мисол учун, Швейцария 23 кантон (округ)дан ташкил топган конфедерациядир. Ҳар бир кантон федерациянинг округ бирлиги ҳисобланади. Конфедерациянинг бошлиғи — Президент. Олий орган икки палатадан — миллий мажлис ва кантонлар кенгашидан иборат федерал мажлисдан ташкил топади. Австрия Габсбургларидан ўз мустақилликларини ҳимоя қилиб, кантонлар 1291 йил 1 августда «абдий иттифоқ» тузиб, Швейцария конфедерациясига пойдевор қурдилар. Вена конгресси 1814—1815 йилларда Швейцария чегараларини узил-кесил белгилаб, унинг «абдий дахлсиз»лигига кафолат берди. 1848 йилги конституцияга биноан, Швейцария кантонларнинг заиф иттифоқидан ягона иттифоқ давлатига айланди.

Конфедерация тўғрисидаги муҳим ҳужжатлардан бири, бу — АҚШ тарихига оид «Мустақиллик декларацияси»дир. XVIII асргача ўзининг Америкадаги мустамлакаларини Англия давлати тарқоқ ва дарбадар ҳолда кўришни истар эди. 1775 йилнинг баҳорида Америка аҳолиси Англияга қарамликдан қутулиш учун очикдан-очик ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборди. 1776 йилнинг июнида Англияга қарам бўлиб келган 13 мустамлаканинг вакиллари Филадельфия шаҳрига тўпланишиб, «Қўшма Штатларнинг мустақиллик Декларацияси»ни ишлаб чиқдилар ва эълон қилдилар. Декларацияда эзилган халқ қўзғолон кўтаришга ҳақли, олий ҳокимият соҳиби халқдир («Халқ суверенитети»), халқ ман-

фаатига жавоб берадиган қанақа ҳукумат кераклигини фақат халқнинг ўзи ҳал қилади, дейилган. Барча халқлар тенг ва ҳаётга, озодликка, бахтга интилиш халқнинг эзгу ҳуқуқидир, дейилган декларацияда. Бинобарин, ҳукумат ана шу ҳуқуқларни таъминлаш учун ўрнатилади, деб уқтирилади унда.

Ана шулардан келиб чиқиб, декларацияда мустамлакаларнинг Буюк Британия қироли ва ҳукуматига сиёсий тобелигини тугатиш ҳақида баёнот эълон қилинди. Шу тариқа, мустамлакалар инглиз ҳомийларини ҳайдаб чиқардилар, ўз муассаса ва ҳокимиятларини яратиб, ўзаро ихтиёрий хоҳиш ришталари билан боғланган мустақил давлат — штатларга айландилар. Штатларнинг 1781 йилда қабул қилган Конституцияси «конфедерация моддалари» деб аталди. Мазкур моддалар, аввало, Давлатлараро иттифоқни яратди. Ҳар бир штат ўз суверенитети, эркинлиги, мустақиллиги ва ҳар қандай ҳокимиятни, суд ишларини юритиш ҳуқуқини, ўзининг асл легислатурасини, яъни парламентини, ўз ҳукумати ва конституциясини сақлаб қолди. Ўз парламентлари томонидан вакил қилинган штат делегатлари Конгресснинг ҳар йили чақириб туриладиган сессиясига тўпланишарди. Сиёсий масалалар — уруш эълон қилиш, сулҳ, халқаро шартномалар тузиш, пул зарб қилиш, бюджет масалалари кўпчилик овоз билан ҳал қилинарди.

Швейцария ва АҚШ мисолида кўриб турибмизки, конфедерациялар давлатлар тараққиётида юзага келган қийинчиликларни енгиш ва ҳал этишга хизмат қиладилар, жамият тараққиётини тезлаштирадилар. Лекин улар фақат маълум шароитлардагина давр тақозоси билан шаклланадилар ва аста-секин ривожланиш жараёнида федерацияга ёки унитар давлат тизимига айланадилар.

Собиқ СССР парчаланиб кетгандан сўнг, янги юзага келган мустақил давлатлар раҳбарлари орасида баъзида конфедерация тузиш ғоялари ҳам пайдо бўлиб туради (масалан, Россия билан Белоруссия ўртасида). Ўзбекистон бундай ғояларни қўллаб-қувватлашдан йироқ. Чунки унинг мустақиллиги халқимизнинг кўплаб машаққатлари, курашлари эвазига қўлга киритилган тарихий ютуқдир. Ҳозирги даврда собиқ СССР ўрнида конфедерация тузиш ғоялари фақат ўтмишни қўмсаган ёки калтабин сиёсатчилар томонидан айтилиши мумкин.

КОРРУПЦИЯ (лотинча «*corruptio*» — порага сотилиш, айниш, таназзул) — мансабдор шахснинг, бойиш мақсадида, ўз мансаби билан боғлиқ ҳуқуқларини суиистеъмол қилишидан иборат жиноят.

Тарих нуқтаи назаридан олганда, коррупция энг қадимий жиноятлардан бири: қаердаки давлат бўлса, давлат ап-

паратининг турли тармоқларида, пастдан юқоригача таралган жиноят бўлган. Худудий жиҳатдан қараганда, коррупция бутун жаҳонга ёйилган жиноятлардан биридир. Шундай қилиб, коррупция замон ва маконда тенг-баробар тарқалган жиноят шаклларида биридир. Турли давлатлар ўтмишда ва ҳозирда, дунёнинг барча қитъаларида коррупцияга қарши муваффақиятли ёки муваффақиятсиз кураш олиб борганлар ва борадилар. Лекин, ҳозирча, уни батамом йўқ қилишнинг йўлини топа олмадилар ва олмаяптилар.

Бу масала билан ҳаттоки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти алоҳида шуғулланиб, махсус қарор қабул қилган ва коррупцияни қуйидагича таърифлаган: 1) мансабдор шахслар томонидан давлат мулкани ўғирлаш, талон-торож қилиш ва ўзлаштириш; 2) ноқонуний фойда олиш учун ўз хизмат лавозимини суистеъмол қилиш; 3) ижтимоий бурч ва шахсий таъмағирлик, манфаатлар ўртасидаги зиддият.

Коррупциянинг кенг тарқалганлиги ва уни таг-томири билан йўқ қилишнинг иложини топиш қийинлигини кўзда тутиб, уни «халқаро офат» деб аташ мумкин. Аммо, жаҳонда тинчлик, демократия, ҳуқуқий давлат ва жамият қоидалари кенг тарқалиб, халқаро ҳамкорлик такомиллашгани сари, бутун дунё бўйлаб, давлатлар коррупцияга қарши курашнинг умумжаҳон мукамал йўллари ишлаб чиқиш устида иш олиб бормоқдалар. Бу борада қатор тадбирлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Мустақил Ўзбекистон, биринчи кунлардан оқ, бу ишга фаол киришиб, жаҳон ҳамжамияти билан биргаликда чоралар кўрмоқда. Республика Президенти фармонига биноан, ички ишлар, прокуратура органлари тизимида «коррупцияга қарши кураш» бўлимлари тузилди, бу бўлимлар соҳанинг мутахассислари билан таъмин этилди.

Коррупцияга қарши кураш — мустақиллигимизни мустаҳкамлашнинг муҳим замин ва тамал тошларидан бири. Мустақил Ўзбекистон шу йўлдан бормоқда.

КўППАРТИЯВИЙЛИК — ҳозирги замон жамиятининг ажралмас белгиси, унинг демократлашуви даражасининг муҳим пойдевор кўрсаткичидир. Кўппартиявийликнинг ўзига хос белгиси, бу — сиёсий хилма-хиллик, жамиятда бир неча сиёсий партиянинг мавжудлигидир. Сиёсий партиялар фуқароларнинг ижтимоий манфаатларини парламент, давлат ҳокимияти, маҳаллий вакиллик идоралари, аҳолининг ўзини-ўзи бошқариш уюшмалари ва ҳоказолар орқали ифода этиш ҳамда рўёбга чиқариш мақсадида фаолият кўрсатувчи кишилар бирлашмаларидир.

Кўппартиявийликнинг тўлақонли бўлиши, мамлакатда турли партияларнинг эркин мусобақаси учун тегишли ҳуқу-

қий заминни яратиш кўзда тутилади. Партиялар эса ўз дастур ва сиёсатларини ишлаб чиқиб, бу дастур ва сиёсатларни жамиятга таклиф этиш, парламентчилик йўли орқали уларни рўёбга чиқаришга ҳаракат қиладилар. Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, сиёсий партиялар жамиятнинг сиёсий пешқадам аъзолари, сиёсий фаоллар қатлами бевосита шаклланадиган муҳит сифатида ўзларини намоён қиладилар.

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилингандан буён кўппартиявийликнинг тўлақонли ҳаракат қилиши, жамиятда турли сиёсий партиялар фаолияти учун ҳуқуқий макон асослари яратилди ва бу ҳаракат давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатда кўппартиявийлик ва сиёсий хилма-хиллик ривожланиши учун зарур бўлган сиёсий ҳуқуқларнинг кенг кўлами кўзда тутилган. Конституциянинг тегишли моддалари ва Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, давлат ҳокимиятининг маҳаллий идораларининг кўппартиявийлик асосида сайланиши кўрсатиб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси кенг жамоатчилик муҳокамасидан кейин қабул этган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун мамлакатда кўппартиявийликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратишда яна бир жиддий қадам бўлди.

Ўзбекистонда кўппартиявийлик ва сиёсий хилма-хилликнинг амал қилиши учун зарур қонунчилик асосларини яратиш билан бир қаторда, 1996 йил ўрталаридан бошлаб, сиёсий ислохотлар ва жамиятни демократиялаштиришни чуқурлаштиришнинг вазифаларидан бири — янги сиёсий маданиятни шакллантириш, аҳоли кенг қатламлари ижтимоий фаоллигини оширишдир. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатда ҳақиқий кўппартиявийликнинг қарор топишига хизмат қилувчи қудратли омилдир.

Шунинг учун ҳам кўппартиявийликка тараққиётимизни таъминлашга имкон берадиган йўлларида бири, деб қараш лозим. *«Биз кўппартиявийлик замонида ўрганишимиз керак. Бу юз, икки юз партия дегани эмас, албатта. Қолаверса, мақсад партия-партия бўлиб халқни парчалаб юбориш эмас. Аксинча, тўртта бўлар, бешта бўлар партиялар, лекин улар кўча ва майдонларда жанжал қилмасдан, мана шу ерда, парламентда баҳслашиб, тортишиб, халққа фойдали фикрни кўзлашга ўрганишлари керак.»*

Биз онгимизни ана шунга мослаштиришимиз даркор. Бу йўлда қандай тўсиқлар бўлса олиб ташлайлик» (Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. Т., «Ўзбекистон», 1992, 65—66-бетлар).

(Яна қаранг: «Ўзбекистонда сиёсий партиялар».)

«Л»

ЛОТИН ЁЗУВИГА КЎЧИШ — истибдод йилларидаги миллий сиёсатда йўл қўйилган катта ва жиддий хатолардан бирини тузатиш чораси. Ўзбекистон мустақиллигини мустақамлашда муҳим қадам. Бу ўзгариш — мустақиллик даврида амалга оширилаётган энг қийин ва мураккаб амалий тадбирлардан бири.

Ёзув соҳасида ўзбек халқи энг кўп қийинчиликларни бошидан кечирган халқлардан бири. 1929 йилгача, минг йилдан ортиқ давр давомида, аجدодларимиз араб ёзувидан фойдаланганлар. Албатта, бу ёзувнинг ўзига хос ноқулайликлари мавжуд эди. Лекин, маълумки, жаҳонда энгил ва содда ёзувлар йўқ.

1920-йилларнинг ўрталаридан Ўзбекистон рўзномаларида, жаридаларида, радио орқали, театрлар саҳналаридан, ўқув юртлари ва турли мажлислар минбарларидан араб ёзувига кенг ҳужум бошланди. Тарихда ҳеч бир ёзувга бу даражада шиддатли ҳужум қилинмаган эди. Араб ёзуви бутун қолоқлигимизнинг, саводсизлигимизнинг, диндорлигимизнинг сабабчиси деб эълон қилинди. Айни вақтда, ўзбек тилшунослиги ҳали ёш ва заиф бўлиб, у бу ҳужумга қаршилик кўрсата олмади. 1929/1930 ўқув йилидан лотин алифбосига кўчиб, биз ўзбек халқини Навоий ва Муқимийлардан, асрлар давомида чоп этилган араб ёзувли илмий, бадиий ва фалсафий адабиётдан уздик.

30-йилларнинг ўрталаридан истибдод тузуми руслаштириш сиёсатиغا кўчди. 1940-йилда ўзбеклар учун русча (кириллица) ёзув киритилди. Шунинг натижасида ўзбек халқи 1929—1940 йилларда чоп этилган бадиий, илмий, педагогик, ўқув адабиётларидан узилиб қолди. Бу — ўзбек тили, ўзбек маданияти ва умуман ўзбек халқига катта зарба эди.

1940—1991 йиллар оралиғида миллатимизнинг талай қисми манқуртлардек ўсди. Чунки 1940 йилгача бўлган давр унинг учун кўп жиҳатдан қоронғу ва нотаниш эди. Масала яна шунинг учун ҳам мураккаблашдики, 1940—1991 йиллар оралиғида ўрта ҳисоб билан ўзбек тилида 50 минг номда 50 миллиондан ортиқ нусхада китоблар чоп этилди; агар бунга барча шу йилларда чоп этилган журналлар, газеталарни қўшсак, умуман, қанчалик бой адабиёт, эндиликда, лотин алифбосига кўчиш сабабли диққат-эътиборимиздан сезиларли йироқлашиши аёндыр.

Лекин, бошқа йўл йўқ. Ҳозирги даврда ривожланган мамлакатларнинг деярли ҳаммаси — АҚШ, Буюк Британия, Франция, Голландия, Швеция, Испания, Италия, Канада, Олмония ва бошқалар лотин ёзувидан фойдаланадилар. Бар-

ча ҳозирги замон янги техникаси ва технологияси, табиёт фанлари, техникавий фанлар, ижтимоий тадқиқотлар асосан лотин ёзувига асосланадилар. БМТ, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар маълум қилишларича, ҳозирги даврда янги техника, технология ва фанга тегишли адабиётнинг ўрта ҳисоб билан 80 фоизи лотин ёзувида чоп этилар экан.

Биз мустақил Ўзбекистонни замонамизнинг илғор давлатлари қаторига олиб чиқмоқдамиз. Лотин ёзувига кўчиш ана шу олижаноб вазифани бажаришнинг муҳим омилларидан биридир. Бу ўтиш жараёнининг нақадар мушкул ва мураккаб эканлигини кўзда тутиб, Ўзбекистонда бу жараён босқичма-босқич амалга оширилмоқда ва 2005 йилда тугалланади.

«М»

МАДАНИЙ МЕРОС — авлодлар томонидан яратилган амалий тажриба, ахлоқий, илмий, тафаккурий, диний ва руҳий қарашлар, халқ маданияти ва ижоди каби моддий ҳамда маънавий бойликлар мажмуи.

Ҳар бир давр ва авлод ўзига хос маданий мерос яратади. Маданий меросга қараб давр ва авлодлар ҳақида ҳукм чиқарилади. Маданий мерос қандай бўлса, давр ва авлодлар ҳам шундай.

Маданий мерос кенг халқ оммаси ва айрим ижодкорлар мероси тарзида намоён бўлади. Масалан, халқ маданияти ва ижодига оид бойликлар асрлар давомида йиғилиб, ҳар бир авлод томонидан қайта ишланиб, тўлдирилиб, оммавий кўринишда яшаб келади. Маданий мерос муаллифи халқ оммасидир. Форобий, Хоразмий, Беруний, каби алломалар қолдирган ижтимоий, илмий-тафаккурий мерос эса уларнинг иқтидори ва меҳнати маҳсулидир.

Маданият ва маданий мерос кенг қамровли ижтимоий ҳодиса бўлгани учун унга ранг-баранглик, ҳурфикрлилик, ўзига яраша демократизм хос. Худди шу нуқтаи назардан маданий меросга муносабат жамият қандай тамойилларни ўзига шиор қилиб олганини ҳам ифода этади. Бироқ, маданий меросга муносабат ҳали камлик қилади, ҳамма гап бу бойликлардан ижтимоий тараққиёт учун фойдаланиш имкониятларини яратишдадир.

Ижтимоий-маданий тараққиёт тадрижийлик қонунига мувофиқ содир бўлади. Ҳеч бир давр маданий мероси бутунча, тақлид тарзида бошқа даврга кўчмайди, уни ҳар бир авлод ўз ҳаёт тажрибаси билан бойитади ёки янгилайди.

Аммо, халқ руҳи, маданияти ва турмуш тарзида шундай тарихий-маданий ўзаклар борки, уларни, ҳатто, зўравонлик, ижтимоий тўнтаришлар ҳам йўқ қилолмайди. Масалан, ўлкамиз халқларида ислом динига ишониш, оилага садоқат, кексаларни ҳурмат қилиш қабила шулар жумласидандир. Демак, маданий меросда узоқ асрларга бориб тақаладиган тарихий-маданий ўзак ва ижтимоий ҳаёт талабларига мувофиқ доим бойиб ёки янгиланиб борадиган устки қатламлар мавжуд. Худди шунингдек, маданий меросда ўз даври учунгина фойдали, қолган даврлар талабларига тўғри келмайдиган томонлар ҳам мавжуд бўлади, ҳатто, улар янгиликка ғов ҳам бўлиши мумкин. Аслида, эскилик билан янгилик, турғунлик билан ривожланиш ўртасидаги очиқ ёки яширин зиддият ижтимоий тараққиётнинг асосини ташкил этади. Зиддиятни инкор этиш тараққиётни ҳам инкор этишдир. Бу зиддиятни батамом бартараф этиш мумкин эмас, аммо уни ижтимоий-маданий тараққиётга йўналтириш мумкин.

Шўро ҳокимияти маданий меросга бир томонлама ёндошди, синфий ва партиявий нуқтаи назардан қараб, маданий мероснинг минглаб дурдоналари тўғрисида сўзлашни тақиқлади, юзлаб маданий мерос намояндаларини миллатчиликда, миллий биқиқликда, чекланганликда айблаб, уларни қатағон қилди.

Мустақиллик туфайли ўзбек халқи ўз маданий меросини янгидан тикламоқда. Маданий меросимиз ал-Бухорий, ат-Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд каби мутафаккирлар таълимотлари, яқин вақтларгача тақиқда бўлган талайгина урф-одатлар, расм-русумлар, анъаналар, миллий йиғинларнинг тикланиши ҳисобига бойиб бормоқда, тарихимизнинг ҳар бир палласи бошқатдан кўриб чиқилмоқда, жадидчилик ҳаракатининг асл маъноси очиб берилмоқда. Муқимий, Фурқат ва бошқа шоирлар ижоди қайта кўрилиб, тўла равишда ёритилмоқда, Чўлпон, Фитрат, Боту, Усмон Носир, Абдулла Қодирий ва бошқаларнинг фикрлар олами халқимизга аслига кўра етказилмоқда.

Ўзбек халқи Марказий Осиёда энг бой ва қадимий маданий меросга эга халқ, чунки унинг аجدодлари уч минг йил давомида минтақанинг энг қулай, серҳосил, серкуёш ва серсув қисмини инсоният моддий ва маънавий маданиятининг улкан масканларидан бирига айлантирганлар, бизга мерос сифатида ўнлаб маданият ва маънавият марказлари, минглаб фалсафий, адабий, дунёвий ва илмий асарлар қолдирганлар. Бу бойликларни юзага чиқариш, инсоният олдида ўзбек халқининг ҳақиқий маданий ва маънавий қиёфасини кўрсатиш маданий меросимизни тиклашнинг таркибий қисмидир, Ўзбекистонни оламга танитишнинг зарурий шартидир.

МАДАНИЯТ (арабча «маданият» — мадиналик, шаҳарлик; таълим-тарбия кўрганлик) — кишиларнинг табиатни, борлиқни ўзлаштириш ва ўзгартириш жараёнида яратган моддий, маънавий бойликлар ҳамда бу бойликларни қайта тиклаш ва бунёд этиш йўллари ва услублари мажмуи. «Маданият» сўзи мусулмонларнинг азиз тутадиган жойи — Мадина шаҳри номидан келиб чиққан, чунки илк мусулмонлар таълим-тарбияни асосан Мадинада олганлар. Маданият моддий ва маънавий ишлаб чиқариш, ижтимоий ва ўзаро муносабатлар, сиёсат, оила, ахлоқ, хулқ, ҳуқуқ, таълим, тарбия, ижод, илм-фан, хизмат кўрсатиш, турмуш тарзи кабилар билан боғлиқ кенг қамровли воқеадир. Шунинг учун у жамият билан бирга ривожланади, жамиятнинг тараққиёт даражасини акс эттиради.

Жамиятдан ташқарида маданият йўқ. Ижтимоий муносабатлардаги ҳар қандай ўзгариш маданиятга таъсир этади ва у бу муносабатларнинг қандай натижаларга олиб келишидан хабар беради. Шу боисдан маданият нафақат ўтмишга ёки бугунга, шу билан бирга, келажакка муносабатдир.

Маданият инсон фаолиятининг ҳам маҳсули, ҳам сифат кўрсаткичидир. Шу билан бирга, инсоннинг ўзи ҳам, пировард натижада маданият маҳсулидир. Ҳатто, айтиш мумкинки, маданий муҳит қандай бўлса, инсон ҳам шундай шаклланади.

Маданиятнинг ижодкори, энг аввало, халқдир. Халқ маданиятида авлодлар яратган моддий ва маънавий бойликлар жамланган. Уларни ўзлаштирмай, билмай туриб маданиятли киши бўлиб етишиш қийин. Худди шунингдек, маданият ривожидида профессионал ижодкорлар ва санъаткорлар ҳам катта ўрин тутадилар. Улар туфайли маданиятда янги оқимлар, ижод турлари, бадиий-эстетик қарашлар юзага келади.

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланишга ўтгани миллий маданиятга синфий ёндошишдан, уни сунъий тарзда «ягона умуммаданият»га айланишдан сақлади. Тарихий ривожланиш кўрсатадики, ранг-баранг миллий маданиятларгина ҳаётни чиройли қилади, халқлар ўртасидаги алоқаларни, бир-бирига интилишни, бир-бирини ўрганишни рағбатлантиради.

Маданият баркамол инсонни шакллантириш воситаси ҳамдир. Бу вазифани бажаришга кенг тармоқли маданият ўчоқлари: маданият уйлари ва саройлари, кутубхоналар, музейлар, театрлар, маънавий ва маърифат марказлари, маданият ва истироҳат боғлари, болалар ва ўсмирлар ижоди марказлари, оммавий ахборот воситалари, нашриётлар сафарбар этилган. Кейинги йилларда улар сафига миллий-маданий марказлар, халқ амалий санъати билан шуғулланувчи кичик

корхоналар, халқаро маданий-маърифий марказлар, фирмалар ва хусусий устахоналар қўшилиши халқ оммасининг ижтимоий-маданий ҳаётда фаол иштирокини таъминлайди.

Маданият масалалари мустақил Ўзбекистонда энг муҳим ва долзарб соҳалардан биридир. Илғор давлат бўлиш учун жамиятимизда энг етишмайдиган омил маданиятдир. Бу — ишлаб чиқариш маданияти, бошқариш маданияти, режалаштириш маданияти, турмуш маданияти, хизмат кўрсатиш маданияти, муомала маданияти, экология маданияти, бола тарбияси маданияти — буларнинг ҳаммаси биздан катта диққат, изчил эътиборни талаб қилади, чунки савияси паст. Бизнинг ҳозирги маданиятимиз талай жиҳатдан бир томонламалик хусусиятига эга: кейинги етмиш йил давомида, мустақилликгача, у ҳукмрон мафкура ва истибдод тузуми тазйиқида асосан Ғарб маданиятига тақлид руҳида ривожланган. Иккинчидан эса, миллий маданиятимизнинг бой ўтмиши бир томонлама ўрганилган, унинг кўпгина бебаҳо дурдоналаридан миллатимиз беҳабар бўлган. Бундай жиддий камчиликларни бартараф қилмоқ учун маданият назариясини ишламоқ зарур. Аммо, бу борада яқин ўтмиш исканжасидан қутулишимиз қийин кечмоқда. Ўзбекистоннинг ва ўзбек халқининг ўзига хос маданиятининг барча қирралари, илдиэлари ва рангларини тўла равишда кўрсатмоқ учун миллий маданиятларнинг мустақиллик шароитида ривожланиш қонунлари, маданиятимиз тарихи ва умуминсоний тамойилларни ўрганиш асосида, яратилиши лозим. Юксак маданиятсиз илғор давлат бўлиши мумкин эмас. Юксак маданиятни эса кемтиклик, норасолик ҳиссига эга бўлиб, яратиш мумкин эмас.

Бу масалаларни ишлаш ва ёритиш учун Президент И.А. Каримов барча шарт-шароитларни яратиб берди. Бундай олижаноб вазифани бажариш — ўзбек жамиятшунос олимларининг муқаддас бурчидир.

МАРКЕТИНГ (инглизча «market» бозор; «marketing» — бозор билан шуғулланиш) — бозорнинг қоидаларини билиш, мослашиш ва унга таъсир этиш, товар ишлаб чиқарувчилар ва харидорларнинг ўзаро боғлиқлигига эришишга қаратилган хўжалик муносабатлари мажмуи. Маркетинг вужудга келишининг асосий сабабларидан бири, бу ишлаб чиқаришнинг кўлами ва ҳажмининг ортиб бориши, янги тармоқларнинг вужудга келиши, товар турларининг кўпайиши ва тадбиркорлар ўртасида маҳсулотни сотиш муаммосининг вужудга келишидир.

Маркетинг асосида бозорни ҳар тарафлама ўрганиш йўналишларининг асосийларидан қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш зарур:

- а) талабни ўрганиш;
- б) бозор таркибини аниқлаш;
- в) товарни ўрганиш;
- г) рақобат шароитларини тадқиқ этиш;
- д) сотиш шакли ва услубларини таҳлил этиш.

Бозор талаби ўзгарувчан хусусиятга эга бўлганлиги учун, унга демографик, умулқисодий, ижтимоий, маданий, психологик ва бошқа омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда, бозорда аҳолининг сони, жинси, ёши, даромади, маҳсулот сифати ва нархигача таҳлил қилинади.

Ҳар қандай фирма иқтисодиётда самарали ҳаракат қилиши, ўзининг олдига қўйган мақсадларига эришиши учун ўзи маркетинг стратегиясини танлаб олиши лозим. Маркетинг стратегияси деганда, корхонанинг имкониятларини бозор талабига мувофиқлаштириб бориш тушунилади. Маркетинг стратегияси бозорни тадқиқ қилиш ва истиқболни белгилаш, товар ва истеъмолчиларни ҳамда рақобатчиларни ўрганиш асосида ишлаб чиқилади. Бунда ишлаб чиқарувчи ўзининг маҳсулотини рақобатчилар маҳсулотлари билан таққослашга, рақобат даражасини, сотиш усулларини ва фойдани ҳисобга олишга ҳаракат қилади.

Бозорни ўрганиш, билиш ва ишлаб чиқаришни бошқариш бугунги кунга келиб ҳар бир тадбиркорнинг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан тадбиркорликка кенг йўл очиб берилганлиги, юртимизда фаолият кўрсатаётган кўплаб фирма ва корхоналар учун, ишлаб чиқаришни бошқариш, маҳсулотни сотиш йўлларини, мақсад ва вазифаларни маркетинг асосида ташкил этиши учун шароитлар яратилди. Ҳозирда кўпчилик ташкилот ва фирмаларда, ривожланган мамлакатлардаги каби, юқоридаги муаммолар билан шуғулланувчи махсус бўлимлар мавжуд бўлиб, улар «маркетинг бўлимлари» деб аталади.

Рақобат курашида фирманинг сиёсатини маркетинг бўлимлари аниқлаб беришади.

Маркетинг санъатини тўла ва чуқур эгаллаш мустақил Ўзбекистон тадбиркорларининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

МАФКУРА (арабча «мафкура» — нуқтаи назарлар ва эътиқодлар тизими, мажмуи) — жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадиий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ва ғоялар мажмуи.

Мафкура ижтимоий борлиқнинг, яъни, кенг маънода жамият ҳаётининг маънавий-сиёсий инъикосидир, унинг инсон онгида акс этиши, инсон томонидан англаниб, бир бутун тизим ҳолига келтирилиши ва бу тизимнинг амалий

фаолиятда назарий асос ҳамда руҳий таянч бўлиб хизмат қилишидир.

Одатда, ҳар бир давлат, жамият ўзи бажараётган тарихий вазифани асословчи ва барча ижтимоий синфлар, табақалар, миллатлар ва элатлар, диний эътиқодлар вакиллари шу вазифа атрофида бирлаштирувчи, жипсловчи умуммафкурага эга. Шу билан бир қаторда, умумдавлат мафкураси талаблари ва қоидалари доирасида жамиятдаги, мамлакатдаги ижтимоий синфлар, табақалар, миллатлар ва элатлар, диний эътиқод вакиллари ўз мафкураларини ишлаб чиқишлари мумкин ва зарур. Чунки бундай иш умумдавлат, умуммиллий мафкурани янада аниқлашга, бойитишга хизмат қилади, унинг ҳар бир фуқарога етиб боришини таъмин этади. Бундай иш одатда сиёсий партиялар томонидан амалга оширилади.

Инсонпарвар, демократик жамият ва ҳуқуқий давлат ўз фаолиятида жамиятдаги барча ижтимоий кучларнинг умумий манфаатларини кўзда тутиб иш кўради ва шу боисдан муҳолиф ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар ўзаро муросасиз кураш олиб боришларига ўрин қолмайди, улар умуммафкура асосида иш юритадилар. Бу вазият ички ижтимоий-сиёсий ҳаётни сўндирмайди, аксинча уни янада жонлантиради, чунки, демократия ва инсонпарварлик қоидалари жамиятда доимий ва ҳар томонлама ўзаро назорат, фикрлашув, мувоҳасани талаб қилади.

Инсоният жамияти ўз тараққиётида эришган демократик тартиб-қоидалар бузилса, жамият ё парокандалик ҳамда инқирозга юз тутди ва парчаланиб кетиши мумкин (буни собиқ СССР мисолида кўрдик), ёки истибдод тизими ўрнатилиб, халқ бошига оғир фожиалар тушиши мумкин (буни эса фашистлар Германияси мисолида кўрдик).

Ҳозирги даврда илғор давлатларда барча ижтимоий табақалар ва синфлар, миллатлар ва диний эътиқод тарафдорлари ўз мафкураларини демократия, инсонпарварлик, ижтимоий адолат қоидалари ҳамда талаблари асосида яратишга интилаётганликлари сабабли, уларнинг орасидаги муросасиз зиддият, қарама-қаршилик ўрнига ҳар бир масалада консенсус, яъни муроса-мадора тамойилларидан келиб чиқиш тобора устун келмоқда.

Мустақил Ўзбекистон худди шу йўлдан бормоқда. Ўзбекистон Президенти томонидан унинг маърузалари, рисоалари ва китобларида асосланаётган нуқтаи назар ва ғоялар мажмуаси моҳиятан умумхалқ мафкурасидир. Бу мафкура халқимиз тарихини, маданиятини, фалсафасини, ахлоқини, сиёсий онгини, бадий дидини, диний анъаналарини чуқур ўрганиш асосида, халқимизнинг вазифаларини ва келажагини, истиқболини аниқ белгилаб бермоқда. Мақсад — муста-

қил Ўзбекистонни замонамизнинг ривожланган давлатларидан бирига айлантириш, мамлакат аҳолиси фаровонлигини ошириш, кўпмиллатли Ўзбекистон аҳолисини умуммақсад атрофида янада жипслаштиришдир. Бундай бирдамлик ва тотувлик демократик ҳамда ҳуқуқий давлатчилик қоидаларига суянган ҳолда амалга оширилмоқда. Ўзбекистондаги сиёсий партиялар, ўнлаб миллий маданий марказлар, турли жамғармалар, ижодий ташкилотлар, бошқа жамоатчилик ташкилотлари, жумладан, «Халқ бирлиги» ҳаракати ва уюшмалар ана шу қоидалар асосида ўз фаолиятларини кенгайтирмоқдалар.

Шўролар даврида ишчилар синфининг мафкурасини бутун жамиятнинг ягона мафкурасига айлантириш учун ҳаракат қилинди. Ва, табиийки, бу — салбий оқибатларга олиб келди. Ҳаёт бундай йўл хато эканлигини кўрсатди. У даврда яна бир хатога йўл қўйилди — миллий мафкура инкор этилди. Ҳолбуки, миллат бор экан, унинг ҳаётга, атроф борлиққа ўзига хос сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, бадий, диний, фалсафий ва бошқа қарашлари бўлиши табиийдир. Бу ҳақиқатни инкор этиш ноўриндир.

МАФКУРА ЯККАҲОКИМЛИГИ — муайян давлат ёки давлатларда ягона мафкуранинг тўла ҳукмронлиги. Мазкур ҳодиса баъзи жамиятлар ва тузумларга хосдир ва, одатда, вақтинча давом этади. Бундай мафкура яккаҳокимлиги ўта мураккаб даврга мансуб бўлиб, гўёки бошбошдоқликка йўл қўймаслик, ўтиш даври қийинчиликларини уюшқоқлик билан ва тезда енгиш мақсадида киритилади. Аслида бундай мафкура яккаҳокимлиги ёвуз ниятларда амалга оширилади ва жамият ҳаётини, фикрлар эркинлигини бўғиши мумкин (масалан, фашизм).

Собиқ шўролар иттифоқида, 30-йилларга келиб, ишчилар синфи мафкураси — кўполлаштирилган ва соддалаштирилган марксизм-ленинизм таълимоти — ягона илмий, энг адолатли, жамиятдаги барча синф ва ижтимоий қатламлар манфаатларини ифода этувчи мафкура, — деб эълон қилинди. Ўзининг моҳияти ёхуд бирон бир жиҳати билан ундан фарқ қилувчи ғоялар буржуа, майда буржуа, либерал буржуа, идеалистик, клерикал (диний) мафкуралар меҳнаткаш халққа ёт ва душман ғоялар сифатида қораланиб, уларнинг эгалари (масалан: троцкийчилар, бухаринчилар, «ишчи муҳолафати» тарафдорлари ва бошқалар) қаттиқ таъқиб қилиндилар (қамалдилар, қамоқ лагерларига жўнатилдилар, сургун қилиндилар, кўплари отиб ташландилар). Оқибатда миллионлаб кишиларда мутелик, лоқайдлик, сиёсий ташаббуссизлик, боқимандалик, миллий маҳдудлик, ўзга ғояларга ётқараш руҳияти шаклланди, жа-

миятнинг маънавий ривожига, илм-фан равнақига жиддий путур етказилди.

Мафкура яккаҳокимлиги собиқ иттифоқчи республикаларда, жумладан Ўзбекистонда, халқларни тобеликда сақлашни таъминлашга, ўз тарихини унутиб юборишга, она тилидан воз кечишга, миллий маданиятни ривожлантиришга йўл қўймасликка хизмат қилди. Шундай шароитда халқимизнинг маънавияти ва ҳар қандай фикр-ўй, интилиши буржуа миллатчилиги ғоялари, аксилинқилобий ҳаракатлар тариқасида баҳоланди. Халқимизнинг ўз ватандошларини озодликка, миллий тараққиётга чорлаган жадидлар ҳаракатининг раҳбарлари Абдулҳамид Чўлпон, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Усмон Носир каби ўнлаб-юзлаб фарзандлари, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Турор Рисуловдек кўплаб атоқли давлат ва жамоат арбоблари мафкура яккаҳокимлигига асосланган истибдоднинг қурбони бўлдилар.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилиниши билан халқимизнинг маънавияти, турмуш тарзи, дунёқарашига ёт бўлган истибдод мафкурасидан воз кечилди, фикрлар хилма-хиллигини таъминлашнинг конституциявий асослари яратилди.

Айни масалада ҳам мустақил Ўзбекистон жаҳон бўйлаб бу борада йиғилган тажрибаларни ижодий ўрганиб, улардан зарур хулосаларни ясашга ва амалий қадамларни белгилашга интилди. Хулоса шундан иборатки, истибдод тузумидан эркин бозор иқтисоди шароитларига ўтиш жамиятдан, давлат раҳбарларидан ўта уюшқоқликни ва изчилликни талаб қилишини кўзда тутиб, бутун жамиятнинг, давлатнинг, халқнинг ўтиш давридаги талаб ва эҳтиёжларига жавоб берадиган мустақиллик мафкураси, миллий уйғониш ва тикланиш мафкураси ишлаб чиқилди. Ҳар қандай бошқа мафкура ё истибдод даври тартибларини тиклашга ёки бир томонлама йўналиш олиб, юртни, мамлакатни ваҳҳобийлар томон ва шу каби эҳтиросчилар томон оғдиришга ҳаракат қилишдан иборатдир. Бу шубҳасиз ҳақиқатни ўзлаштирган ҳолда, ҳозирги пайтда мустақил Ўзбекистондаги барча ижтимоий синфлар, табақалар ва қатламлар, сиёсий партиялар, миллат ва элатлар, турли жамғармалар, жамоатчилик гуруҳлари ва ихтиёрий равишда тузилган ташкилотлар ўзларининг дастуруламалларини, режаларини, фаолият йўналишларини мустақилликни мустаҳкамлашга, миллий уйғониш ва миллий тикланиш мафкурасига, ғояларига хизмат қилишга қаратганлар. Шу сабабли бу мафқурани халқ маъқуллайди ва қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг эркинлик, озодлик ва мустақил-

ликни мустаҳкамлашида самарали қуролга айланди. Афсуски, Ўзбекистон собиқ СССР республикалари қаторида, мустақиллик йўлига янги носоциалистик давлатларга нисбатан деярли ярим аср кечиқиб чиқди. Фуқароларимизнинг асосий қисми истибдод, тобелик, қарамлик шароитларида ўсиб катта бўлган ва ўша даврнинг мафкуравий таъсири уларнинг онгида из қолдирмай иложи йўқ. Ана шу маънавий ўтмиш таъсиридан қутулиш ва миллий истиқлол мафкурасининг аҳамиятини англаб олиш, мустақил Ўзбекистоннинг фаол, тадбиркор, шижоатли қурувчисига айланиш юртимиздаги ҳар бир фуқаронинг энг муҳим вазифасидир.

Шўро даври коммунистик мафкуранинг яккаҳокимлиги йиллари бўлди. Коммунистик мафкура маккорлик билан муносабатда бўлиб, фан саҳнига чиқишига зимдан қаршилик қилиб келган фан соҳаси миллий истиқлол мафкураси соҳаси эди. Чунки, бир томондан, миллатлар мавжуд экан, миллий истиқлол мафкураси ҳам мавжуд эканлигини тан олиш керак эди. Аммо, шу билан бир қаторда, миллий истиқлол мафкурасининг чуқур ва жиддий илмий ишланишига йўл қўймаслик керак эди, зеро, бундай тадқиқотлар миллий ҳиснинг, миллий онгнинг, миллий ғурурнинг уйғонишига, мустаҳкамланишига олиб бориши мумкин эди. Шу сабабли миллий истиқлол мафкураси, биринчидан, мустақил мавзу сифатида ишланмади, у ҳамма вақт байналмилал мафкура, умумсовет мафкураси, коммунистик мафкура, ишчилар синфи мафкураси каби мавзуларга, кўпинча сунъий равишда бўлса ҳам, тиркаларди. Иккинчидан, бутун тарғибот ва ташвиқот олиб бориш учун яратилган кучли партия ва давлат машинаси «СССРда, социализм шароитида миллий истиқлол мафкураси ўзининг тўла ифодасини топди, негаки, бу кўп миллатли мамлакатда коммунистик партия раҳбарлигида барча миллатлар ва элатларнинг орзу-умидлари амалга оширилган» дейилди. Бунинг натижасида умуман мафкура масаласи, ва шу жумладан, миллий истиқлол мафкураси масаласи илмий адабиётда кўп жиҳатдан бир томонлама, хато ва нотўғри ёритилди.

Мустақиллик шароитида миллий истиқлол мафкураси масалаларини ҳақиқий илмий нуқтаи назардан ишлаш, тадқиқ этиш ва ёритиш даври келди. Миллий истиқлол мафкураси — миллатни руҳан кўтарадиган, жисмонан мустаҳкамлайдиган ғоялар, қарашлар, нуқтаи назарлар мажмуаси бўлиб, инсониятнинг XVI—XX асрлар давомида ривожланишининг, шу ривожланиш натижасида олам тубдан ўзгарганлигининг ички куч берувчи манбаидир. Аммо, нима сабабдан миллий истиқлол ғоялари Марказий Осиёда фақат XIX асрнинг иккинчи ярмидангина шакллана бошлади, унинг

биринчи яловбардорлари кимлар, бу ғоялар кейинги бир ярим аср давомида қандай мураккаб йўлни босиб ўтди, мустақиллик шароитида миллий истиқлол мафкураси қандай бўлиши керак — буларни ёритиш жамиятшунос олимларимизнинг навбатдаги вазифаларидандир.

МАФКУРАЛАРНИНГ ХИЛМА-ХИЛЛИГИ — демократик жамиятнинг табиий ҳолати.

Шубҳасиз, маълум бир мафкурани жамият аъзолари онгига мажбуран сингдириш ва унга риоя қилишни барчадан талаб қилиш — жамият ҳаётидаги энг жиддий хатолардан биридир. Маълумки, мафкура муайян бир ижтимоий гуруҳнинг, миллатнинг, халқнинг манфаатларини ўзида мужассамлаштирган қарашлар тизимидир. Бу тизим ўзининг фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадий қирраларига эга. Демак, мафкура ўз моҳияти ва вазифаси жиҳатидан ниҳоятда ранг-баранг бўлиши табиийдир. Худди жамият ҳаёти турли қатламлар, йўналишлар ва даражаларга эга бўлганидек, мафкура ҳам хилма-хил бўлиши мумкин.

Шу билан бир қаторда, тарихий тараққиётнинг масъулиятли даврларида жамиятдаги барча ижтимоий гуруҳлар, миллат ёки сиёсий йўналишларни ўзида мужассамлаштирувчи, кўпчиликка мақбул, умум томонидан маъқулланадиган, жамиятнинг асосий манфаатларини ўзида муштараклаштирадиган ягона мафкура ҳам бўлиши мумкин. Масалан, миллий озодлик кураши мафкураси, миллий мустақиллик мафкураси ва ҳоказо. Мафкура жамиятнинг, муайян ижтимоий синф ёки миллатнинг манфаатларини назарий асослаб, ижтимоий ҳаракатларга аниқлик киритади ва ижтимоий кучларни рўёбга чиқаришга сафарбар қилади. Мафкура инсон онги орқали унинг амалий хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатади.

Маъмурий социализм даврида барча соҳаларда мафкуравий ақидабозлик биринчи ўринга қўйилиб, иқтисоднинг, маданиятнинг, маънавиятнинг ривожланиши унинг қўпол, ҳаётдан узилиб қолган талаб ва қоидаларига бўйсундирилди, жамият ҳаётида «ишчилар синфининг дунёқарashi» ҳамма нарсадан баланд қўйилди. Ҳолбуки, ҳеч бир вақт муайян ижтимоий синфнинг ёки унинг партиясининг мафкураси жамиятдаги барча синфлар, миллат, ижтимоий табақалар ва тафаккур йўналишларининг ҳамма қирралари, хусусиятлари ва талабларини қамраб ололмайди. Ана шу сабабли шўролар тузуми даврида илмий, бадий, маънавий, фалсафий ҳаёт бўғилди, эркинликдан маҳрум этилди, ривожлана олмади. Мустақил Ўзбекистон мафкура яккаҳокимлигидан воз кечди ва унинг тараққиёти учун кенг йўл очди.

Мафкуранинг хилма-хиллиги масаласини тушунишда ва

талқин қилишда биз кўп жиҳатдан яқин ўтмиш таъсирида-миз, чунки анча вақт дунёқарашимиз асосан социализм мафкурасининг ҳал қилувчи таъсирида шаклланган. Бу мафкура жамият тарихини синфий курашлар тарихи, турли тушунчалар, мафкуралар, назарияларнинг тўқнашуви, муросасиз олишуви сифатида ёритар ва тарихга, жамиятга шу нуқтаи назардан ёндошиш ягона тўғри, илмий, асосли қараш деб тушунтирарди. Жамиятдаги мафкуралар тўғрисида фикр юритар эканмиз, биз кўпинча худди шу мезон ва қолиплардан фойдаланардик ва бошқа синф, бошқа сиёсий партияларнинг дастурини, нуқтаи назарини фақат ганим, душман, рақиб фикри деб қабул қилардик. Бундай қарашларга биноан бир фикр бошқа бир фикрни инкор қилиши шарт эди.

Бундай ҳолат жамият тараққиётида ўтилган палла деб айтиш вақти келди. Жамият тараққиёти йўлларини қидириш ва энг оқил йўлларини топиш — ҳаммани қизиқтиради ва ҳамманинг вазифасидир. Шундай экан, ҳар бир масаланинг ҳал этилиш йўллари бўйича ўнлаб таклифлар тушиши табиийдир. Ҳамманинг мақсади бир, — масалани ҳал этишнинг энг оқил йўлини топиш. Аммо, шу муносабат билан тушаётган таклифлар хилма-хил. Бундан ўз таклифларини киритаётган гуруҳлар, сиёсий партиялар ва ташкилотлар ўзаро душман ва ганим деган хулоса келиб чиқмайди.

Демак, сиёсий гуруҳлар, партиялар ва синфлар ўртасида муросасиз рақобат, даҳанаки жанглар, бир-бирларини инкор этувчи чиқишлар даври ҳозирги вақтда фақат демократиянинг янги маъносини тушунмайдиган, норасо ташкилотлар ихтиёрига тушиб қолган жамият ва давлатларда бўлиши мумкин. Мустақил Ўзбекистон бундай ҳолатдан ҳоли. У янги демократия қонун-қоидалари асосида ривожланыпти.

МАҲАЛЛА (арабча «маҳалла» — жой, ўрин, макон) — Ўзбекистоннинг муайян тарихий шароитларида, асрлар давомида шаклланиб, фаолият кўрсатаётган, аҳоли яшайдиган маъмурий-ҳудудий бирлик, уюшма. Маҳаллалар 1917 йилгача бўлган даврда жуда кенг иш олиб бориб, маҳаллий аҳолини бирлаштирувчи, уюштирувчи ташкилий тузилма бўлганлар. Маҳалла ўзбек халқининг кундалик ижтимоий ҳаётини ва турмушини ташкил қилишда излаб топган ва асрлар давомида такомиллаштириб келган ҳаётий аъмолидир. Аммо, шунга қарамасдан, шўролар даврида ҳукмрон тузум ва мафкура маҳаллаларни расман тан олмади. Бироқ аҳолининг чуқур норозилигига сабабчи бўлмаслик учун маҳаллаларни тақиқлай ҳам олмади, уни жамиятни бошқариш тизимига киритмади. Маҳалла ўз моҳияти, фаолияти мазмуни ва

шакллари билан шарқона фикрлаш, иш кўриш тарзи каби халқимизнинг ўзига хос фазилатларини акс эттиради. Маҳаллалар аҳолини аҳил-тотув яшашга, сидқидилдан меҳнат қилишга, касб ўрганишга, шулар орқали ҳаёт кечеришни енгиллаштиришга чақиради.

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилиниши билан маҳаллаларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Конституциянинг 105-моддасига ва 1993 йил сентябрида қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида» Қонунга биноан, маҳаллалар ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлиб, маҳаллий ҳокимиятнинг таркибига кирди. Демак, маҳаллалар давлатимизнинг жойлардаги муҳим таянчи, юридик шахс сифатида ўз мол-мулкига, молиявий бюджетига, банкдаги ҳисоб-китоб рақамига — жамғармасига эгадир. Бу қонунга асосан ҳар бир маҳалла ўз ҳудудида ишлаб чиқаришни ташкил этиши, кичик корхоналар очиши, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиши, унинг бир қисмини маҳалладаги эҳтиёжмандларга бепул тарқатиши, ўз ҳудудидаги аҳолини иш билан таъминлаши, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиши мумкин.

Ҳолбуки, ўтмишда, шўро даврида, 1961 йилда Ўзбекистон олий қонун чиқарувчи ҳокимияти чиқарган маҳалла кўмитаси тўғрисида Низом бўйича, бу каби молиявий-хўжалик фаолияти тақиқланган эди. Ҳозирги пайтда маҳалла кўмиталари, бозор иқтисоди қонунлари асосида, ўз ишларини ташкил қилишлари учун барча имкониятлар очиб берилди. Улар олди-сотди, тўй-маърака маросимлари ўтказиш, ҳашарлар уюштириш, маҳалладаги оилавий низоларни бартараф этиш, беморлар ҳолидан хабар олиш ишлари билан шуғулланадилар. Кўпчилик маҳаллаларнинг ўз масжиди бор, турли маъракалар учун керакли ашёлар (дошқозон, палос, идиш-товоқ, чойнак-пиёла, тобут ва бошқалар) мавжуд. Эндиликда ҳар бир маҳалла ўз маданий марказини қуриб, шу ерда чойхона, нонвойхона, сут-қатиқ дўкони, турли ўйинлар масканига эга бўлмоқда. Маҳаллада хўжалик ва маданий қурилиш тадбирларини амалга ошириш, унинг ҳудудини ободонлаштириш, уй-жойларни ва ҳудуддаги шаҳар хўжалигини сақлаш, озодаликни таъмин этиш, тартиб-қондани мустаҳкамлаш ва ҳоказо учун шароит мавжуд. Маҳаллаларнинг аҳамияти мустақиллик шароитида кун сайин ўсиб бормоқда. Улар мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъмин этишда, омма куч-ғайратини бунёдкорликка йўналтиришда муҳим аҳамият касб этмоқдалар. Маҳаллаларнинг иш фаолиятига, шу сабабли, хорижий мамлакатларнинг диққат-эътибори ўсиб бормоқда. Мустақил Ўзбекистонда тинчлик

ва барқарорликнинг сабаблари ва манбаларини излар эканлар, хорижлик тадқиқотчилар беихтиёр равишда маҳалла омилига дуч келмоқдалар ва халқни, оммани бу даражада самарали равишда уюштирадиган, бошқарадиган ва тарбиялайдиган ҳамда омма ақлу заковати ва тарихий тажрибаси асосида яратилган ташкилий тизимнинг аҳамиятига юксак баҳо бермоқдалар. Маҳаллаларнинг фаолият мазмунини ва шаклларини замон талаблари ҳамда шароитларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш — маҳаллаларнинг вазифасидир.

МАЪНАВИЯТ (арабча «маънавият» — маънолар мажмуи) — кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи. Маънавият мафкура, тафаккур тушунчаларига яқин ва улар бир-бирларини тақозо этадилар.

Одамзод пайдо бўлиб, кўп мингйиллик тараққиёт жараёнида ўзини ўраб олган табиат, турли ҳодисалар, воқеалар, ҳаётий тажрибаларни кузатган, уларнинг сабаблари ва қонуниятлари тўғрисида мушоҳада қилган, турли тасаввур ва тушунчалар ҳосил қилиб келган. Маънавият инсоннинг бутун умри давомида унинг кучига куч қўшадиган, идрок ва ақлзаковатини кенгайтирадиган ва мустақамлайдиган воситадир. Маънавият ва маънавий бойликлар, қадриятлар давлатнинг, халқнинг, миллатнинг, жамиятнинг, айрим шахсларнинг бебаҳо хазинаси ва тараққиёт манбаидир. Мустақиллик туфайли ўзбек халқининг кўпасрлик бой тарихий, илмий, маданий ва диний меросини ўрганиш, ундан халқнинг умумий ва бебаҳо мулки сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди. *«Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахтсаодат бўлмайди»*, деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов.

Мустақиллик даври миллий истиқлол маънавиятини тиклаш ва ривожлантириш, миллий тил ва маданиятни тараққий эттириш, миллий ўз-ўзини англаш, миллий ҳис-туйғулар, ғурурни, ватанпарварликни ўстириш ва мустақамлаш билан боғлиқдир. Мустақил Ўзбекистоннинг тараққиёти жамият аъзоларининг, ҳар бир шахс ва айниқса, ёшларнинг маънавий камолоти, истиқлол ғояларининг кишилар онига, кундалик ҳаётига чуқурроқ сингишига боғлиқдир. Мустақил тараққиёт йўлида миллий онг ва миллий ўз-ўзини англаш маънавий камолотнинг асосий негидир.

Келажаги буюк Ўзбекистонни барпо этишда фаол қатнашаётган ҳар бир фуқаро ўз мамлакати, халқи, миллатининг ажралмас бўлаги эканлигини англаши — миллий маънавият

ва онгнинг таркибий қисмидир. Аммо, бу оддий ҳақиқатни тушуниш ва тушунтириш нечоғлиқ мураккаб эканлигини шундан ҳам англасак бўладики, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га (1981 йил), «Ўзбекча-русча луғат»га (1988 йил) «маънавият» сўзи умуман киритилмаган, «Ўзбек совет энциклопедияси»нинг 7-жилдида ҳам бу сўзнинг талқинини тополмаймиз. Яқин ўтмишда ҳукмрон бўлган мафкура маънавиятни, уни ўрганишни, тадқиқ этишни нокарак, ноўрин ва умуман зарарли иш деб қараган. Чунки, ҳар бир миллатнинг ўз маънавиятини аниқлаши, билиши ва ўз ақл-фаросатининг, онгининг таркибий қисмига айлантириши миллатни мустаҳкамлайди, унинг ўзига бўлган эътиқод ва қадр ҳиссини бойитади. Бу эса истибдод давридаги ҳукмрон мафкурага зид эди. Ана шу сабабли «маънавият» сўзи тилимиздан сиқиб чиқарилган эди.

Маънавиятимиз Ўзбекистоннинг порлоқ келажигига дадил ишонч билан юксалиб бораётганлигини, халқимизда юксак инсонпарварлик қадриятлари тикланаётганлиги ва такомиллашаётганини ифодаловчи ўзига хос дунёқарашдир.

Маънавият соҳасида мустақил Ўзбекистон олдида муҳим вазифалар турибди. Улардан асосийси маънавиятимизни бойитиш ва мустаҳкамлашдир. Маънавият истибдод йилларида ҳар жиҳатдан камситилди ва танҳо ҳукмрон мафкурага бўйсундирилди. Оқибатда, масалан, ўзбек халқи тасаввуф фалсафасини ва унинг машҳур намояндаларини ўрганишдан маҳрум эди. Ҳуқуқ соҳасида эса Марказий Осиё цивилизациясининг ҳуқуқшунослик борасидаги буюк хизматлари инобатга олинмади, ахлоқий қарашлар ва ижтимоий фалсафага тегишли чуқур мазмунли асарлар бир томонлама ёритилди ва ҳоказо. Буларсиз мустақил Ўзбекистоннинг маънавияти кемтик, тўлақонли эмасдур. Маънавиятимизнинг бор кучи, мазмунининг чуқурлиги ва ранг-баранглигини, унинг кўҳна тарихнинг қаърига сингиб кетганлигини, ҳозирги салоҳияти чексиз эканлигини тўла равишда кўрсатмоқ учун «Авесто» ва зардуштийлик таълимотидан, ахлоқи ва мусавирлик санъатидан бошлаб, Форобий, Навоий, Бобур, Фурқат, Беҳбудий ва Фитрат орқали то ҳозирги кунларгача, унинг бутун бир занжирини, теварагидаги новдаларини қамраб турадиган яхлит силсилани яратмоғимиз зарур. Бу борада ишлар кун сайин, йил сайин кенгайиб ва тезлашиб бормоқда.

Илғор миллат ва ривожланган давлат бўлишнинг зарурий шартларидан бири — бой, илғор маънавиятга эга бўлишдир. Фақат моддий жиҳатдан бой ҳамда илғор бўлиш жамият норасолигининг муҳим кўрсаткичидир. Шу сабабдан Президент И.А. Каримов маънавият ва маърифатни кўтариш, тарғиб қилиш, бойитиш, аҳолининг кенг доирасига

ёйиб, ҳар бир фуқаронинг юксак маънавий даражасини таъмин этишни энг долзарб масалалардан бири, деб қайта-қайта уқтирмоқда. Бунинг учун маънавият ва маърифат соҳасида энг жиддий тадқиқотлар олиб борилиши, Ўзбекистон халқи ҳам ўзбек миллатининг маънавияти нимадан иборат, унинг тарихи нимадан ва қачон бошланган, маънавиятнинг қайси соҳалари ҳозирги даврда ва нима учун катта аҳамиятга эга, маънавиятимиз қандай қилиб бойимоқда ва халқаро миқёсда қандай ўрин тутаети, унинг халқаро миқёсда салмоғини орттирмоқ учун ҳар биримиз нима қилмоғимиз керак, — ана шу каби саволларга жамиятшунос олимларимиз ҳозирги ўтиш даврининг талабларини кўзда тутиб жавоб беришлари умуммиллий долзарб вазифаларимиздан биридир.

МАЪРИФАТ (арабча «арафа» — «билмоқ» сўзидан) — таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ғоялар мажмуи асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини ўстиришга қаратилган фаолият. «Маърифат» тушунчаси «маънавият» ва «маданият» тушунчалари билан чамбарчас боғлангандир; маърифат тарихи жамият тарихининг ажралмас қисмидир. *«Илм-маърифатга қизиқиши сунт миллатнинг келажаги ҳам бўлмайди»*, дейди И.А. Каримов.

Маърифат ҳақида кўплаб фикрлар билдирилган. Суфийлар назарида тариқатнинг давоми ва ҳосиласи маърифатдир. У фикрдан ўзиб кетадиган ва шубҳага заррача асос қолдирмайдиган илмдир. Маърифат «илми ботиний» деб ҳам юритилган. Чунки, тасаввуф аҳли дунёвий ва диний илмларни бирга қўшиб, уни «зоҳирий илмлар» деб атаганлар. Уларнинг уқтиришича, фақат зоҳирий илмлар билан Худони билиш қийин. Бироқ, бошқа бир нуқтаи назар ҳам бор: гарчи зоҳирий билимлар Ҳақ таоло асрорини англашга яроқсиз бўлса-да, лекин, Аллоҳни билиш дунёни билишдан бошланиши керак. «Маърифат Ҳақ томонидан юборилади. Бу менинг фикрим эмас, балки илоҳий илҳомдир», деб ёзди Ибн ал-Арабий.

Ўзбекистонда маърифат соҳасидаги ишлар ўз тарихига эга. 1917 йилга қадар ислом ҳукмрон мафкура бўлиб келган даврда, маориф муассасалари асосан уч турдаги диний мактаблар: ибтидоий мактаблар, мадраса ва қорихоналар шаклида мавжуд эди. Яқин вақтларга қадар илмий адабиётларимизда инқилобдан олдинги Марказий Осиёдаги мактаблар таҳлилига жўн ёндошиб келинганди. Ваҳоланки, бу мактаблар минтақада мавжуд бўлган давлатлардаги ижтимоий жараёнларни бошқариш ва тартибга солиш муассасаларининг таркибий қисми бўлиб келганди.

Инқилобдан кейинги дастлабки йилларда маориф қурилиши ва ислоҳоти борасида иш олиб борилар экан, ўзбек

мактаби қонуний равишда она тилида ўқитиш ҳуқуқига эга бўлди ва ҳар жиҳатдан ўса бошлади. Лекин, бу мактаблар моҳиятан шўроларга хизмат қилди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг илм-маърифатга катта эътибор берилаётир. Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари кенг миқёсда фаолият кўрсатиб туриптилар. Янги типдаги лицей, гимназияларда қўлаб ўзбек болалари билим оляптилар. Ҳозир хорижий тилларни ўрганишга катта аҳамият берилаётир. Ривожланган мамлакатларнинг нуфузли университетларига замонавий илмларни ўрганиш учун қобилиятли ёшлар юборилмоқда. Президент И.А. Каримов фармони билан «Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази» тузилди, бу ташкилот давлатимиздаги барча маърифат, маданият ва маънавият ҳомийларини ўз атрофига жипслаштириб, маърифат ишини янги поғонага кўтармоқда,

Социалистик тузум буржуа тузуми бажариб улгурмаган вазифаларни ниҳоясига етказаётган йилларда (1917—1936) маориф соҳасида бирмунча ишлар бажарилди, бутун Ўзбекистон мактаблар, саводсизликни тугатиш тўғарақлари, ўқитувчилар тайёрлаш техникумлари, билим юртлари ва олийгоҳлари билан қамраб олинди. Шу тариқа, Сталиннинг ВКП(б) XVI съездида (1930) «социализмнинг мақсади — миллатларни ва миллий тилларни қўшиб юбориш» деган шиори ва топшириғи бажарила бошланди. Оқибатда бутун маърифат иши миллатлар ва миллий тилларни қўшиб юбориш вазифасини бажаришга сафарбар қилинди. 30-йилларнинг ўрталаригача мактаблар, ўқув юртлари асосан маърифат марказлари, яъни кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия ўчоқлари эдилар. Худди шу 30-йилларнинг иккинчидан ярмидан бошлаб то СССР парчаланиб кетгунча (1937—1991) улар моҳиятан коммунистик мафқуранинг қуроли ва воситасига, миллатлар ва миллий тилларнинг қўшилиб кетиш назариясини тарғиб этиш ва ҳаётга татбиқ этиш марказларига айландилар. Миллатлар ва миллий тилларнинг яқинлашиб қўшилиб кетиш ғояси ва назарияси кишиларимизнинг онгига чуқур сингдирилди.

Кишиларимизнинг онгини яқин ўтмишнинг бундай сарқитидан озод қилиш — жиддий вазифаларимиздан биридир.

МЕНЕЖМЕНТ (французча «menagement» — хўжалик ишлари билан шуғулланиш) — самарали ишлаб чиқариш фаолиятини таъмин этиш, молиявий ҳамда моддий захиралардан фойдаланиш шакллари, усуллари ва воситаларининг жами.

Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда ме-

нежмент кўптармоқли соҳа бўлиб, уни ўрганиш, уқиш ва билиш, менежмент соҳасидаги илмларни такомиллаштириш жуда кенг тараққий этган ўқув-ўрганув йўналишидир.

Ривожланган, илғор мамлакатлар, тарихий тажриба асосида, XX асрнинг ўрталаригача олиб борган сиёсатларидан воз кечишга мажбур бўлдилар: яъни ишчи-деҳқонларнинг, меҳнаткаш омманинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, уларнинг турмуш даражаларини доимий равишда кўтарилишини таъмин этиш, мустамлакачилик сиёсатидан воз кечиш, бошқа давлатларга нисбатан босқинчилик ва зўравонлик сиёсатини қоралаш — бундай чораларни амалга ошириш ўзини сақлаб қолишни истаган ҳар бир давлатнинг зарурий бурчи эканлиги, шундай сиёсат амалга оширилмаса, ҳукмрон синфлар ва мавжуд сиёсий тузум ўзининг мустақамлигини ва барқарорлигини таъмин эта олмаслиги ўз-ўзидан аён бўлиб қолди. Фаровон ҳаётни таъмин этишнинг ягона тўғри йўли, ўз маблағларини сақлаб қолиш ва янада ўстиришнинг барча эътирозсиз қабул қиладиган имконияти — тенглик, демократия ва инсонпарварлик қоидалари асосида жамиятни, давлатни бозор иқтисоди муносабатларига кўчириш экани равшанлашди.

Бозорда ҳамма тенг: кимки тадбиркор, ташаббускор, билимли, ўтқир фикрли, гайратли бўлса ўша ғалабага эришади ва тезроқ бойийди. Демак, ҳамма нарса ҳар бир инсоннинг ўз мутахассислигини яхши билиши, ақли, ҳаракати, шижоатига боғлиқ. Бу эса кишилардаги ички имкониятларни уйғотади, ҳаракатга келтиради. Бозор иқтисодига таянадиган давлатлар Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ярим аср ичида юсак моддий ва маънавий маданият чўққисига чиқдилар. Аммо, баъзи шахслар ва бирлашмаларнинг ортиқча бойиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида қатор чоралар кўрилди: чунончи, маблағи ва олаётган фойдаси ошган сари тўланадиган солиқнинг салмоғи ва фоизи тезроқ ошиб боради.

Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги менежмент фани усуллари, йўллари ва воситаларини тўла, чуқур эгаллаш билан боғлиқ.

МЕНТАЛИТЕТ (лотинча «mens» — ақл, идрок) — жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, руҳий қуввати. Жамият, миллат ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос анъаналари, расм-русумлари, урф-одатлари, диний эътиқод ва иримларини ҳам қамраб олади.

Истибдод даврида менталитет масалалари илмий нуқтаи назардан талқин қилинмас эди. Чунки, ўша даврда маълум

миллатни ўта илғор ва салоҳиятли, бошқа миллат ва элатларни эса қолоқ ва норасо қилиб кўрсатиш сиёсатига менталитет назарияси моҳиятан зид эди.

Жамиятнинг, миллатнинг, маълум бир жамоатнинг ёки шахснинг менталитетини ўрганиш ва аниқлаш ниҳоятда катта эҳтиёткорликни ҳамда жиддий ёндошишни талаб қилади. Менталитетни фақат миллатнинг сони, тарихининг бой ёки қашшоқлиги, миллатнинг қарам, тобеъ бўлганлиги ёки капиталистик формацияга мансуб ёки мансуб эмаслиги билангина аниқлашга уриниш жиддий хатоларга олиб келиши мумкин. Уни аниқлаш учун жуда кўп омиллар эътиборга олинishi ва бошқа миллатлар билан қиёсланиши, ушбу миллат яшаб турган шарт-шароит, тарихий давр, унинг ўтмиши, миллатнинг руҳияти ва бошқа қатор жиҳатлар ўрганилиши шарт. Бу масалаларга расмий кўрсаткичлар (кўшин сони, қурол ҳамда яроғ-аслаҳа миқдори ва сифати, давлат машинасининг изга солинганлиги ва ҳоказо) асосида ёндошиб, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда қатор буюк давлатлар (Франция, АҚШ, СССР, Россия) бир талай кутилмаган қийинчиликларга дуч келдилар, узоқ йиллар давом этган жанглардан сўнг, ғалабага эриша олмай, Жазоир, Вьетнам, Афғонистон, Чеченистон ва қатор бошқа ҳудудларни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлдилар.

Ўзбек миллати менталитетининг шаклланиш жараёни деярли уч ярим мингйиллик тарихга эга. Ўзбек халқи инсоният моддий ва маънавий маданиятини бебаҳо дурдоналар билан бойитди. Аммо, мустабид шўролар тузуми даврида у ўз тарихини, анъаналарини, маданиятининг шаклланиш йўлларини, урф-одатлари ва расм-русумларини тўла-тўқис ўрганиш имкониятидан маҳрум эди. Чунки, тарих, миллий маданият ва миллий тилларни ривожлантириш ақидалашган мафкурабозлик руҳида олдиндан белгиланган маълум истибодий мақсадларга бўйсундирилган эди. Мустақиллик ўзбек халқи олдида ўз менталитетини ўрганиш, уни тиклаш ва бойитишда улкан имконият уфқларини очди. Менталитет назариясини ишлаш ва ўзбек халқининг ҳақиқий бой ва ранг-баранг тарихини тиклаш ижтимоий фанларнинг бугунги долзарб вазифаларидан биридир.

«Менталитет» сўзи лотинчадан таржима қилинганда «ақл, фаҳм, зеҳн, идрок» маъноларини билдиради. Ҳар бир миллатнинг ақли, идроки, фаҳм-фаросати унинг яшаб турган шарт-шароитлари, тарихи, қандай халқлар қуршовида истиқомат қилиши, ижтимоий фаоллиги ва қатор бошқа омиллар билан боғлиқдир. Асрлар давомида ўзбек халқи муҳим савдосотиқ, илм-фан, меъморчилик-хунарамандчилик марказлари, халқларни ва мамлакатларни бир-бири билан боғлаб турган йўллар чорраҳасида яшагани сабабли, унинг менталитети,

ақли, фаросати ва зеҳни чархланиб, ўткирлашиб борган. Шу боисдан юртимиз-худудимиздан ўнлаб ва юзлаб жаҳонга донғи кетган мутафаккирлар, олиму уламолар, давлат арбоблари ва намояндалари чиққан. Аммо халқимиз XVI—XX асрлар оралиғида узоқ турғунлик даврини бошидан кечирди. Буюк жуғрофий кашфиётлар, мисли кўрилмаган назариялар ва техникавий ихтиролар сабабли Фарб мамлакатлари ўз тараққиётида биздан ўзиб кетди; биз эса хонлар-амирлар, мустамлакачилар, истибдодчилар «ғамхўрлиги» туфайли илгариги тадбиркорлигимиз, салоҳиятимиз, мустақил фикрлаш қобилиятимиз ва бошқа қатор жиҳатларимиздан узоқлашдик, кўпларимиз мутелик, норасолик, қарамлик руҳиятининг бандаларига айландик. Шу боисдан ўзбек миллатининг менталитетига жиддий путур етди.

Мустақиллик мафкурасининг энг асосий вазифаларидан бири — ўзбек халқининг ҳақиқий менталитетини тиклашдир.

МИЛЛАТ (арабча «миллат» — халқ) — кишиларнинг ягона тилда сўзлашиши, яхлит ҳудудда истиқомат қилиши, муштарак иқтисодий ҳаёт кечириши, умумий маданият ва руҳиятга эга бўлиши асосида тарихан ташкил топган барқарор бирлиги.

Аслида, миллат маълум ҳудудда барқарор яшаб, тарихий тараққиёт давомида ривожланиб келган кишиларнинг маънавий-руҳий бирлигининг вужудга келиши асосида шаклланади. У фақатгина «капиталистик жамиятнинг муқаррар маҳсули» эмас, балки инсоният тараққиётининг объектив маҳсулидир.

Миллатнинг шаклланишида моддий омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлади, аммо улар миллатнинг абадийлигини таъминлашнинг охириги имконияти эмас. Улар миллат тараққиёти учун зарурий шарт ҳисобланади. Миллатнинг абадийлигини, унинг барқарорлигини таъминлашнинг асосий омили — унинг ички маънавий-руҳий салоҳиятидир. Миллатларнинг салоҳияти, қобилияти, матонати, тадбиркорлиги ва тинимсиз меҳнати билан ҳозирги замон цивилизацияси, моддий ва маънавий маданияти, уларни бойитиш ва ривожлантириш йўллари ва усуллари юзага келтирилган.

Мутахассисларнинг ҳисобларича, Ер юзида уч мингга яқин миллат мавжуд. Улар ўз қаторида инсониятнинг ўрта ҳисоб билан 96 фоизини бирлаштирадлар, тўрт фоизи элатлар ва қабилалардир. Ҳар бир миллатнинг сони бир неча ўн мингдан бир неча юз миллионгача боради.

Миллатларни сон жиҳатидан бешта гуруҳга бўладилар.: А) Буюк миллатлар (хитойлар 1 миллиард бир юз олтмиш миллион; ҳиндлар, американлар, руслар, японлар — ҳар би-

ри юз миллиондан ортиқ сонга эга); Б) Катта миллатлар — (50 миллиондан юз миллионгача — инглизлар, французлар, испанлар, олмонлар, турклар ва бошқалар); В) Йирик миллатлар (ҳар бири 10 миллиондан 50 миллионгача — ўзбеклар, португаллар, поляклар, эфиоплар ва бошқалар); Г) Ўрта сонли миллатлар (ҳар бири бир миллиондан ўн миллионгача); Д) Кичик миллатлар (ҳар бири бир неча ўн мингдан бир миллионгача).

Жаҳондаги энг йирик 27 миллат Ер юзи аҳолисининг қарийб 75 фоизини ташкил қилади. Бу рақамлар миллатлар нақадар хилма-хил бўлишини кўрсатади.

Миллатларнинг ўзаро муносабатларида асосий қоида — уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан тенг эканлигини тан олишдир. Буюк ва йирик миллатларнинг ўз сони ва имкониятларига ишониб, кичик миллатларга дўқ-пўписа қилиб, қурол кучи билан забт этиш ва бўйсундириш ниятлари кейинги вақтда Вьетнам, Жазоир, Афғонистон, Абхазия, Чеченистон мисолларида асосизлиги ва амалга ошмаслиги исботланди. Собиқ СССРнинг мамлакатда энг кўп сонли миллатга имтиёзлар туғдириб, бошқа миллатларни моҳиятан камситиш сиёсати тўла равишда ўзини фош қилди ва ўн беш мустақил давлатга парчаланиб кетишининг асосий сабабларидан бири бўлди.

Демак, миллатларнинг сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан тенглигини тан олиш ҳозирги замон сиёсатининг муқаррар ва зарур қонун-қоидаси бўлиши шарт. Аммо, айни вақтда, ҳозирги замон иқтисоди миллатлар, мамлакатлар орасида ўзаро ҳамкорликни талаб қилади. Бундай ҳамкорлик ижтимоий тараққиётнинг, миллатлар гуллаб-яшнашининг зарурий заминидир. Ўзбек миллати шу йўлдан бормоқда.

Жамият ривожлангани сари милагларнинг мавқеи ва аҳамияти ортиб бормоқда. Инсониятнинг кўп мингйиллик тараққиёти асосан уч нарсада мужассамлашган, — умуминсоний жаҳон цивилизацияси, бозор иқтисодиёти ва миллатлар. Умуминсоний жаҳон цивилизацияси жамият тараққиётининг замини, муҳити ва асосидир; у шунинг учун ҳам доимий ҳаракатда ва ривожланишдаки, бозор иқтисодиёти ва муносабатларига суянади, шу муносабатлар асосида шаклланади; бозор муносабатларини амалга ошириб, ҳаётий омилга айлантирадиган ҳақиқий амалий куч миллатлардир. Бу уч омил, — цивилизация, бозор иқтисоди ва миллатлар, — бир-бирлари билан чамбарчас ва узвий боғланган: бирисиз иккинчиси ёки учинчиси бўлиши мумкин эмас. Шундай экан, ҳозирги замон инсоният ҳаётини, жамият тараққиётини таъмин этмоқ учун миллатларнинг равнақи, гуллаб-яшнаши ва мустақамланишига хизмат қилмоқ ҳар биримизнинг жамият олдидаги муқаддас бурчимиздир.

(Яна қаранг: «Ўзбек миллатининг ўз-ўзини англаши».)

МИЛЛАТПАРАСТЛИК — миллатларнинг тенглигини инкор этиб, ўз миллатини бошқа миллатлардан юқори қўйиш, унга имтиёзлар яратишга интилиш, унинг манфаатларини бошқа миллатлар манфаатларидан афзал кўриш, ўз миллатига сажда қилиб, унга ҳамду санолар ўқиш, ўз миллатини кўкларга кўтариб, унга холисона баҳо беролмаслик, унинг камчиликлари ва тарихан ташкил топган нуқсонларини сезмаслик ва кўрмаслик.

Миллатпарастлик миллатнинг ўсиши, гуллаб-яшнаши учун энг кўп қийинчиликлар туғдирувчи омиллардан биридир. Миллатпарастлик руҳи билан суғорилган киши, гўёки, ўзича ўз миллатига жон-жаҳди билан хизмат қилаётгандек кўринади. Аслида эса у ўз миллатини бошқа миллатлардан, жаҳон ҳамжамиятидан узоқлаштиради, миллатнинг равнақини сустлаштиради. Ҳозирги замон фани, техникаси, технологияси шундай суръатлар билан ривожланмоқдаки, бундай шароитда ўз миллати учун самарали хизмат қилмоқ учун барча миллатлар билан, ва биринчи навбатда, илғор миллатлар билан яқиндан муносабатда бўлиш, улардаги фан-техника янгиликларини зудлик билан қабул қилиб олиш зарур.

Миллатлар ҳам худди инсон кабидир: ҳар бир миллатнинг қатор ижобий хислатлари ва хусусиятлари бор, ва айни вақтда, унинг камчилик ва нуқсонлари ҳам мавжуд. Ўз миллати учун жон куйдирувчи киши ўз миллатининг ютуқ ва тарихий хизматларидан фахрланади, аммо, ҳар қадамда унга танқидий кўз билан боқиб, бундай доғларни тозалашга, бундай нуқсонларни бартараф қилишга чақиради, бу жараёнда фаол қатнашади ва шу йўлда ўз миллатининг ривожланишини тезлаштиради. Миллатпараст эса ўз миллатига «маҳлиё» бўлиб, моҳиятан унга зарар келтиради.

Миллатпарастлик хавфи айниқса мустақилликни мустаҳкамлаш учун кураш даврида кучаяди. Миллат тараққиётидаги бу масъулиятли паллани бир томонлама талқин қилувчилар орамизда топилиб туради. Ҳолбуки, мустақилликни мустаҳкамлаш давлатимизнинг, миллатимизнинг бошқа давлатлар ва бошқа миллатлар билан муносабатларини кенгайтириш, бу алоқаларнинг самарадорлигини ошириш учун кураш ҳам демакдир. Биз илғор давлат ва илғор миллат бўлмоқчимиз. Бу эса кенг алоқаларни талаб қилади.

МИЛЛАТПАРВАРЛИК — инсоният тараққиётида миллатларнинг ўрни ва аҳамиятини тўғри тушуниш, Ер юзининг ҳар бир бурчагида мавжуд миллатларни, тили, турмуш тарзи, ирқи, ташқи қиёфаси, урф-одатлари, дини, мадания-

тининг ўзига хос томонларидан қатъи назар, ҳурмат қилиш, уларнинг озодлиги, тенглиги, гуллаб-яшнаши учун шарт-шароитлар яратиб бериш тарафдори бўлиш.

Миллатпарварлик ҳар бир кишидан миллатлар ва миллий муносабатлар соҳасида чуқур билимли бўлишни, миллатлар инсоният тарихида, унинг моддий ва маънавий маданиятининг шаклланишида, ҳозирги замон цивилизациясининг ривожланишида жиддий мавқега эга эканлигини билишни тақозо этади. Миллатпарварлик барча миллатларга баробар ҳурмат билан қараш, демакдир. Ўз миллатини бошқа миллатлардан афзал кўриб, унга имтиёзлар беришни талаб қилиш ёки аксинча, ўз миллатига, унинг тили ва маданиятига бефарқ қараш миллатпарварлик қоидаларига зиддир. Шу билан бирга миллатпарварлик барча миллатларни, уларнинг фарқ ва тафовутларини ҳисобга олмай туриб тенглаштиришни инкор этади. Ҳар бир миллатга бўлган муносабат шу миллатнинг истиқомат қилиб турган муайян шароитлари, тарихи, унинг шу асосда бошқа миллатлар билан ўзаро муносабатларига боғлиқ. Миллатлар ҳам, инсонлардек хилма-хил ва турли-туман бўлганлиги учун, миллий муносабатларда, ҳар бир миллатга нисбатан сиёсат ўтказишда ниҳоятда эҳтиёткорлик, муомала маданияти ва эътиборчанлик талаб қилинади.

Ҳар бир инсоннинг миллатпарварлиги авваламбор унинг ўз миллатига, унинг тилига, маданиятига, анъаналари, урф-одатлари ва расм-русумларига бўлган муносабатида намоён бўлади. Лекин, миллатпарвар бу доирада чекланиб қолмайди.

Мустақил Ўзбекистоннинг юксалиши, ўзбек миллати гуллаб-яшнашининг тарафдори бўлган ҳар бир инсон миллатпарварлик қоидаларига содиқ бўлиши керак. Чунки, давлатимизнинг келажаги биринчи навбатда ўзбек миллатининг уюшқоқлиги, гурури, тадбиркорлиги ҳамда миллий ҳудудимизда истиқомат қилиб турган ҳар бир кишининг, миллати, дини, тили ва эътиқодидан қатъи назар, кўнглини ола билиш, уни умуммиллий мафкурамиз атрофида бирлаштиришга, жипслаштиришга боғлиқ. Ўзбекистонда яшаб турган 136 миллат ва элат вакиллари шу йўлдан бормоқдалар. Ҳамда, шу сабабли, мустақиллик йилларида миллатлараро ҳурмат-иззат ва ҳамкорлик мустаҳкамланиб бормоқда.

МИЛЛАТЧИЛИК — капитализм даврида жаҳоннинг мустамлакалар ва метрополиялар, қоқоқ ўлкалар ва илғор давлатлар, озод халқлар ва мустабидлик исканжасидаги халқларга бўлиниб кетишига қарши курашувчи демократик, маърифатпарвар ҳамда инсонпарвар кучлардан фарқли ўлароқ, бу зиддиятларни ўз миллатининг манфаатларини бош-

қа миллатлар ҳақ-ҳуқуқларидан юқори кўйиб ҳал этишга интилувчи сиёсий оқим.

XVI—XIX асрлардаги сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёт, халқлар тенгсизлиги, мустамлакаларнинг талон-торож қилиниши, жисмоний ва руҳий эзилиши йил сайин ортиб, кучайиб бориши сабабли миллатчиликнинг доимий ва кучли ижтимоий оқимга айланиши муқаррар эди. Ва шундай бўлди ҳам. Аммо, буржуазия ҳукмрон синф сифатида мустақамланиб боргани сари, миллатчилар, зиддиятларнинг гирдобидан чиқиш йўллари қидириб, ўз миллатини бошқа миллатлар ҳисобига бўлса-да қутқариш йўлини танладилар. Шу боисдан миллатчилик кўпинча ички зиддиятли ва нотекис ижтимоий ҳаракат сифатида намоён бўлди.

Истибод даврида ҳукмрон бўлган мафкура миллатчиликга қарши кураш ниқоби остида кўплаб ҳақиқий тараққийпарвар, маърифатпарвар, илғор инсонларни жисмонан ва руҳан таъқиб этди. «Миллатчи» сўзи жамиятда энг қўрқинчли тушунчалардан бирига айлантирилди, чунки ҳар бир миллатпарварнинг сўзлари, фикрлари ва фаолиятида миллатчиликка ўхшаш ёки яқин мулоҳазаларни топиш қийин эмас эди.

Миллатпарварлик ва миллатчилик ўртасидаги нозик ва серқирра алоқа ҳамда ўзаро таъсир уларнинг моҳиятини, мазмун ва шакллари чуқур ўрганишни талаб қилади. Аммо, бундай тадқиқий ишлар коммунистик партиянинг миллатларни зудлик билан яқинлаштириб, қўшиб юбориш сиёсатига зид эди. Шу боисдан бу масалалар фақат тор миллатчиликка қарши кураш сифатида бир томонлама ёритилди.

Мустақиллик шароитида миллатлар ва миллий муносабатлар назарияси, миллатлараро муносабатлар маданияти, миллатпарварлик ғоялари кенг ва чуқур ишланишига зарур шароитлар яратилмоқда ва натижада миллатчиликка, яъни миллий манфаатларга тор ва бир томонлама қарашга ўрин қолмаяпти.

МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАР — миллат ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган тушунчалар, белгилар, хусусиятлар, фаолият турлари, одатлар ва хислатларнинг авлоддан-авлодга ўтиш ҳамда мерос бўлиб қолиш тарзи.

Миллий анъаналар умуминсоний анъаналарнинг бир миллат даражасида намоён бўлишидир. Улар орқали ҳар бир миллат бир даврдаги ўзига хос хусусият, ҳаёт тарзи, маданияти, фани, адабиёти ва бошқа соҳалардаги эришилган натижалар ва ютуқларини бошқа даврда яшаётган авлодларга етказди.

Миллий анъаналар ранг-барангдир. Уларда ҳар бир мил-

латга хос хусусиятлар намоён бўлади. Шу маънода, миллий анъаналар умуминсоний анъаналарнинг таркибий қисмидир. Масалан, бутун дунё халқларига хос меҳмондўстлик анъанаси ўзбекларда дунёларникидан, грузинларники инглизларникидан фарқ қилади.

Миллий анъаналар миллатни бирлаштириш, авлодларни занжирдек ўзаро боғлаш, ҳамжиҳатлигини таъминлаш воситасидир. У ёки бу миллий анъанани бажаришда кишилар ўз синфи ва табақаларидан қатъи назар бир хилда ҳаракат қиладилар. Миллий анъаналарда миллатнинг бетақрорлиги, миллат ҳаётининг ўзига хослиги, ворисликнинг муҳим миллий жиҳатлари намоён бўлади. Ҳар бир халқ ўз миллий анъаналарининг соҳиби, уларнинг сақловчисидир. Миллатнинг ҳар бир авлоди миллий анъаналарни ўтмишдан келажакка етказиб берувчи инсонлар руҳида тарбияланиши керак. Миллатнинг таназзули миллий анъаналарнинг ҳам таназзулидир.

Собиқ СССРдаги мафкуравий тазйиқлар миллатлар ва миллий анъаналарга ҳам салбий таъсир кўрсатган эди. Миллий анъаналарнинг айримлари «ўтмиш қолдиқлари» сифатида баҳоланар, уларнинг барҳам топиши тўғрисидаги ғайримиллий ва ғайриилмий ақидалар тарғиб қилинар эди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг миллий анъаналарга эътибор кучайди. Улар мустақилликни мустақамлашнинг муҳим воситаси, кишиларни маънавий камолотга етказишнинг омили сифатида катта аҳамият касб этмоқда.

Миллий анъаналар масалалари ва муаммолари Ўзбекистон ижтимоий фанларида энг бўш ишланган соҳалардандир. Чунки истибод даврида тадқиқотчиларнинг асосий диққати ҳар бир миллатнинг ўзига хос анъаналарини ўрганишга эмас, балки бир томонлама равишда барча миллатларда мавжуд умум анъаналарни ўрганиш ва тарғиб этишга қаратилган эди. Ундан ташқари, миллий анъаналардан фақат улғу миллат анъаналарига яқинлари, ўхшашлари, мослари танлаб олинар ва ҳар томонлама бўрттириб кўрсатилар эди. Ҳозирги тадқиқотлар бу жиддий камчилик ва хатолардан холи бўлиши лозим.

Миллий анъаналарнинг жамиятдаги аҳамияти ва миллат истиқболига таъсири айниқса мустақиллик шароитида билинади. Мустақилликнинг вазифаларидан бири — тегишли давлатга ном берган миллатни юксалтириш, дунёга таништириш, миллатнинг кучини, салоҳиятини, қобилиятини, шижоатини ва унинг мустақилликка молик эканлигини намоён қилишдир. Бундай олижаноб фаолият эса миллий анъаналарни тиклаш, софлаш ва бойитишсиз мумкин эмас. Чунки, бу — айна миллатнинг авлодларидан-авлодларига ўтиб борадиган ва жамоатчилик фикри билан муҳофаза қи-

линадиган ижтимоий ахлоқ, ижтимоий муносабатларнинг меъёри ҳамда қоидаларидир. Шу маънода, миллий анъаналар — миллатнинг тарихини, ақл-заковатини, дидини, ижтимоий воқеалар ва ҳодисаларга бўлган муносабатини, турмуш тарзини билдиради.

Миллий анъаналар барча миллатларда мавжуд. Аммо, улар ҳар бир миллатда ўзига хос ва бетакрордир. Масалан, эрнинг ўз рафиқасига ва рафиқанинг эрга муносабати, уларнинг фарзандларга муносабати, қариндош-уруғчилик қоидалари, қавми-қариндошчилик расм-русумлари, қуда-андачилик, «уй олма, қўшни ол» қоидасига таянувчи яхши қўшничилик, ҳашар, тўй-томошаларга боғлиқ саъй-ҳаракатлар, хотира, худойи маросимлари, маҳалла-қўйчилик, келинга муносабат, келиннинг қайнона-қайнотага муносабати каби ўнлаб миллий анъаналар ўзбекларни ўзга миллатлардан ажратиб туради. Ҳар бир миллат тўғрисида шундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Миллий анъаналар шунинг учун яна ҳам аҳамиятлики, улардан мустақиллик шароитида жаҳон бозори учун рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиш имконияти бор. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилишда миллий анъаналарни инobatга олиш келажакдаги муваффақиятларимизнинг гаровларидан биридир. Масалан, Япония, Олмония ва бошқа бир қанча мамлакатлар шу омилдан самарали фойдаландилар ва фойдаланмоқдалар. Шундай экан, миллий анъаналар масаласида жаҳон илғор тажрибасини ўрганиш ўта муҳимдир.

Мустақиллик миллий анъаналарни янада тўлароқ ва кенгроқ ўрганишни талаб қилади. Биз мустақилликни мустаҳкамлашга, Ўзбекистон халқини жипслаштиришга, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга хизмат қиладиган миллий анъаналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз керак.

МИЛЛИЙ БИҚИҚЛИК — ўз миллатини ўзга миллатлардан узоқлаштириш, унинг ўзига хослигини ҳимоя этишни тор тушуниб, миллий худбинликни жорий қилиш, ўз миллатининг ўзга миллатлар билан эркин алоқада бўлишига путур етказиш.

Миллий биқиқлик ҳозирги замондаги иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий алоқаларнинг моҳиятини тушунмаслик ва уни юзаки талқин этишнинг маҳсулидир. Ҳозирги замон тараққиёти шундайки, миллатлар, минтақалар, қитъалар, мамлакатлар ва халқлар ўзаро турли муносабатларга киришиб, ҳар томонлама яқинлашмасдан ривожлана олмайдилар. Ана шундай яқинлашиш ва бошқа мамлакатлар ҳамда халқларнинг энг яхши ютуқларини ўзлаштириш ҳар

бир миллат гуллаб-яшнашининг зарурий шартидир. Барча илғор давлатлар ва миллатлар шу йўлдан бормоқдалар. Аммо бундай ўзлаштириб олиш ижодий равишда амалга оширилмоғи ва ўзлаштираётган миллатнинг ўзига хослиги, унинг тили, маданияти ва анъаналарига путур етказмаслиги керак.

Мустақил Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашини истайдиган ҳар бир фуқаро мамлакатимизнинг барча илғор давлатлар билан муносабатларининг ҳар томонлама кенгайиши ва чуқурлашишига, юртимизни биқикдик қобиғидан узил-кесил қутулишига хизмат қилмоғи унинг муқаддас бурчидир.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТА — мамлакат ҳудудида барча товар ва хизматлар учун нархларни ифодалаш вазифасини ўтовчи ва қонуний ҳимояланган ягона тўлов воситаси.

Ҳар бир мамлакатнинг ўз пул бирлиги мавжуд. Масалан, Ўзбекистонда — сўм, Қозоғистонда — тенге, Россияда — рубль, АҚШда эса доллар қонуний тўлов воситаси ҳисобланади. Қонун, пул бирлигининг мамлакат ҳудудида эркин айланишини таъминлаш мақсадида, унинг ягоналигини, барча тўловлар учун мажбурийлигини ва ўз номинали бўйича ишлатилишини ёқлайди. Шуни ҳам айтиш лозимки, халқаро пулнинг мавжуд бўлганлиги туфайли бир қанча миллий валюталар халқаро ҳисоб-китобларни олиб боришда ишлатилмоқда ва улар «эркин алмашинувчи валюталар» деб аталади. Булар орасида энг оммавийлари АҚШ доллари, Буюк Британия фунтстерлинги ва Олмония маркаси ҳисобланади.

Тарихда турли буюмлар, қимматбаҳо тошлар ва металллар пул вазифасини ўтаган. Ҳозирги пайтда муомалада фақатгина қоғоз пуллар ишлатилади ва уларнинг қиймати олтин ёки бошқа қимматбаҳо металлларга боғланмаган.

Пул бирликлари каррали қисмларга бўлинади, кўнгина мамлакатларда бўлинишнинг ўнли тизими ишлатилади (1:10:100); Англия фунт стерлинги муомалада бўлган ҳудудларда бўлиниш қуйидагича: 1:20:240, яъни 1 фунт стерлинг=20; шиллинг=240 пенс. Ўзбекистон сўми эса қуйидаги тартибда бўлинади: 1 сўм=100 тийин.

Ўзбекистон 1993 йилдан бошлаб ўзининг мустақил пул-кредит сиёсатини олиб бора бошлади. Яъни ўша йил ноябрь ойида Ўзбекистонда миллий валютани киритишнинг биринчи босқичи амалга оширилди. Бунда муомалага Россия рубли билан бир қаторда Ўзбекистон сўм-купони ҳам киритилди. Сўм-купон 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200, 500, 1000, 5000, 10000 номинал қийматдаги купюралардан иборат эди. Иккинчи босқич 1994 йил июль ойида амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 122-моддаси ва «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғри-

сида»ги Қонуннинг 11-моддаси, бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги 952—12-сонли қарорига асосан, 1994 йил 1 июлидан бошлаб, Ўзбекистон ҳудудида ягона тўлов воситаси сифатида «сўм» киритилди. 1000 сўм-купон 1 сўмга тенглаштирилди. Ҳозирги кунда 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200 сўм номиналдаги қоғоз, шунингдек, танга пуллар ва 1, 3, 5, 10, 20, 50 тийинлик танга пуллар мавжуд. Ўзбекистон ҳукумати ва Марказий банки сўмнинг ички алмашинувини таъминлаш, тўлов қобилиятини ошириш йўлида қатор ислохотларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистоннинг ўз миллий валютасига эга бўлиши ва «сўм» тизими иқтисоднинг барча соҳаларига киритилиши — мустақилликнинг муҳим кўрсаткичларидан биридир.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ — халқнинг ўзгаларга тобеъ бўлмай, эркин ва озод яшаш, ўзини-ўзи идора этишга қаратилган, унинг истиқболини белгилайдиган орзу-умидлари, қарашлари, ғоялари мажмуи, жамият тараққиётининг муҳим омилларидан бири.

Миллий истиқлол мафкураси — инсоният тарихидаги энг эзгу ва қадимий ғоялардандир. Чунки, жамият ўтмиши минг йиллар давомида, айна вақтда, бошқа халқларни тобеъ этиш, уларнинг ҳудудларини босиб олиш, улар устидан ҳукмронлик ўрнатиш жараёнидан иборат бўлган. Шу сабабли тарих, айна бир вақтда, халқларнинг ўз озодлиги, тобеликдан қутилиши учун кураши тарихи бўлган. Мустамлакачилик сиёсати, турли империялар яратиш, барча қитъаларда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш ва қолоқ ҳамда тобеъ халқлар моддий ва маънавий бойликларини талон-торож қилиш айниқса XVI асрдан бошлаб то XX асрнинг ўрталаригача ўз авжига чиқди.

Дунёнинг ҳамма бурчақларида, шу жумладан, Оврупо қитъасида, Африкада, Осиёда, Жанубий ва Марказий Америкада ўнлаб халқларнинг миллий-озодлик, миллий истиқлол учун кураши натижасида, XX асрнинг 50—60-йилларига келиб, носоциалистик дунёда мустамлакалар қолмади, ўнлаб мустақил давлатлар шаклланиб, БМТга аъзо бўлган мустақил давлатларнинг сони 1947—1997 йиллар оралиғида икки баробардан ошиқ кўпайди. Бунинг натижасида жаҳон миқёсида миллий истиқлол ғоялари енгилмас эканлигига ишонч пайдо бўлди, миллий озодлик ҳаракатининг ғалабалари туфайли ҳукмрон синфлар ўз ижтимоий-моддий бойиш манбасини мустамлакалардан, ярим мустамлака мамлакатлардан ва ёлланма меҳнат соҳасидан илғор фан, техника ва технология ҳамда бозор муносабатлари оламига кўчирдилар ва шу асосда жамият фаровонлигини тубдан ўзгартиришнинг чексиз-чекарасиз манбасини юзага келтирдилар. Де-

мак, ҳозирги илғор мамлакатлар икки омил — миллий истиқлол мафкурасининг галабасининг ва бозор иқтисодиётига суянган янги фан, техника, технология ютуқларига кўчишнинг маҳсулидир.

Миллий истиқлол мафкураси собиқ СССРда XX аср 90-йилларининг бошигача тақиқ остида бўлди. Чунки, Шўро давлатида миллатлар ва элатларнинг барча орзу умидлари тўла, бекаму кўст амалга оширилди, дейиларди. Ҳолбуки, собиқ СССР республикалари амалда Марказга тобё эдилар ва уларнинг моддий бойликлари Марказнинг ихтиёридаги мулк бўлиб, маънавий-маданий ҳаёт эса шакл ва мазмун жиҳатидан коммунистик мафкуранинг талабларига бўйсундирилганди.

МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗЛАР — Ўзбекистонда истиқомат қилиб турган барча миллатлар, элатларнинг маданият, маънавият, миллий урф-одатлар ва анъаналар соҳасидаги ўзларига ҳос талаб ва эҳтиёжларини қондириш, шу тариқа уларнинг Ўзбекистон миқёсида янада мустақкамроқ жипслаштиришга хизмат қилувчи ижтимоий-ихтиёрий ташкилотлар.

Истибод йилларида миллий маданий марказлар ташкил қилиш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас эди. Чунки, улар «миллатчилик ва миллий биқиклик марказлари», деб инкор этиларди. 80-йилларнинг ўрталаридан собиқ совет жамиятида бошланган чуқур ички ўзгаришлар натижасида шу йилларнинг охирларида миллий маданий марказлар юзага кела бошладилар. 1989 йилда уларнинг сони 12 та бўлса, 1997 йилнинг охирида улар 90 дан ошди, шу жумладан рус, украин, корейс, грузин, қозоқ, қирғиз, татар, тожик, маҳаллий яҳудийлар, армани, озарбайжон ва бошқа миллий маданий марказлар фаол иш олиб бормоқдалар.

Миллий маданий марказларнинг асосий вазифалари уч йўналишга эга: 1) ҳар бир миллатнинг тили, маданияти, урф-одатлари ва расм-русумларини тиклаш, тарихий Ватан билан алоқа ва муносабатларни жонлантириш, миллий ҳис-туйғуларнинг намоён бўлишига кенг йўл очиш; 2) мустақил Ўзбекистонни ўзининг ҳақиқий ватани деб билиш ва унга беминнат ҳамда садоқат билан хизмат қилиш; 3) Ватан билан муштарак ҳаёт кечириш, унинг маданияти, тарихи ва тилини ўрганиш, мустақил давлатга номи берилган миллат билан дўстликда, ҳамкорликда ва тотувликда яшаш. Ана шу уч йўналишда олиб борилаётган ишлар йил сайин янгидан-янги шаклларда, турларда, йўналишларда ранг-баранг бўлиб бормоқда, шу жумладан:

— ўз миллий тарихини, маданиятини, тилини, урф-одатларини ўрганиш тўғарақлари ишламоқда;

— Ўзбекистон тарихини, маданиятини ва тилини ўрганиш тўғарақлари фаолият кўрсатмоқда;

— миллий мусиқа, рақс ва хунар тўғарақлари ўз ишини кенгайтирмоқда;

— миллий байрам кунларига бағишлаб тадбирлар ўтказилмоқда, фестиваллар ташкил қилинмоқда;

— тарихий Ватаннинг рассомлари, ёзувчилари, шоирлари, оқинлари ва бахшилари, маданият ва сиёсат арбобларига бағишланган кўرғазмалар ташкил қилинмоқда;

— тарихий Ватандан келган сиёсий арбоблар ва маданият намояндалари билан учрашувлар ўтказилмоқда ва ҳоказо.

Миллий маданият марказлари Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшмоқдалар. Улар ҳақиқий эркинлик ва озодлик асосида иш олиб бориб, ўз Ватанлари Ўзбекистонга ва ўзбек халқига бўлган муҳаббат ва ҳурматларини ўз фаолиятлари орқали намоён қилмоқдалар.

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР — миллатга, миллий давлатга моддий, маънавий, руҳий ва жисмоний фойда, наф келтирувчи омиллар.

Манфаат тушунчаси, моҳиятан мураккаб бўлиб, шахсий, гуруҳий, қавм-қариндошчилик, маҳаллий, минтақавий, миллий ва умуминсоний шаклларда намоён бўлади. Инсоният олами, ўз моҳиятига кўра, манфаатлар дунёсидир. Юқориди санаб ўтилган манфаат шаклларида ташқари, иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, этикавий ва бошқа турдаги манфаатлар мавжуд. Жамият ўз бошидан кечираётган давр ва тарихий вазифаларга қараб, унинг, яъни манфаатнинг, маълум бир шакли ёки тури жамиятда ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.

Ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёнида бўлган Ўзбекистон учун манфаат шакллари ва турлари ичида энг аҳамиятлиси, ҳал қилувчи ўриндагиси миллий манфаатдир. Чунки, мустамлакачилик даврида ва истибдод йилларида Ўзбекистон, ва биринчи навбатда, ўзбек халқи ўз миллий манфаатларини кўзлаш, иқтисод бераётган фойдани, нафни ўз манфаатларига сарфлаш имкониятидан бебаҳра қолган эди. Ер усти ва ер ости бойликлари бениҳоя кўп бўлган Ўзбекистон Марказнинг «соғин сиғири»га айлантирилган, ҳар йили ҳисобсиз кўп пахта, олтин, вольфрам, мис, полиметаллар, уран, қоракўл терилари, ипак, мева-чева ва бошқа бойликларни Марказ ихтиёрига жўнатар, Марказ қозонидан ажратилган ўз улушини итоаткорона қабул қилишга мажбур эди. Саноатнинг етакчи соҳаларида ўзбек ишчилари ва муҳандис-техникавий ходимлар 25 фоиздан ошмас эдилар. Ўзбекистонда чоп этиладиган китоблар ва рўзномалар, ойномалар рўйхати Марказ томонидан

сараланиб, тасдиқланар, миллий зиёлилар қатори доим «миллатчилар» ва «ёт унсурлар»дан «ўтаб турилар» эди.

Мустақил Ўзбекистон ўз олдига замонамизнинг илғор давлатлари қаторидан жой олишни мақсад қилиб қўйди. Бу олижаноб мақсадга эришишнинг зарурий шартларидан бири шундан иборатки, давлат, ҳукумат, халқ ва ҳар бир фуқаро ўз фаолиятини миллий манфаатларни ҳимоя қилишни кўзлаб олиб бориши керак. Ҳозирги замон илғор давлатлари фақат шу тариқа иш олиб бориб фаровонликка эришдилар. Бадавлат бўлишнинг асоси — ота-боболаримиз ва илғор мамлакатлар тажрибаси кўрсатганидек, оқилона иқтисод юритишда, кам сарф этиб, кўп наф олишдадир. Миллий бойликларимизни, имкониятларимизни, салоҳиятимизни ва бошқа омилларни миллий манфаатни таъмин этиш учун сафарбар қилиш — мустақил Ўзбекистоннинг муҳим вазифасидир.

МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ — чет эл ҳукмронлигини тугатиш, мустақил миллий давлат тузиш, мустамлакачилик зулмини йўқ қилиш, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга қаратилган оммавий ҳаракатлар.

Миллий-озодлик ҳаракатларининг тарихий шакллари ва тадрижот bosқичлари:

1. Элат-халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатлари — XVI—XIX асрлар оралигида Муқаддас Рим, Буюк Британия, Испания, Хитой, Мўғуллар империяси, Усманийлар Туркияси, Россия салтанатларига қарши ўз озодлиги учун кураш жараёнида шакллана бошлаган;

2. Умумхалқ, умуммиллий миллий-озодлик ҳаракати — миллий буржуазия шаклланган, аммо ўз давлатчилигига эга бўлмаган поляк, фин, чех, словак, румин, хорват, булғор, серб ва бошқа халқларнинг Россия, Олмония, Австрия-Венгрия, Усманийлар Туркиясига қарши ўз тақдирини ўзи белгилаш учун кураши. Бу кураш аксилфеодал, буржуа ва буржуа-демократик характерга эга бўлган;

3. Миллий-озодлик инқилоблари — буржуа тараққиётнинг бир текис бўлмаган тарзи, турли савия ва даврий фарқларини акс эттирганлар. Бу даврга келиб, ривожланган капиталистик давлатлар монополистик капитализм — империализм bosқичига кириб, ўз миллий мустақилликларини кафолатлаб, «дунёни қайта тақсимлаш», мустамлакаларни тортиб олиш учун уруш чиқариш (Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари), «янги мустамлакачилик» йўлини тута бошлаган ва бунга жавобан бутун Шарқда миллий-озодлик ҳаракати бошланган эди (Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, Туркистон, араб мамлакатлари, Жанубий Америка).

Араб-мусулмон Шарқда миллий-озодлик ҳаракатининг ижтимоий-иқтисодий замини шаклланиб келаётган буржуа

муносабатлари бўлса-да, мафкураси миллий буржуазиянинг заифлиги туфайли тараддудчи, иккиланувчи характер касб этган эди. Миллий-озодлик ҳаракати мафкураси назарий асосини ислом, шариат ақидалари ташкил этган бўлса-да, умумисломий қавм, умма, миллат бирлиги ўрнига — айна ҳозирги замон тушунчасидаги миллий-озодлик учун, ўз миллий давлатчилигини қуриш, ўзининг ички иқтисодий бозорини яратиш учун курашдаги миллий бирлик, бирдамлик олдинги қаторга чиқди.

Араб-мусулмон Шарқда миллий-озодлик ҳаракати ҳар бир мамлакатда ўз фидойи қаҳрамонлари, назариётчи раҳнамолари — Жалолиддин ал-Афғоний, Гаспирли Исмоил-бей, Дукчи Эшон, Беҳбудий, Ж. Ҳусайнзода, Мунаввар Қори, Саййид Аҳмадхон, Зиё Гўкалп; Хитойда Сун Ят-Сен, Ҳиндистонда Маҳатма Ганди каби сиймоларни етиштирди.

Туркистонда XIX асрнинг иккинчи ярми — XX асрнинг биринчи чорагида миллий-озодлик ҳаракати мустамлака истибдодига, ўрта асрчиликка, феодал қолоқликка қарши, маърифат ва мутараққий йўлга чиқиб олиш, ислом ва шариат ислоҳи учун кураш асносида борди. Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракати асосан олти шаклда ва ғоявий йўналишда намоён бўлди: 1) Курсавий, Домла Икромча, Беҳбудий, Мунаввар Қори етакчилик қилишган диний ислоҳчилик; 2) Пўлатхон, Исҳоқхон, Дукчи Эшон, Қурбонхон Додхоҳ бошчилик қилган, Еттисув, Или кўзғолонлари; 3) Умуммиллий озодлик халқ кураши раҳбарлари: Омонгелди Имонов, Катта ва Кичик Эргаш, Шермуҳаммад, Холхўжа, Мадаминбек, Иброҳим Лақай; 4) Миллий давлат қуриш учун кураш («Туркистон мухторияти», «Алаш ўрда», «Бухоро Халқ Жумҳурияти», «Хоразм Халқ Жумҳурияти»); 5) Фирқавий-сиёсий кураш («Жадидлар фирқаси», «Ёш бухороликлар», «Ёш хиваликлар», «Эрк социалистик партияси», «Туркистон миллий бирлиги»); 6) Миллий мактаб, матбаа, газетачилик, миллий маданият учун кураш («Таржумон», «Туркистон», «Улуғ Туркистон», «Хуршид», «Оина», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона» жаридалари, «Чигатой гурунги» номли тил-адабиёт, нафис тасвирий санъат ва ижтимоий-фалсафий уюшма). Шу маънода, Туркистондаги XIX аср иккинчи ярми ва XX асрдаги миллий-озодлик ҳаракати ҳозирги Ўзбекистон ва бошқа Марказий Осиё давлатлари миллий мустақиллигининг ғоявий-маънавий замини бўлди.

Марказий Осиёдаги ва шу жумладан, Ўзбекистондаги миллий-озодлик ҳаракати энг заиф ва бир томонлама ўрганилган даврлардан биридир. Ўтмишдаги истибдод тузуми ва ҳукмрон мафкура фақат Қозоғистондаги Омонгелди Имонов ва Ўзбекистондаги 1916 йил кўзғолонларинигина миллий-озодлик ҳаракати деб билар, бошқа йўналиш ҳаракатларини

тескаричиликда айблаб, рад этар эди. Шу сабабли, XIX асрнинг охирги чорагидан бошлаб то XX аср 30-йилларининг ўрталаригача олиб борилган миллий-озодлик ҳаракатларига тегишли ҳужжатлар ва манбалар тақиқ остида ва махфий тарзда сақланар эди. Ҳолбуки, 1865 йилдан 1991 йилгача бўлган 125 йиллик давр тўғрисида барча ҳақиқатни билсагина, мамлакатимиз эришган мустақилликнинг қадрига ета оламиз.

Бу борада тегишли тадқиқий ишлар олиб борилмоқда.

МИЛЛИЙ ОНГ — бевосита ҳар бир миллат ёки эланинг узоқ тарихий этногенез даври, турмуш тарзи, иқтисодий ишлаб чиқариш усули, диний эътиқодлари, маданияти, бошқа халқларнинг бевосита таъсири туфайли шаклланган дунёқараши, иқтисодий, сиёсий-ижтимоий ва маданий-маънавий соҳаларда фаоллик даражаси.

Миллат — кишиларнинг барқарор тарихий бирлиги, умумий иқтисодий турмуш ҳамда тил бирлиги, маданияти, онги ва руҳиятининг ўзига хослиги заминидан қарор топган ижтимоий тараққиёт шаклидир.

Инсон онгли бўлиб туғилмайди. Унинг ижтимоий фазилатлари, яъни онги оила, жамият таъсири туфайли шаклланади. Миллатнинг ўзига хос онги ҳам шундай шаклланади.

Миллий онг миллатларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш фаолияти, меҳнати, бошқа миллатлар билан мулоқот ва мувоҳасаси жараёнида пайдо бўлади ва тил билан узвий боғлиқдир. Тилда ифода этилган буюм, ҳодиса ва рақамлар миллат онгида ўз ифодасини топади ва субъектив образлар тариқасида унинг билимига айланади. Шунинг учун миллат, шаклланиши жараёнидан бошлаб, ўтмиш аجدодлар ва катта авлодлар яратган буюмлар, тушунчалар оламини ота-она тили орқали ўзлаштириб бориб, ўз онгини қарор топтиради.

Миллий онг алоҳида миллий муҳитда содир бўлади. Унинг шаклланишига тарих тўплаган билимлар, сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар, санъат эришган ютуқлар, ахлоқ, дин ва ижтимоий руҳият, умуман, жамият онги таъсир кўрсатади. Миллий онгнинг тарихдаги ижобий аҳамияти шундан иборатки, у жамият тараққиётида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Миллий онг тарихий тажрибани, олдин ўтган аجدодлар ишлаб чиққан билимларни ва тафаккур-мантиқ усулларини ўзига сингдириб олгач, воқеликни ғоявий тарзда ўзлаштиради, вазифаларни ўртага қўяди, келажакдаги фарзандий лойиҳаларини тузади, инсоннинг бутун амалий фаолиятини белгилайди. Миллий онгни миллий фаолият шакллантиради, миллий онг ҳам ўз навбатида миллий фаолиятга бевосита таъсир ўтказади, уни белгилайди ва тартибга солади. Миллат, ўз орзу-ҳавасларини амалий равишда рўёбга

чиқара бориб, табиатни, жамиятни, шу билан бирга, ўз онги туфайли ўзини ҳам ўзгартиради.

Миллий онг асорати, яъни истибдод тузуми ёки мустамлакавий ҳолат, миллий онгни тубанликка олиб келади. Чунончи, шўро тузуми даврида миллий онг тараққиёти миллий сиёсат туфайли чекланган эди. Миллий онг кўпасрлик тарихий давр ижтимоий ҳаёти жараёнида йиғилган билимлар мажмуасидир. Бинобарин Шўролар ҳоқимияти келажакда миллатлар қўшилиб кетади, дерди. Миллатларнинг онгини, руҳини мустаҳкамлаш ва равнақ топтириш керак деган шахслар халқ душмани, деб қораланиб, қатагон йилларида жазоландилар.

Энди, мустақил Ўзбекистон даврида, миллий онг, ажодларимиз қолдирган маданий меросга ва қадриятларимизга таяниб, ватанпарварлик гурурини барчанинг онгига жо қилмоқ биринчи даражали вазифадир.

Миллий онг — Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг самарали омилларидан биридир. Мустақилликка эришган миллат ўз вазифаларини умуммиллий ғоя ва мафкура сифатида қанчалик чуқур ва ҳар томонлама англаб олса, бу ғоя ва мафкуранинг моддий кучга, бунёдкорлик омили ва ғайратига айланиши шунчалик даражада самарали бўлади. Ўзбекистоннинг етуқлик чўққиларига кўтарилишида ўзбек миллатининг раҳнамолиги, бошқа миллатлар ва элатлар вакиллари ўз бағрига ола билиши, мамлакатимиз аҳолисининг онглилигига, шу онг асосида намоён бўладиган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётдаги фаоллигига боғлиқ. Миллий онгни давр талаблари даражасига кўтармоқ учун давлатимизда жуда катта иш бажарилиши керак. Бунинг учун, биринчи навбатда, қарамлик, норасолик, кемтиклик ҳиссиётидан қутулишимиз, иккинчидан, Марказий Осиёдаги ўз ўрнимизни, инсоният олдидаги масъулиятимизни яхши билмоғимиз, ва учинчидан, ана шу масъулиятни чуқур англаб, масалаларнинг бундай қўйилиши асосли эканини ўз онгимизга сингдириш учун ўз тарихимизни, маданиятимиз ва маънавийликимизни, анъаналаримизни ҳар томонлама ўрганмоғимиз ва билмоғимиз зарур.

Биз шу йўлдан бормоқдамиз. Ўтмишнинг оғир юки, оёғимиздаги кишандек, ҳаракатимизни сустлаштирмоқда. Демак, вазифа — ана шу кишанни тезроқ ва узокроққа улоқтириб ташлашдир.

Миллий онг масаласи шўролар даврида назарий ва амалий мавзу сифатида қувғун қилинган муаммолардан бири эди. «Онг миллий бўлиши мумкин эмас. Барча миллатларнинг онги бир хил. Уларнинг барчалари бир мақсадга интиладилар. У ҳам бўлса, капитализмдан, эксплуатациядан қутулиш», дейиларди. Масалага бундай қараш миллатлар ора-

сидаги фарқ ва тафовутларни сезмасликка, охир-оқибатда уларни камситишга олиб келарди. Бундай «тенглик» аслида катта миллатни имтиёзли миллатга айлантириб қўярди; майда ва кам сонли миллатлар эса тарих гилдирагининг тагида қолиб кетмаслик учун катта миллатга яқинлашишга мажбур эдилар.

Ўзбекистон, ўзбекларнинг миллий онгини кўтаришга биринчи даражали масала деб қараган ҳолда, мамлакатимизда истиқомат қилиб турган барча миллатлар ва элатлар вакиллари маданияти, тили, урф-одатлари, бинобарин, миллий онгининг ўсиши учун барча шароитларни яратди. Уларнинг миллий онги ўзбек миллий онгига монанд равишда бойиб бормоғи аҳолини жипслаштиришнинг гаровидир.

МИЛЛИЙ РУҲИАТ — миллатнинг ички ҳолати, кечин-малари, ҳис-туйғулари, маънавий дунёси, ўй-фикрлари, мақсад ва маслаклари ҳамда кайфиятлари билан боғлиқ мулоҳазалар мажмуи.

Ёр юзидаги ҳар бир миллат ўзига хос иродаси, ҳис-туйғу, дид, хулқ, феъл-атвори, кўнгил, қалб, юрак сирлари оламига эгадир. Энг аввало, руҳ (арабча «жон») — кенг маънода олганда, психик фаолиятнинг олий шакли бўлиб, ғоявийликка, онга айнан тенгдир; тор маънода эса, тафаккур тушунчаси билан бирдайдир. Руҳ мавзуси илмда ҳам, фалсафада ҳам, динда ҳам қадимдан энг мураккаб муаммолардан бири ҳисобланади.

Шўролар ҳокимияти даврида миллий руҳият ҳисобга олинмай, юқоридан келган кўрсатмалар асосида миллатларнинг ўзига хослигини оёқости қилиб, ягона совет халқи ғоясини сингдиришга ҳаракат бўлди. Натижада миллий руҳ сўниб, манқуртларча тасаввур шакллана бошлади.

Миллий руҳиятни мазмунан ва шаклан бойитиш, унинг намоён бўлиш йўлларини кўпайтириш ва шу тариқа умуман миллий руҳиятни янги поғонага кўтариш — мустақилликнинг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан биридир. XVI—XIX асрлар давомидаги миллий бошбошдоқлик, 1865—1917 йиллардаги мустамлакачилик сиёсати, ва айниқса, 1917—1990 йиллардаги истибдод тузуми ўзбек халқи миллий руҳиятининг ўсишини сустлаштирди, ўлканинг ҳар жиҳатдан орқада қолиб кетишига сабабчи бўлди, кишилари-мизда норасолик, кемтиклик, ўз миллати ва миллий тилига нисбатан бефарқлик ҳис-туйғулари миллатимизнинг онгига, турмуш тарзига, фикр юритиш ва саъй-ҳаракатларининг миқёси ва суръатларига чуқур салбий таъсир кўрсатишига сабаб бўлди. Биз эришган мустақиллик қандай шаклларда ва мазмунан қанчалик кенг ҳамда бой намоён бўлиши миллий руҳиятимизга боғлиқ. Миллатимизнинг ички ҳолати ўз

кучи, имкониятлари ва салоҳиятига ишонч ҳисси билан суғорилган, кечинмалари буюк келажакка ижобий туйғу билан йўғрилган бўлиши, ҳис, ўй ва фикрлари эса бунёдкорлик кайфиятини яратмоғи керак. Бунинг учун эса бор диққат-эътибор миллатни ривожлантиришга, унинг иқтисодини кўтаришга, маданияти ва маънавиятини бойитишга қаратилган бўлиши шарт. Шу соҳаларда биз, авваламбор рақобатбардош маҳсулот (аъло навли ва юқори сифатли саноат ва қишлоқ хўжалиги молларидан бошлаб то яхши кинофильмларгача) ишлаб чиқаришни оддий кундалик қоидага айлантиришимиз зарур. Миллий руҳиятнинг паст-баландлиги миллатнинг халқаро бозордаги ўрнига боғлиқ. Илғор ўринни эгаллай олмасак, миллий руҳиятни сунъий равишда кўтариб бўлмайди. Иккинчи манба эса тарихимиз, маънавий бойлигимиз ва миллий кадриятларимиздир.

Демак, миллий руҳият борасида олдимизда мураккаб ва сабр-тоқатни талаб қиладиган вазифалар турибди.

Бу вазифаларнинг икки томони бор: *биринчиси*, бизнинг миллат сифатида ўз руҳиятимизни кўтариш ва мустақамлаш; *иккинчиси*, мустақил Ўзбекистонга ўз номини берган асосий миллат номини оқлаб, мамлакатимизда истиқомат қилиб турган барча миллатлар ва элатлар вакиллариини ўз атрофимизда жипслаштириш. Яъни Ўзбекистонда яшаётган ва кўчиб кетиш фикри йўқ ҳар бир ўзбек эмас фуқаро ўз миллий руҳиятини мамлакатдаги устувор миллий руҳиятга мослаштириш йўли билан бойитиб бориши мақсадга мувофиқдир. Ўзбек миллати эса кўпмиллатли Ўзбекистон давлатининг барқарорлиги ва ривожланиши барча миллатлар ва элатлар вакиллари билан тўғри, одил, инсоний муносабатларда бўлишга боғлиқ эканлигини ҳамма вақт ўзининг диққат доирасида тутиши лозим.

Ўзбек миллий руҳиятини тор тушуниш миллий биқиклик гирдобига тортиши мумкин. Бунга асло йўл қўйиш мумкин эмас. Ўзбек миллий руҳияти — тарихнинг барча синовларидан ўтган, Ўзбекистоннинг мустақил давлат бўлишига эришган ҳозирги замон етук миллатининг руҳиятидир. Демак, миллий руҳият борасида бизнинг олдимизда мураккаб масалалар турибди. Ўзбек миллати ўз тарихида биринчи марта кўп асрлар давом этган тараққиёт тамойилларига зид мажбурий ўзгаришлардан сўнг ҳақиқий мустақилликка эришди. Бу эса, бизга ниҳоятда масъулиятли ва мураккаб вазифаларни юклади.

Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсати шу вазифаларни бажаришга қаратилган.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ПАРТИЯСИ (тўлиқ номи — «Ўзбекистон миллий тикланиш демократик партияси») —

Ўзбекистондаги сиёсий партиялардан бири. 1995 йил июнида Таъсис қурултойида ташкил этилган. Аъзолари сони — таъсис даврида — 4200 нафар, ҳозирги даврда — ўн минг атрофида.

«Миллий тикланиш» партияси ўз фаолиятида кўпроқ Ўзбекистон зиёлиларига суянади. Шу билан бирга, у барча ҳаммаслақлар учун очиқдир. Ўзбекистоннинг қарийб барча вилоятлари, туманлари ва пойтахт Тошкентда ўз ташкилотларига эга. «Миллий тикланиш» партияси миллий истиқлол ва миллий тикланиш ғояларидан озиқланади, ўзини шу улуг ва муқаддас ғояларнинг вориси деб билади. Шу улуг мақсадни амалга ошириш йўлида, жамиятдаги бошқа сиёсий партиялардан фарқли ўлароқ, миллат, инсон ва Ватан манфаатларини муқаддас деб билган Ўзбекистон фуқароларини бирлаштиради. Мустақиллик асосларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, ижодий тараққий эттиришни партия ўзининг асосий вазифаси деб билади, умуминсоний ва миллий қадриятларни узвий боғлаган ҳолда, Конституцияда белгилаб қўйилган ҳақ-ҳуқуқлар асосида ўз сиёсатини юритади ва мамлакатда яшовчи миллат, элатларнинг конституциявий ҳуқуқларини, фуқаролик эркинликларини ҳурмат қилади.

Партия олий мақсад — миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш йўлида ўз ҳаракатининг асосий йўналишларини қуйидагича белгилайди: 1) Миллатнинг маънавий бирлиги; 2) Ватан (Туркистон) — ягона оила; 3) Кучли демократик давлат; 4) Миллий қадриятлар; 5) Илмий-техникавий тараққиёт ва умумжаҳоний интеграция; 6) Замон кишиси; 7) Миллий истиқбол. «Миллий тикланиш» партияси мана шу асосий етти йўналиш миллий тикланишнинг мазмун-моҳиятини белгилайди деб ҳисоблаб, ўзининг бутун амалий-ташқилий, сиёсий фаолиятини уларни рўёбга чиқаришга, жамият ҳаётида устувор ҳодисаларга айлантиришга сарфламоқда. «Миллий тикланиш» ҳафталик газетаси — партиянинг марказий нашри. «Миллий тикланиш» газетаси ўз саҳифаларида юқорида санаб ўтилган етти йўналишга тегишли сермазмун ва ўтқир мақолаларни чоп этиб, ўз атрофидаги фаоллар қаторини кенгайтириб бормоқда ва секин-аста мамлакатимиз зиёлиларининг очиқ ва юксак минбарига айланмоқда.

МИЛЛИЙ ТИЛ — кишиларнинг тарихан ташкил топган барқарор бирлиги — миллатнинг ёки элатнинг умумий тили, уларнинг фикр алмашиш ва мулоқот воситаси, муҳим ривожланиш омили.

Одатда, «Миллий тил» ибораси миллатларнинг тилига нисбатан (масалан, инглиз миллий тили, грузин миллий ти-

ли, ўзбек миллий тили ва ҳ. к.) ва элатларнинг тилига нисбатан ҳам (масалан, чукча миллий тили, рушанлар миллий тили ва ҳ. к.) ишлатилади. Миллий тил миллат ёки элатнинг тарихан ташкил топиш жараёнида шаклланади.

Миллий тил миллат ёки элат билан биргаликда ўсиб, ўзгариб боради ва маълум вақт ўтгандан сўнг янги авлодларга бир неча аср аввалги миллий тил тушунарли бўлмай қолади. Ана шу боисдан ҳар бир миллий тилда энг қадимий, қадимий ва янги замон шакллари мавжуд бўлади. Масалан, Навоий асарларини тўла маънода тушуниш учун биз махсус луғатдан фойдаланишга мажбурмиз.

Ҳар бир муайян миллий тил одатда ҳудудий шевалардан ёки диалектлардан иборат. Шевалар орасидаги фарқ — тафовутлар турли даражада бўлади: баъзида бу фарқлар жузъий тафовутлардан иборат (масалан, Марказий Осиё туркий миллатлари тилларида), баъзида эса турли шевалар ёки диалектларда сўзлашувчилар бир-бирларини тушунмайдилар (масалан, хитой тили ва олмон тилида сўзлашувчилар). Шу сабабли ҳар бир миллий давлат умуммиллий ягона тилни яратади. Аммо, умуммиллий ягона тил қоидаларини ҳамма ҳам тўла ўзлаштира олмайди. Натижада, одатда, жонли мулоқот тили шева билан умуммиллий ягона тилнинг қоришмасидан иборат бўлади. Ўзбек тилида, масалан, ҳар бир ўзбек билан гаплаша туриб, унинг талаффузидан у қардан — Фарғонаданми, Хоразмданми, Самарқандданми эканлигини сезиб тураемиз.

Миллий тил, вазиятга кўра, миллатлараро тил, ҳатто жаҳон тили ёки халқаро тил вазифасини ҳам бажариши мумкин. Масалан, ўзбек тили Ўзбекистонда истиқомат қилувчи туркийзабон фуқаролар учун миллатлараро тил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги даврда жаҳонда, мутахассисларнинг фикрича, уч мингдан беш ярим минггача миллий ва қабилавий тиллар мавжуд. Инсоният XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб узил-кесил равишда демократия ва ҳуқуқий давлат қоидаларига асосланиб, миллатлараро, давлатлараро ва минтақалараро муносабатларини ташкил этиши натижасида, техника, технология ҳамда фан ютуқларининг ҳаётга кенг жорий қилиниши туфайли миллий тилларнинг жамиятдаги аҳамияти янада ошиб бормоқда. Миллий тиллар қўшилиб кетиши тўғрисидаги назария ўзининг хато ва пуч эканлигини кўрсатмоқда. Шу билан бир қаторда миллий тиллар, янги шароит ва янги талаблар таъсирида табақаланиб, уларнинг, айниқса, халқаро тилларнинг (биринчи навбатда инглиз, француз, испан, немис ва рус тиллари) амалий аҳамияти янада ошиб бормоқда.

Мустақиллик шароитида миллий тиллар масаласи ало-

ҳида аҳамият касб этади. Ҳар бир миллат вакилларида миллий тиллар муаммоларини тўғри, замон талаблари даражасида тушуниш, талқин этиш ва шунга ярашиқ ўз фаолиятини белгилаш катта аҳамиятга эгадир. Бу тушуниш ва талқин ҳамда фаолият уч асосий йўналишга эга бўлиши мақсадга мувофиқдир: 1) ўз миллий тилини мукаммал билиш, унинг адабий, ёзма, оғзаки, шева шакллари билиш, улар устида доим иш олиб бориш, ўз луғат бойлигини, нотиклик санъатини, ўз фикрларини саводли ва эркин равишда ёзма ёки оғзаки турда изҳор қила билиш; 2) халқлар, мамлакатлар, қитъалар ва минтақалар орасида ўсиб, жадаллашиб бораётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва маънавий алоқалар талабларини кўзда тутиб ва шу алоқаларда фаол қатнашиб, уларнинг такомиллашишига ўз улушини қўшмоқ учун халқаро ва минтақавий тилларни мукаммал билиш, улар ёрдамида ўз юрти, ўз Ватани, унинг маданияти, салохияти, истиқболлари, тарихи, инсоният цивилизацияси, яъни моддий ва маънавий маданияти мажмуасига қўшган ҳиссаси тўғрисида бошқа миллатларга жаҳон минбаридан сўзлаб бериш; 3) илғор мамлакатлар тажрибасига суяниб, тилларни ўрганишга хизмат қиладиган турли бир жилдли, кўп жилдли, катта, ўрта ва кичик ҳажмдаги луғатлар, сўзлашгичлар, қўлланмалар, дарсликлар яратиш ва ҳар йили уларни янгилаб, тўлатиб чоп этиб борувчи саноат тармоғи юзага келтириши ва унинг раvon ишлашини таъмин этиш.

Бу борада Ўзбекистонда бажариладиган иш ва вазифалар кўп.

МИЛЛИЙ ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШ — ҳар бир миллат (элат)нинг ўзини ҳақиқий мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчи эканлигини, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишига миллий ўз-ўзини англаш дейилади.

Миллий ўз-ўзини англаш миллат шаклланишининг нисбий юқори босқичининг мезонидир. Миллат ўзига хос бўлган урф-одатлар, анъаналар, қадриятларни шакллантириши ва ягона давлат асосида бирлашиши мумкин. Аммо унинг миллат сифатида ўз-ўзини англаши янада мураккаброқ жараён ҳисобланади. Чунки миллатнинг аксарият кўпчилигининг ягона моддий ва маънавий бойликларга эгаллиги ҳиссиётининг шаклланиши, ўзининг жузъий манфаатларидан умуммиллий манфаатларни устувор қўя билиш ҳисси жуда секинлик билан намоён бўлади.

Миллий ўз-ўзини англаш миллий онгдан фарқ қилади. Миллий онг ҳар бир миллатнинг ягона тили, урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари ва маънавиятининг пастдан юқори-

га, оддийликдан мураккаблик томон ривожланиб боришининг муҳим мезони ҳисобланади. Ўз навбатида, миллий онгнинг ривожланиб бориши ҳар бир миллатни ўз-ўзини англаш даражасига кўтаради. Миллий онг миллатнинг ўзига хослиги ривожланиб бориши бўлса, миллий ўз-ўзини англаш — миллий манфаатларни ҳимоя қилишда ва ривожлантиришда ҳаракатга келувчи ички маънавий-руҳий салоҳиятдир.

Миллий ўз-ўзини англаш, реал моддий куч сифатида, миллат шаъни, қадр-қиммати, обрў-эътибори, ор-номуси поймол этилганда ёки миллатнинг моддий ва маънавий манфаатларига зид иккинчи бир томондан зўравонлик ҳаракатлари юзага келтирилган ҳолатларда намоён бўлади. Шаъни, қадр-қиммати, ор-номуси, обрў-эътибори, нуфузи ва манфаатлари поймол этилган миллат вакиллари, қайси лавозимда хизмат қилиши, бой ёки камбағал бўлишидан қатъи назар, ягона умуммиллий куч бўлиб бирлашадилар ва ўзлигини ҳимоя қиладилар.

Шундай қилиб, миллий ўз-ўзини англаш миллатнинг моддий ҳамда маънавий манфаатларини ҳимоя қилувчи ва ривожлантирувчи омил ҳисобланади. Бундан ташқари, у фақат миллий манфаатларни ҳимоя қилиш билан чекланмайди, у миллатни «ҳаракат»га келтиради ва бирлаштириб туради. Хусусан, миллат тараққиёти жараёнида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда миллий ўз-ўзини англаш омили миллатни жипслаштиради ва уни умум мақсадлар йўлида ҳаракатга келтиради. У ҳар қандай миллат учун етакчи белги ҳисобланади. У ўзининг катта салоҳияти билан миллат учун зарур асосий ўзига хос белгилари тизимида етакчи ўринни эгаллайди. Миллий ўз-ўзини англаш миллат абадийлигини таъминлашнинг ҳам муҳим омилдир. Чунки бу салоҳият миллатнинг ўзига хослигини ва манфаатларини ҳимоя қилиб туради.

Ўзбек миллати тараққиётида миллий ўз-ўзини англаш жараёни чор империяси ўлкамизни босиб олгандан сўнг ўз мустақиллигимиз учун курашларда, шўролар тузуми шароитида ўзлигимизни сақлаб қолиш учун бўлган ҳаракатларда намоён бўлиб келди. Мустақилликни қўлга киритганимиздан кейин миллий ўзлигимизни англаш икки йўналишда — собиқ шўролар даврида топталган урф-одатларини, қадр-қимматини, қадриятларини тиклаш ва маънавий меросларини ўзлаштиришга бўлган ҳаракатларда ҳамда адолат, демократия ва ҳуқуқ устуворлигига асосланган жамият қуриш билан боғлиқ бўлган ислохотларни ўтказиш жараёнида юзага келган муаммоларни ҳал қилишдаги умуммиллий ҳаракатларда намоён бўлмоқда.

Миллий ўз-ўзини англаш у ёки бу миллатни ўзга мил-

латлардан ажралиб кетишига олиб келмайди, балки ўзлигини англаган миллатларнинг маърифатлашган ҳамкорликларининг мустақамланиб боришига хизмат қилади. Шунинг учун мустақиллик шароитида ўзбек халқининг ўз-ўзини англашини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгандир. Ўзбек миллатида ўз-ўзини англаш ҳиссини мустақамлаш ва ривожлантириш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Хон-амирлар даври ва мустамлакачилик йиллари ўзбекларда миллий ўз-ўзини англашга моҳиятан зид бўлган бўлса, шўро тузуми миллатимизда шаклланимоқда бўлган бу олижаноб ҳиссиётнинг ва омилнинг намоён бўлиб, мустақамланишига йўл қўймай, «совет халқи» тушунчасини сингдирмоқчи бўлди. Афсуски, бу борадаги тарғибот ва ташвиқот миямизни заҳарлади, миллий онгимизни бўшаштирди, миллий гурурнинг намоён бўлишини миллатчилик деб қоралади. Шу сарқитлардан қутулиш — ўзбек миллатининг ўз-ўзини чуқур англашининг зарурий шартидир.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР — миллат учун муҳим ва жиддий аҳамиятга эга бўлган жиҳат ва хусусиятлар.

Ўз миллий қадрияти бўлмаган миллат ёки элат йўқ. Миллат — миллий қадриятларнинг соҳиби; миллатнинг таназули — миллий қадриятларнинг таназулидир. Миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, келажаги, уни ташкил этган авлодлар, ижтимоий қатламлар, миллий онг, тил, маънавият ҳамда маданият билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши туфайли миллий қадриятларга эътибор кучайди. Негаки, миллий қадриятлар мамлакатимиз мустақиллигини мустақамлайдиган маънавий асослардан биридир. Халқимизнинг асрлардан-асрларга мерос қолиб келаётган миллий қадриятлари узоқ тарихий жараёнда шаклланиган. Уларни ўтмиши 3 минг йилдан ортиқ даврни ўзида мужассамлаштирган Марказий Осиё цивилизацияси яратди. Бизнинг миллий қадриятларимиз ана шу цивилизацияга хос жиҳатлар: туғилган макон ва она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, муомалада мулозамат, ҳаё, андиша кабиларнинг устуворлиги билан ҳам характерланади.

Миллий қадриятларимизда жаҳоннинг бошқа халқларига ўхшамайдиган урф-одатлар, расм-русумлар, маросимлар ва анъаналардаги ўзига хослик ҳам бор. Маълумки, қадриятлар муайян шароитларда шаклланади. Шу сабабли улар маҳаллий, миллий, минтақавий шакллар ва умуминсоний мазмунда мавжуд бўлади. Маҳаллий қадриятларнинг энг етуқлари ва умум-миллий манфаатларга мослари аста-секин сараланиб умум-

миллий даражага кўтариладилар. Миллий муҳит қадриятларни яратиш ва саралашнинг асосий манбасидир: у маҳаллий қадриятларнинг энг яхшиларини ўз даражасига кўтаради ва уларни вояга етказиб, жаҳон миқёсига олиб чиқади, ва аксинча, умуминсоний қадриятларни ўзидаги ҳар бир кишининг бойлигига айлантиради. Қадриятларни тушуниш ва уларга муносабат, ўз миллатига, юртига, элига, уларнинг аҳолисига тегишли қадриятларни жамлаш, авайлаш, уларнинг аҳамиятини асослаш, ўз юртининг миллий қадриятларини ўз онгининг таркибий қисмига айлантириш кишиларда ўзига ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлайди, ўз Ватанининг истиқболига катта умид билан қарашга ундайди. Ҳар бир миллатнинг ўз миллий қадриятига муносабати қанчалик эҳтиёткор ва фаол бўлса, шу миллатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни, обрўси, унга ажратиладиган эътибор, ҳурмат шу даражада баланд бўлади, унинг нуфузи шу даражада юксак бўлади.

Қадриятлар — жамиятда, кишилар ўртасида обрўга, эътиборга, ҳурматга, нуфузга, аҳамиятга эга кишилар, муносабатлар, ҳолатлар, моддий нарсалар ва маънавий бойликлар мажмуаси. Қадриятлар тушунчаси воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг инсоний, ижтимоий ва маданий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланилади. Қадриятларни бундай таърифлаш тўғри ва асосли. Аммо шўролар даврида қадриятлар бир томонлама ёритилар эди, яъни бу борада кўп тадқиқотлар ёзилар, бироқ масала умуман қўйилар, миллий қадриятлар ҳам мавжудлиги эътибордан четда қоларди. Бундай «ёритиш»дан мақсад ҳар бир миллатнинг ўз муайян тарихий тажрибаси асосида ўз қадриятлари тизими шаклланганига кишиларнинг эътиборини тортмаслик, умумжаҳон, умумбашарий қадриятларда эса синфий асосда белгиланган қадриятларга эътибор берилар, бу синфий асосда танлаб олинган умумжаҳон қадриятлари ичида энг нуфузли жойни улур миллатнинг қадриятлари эгаллаб турарди.

Бундай «назариётчилик»нинг оқибати ва натижаси маълум: шўро даврида Ўзбекистонда миллий қадриятлар, ва шу жумладан, ўзбек миллатининг қадриятлари тўғрисида нуфузли илмий китоб чиққани йўқ.

Мустақиллик туфайли биз ҳақиқий қадриятларимизни билиб олмоқдамиз. У ҳам бўлса тадрижийлик, андишалилик, қийинчилик ва бўҳрон пайтида сабр-тоқат, маромлик ва вазминлик, мулозаматда сертакаллуфлилик, кексаларга муносабатда ҳурмат-иззат, ижтимоий-сиёсий ҳаётда босиқлик, сиполик ва ҳоказолар.

Ўзбекистон шароитида бу ягона тўғри ва синалган йўл.

1 Миллий ҒУРУР — ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаши натижасида содир бўладиган ички руҳий кайфияти. Бу

туйғу ўз она замини, авлод-аждодлари томонидан қолдирилган моддий, маънавий меросдан, ўз миллатининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларидан, ўзга миллатлар олдидаги кадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссиётидир. Миллий гурур ўз миллатининг чинакам фидойиси бўлган ҳар бир инсонга хос ички руҳий туйғудир. Ўз миллатини севадиган ҳар бир инсон, унинг ютуқлари, обрў-эътибори билан фахрланади, завқланади, унинг муаммоларига бефарқ қараб тура олмайди. Миллий гурури юксак инсон, ўз элига, миллатига жонқуяр бўлади, унинг муваффақиятларидан ич-ичидан фахрланади, қувонади. Миллий гурур ҳар бир кишида ўз миллатининг моддий, маънавий меросларини ўзлаштириш, урф-одатлари, анъаналари, қадриятларини ва тарихини мукамал билиш ҳамда уни ўзга миллатларники билан қиёслаш натижасида шаклланади. Бунинг натижасида унда ўз миллатига меҳр-муҳаббати ошиб боради.

Миллий гурури мустаҳкам бўлган миллат вакиллариининг бирлиги ҳам мустаҳкам бўлади, бундай миллатни қурол кучи билан енгилш мумкин эмас, уни маънавий-руҳий жиҳатдан ҳам енгилш бўлмайди. Унинг ички руҳий қудрати миллат қаддини кўтаришнинг енгилмас салоҳияти сифатида сақланиб қолади ва миллатни ривожлантиришнинг мустаҳкам замини бўлади. Бунга жаҳонда миллатлар ривожланиши тарихидан кўплаб ёрқин мисолларни келтириш мумкин.

Ўзини ўзбек миллатининг вакилиман деб ҳисоблайдиган ҳар бир инсон авлод-аждодларимиздан қолган тақрорланмас бой моддий ва маънавий меросдан, жаҳон цивилизациясига қўшган буюк ҳиссаларидан, уларнинг чинакам ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик, Ватан озодлиги йўлида кўрсатган жасорат ва мардликларидан фахрланади ҳамда уларнинг анъаналарини давом эттириш руҳиятига эга бўлади. Бугунги кунда Ватанимизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши ҳар бир ўзбек миллати вакилининг миллий гурурини оширди, унинг қаддини кўтарди ва унда ўз халқи, она замини, авлод-аждодлар олдида миллат манфаатларини ҳимоя қилишдаги масъулиятини ҳис қилиш руҳиятини шакллантирмоқда. Ўзбек миллатининг ўз Ватани мустақиллигидан фахрланиш туйғусининг ўсиб бориши янги жамият қуриш жараёнида вужудга келган муаммоларни вазминлик билан ҳал этиш ва Ўзбекистоннинг жаҳонда обрў-эътиборини мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Чунки миллий гурур фақат фахрланиш руҳияти бўлиб қолмай, миллат тақдири, келажаги йўлидаги масъулигини ҳис эта билиш салоҳияти ҳамдир.

Миллий гурур масаласи истибдод даврида барча миллатларда, шу жумладан, ўзбек миллатида, энг камситилган ва онгли равишда ҳукмрон мафкура томонидан заифлашти-

рилган миллий ҳис эди. Чунки, миллий гурурнинг ўсиши, мустақамланиши истибод тузумининг миллатларни жадаллик билан яқинлаштириш ва кўшиб юбориш сиёсатига зид эди. Ҳолбуки, миллатнинг кучи, салоҳияти, бунёдкорлик фаолияти кўп жиҳатдан миллий гурурга боғлиқ. Ўз миллатини таниган, унга мансуб эканлигидан мағрур кишигина бу мағрурлик ҳиссини сақлашга, мустақамлашга ва ўз миллатининг пастлашиб, қолоқлик гирдобида қолиб кетмаслиги учун курашдек олижаноб ишга ўзини доим сафарбар этади.

Афсуски, чоракам бир аср давом этган истибодлик тизимининг тарғиботи ва ташвиқоти кишиларга салбий таъсир этмасдан иложи йўқ эди. Шунинг оқибатида миллий гурур бўшашди, кишилардаги миллий гурур тушунчаси кўп жиҳатдан ўз сифатлари ва қирраларини йўқотди. Миллий гурурни мустақамлаш ва бойитиш учун, биринчидан, ўз тарихимизни, халқимизнинг инсоният олдидаги хизматларини яши биллишимиз; иккинчидан, ҳозирги ҳаётимизда юксак миллий гурурга эга бўлишга ҳақли эканимизни кундалик сифатли меҳнат, жаҳон андозалари ва мезонларига жавоб бера оладиган хилма-хил маҳсулот ишлаб чиқаришимиз, мазмунли маънавий ҳаётимиз билан тасдиқлаб боришимиз зарур. Миллий гурур ўз миллатини бошқа миллатларга қарши қўйишни инкор этади. Бошқа миллатларнинг барча ютуқ ва илғор томонларини қабул қилиб олиб, миллий асосда ўзлаштириш миллий гурурнинг таркибий қисмидир. Бунингсиз миллатнинг миллий гурури қашшоқлашади.

Миллий гурур масалалари, истибод тузумининг таъсирида, «қалтис» мавзулар қаторидан жой олган эди. Ваҳоланки, миллий гурури йўқ киши ўз миллатининг ва бошқа миллатларнинг ҳаётига, ўтмишига, уларнинг инсоният олдидаги хизматларига қизиқмайди ва шу сабабли ё ўз миллатини, ё бошқа миллатларни ҳурмат қилмайди. У — «умуман инсон» ва шундай бошбошдоқлик сабабли ўз билими, салоҳияти ва куч-қувватини сочиб, тараққиётга хизмат қилолмайди.

Мустақил Ўзбекистонда фуқароларимизнинг миллий гурурини кўтариш, бойитиш ва мустақамлаш — энг долзарб, мураккаб ва бажарилиши зарур вазифалардан биридир.

МИЛЛИЙЛИК — тарихан ташкил топган барқарор ижтимоий-этник бирликларни, яъни миллатлар ва элатларни бошқа барқарор ижтимоий бирликлардан, масалан, ижтимоий синфлардан фарқловчи томонлар, хусусиятлар, маънавий, руҳий ва маданий қирралар ҳамда тафовутлар мажмуи.

Миллийлик — жамият ҳаётининг энг муҳим омилларидан биридир. Чунки жамият ва умуман инсоният миллатлар

ва элатлардан иборатдир. Шу боисдан жамиятдаги барқарорлик, тинчлик ва кишиларнинг бунёдкорлик фаолияти кўп жиҳатдан миллатлар ҳамда элатларнинг ўзаро муносабатлари қанчалик тўғри ва одилона ҳал қилинганлигига боғлиқ. Миллийликни миллатлар ёки элатларнинг фақат маълум хусусиятлари орқали тушунтиришга интилиш миллийликнинг баъзи нозик томонлари ва қирраларини инobatга олишга тўсқинлик қилиб, миллатлар ёки элатлар онгида норозиликлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Миллийлик масаласида тўғри фикр юритмоқ учун ҳар бир миллатнинг ва элатнинг тарихи, анъаналари, урф-одатлари, расм-русумлари, маданияти, бошқа миллатлар ва элатлар билан муносабатларини ўрганмоқ зарур.

Собиқ шўролар тузуми даврида миллийлик масалаларини тадқиқ этиш ва ўрганиш маъқул кўрилмас эди. Чунки бу ҳолда, миллийликни билиш ва англаш учун миллатлар ва элатлар орасидаги фарқлар ва тафовутларни ўрганмоқ зарур бўларди. Ҳолбуки, у даврдаги ҳукмрон мафкура миллатлар ва элатлар орасидаги фарқларни эмас, уларни яқинлаштирувчи, уларнинг тезроқ қўшиб юборишга хизмат қилувчи омиллар ва хусусиятларни ўрганишни талаб қилган. Шунинг натижасида истибод даврида миллатларнинг ва элатларнинг ҳаёти, тарихи, урф-одатлари бир томонлама, юзаки ўрганилди.

Миллийлик байналмилаллик билан узвий бир бутунликни ташкил қилади. Байналмилалликка таяниш, бошқа миллатларнинг ютуқ ва ижобий тажрибаларини ўрганиш ва ўз ҳаётига ижодий равишда киритиш миллийликни бойитиш ва ривожлантиришнинг муҳим омилдир. Байналмилаллик эса, ўз навбатида, миллатларда мавжуд бўлган энг юксак ютуқлар асосида ривожланади.

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш учун миллийлик масалаларини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил ҳамда тадқиқ этиш талаб қилинади. Зеро, миллийлигимиз бизнинг тарихимизни, маданиятимизни, анъаналаримизни, бой маънавиятимизни, миллий руҳиятимизни жиддий ўрганиш, уларни жаҳон ҳамжамияти эътиборига етказиш натижасида амалга ошиши мумкин.

Миллийликнинг, яъни муайян миллатга хос жиҳатлар, томонлар, хусусиятлар, маънавий, руҳий тафовут қирраларнинг кўпайиб, бойиб бориши жаҳон бўйлаб миллатлар ривожланиши, юксалиши ва гуллаб-яшнашининг зарурий шартидир. Ҳозирги инсоният уч манба ва уч негизга суянади. У ҳам бўлса: умуминсоний цивилизация, бозор иқтисодиёти ва миллатлардир. Инсоният ўз тараққиёти жараёнида миллатдан мукамалроқ ижтимоий-этник бирлик топа олмади. Бозор иқтисоди ва муносабатларини ҳаракатга келти-

риб, шу йўсин инсоният моддий ва маънавий бойлигини ривожлантирувчи цивилизацияни мустаҳкамлаб борувчи куч миллатлардир. Шундай экан, бизнинг бутун фаолиятимиз миллатларнинг истиқболларини очишга қаратилиши лозим. Бу жараён эса миллийликнинг янада ранг-баранг бўлишини талаб қилади.

Инсониятнинг янги замон миллатлари шаклланиб, фаолият кўрсатган даврдаги, яъни XVI—XX асрлардаги тарихини диққат билан кўздан кечирав эканмиз, бу беш аср миллийликнинг ўсиши, бойиши, юксалиши асрлари бўлганини кўрамиз. Шу давр ичида инсоният ўзининг ундан олдинги кўп мингйиллик тарихи давомида яратган бойликлардан кўпроқ моддий ва маънавий таҳсинга сазовор асарлар яратди. Бундай мўъжиза шунинг учун ҳам амалга ошдики, шу беш аср давомида миллатларнинг шаклланиши ва ривожланиши учун Оврупо қитъасида тўла эркинлик берилди. XX аср давомида мустамлакачилик тизимининг барбод қилиниши ва ўнлаб янги мустақил давлатлар тарих саҳнига чиқиши туфайли, миллийлик нақадар кучли янги туртки олганининг шоҳиди бўлиб турибмиз.

Демак, жамият тараққиёти, инсониятнинг келажаги миллийликнинг ривожланиши билан узвий боғлиқ. Биз шу тамойилга хизмат қилмоғимиз зарур.

Мустақил Ўзбекистон шу йўлдан бормоқда.

МОВАРОУННАҲР (арабча — «мовароуннаҳр» — дарё орти, яъни «Амударё ортидаги, унинг ўнг қирғоғидаги ҳудуд»). Бу атама милоднинг 670-йилларидан бошлаб, яъни араб халифалиги ноиблари Марв шаҳрига келиб, Туркистонга, вақти-вақти билан, ўлжа-ганимат олиш учун, Пойканд, Бухоро, Қашқа, Сурхон воҳаларига юришлари давридан қўлланила бошлаган; Қутайба ибн Муслим қўмондонлигидаги араб қўшинлари томонидан Туркистонни мунтазам босиб олишга киришилган 705—715 йилларда кенг истеъмолда бўлган. Араблар таъсирида Мовароуннаҳр атамаси ўрта асрларда Хўжанд, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари ва атрофларини, Қашқа ва Сурхон воҳасини ўз ичига олган, Сирдарё ва Амударё оралиғидаги ҳудудни билдирган. Илмий, тарихий, жуғрофий асарлардан Оврупо тилларига ана шу юқорида чегараланган ҳудудни билдирувчи атама сифатида ўтган ва қўлланила бошлаган.

Ҳозирги даврда, мустақилликка эришишимиз муносабати билан, «Мовароуннаҳр» атамасига, тушунчасига бўлган муносабат ва қизиқиш тубдан ўзгармоқда. Ўзбекистоннинг тарихини тўла равишда тиклаш устидаги тадқиқотлар ислом динининг, араб тилининг, фанининг ва дунёқарашининг Марказий Осиёга, унинг халқига таъсирини чуқур ўрганиш-

ни тақозо этмоқда. VII—XIX асрлар давомида, яъни ўн икки асрни эгаллаган даврда араблар «Мовароуннаҳр» деб атаган ҳудуд бу ҳудуднинггина эмас, бутун инсониятнинг фахри бўлмиш алломалар, давлат арбоблари ва шоирларни жаҳон саҳнига чиқарган, уларнинг барчаси асосан ўша замон фанининг умумий тили бўлмиш араб тилида ижод қилганлар, Арабистон ва Яқин Шарқ шаҳарларида ўқиганлар, араб тилидаги асарлари сабабли Оврупода маълум бўлганлар, цивилизация занжиридан ўрин олганлар.

Шу сабабли Мовароуннаҳр тарихи янада чуқурроқ ўрганилиши зарур. Бундай иш мустақил Ўзбекистонда бажарилмоқда.

Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилингандан сўнг, пойтахтимиз Тошкентнинг марказий кўчаларидан бирига (собик «Пролетарская» кўчаси) «Мовароуннаҳр» номи берилди.

МОНИТОРИНГ (инглизча «monitoring» текшириб туриш, — назорат этиш) — маълум бир ҳодиса ёки жараённинг ҳолатини кузатиш, баҳолаш ва тахминлаш (прогноз) тушунилади.

Мониторинг кундалик турмушнинг барча жабҳаларида қўлланилади (масалан, экология соҳасида, ташқи иқтисодий фаолиятда, молия — кредит соҳаларида ва ҳ.к.).

Кредит соҳасида қўлланиладиган мониторинг, яъни кредит мониторингининг моҳияти берилган ссудани (қарзни) қоплаш ва унга фоиз тўлаш жараёнининг бориши устидан назорат қилишда намоён бўлади. Кредит мониторинги учун асос бўлиб кредит архиви хизмат қилади. Ушбу архивда барча зарур маълумотлар — молиявий ҳисобланган, гаров ҳусусидаги ҳужжатлар, мижознинг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш юзасидан қилинган ҳисоб-китоблар ва бошқа шу каби маълумотлар мавжуд бўлади.

Кредит мониторингини амалга ошириш тартиби банкнинг мақомига, ихтисослашувига, ва ниҳоят, унда қабул қилинган мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш усулларига боғлиқ. Масалан, ишлаб чиқариш суръатлари пасайиб бораётган, оғир иқтисодий инқирозни бошидан кечираётган тармоқ корхоналарига катта миқдорда кредит берган банк ссуда (қарз) олган субъектларнинг фаолиятини ҳар 2-3 ойда текшириб туради. Кўпгина банкларда фақатгина муддатида қайтарилишига ишонч бўлмаган ссудаларгина доимий тарзда назорат қилиб турилади. Ишончли ссудалар эса бир йилда бир марта назорат қилинади.

Мониторинг бозор иқтисоди ва бозор муносабатлари механизмининг самарали назорат воситалари ва муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, ундан фойдаланиш шакллари ва

услуглари барча тадбиркорлар, ишбилармонлар ва бу соҳага алоқаси бор ҳамма нарса кишилар томонидан ўрганилиши ва ўзлаштирилиши керак.

МУЛҚДОРЛАР СИНФИ — бирон-бир турдаги мулкка (кўчмас мулк, ер майдони, кичик корхона, дўкон ва шу кабиларга) нисбатан тўлиқ ёки қимматбаҳо қоғозлар (акция, пай, сертификат ва ҳ.к.) орқали қисман соҳиблик ҳуқуқини амалга ошираётган кишилар гуруҳи. Мулкдорлар синфи кўп-тармоқли бозор иқтисодиётининг ва адолатли демократик жамиятнинг ижтимоий негизидир.

Бозор иқтисоди ва бозор муносабатларини мулк соҳиблари бўлмиш синфлар, ижтимоий қатламлар ва гуруҳларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас, бинобарин, бозор, иқтисодий эркинлик ўзига хос мулкдор аҳоли тоифаларини тақозо этибгина қолмасдан, уларни яратади ҳам. Башарият тарихи шундан шоҳидлик берадики, айнан шу синф туфайли жамиятда барқарорлик, фаровонлик, тараққиёт устуворлашади, зеро, ижтимоий эркинликка ва иқтисодий тўқ ва фаровон ҳаётга эришишга интилиб, ўзини мустақил деб ҳис қилган инсонгина янада унумлироқ меҳнат қилади, инсон номига муносиб турмушга эришади.

Мустақил Ўзбекистонда бошланган давлат қурилишиш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий туб бурилиш, жамиятни янгилаш жараёни, кўп жиҳатдан мулкдорлар синфини шакллантириш билан боғлиқ эканлиги чуқур англанган ҳолда, бу масалани ҳал этишга уч асосий йўл билан ёндошилмоқда: 1) илгари танҳо соҳиб — шўро давлати қўлида жамланган мулк хусусийлаштирилмоқда, у мулкнинг ҳақиқий яратувчилари ва эгалари бўлмиш меҳнат жамоалари ва фуқароларга берилмоқда; 2) давлат корхона ва хўжаликлари очиқ ва ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларига, ишчи, хизматчи ва деҳқонлар эса акциядор (пайчи) мулкдорларга айлантирилмоқда; 3) давлат ва тижорат банклари, турли жамғармалар (масалан, «Бизнесфонд» ва бошқалар)дан имтиёзли кредитлар ажратиш орқали хусусий тадбиркорлар — кичик ва ўрта бизнес, вакиллари хунармандлар, фермерлар, томорқачилар, ижарачилар, пудратчилар сафи кенгайтирилмоқда.

Мамлакатда мулкдорлик ҳуқуқини, хусусий тадбиркорлар манфаатларини кафолатловчи қонунлар, ҳуқуқий меъёрлар, давлат ва норасмий ташкилот ҳамда муассасалар тизимлари вужудга келтирилганлиги ва уларнинг самарали фаолият кўрсатаётганлиги натижасида, 1997 йили, нодавлат секторининг улуши саноатда 51 фоизга, қишлоқ хўжалигида 98 фоизга, савдода 95 фоизга етди, ишловчиларнинг 70 фоизи хусусийлаштирилган иқтисодиёт ҳиссасига тўғри келди.

Ишлаб чиқариш, савдо-тижорат, воситачилик, хунармандчилик, молия-банк, туризмда, эркин ижодий фаолиятда машғул хусусий соҳибкорлар ва тадбиркорлар мустақил Ўзбекистонда шаклланаётган мулкдорлар синфининг илдам ўсаётган ички синфий қатламларидир.

Жамиятнинг ўз тараққиётини таъмин этишдаги бирламчи вазифаси хусусий мулкни, ижтимоий синфларни ва миллатлар ҳамда элатларни йўқ қилиш эмас. Бундай йўлдан бориш нақадар таҳликали ва жамият ҳаёти учун фожиали эканлигини истибдод даври яққол намоён қилди. Вазифа — давлат раҳнамолигида ва изчил илмий асосда жамиятда мавжуд мулкдорлик, хусусий мулкчилик тамойиллари ва мойилликларига эркинлик бериб, уларнинг янада ички жиҳатдан тафовутланиб боришига йўл очишдир. Чунки жамиятдаги, ишлаб чиқаришдаги, миллий ривожланишдаги, иқтисоддаги тараққиёт тафовутланишнинг чуқурлашиб боришисиз амалга ошмайди. Бу масалаларга шунинг учун ҳам катта эътибор бермоқ лозимки, мулкдорлар синфи тушунчаси энг кенг тушунчалардан биридир. Бозор иқтисодиёти ва бозор муносабатлари ривожланиши жараёнида бу синфнинг ичдан табақланиб, фарқланиб, тафовутланиб бориши муқаррардир. Ҳозирги вазифа мулкдорлар синфининг шаклланишига кенг йўл очиб беришдир. Бу вазифани бажариш — Ўзбекистонни илғор давлатлар қаторига олиб чиқишда ҳал қилувчи омилдир. Бу масалани амалга оширишда давлатнинг раҳнамолиги шундан иборатки, у мулкдорларга аниқ фаолият доирасини кўрсатиб бермоқда, — ўрта ва майда тадбиркорликни ҳар томонлама рағбатлантириш. Масаланинг бундай қўйилиши муҳим аҳамиятга эга: чунки, биринчидан, майда ва ўрта тадбиркорликни бошлаш ва маълум натижаларни қўлга киритиш нисбатан осон; иккинчидан, давлат режаларини амалга оширишни енгиллаштиради.

МУЛКИЙ МУСТАҚИЛЛИК — кишиларда мулкка эгалик қилиш, бошқариш, фойда олиш ва ҳоказо учун бериладиган эркинлик, ҳуқуқ. Демократик ҳуқуқий давлат фуқароларининг энг муҳим ҳуқуқларидан бири.

Ўзбекистоннинг мулк тўғрисидаги қонунида мулкий ҳуқуқларнинг барчаси кўрсатилган. Мазкур қонуннинг биринчи бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида мол-мулкнинг мавжуд эканлиги ва унга нисбатан эгалик ҳуқуқининг бўлиши тан олинади, ҳар бир мулкдорнинг ўз мулкига нисбатан ҳуқуққа эга эканлиги инкор этилмайди ва у тегишли қонунлар орқали ҳимоя қилинади. Мулкдор бошқаларнинг эмас, балки ўзининг истаги, розилиги, мойиллиги, хоҳишига кўра ўз мол-мулкига эгалик қилади.

Мулкий ҳуқуқнинг асосий юридик мазмуни унга эгалик

қилишдан, фойдаланишдан, уни тасарруф қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий ваколатлардан иборат. Ўз ҳуқуқий ваколоти доирасида мулкдор бошқа мулкдор шахсларнинг талаби ёки топшириғига биноан эмас, балки ўзининг хоҳишига кўра ўз мулкига эгалик қилади, хоҳласа ўзининг мазкур ҳуқуқий ваколатини бошқаларга ўтказиши мумкин. Мулкдор ўз хоҳиши билан мулкидан фойдаланади, шунингдек, ундан ўзига зарур бўлган фойдали даромадларни ундириш учун ишлатади.

Мулкдор ўз мулкига тегишли ҳуқуқий ваколатларини бошқаларга бериши мумкин. Масалан, мулк эгаси сифатида ўзига тегишли бўлган барча ҳуқуқий ваколатларни давлат корхоналарига, муассасаларига, жамоат ташкилотларига ёки айрим жисмоний шахсларга ўтказиши мумкин. Фуқаролар меҳнатидан фойдаланиш учун қонунда барча мулк эгаларига, жумладан фуқароларга ҳам, тенг ҳуқуқ берилган. Бу — қонунда кўзда тутилган жиддий ва энг муҳим янгиликлардан биридир.

Ўтмиш, шўро тузумида, киши кишининг кучидан фойдаланишига, гўёки йўл қўйилмаган, бундай амалиёт ғайриқонуний ва ўша ижтимоий тузумнинг хусусиятларига зид дейилган, синфий қарама-қаршиликларга сабаб бўлувчи ҳодиса ҳисобланган. Эндиликда, бозор муносабатларига ўтиш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида, фуқаролар ўзига тегишли мулкни кўпайтириш учун бошқа фуқароларни ёлланма меҳнатга жалб қилиши мумкин. Фуқаро ўз мулкний ҳуқуқини амалга ошириш учун тадбиркорлик билан шуғулланиши, мулкни ижарага бериши мумкин. Фуқароларда ўтмиш тузум сўндирган мулкний мустақиллик ҳиссини уйғотиш, тиклаш, кенгайтириш ва мустаҳкамлаш — давлатимизнинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ (арабча «мустақил» — қарам эмас, эркин) — давлатнинг асосий шакли.

«Давлат» тушунчасининг ўзи мустақилликни англатади. Аммо, тарихда шаклан, гўёки, мустақил, мазмунан эса номустақил давлатлар кўп бўлган. Мустақиллик том маънодаги ҳар қандай давлатга хос тамойилдир.

Мустақил давлатнинг энг муҳим белгилари асосан қуйидагилардир:

1. Давлат дахлсиз ўз ҳудудига ва дахлсиз давлат чегарасига эга.

2. Давлат шахсларни фуқароликка қабул қилиш ва уларни фуқароликдан маҳрум этиш ҳуқуқига эга.

3. Давлат ўз асосий қонуни — Конституциясига эга.

4. Давлат ҳокимияти уч асосий тармоққа бўлинади — қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимияти.

5. Давлат ўзининг ҳарбий тузилмаси ва миллий қўшинига эга.

6. Давлат халқаро ҳуқуқ субъекти бўлиб, хорижий давлатлар билан мустақил равишда алоқалар ўрнатиш ёки бу алоқаларни узиш ҳуқуқига эга.

7. Давлат ўз давлат бюджетига, ўз мулкига, молия ва солиқ тизимига эга.

8. Давлат ўз хазинаси ва пул бирлигини — миллий валютасини жорий қилиш ҳуқуқига эга.

9. Давлат ўз жиноят ва фуқаролик, оила ва никоҳ, уй-жой, ер, сув тўғрисидаги қонунларга эга, шунингдек, суд тизими, суд тузилиши ва суд ишларини ўзи юритиш ҳуқуқига эга.

10. Давлат ўз давлат рамзлари: давлат герби, давлат байроғи, давлат мадҳияси ва ўз пойтахтига эга.

11. Давлат ўзининг асосий тили (давлат тили)га эга. Бу тил махсус қонун асосида ёки тарихий анъана бўйича аниқланади.

12. Давлат ўз тараққиёт йўлини, ўз номини ўзи белгилай олиш, ўз маъмурий тизимини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга.

13. Давлат сўров (референдум) эълон қилиши ҳамда ҳокимият ва бошқариш органлари тартибини белгилаш ҳуқуқига эга.

Мустақиллик давлат ҳокимиятининг устунлиги ва суверенлигини билдиради. Мустақиллик ташқи алоқаларда давлатнинг мустақил иш юритиши ва ички ишларда давлатнинг устунлигини билдиради.

Мустақил суверен давлат ўз ички ва ташқи ишларини бошқа давлатларнинг ҳуқуқларини, шунингдек, халқаро ҳуқуқ қоидалари ҳамда меъёрларини бузмаган ҳолда ҳал қилади.

Президент Ислом Каримов таъкидлайдики: *«Ўзбекистон — мустақил мамлакат. Бу ўз тақдири ва истиқболини ўзи ҳал қилишдир; бу миллатни маънавий, ахлоқий, маърифий инқироздан қутқаришдир; бу ўз ерига, ўз ер ости бойликларига эгалик қилишдир; бу тенглارаро тенг бўлиш, кенг дунёга даллоллар ва воситачиларсиз чиқиш, халқаро муносабатлар ўрнатиш, миллатлар ҳамдўстлигига қўшилишдир»*. Ўзбекистон мустақиллигининг асослари, қоидалари, шартлари ва талаблари 1991 йил 31 августда қабул қилинган «Давлат мустақиллиги ҳақида»ги қонунда ифода қилинган. Президент И.А. Каримовнинг бу сўзларида мустақил давлат бўлиш бизга, юртимизга, Ватанимизга, халқимизга инъом этган бойликлар, қулайликлар, ҳуқуқлар, имкониятлар нечоғлик салмоқли, мазмунли эканини ва бизнинг халқ, миллат, давлат, ҳудуд сифатида кўтарилишимиз, халқаро миқёсга чиқишимиз, аждодларимизнинг

улуғлигини муносиб равишда давом эттириш учун ўзимизни сафарбар қилишимиз даркорлигини кўрсатади. Бу фикрлар ўз-ўзидан аён эканлиги шубҳасиздир. Аммо масалани шу нарса мураккаблаштирадики, етмиш йилдан ортиқ шўролар даврида худди шундай сўз, ибора ва фикрларни биз кўп марта эшитганмиз ва бу сўзлар ўз қимматини ва қадрини анчагина йўқотган. Онгимиздаги шўро тузуми қолдирган сарқитларни бартараф этиш — ҳақиқий мустақил бўлишнинг зарурий шартидир.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ (МДҲ) — бир бутун давлат, федерация ёки мамлакат эмас, ҳарбий блок ҳам эмас, давлатлар ҳамдўстлигининг янгича шакли. Унга кирувчи ҳар бир давлат халқаро ҳуқуқнинг мустақил ва тенг ҳуқуқли субъектидир.

МДҲ 1991 йил 8 декабрда Минск шаҳрида, СССРнинг барҳам топиши муносабати билан шаклланди. Унинг вужудга келиши ҳақидаги ҳужжат — битимга дастлаб уч мустақил давлат — Россия Федерацияси, Украина ва Белоруссия раҳбарлари имзо чекдилар. Битимни имзолаган давлатларнинг худудий бутунлигини тан олиш, ҳурмат қилиш ҳамда амалдаги чегаралар, уларнинг очиқлиги ва фуқароларнинг ҳаракати эркинлиги эътироф этилди.

МДҲ аъзолари халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, ҳарбий харажат ва қуроолларни қисқартириш чора-тадбирларини амалга оширишда ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар. Ҳозиргача юздан ортиқ норматив ва тавсифий ҳужжатлар қабул қилинди. Шу билан бирга, томонлар бир-бирларининг ядросиз зона ва бетараф давлат статусига эришиш учун олиб бориладиган ҳаракатларини ҳурматлайдилар.

МДҲ аъзоларининг биргаликдаги фаолияти соҳасига куйидаги биргаликдаги тадбирлар киритилди:

— ташқи сиёсий фаолиятларни мувофиқлаштириш, мудофаа сиёсати ва ташқи чегарани муҳофаза қилиш;

— умумий иқтисодий муҳитни шакллантириш ва ривожлантириш, Умумевропа ва Евроосиё бозорини шакллантириш;

— иқтисодий ислоҳот ўтказиш;

— божхона сиёсатини бирга олиб бориш;

— транспорт ва алоқа, шунингдек, энергетика тизимларини ривожлантириш;

— саломатлик, атроф муҳит ва экологик хавфсизлигини сақлаш;

— уюшган жиноятчиликка қарши кураш.

МДҲ тарафдорларининг сони аста-секин ортиб борди.

1991 йил 21 декабрда собиқ СССРнинг уч славян ва

Марказий Осиёдаги беш республикаси раҳбарлари Олмаотада учрашиб, Ҳамдўстлик ҳужжатларига жами 11 республика имзо чекди.

МДХнинг юқори Олий органи — «Давлат бошлиқлари Кенгаши», шунингдек, «Ҳукумат бошлиқлари Кенгаши», «Иқтисодий Кенгаш», «Мудофаа вазирлари Кенгаши», «Ташқи ишлар вазирлари Кенгаши» ҳисобланади. Ижроия органи «Мувофиқлаштирувчи қўмита» дейилади. Унинг қошида доимий котибият ишлайди. Давлат бошлиқлари Кенгаши бир йилда камида икки марта ўтказилади. Кенгашнинг навбатдан ташқари мажлиси МДХ аъзоси бўлган ҳар қандай давлат ташаббуси билан чақирилади. МДХ органларининг фаолияти МДХ Низоми билан тартибга солинади.

МДХ органлари фаолиятини маблағ билан таъминлаш (харажатлари) аъзо давлатларнинг хизмат юзасидан бўлган иштираки тартиби бўйича тақсимланади ва МДХ органлари бюджети тўғрисидаги махсус битим асосида ўрнатилади.

МДХнинг асосий мақсадларини амалга ошириш учун Ҳамдўстлик давлатлари ўзаро муносабатларида қуйидаги қоидаларга риоя қиладилар:

- давлат суверенитетини ўзаро тан олиш ва ҳурмат қилиш;
- тенг ҳуқуқлилик ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик;
- иқтисодий куч ёки бошқа тазйиқ услубларини қўлдан воз кечиш;
- баҳсли муаммоларни келиштирувчи воситалар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа ҳамма эътироф қилган тамойил ва нормалари асосида ҳал қилиш.

Шу билан бирга, 1993 йил 3-4 январда Тошкентда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мамлакатлари давлат ва ҳукумат раҳбарлари учрашиб, бозор муносабатларига ўтиш даврида минтақа давлатларидаги сиёсат ва иқтисодий аҳволни барқарорлаштириш мақсадида, Марказий Осиё Ҳамдўстлиги Иқтисодий ҳамкорлик Ташкилотини туздилар. Энг сўнгги навбатдан ташқари йиғилиш Ашгабатда, 1997 йил 13 майда бўлиб ўтди ва нақлиётни ривожлантириш масалаларига бағишланди.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИЯ — жаҳон демократияси, Шарқнинг инсонпарварлик ҳамда халқчиллик анъаналари, халқимизнинг тарихий тажрибаси ва ижтимоий адолат тўғрисидаги тасаввурлари асосида шаклланимда.

Биринчи демократик давлатлар Қадимги Юнонистонда ташкил топган. Аммо у қулдорлар демократияси эди. Чунки,

унинг қоида ва талаблари фақат қулдорларга катта имтиёзлар берар эди.

Демократия руҳи Уйғониш даврининг илк паллаларидан (XIII асрнинг охири — XIV аср) яна жамият ҳаётида катта ўрин тута бошлади.

Ҳозирги даврда илғор мамлакатларда унинг қоидалари ва шартларига тўла риоя қилиш учун доимий кураш боради. Бу асосан Ғарб мамлакатларига тегишли бўлиб, Шарқ демократияга ўзига хос тарзда эргашади. Бу тамойил ва қоидалар Конфуций (милоддан аввалги VI—V асрлар) асарларида биринчи бор баён этилган, Форобий, Беруний, Ибн Сино ва бошқаларнинг асарларида давом эттирилган.

Мустақил Ўзбекистон ўзининг демократик ҳаётини ташкил қилар экан, ўтмишдаги ва ҳозирги Ғарб ва Шарқ демократиясининг барча ижобий томонларини ҳисобга олиш йўлидан бормоқда. Шу сабабли Ўзбекистон ўтиш даврини ноўрин ижтимоий ларзаларсиз амалга оширомоқда.

Ўзбек халқи асрлар бўйи орзу қилиб келган ҳақиқий демократияга мустақиллик туфайли эришмоқда. Ўзбекистон давлатида барпо этилган демократия янги типдаги демократия бўлиб, тарихимизда муҳим давр бошланганидан ҳамда мустақиллик ва истиқлол тантана қилишидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ бўлиб, давлат халқнинг иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади.

Мамлакатимизда демократия икки турда:

1. Вакиллик демократияси, яъни фуқаролар ўзлари сайлаган вакиллар — депутатлар орқали давлат ва жамиятнинг муҳим масалаларини ҳал этадилар;

2. Бевосита демократия — бунда фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш ташкилотлари, меҳнат жамоалари ва фуқароларнинг йиғинлари, референдумлар, қонун лойиҳалари муҳокамаси, аҳолининг айрим масалалар бўйича фикрларини сўров йўли билан аниқлаш каби давлат ва жамият ҳаётининг муҳим муаммоларини бевосита ҳал этадилар.

Ўзбекистонда қарор топаётган демократия чинакам халқ оммасининг ҳокимиятидир, у шундай ижтимоий ва давлат тузумидирки, унда ҳокимият халқ қўлидадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакат ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатларининг ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади. Ҳамма миллатлар ва элатлар ижтимоий, хўжалик, сиёсий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида тенг, бир хил ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ирқига ва миллатига қараб, уларнинг ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки

бошқа йўллар билан камситувчилар ёки имтиёзлар берувчилар, душманликни тарғиб қилувчилар мамлакат қонунчилигига мувофиқ жазоланадилар.

Мустақиллик йўлига чиққан Ўзбекистон демократия соҳасида ўзига хос, бу борада илғор мамлакатларнинг, Шарқ ва Ғарбнинг барча ижобий жиҳатларини, ўтмишда улуғ аждодларимиз қолдирган панд-насиҳатларни ва халқимиз анъаналарини, миллий менталитетимизнинг тарихан ташкил топган хусусиятларини, жамиятшунос олимларимизнинг янги хулоса ва фикрларини ўзида мужассамлаштирган демократияни юзага келтирмоқда. Бу ниҳоятда мураккаб, илмий ва амалий жиҳатдан секин-аста, босқичма-босқич ҳаётимизга кириб борадиган жараён ва дунёқараш, тушунчалар ҳамда фаолият тизимидир. Бу муҳим ишни амалга оширишда асосий қийинчилик ва тўсиқ — етмиш йилдан ортиқ тарихий давр ичида бизнинг онгимизга сингдирилган демократияни фақат ғарбчасига тушуниш ва талқин қилиш, Шарқни ва, шу жумладан, Ўзбекистонни шўро давригача демократияни билмаган, халқларини эса авом омма деб қарашдир. Истибод даври сарқитидан онгимизни озод этиш — бу борадаги муҳим вазифамиздир.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ ДИНИ — мамлакатимиз аҳолиси кўпчилигининг эътиқоди, унинг қоида ва талабларига риоя қилувчи ўзбек, тожик, қозоқ, татар, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, уйғур ва бошқа фуқароларнинг дини.

Мустақилликка эришгандан сўнг динга, шу жумладан, ислом динига муносабат тубдан ўзгарди. Бу ўзгаришларнинг моҳияти Президент И.А. Каримовнинг қуйидаги сўзларида ўз ифодасини топган: *«Ислом дини — ота-боболаримизнинг муқаддас эътиқоди. У туфайли халқимиз минг йиллар мобайнида маънавияти, бой мероси ва ўзлигини омон сақлаб қолган»*.

Мустақиллик туфайли Рамазон ва Қурбон ҳайит кунлари байрам ва дам олиш кунлари деб эълон қилинди. Шўро йилларида ҳар йили бор-йўғи 15-20 кишига Ҳаж сафарига боришга рухсат берилган бўлса, 1991 йилдан бошлаб, ҳар йили 3-3,5 минг ўзбекистонлик фуқаролар ана шу муқаддас зиёратни амалга оширмоқдалар, минглаб фуқаролар Умра сафарига, яъни Макка-Мадинага ҳайитдан бошқа кунларда бормоқдалар. Кейинги беш йил ичида республикамизда 30.000 дан ошиқ фуқаро Ҳаж ва Умра зиёратларида бўлдилар.

Шўро давридаги 84 ўрнига, ҳозирги даврда 3600 дан ортиқ рўйхатга олинган масжид фаолият кўрсатмоқда, шуларнинг талай қисми жомеъ масжидларидир. Бухорода ва Тош-

кентда ўрта ва олий диний ўқув юртлари изчил фаолият кўрсатмоқдалар, кўпгина йирик шаҳарларда мадрасалар ишлаб турибди. Диний таълим олишни истаган ёшлар учун маҳалла масжидлари қошида таълим гуруҳлари ташкил этишга руҳсат берилади.

Қуръони карим ўзбек тилига ағдарилиб, 100 минг нусхада нашр этилди, ўнлаб ва юзлаб диний мазмундаги китоблар чоп этилди, рўзнома ва ойномаларда, радио ва телевидение орқали ислом тарихи, маданияти, ахлоқи, буюк муҳаддислар, муфассирлар, фақиҳлар, мутасаввуфларга бағишланган маълумотлар эълон қилинмоқда, ислом тарихига оид кўпқисмли фильмлар кўрсатилмоқда.

1995 йилда Тошкентда Халқаро Ислам тадқиқот маркази таъсис этилди. Бу марказ ислом назарияси ва тарихи, диний асарларни таржима қилиш, ўлкамиздан етишиб чиққан йирик уламолар ҳаёти ва фаолиятини тадқиқ этиш, юртимиздаги исломий қарашларнинг ўзига хос томонларини ўрганиш, ҳусусан, унинг мўътадиллиги, эҳтиросдан, сиёсатбозликдан холилигини ёритишга, ваҳҳобийлик каби сохта мазҳабларнинг ўтмишдаги ва ҳозирги ўта зарар ғоялари, хатти-ҳаракатларини фош этишга алоҳида эътибор бермоқда. Ўзбекистон дин аҳлининг хорижий мусулмон мамлакатлари билан алоқалари ва уламоларнинг ижодий ҳамкорлиги кун сайин кенгайиб бормоқда.

Ислам дини асрлар давомида халқимизнинг муқаддас эътиқоди, маънавий ҳаётнинг дастурамали бўлиб келган. Шу боис, бугун биз қураётган янги жамиятда ислом дини алоҳида ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлмоқда. Бинобарин, жамият билан ислом дини манфаатлари ўртасидаги муштаракликни мустаҳкамлаш бугунги куннинг асосий вазифалари сирасига киради. Лекин шу билан бирга, мамлакатимизда баъзи доираларнинг диндан ғаразли мақсадларга етишиш воситаси сифатида, ҳаттоки мутаассиблик, шу жумладан ваҳҳобийлик, яъни фанатизм йўлида ҳам фойдаланаётгани сир эмас. Бу кучлар оммани чинакам исломга зид бўлган зўравонликка даъват этувчи шахслардан иборат. Улар кейинги асрлар довоидан яна ортга қайтиш ғояларини олға сурмоқдалар. Бундай шароитда диний маърифат соҳасидаги вазифа — тажовузкор мақсадларга эга ва диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишни истаганлар фаолиятининг исломнинг асл моҳиятига ва жамиятдаги вазифасига зид эканлигини кенг оммага тушунтириб бериш, улар ғояларининг аксилтараққий моҳиятини очиб ташлашдир.

Бунинг учун эса халқимизнинг диний таълим даражасини янги поғонага кўтаришимиз, диний саводсизлик ўрнига диний маърифат киритибгина биз мутаассибликнинг ва биринчи навбатда ваҳҳобийчиларнинг йўлини тўса оламиз,

чунки қора ниятли кимсалар кенг омма ислом маърифати чироғига интилишини ва айна вақтда бу омма мустабидлик йилларида исломий билимлар нуқтаи назаридан саводсиз бўлганини кўзда тутиб, бу омилдан усталик билан фойдаланадилар. Бу камчиликни бартараф этмоқ учун «чаламуллар»дан қутулиш, исломшуносликнинг тарғиби ва ташвиқини юксак даражага кўтариш ва унинг бош вазифаси жамиятимизда тинчлик, барқарорлик ва ҳамжиҳатликни таъмин этишга қаратилган бўлишини кишиларимизнинг эътиқодига айлантириш лозимдир. Ривожланган ислом мамлакатларининг ижобий тажрибасини қабул қилиб, «амри маъруф»ларнинг мавзуси ва матнини олдиндан тасдиқламоқ, нотiqлар ва ўғитчилар сифатида яхши тайёрланган дин вакилларини белгиламоқ зарур.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз пойтахтида ташкил қилинган Халқаро Ислом тадқиқот маркази бу борада ишлар олиб бормоқда. (Яна қаранг: «Ислом дини».)

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ҲОКИМ ВА ҲОКИМИЯТ — Ўзбекистон Республикаси мустақиллик ва истиқлолга эришгач, давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини янгитдан ташкил этиш вазифаси биринчи галдаги долзарб масала бўлди.

Шундай янги давлат органи — вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлиги бошқаруви вужудга келтирилди. Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади, тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туман ва шаҳар ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади, тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Ҳокимларнинг ваколат муддати беш йил бўлиб, улар фаолият доирасида Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Президент фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг ҳуқуқий ҳужжатларини амалга оширадилар, халқ депутатлари қўйи кенгаши фаолиятига раҳбарлик қиладилар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар. Юқори давлат органларининг қабул қилган ҳуқуқий ҳужжатларини қўйи ҳокимиятлар ижро этиши мажбурдир. Ҳокимлар ўз ваколатларини яккабошчилик асосида амалга оширадилар, ўзлари раҳбарлик қилаётган ташкилотларнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгардирлар.

Халқ депутатлари Кенгашларига ҳоким бошчилик қилади. Кенгаш сессиясини чақириш, унинг муддати, кворуми тўғрисида ҳоким қарор чиқаради.

Ҳокимнинг ваколат доирасига қуйидаги вазифалар киради: 1) бошқа минтақалар билан шартномалар, битимлар тузиш; 2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳуқуқий актларининг, Президент фармонларининг, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг, ўз ҳудуди Кенгашининг қарорларининг бажарилишини таъминлаш; 3) ўз ҳудуди сармоя, иқтисодий-ижтимоий ривожланиш дастурлари, валюта фондлари лойиҳалари, маданий-тарихий меросни сақлаш, табиий ресурслар ва коммунал мулклардан оқилона фойдаланиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, фуқаролар ҳуқуқларини, озодликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги вазифаларни ҳал этиш ва бошқа шу каби масалалар.

Турли советлар ўрнига бошқаришнинг ҳокимлик шакли жорий этилиши давр талабларига ва Ўзбекистон халқи менталитетига тўла равишда монанд эканлиги намоён бўлди ва ўтиш даврининг мураккаб масалаларини тезкорлик билан замон руҳида ҳал этиш имконини бермоқда.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТИ — Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси бўлиб, олий давлат вакиллик органи сифатида қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик фаолияти мустақиллик ва истиқлол шароитида муттасил равишда ривожланиб, демократиялашмоқда, қонунлар янгиланмоқда, такомиллашмоқда.

Олий Мажлис қонунчилик фаолиятининг асосий йўналиши мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ривожланиш талабларига боғлиқ қарорлар ва қонунларни қабул қилишга қаратилган.

Давлатимизнинг олий қонунчилик органи — Олий Мажлис фаолиятининг энг муҳим вазифаларидан бири таъсирчан ҳуқуқий механизмни вужудга келтиришдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конституция, конституциявий қонун, қонун, қарор, мурожаат, декларация, баёнлар каби қонуний актлар қабул қилади. Буларнинг орасида олий юридик кучга, устуворликка эга ҳуқуқий ҳужжат — қонундир. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, бирорта норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонун қондасига зид келиши мумкин эмас, акс ҳолда, у автоматик равишда бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги қонун лойиҳаларини тайёрлаш ёки қонун чиқариш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиш, қонун лойиҳаси тўғрисида хулосалар тайёрлаш бўйича фаолиятининг демократик тартибини белгилаб берган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш икки маротаба ўқиш йў-

ли билан амалга оширилади. Биринчи маротабада ташаббускорлар маърузаси ва тааллуқли қоидалар муҳокама қилинади, тузатишлар ва мулоҳазалар билдирилади, зарур ҳолларда улар халқ муҳокамаси учун эълон қилинади, таклифлар кўриб чиқилади. Қонун лойиҳаси маъқулланса, Олий Мажлис уни иккинчи ўқишга тақдим этиш муддатини белгилайди. Қонун лойиҳаси, унинг айрим моддаларини тузатиш тўғрисидаги таклифлар депутатлар томонидан ёзма равишда Олий Мажлис котибиятига, унинг комиссияси ёки кўмиталарига топширилади.

Қонун лойиҳасини қўшимча ишлаш жараёнида рад этилган тузатишлар, иккинчи маротаба ўқиш жараёнида кўриб чиқиш учун лойиҳа матнига илова қилинади.

Биринчи ёки иккинчи ўқиш натижасида Олий Мажлис қонунни қабул қилади, рад этади ёки уни такомиллаштириш учун қайтаради. Қонун лойиҳаси моддама-модда ёки унинг бўлими, боби алоҳида-алоҳида, сўнгра яхлит овозга қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорига мувофиқ айрим қонунларнинг лойиҳалари референдумга — умумхалқ овозига қўйилиши мумкин.

Қабул қилинган қонунлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланади. Президент, агарда унинг эътирозлари бўлса, икки ҳафталик муддат ичида такрорий муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун уларни Олий Мажлисга қайтариб юбориши мумкин. Агарда Олий Мажлис овозларнинг кўпчилиги билан, илгари қабул қилган лойиҳани яна тасдиқласа, Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунни имзолайди.

Демак, мустақил Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи ҳокимияти ҳозирги замон демократияси ва давлатчилиги эришган ютуқларга таянади ва бу жиҳатдан кўп бошқа мамлакатларга ўрнак бўла олади. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг бу борадаги тажрибасини ўнлаб мамлакатлар жиддий ўрганмоқдалар.

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ — жаҳон мамлакатларида сиёсий, иқтисодий, маънавий, ижтимоий жиҳатдан барча масалаларни ташқаридан аралашувсиз, ўз тақдирини ўзи белгилаш, суверенитетни қўлга киритиш орқали ҳал қилиш ҳақ-ҳуқуқига эришилган ва расмий умумхалқ, умумдавлат байрами деб эълон қилинган кун.

Қатор мамлакатлар йилнинг тегишли саналарида ўз мустақиллик байрамларини нишонлайдилар.

1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида» ва «Ўзбекистон Рес-

публикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» қонунлар қабул қилди. Шу муносабат билан 1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги байрами ва дам олиш куни деб эълон қилинди. Республика халқи ҳар йили шу кунни кенг миқёсда байрам қилади.

Мустақиллик байрами ҳар бир мустақил мамлакат аҳолиси томонидан ниҳоятда юксак кўтаринкилик руҳида тантанали равишда нишонланади. Масалан, АҚШда «Мустақиллик куни» мамлакатнинг энг катта байрами ҳисобланади. Йиллар ўтган сари Мустақиллик байрами Ўзбекистон халқининг онгига тобора чуқур сингиб бормоқда. Бундай жараённинг тадрижий равишда амалга ошиши табиийдир. Чунки Ўзбекистон халқи ўз тарихида биринчи маротаба ўзининг ҳақиқий мустақиллигига эришди. 1991 йилгача Ўзбекистон собиқ СССР тарқибида унинг қисми эди ва шу боисдан оддий маъмурий қисмлардан, масалан, Рязан вилояти ёки Красноярск ўлкасидан фарқи деярлик йўқ эди. Бинобарин, «мустақиллик» сўзи Ўзбекистон халқига, ўзбек миллатига кам таниш, мавҳум бир нарса эди, чунки хонлар ва амирлар даврида, ундан сўнг мустамлакачилик йилларида ва деярли чоракам бир аср давомида шўро истибдоди йилларида халқимиз чин, ҳақиқий мустақилликдан узоқ эди. Биз энди мустақилликнинг маъноси ва мазмунини, унинг аҳамиятини ўзлаштира бошладик ва Мустақиллик байрами ҳақиқий умумхалқ шодиёнасига айланмоқда.

МУСТАҚИЛЛИК ВА ЁШЛАР — давлатимиздаги энг муҳим ва жиддий муаммолардан бири. Бу муаммонинг аҳамияти шундаки, мустақилликкача, чоракам бир аср давомида, фуқароларимиз ягона ҳукмрон мафкура тазйиқида тарбияланиб, лоқайдлик, қарамлик, мутелик ва норасолик руҳининг таъсирида ўсанлар. Бу нарса ҳозирги ҳаётимизда ҳар хил кўринишда намоён бўлади. Шу боисдан Ўзбекистоннинг келажаги, унинг истиқболи, биринчи навбатда, ёшларни тарбиялаш, соғлом қилиб ўстириш, уларнинг онгини ўтмиш таъсиридан озод равишда шакллантириш мустақил мамлакатнинг долзарб вазифаларидандир.

Иккинчидан, Ўзбекистон — ёшлар мамлакати. Расмий маълумотларга кўра, Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан ортигини ёшлар, яъни ўттиз ёшдан ошмаганлар ташкил қилади. Бу — бошқа мамлакатларнинг кўрсаткичларидан икки-икки ярим баробар кўп. Ҳозирги даврда Ўзбекистон аҳолиси ҳар йили ўрта ҳисоб билан 500-600 мингга кўпаймоқда. Демак, ҳар йили ярим миллиондан ошиқ гўдаклар аҳоли қаторига қўшилмоқда.

Республикадаги 23,7 миллион аҳолининг деярли 14 миллиони ёшлардир. Ўзбекистон давлати бу омилларни инobatта

олган ҳолда, ёшлар ҳақида доимий ғамхўрлик қилмоқда: 1991 йил ноябридаёқ, мустақилликнинг учинчи ойида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ёшлар сиёсатининг асослари тўғрисида» Қонуни қабул қилинди, ундан кейин икки ой ўтар-ўтмас, 1992 йил январида жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида, 1992 йил июлда маориф ва ўқув-ўқитув масалалари бўйича қонунлар эълон қилинди. 1996 йил апрелида Республика Президентининг Фармони билан «Камолот» ёшлар жамғармаси таъсис этилди. 1997 йил январида эса Республика Президенти Фармонида биноан «Умид» истеъдодли ёшларни рағбатлантириш жамғармаси таъсис қилинди.

Ўзбекистон, мустақил давлатлар орасида биринчи бўлиб «Соғлом авлод учун» ордени ҳамда дастурини эълон қилди, серфарзанд оилаларга турли ёрдам, кўмак йўлларини яратди ва яратмоқда. Бу борада ўзини-ўзи бошқариш органларига, маҳаллаларга кенг йўл очиб берилган.

Мустақил Ўзбекистоннинг ёшлар сиёсати қуйидаги асосий йўналишлардан иборат бўлиши керак: 1. Ёшларни жисмонан ва ақлан соғлом бўлиб ўсишини таъминлаш; 2. Уларга тадбиркорлик, ишчанлик, мустақил фикр юритиш қобилиятини ҳаётдаги биринчи қадамлариданоқ сингдириш; 3. Ҳар бир ёшни ўз Ватанига муҳаббат ва меҳр, садоқат ва фидокорлик руҳида тарбиялаш; 4. Бу меҳр-муҳаббат ва садоқатнинг илдизи чуқур бўлиши учун ёшлар ўз миллати, ўз юрти тарихини, урф-одатлари ва расм-русумларини, унинг жаҳон цивилизацияси майдонидаги ўрнини ҳар томонлама билишини таъминлаш; 5. Спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш, спортдан мамлакат ва миллатни улугловчи ҳолис восита сифатида фойдаланиш.

Ёшларни тарбиялашда биринчи ўринга янги техника, технология ва фан ютуқларини ўзлаштириш қўйилиши лозим. Бу омилларни тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан уйғунлаштириш, уларнинг бирлигига эришиш Ўзбекистон олдида турган асосий вазифани — замонамизнинг илғор давлатларидан бири бўлиш вазифасини амалга оширишни тезлаштиради. Истибод йилларида ҳукмрон мафкура амри билан биз инсониятнинг кўпчилигини ташкил қилган ва фан, техника, технология соҳасида туб ўзгаришларни қўлга киритаётган бозор муносабатларига асосланган мамлакатлардан узилиб қолдик, иқтисодни мафкурага бўйсиндирдик. Унинг устига уст фуқаролар онгидан хусусий мулк, шахсий ташаббус ва тадбиркорлик кўникмаларини ҳамда ҳиссини узил-кесил сиқиб чиқариш мақсадида изчил иш олиб борилди.

Ёш авлод билан тарбиявий иш шундай олиб борилиши керакки, у ўзининг биринчи қадамлариданоқ ўз Ватанининг, унинг ер ости ва ер усти бойликларининг эгаси экан-

лигини ва шу Ватаннинг гуллаб-яшнаши унинг меҳнатига, тадбиркорлигига буюк эканини билсин.

МУСТАҚИЛЛИК МАФКУРАСИ — жамият аъзоларининг, ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, миллатлар ва элатлар, оммавий ҳаракатлар, диний уюшмалар, ёшлар, хотин-қизлар, фахрийлар, тадбиркорлар ва бошқа ижтимоий субъектларнинг умумий манфаат ва муддаоларини ўзида акс эттирувчи ва мужассамлаштирувчи, уларнинг хатги-ҳаракатларини, фаолиятини, фикр-зикрини ягона бир мақсадга — мустақилликка эришиш ҳамда уни мустаҳкамлашга йўналтирувчи гоялар ва билимлар мажмуи. Мустақиллик мафкураси мустақилликка эришиш ва уни мустаҳкамлаш орқали жамият ривожланишини тезлаштирадиган муҳим омиллардан биридир.

Мустақил бўлмаган давлатнинг, миллатнинг, жамиятнинг кучи, имкониятлари, салоҳияти, моддий ва маънавий бойликлари, маблағлари асосан унинг устидан ҳукмрон давлатни ва ижтимоий тузумни мустаҳкамлашга сарфланади. Бунинг натижасида, қарам халқлар ўз тараққиётида орқада қоладилар, жамият ривожланиши сустлашади, мустабид давлат пировардида инқирозга юз тутади.

Қарамлик, мутелик ва тобеликка қарши курашиш ва давлатнинг, халқнинг мустақиллигига эришиш — жамият тараққиётининг муҳим омилларидандир. Бундай курашга халқни, омmani мустақиллик мафкураси сафарбар қилади. У оммага қарамликнинг ҳақиқий башарасини очиб кўрсатади, хато ва нуқсонларини танқид қилади, халқни камситувчи моҳиятини фош қилади. Шу билан бирга, мустақиллик мафкураси мустақилликка эришиш халқ олдида қандай янги истиқболлар очишини кўрсатади, жамиятнинг келажақдаги ривожланиш йўллари белгилаб беради. Бу фикрларнинг тасдиғини жаҳондаги барча мустақил давлатлар мисолида кўрамыз. Ҳар бир халқнинг энг етук, онгли ва шижоатли фарзандлари мустақиллик мафкурасининг ижодчилари ва ижрочилари бўлганлар. Ҳозир ҳам шундай.

Мустақиллик мафкурасининг Ўзбекистонда босиб ўтган йўли ниҳоятда қийин ва мураккаб бўлди. XIX асрнинг иккинчи ярмигача хон ва амирлар ҳар қандай илғор мафкурани, шу жумладан, миллий мафкурани таъқиб этдилар. 1865—1917 йилларда ўлкамиз чоризмнинг мустамлакасига айланди ва ҳур фикр айтиш, миллий мафкурани ўртага ташлаш имконияти бўлмади. 1917 йилдан то 1991 йилнинг кузигача Ўзбекистон «қизил империя»нинг исканжасида бўлди ва ақидалаштирилган марксизм-ленинизм назарияси ҳамда мафкурасига ҳамнафас бўлмаган ҳар қандай фикр, гоя рад этилди. Шу сабабли, XIX асрнинг иккинчи ярмидан

бошлаб юртимизнинг оташин фарзандлари томонидан айтилган муустақиллик мафқураси ғоялари юзага чиқарилмади. Бу тўғрида Муқимий, Фурқат, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Боту, Сўфизода, Абдулла Авлоний ва ўнлаб бошқа шоир, ёзувчи, мутафаккирлар айтган фикрлар пинҳоний ҳолда қолиб кетди.

Эндиликда Ўзбекистон халқининг муустақил мафқураси шаклланиб, у кун сайин мазмунан ва шаклан бойиб бормоқда. Муустақиллик мафқураси ҳозирги Ўзбекистон шароитида ҳар бир фуқаро томонидан қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратилган:

- муустақилликни муустаҳкамлашга хизмат қилиш;
- Ўзбекистон муустақиллигининг сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий заминларини яратишнинг фидойиси бўлиш;
- муустақилликни муустаҳкамлашнинг асосий шарти — жаҳон андозалари даражасидаги рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш;
- ҳар кун ва ҳар қадамда Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорликни таъмин этишда фаол қатнашиш;
- инсон энг олий қадрият эканлигини билиш ва шунга хизмат қилиш;
- миллатлар ва элатлар ўртасида дўстлик, қардошлик, ҳамкорлик, тотувлик йўлида иш олиб бориш;
- бозор иқтисодиётининг ва муносабатларининг барча томонлари ва илмини ўзлаштириш ҳамда уларни ўз амалий фаолиятига татбиқ этиш;
- Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш;
- мутелик, маҳдудлик, норасолик, боқимандалик кайфияти ва ҳиссиётларига қарши курашиш;
- бошқаларнинг ўтмиш сарқитларидан қутулишига ёрдамлашиш.

Муустақиллик мафқурасининг назарий асослари ва амалий вазифалари Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов асарларида батафсил ёритилган.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ — Ўзбекистон Республикаси муустақиллиги ҳақида бир қанча ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд: улардан *биринчиси*, бу — 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон Олий Кенгашининг II сессиясида қабул қилинган «Муустақиллик Декларацияси»дир. Унда ўзбек халқининг давлат қурилиши тарихи, тажрибаси, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи асосида давлат муустақиллиги эълон қилинди. Бу ҳужжатда давлат суверенитетининг асосий атрибутлари бирма-бир баён этилади.

Муустақилликнинг *иккинчи* асосий ва энг муҳим ҳуқуқий ҳужжати — «Ўзбекистон Республикасининг давлат муста-

қиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёноти»дир. Бу ҳужжат 12-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VI сессиясида 1991 йил 31 августда қабул қилинган.

Ўзбекистон мустақиллигини кафолатловчи учинчи ҳуқуқий манба, бу «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида»ги ҳужжат ҳисобланади. Бу ҳужжатда республика бундан буён «Ўзбекистон Республикаси» деб аталиб, 1 сентябрь «Мустақиллик куни», умуммиллий байрам ва дам олиш куни деб эълон қилинди.

Мустақилликнинг ҳуқуқий асосини конституциявий ҳужжат — «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонуни бўлиб, барча тарихий ҳужжатлар орасида асосийсидир, дейиш мумкин. Чунки унда, Ўзбекистоннинг Мустақиллик Декларациясига ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги тўғрисидаги Баёнотига асосланиб, давлат мустақиллиги асослари, давлат суверенитети атрибутлари баён этилган.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси суверенитетининг асосий ҳужжати, бу — Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни — Конституциясидир. У Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 12-чақириқ II сессиясида, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган бўлиб, унинг биринчи боби давлат суверенитетига бағишланган.

Бу ҳужжатлар фақат Мустақилликнинггина эмас, балки ҳуқуқий давлат шаклланишининг юридик асосидир.

МУХОЛАФАТ (арабча «мухолафат» — келишмовчилик, тескарилашиш, қарама-қаршилиқ, зиддият) — расмий сиёсатга, ҳукмрон қарашларга мос бўлмаган нуқтаи назар, алоҳида сиёсий йўл, демократиянинг муҳим белгиси.

Мухолафат уч хил бўлиши мумкин: а) парламент доирасида; б) ундан ташқарида; ёхуд в) сиёсий партиялар ичида. Ички партиявий мухолафат муайян партия раҳбариятининг расмий сиёсатига қарши чиқувчи кишилар гуруҳидан иборат. Парламент мухолафати ушбу олий қонун чиқарувчи давлат органига сайланган, аммо унда озчиликни ташкил этувчи, ҳукумат таркибига кирмайдиган депутатлар ёки партиялар фракцияларидан таркиб топади. У ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг муҳим масалалари юзасидан давлат раҳбарияти ва ҳукуматининг йўлидан фарқ қилувчи йўлни тугиши мумкин.

Амалий мухолафат, Конституция ва қонунларга хилоф равишда иш тутувчи мухолафатдан фарқли ўлароқ, миллий тараққиётнинг умумхалқ манфаатларига мос йўлини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, унинг рўёбга чиқарилишининг муқобил дастурларини илгари суради, бу ишда йўл

қўйилган камчилик, хато ва нуқсонларни қидиради, топади ва танқид қилади. Бунда унинг қонунчилик доирасида иш тутиши, оммавий ахборот воситалари ва парламент минбаридан (агар мухолафат вакиллари депутат этиб сайланган бўлсалар) фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Сохта демократик шиорлар остида оммани ғайриқонуний ҳаракатларга ундовчи эҳтиросли мухолифлар фаолияти қандай мудҳиш, ёш мустақил давлатлар учун нақадар қимматга тушувчи оқибатларга олиб келиши мумкинлигини қатор собиқ шўро республикалари (Тожикистон, Грузия, Озарбайжан ва бошқалар) мисолида яққол кўриш мумкин.

Халқаро демократик меъёрларга тўла жавоб берувчи Конституция, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонунларнинг қабул қилиниши билан Ўзбекистонда сиёсий мухолафат фаолияти учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратилди. *«Биз, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов, — расмий ҳокимият билан ғоявий ва амалий жиҳатдан рақобатлаша оладиган, амалий таклифлар кирита биладиган, жамиятимизнинг турли сиёсий қатламлари манфаатларининг ифодачиси тариқасида майдонга чиқа оладиган мухолафатни кўришни истаймиз. Мустақил мамлакатимизда тобора чуқурлашаётган демократик илоҳотлар мантиқи айна шундай сиёсий мухолафат шаклланишини тақозо этмоқда».*

Мустақил Ўзбекистоннинг мухолафат масаласида олиб бораётган сиёсати алоҳида ўрганилишга сазовордир. Бу сиёсатнинг тарихий, анъанавий илдизларини, унинг халқ менталитети, яъни ақлий салоҳиятининг ўзига хослиги билан боғлиқлиги ва бошқа қирраларини тадқиқ этиш — энг долзарб ва муҳим назарий масалалардан биридир. Шуниси диққатга сазоворки, «Ўзбекистонда мухолафат йўқ» деган масалага асосан Фарб сиёсий арбоблари ва жамоат намоёндалари эътибор берадилар. Чунки уларнинг онгида кейинги икки-уч аср ичида Оврупо тарихи, ижтимоий жараёнлари таъсирида ижтимоий ва сиёсий ҳаёт тушунчаси ва андозаси пайдо бўлган.

Ваҳоланки, Фарб мухолафати ва унинг андозалари асосан Оврупонинг кейинги бир ярим — икки асрлик тарихи асосида шаклланган ва уни бутун *инсоният* учун *ягона мезон* дейиш фақат ҳали-ҳали биз оврупо-марказийлик қарашларининг ва назарияларининг таъсирида эканлигимиздан далолат беради, холос. Фарб мухолафати Оврупода зиддиятлар, қонли воқеалар, инқилоблар, исёнлар, баррикада жанглари ва парламентлар ҳам очиқ майдонлардаги даҳанаки жанглари билан тўла XVIII—XIX асрлар давомида юзага келди ҳамда Оврупонинг ўша даврдаги ўзига хос талаб ва шартларига жавоб беради.

Шарқ эса асрларгина эмас, минг йиллар давомида мухолафатга эмас, оқил, адолатли, бамаслаҳат иш юритадиган давлат ва жамият раҳбарига суянган. Бунинг учун Форобийнинг жамиятшуносликка оид ғояларини, Амир Темурнинг давлатни бошқариш санъатини, Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» ва бошқа тарихий ҳамда адабий асарларини таҳлил этмоқ бизга мухолафатни мустақил Ўзбекистон шароитида тушуниш учун бой фикрий ва руҳий озуқа беради.

МУҚОБИЛЛИК (арабча «муқобала», — бир-бирига қарама-қарши бўлган икки фикрдан, нарсадан бирини танлаш) — фақат икки имкониятдан бирини оддийгина танлаш эмас, балки бир-бирига зид бўлган имкониятлардан бирини танлаб олишни ҳам билдириши мумкин. Муқобиллик, бундан ташқари, бир-бирига зид икки йўл, имконият ва шу кабилардан — ё унисини, ё бунисини танлаш зарурияти, танлашга мажбур бўлмоқ деган мазмунни ҳам билдиради.

Муқобиллик ҳамма соҳаларда — билишда, сиёсатда, иқтисодда, ижтимоий ҳаётда ва бошқа тармоқларда учрайди.

Бир-бирини инкор қилувчи икки имкониятдан бирининг танланиши, айниқса, сиёсатда яққол кўринади (масалан, давлат бошлиқларининг сайланишида муқобил номзодларнинг қўйилиши). Маълум бир мақсадга эришиш учун танланган у ёки бу назариядан фойдаланишда муқобиллик масаланинг ечиш усули ҳисобланади.

Ўзбекистон изчил демократик қоидаларга содиқ давлат сифатида ўз сиёсий ҳаётида барча сайловлар муқобиллик асосида ўтиши тарафдори эканини намоён қилмоқда. Бу демократик қоида, биринчи мартаба, кенг миқёсда, давлатимизда, 1991 йил 29 декабрда давлат Президентини сайлаш жараёнида амалга оширилди.

«Н»

НАВОЙИЙ НИЗОМИДДИН МИР АЛИШЕР (1441—1501) — улуғ шоир ва олим, буюк мутафаккир ва давлат арбоби, ўзбек адабиёти ва адабий тили асосчиси, халқимиз маънавияти такомиленинг турли босқичларида унинг равнақиға улкан ҳисса қўшган сиймо.

Алишер Навоий 1441 йилнинг 9 феввалида Темурийлар давлатининг пойтахти Ҳиротда таваллуд топган. Отаси Ғиёсиддин Муҳаммад замонасининг билимдон кишиларидан ва Темурийлар хонадонига яқин шахслардан бўлган. У гўдак-

лигиданоқ шеърятга ва илм олишга қизиққан фарзандига таълим-тарбия олиши учун муносиб шарт-шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилган. Алишер 4-5 ёшларида шаҳзода Ҳусайн билан бирга мактабда таълим олади. Болаликдаги таълими изчил давом этмайди: Шоҳрух мирзо (1409—1447 йилларда ҳукмронлик қилган) вафотидан кейин мамлакатда тартибсизликлар бошлангани туфайли Фиёсиддин Муҳаммад 1449 йилда оиласи билан Ироққа кўчиб кетишга мажбур бўлади. Ироқ йўлида бўлажак шоир Амир Темур ва Темурийлар тарихига оид «Зафарнома» асарини яратган, бир неча Темурийларни тарбиялаган улуғ тарихчи олим ва суфий Шарафиддин Али Яздий билан учрашади, унинг дуосини олади.

Абулқосим Бобур мирзо (1452—1459 йилларда ҳукмронлик қилган) 1452 йилда Ҳирот тахтига ўтирганидан кейин Фиёсиддин Муҳаммадни Сабзавор шаҳрига ҳоким этиб тайинлайди. Бироқ, у орадан кўп ўтмай вафот этганидан кейин Абулқосим Бобур мирзо Алишер ва Ҳусайнни Машҳад шаҳрига олиб кетади. Ўспирин Алишер бу ерда адабиёт билан бирга мантиқ, риёзат, тарих ва фалсафа илмини ҳам кунт билан ўрганади, илк ғазалларини битади.

Навқирон Алишер Султон Абу Саъид мирзо (1459—1469 йилларда ҳукмронлик қилган) Темурийлар давлатини, яъни Хуросон ва Мовароуннаҳрни бирлаштирган давр (1460—1469)да анча муддат (1466—1469) Самарқандда яшайди, замонасининг етуқ олимларидан, шу жумладан, Фазлуллоҳ Абу Лайсдан таълим олади, Туркистоннинг турли шаҳарлари ва қишлоқлари турмуши, нақшбандия ва бошқа суфийлик тариқатлари вакиллари ҳаёти ва дунёқарашини билан яқиндан танишади.

Бир неча йиллик сарсон-саргардонлик ва курашлардан сўнг Хуросон тахтини эгаллаган Султон Ҳусайн Бойқаро мирзо (1469—1506 йилларда ҳукмронлик қилган) Алишер Навоийни Ҳиротга чорлайди ва муҳрдор лавозимига тайинлайди. 1472 йилдан давлатдаги олий ижроия мансаби — вазирлик лавозимига тайинланган Алишер Навоий ҳам баъзи хусуматчиларнинг гарази ва ҳасади, ҳам минтақадаги оғир сиёсий ва иқтисодий аҳволни бартараф этишни истаган ҳукмдорнинг юксак ишончи билан 1487 йилда Каспий денгизи ва туркман даштларига яқин Астрободга ҳокимлик вазифасига тайинланади. Астрободда ҳокимлик қилган кезларда (1487—1489) Алишер Навоий худди 1469—1487 йилларда олий давлат лавозимларида фаолият кўрсатган давридаги сингари халқ турмушини яхшилаш учун бор кучини аямади, ободончилик ишларига бош-қош бўлди, ўз маблағидан работлар ва кўприklar, хонақолар ва масжидлар, мактабхоналар ва мадрасалар, ҳаммомлар ва шифохоналар, би-

нобарин, мажмуа тарзида барпо эттирди, муҳтожларга хайр-эҳсон улашди, олимлар ва шоирлар, муаррихлар ва мусаввирларга ҳомийлик қилди. Алишер Навоий бутун умрини Темурийлар давлатини мустаҳкамлашга, мустақиллиги ва ҳудудий бутунлигини сақлашга, мамлакатда тинчлик ва бирдамлик ўрнатилишига бағишлади.

Алишер Навоий хасталикдан сўнг 1501 йил 3 январь куни она шахри Ҳиротда вафот этди. Бутун мамлакатда мотам эълон қилинган. Жанозасини улуғ илоҳиётшунос ва адабиётшунос олим Ҳусайн Воиз Кошифий ўқиган.

Замонасида кечган деярли барча сиёсий, ижтимоий, маърифий, маданий жараёнларнинг бевосита иштирокчиси бўлган Алишер Навоийдан улкан адабий, илмий ва маърифий мерос қолди. Сақланган қўлёзма манбаларга кўра ўзига қадар ва ўзидан кейин яшаб ўтган исталган мумтоз туркий адабиёт вакилидан кўпроқ бадиий мерос соҳиби бўлмиш даҳо шоир 30 дан ортиқ асарлар яратган. Булар: «Ҳазойин ул-маоний» (Маънолар хазинаси, жами олдинги икки девонини ҳам ўз ичига олган тўрт девондан иборат, 1469, 1491—1498) куллиёти; «Ҳайрат ул-аброр» (Яхши кишилар ҳайрати, 1483), «Лайли ва Мажнун» (1484), «Фарҳод ва Ширин» (1484), «Сабъайи сайёр» (Етти сайёра, 1484), «Садди Искандарий» (Искандар девори, 1485) дostonларидан иборат «Хамса»си; «Вақфия» (йирик мулк соҳиби Алишер Навоийнинг ўз замондошларига мактубларини ва вақф ҳужжатларини қамрайди, 1482); «Назм ул-жавоҳир» (Ҳикматли сўзлар манзумаси, 1485); «Тарихи анбиё ва ҳукамо» (Пайғамбарлар ва табиблар тарихи; дин ва тиббиёт тарихидаги буюк шахслар ҳаётидан умумтарихий рисола, 1488); «Сирож ул-муслимийн» (Мусулмонлар чироғи, 1488); «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» (Саййид Ҳасан Ардашер ҳаётидан лавҳалар, 1490); «Мажолис ун-нафоис» (Нафис мажлислар, тазкира, 1490); «Мезон ул-авзон» (Вазнлар ўлчови, 1492); «Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват» (Жавонмардлик боғларидан эсган муҳаббат еллари; Шайх Фаридиддин Аттор (1148—1231) қаламига мансуб «Тазкират ул-авлиё» (Валийлар зикри, 1188) тазкираси, шунингдек, асосан устози ва дўсти Абдураҳмон Жомий (1414—1498)нинг «Нафаҳот ул-унс мин ал-ҳадойиқи қудсия» (Шарафланган валийлар бўстонида келган биродарлик насимлари; Абдураҳмон Жомий 1478—1482 йилларда яратган ушбу агиографик асарда жами 662 валий ҳаёти ва кароматлари зикр этилган бўлса, Алишер Навоий уни тўла таржима қилди ва туркий валийлар ҳақидаги қимматли маълумотлар билан тўлдиради; 1496) маноқиби; «Муҳокамат ул-луғатайн» (Икки тил баҳси, 1499); «Лисон ут-тайр» (Қуш тили, 1499—1500); «Маҳбуб ул-қулуб» (Кўнгиллар суюқлиси, 1500) каби асар-

ларининг юзлаб қўлёзмалари жаҳоннинг турли нуфузли қўлёзма фондларида ва кутубхоналарида сақланган, бутун дунё адабиётшунослари томонидан тадқиқ этилган.

Алишер Навоийнинг улкан мероси адабиёт ва адабиётшунослик, фалсафа, сиёсатшунослик, ахлоқшунослик, тилшунослик, тарих ва бошқа кўпгина соҳалардаги умумий ва жузъий муаммоларни қамрайди. Мутафаккир шоир асарларида Борлиқ ва унинг моҳиятини, нарсалар ва ҳодисаларни идрок қилиш, давлат, давлатчилик ва бошқарув усуллари, инсон ва унинг жамият ва оламдаги ўрни, етук ва адолатли жамият, ижтимоий бирдамлик кайфияти, комил инсон, хуш ахлоқ, яхши хулқ-одоб ва мукаммал таълим-тарбия ҳақида замонасида қимматли ва ўзидан кейинги даврлар учун барҳаёт илғор умуминсоний ғояларни илгари суради.

Даҳо шоир Ҳақиқатни билишга оид қарашларини маъжозий ва рамзий тимсоллар ва тушунчалар воситасида баён қилган. Унинг дунёқараши бутун ислом Шарқида кенг тарқалган «ваҳдат ул-вужуд» (Борлиқ, яъни Яратувчи ва яратилганларнинг бирлиги) таълимотига асосланган. Инсон, Алишер Навоий талқинида, мавжудотлар орасида аълоси, Тириклик гултожи. Хусусан, «Хамса» дostonларида мукамал давлат, адолатли ҳукмдор ва жамият, кишиларни бахтсаодатга элтувчи фозил ва одил шоҳ тимсолларини яратади, халқнинг орзу-ниятлари ва ўй-фикрларини батафсил баён этади. Бинобарин «Хамса» дostonлари, Шайх Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Деҳлавий «Хамса»лари қаторида Алишер Навоийгача ва ундан кейин яратилган худди шундай дostonлар ичида энг мукаммали деб тан олинган, жаҳон адабиётининг тенги йўқ асарлари сирасига киради, ўзбек адабиёти, шунинг баробарида озарбойжон, турк, туркман, татар, қозоқ адабиётининг кейинги асрлардаги тараққиётига катта таъсир кўрсатган.

Алишер Навоий тасаввуфнинг нақшбандия тариқатида ундаги комил эътиқод, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, жавонмардлик каби қадриятларга содиқ қолди, бутун ислом Шарқида кенг тарқалган тариқатнинг ғояларини ҳаёти ва ижодига изчил татбиқ этди. Муҳими, ана шундай илғор мафкураравий асосга таянадиган асарларини эски ўзбек, яъни туркий тилда яратиш асносида уни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди, бадий ижодиётда туркий тилнинг имкониятлари худди форс тилиники сингари битмас-туганмас эканлигини амалда исботлади.

Ўзбекистонда Алишер Навоий номи эъзозланади: мамлакатимиздаги худудий-маъмурий бирликлардан бири бўлган Навоий вилояти, шу вилоят маркази, илмий тадқиқот институти, олий ўқув юртлари, катта академик театр, бошқа

муассасалар ва ташкилотларга улуғ шоир номи берилган. Шу номда давлат мукофоти таъсис этилган.

Алишер Навоийнинг ижодий мероси ва ҳаётдаги шахсий ибратлари ўзбек халқи маънавиятига теран таъсир кўрсатган ва кўрсатмоқда.

НАВРҶЗ (форсчада «навруз» янги кун маъносини англатади) — Туркистон, Ўрта ва Яқин Шарқда яшовчи ўзбек, озарбойжон, тожик, ҳинд, форс ва бошқа халқларнинг қадимий анъанавий янги йил байрами. Шамсия ҳисобида йилнинг биринчи куни бўлиб, баҳорги тун ва куннинг тенглигига, яъни 21-22 мартга тўғри келади. Тарихий манбаларга қараганда Наврӯзни байрам қилиб ўтказиш Аҳоманийлар даври (милоддан аввалги VI—V асрлар)дан бошланган. Кейинчалик, Наврӯзда ислом динининг айрим маросимларини ҳам ўтказиш одат тусига киритилган. Қадимда Наврӯз байрами 6 кун давом этган, далаларга кўчатлар экилган, кўчалар тозаланиб, ҳашарлар уюштирилган, хуллас, ҳаммаёқ покиза этилган. Наврӯзга атаб ёшлар янги кийимлар тикканлар, қарияларга сарупо тайёрланган. Байрам кунлари ҳар хил ширинликлар, сумалак, турли кўкатлардан сомсалар, чучвара каби таомлар пиширилган.

Наврӯз кунларида турли оммавий ўйинлар, пойга мусобақалари, боғларда сайллар, майдонлар, концерт заллари ва театрларда санъаткорлар, шоирлар, ёзувчиларнинг чиқишлари бўлади, ота-оналардан, қариндош-уруғлардан хабар олинади, ёру биродарларникига меҳмонга борилади. Наврӯз кунлари гина-кудуратлар унутилиб, кишилар яхшиликка интиладилар, етим-есирларга ва ногиронларга ёрдам бериб, марҳумлар қабрларини зиёрат қилиб, тартибга соладилар.

Шўро даврида Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Озарбойжонда Наврӯз, халқларнинг тарихий қадриятлари сифатида, давлат томонидан эътиборга олинмади, баъзи йиллари, ҳаттоки, тақиқланди.

Ўзбекистонда 1989 йилдан Наврӯзни кенг нишонлашга эътибор берилди. 1990 йилдан бошлаб, Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига биноан, 21 март — Наврӯз миллий халқ байрами сифатида белгиланиб, дам олиш куни деб эълон қилинди.

НАЖМИДДИН КУБРО (1145—1221) — Марказий Осиёнинг шайхул-машойхларидан бири, «кубровия» тариқатининг асосчиси. Асл номи Аҳмад бин Муҳаммад ал-Хивақий ал-Хоразмий бўлиб, куняси «Абулжанноб» (тақводорлар отаси)дир. Шариат ва тариқат илмининг буюк донишманди бўлгани учун «Кубро» (улуғларнинг улуғи), «Нажмиддин» (диннинг юлдузи) деган лақабларни олган. Истеъдодли муридлар

тарбиялашда маҳорат кўрсатгани сабабли уни «Шайхи валитарош» (валиларни вояга етказувчи) ҳам деганлар.

Хива шаҳрида туғилган, шу ерда илм асосларини эгаллагач, Ҳамадон, Бағдод, Дизфул, Дамашқ, Табриз, Қоҳира, Нишопур, Тус шаҳарларига бориб, атоқли ҳадисшунос олимлардан, файласуфлардан илми калом, ҳикматни ўрганади, тасаввуфга қизиқиб, тариқат одобидан таълим олади. 1185 йили уйланиб, Хоразмга қайтади ва Хоразмда катта хонақоҳ қурдириб, муридлар тарбиялаш билан шуғулланади. Мўғуллар Хоразмга бостириб келганда, муридлари билан душманга қарши жангга киради ва босқинчилар қўлида шаҳид бўлади. Қабри Кўҳна Урганчдадир.

Унинг мақсади одамларни ҳам жисмонан, ҳам ақлий-тафаккурий, ҳам руҳий-маънавий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш бўлган.

Нажмиддин Кубро тариқат ва футувватни (жавонмардликни) бир-бирига қўшди, ахлоқий поклик, мардлик, ҳожатбарорлик ғояларини тарғиб этди, Илоҳни севиш билан яхши инсонларни севишни бирга олиб қаради, нафсни қаттиқ мазаммат этиб, яъни қоралаб, улуғ тақво пири сифатида ном чиқарди. Ифрон (билиш назарияси)да ақлий ва важдий (ҳиссий-интуитив) билишни бирлаштирди, тасаввуфда «хушёрлик» (саҳв) маслагини танлаб, «бехуд» — девоналикни инкор этади. У инсонни «кичик олам» деб, унинг камолоти чексиз эканини таъкидлайди, тасаввуфда орифлик рутбасини (мартабасини) олдинга суриб, мақомотнинг, яъни даражаларга ажратишнинг ўнта босқичини жорий этган. Кубро рангларнинг инсон руҳиятига таъсирини кашф этган олимдир: хилма-хил ранглар — моддий олам ўзгаришлари, рангсизлик — Худо олами белгиси, дейди у. У рисоалар ва фалсафий-суфиёна рубоийлар ёзган.

Нажмиддин Кубро асослаган «Кубровия» тариқати Осиё ва Африкадаги мусулмон мамлакатларига тарқалиб, минглаб мухлисларга эга бўлган.

Нажмиддин Кубро улуғ руҳоний шайх, кароматли доғишманд, файласуф ва Ватан учун жон фидо қилган буюк инсон сифатида бизга азиз ва фахр ҳам ибрат намунасидир.

Нажмиддин Кубро таълимотига хулоса ясар экан, шўро даври фалсафаси уни «мистика, зоҳидлик ва таркидунёчиликни тарғиб қилиб, реакцион роль ўйнаган» деди ва ҳукмрон мафкурага хушомадгўйлик қилиб «ҳозир унинг таъсири деярли йўқолиб кетган» деб ёзди. Нажмиддин Кубро ва унинг ҳаёти, ижоди ва асарлари тўғрисида биз унинг Ватанида тадқиқот олиб боролмасдик. Унинг тўғрисида В. Бартольд, Е.Бертельс, И.Петрушевский каби олимларнинг асарларидан ўқиб билардик. Ўзбекистонда Нажмиддин Кубро нуқтаи назарлари ва таълимотини таҳлил этган олимлар бор

эди (масалан, И.М. Мўминов), лекин ҳукмрон мафқураининг талаби билан буюк аждодимиз ҳақида сўз айтишимиз мумкин эмас эди.

Нажмиддин Кубро ҳаёти ва таълимотини ҳар томонлама таҳлил қилмоқ ва унинг Марказий Осиё маънавий ҳаёти ҳамда турмуш тарзининг ривожланишидаги аҳамиятини кўрсатмоқ учун ҳозирги пайтда барча имкониятлар яратилган. Табиийки, ҳар бир улуғ инсон, ўзининг фавқулодда чуқур фикрлари, хулосалари ва тадқиқотлари билан бир қаторда, маълум масалаларда хато ёки камчиликларга йўл қўяди. Нажмиддин Кубро ҳам истисно эмас эди. Аммо, шу билан бир қаторда унинг таълимоти инсон, ҳаёт ва мавжудликнинг моҳияти устида фикр юритишда фалсафа фанида янги саҳифа очганди. Унинг таълимоти Марказий Осиё ва Ўрта ҳамда Яқин Шарқ халқларининг миллий ўзига хослиги, турмуш тарзи ва фикр юритишдаги хусусиятлари ва миллий менталитетининг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатди. Бу таъсирни ўрганиш ва билиш миллий ўзлигимизни аниқлашда катта аҳамиятга эгадир.

НАРКОМАНИЯ ВА НАРКОБИЗНЕСГА ҚАРШИ КУРАШ — жаҳондаги мустақил давлатларнинг, шу жумладан Ўзбекистоннинг, байналмилал бурчларидан бири. Наркомания ва наркобизнесга қарши кураш инсоният сиҳат-саломатлигига, бунёдкорлик меҳнатига жиддий хавф туғдираётган омиллардан биридир.

Маълумки, жамият тараққиёти фақат ижобийгина натижалар беравермайди. У жамият ва, умуман, инсониятга хавф туғдирадиган омилларни ҳам юзага келтиради. Булардан XX асрда пайдо бўлган СПИД, термоядро қирғини хавфи, экологик хавфларни санаб ўтишнинг ўзи кифоя. Шулар қаторидан наркомания ва у билан чамбарчас боғланган наркобизнес ҳам жой олган.

Халқ таъбири билан айтганда, наркомания — бангилик, кўкнорихўрликдир. Инсоният тарихида у барча халқларда мавжуд бўлган. Аммо XX асрнинг ўрталаригача, нақлиёт воситалари ва халқаро савдо алоқалари, асосан, темир йўл ва сув транспортига суянган даврларда, наркомания ва наркобизнес миллий чегаралар ичида маҳаллий воқеа бўлиб қолаверган.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, улкан авиалайнерлар уча бошлагандан сўнг, аҳвол кескин ўзгарди. Масалан, Жануби-шарқий Осиё ёки наркотик моддаларни ўстириб етказувчи яна бир катта манба — Жанубий Америкадан наркотик моддаларни бир кеча-кундуз ичида жаҳоннинг хоҳлаган бурчагига — Оврупога, АҚШ ва Канадага етказиш имконияти туғилди.

Наркоманиянинг кучи шундан иборатки, одатда, наркотикни бир чеккан киши, бу нарсага ружу қилган инсон, унинг даҳшатли чангалига умрбод илинади. Иккинчидан эса, наркотик моддалар жаҳондаги гоят қимматбаҳо нарсалар ичида жуда енгили ва жойни кам эгаллайдигани, демак, энг наф келтирадиганидир: бир жомадон наркотик модда бир жомадон АҚШ долларига тенг дейиш мумкин. Чунки унинг ишқибозлари, яъни наркоманлар, хумори келганда, ўз вақтида наркотик модда истеъмол қилмасалар, жисмонан ва ақлан ниҳоятда ачинарли аҳволга тушиб, инсон қиёфасини йўқотишади. Шу сабабли, улар бир чимдим наркотик модда учун маблағларни тўлашга тайёр бўлишади.

Бинобарин, XX асрнинг иккинчи ярмида наркобизнес, яъни наркомания моддалари билан савдо қилиш, бизнеснинг энг қулай усулига, бойлик орттиришнинг энг осон йўлига айланди ва у, айни вақтда, жаҳон бўйлаб миллионлаб ёшларни жисмонан ва руҳан сафдан чиқара бошлади, уларни пул топиш мақсадида оғир жиноятларга бошламоқда.

Шундай қилиб, XX асрнинг иккинчи ярмида инсоният соғ-саломатлиги ва келажак авлодлар учун тўрт жиддий хавф туғилди. Уларга қарши кураш жаҳон бўйлаб барча давлатларнинг ва халқаро ташкилотларнинг бирга хатти-ҳаракатини талаб қилади. Булар: СПИД, термоядро қирғини хавфи, экология ва наркомания. БМТ, турли халқаро ташкилотлар ва уюшмалар, илғор мамлакатлар, барча инсонпарвар кучлар бу тўрт хавфга қарши ўз имкониятларини бирлаштирмоқдалар. Бу масалаларни ҳал қилишда Ўзбекистон фаол инсонпарвар давлат сифатида қатнашмоқда.

Наркотик ва наркобизнес масаласида Ўзбекистон алоҳида ўрин эгаллайди: жаҳонда наркотик ўсимликлар ўстирадиган асосий ҳудуд — Жануби-шарқий Осиё билан наркотик моддаларни истеъмол қилувчи асосий минтақа — Оврупо ўртасида халқаро даражадаги аэропорт Ўзбекистонда жойлашган. Ана шу сабабли наркобизнесчилар Ўзбекистон орқали ўтадиган ҳаво йўлини Оврупога Жануби-шарқий Осиёдан наркотик моддалар элтиш учун энг қулай йўл, деб қарайдилар. Бу масалада Ўзбекистон наркобизнесчиларга қарши бақувват тўғон ва баланд тўсиқ юзага келтирмоқда. Шу сабабли, Ўзбекистон жаҳон бўйлаб наркомания ва наркобизнесга қарши курашда муҳим ўринлардан бирини эгаллаб тургани шубҳасиздир. 1993 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов, жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, наркомания ва наркобизнесга қарши курашда ҳамкорлик қилишга чақирди ва: «*Ўзбекистонни Афғонистон ва бошқа Яқин Шарқ давлатларидан бошқа давлатларга наркотик моддаларни ўтказиш довонига айлан-*

тиришга йўл қўймаймиз», деди. Ўзбекистонда наркомания ва наркобизнесга қарши кураш чоралари мамлакат Жиноят кодексининг 270—274-моддаларида кўрсатилган бўлиб, айбдорларни шафқатсиз жазолашга қаратилган.

НАҚШБАНД БАҲОУДДИН (Саййид Муҳаммад ибн Жалололдин, 1318—1389) — машҳур шайх, ўз номи билан аталган нақшбандийлик оқими, яъни тариқатининг асосчиси. Бухоро яқинидаги Қасри Ҳиндувон қишлоғида туғилган ва шу ерда вафот этган.

Нақшбанд ёшлигиданоқ суфизм йўлига кирган, яъни «инсон худодан», «инсон худо билан», «инсон худо учун», «инсон худога» деган ақидаларга асосланган ва тасаввуф деб аталмиш диний-фалсафий оқимга ўзини бағишлаган. У тасаввуф сирларини ўрганади, Қуръони карим, тафсир, ҳадисларни пухта эгаллайди.

Нақшбанд тариқати марказида ахлоқий ва хулқ-одоб қоидаларига изчил амал қилиш туради. У инсонларни ҳалол-пок бўлишга, ўз меҳнати билан кун кўришга, муҳтожларга ёрдам беришга, камтар ва софдил бўлишга даъват қилади. У исломни тозалаш, илк ҳолига қайтариш гоёсини олға сурган, инсонларни фақирликка, камбағалликка ундайди, лекин хайр-эҳсон ҳисобига эмас, балки фақат ўз меҳнати билан яшашни ёқлайди, «Дил — муҳаббат (худо), қўл — иш билан банд бўлсин» — («Дил ба ёру, даст ба кор»), дейди. Шу қоидага амал қилган Нақшбанд деҳқончилик билан шуғулланади, шундан олган маҳсулот ва даромад эвазига кун кечиради. Кейинчалик эса шойи газламаларни рангдор гуллар билан безаган, отаси билан бирликда темир ва мис буюмларга турли нақшлар битган. «Нақшбанд» тахаллуси унинг касбу корини ҳам билдиради.

Нақшбанд тасаввуфни кенг тарғиб қилиб, Арабистон, Эрон ва Марказий Осиёнинг кўп шаҳарларида бўлган. У бунёдкорларидан юз ўғирмасликни, юксак иймон ва этиқодга эга бўлишни, доимо дилида худони жо айлаб меҳнат қилишни, ҳаром-хариш ишлардан ўзини тийишни тарғиб этади, ўғрилик, фирибгарлик, ёлғончилик, таъмагирлик, бойликка ҳирс қўйиш каби тубан иллатларни қоралайди, одамларни аҳиллик ва дўстликка, доимий мулоқотда бўлишга чақиради.

Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти Марказий Осиё ижтимоий-фалсафий, диний-ахлоқий ва бадиий фикр тараққиётига асрлар давомида жиддий таъсир кўрсатиб келди, мустақил Ўзбекистон ҳамда ўзбек миллатининг ўтмиши, фалсафий ва маънавий меросини ўрганишга ва миллий тикланишимизга хизмат қилади.

Нақшбанд ижодини ўрганиш ҳозирги Ўзбекистон учун

ўта аҳамиятга эга масалалардан биридир. Гап шундаки, ўтмиш аждодларимиз тафаккури, асарлари, ҳаёт қойдалари, таълимотларини ўрганмай туриб, янги Ўзбекистоннинг навбатдаги вазифаларини, стратегик ривожланиш йўналиши ва унинг босқичларини белгилаш қийин. Шу боисдан улуг аждодларимиз ҳаёти ва таълимотларини ўрганиш долзарб вазифалардан бири эканлиги барчамизга аён.

Аммо бундай ўқиш ва ўрганиш масаланинг бир томони. Масаланинг янада муҳимроқ иккинчи томони бор. Биз ҳозирча асосан буюк мутафаккир аждодларимиз ҳаёти, фаолияти ва таълимотларининг тавсифи ва таърифини бериш билан чекланмоқдамиз. Бундай иш муҳим ва зарур. Биз ўзимизга янги дунё очмоқдамиз.

Масаланинг иккинчи, янада муҳимроқ томони шундан иборатки, биз ўтмишимиздаги мутафаккирлар нима сабаблар таъсирида ва тазйиқида зоҳидликни, таркидунёликни тарғиб этишни ўз таълимотларининг таг асоси ва умуртқа суяги қилиб олганлар, нима учун Оврупо олимлари бутунлай бошқа ғояларни олға сурганлар, бизнинг мутафаккирлар эса дунёнинг ҳузур-ҳаловатларидан, турмушнинг лаззатларидан воз кечишни уқтирганлар — мана шундай саволларга жавоб бермоқ керак. Бундай тадқиқот ҳар бир таълимотнинг ва фалсафий қарашнинг шу ҳудудда, шу халқда мавжуд шарт-шароитларга, тарихга боғлиқ эканлигини аниқлаб беради.

Бундай ҳулосадан мантиқан келиб чиқадиган янги фикр шундан иборатки, замон ўзгариши билан ҳаётга бўлган талаб ва эҳтиёжлар ҳам ўзгармоғи лозим. Муайян тарихий шарт-шароитлар халқнинг фикр-зикрини ифодаловчи мутафаккирларимиздан зоҳидликни, таркидунёликни тарғиб этишни давр вазифаси, деб уларни шу йўналишга ундаган бўлса ва бу нарса ўзбек халқининг миллий характери, турмуш тарзи ва менталитетига жиддий таъсир кўрсатиб келган бўлса, энди бу борада туб ўзгариш яшаш учун барча асос бор. Бундай туб ўзгаришларсиз биз илғор миллат ва ривожланган давлат бўлолмаймиз.

«О»

ОВРУПО ДАВЛАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ УЮШ-МАСИ — 1957 йилда Олмония, Франция, Италия, Бельгия, Голландия ва Люксембург давлатлари томонидан шартнома асосида тузилган ёпиқ иқтисодий уюшма. Ташкил топган йилидан бошлаб ҳозирги кунгача мазкур уюшмага, собиқ

социалистик давлатлардан ташқари, ҳамма бошқа Ғарбий Оврупо давлатлари аъзо бўлган, 2000 йилгача қолган нейтрал давлатларни ҳам уюшма аъзолигига қабул қилиш режалаштирилган.

Уюшманинг мақсадларига мувофиқ: а) давлатлараро божхоналар уюшмаси тузилган; б) меҳнат кучи, хизматлар ва капиталлар умумий бозори тузилган; в) қишлоқ хўжалигида ва транспортда ўзаро келишилган тадбирлар ўтказилапти; г) давлатларнинг иқтисодий қонунчилигини яқинлаштириш тадбирлари кенг равишда амалга ошириляпти; д) уюшма аъзолари бошқа мамлакатлар билан ўзаро келишилган савдо-сотиқ сиёсатини амалга оширмоқдалар ва ҳоказо.

Уюшма давлатларининг интеграциявий тадбирлари кенгайиб ва кучайиб бормоқда, уюшма олдига янги, янада муҳимроқ мақсадлар қўйилмоқда (масалан, собиқ социалистик давлатларнинг иқтисодий ривожланиши етарли даражада бўлмаганлиги учун уларни уюшмага қабул қилиш масаласи кўтарилган).

Уюшмадаги давлатларнинг иқтисодиёти кўп жиҳатдан ҳозирги кунда бир бутун иқтисодий механизмдек ривожланмоқда, пайдо бўлган низолар тез ва ихтилофсиз ҳал қилинмоқда (масалан, 1995 йилда Испания ва Канада орасида балиқни Атлантика океанининг қайси қисмларида тутиш мумкинлиги бўйича низо, 1996 йилда эса Буюк Британиянинг қутурган қорамол гўштини уюшманинг бошқа давлатларида сотиш муаммолари адолатли равишда ечилган). 1999 йилга бориб уюшма давлатлари ягона валютага ўтиши учун кенг тайёргарлик тадбирлари амалга оширилмоқда.

Оврупо давлатлари иқтисодий уюшмасининг шаклланиш тарихи ва масалаларни ҳал этиш услублари мустақил Ўзбекистон учун катта аҳамиятга эгадир. Бу давлатлар, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, ўн икки йил (1945—1957) давомида ўзаро яқинлашиш ва бирлашининг барча имкониятларини ўрганганлар, шу давр ичида яқинлашиш ва бирлашиш натижасида олиниши мумкин бўлган ҳамма имтиёزلарни синчиклаб тадқиқ этганлар. Ундан кейинги қирқ йил давомида (1957—1997) ҳар қандай катта ёки кичик масалани ҳар томонлама таҳлил қилиб, тайёрлаш ва умум қарорга келиш натижасида, уюшма йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда ва жаҳонда энг бой ҳамда илғор давлатлар бирлашмасига айланди. Мустақил Ўзбекистоннинг ҳам Марказий Осиё туркийзабон давлатлари ва бошқа қўшни мамлакатлар билан яқинлашуви, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги билан ҳамкорлиги ана шундай аста-секинлик, босқичма-босқичлик, ҳар жиҳатдан пухта тайёрланган иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий қадамлар тарзида амалга оширилиши керак. Ана ўшандагина бундай ҳамкор-

лик мустақилликнинг негизларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Оврупо давлатлари иқтисодий уюшмасининг мустақил Ўзбекистон учун аҳамияти яна шундан иборатки, бу уюшма мамлакатлар бирлашишининг янги сифат жиҳатини намойиш қилмоқда: барча давлатлар ўз мустақилликларини, иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий истиқлол руҳини тўла сақлаб қоладилар. Улар шунинг учун бирлашадиларки, ўз ҳуқуқлари, қадр-қимматлари, обрў-нуфузлари жиҳатидан камситилмаган ҳолда, бундай бирлашишдан катта наф оладилар. Бу фойда-наф аҳолининг турмуш даражасини кўтаришга, мамлакат фаровонлиги, обод ҳамда шинамлигини таъмин этишга сарфланади. Ана шу устунликларга Оврупо мамлакатларининг янги асосда, халқаро ҳуқуқнинг барча давлатларнинг тенглиги, ўзаро манфаатли муносабатлари туфайли эришилди.

Бундай ижобий натижаларга Оврупо давлатлари уюшмаси шунинг учун эриша олдики, бундай бирлашиш юксак ҳуқуқий маданият, иқтисодий саводлилиқка таянади, яъни бу мамлакатлардаги ҳар бир фуқаро ва ҳар бир уюшма, ташкилот ўз ҳуқуқ ва бурчларини аъло даражада биладилар ва уларга тўла равишда риоя қиладилар. Қонундан, ҳуқуқий талаб ва мезонлардан чекинишларга қарши жазолар ишлатувчи суд механизми доимий фаолиятда.

Демак, Ўзбекистонни илғор мамлакатга айлантиришнинг зарурий шартларидан бири аҳолининг, фуқароларнинг, ташкилот ва уюшмаларнинг ҳуқуқий маданиятини кўтаришидир.

ОИЛА — кишилар ҳаётининг энг муҳим қисми, жамиятнинг кичик ҳужайраси, ижтимоий-маданий организм.

Оила — кишиларнинг табиий-биологик (жинсий муносабатлар, уй-рўзгорни бошқариш), ҳуқуқий (масалан, никоҳни фуқаролик ҳолатларида қайд этиш), маънавий (эрхотин, ота-она ва болалар ўртасидаги севги, меҳр-муҳаббат туйғуси ва шу кабилар) муносабатларига асосланган бирлик. Оила масаласи мустақил Ўзбекистон шароитида муҳим аҳамият касб этади. Чунки, биринчидан, Ўзбекистон аҳолисининг деярли ярми — мактабгача ва мактаб ёшидаги болалардир. Иккинчидан, соғлом авлод ўстириш — келажагимиз гаровидир.

Мустақиллик муносабати билан ўзбекларнинг оилавий ҳаётида истибод йилларида тақиқ остида бўлган баъзи хусусиятларини тиклаш масаласи ҳозир ҳал қилинмоқда. Масалан, тарихан ташкил топган ҳовлининг ташқи ва ички ҳовлига бўлиниши — халқнинг миллий руҳини, иймону эътиқодини, тоату ибодатини акс эттирган. Ҳовлиларнинг

ички-ташқиға бўлиниши аёлларда фаросат ва малоҳат туйғуларини шакллантиришга, фарзандларнинг ҳар хил одамлар нигоҳидан йироқроқ бўлишига, ортиқча гап-сўзларни эшитмасликка, катталарнинг ишига аралашмасликка имкон берган. Айниқса, бу миллий одат тўй ва азаларни ўтказишда катта қулайликлар туғдирган. Оврупо маданиятининг баъзида кўр-кўрона тарғиб қилиниши оилавий тарбияда ҳам ўз аксини топди, тарбиявий таъсирнинг камайишига, ожизланишига олиб келди, маънавий қашшоқланиш кучайди.

Республикамиз миллий истиқлолга эришгач, халқнинг оилавий қадриятлари аста-секин тикланмоқда, сунъий равишда турмушга киритилган айрим оилавий маросимлар халқ назаридан қолиб бормоқда. Айни бир вақтда сунъий равишда ҳаётдан сиқиб чиқарила бошлаган урф-одатларимиз оила турмушимизда тикланмоқда (масалан, бешик тўйи). Бундай урф-одатлар оилани мустаҳкамлашнинг қўшимча йўлларида биридир. Ўзбекистон ҳукумати ва шахсан Президент И.А. Каримов оила масалаларига доим диққат-эътибор ажратиб келмоқдалар (масалан, «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши, махсус Республика болалар жамғармасининг бунёд этилиши, кўпболали оналар учун қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш ва қатор шу каби тадбирлар). Давлатнинг оилага бундай муносабати тушунарлидир, чунки оилаларнинг серфарзандлиги жиҳатдан Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида Тожикистондан кейин иккинчи ўриндадир.

ОЛИЙ МАЖЛИС — Ўзбекистон Республикасининг олий қонун чиқарувчи органи.

Олий қонун чиқарувчи орган ҳар бир давлатда ўзига хос хусусиятларга эга ва турлича аталади (масалан, АҚШда — Конгресс, Швецияда — Риксдаг, Хитой Халқ Республикасида — Халқ вакиллари Умумхитой мажлиси ва ҳоказо). Ўзбекистонда бундай орган Олий Мажлис деб аталади. Унинг тизими, тузилиши, вазифалари, иш ва фаолияти қоидаларини белгилашда барча илғор давлатларнинг ва, умуман, инсониятнинг олий қонун чиқарувчи органини ташкил қилишдаги тарихий тажрибаси ўрганилган ва инобатга олинган.

Олий Мажлис 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида жорий этилган ва унга биринчи сайлов 1994 йил 25 декабрда бўлиб ўтган. Бунга қадар унинг ваколатларини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши амалга оширган. 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга биноан, Олий Мажлис депутатлари республика фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўппа-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида, яширин

овоз бериш йўли билан, 5 йил муддатга сайланади. Ўзбекистон фуқароларининг 18 ёшга тўлганлари сайлаш ҳуқуқига, 25 ёшга тўлганлари Олий Мажлисга сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Олий Мажлис ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган 250 депутатдан иборат.

Олий Мажлис сессиялари бир йилда камида икки марта чақирилади. Навбатдан ташқари сессияларни чақириш, Олий Мажлис Кенгаши, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларини тузиш тартиблари ва бошқа масалалар Олий Мажлис тўғрисидаги қонунда ва бошқа расмий ҳужжатларда аниқ белгилаб берилган. Бу расмий ҳужжатларнинг мазмуни Олий Мажлис фаолиятини такомиллаштиришга, унинг ишини самарали бўлишини таъмин этишга қаратилган. Шунинг натижасида Ўзбекистонда ишчан ва самарали фаолият кўрсатувчи олий қонун чиқарувчи орган вужудга келтирилган. Олий Мажлис фаолиятида диққатга сазовор хусусият шундан иборатки, унинг сессиясига олиб чиқиладиган ҳар бир масала аввал турли қўмита ва комиссияларда яхшилаб маромига етказилади ва шу сабабли сессияда жанжал-можаросиз, ишчанлик билан қабул қилинади. Ўзбекистон Олий Мажлиси гапдонлик минбари эмас, балки ишловчи органдир.

ОМБУДСМАН (шведча «ombudsmen») — ҳукумат идоралари фаолиятини тафтиш, назорат қилувчи мансабдор шахс ёки вакил.

Омбудсман Оврупо ва Америкада буржуа революциялари амалга оширилган даврдаёқ кенг тарқала бошлаган «ҳуқуқий давлат» тушунчасининг маҳсулидир. Ҳуқуқий давлат гоёси ҳокимиятлар ўзбошимчалигини чеклаб қўйиш, уларнинг фаолиятини ўзларидан устун турган ҳуқуққа бўйсундиришни англатади. Амалда бундай давлатлар Иккинчи жаҳон урушидан кейин таркиб топа бошладилар.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидаларидан бири сифатида инсон ҳуқуқи ва эркинликларини муҳофаза қилиш ва унинг кафолатини таъминлашга муҳим эътибор қаратди. Бинобарин, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамма нарсадан устун қўйилиши Ўзбекистон Конституциясининг асосий моҳиятини ташкил қилади.

Ўзбекистондаги ҳозирги туб ислоҳотлар жараёни инсон ҳуқуқларини қай даражада таъминланаётганлигини синчковлик билан назорат ва таҳлил қилишни тақозо этади. Бу ўта долзарб муаммони ҳал қилиш учун, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мансабдор шахслар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бош-

қариш органлари, давлат органлари фаолиятида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ус-тидан парламент назоратини амалга ошириш мақсадида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) лавозимини таъсис этди ва бу ҳақда махсус Қонун қабул қилди.

Қонуннинг устуворлиги, ошкоралик, инсон ҳуқуқлари соҳасида умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари устуворлигини тан олиш Вакил (омбудсман) фаолиятининг асосий тамойиллари ҳисобланади.

Омбудсман (вакил) қуйидаги ҳуқуқларга эга: 1) фуқаро-лардан тушган шикоятларни кўриб чиқиш; 2) аризачи ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши учун фойдаланишга ҳақли бўлган воситаларни кўрсатиш; 3) шикоятни, унинг моҳияти бўйича ҳал этишга ва-колатли, мансабдор шахсга ёки ташкилотга бериш; 4) ариза-чини тегишли ҳужжатлар, шунингдек, бошқа материаллар билан таништириш ҳамда шикоятни кўриб чиқишни рад этиш ва рад этиш асосларини кўрсатиш.

Вакилнинг ҳулосасини олган мансабдор шахс ёки таш-килот уни дарҳол кўриб чиқиши ва бир ойдан кечиктирмай жавоб йўллаши шарт. Вакилга кўмаклашиш учун Олий Мажлис томонидан Вакил ҳузурида фуқароларнинг консти-туциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйи-ча жамоатчилик асосида ишлайдиган комиссия тузилади. Комиссия ўз фаолиятида Олий Мажлиснинг Кенгаши тас-диқлайдиган Низомга амал қилади. Шикоятга давлат божи солинмайди.

ОРОЛ ДЕНГИЗИ МУАММОСИ — «ривожланган со-циализм» (1960—1985 йиллар) «мерос» қилиб қолдирган энг оғир ва мураккаб ижтимоий, иқтисодий ва экологик муам-молардан бири, дунёда ўз ҳажми ва катталиги бўйича 4-ўриндаги (Каспий денгизи, Шимолий Америкадаги Юқори кўл ва Африкадаги Виктория кўлидан кейин) кўлнинг ҳалок бўлишининг олдини олиш жараёни. Орол денгизи муаммо-си — инсоннинг табиатга аксилтабий, ғайриилмий ва ман-манлик билан муносабатининг ёрқин мисоли.

Собиқ СССР раҳбарияти 50-йилларнинг иккинчи ярми-га келиб, мамлакатда коммунизмни кенг миқёсда ва жадал суръатлар билан қуриш режаларини тайёрлай бошлади. Бу-нинг учун мамлакатда дон, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан кў-тариш керак эди. Дон соҳасида бу вазифа Қозоғистон ва Сибирдаги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш йўли билан, пахтачиликда эса Мирзачўлни, Қарши чўлларини, Жанубий Туркманистон тақирлари ва чўлларини ҳамда бошқа ерлар-

ни кенг миқёсда ўзлаштириш орқали бажарилиши лозим эди. Бунинг учун Амударёнинг ва Сирдарёнинг сувлари «коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга сафарбар қилиндилар», яъни уларнинг суви тарихда мисли кўрилмаган миқдорларда пахта далаларига йўналтирилди. Орол денгизи ўзининг иккала ҳаётбахш манбаидан жудо бўлди, ёз ойларида Сирдарё сувлари умуман қуриб, Орол денгизига етиб бормаيدиган, қачонлардир афсонавий серсув Амударё эса ёз ойларида оддий ариқдек бўлиб қолди. Бу икки дарё ўтмишда Орол денгизига бир йилда ўрта ҳисобда 60 куб километр сув келтирган, ҳозир эса — бор-йўғи 4 куб километр оқиб келади, холос.

Ўттиз миллион йил давомида қалқиб ётган буюк кўл, табиатнинг инсонга, Марказий Осиё халқларига ҳақиқий инъоми, ўттиз йил ичида (1957—1987 йиллар) Ер қуррасининг гўзал чеҳрасида экологияни менсимаслик натижасида пайдо бўлган ярага айланди: Орол денгизининг атрофи чўл-сахрога айлана бошлади, унинг қуриган қисмидан шамол кучи билан кўтарилган кум тўзони ва туз чанги миллион-миллион гектар ерларни қоплаб, ҳатто Эронгача учиб етиб бормоқда.

Орол денгизини қутқариш — бутун инсониятнинг умум вазифасидир. Собиқ СССР раҳбарияти бу ҳақиқатни афкор оммадан беркитди, сир сақлади. Ҳозирги кунда мустақилликка эришган Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон Орол денгизини қутқариш ишида ташаббускорликни қўлдан чиқармаяптилар, биргалашиб муаммоларни ҳал қилиш йўллари қидирмоқдалар, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда анжуманлар минбаридан бу масалани қайта-қайта ўртага ташламоқдалар.

Орол муаммоси атрофида илмий ва маъмурий музокара-лар, баҳслар деярли йигирма йилдан бери давом этмоқда. Орол денгизини қутқариб қолишнинг *биринчи* йўли — Сибирь дарёларининг сувларини Орол томон буриш дейдиган фикрлар аввалдан ўртага ташланди. Лекин, бу — табиатда тарихан ташкил топган табиий мувозанатни бузишнинг ёрқин мисоли эди: чунки, биринчидан, шимолий қутб денгизларига, уммонига борадиган жанубнинг иссиқ суви сунъий каналга бурилгач, бу нарса Шимолдаги ҳарорат мувозанатини издан чиқариб, жуда катта ҳудудда яшаш шароитларининг жиддий ёмонлашишига олиб келади. Бу «йўл»дан асосан воз кечилди.

Орол муаммосини ҳал этишнинг *иккинчи* йўли — Марказий Осиё минтақасида сувдан фойдаланиш маданиятини ошириш, ирригация ва мелиорация қонун-қоидаларига тўла равишда риоя қилиш, сувни тежаш, ҳар бир томчи сув учун изчил курашиш, мироблик ва сувдан фойдаланиш соҳасида

жаҳон илғор тажрибасини ўзлаштириш ва шунга ўхшаш қатор тадбирларни амалга оширишдир. Асрлар давомида халқимиз онгида ва тилида шаклланган тушунчаларни қайта кўриб чиқиб, янги, юксак экологик онгни шакллантириш лозим. «Сувдек сероб», «сувтекин» каби мақол, матал ва иборалар ҳозирги замон Марказий Осиё шарт-шароитларига асосан тўғри келмайди.

Орол муаммосини ҳал этишнинг *учинчи* йўли — ер ости сувларини ер сатҳига чиқариш ишларини кенг йўлга қўйишдир. Мутахассисларнинг фикрича, Марказий Осиё ер ости денгизининг устида жойлашган экан.

Орол муаммосини ҳал этишнинг *тўртинчи* йўлларида бири — Ўрта Осиёда сув танқислигини инobatга олиб, демографик режалаштириш, аҳоли сонининг ўсишини тийиш, иммиграцияни чеклаш ва ҳоказолар бўйича бутун қитъага тегишли умумий дастур ишлаб чиқиш ва уни изчиллик билан амалга оширишдир.

Орол муаммосини шу йўллардан бирини амалга ошириш билан ҳал этиб бўлмайди. Бунинг учун 2-, 3-, 4-йўлларнинг биргаликда, бир-бирига боғлиқ ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Мустақил Ўзбекистон Республикаси ҳозирги пайтда худди шу тарзда иш олиб бормоқда.

«П»

ПАРЛАМЕНТ французча сўз бўлиб, («parler» — сўзламоқ, сўзлаш,) расмий сўзлашиш жойи маъносини англатади.

Парламент биринчи бор XIII асрда Англияда давлат ҳокимиятининг вакиллик органи сифатида вужудга келиб, XVII—XVIII асрларда бошқа мамлакатларга ёйилди.

Мустақил Ўзбекистоннинг парламенти Олий Мажлис деб аталади.

Парламент қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. У қонун бўйича белгиланган сондаги депутатлардан иборат бўлиб, ҳудудий сайлов округлари бўйича, одатда, кўп-партиявийлик асосида белгиланган ёшга тўлган фуқаролардан сайланади.

Парламент давлат, сиёсат, хўжалик, ижтимоий-маданий қурилишнинг энг муҳим масалаларини ҳал қилиш ҳуқуқига эга. У ўз фаолиятида, эркин муҳокама қилиш ва ошкора ҳал этиш, қонунчилик, фуқароларни давлат ва жамоат ишларига жалб қилиш, жамоатчилик фикрини доимо ҳисобга олиш қоидаларига асосланади.

Парламент ваколатига мамлакат конституциясини қабул

қилиш, унга ўзгаришлар, қўшимчалар киритиш, ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаш, стратегик давлат дастурини, қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти тизимининг ваколатларини аниқлаш, давлат тартибига янги ҳудудларни қабул қилиш ёки уларни давлат таркибидан чиқариш ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш, бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш, маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини тартибга солиш, республика чегараларини ўзгартириш, давлат бюджетини қабул қилиш, унинг ижросини назорат этиш, юқори лавозимларга тайинлашларни ва бошқа ваколатларни амалга ошириш киради.

Мустақил Ўзбекистон давлати парламентининг фаолияти унинг янги, инсонпарвар, демократик жамият куриш манфаатлари йўлида хизмат қилаётганидан далолат бериб турибди.

(*Яна қаранг: «Олий Мажлис».*)

ПЛЕБИСЦИТ (лотинча «plebius» — оддий халқ, «sciunt» — қарор) — умумхалқ овоз бериши орқали аҳолининг фикри-хоҳишини билиш усулларида бири. Қадимги Римда плебейлар, яъни оддий халқ йиғилишида қарор қабул қилиш «плебисцит» деб аталган. Дастлаб, бу турдаги қарорлар милоддан аввалги V асрдан бошлаб қабул қилина бошлаган бўлиб, уларга фақат плебейларгина риоя қилишган. Лекин кейинчалик, аниқроғи, милоддан аввалги 287 йилдан бошлаб, плебисцит ҳамма фуқаролар учун мажбурий характерга эга бўлган. Тахминан шу даврдан бошлаб, «плебисцит» сўзи «қонун» сўзи билан алмаштирилиб, истеъмолдан чиқарилган.

Ҳозирги даврда ҳам плебисцит халқнинг сайловларда овоз бериш усулларида бири сифатида қўлланилади. Одатда плебисцит ўзига бегона ҳудудни қўшиб олган давлат томонидан шу ҳудуд аҳолисининг хоҳишини билиш мақсадида ёки давлат бошқариш шаклини ўзгартириш тўғрисидаги масала юзасидан ўтказилади.

Плебисцитнинг референдумдан фарқи шундан иборатки, плебисцит, одатда, давлатнинг муайян соҳаси ҳақидаги масалани ҳал этишда қўлланилади, референдум эса бутун давлат миқёсида муҳим сиёсий воқеаларга нисбатан кенг халқ оммасининг муносабатини билиш учун ўтказилади. Халқнинг муносабатини юқорида айтилган усулда билиш кенг омманинг давлатни бошқаришда бевосита иштирок этиш усулларида бири сифатида қаралади. Ўзбекистон тарихида плебисцит ўтказилган эмас. Чунки, бунга эҳтиёж бўлмаган. (*Яна қаранг: «Референдум».*)

«Р»

РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТ — мамлакатда ишлаб чиқарилган, ўз сифат кўрсаткичлари, таннархи жиҳатидан миллий ва жаҳон бозорида шундай маҳсулотлар билан рақобат қила оладиган маҳсулотдир. Маҳсулотлар бундай турининг мавжуд бўлиши замирида бозор иқтисодиётининг асосий хусусияти — иқтисодий рақобат ётади. Маҳсулотнинг рақобатбардошлигига қуйидаги йўллар билан эришилади: а) янги маҳсулотларни истеъмолчиларга арзонроқ нархда сотиш; б) маҳсулот сифатини яхшилаш; в) қўшимча хизмат кўрсатиш; г) реклама; д) харидорлар учун турли имтиёзлар яратиш.

Рақобат натижасида бир хил имкониятлар мавжуд шароитда, бошқаларга нисбатан бу воситалардан унумлироқ фойдалана оладиган ишлаб чиқарувчилар ютиб чиқадилар. Бу билан рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга интилиш ишлаб чиқариш жараёнини самарали ташкил этишни, меҳнат унумдорлигини оширишни, ишлаб чиқаришда фантехника ютуқларини қўллашни талаб қилади. Чунки бозор иқтисодиёти ишлаб чиқарувчилар ўртасида соғлом рақобат бўлишини тақозо этади. Натижада, рақобатбардош бўлмаган маҳсулотлар бозордан сиқиб чиқарилиб, ушбу маҳсулот ишлаб чиқарувчи, фойда келтирмайдиган корхоналар эса, ўз-ўзидан ёпиладилар.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йилда мустақилликка эришгандан сўнг, мамлакатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифатини ошириб, қуйидаги йўналишларда мамлакат экспорт имкониятларини кенгайтириш кўзда тутилган: а) Ўзбекистон экспорти учун аънавий бўлган тармоқларда (пахтачилик, ипакчилик, қорақўлчилик, мевачилик) ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш; б) енгил ва озиқ-овқат саноатида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш; в) оғир саноатнинг илғор тармоқлари бўлган машинасозлик, самолётсозлик ва авиасозлик, кимё, рангли металлургия соҳаларида экспорт учун мўлжалланган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ҳоказо. Юқорида санаб ўтилган тадбирларнинг амалга ошиши, 2000 йилга келиб, Ўзбекистонда экспортга мўлжалланган рақобатбардош, шу жумладан, Фанлар академияси ва тармоқ институтларида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижаси бўлган юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш — мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсатида энг асосий масалалардан биридир. Бунинг учун Ўзбекистонда барча имко-

ниятлар муҳайё: малакали ишчи кучи, ер ости ва ер усти табиий захиралари, унинг ранг-баранг бойликлари ва ҳоказо. Бу жиҳатлардан Ўзбекистон, ҳақиқатан ҳам, келажаги буюк давлатдир. Аммо, шулар билан бир қаторда, Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилигида, яқин ўтмиш уларда чоракам бир аср давомида юзага келтирган, уларнинг онгига сингдирган боқимандалик, норасолик ҳисси каби сарқитлар бор; тадбиркорлик, ишбилармонлик, ташаббускорлик етишмайди, ҳар қандай вазиятда юқоридан кўрсатма келишини кутиш, янгиликлар киритишдан чўчиш ҳамда ҳадиксираш сақланган. Мамлакат ниятлари ва режаларининг жиддийлиги, асосланганлик даражаси шу давлатда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш учун кураш қанчалик изчиллик ҳамда юксак суръат билан олиб борилишига боғлиқдир.

РЕСПУБЛИКА (лотинча «res» — иш ва «publikus» — ижтимоий; умумхалқ иши) — давлатни бошқаришнинг асосий шаклларида бири. Бошқаришнинг республика шакли ўрнатилган мамлакатларда давлат ҳокимиятининг олий органлари муайян муддатга сайланиб қўйилади.

Тарихда республиканинг ҳар хил турлари бўлган. Қадимги Юнонистон ва ўрта асрлар давридаёқ, айрим давлатлар, бошқариш шаклига кўра, аристократик ёки демократик республика шаклида бўлганлар. Қадимги даврда — Спарта ва Рим, ўрта асрларда — Генуя, Венеция, Флоренция, Буюк Новгород ва Псков шаҳар-давлатлари аристократик республика шаклида бўлганлар. Демократик республика Қадимги Греция — Афинада ўрнатилган бўлиб, фуқаролар учун умумий сайлов ҳуқуқи жорий қилинганлиги, ҳар йили қонунларнинг қайтадан тасдиқланганлиги ва мансабдор шахсларнинг қайтадан сайланганлиги, олий ҳокимият органи — Халқ мажлиси эканлиги билан характерланади.

Республиканинг турли шакллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги фикрлар қадимги давр мутафаккирлари Демокрит, Платон, Аристотель, Цицерон ва Полибий, ўрта асрларда эса Фома Аквинский, Марселий Падуанский, Форобий, янги даврда Никколо Макиавелли, Жан Боден, Гуго Гроций, Бенедикт Спиноза, Томас Гоббс, Джон Локк, Шарл Луи Монтескье, Жан-Жак Руссо, Томас Джефферсон, Вилгельм Фридрих Гегель асарларида учрайди. XIX—XX асрларга келиб, республика давлатни бошқаришнинг энг кенг тарқалган шаклига айланди. Ҳозирги даврда республиканинг учта асосий тури мавжуд: президентлик республикаси, парламентар республика ва аралаш республика.

Президентлик республикаси Америка Қўшма Штатлари, Аргентина, Бразилия, Венесуэла, Гватемала, Замбия, Кения,

Колумбия, Мексика, Парагвай, Перу, Сальвадор каби мамлакатлар учун хос давлатни бошқарув шаклидир. Унинг ўзига хос хусусиятлари: унчалик ривожланмаган ёки ривожланмаган кўппартиявийлик тизимининг таркиб топганлиги; президент бир вақтнинг ўзида давлат ва ҳукумат бошлиғи эканлиги; президентнинг бевосита халқ ёки махсус ташкил этилган коллегиял орган томонидан сайланиши; президентнинг парламентдан мустақиллиги; бош вазир лавозимининг йўқлиги; ҳукуматнинг президент томонидан тузилиши.

Парламент республикасида кўппартиявийлик тизим ривожланган бўлиб, мамлакат аҳолиси давлат ҳокимиятининг олий қонун чиқарувчи органи — парламент депутатларини маълум бир муддатга сайлайди; парламент сайловларида ғалаба қозонган партия раҳбарлари ҳукуматни тузадилар, агар ҳеч бир партия вакиллари парламентда кўпчилик ўринларни ололмаса, коалицион (аралаш) ҳукумат ташкил қилинади; давлат бошлиғи — президент — парламент томонидан сайланади; ҳукумат бошлиғи бош вазир бўлиб, реал ҳокимият унинг кўлида тўланади, ҳукумат парламент олдида жавоб беради; ҳукумат таркибини парламент белгилайди, унинг қабул қиладиган қарорларига ўз таъсирини кўрсатади, бутун ҳукуматни ёки унинг айрим аъзоларини истеъфога жўнатади. Парламентар республикада бошқариш, қонун чиқариш, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишда президент эмас, балки бош вазир ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Давлатни бошқаришнинг парламентар республика шакли ҳозирги даврда Олмония Федератив Республикаси, Италия, Ҳиндистон, Австрия, Албания, Бангладеш, Исроил, Польша, Руминия, Туркия каби мамлакатларда ўрнатилган.

Аралаш республикада президентлик ва парламентар республикаларнинг асосий хусусиятлари биргалашиб ўз аксини топади. Унинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, президент билан ҳукумат ўртасида тўғридан-тўғри юридик алоқа заифдир. Президент бевосита халқ томонидан маълум муддатга сайланади. У бевосита ҳукуматга раҳбарлик қилмайди. Ҳукуматни бош вазир бошқаради. Парламент билан ҳукумат ўртасида келиштириб бўлмайдиган низо келиб чиққанда, президент конституцияга биноан, парламентни ёки унинг қўйи палатасини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Қонун билан белгиланган муддат ўтгандан сўнг, халқ томонидан сайланган ҳокимият органларининг ваколати тугатилади ва уларга қайтадан сайлов ўтказилади. Аралаш республика шакли ҳозирги даврда Франция ва Россия Федерацияси учун хосдир.

80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошида собиқ СССР ҳудудидан ниҳоятда мураккаб сиёсий ва мафкуравий-назарий вазият мавжуд пайтда, Ўзбекистондаги муайян ва-

зиятни инобатга олиб, ижодий равишда республикавий бошқаришнинг шундай шакли танлаб олиндики, у Президент республикаси, парламентар республика ва аралаш республикага хос томонлар ва жиҳатларни ўзида мужассамлаштиради. Бу нарса давлатимизни ҳозирги замоннинг мураккаб вазиятида талаб даражасида бошқариш имконини беради.

РЕСПУБЛИКА «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 апрелдаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 июндаги 288-Қарорига асосан ташкил этилган. Марказ республика жамоатчилиги билан ҳамкорликда иш юритувчи, бюджет ажратмалари ва хўжалик ҳисобидаги маблағлар асосида фаолият кўрсатувчи ташкилотдир. Унинг асосий вазифаси ва фаолият йўналиши қуйидагилардан иборат:

— Ўзбекистон халқининг маънавий-маданий мероси, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳига мос ғояларни шакллантириш ва ҳаётга татбиқ этиш, республикада маънавий-маърифий ишларни йўлга қўйиш юзасидан тавсиялар ҳозирлаш;

— юксак истеъдод ва тафаккур соҳибларининг ақлий-ижодий салоҳиятини Ватан истиқболи сари йўналтириш;

— миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни, юртимизни тинчлик, барқарорлик ҳамда фуқаролар тотувлигини, минтақа халқларининг муштарак маънавий-маърифий, маданий илдизларини тадқиқ ва таҳлил асосида тарғиб этиш;

— мамлакатдаги ва дунёдаги хилма-хил мафкура, эътиқод, ғояларни ўрганиш, соғлом дунёқараш ҳамда сиёсий маданиятни шакллантиришда иштирок этиш;

— жамоат бирлашмалари, илмий-ижодий муассаса ва ташкилотларнинг оммавий-ахборот воситаларининг ўзаро самарали ҳамкорлигига қўмаклашиш;

— маънавий-маърифий масалаларга доир маърузалар уюштириш, анжуман ва суҳбатлар ўтказиш.

Марказнинг бош идораси Тошкент шаҳрида жойлашган. Унда «Миллий ва умуминсоний қадриятлар», «Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти», «Маънавий-маърифий истиқболли тадқиқотлар» деб номланувчи учта бўлим мавжуд. Ҳар бир бўлим ўз йўналиши бўйича тадқиқотлар юритади, илмий-амалий тажрибаларни жамлайди, тегишли хулоса ва тавсияларни ҳозирлайди.

Марказнинг таниқли жамоат арбоблари, ижодкор зиёлилар вакилларидан иборат Кенгаш ва Бошқаруви мавжуд. Марказ улар билан бамаънаво фаолият юритади.

Марказ Қорақалпоғистон Республикасида, Тошкент

шаҳрида ва барча вилоят ҳамда туманларда ўз бўлимларига эга. «Тафаккур» журнали Марказнинг нашри ҳисобланади. У маънавий-маърифий, ижтимоий-фалсафий, рангли-безакли нашрдир. Унинг илк сони 1994 йил август ойида Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллигига бағишлаб чоп этилди. Журнал миллий ва умумбашарий қадриятлар, илмий-фалсафий билим ва тажрибалар асосида янгича тафаккур, маънавият эгасини шакллантиришга кўмаклашиб келмоқда. Марказ ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий қадриятларимизга ҳурмат, ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ҳусусида суҳбатлар олиб боради.

Марказни тузиш тўғрисидаги Фармонда маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналиши этиб белгиланади. Жойларда маънавият билан боғлиқ ишларнинг амалга оширилиши учун бутун масъулият шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимиятлари, республикадаги барча вазирликлар, идоралар, ташкилотлар биринчи раҳбарларининг зиммасига юкланди. Маънавият маркази ва унинг жойлардаги бўлимларида, маҳаллаларда, ўқув юртларида, турли ташкилот ва идораларда кенг кўламда ишлар олиб борилмоқда. Марказ қошида «Олтин мерос» халқаро жамғармаси, «Маънавият» нашриёти ва «Жаҳон адабиёти» журнали ташкил этилди. Республика газета ва журналларида маънавият мавзuida доимий рукнлар ташкил этилди. Телевидениеда «Маънавият» видеоканали, радиода «Маънавият сабоқлари» эшиттиришлари доимий равишда намойиш этилмоқда ва эшиттирилмоқда. Марказда «Касб маънавияти» ўқув курслари муваффақият билан ишлаб турибди.

Истиқлол ғояларини тарғиб этиш, миллий ва умуминсоний ғоялар асосида юксак инсоний фазилатларни шакллантириш, мамлакат зиёлиларининг ижодий ва илмий салоҳиятини Ватан равнақига йўналтириш борасида республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ маркази олиб бораётган ишлар муҳим ўрин тутмоқда.

РЕФЕРЕНДУМ (лотинча «referendum» — эълон қилиниши лозим хабар) — жамиятни демократик бошқариш жараёнида қўлланиладиган тadbирлардан бири, баъзи муҳим масалаларни умумхалқ овозига, умумхалқ сўровига, халқ муҳокамасига қўйиб ҳал этиш.

Референдумни давлатнинг олий органи ўтказади. Референдум — жамиятни демократик асосда бошқаришни таъмин этишга эришиш учун олиб борилган кўпасрлик курашда эришилган ютуқлардан бири. Референдум вақт-вақти билан барча демократик ҳуқуқий давлатларда ўтказилиб туради

(масалан, 1953 йилда Данияда, сўнгра Францияда, Швейцария ва Испанияда, 1975 йилда Италияда ва ҳоказо). Собиқ СССРда, коммунистик партия ва шўро давлати халқ манфаатларини тўла равишда ўзида мужассамлаштиради, деб референдум социалистик жамиятда кераксиз тadbирдек қараларди ва шу боисдан ўтказилмасди. Фақат КПСС инқирозга учраши арафасида, маълум сиёсий кучлар, Совет Иттифоқини сақлаб қолишнинг охириги чораси сифатида, шошилинч тарзда, 1990 йилда референдум тўғрисида алоҳида қонун қабул қилинишига эришдилар.

Ўзбекистон Республикасида референдум ўтказиш тартиби 1992 йил Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Референдуми тўғрисидаги Қонун, 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган ва давлат вакиллик органларига сайлов ўтказиш тўғрисидаги қонунларда аниқ белгиланган.

Референдум ўтказиш икки хил бўлади: а) мажбурий референдум — бунда лойиҳа албатта сайлов корпуси томонидан тасдиқланади; б) факультатив, ихтиёрий, мажбур эмас референдум — бунда референдум ўтказиш ташаббуси сайлов корпуси ёки олий ҳокимият томонидан тақдим этилади.

Референдум шакллари уч хил бўлади: 1) умуммиллий референдум — бутун давлат миқёсида ўтказилади; 2) маҳаллий референдум — федератив давлат субъектларида ўтказилади; 3) маъмурий-ҳудудий референдум эса ҳудудий бирликларда ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасида Референдум «Давлат мустақиллигини маъқуллайсизми?», иккинчи маротаба эса «Мустақил Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатини 1997 йилдан то 2000 йилга қадар узайтиришга розимисиз?» деган масалалар бўйича ўтказилди ва Ватанимизнинг мустақиллиги тамал тоши аниқ ҳамда мустаҳкам қўйилишига хизмат қилди.

Референдумда қабул қилинган қарорлар олий кучга эга ва фақат референдум йўли билангина ўзгартирилиши мумкин. Референдум яқунлари республика аҳолисига оммавий ахборот воситалари орқали, овоз бериш тамом бўлгандан сўнг, ўн кундан кечикмай маълум қилиниши шарт.

«С»

СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАР дейилганда, жамиятнинг қарор топган давлат ташкилоти муассасалари ва ундаги лавозимлар таркиби тушунилади. Улар муайян сиёсий фаолиятни амалга оширадilar.

Собиқ Иттифоқ даврида сиёсий институтлар жамиятнинг сиёсий тизими (системаси), деб юритилиб, унинг таркибига коммунистик партия, давлат, меҳнат жамоалари, касба уюшмалари, комсомол ва бошқа ташкилотлар киритилган. Шўролар иттифоқи барбод бўлгач, унинг сиёсий тизими ҳам барҳам топди.

Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши ўз моҳияти, йўналиши ва вазифалари жиҳатидан бугунлай янги сиёсий институтларни майдонга келтирди. Булар Ўзбекистоннинг 1992 йилда қабул қилинган Конституциясида қонуний мустақамланган. Янги сиёсий институтлар фаолиятидаги мақсад ва маслаklar муштараклиги мустақил Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати муваффақиятини таъминлашга хизмат қилади.

Сиёсат — бу давлатни, жамиятни бошқариш санъати ва маҳорати, турли табақа ва гуруҳларнинг ўзаро муносабатлари билан боғлиқ фаолият доирасидир.

Ўзбекистон Конституциясининг 10-моддасида таъкидланадики, жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ва алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас. Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти — давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи иш олиб бориши мумкин. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг бу вазифаларни бажариш борасидаги таъсирчан иштироки ҳам муҳим омиллардандир.

Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойиллари асосида амалга оширади. Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида мажбуран ўрнатилмайди.

Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари эътироф этилади. Жумладан, ҳозир фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Адолат партияси, Миллий тикланиш партияси, Ватан тараққиёти партияси ва «Халқ бирлиги» ижтимоий ҳаракати, бошқа сиёсий институтлар мафкураларнинг ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланадилар. Улар ўз низом ва дастурларига эгадирлар, Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Озчиликни ташкил этувчи мухолафатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари

ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас. Диний ташкилотлар ва бирлашмалар ҳам бўлиб, улар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Уларнинг фаолият доирасини қонунлар билан белгиланганга нисбатан чеклаш ёки тақиқлаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилиши мумкин.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил (омбудсман) институти, Олий Мажлис (парламент) ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича республика миллий марказининг ташкил этилиши ва фаолияти инсон ҳуқуқларига риоя этишни умуммиллат даражасида ривожлантиришга қаратилгандир. Мазкур янги институтлар фаолиятининг асосий йўналиши фуқаронинг ўз ҳуқуқлари, бурч ва мажбуриятларидан яхши хабардор бўлиши учун, шахс ҳуқуқларининг конституциявий кафолатларини кенг ва ошқор рўёбга чиқариш, мансабдор шахслар, бошқарув органлари фаолияти устидан назорат (омбудсман) функциясини амалга ошириш, яъни фуқаролардан келиб тушаётган шикоятларни бевосита кўриб чиқиш ва текшириш тарзида қондиришдир.

Сиёсий институтлар борасида мустақил Ўзбекистон замон талаблари ва демократик ҳуқуқий давлат даражасида иш олиб бормоқда.

СИЁСИЙ МАДАНИЯТ — умумий маданиятнинг муҳим тури, жамият аъзолари, миллат, ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар ҳамда ҳар бир фуқаронинг давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тушуна билиш қобилияти, таҳлил қила олиш даражаси ва сиёсий вазиятга қараб, мустақил равишда ўз хатти-ҳаракатларини белгилаш ҳамда уларни амалга ошириш маданияти. Олдиндан кўра билиш истеъдоди, ҳаракат йўналишини ўзгартириш, назарий ва амалий йўналишларни аниқлай олиш, тарафдорлар топиш, ижтимоий жараёнларнинг тезлигига таъсир ўтказиш сиёсий маданиятнинг жиҳатларидан саналади.

Давлатимиз, жамиятимиз мустақиллик шароитида олиб бораётган сиёсатининг энг биринчи мақсади — халқимиз учун, юртимизда яшаётган ҳар бир инсон учун муносиб ҳаёт шароити барпо этиш, тинч, осуда ва фаровон ҳаётимизни мустаҳкамлашдир. Ҳар бир фуқаронинг сиёсий маданияти мамлакатда барқарорлик, фуқаролар тотувлиги ва миллатлараро муроса, иқтисодий муваффақиятларни таъминлаш, республиканинг ҳар бир фуқаросига истиқболга фаровон ҳаёт кечириш учун шароит яратишга қаратилган бўлиши керак. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқарувда, парламент сайловларида мустақил сиёсий куч сифатида сиёсий партияларнинг иштирок этиши Ўзбекистонда юксак сиёсий мада-

ниятга эришиш учун жиддий қадамлар қўйилаётганидан даллат беради.

Мустақил Ўзбекистон аҳолиси сиёсий маданияти юксаклигининг яна бир кўрсаткичи юртнинг барқарорлигида, турли сиёсий оқимларнинг ижобий тарзда ўзаро ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишида намоён бўлмоқда. Бозор иқтисодиётининг зарур ҳуқуқий инфратузилмасини яратиш сиёсий маданиятнинг муҳим кўрсаткичларидандир. Ўзбекистонда ўтказилаётган сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотнинг туб моҳияти ва мазмуни, давлат мустақиллигига эришишдан ташқари, демократияни — халқ ҳокимиятини ҳар тарафлама кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан иборат. Давлат, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатлар ўз сиёсатларида халқнинг эркини, дунёқарашини, манфаатини ифодалаб фаолият олиб боришлари ҳам юксак сиёсий маданиятнинг аломатидир.

Сиёсий маданиятнинг асослари халқ эрки — иродаси билан белгиланиши лозим. Жамият сиёсий маданиятининг энг юксак кўрсаткичи кишиларнинг давлат олиб бораётган ички ҳамда ташқи сиёсатни, унинг асосий йўналишлари ва мазмунини, уни амалга ошириш усул ва услубларини тўла тушунишида ва тўла тушунтира билишидадир. Бу мезонларга амал қилиш натижасида ҳозирги даврда Ўзбекистонда давлат ва жамоат ишларини бошқаришдаги сиёсий маданият ва аҳоли фаоллиги ўсиб бормоқда.

Сиёсий маданият сиёсий тизимнинг энг муҳим белгиси сифатида кишиларнинг давлат ва жамоат ишларини бошқаришда бевосита ёки билвосита иштирокини ифода этади. Ижтимоий ҳаёт кун тартибига қўяётган масалаларнинг мураккаблиги, сиёсий ҳаётда юз бераётган жиддий ўзгаришлар, жамиятни олижаноб мақсадларга етаклашнинг ўта масъуллиги давлат ва жамоат бошқариши билан юқори маънакали мутахассислар шуғулланишини тақозо этади. Юксак ахлоқий хислатлар ва сиёсий онгга, маданиятга эга бўлган бундай мутахассислар сиёсий маданиятнинг шаклланишида етакчи ўрин тутади.

Сиёсий маданият халқ, ватан, давлат ва жамоат манфаатларига хизмат қилиш, бошқариш ишлари билан боғлиқ вазифаларни моҳирона ҳал этиш, жамоатчилик фикрига таяниш, кишиларни бирлаштириш, ташаббусини қўллаб-қувватлаш, мақсадлар сари етаклаш каби қобилиятларга бориб тақалади. Сиёсий маданият ахлоқий хислатларга таянгандагина бошқаларга ибратга айланади.

Сиёсий маданият жамиятнинг барча аъзоларига тааллуқлидир. Фуқароларнинг давлат ва жамоат ишларида фаол иштирокисиз демократик жамият қуриб бўлмайди. Давлатнинг ички ва ташқи сиёсатидан, бошқариш тизимлари фао-

лиятидан, кундалик ижтимоий ҳаётдан яхши хабардор бўлиш, давлат ва жамоат бошқаришида бевосита ва билвосита иштирок этиш орқали фуқаролар ўзида сиёсий маданиятни шакллантиради. Сиёсий маданиятни шакллантириш ва юксалтириш давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳамдир. Маҳалла қўмиталари, хотин-қизлар қўмиталари, оқсоқоллар кенгашлари, ёшлар ташкилотлари, касаба уюшмалар, санъаткорлар, ижодкорлар, бизнесменлар, тиббиёт ва маориф ходимларининг кўнгилли бирлашмалари кабиларнинг фаолияти орқали ҳам аҳолининг сиёсий маданияти намоён бўлади.

Сиёсий маданиятнинг яна бир муҳим хусусияти шундан иборатки, у ҳар бир мамлакатнинг, ҳар бир давлатнинг муайян ва маълум шарт-шароитларида шаклланади. Шу боисдан ҳар бир мамлакат ва ҳар бир миллатнинг сиёсий маданияти ўзига хос томонлар ва хусусиятларга эга. Мустақил Ўзбекистон шарқона сиёсий маданият йўлидан бормоқда, кўп жиҳатдан куч билан ғарб назариётчилари ва амалиётчилари томонидан чоракам бир аср давомида бизга киритилиб келган ҳаддан ташқари соддалаштирилган, қўпол ва сийқа инқилобийлик ўрнига миллий анъаналаримиз ҳамда тарихимиз сабоқлари асосида яратилган тадрижийлик, яъни секин-аста, босқичма-босқич ўзгариш ва такомиллашиш орқали ривожланмоқда.

СИЁСИЙ ПАРТИЯ (лотинча «pars», «partis» — қисм, гуруҳ; эски ўзбекчаси арабчадан «фирқа» — гуруҳ, тўда) — умумий гоё ва манфаат, ижтимоий-сиёсий мақсадлар асосида одамларни ихтиёрий равишда уюштирувчи турғун ташкилот, фуқаровий жамият билан давлатни бир-бирига боғловчи энг муҳим воситалардан бири, ҳозирги замон ҳуқуқий демократик давлати ҳаётининг зарурий омилларидан бири.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида сиёсий партиялар сайлов тизими воситасида марказдаги ёки жойлардаги ҳокимиятни қўлга киритиш ёхуд ундаги лавозимларни сайловда олган улушларига қараб мутаносиб равишда тақсимлаб олишга ҳаракат қиладилар.

Сиёсий партияларнинг фаолияти қуйидаги асосий йўналишларда олиб борилади: 1) ўз фаолиятининг мақсадларини аниқлаш ва белгилаш, ўзининг сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, диний, бадий қарашлари тизимини яратиш ва уларни кенг омма орасида ёйиш; 2) жамият аъзоларининг турли манфаатларини ўз фаолияти ва ҳужжатларида мумкин қадар кенг қамраб олиб, уларнинг энг маъқуллаган партиясига айланишга интилиш; 3) турли органларга сайловларни ташкил қилиш ва ўтказишда ниҳоятда ўринли ва долзарб шиорларни ўртага ташлаб, сайловчиларнинг мумкин қадар кенг

доирасининг овозини ўз фойдасига ола билиш; 4) сиёсий партия қаторига янги аъзоларни тортиш ва саралаш йўли билан унинг етакчи ҳамда билагонлари табақасини шакллантириш; 5) партия дастурида кўрсатилган вазифалар ва ваъдаларни қонун чиқарувчи ҳамда ижроия давлат органлари орқали амалга оширишга ҳаракат қилиш.

Биринчи, энг ибтидоий ва камсонли сиёсий партиялар XVII—XVIII асрлар инқилоблари даврида шакллана бошладилар. XIX аср охирига келиб, демократик тартиблар кенгайиб, сайловлар тизими, парламентлардаги жойлар учун кураш кескинлашгани сари, сиёсий партиялар ҳаёти ва фаолияти янги поғонага кўтарилди. Сиёсий кураш саҳнасига ишчилар синфининг чиқиши эса сиёсий партиялар масаласини жамият сиёсий ҳаётидаги энг жиддий ва муҳим омиллардан бирига айлантирди. XIX аср охири — XX асрнинг биринчи ярмида сиёсий партияларнинг фаолияти энг юксак нуқтага чиқди. Ҳозирги замон сиёсий партиялари фаолиятида «умуммиллий», «умумдавлат» ва «умуминсоний» шиор ва шу куннинг энг долзарб муаммоларини ўртага ташлаш, аҳолини ўз атрофида уюштириш масалаларида устуворлик касб эта бошладилар.

Марказий Осиёда сиёсий партиялар тузиш учун тарихий-ижтимоий талаб XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларида юзага кела бошлади. Бунинг икки асосий сабаби бор эди: *биринчидан*, жамиятдаги илғор ижтимоий кучларни бирлаштириб, халқнинг сиёсий фаоллигини ошириш, халқ орасида маърифат нурларини сочиш, ва *иккинчидан*, оммани шу тарзда уюштириб, уни авваламбор чор Россияси таркибида мухториятга эришишга даъват қилиш, кейинчалик эса, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий кучларни йиғиб, ўлкада мустақил миллий давлат яратиш масаласини ўртага ташлаш. Илк ўзбек жадидлари ва маърифатпарварларининг бу борадаги ҳаракатлари, ёзма ва оғзаки фикрлари, агар уларни чуқур таҳлил этсак, шундай хулоса ясаш учун етарли асос беради. Аммо бу орзу ва мақсадларнинг амалга ошиши дастлабки қадамларданоқ жиддий қийинчиликларга дуч келди. Бу, *биринчидан*, хоризм ҳокимиятининг сиёсати, ва *иккинчидан*, Россия социал-демократиясининг бузғунчилик фаолияти эди. Чунки, большевикларнинг дастури бўйича, барча миллий минтақалардаги миллий уйғониш ва миллий-озодлик ҳаракатлари фақат ишчилар партияларига бўйсунган тақдирдагина тўғри йўлда деб топилар, аксинча ҳолда эса, миллий хоинлик деб қораланар эди. Шу боисдан 1917 йилгача бўлган даврда Марказий Осиё минтақасида сиёсий, назарий ва ташкилий жиҳатдан етук сиёсий партиялар шаклланиб улгурмадилар.

1917—1991 йиллар оралигида, яъни шўро даврида, ком-

мунистик партиядан бошқа сиёсий партия ишчи-деҳқонлар учун ортиқча ва шу сабабли кераксиз деб, сиёсий партиялар тузиш тақиқланган эди. Социализм қуриш йилларида (1917—1936) чоризм даврида шакллана бошлаган сиёсий ташкилотлар ва уларнинг раҳбарлари узил-кесил йўқ қилиб ташланди, минглаб ўзбек, қозоқ, туркман, тожик, қирғиз зиёлилари, жамоат арбоблари ва мутафаккирлари бадарға ва сургун қилинди, шўро концлагерларида кафансиз кўмилди.

Мустақил Ўзбекистон сиёсий партияларнинг шаклланиши ва фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиб берди. (*Қаранг:* «Адолат» партияси», «Миллий тикланиш» партияси», «Ватан тараққиёти» партияси» ва «Халқ демократик партияси» ҳақида мақолаларга.)

СИЁСИЙ ПАРТИЯ ФРАКЦИЯСИ — сиёсий партия сиёсатини ўтказиш мақсадида парламентда, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларида ва шароит талаб қилган бошқа сайланган ташкилотларда шу партия вакилларидан иборат депутатлар гуруҳи. Сиёсий партия фракциялари барча демократик давлатларда мавжуд бўлиб, мамлакат ҳаётига, парламент ва жойлардаги турли органлар ҳаётига жиддий таъсир кўрсатадилар.

Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ сиёсий партияларнинг Олий Мажлисдаги фракциялари сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатларнинг таъсис йиғилишларида ўз партияларининг сиёсатини уюшқоқлик билан ўтказиш учун тузилади. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик идораларида ҳам шу мақсад ва худди шу тартибда сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар гуруҳлари тузилади.

Олий Мажлисдаги ҳар бир сиёсий партиянинг фракцияси куйидаги ҳуқуқларга эга:

— сессия кун тартибини шакллантиришда иштирок этиш;

— сессия кун тартибидаги ҳар бир масала юзасидан музокараларда фракция вакилининг сўз олишини кафолатлаш;

— Олий Мажлис Раиси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, вазирлар, давлатнинг бошқа идоралари раҳбарларига тегишли сўров билан мурожаат этиш;

— Олий Мажлис раҳбарлари, кўмита ва комиссиялари раислари номзодлари бўйича таклифлар киритиш;

— сессиялар муҳокама этаётган масалалар бўйича фракция фикрини депутатлар орасида тарқатиш.

Сиёсий партия фракцияси раҳбари Олий Мажлис Кенгаши таркибига киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида расмий ра-

вишда Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ватан тараққиёти партияси ва «Адолат» социал-демократик партияси фракциялари рўйхатга олинган.

СИЁСИЙ ТУЗУМ — давлат ички тузилиши жиҳатларининг ўзаро алоқалари ва таъсирининг энг муҳим, доимий хусусиятларини ифодаловчи ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг мажмуаси, йиғиндиси. У сиёсий ҳокимиятни, умуман, давлат муассасалари тизимини ва уларнинг асосий ташкилий шакллари белгилаб беради. Сиёсий тузум ҳар бир мамлакатнинг мавжуд шарт-шароитларини инобатга олиб белгиланади. Сиёсий тузум, одатда, мамлакат конституциясида ва шу асосда чиқарилган бошқа қонуний ҳужжатларда мустақамлаб қўйилади.

Сиёсий тузумда қуйидаги хусусиятлар мавжуд:

1) давлат томонидан муҳофаза этиладиган давлат, жамият ва шахс орасидаги муайян муносабатлар тизими, давлат ҳокимиятининг ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-сиёсий негизлари, ушбу ҳокимиятни амалга ошириш усуллари, фуқароларнинг ҳуқуқий мақоми;

2) давлат ҳокимиятининг олий ва бошқа органлари тизими, ваколатлар нисбати, уларни ташкил қилиш тартиблари;

3) мамлакатнинг ҳудудий тузилиши.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий тузуми 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияси, шу асосда қабул қилинган конституциявий қонунлар ҳамда бошқа расмий ҳужжатлар билан белгиланган.

Ўзбекистонда сиёсий тузум ҳокимиятни қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятларига тақсимлаш тамойили асосида тузилган. Ўзбекистон Республикаси олий ҳокимият органларини қонунчилик органи — Олий Мажлис, давлат раҳбари ва ижро ҳокимиятининг бошлиғи — Президент, олий ижро органи — Вазирлар Маҳкамаси ташкил қилади.

Алоҳида тармоқларни бошқариш марказлашган тартибда иш кўрадиган вазирликлар, давлат қўмиталари ва концернлар томонидан амалга оширилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вилоят, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманларнинг халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимликлардан иборат.

Ўзбекистон таркибига ўзининг олий ҳокимият органлари — Жўқорғи Кенгес ва Министрлар Кенгашига эга бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ҳам киради.

Суд ҳокимияти тизими қонунчилик ва ижро ҳокимиятидан мустақил иш юритадиган, беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суд, Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси-

нинг Олий суди ва Хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар ва хўжалик судларидан иборат.

Қонунларнинг бажарилиши устидан назорат олиб бориш Республика Бош прокурори ва унга бўйсунувчи жойлардаги прокурорларнинг вазифасидир.

Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий тузуми, бинобарин, ҳозирги даврдаги илғор давлатларнинг тажрибасини, халқимизнинг тарихий анъаналари ва мукаммал жамият тўғрисидаги орзу-умидларини, мутафаккирларимиз ва жамиятшуносларнинг тавсияларини ўзида мужассамлаштирган.

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ЖАМҒАРМАСИ — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 23 апрелдаги «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони асосида ташкил қилинган. Бу фармонни бажариш учун Вазирлар Маҳкамаси жамғарма фаолиятини белгилаб берувчи ва унинг тиббий, ижтимоий, инсонпарварлик ва молиявий-иқтисодий дастурларини амалга ошириш шарт-шароитларини таъминловчи бир қатор қарорлар қабул қилди. Жамғармани ташкил қилишдан мақсад — истибдод йилларида кимёлаштириш сабабли заифлашган авлодларни ва янги туғилаётганларни соғломлаштириш, оналар ва болалар санитария ва гигиенасини давр талаби даражасига кўтаришдир.

Жамғарманинг барча вилоятларда, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида ҳудудий бўлимлари тузилган; шундай қилиб, мамлакатнинг ҳар бир туманида «таянч масканлари» ташкил қилинди. Улар жойлардаги жамғарма бўлимларининг тарғибот, тиббий-ижтимоий ва тарбиявий ишларини уюштирувчи марказлар ҳисобланади. Тошкентда «Соғлом авлод учун» коллежи ташкил этилди.

Тиббий ва ижтимоий дастурларни амалга оширадиган Тиббий-ижтимоий марказ (ТИМ) жамғарманинг бош муассасаси ҳисобланади. ТИМ таркибига аҳолига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатувчи кўчма бригадалар киради, уларнинг мақсади — чекка туманлардаги аёллар ва болаларни текширишдан ўтказишдир.

Жамғарма 38 та дорихонадан иборат тизимга эга, бу дорихоналарда аёллар ва болаларга керакли санитария ва гигиена буюмлари сотилмоқда. Ундан ташқари «Ўзмедсервис» акционерлик корхонаси негизда «Интермед» техно-савдо маркази тузилган; унинг асосий вазифаси туғруқхоналар ва болалар муассасаларига сервис хизмати кўрсатишдир.

Жамғарма аёллар ва болалар учун маърифий рисолалар нашр қилиш мақсадида «Авлод» нашриёт-реклама марказини ташкил қилди.

Жамғарманинг «Ўсиб келаётган авлодни соғломлаштириш дастури»да қуйидаги йўналишлар устувор қилиб белги-ланган: 1. Аҳолига иммуноёрдам дастури; 2. Она ва бола скрининг (эҳтиёт текшириш) дастури; 3. Оилани режалаштириш; 4. Болалар ва оналар таомлари муаммолари; 5. Аҳолини, биринчи навбатда, аёллар ва болаларни энг зарур тиббий дори-дармонлар, санитария ва гигиена буюмлари билан таъминлаш; 6. Туғруқхона ва болалар муассасалари моддий-техника асосини мустақкамлаш; 7. Халқаро хайрия ва ихтисослаштирилган ташкилотлари билан ҳамкорликда мурувват дастурларини амалга ошириш; 8. Фуқароларга, болалар муассасалари ва ихтисослаштирилган муассасаларга шошилиш хайрия ёрдами кўрсатиш.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси негизда тиббий-ижтимоий патронаж, яъни чақалоқли ва беморли уйларга бориб доимий ёрдам кўрсатиш тизими ташкил этилган. Унинг асосий вазифалари аёллар ва болаларни соғломлаштириш, оилани режалаштириш юзасидан кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, ҳар хил касалликларнинг олдини олиш зарурлигини тушунтириш, эмлаш устидан назорат қилиб туришдан иборат.

Жамғарма ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга яқиндан ёрдам бермоқда. Жамғарма ҳар йили «Соғлом авлод учун» жамғармаси совринлари учун мусобақалар ўтказмоқда.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси ўз маблағи ҳисобидан чет эллик шериклардан ёрдам сифатида дори-дармонлар, болалар овқатлари, тиббий жиҳозлар, кийимлар ва ҳоказоларни олиб тиббий муассасаларга ва республика аҳолисига тарқатади, болаларни чет элда даволаш учун ёрдам кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси, жами фақат уч йилда (1994—1996) 4,0 млн. АҚШ долларидан ортиқроқ маблағни ташкил этди.

Жамғарма давлатлараро битимлар доирасидаги лойиҳаларни амалга оширишда фаол қатнашмоқда.

Жамғарма ўзининг беш йиллик фаолияти даврида оламшумул ишни амалга оширди. Унинг истиқболлари ёрқин ва чексиз. Бу борада иш йил сайин кенгайиб боражак.

СУВЕРЕНИТЕТ (французча «souverainite» — олий ҳокимият) — қуйидаги мазмунларда ишлатилади:

1. **Давлат суверенитети** — ҳозирги давлатшунослик фанида давлатнинг ички ва ташқи сиёсатдаги тўла мустақиллиги сифатида талқин қилинади. Давлат суверенитети ҳақидаги ғояни XVI асрда Францияда яшаб ижод этган мутафаккир Жан Боден илгари сурган. Унинг фикрича, суверенитет давлатнинг энг муҳим белгисидир. Суверен бўлмаган давлат, давлат эмас. Давлат суверенитети деганда, Ж.Боден абадий,

мутлақ, бўлинмас олий ҳокимиятни назарда тутати. Мутафаккирнинг таъкидлашича, давлат суверенитетининг асосий белгилари қуйидагилар:

- а) давлатнинг барча органлари ва фуқароларига қаратилган қонунларни қабул қилиш;
- б) уруш ва тинчлик масаласини ҳал қилиш;
- в) охириги инстанцияда суд ҳокимиятини амалга ошириш;
- г) мансабдор шахсларни тайинлаш;
- д) афв этиш — жинойт содир қилган шахсни жазодан озод қилиш.

Давлат суверенитети ҳақидаги ғоя кейинги даврларда янада ривожлантирилди, мазмунан бойитилди. У Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ва бир қатор мамлакатларнинг конституциясида ўз аксини топди. БМТ Низомининг 2-моддасида ташкилот аъзолари бўлган давлатларнинг суверен тенглиги тамойили белгиланган. Суверенлик тамойили барча мустақил давлатлар конституцияларида эътироф этилган. Масалан, Мадагаскар Демократик Республикаси 1975 йилдаги Конституциясининг 1-моддасида «суверен ва бўлинмас республика», Бенин Халқ Республикаси 1977 йилдаги Конституциясининг 1-моддасида унинг «инқилобий, унитар, мустақил, суверен ва дунёвий давлат» эканлиги қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат суверенитети масаласига алоҳида боб ажратилган бўлиб, унинг 1-моддасида «Ўзбекистон — суверен демократик республика» дейилган.

2. Халқ суверенитети — халқнинг тўла ҳукмронлиги, халқ ҳокимияти, халқ бошқаруви маъноларини англатади.

Халқ суверенитети ҳақидаги ғояни биринчилардан бўлиб XIV асда европалик мутафаккир Марсилиё Падуанский илгари сурган эди. Унинг таъкидлашича, халқ қонунларни қабул қилиши, ҳокимиятни тайинлаши, вакиллик органи — Катта кенгашга сайловлар ўтказиш тартибини белгилаши, юқори мансабдаги руҳонийларни сайлаши лозим. Кейинчалик халқ суверенитети ғояси немис юристи Иоганн Альтүзий (1557—1638)нинг «Сиёсат» номли асарида, XVII асда инглиз буржуа инқилоби даврида левеллерлар партияси томонидан ишлаб чиқилган «Англиянинг асосий қонунлари ва эркинлиги» ҳужжатида ривожлантирилди. XVIII асда яшаб ижод этган франциялик мутафаккир Жан Жак Руссо ўзининг «Ижтимоий шартнома ёки сиёсий ҳуқуқнинг тамойиллари» номли асарида халқ суверенитети назариясини ишлаб чиқади. Мазкур назарияга биноан ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи халқдир, барча қонунлар халқ томонидан қабул қилиниши ва халқнинг умумий иродасини ифода-

лаши, ҳукумат халқ томонидан маълум муддатга сайланиши ва халқ назорати остида ўз фаолиятини амалга ошириши лозим. Ҳозирги даврда халқ суверенитети ғояси кўпчилик давлатларнинг конституциясида ўз аксини топган. Жумладан, Франция Республикаси Конституциясининг 3-моддасида «Миллий суверенитет халқники бўлиб, халқ уни ўз вакиллари ва референдум орқали амалга оширади»; Италия Республикаси Конституциясининг 1-моддасида «Суверенитет халққа тегишли бўлиб, халқ уни Конституцияда белгиланган шакл ва доирада амалга оширади» дейилган; худди шу ғоя бошқа сўзлар билан Ўзбекистон Конституциясида ҳам айтилган: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади», дейилган.

Демак, Ўзбекистон Республикасида давлат суверенитети ва халқ суверенитети айна бир вақтда мавжуд.

«Суверенитет», «суверен» сўзлари билан «мустақиллик», «мустақил» сўзларини синонимлар, яъни товуш таркиби, талаффузи жиҳатидан бошқа-бошқа, лекин англатган маънолари бир, ўхшаш ёки жуда яқин сўзлар деб қараш мумкин. Халқаро муносабатлар ва халқаро ҳуқуқ фани ривожланиши жараёнида ўзбек тилига лотин тилидан француз тили орқали «суверенитет», «суверен» сўзлари кириб келди. Лекин улардан кўп асрлар аввал бизнинг тилимизга араб тилидан «мустақил», «мустақилият» сўзлари ўтган эди. Энди иккала тилдан кирган бу сўзлар бизнинг умумий мақсадимизга — Ўзбекистонни ҳозирги замон илғор давлатлари қаторига олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

«Суверенитет» ва «мустақиллик» сўзларининг тенг маънодошлиги «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ўз ифодасини топган. Луғатда «суверенитет» сўзи «давлатнинг ички ва ташқи ишларини олиб боришда тўла мустақиллиги» деб тушунтирилган. «Мустақиллик» сўзи эса «ўз ихтиёри билан, тобеъ ва қарам бўлмасдан, ўзганинг ёрдамисиз ёки раҳбарлигисиз иш қила билиш» деб таърифланган. Демак, икки тилдаги бу икки сўзнинг маъноси бир эканлиги шубҳасиз. Лекин амалиётда, кундалик ҳаётда «мустақиллик», «мустақил» сўзлари кўпроқ ишлатилмоқда. Бу тушунарли, чунки лотин ва қадимги юнон тилидан ҳозирги замон Оврупо тиллари орқали ўзбек тилига кириб келган сўзларнинг кўпи истибдод тузуми тарғиботи ва ташвиқоти таъсирида маъно жиҳатидан сийқаланиб, ўзининг аввалги соф жозоба кучига путур етди.

Мустақиллик туфайли «суверенитет» сўзи ўзининг асл маъносини тикламоқда.

СУД ҲОКИМИЯТИ — давлат фаолиятини, унинг вазифа ва мақсадларини амалга оширишда ҳокимиятларнинг бўлиниши қоидаси асосида таркиб топувчи ҳамда алоҳида давлат муассасалари орқали ўз вазифаларини бажарувчи тизим.

Суд ҳокимиятининг алоҳида тизим сифатида ташкил топиши ва унинг қонун чиқарувчи ҳокимият ва ижрочи ҳокимият билан муносабатлари қоидаларининг шаклланиши узоқ тарихга эга бўлиб, демократик ҳуқуқий жамият қуриш учун курашнинг жиддий ғалабаси саналади. Давлат ҳокимиятини амалга оширувчи органларнинг фаолиятларини тақсимлаш ва бир-биридан ажратиш ҳақидаги қарашлар умумий тарзда илк бор антик давр намояндалари Платон, Аристотель, Полибий ва бошқалар томонидан илгари сурилади. Жон Локк ва Шарль Луи Монтескье давлат ҳокимиятини бўлишнинг мумтоз назарийчилари ҳисобланадилар. Бу борада, айниқса, француз маърифатпарвари ва ҳуқуқшуноси Ш.Монтескье (1689—1755)нинг илмий қарашлари давлат ва ҳуқуқ назариясининг ривожига катта ҳисса қўшди. У ҳокимиятни учга — қонун чиқариш ҳокимияти, ижроия ҳокимияти ва суд ҳокимиятига бўлиниши лозимлигини биринчи бўлиб эътироф этди. Мазкур назариянинг аҳамиятли томони шундан иборатки, у ҳокимиятларни ўзаро тенг тарзда алоҳида амалга ошириш, давлат вазифаларини бажаришда уларнинг ҳар бири ҳуқуқий воситалар ёрдамида бир-бирини «тийиб» туриши, ҳамда олий ҳокимиятни бир ташкилот томонидан яқка равишда эгаллаб олинишини бартараф этиш тарзида муносабат ўрнатиш лозимлигига замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий мустақилликка эришганидан сўнг танлаган давлат қурилишининг ўзига хос хусусиятларидан бири — демократияга асосланган фуқаровий жамият барпо этишдир. Бунинг негизи, сўзсиз, давлат ҳокимиятининг бўлиниши ва уларнинг қатъий чегараланиши тамойилига асосланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳокимиятларнинг ўзаро муносабатларини, шаклланиш механизмлари ва уларнинг алоҳида-алоҳида фаолият кўрсатишларини мустаҳкамлаган. Энг юксак суд ҳокимияти Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди томонидан амалга оширилади. Суд ҳокимияти Ўзбекистон Республикаси давлатчилиқ тарихида илк бор фақат мустақиллик туфайли алоҳида ҳокимият тарзида эътироф этилди. Конституциянинг 106-моддасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш

юретиши кўрсатилган. Суд ҳокимияти тизимини Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Олий суди, Қорақалпоғистон ҳўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар суди, туман ва шаҳар судлари ҳамда ҳўжалик судлари ташкил этади. Бу судларнинг барча аъзолари ва судьялар беш йил муддатга сайланадилар.

Судьяларнинг мустақиллиги, уларнинг дахлсизлигининг кафолатланиши ва улар қабул қилган қарорларнинг барча ҳудудларда бажарилишининг мажбурий эканлиги суд ҳокимиятини чинакамига амалга оширишда муҳим омиллар ҳисобланади.

Мустақил Ўзбекистоннинг суд ҳокимияти тизими ҳозирги замон ҳуқуқшунослик фанининг энг асосли тавсиялари ва илғор демократик ҳуқуқий давлатларнинг тажрибасини ижодий ўрганиш натижасида юзага келди ва янада такомиллаштирилмоқда.

СУФИЙЛИК (арабча «суф» — жун) — ислом дини пайдо бўлгандан сўнг унинг доирасида, Қуръон ва Ҳадисга мос равишда шаклланган таълимот; VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. Суфийлик мусулмон мамлакатларидаги халқларнинг диний йўналишдаги ижтимоий-фалсафий, маданий-маънавий ҳаётида кенг тарқалган, мураккаб ҳамда ички зиддиятларга тўла ғоявий оқим.

Суфий сўзи арабча «суф» сўзидан ҳосил бўлган бўлиб, унинг луғавий маъноси жундан тўқилган оддий ва дағал матодир. Суфийлар, одатда, устиларига ана шундай жун матони ташлаб олардилар. Чин суфийлар ўзликдан ва фоний дунёдан кечган зотлар бўлиб, бундай ҳолат уларни бу дунё ғалваларидан озод этарди. Уларни халқ азиз-авлиё, назарли кишилар сифатида алоҳида эъзозлаган. Уларнинг сўзи ва ҳаракати, хислати ва ахлоқи ҳаммага ибрат қилиб кўрсатилган. Суфий ва дарвишлар ҳақиқатан ҳам катта нуфуз ва обрўга эга бўлганлар. Фақат шайхларнигина эмас, қаландарларни, «девоналар»ни, оддий дарвешларни ҳам одамлар ҳурмат қилганлар.

Суфийлик ва дарвешлик ҳаракати бирданига юзага келган ҳаракат бўлмай, узоқ тадрижий тарихга эга. Суфишунослар бу диний оқим тарихини, дастлаб, икки даврга ажратдилар: биринчиси — зоҳидлик даври, иккинчиси — орифлик ва ошиқлик даври. Улар суфийларнинг ўзини ҳам ориф суфийлар, зоҳид суфийлар, фақир суфийлар, файласуф суфийларга ажратдилар.

XIII—XIV асрлар суфийлик тарихида маҳсулдор давр бўлди. Бу даврга келиб, суфийлик ҳам назарий, ҳам амалий ҳаракатчилик нуқтаи назаридан, ўзининг юксак чўққисига

кўтарилган эди. Яхъё Сухравардий, Нажмиддин Кубро сингари мутафаккир шайхлар, Фаридиддин Аттор, Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румий каби суфий шоирлар суфийлик илми доирасини кенгайтirdилар, уни фалсафа ва ҳикмат билан бойитдилар. Суфийлик Шарқ кишисининг тафаккур тарзи ва ахлоқий нормасини белгилайдиган ҳодисага айланиб қолди. Унга кўра, ўзининг тамом фикри-зикрини Аллоҳ таолонинг висолига етишишга бағишлаган, бундай эзгу ва нажиб йўлда поклик, тўғрилиқ, ҳалоллик, ўз қўл кучи ва пешона тери, ҳалол меҳнати билан кун кечирадиган, бунинг учун ҳормай-толмай меҳнат қилувчи, ҳар томонлама камолотга эришган инсонларгина аҳли тасаввуф деб аталиши мумкин. Абдулҳолиқ Гиждувоний ҳам суфийликнинг йирик вакиллари билан бўлган.

Шўролар даврида суфийлик ҳар жиҳатдан фалсафа фанининг эътиборидан четга сурилди, қораланди, шу сабабли унинг моҳияти очилмай қолди.

Суфийлик мусулмон Шарқи мамлакатлари ижтимоий ва маънавий ҳаётига чуқур кириб бориб, фан, маданият ва адабиёт ривожига катта таъсир кўрсатди. Инсоният яратган маънавий маданиятни бир бутун тизим десак, суфийлик шу тизимнинг, муҳим бир бутунликнинг узвий бўлагидир. Мустақил Ўзбекистон бу таълимотни ҳар томонлама ўрганилишини таъмин этмоқда, суфийликнинг фалсафа тарихидаги, инсоният маънавий меросидаги муносиб ўрнини белгилашга кўмаклашмоқда.

Аммо Ўзбекистон файласуфлари бу улкан ишнинг бошланиш қисмида турибдилар, яъни истибдод йилларида тақиқ ва танбеҳ остида бўлган фалсафий таълимотларни ўрганмоқдамиз, уларни ҳайрат ва мароқ билан ўқимоқдамиз, ўтмишимиз нақадар бой ва мазмунли бўлганини кўрмоқдамиз. Суфийлик жамиятнинг маънавий тараққиётида, мавжудликнинг маъносини аниқлашда ва тушунишда муҳим даврлардан бири бўлган. Уни ўрганиш, тадқиқ этиш ва билиш ҳар биримизнинг тафаккур доирамизнинг кенгайтиради, инсон онгининг янги қирралари ва имкониятларини очади. Шу билан бир қаторда, суфийлик ва унинг таъсирида шаклланган қатор бошқа фалсафий мактаблар ва йўналишлар мустақил Ўзбекистон ўз олдига қўяётган мақсад ва вазифаларга зид қоидалар ва хулосаларни олға сурганлари шубҳасиз. Мустақил Ўзбекистон илғор давлатлар қаторидан жой олишни, халқнинг фаровонлигини, маданият ва маънавиятини кўтаришни олий мақсад қилиб қўйди. Бу тўғри ва шак-шубҳасиздир. Бундай олижаноб мақсадни амалга оширмоқ учун халқимизнинг бунёдкорлик фаолиятини, тадбиркорлигини, ишчанлигини янги, Ўзбекистон тарихида мисли кўрилмаган даражага кўтариш зарур. Бундай туб ўзга-

ришсиз ниятларимиз қоғозда қолиб кетиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Шундай экан, суфийлик таълимотининг мазмуни ва маъносини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиб, замон талаблари нуқтаи назаридан баҳолаш — файласуф олимларимизнинг жиддий вазифасидир.

«Т»

ТАДБИРКОРЛИК — кенг маънода шахсий ва ижтимоий манфаатни қондиришга асосланган ақлий фаолиятни билдиради. У субъект ўз олдига қўйган мақсадига эришишга йўналтирилган бўлиб, бу мақсадга унинг бевосита қатнашуви ва хусусий омиллари (мулки, жисмоний ва ақлий қобилияти, билими, тажрибаси, ижтимоий муҳитдаги ўрни, бу ўринга боғлиқ имтиёзли ҳуқуқлари ва ҳоказолар)дан фойдаланиш йўли билан эришилади. Тор маънода тадбиркорлик фаолияти иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини — уй хўжалигини бошқаришдан тортиб ишлаб чиқаришгача, товарлар сотиш ва хизмат кўрсатиш турларигача қамраб олади. Янги маҳсулот ишлаб чиқариш, технологияни жорий қилиш, бозорларга кириб бориш, истеъмолчиларни жалб қилиш, ишлаб чиқаришга ресурсларни, молиялаштиришнинг усуллари жорий қилиш, кооперация ва халқаро алоқаларни шакллантириш шулар жумласидандир. Товар хўжалигига хос бўлган беқарорлик, хавф-хатарлилик тадбиркорлик фаолиятининг муҳим хусусиятидир.

Тадбиркорликнинг ташкилий шакллари янги корхоналарни ташкил этиш, бир-бири билан боғланмаган корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш ҳамда корхона ичидаги тадбиркорлик ҳам киради. Тадбиркор хўжалик юритувчи ташкилот билан бевосита боғлиқ бўлади, хўжалик ташкилоти фаолиятининг объекти ва мақсадга эришиш воситаси бўлиб хизмат қилади ва унинг ижодий қобилияти, новаторлик ва пешқадамлик имкониятларини амалга оширишга ёрдам беради.

Тадбиркорликнинг ўзи фақат индивидуал даражада эмас, балки йирик ташкилотларда ҳам амал қилади. Фирма ичидаги тадбиркорлик интра-тадбиркорлик деб аталади. Тадбиркорлик «қонуний» ва «ғайриқонуний» бўлади. Фаолият турига боғлиқ ҳолда, тадбиркорлик субъектлари бўлиб, ишлаб чиқаришда корхоналар, тижоратда — савдо муассасалари ва биржалар, молиявий тадбиркорликда — тижорат банклари, фонд биржалари, инвестиция ва бошқа фондлар ҳисобланади.

Тадбиркорлик ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг қуйидаги турлари мавжуд: — хусусий тадбиркорлик, юридик шахс бўлмаган тадбиркорлар фаолияти; — кичик бизнес (кичик корхоналар); — хўжалик ва ижтимоий бирлашмалар тадбиркорлиги; — фермер (деҳқон) хўжалиги асосидаги тадбиркорлик; — ижара ва жамоа хўжаликларидаги тадбиркорлик; — чет эллик шериклар билан қўшма тадбиркорлик.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши хўжалик юритиш эркинлигининг шаклланиши, маъмурий-ҳуқуқий чеклашларнинг қисқариши, иқтисодиётнинг хусусий тадбиркорликни, энг аввало, кичик бизнесни рағбатлантириш йўли билан амалга оширилмоқда. Мамлакат сармоя бозори тез суръатларда кенгайиб бормоқда ва хусусий бизнесни маблағ билан таъминловчи база бўлган янги молиявий қонунлар қабул қилинмоқда ҳамда муассасалар ташкил этилмоқда, бозор инфраструктураси ривожланмоқда.

Тадбиркорлик ҳозирги Ўзбекистонда фақат сиёсий иқтисод фанининг асосий категорияларидан бири ва бозор муносабатлари ҳукмрон жамиятда иш юритишнинг асосий усуллари билан бири, десак, бу тушунчанинг барча маъносини очиб беролмаймиз. Мустақил Ўзбекистонни мустақамлашда бизга ҳозирги кунда энг етишмайдиган сифат, жиҳат ва хусусият тадбиркорликдир, яъни ишни, мақсадни амалга оширишда, рўёбга чиқаришда пухта ўйлаб тузилган ва ишлаб чиқилган амалий чораларга эга бўлиш, уни изчиллик ва собитқадамлик, мустақил фикр юритиш, масалаларни ижодий ҳал қилиш, шижоат ва тезкорлик билан иш юритиш, — буларнинг ҳаммаси кундалик ҳаёт тарзимизга ва турмуш қоидаларига айланиши даркор. Ўтиш даври шунинг учун ҳам чўзилиб кетмоқдаки, ҳозирги даврда иш бошида турган кишиларнинг кўпчилиги истибдод даврида руҳан ва жисмонан шаклланган. Уларга яқин ўтмишда ҳукмрон мафкура ва сиёсий тузум партия ва ҳукуматнинг кўрсатмаси билан ишлашни, ҳамма вақт юқоридан буйруқ ва тавсияни қутишга ўргатган, номустақиллик руҳини, қарамлик, боқимлик майлларини уларнинг онгига сингдирган. Тадбиркорлик бу «хислат» ва «хосиятлар»ни инкор этади.

ТАЛАБ-ЭҲТИЁЖНИ ЎРГАНИШ АСОСИДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ — Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда ҳозирги замоннинг етакчи давлатларида шаклланган фан ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг мураккаб усули. Бу фаннинг келиб чиқиши ва шаклланиши, аста-секин жаҳоннинг илғор мамлакатларига тарқалиши, XIX—XX асрлар давомида фан, техника ва технологиянинг ривожланиши, бу борада улкан сифат ўзгаришлари юз берганлигининг натижасидир.

XIX асрнинг бошларида жаҳондаги иқтисодий алоқаларни XX аср охиридаги вазиятга қиёсласак, шу икки аср давомида фан, техника ва технология мислсиз даражада ўзгарганлигини кўрамиз. Бу ўзгаришлар натижасида ишлаб чиқариш шу даражада кўп маҳсулот бера бошладики, бозор уни ўзига сиғдиролмай қўйди. Шу боисдан, XIX аср ва XX асрнинг биринчи ярми давомида, иқтисодий бўҳронлар, бозор танглиги, ишсизлик, ишлаб чиқариш ва трестларнинг, концернлар ва бирлашмаларнинг хонавайрон бўлиши, синиши оддий ҳолга айланди.

Инсоният ўзининг аччиқ тажрибаси асосида бу фалокатлар гирдобидан чиқишнинг йўлини қидира бошлади ва аста-секин, ишлаб чиқаришни бошлашдан олдин, биринчи навбатда, бозорни, эҳтиёжни ҳар томонлама ўрганиш зарурлигини англади. Ана шу асосда, айниқса, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, жамиятдаги талаб-эҳтиёжни ўрганиш кун сайин мураккаблашиб борди, кўптармоқли мураккаб фанга айланди.

Аммо бозорни ўрганиш ишини биргина фирма ёки бирлашма эмас, ўнлаб-юзлаб худди шундай фирмалар ва бирлашмалар олиб боргани сабабли, биринчидан, бутун дунё улкан бир бозорга айланди, ва иккинчидан, бу бозорда савдо қилиб, ўз сармоясини кўпайтирмақчи бўлганлар орасидаги рақобат мисли кўрилмаган даражада кескин тус олди, у ҳаётнинг одатдаги қоидасидек қабул қилинадиган бўлди. Бу эса қисқагина давр ичида, яъни фақатгина ярим аср давомида, қатор мамлакатларнинг бозор маданияти (маркетинг), маҳсулот сифати, кишиларга хизмат кўрсатиш даражаси бўйича ниҳоятда илгарилаб кетишига замин бўлди.

Оддий тилда кўпинча «Маркетинг» деб аталмиш бу фаолият янги товарни ишлаб чиқариш ғоясидан тортиб уни амалда ишлаб чиқарган ҳолда истеъмолчиларга етказишгача бўлган жараённи ўз ичига қамраб олади. Маркетинг бизнес оламида кенг қўлланиб, истеъмолчиларнинг эҳтиёж ва талабларини юқори даражада қондиришга қаратилган. Бу соҳада асосий мезон сифатида — битим хизмат қилади. Битим, бу — бозорда сотувчи ва харидор ўртасидаги савдосотиқ (айирбошлаш) шартномаси (келишуви)дир. Маҳсулотнинг тури, ишлаб чиқаришининг хусусияти ва сотувчи (яъни ишлаб чиқарувчи)нинг мақсадларига қараб, маркетинг бир неча турларга бўлинади.

Бозор шароитида харидорга бўлган эътибор катта аҳамиятга эга бўлиб, маркетингнинг устунлари (асослари)дан бири ҳисобланади. Маркетинг фаолияти мураккаб жараён, уни амалга ошириш учун қуйидаги босқичлардан ўтиш керак: 1. Бозорни тўла ўрганиш (умумий ҳолати, сиғими, динамикаси, тузилиши ва рақобатчилар); 2. Корхонанинг са-

лоҳиятини аниқлаш (бозордаги ўрни, илмий-техник потенциали, рақобатбардошлиги, моддий ва молиявий ресурслар билан таъминланганлиги ва ҳоказо); 3. Корхона мақсадларини уларнинг ўзаро мувофиқлигини инobatга олган ҳолда шакллантириш; 4. Бозор прогнози, яъни доимий кузатувларни олиб бориш, қисқа, ўрта ва узоқ муддатли режаларни ишлаб чиқиш; 5. Тактик йўналишни ишлаб чиқиш (бозор фаолиятининг ҳар бир босқичида — маҳсулот билан бозорга чиқишдан тортиб уни бозордан олинишигача — белгиланган сиёсатни амалга ошириш учун зарур воситаларни танлаш); 6. Стратегик йўналишни ишлаб чиқиш (қўйилган мақсадларга эришиш учун керакли иш усуллари излаб топиш), одатда бу узоқ муддатли режаларда акс эттирилади; 7. Талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш; 8. Бошқарувга оид қарорлар таҳлили, кузатуви ва қабул қилиниши ҳамда назорат.

Корхона (фирма, бирлашма ва ҳоказолар) бозорда ўз ўрнини эгаллаб, уни мустақамлашга, маҳсулотининг рақобатбардош ва харидоргир бўлишини ҳамда олаётган даромадининг ҳажми ошишини мақсад қилиб қўйган бўлса, маркетинг фаолияти доим тўғри ва сифатли олиб борилиши лозим.

ТАРИХИЙ ХОТИРА — миллий ғурур ва ифтихор ҳиссининг заминларидан бири.

Миллат ва элатлар аста-секин, тарихан ташкил топадилар. Бу жараён, вазиятга қараб, бир неча ўн йилдан бошлаб бир неча асргача чўзилиши мумкин. Ана шундай узоқ давр уларга ўзларини англаш, тилини, маданиятини, урф-одатларини, маънавият, маърифат, анъаналар, урф-одатлар ва расм-русумларни бутун бир ўзаро боғланган тизим ҳолига келтириш учун керак. Демак, миллатнинг шаклланиши, айна вақтда миллат томонидан ўз ўтмишини, ўз тарихини, аждодларининг меҳнати, қаҳрамонлиги, миллий маънавият ва маданиятининг барча йўналишлари, тармоқлари, хилма-хиллигини ҳамда ўзига хослигини ўрганишдир, уларга ишлов бериб, шу жараёнда такомилланишдир. Тарихий хотира миллатнинг, халқнинг ўз ўтмишини билиши, бу ўтмишни таҳлил қилиш, ундаги бўлиб ўтган воқеалар ва ҳодисаларнинг асл моҳияти ва тарихдаги ўрнини асослаб беришни талаб қилади. Ўз ўтмишини билмаган миллат миллий ғурур ҳиссини яши билмайди, бошқа миллатлар, ва айниқса ҳозирги замоннинг йирик миллатлари тили, адабиёти, маданиятига сажда қилади, шу тариқа ўзини камситади.

Миллатнинг тарихий хотираси қанчалик бой, мазмунли ва узвий боғланган бўлса, бу миллат шунчалик уюшган, тadbиркор, ҳаракатчан, ҳамжиҳат бўлади, ўз аждодла-

ри ва авлодларининг шаънига ярашадиган хизматларни, ишларни бажаришга интилади. Ҳозирги замон ва бозор муносабатлари — миллатларнинг ўзаро ижобий ва ижодий мусобақаси давридир. Бу мусобақада олдинги ўринда бўлиш учун йирик миллат бўлиш шарт эмас. Йирик бўлмаган голландлар, шведлар, финлар, сингапурликлар, жанубий корейликлар йирик миллатлар ва йирик давлатларни ҳамма соҳада ҳам лол қолдирмоқдалар. Тарихи бой ўзбек миллати ҳам ана шундай кўрсаткичларга эришиш йўлидан изчил бормоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 48-сессиясида сўзга чиққанида, Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов «Биз уч минг йиллик тарихга эгамиз», деган эди. Афсуски, бундай катта тарихимизни биз чалакам-чатти биламиз. Чунки шўролар даврида асосий диққат СССР ва Россия тарихига ажратилди. Биринчидан, биз ислом давригача бўлган тарихимизни ниҳоятда юзаки тасаввур этамиз. Иккинчидан, ундан кейинги даврларни олсак, масалан, Амир Темур тўғрисида сўз очиш тақиқ остида эди. Учинчидан эса, инсониятнинг фалсафий тафаккурига улкан ҳисса қўшган Марказий Осиё мутафаккирлари, ва шу жумладан, тасаввуф фалсафаси вакиллари ҳақида ҳам таҳлилий иш олиб бориш маъқулланмас эди. Тўртинчидан, XIX—XX асрлардаги ўзбек халқининг миллий-озодлик кураши, жадидчилик ва бошқа тарихий воқеалар ҳам таъқиб остида эди. Бу даврлар тўғрисида ҳақиқатни тиклаб, бой тарихимиз мазмунини тўла ёритиб, биз ўз тарихий хотирамизга содиқ эканимизни кўрсатамиз. Бу борада биз ишнинг бошланғич қисмида турибмиз.

Ҳар бир ўзбек, ўз миллати ва унинг тарихи тўғрисида ўйлар экан, «халқимиз қачон ва нимадан бошланган?» деган саволни ўзига ёки бошқаларга бериши муқаррар. Истибдод даврида яратилган илмий асарларда «биз халқ (элат) сифатида X—XII асрларда шаклландик» дейилади. Бу назарий ва методологик жиҳатдан нотўғри фикр, чунки у халқимизнинг шаклланишига асос сифатида тил омилини олади. Ҳолбуки, тил халқнинг шаклланишига таъсир кўрсатадиган омиллардан бири, холос. Иккинчидан, минг йиллар давомида Амударё ва Сирдарё оралиғини ва уларнинг атрофларини ўзлаштириб, инсоният моддий ва маънавий маданиятининг масканларидан бирига ўз меҳнати, садоқати, муҳаббати, изчиллиги натижасида айлантирганларнинг ҳаммаси халқимизнинг илдизлари, аждодлари деб билиш тарихий ҳақиқатга яқинроқдир. Улар маълум асрларда бошқа худоларга сажда қилганлар, бошқа тилда сўзлашганлар, бошқача урф-одатларга эга бўлганлар, чунки замонлар ўтиб, тиллар ҳам, динлар ҳам ўзгарган, аммо улар шу маконни моддий ва маънавий маданият марказига айлантириб, бизга қолдираб

кетганлар. Бизнинг вазифамиз — улар қолдирган меросни асраб-авайлаб, уни янада бойитишдир. Халқимизнинг тарихини тушунтиришда биз шу йўлдан бормасак, тил омилини ялов қилиб олиб, «туркий халқлар келгинди халқлар» деб, Ўрта Осиёнинг туб ерли халқлари орасига раҳна солувчиларнинг қўлига дастак тутамиз.

Демак, тарихий хотирамиз ҳозирги вазиятда катта амалий аҳамиятга эгадир. У давлатимизнинг, халқимизнинг манфаатларига хизмат қилиши лозим.

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» — XIV—XV асрлар воқеалари ва ҳаётини ёритувчи қимматли манба, Амир Темурнинг ҳарбий ва сиёсий фаолиятдан маълумот берувчи асар. Қачон ва ким томонидан ёзилганлиги асарда кўрсатилган эмас.

«Темур тузуклари»даги барча воқеалар Амир Темур номидан ҳикоя қилинади. Асли эски ўзбек тилида ёзилган, форс, француз, инглиз, урду, рус ва ҳозирги ўзбек тилига ўтирилган. Бу асар икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда салтанатни қўлга киритиш учун олиб борган урушлари ва бу борада ўз яқинлари билан ўтказган кенгашлари, амирлар билан олиб борган музокаралари ҳақидаги тафсилотлар диққатни жалб қилади. Буюк соҳибқироннинг кучли марказлашган давлат тузиш ва қўшни мамлакатларнинг ўз тасарруфига ўтказиш борасидаги фаолияти ҳақида муфассал сўз юритилади. Хусусан, Мовароуннаҳргагина эмас, балки, қадимий Русияга ҳам хавф солиб турган Олтин Ўрда хони Тўхтамишхонга Амир Темурнинг жиддий зарба бериши Русиянинг мўғул истилосидан қутулишини енгиллаштиргани диққатга сазовордир.

«Темур тузуклари»нинг иккинчи қисмида Амир Темурнинг давлатни бошқариш, мамлакатни идора қилиш услуби ҳақидаги тузуклари, яъни йўл-йўриқлари, қонун-қоидалари, панд-насихатлари ўрин олган. Жумладан, салтанатни бошқаришда Амир Темур ислом дини ва шариат талабларига, адолат, инсоф ва ҳақиқатга таянади, турли табақа ва тоифага мансуб кишиларни тенг кўриб, қилган хизматига қараб, уларни ҳурмат қилади, мамлакатни бошқаришда энг аввало олиму фузало, саййидлар, шайхлар ва орифларга таянади. «Темур тузуклари»да дўстлик, вафодорлик, иймон ва эътиқод, касб-ҳунар ва бошқа инсоний фазилатларга риоя қилиш тўғрисида фикр юритилади, фуқароларнинг шариат қонун-қоидаларига бўйсунуш лозимлиги айтиб ўтилади, қозиларнинг қонунларга тўла амал қилиш, тартиб-бузарларни аямай жазолаш, сипоҳлар ва аскарларни сақлаш ва уларга озиқ-овқат, маош тўлаш қоидаси, вазирлар ва уларнинг вазифалари, амирлар, сипоҳлар ва бошқаларни тақдирлаш

тартиблари, уларнинг бир-бирларига муомаласи ва турли бошқа масалалар бўйича муфассал маълумот берилади.

«Темур тузуклари»даги кўплаб фикрлар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ ва мустақил Ўзбекистонни мустақамлашда ундаги фикр, хулоса, панд-насиҳатлардан фойдаланилмоқда.

ТОТАЛИТАРИЗМ (лотинча «totalitare» — яхлит, тўлик) — жамият ҳаётининг оғир вазиятида тарихий зарурият туфайли бир шахс, ижтимоий синф ёки гуруҳнинг (масалан, ҳарбийлар гуруҳи) яккаҳокимлигига сўзсиз бўйсунтиришга асосланган, вақтинча ва ўткинчи сиёсий тартиб, давлатни бошқариш шаклларида бири. Тоталитар давлат бошқарув шакли жорий қилинган мамлакатларда жамият ҳаётининг барча соҳаларида давлатнинг тўла ҳукмронлиги ўрнатилади, ошкора ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг фаолияти устидан қаттиқ назорат олиб борилади, демократик ташкилотлар фаолияти чеклаб қўйилади. Тоталитаризм, давлат бошқаруви тепасига келган кучларнинг ижтимоий-сиёсий моҳияти ёки йўлбошчи шахснинг қайси вазифаларни ўртага ташлашига қараб, жамиятни тескаричилик томон тортиши, ёки аксинча, мамлакатни тараққиёт йўлига олиб чиқишнинг йўналишларидан бири бўлиши мумкин.

Тоталитаризм вакиллари ўта марказлашган ҳокимият тизими ўрнатилган кучли давлатни ташкил қилиш, мамлакатни бошқаришда яккаю ягона партиянинг ҳукмронлигини таъминлаш, давлат органларидаги асосий мансабларни шу партия аъзолари ўртасида тақсимлаш, барча давлат органлари, мансабдор шахслар фаолияти ва омма ҳаёти устидан партия назоратини ўрнатиш, давлат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини партия марказий ташкилоти томонидан белгилаб берилиши, давлат ва партияга раҳбарлик қилишни якка шахс — доҳий қўлида тўплаш каби ғояларни илгари сурадилар. Худди шундай ҳолатни шўролар мамлакатида кўрдик.

Назарий асарларда, тарғибот ва ташвиқот воситаларида социализм тарихда энг демократик, ҳуқуқий ва халқпарвар жамият дейилган бўлса ҳам, ҳаёт у тоталитаризмнинг шаклларида бири эканлигини кўрсатди. У ҳукмрон йилларда барча социалистик давлатларда коммунистик партияларнинг қатъий яккаҳокимлиги ўрнатилди. Собиқ СССРда ижтимоий ҳаёт бўғиб ташланди, ижодий кучларнинг талай қисми қатағон этилди, қолганлари таъқиб ва доимий назорат остида бўлдилар, мамлакат аҳолиси тарқибдаги юздан ортиқ миллат ва элатларни бир бутун, яхлит «совет халқи»га айлантириш сиёсати амалга оширилди.

XX аср давомида социалистик давлатлардан ташқарида тоталитаризм ғояси ва моҳияти ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва жамиятнинг ақлан ҳамда руҳан такомиллашиши жараёнида жиддий ўзгарди. Юзйилликнинг биринчи ярмида жамият ички зиддиятларининг кескинлашиши натижасида талвасага тушган ҳукмрон буржуа ва бу талвасадан ўз синфий манфаатларида фойдаланмоқчи бўлган пролетариат раҳнамолари тоталитар тузум ўрнатиш орқали жамият тараққиётини ўз мақсадлари томон буришга уриниб кўрдилар. Бунинг мисолларини Италияда ва Олмонияда фашист тузумларини, собиқ Россия империясида пролетариат диктатурасини жорий этишда, уларнинг тазйиқи ва кўмагида уришдан кейинги даврда Шарқий Оврупо ҳамда қатор бошқа мамлакатларда социалистик тизим ўрнатишда кўрдик. Асрнинг ўрталаридан бошлаб, тоталитаризм тузumi тарафдорлари жамиятда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олган демократия, инсонпарварлик, ҳуқуқий давлат ғоялари билан ҳисоблашишга мажбур бўлдилар. Бундай мослашишсиз «соф» тоталитаризм ғоялари халқ томонидан қабул қилинмас эди. Тоталитаризм тузumi ўрнатилган мамлакатлар тарихи берадиган ҳаётий далилларни ўрганар эканмиз (Испанияда Франко сиёсатининг 50—60-йиллардаги натижалари, Чилида Пиночет ҳукмронлиги даври натижалари ва бошқалар), тоталитаризм кейинги даврда қандай қилиб шаклан ва моҳиятан ўзгара бошлаганини кўрамиз.

Мустақил Ўзбекистон ўз ички ва ташқи сиёсатини белгилашда жаҳон ижтимоий-сиёсий тараққиётида мавжуд бўлган барча ғоя ва тажрибаларни ижодий ўрганиш йўлидан бормоқда, тоталитаризмни рад этиб, ўтиш даврида давлатнинг ва Президентнинг ҳал қилувчи ролини инobatга олган ҳолда, ягона партия ёки мафкура яккаҳокимлигига йўл қўймайди. Янги сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатлар тузиш эркин равишда ва қонунлар асосида олиб борилади. Ҳар бир партия ўз фаолиятини мустақил равишда ташкил қилади, ўз газета ва журналларига эга, давлат органларига ўз вакилларининг демократик сайлов йўли билан ўтишига ҳаракат қилади.

ТУРКИСТОН — она-Ватанимизнинг азалий мўтабар номи.

Қадимги туркий, паҳлавий, хитой, ҳинд, араб, яҳудий, гуржи, арман, қароим, юнон, лотин, славян ва бошқа ёзма манбаларда юртимиз шу ном билан аталган. Туркистон халқимиз тарихий хотирасида (Табарий, Байҳақий, Наршахий, Хондамир, Улуғбек, Абулғозий, Баёний, Ибрат, Бартольд, Тўғон, Олтунхон Тўра, Т.Рискулов, Соғуний ва бошқалар) ҳам, оғзаки ижодида (Маликаи Айёр, Гўрўғли, Алпомиш

каби достон, эртақ ва афсоналарда) ҳам ана шу муқаддас номни асраб-авайлаб келган.

1867—1886 йиллардан эътиборан қўлланила бошлаган «Туркистон ўлкаси» истилоҳи ҳам муайян маънода мазкур илмий-тарихий ҳақиқатни, чоризмнинг стратегик мақсад, режалари доирасида бўлса-да, акс эттирар эди. Шўролар мустабид тузуми зўравонлик билан «Туркистон» атамасини жуғрофий, тарихий-этник ва сиёсий истилоҳлар тизимидан, амалий ҳаёт — тарихдан чиқариб ташлашга, унуттиришга уринди.

Туркистон — «туркий халқлар яшайдиган ўлка, юрт, жой», муқаддас ўчоқ, қадимги туркий битиклардаги «Турк будун» мазмунини ифодалайди. Туркистон тарихий-анъанавий жиҳатдан кенг маънода куйидаги қисмлардан иборат: а) Марказий Туркистон (ҳозирги Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон, қисман Тожикистон); б) Шарқий Туркистон (Ички Мўғулистон, Хитойнинг Синцзян-Уйғур Мухтор вилояти, Қорақурум); в) Жанубий Туркистон (Тоғли Бадахшон, Кўксув, Шимолий Ҳиндистон — Жамму-Кашмир вилоятлари, Шарқи-шимолий Афғонистон); г) Ғарбий Туркистон (Эроннинг шимоли, Кавказ, Хазар — Каспий ҳавзаси); д) Шимолий Туркистон (Шимолий Қозоғистон, Эдил — Булғор (Волга) бўйи, Жанубий Ўрол тоғларигача чўзилиб кетган Турон пасттекислиги, Об, Энасой (Енисей), Элуна (Лена) оралиғи, Сабар (Сибирь).

Тор маънода «Туркистон» деб, асосан Марказий Туркистон тушунилади.

Ўзбекистон, ўз стратегик ўрни, иқтисодий-технологик ва маданий салоҳияти, иқтидори жиҳатидан, Чингиз Айтматов иборасига кўра, Туркистоннинг ворисидир. Мустақилликка эришилган йиллардан эътиборан «Туркистон» атамаси тарихий-сиёсий, маданий-этник атама сифатида қайтадан муомалага киритилди. У жуғрофий-техникавий ном сифатида эмас, балки ижтимоий-этник ва тарихий-маданий маънода тенг қўлланила бошлади.

Тарих азалидан то ҳозирги кунигача Туркистоннинг ўрни, мавқеи ва аҳамияти унинг бирлигидадир. Шунинг учун ҳам Туркистоннинг келажаги тўқ-фаровон ва саодатли дейиш мумкин.

Ўзбекистон Туркистоннинг ўзагидир. Ўзбек миллати Туркистонда муштарак этувчи куч, ўзининг алоҳида ўрни, жавобгарлиги ва тарихий масъулиятини бутун бўй-басти билан англаши, минтақадаги ҳозирги ижтимоий-технологик тараққиётда ўз мавқеини эгаллаши лозим. Бу масала, айниқса Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ)нинг ривожланиш жараёнида маълум бўлаётган янги сиёсий тамойиллар туфайли жиддий аҳамиятга эгадир. Яъни МДҲ таркибидаги

баъзи давлатлар, мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида пайдо бўлаётган қийинчиликлардан фойдаланиб, МДХ асосида собиқ Шўро Иттифоқига ўхшаш бир давлат, бир миллат бошчилигидаги сиёсий тузумни зимдан ҳаракат қилиб тикламоқчилар. Бу эса мустақилликка жиддий путур етказиши шубҳасиздир. Шундай вазиятда Марказий Осиё давлатлари ҳар жиҳатдан ҳушёр ва огоҳ бўлишлари керак. Бу масалада Ўзбекистоннинг ўрни алоҳидалиги шубҳасиздир. Чунки у минтақа марказидаги, аҳоли сони жиҳатидан йирик, моддий ва маънавий маданияти бениҳоя бой давлатдир.

ТУРОН (форсча «турон» — туркийлар деган маънони англатади) — туркий халқлар яшайдиган ҳудудларни билдирувчи ижтимоий, тарихий-этник атама.

«Турон» атамаси бундан 2500—3000 йиллар олдин қўлланила бошлаган. «Турон» атамаси ёнида, у билан бирга, унинг маънодошлари сифатида «Турк юрт», «Турк эли», «Турк будун», «Туркистон» атамалари ёзма битикларда учрайди ва туркий халқларнинг жаҳоний ҳамда ижтимоий-этник бирлигини ифодаловчи асосий тушунча ва ном сифатида XX асргача етиб келган.

Туронни жуғрофий-тарихий таърифлаганда, унинг ҳудудлари Тинч океандан Ўртаер денгизидаги Эгей-Адреатикагача, Шимолий Муз океанидан Тибет, Ҳимолай тоғларигача, Шимолий Ҳиндистондан Онадўлгача, яъни ҳозирги Туркиягача бўлган ҳудудларни, уларда яшовчи туркий халқлар Ватанини билдиради.

Турон аталмиш улкан ҳудуднинг марказий қисми жуғрофий жиҳатдан «Турон пасттекислиги» деб аталади ва асосан Ўрта Осиёнинг шимоли-ғарбий ҳамда Қозоғистоннинг жануби-ғарбини ишғол қилади, ғарбда Каспий денгизи, шимолда Урол тоғи олдиғача, шарқда Тяньшань этакларигача, жанубда Помир ва Копетдоғгача етиб боради.

Туронда Алп Эр Тўнга, Афросиёб, Кушоншоҳлар, Шарқий ва Ғарбий турк ҳоқонликлари, Аварлар, Атилла, Парфия, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Чингизхон-Чигатой, Темурийлар, Усмонлилар, Эдилбўйи-Сабар (Сибирь) хонлари, Шайбонийлар, Аштархонийлар, Манғитлар давлатлари, салтанатлари, Хива, Қўқон хонликлари, XX аср бошларигача узлуксиз давом этиб келган. Шундай қилиб, «Турон» калимаси турклар деган маънони билдирганлиги учун, ўз чегарасидаги барча туркий халқларни ўзига қамраб олган умумий бир номдир. «Турон» сўзини барча Турк шўьбаларини ўз ичига оладиган Улуғ Туркистон, деб аниқлаб олмоққа ҳам маълум асос бор. Турон бутун туркий халқларнинг мозийда ҳам ва истиқболда ҳам бирдан-бир буюк Ватанидир.

XX асрнинг биринчи чорагида яшаган барча улуғ мужоҳидларимиз, маърифатчиларимиз, айниқса, Фитрат, Беҳбудий, Мунаввар Қори, Чўлпон, Боту, Элбек, Олтой, Ҳамза, Авлоний каби сиймоларимиз қатор шеърлари, дostonлари; пьесалари, илмий асарларини Туронни улуғлашга бағишлаганлар, «Турон», «Улуғ Турон» жаридаларини нашр этганлар. «Турон» атамаси барча туркий халқларнинг табиий-илоҳий, маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий бирлиги, масъулияти, юксак шаън-шавкати ва гурурини ифодаловчи чуқур маъноли тушунчадир. «Турончилик мафқураси» Алп Эр Тўнгадан бошлаб, Амир Темур ва «Туркистон Мухторияти» гача туркий халқларнинг жаҳоний яратувчилиқ, ижодкорлик фаолияти ва руҳини ўзида мужассамлаштирган.

Ижобий маънодаги «Турон мафқураси»нинг халқимизга XX аср авваларидаги Оврупо мафқурачилари ғаразли ниятлар билан тиқиштиришга уринган «пантуркизм» билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Чунки, «Турон мафқураси» иқтисод, сиёсат, турмуш тарзи, анъана, урф-одат, қонунчиликда очиқ тизимлиликни, дин ва иймонда эътиқодий бағри кенгликни, ижодий эркинликни, ҳаётбахшликни устувор қадриятлар деб уқтиради; бу мафқура туркий халқларни бошқа халқлардан устун санамайди, уларга қарама-қарши чиқмайди, ниҳоясиз уруш, жанжал, низо ва қутқу ҳолатларини туғдирмайди. Ҳолбуки, «пантуркизм»ни тиқиштирувчилар ана шундай айбларни, қилинмаган гуноҳларни туркий халқлар бўйнига қўймоқчи бўлганлар. Бу билан улар бошқа халқларни «Туркий халқлар гегемонлиги»дан хавфсирашга ундаганлар, уларнинг бирлашишига ва мутараққий йўлга тушиб олишларига тўсқинлик мақсадида иш олиб борганлар ва бормоқдалар.

Дин-иймондаги эътиқодий бағри кенглик, сабр-тоқатлик, инсонпарварлик, ижодкорлик, туркий мустақил давлатлар тараққиёт йўлининг асосий устувор қадриятлари бўлиб бормоқда, умумбашарий туркий цивилизациянинг узил-кесил шаклланишига ва унинг жаҳон моддий ҳамда маънавий маданиятига киритаётган улушининг ортиб боришига хизмат қилмоқда.

«ТўРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ» деб, жамиятдаги оммавий ахборот воситалари (ОАВ)нинг, яъни рўзномалар, ойномалар, радио, телевидение ва оммавий ахборот тарқатишнинг бошқа воситаларининг жамият аъзоларига таъсир кучига айтилади.

Ҳокимиятнинг учта асосий тармоғи — қонун чиқарувчи, ижро қилувчи ва суд тизими ҳокимиятларидан фарқли ўлароқ, «тўртинчи ҳокимият» улар каби, милиция, прокуратура,

миллий давлат хавфсизлик хизматига ўхшаш, ўз фикри-қарорини мажбуран амалга оширадиган органларга эга эмас. Шу жиҳатдан «Тўртинчи ҳокимият» тўғри маънода эмас, балки кўчма маънодаги ҳокимиятдир. Аммо «Тўртинчи ҳокимият», худди ҳақиқий ҳокимият каби, жамиятнинг турли соҳалари фаолиятини таҳлил этади, назорат қилади, уларни бошқариш ва ташкилий томонларини ўрганади, бу борадаги камчиликлар ва хатоларга омманинг, ҳокимият тармоқларининг диққатини жалб этиб, жамият тараққиётини тезлатишга, долзарб масалаларнинг ўз вақтида ва самарали ҳал этилишига кўмаклашади, мамлакат раҳбариятига ички ва ташқи сиёсат, иқтисод ва маданият-маънавият соҳасида тўғри қарорлар қабул қилиш учун замин тайёрлаб, халқ оммаси фикри ва ҳаракатларига ижобий йўналиш беради. Шу йўла аҳоли ОАВ орқали давлатни бошқаришда қатнашади ва ундан қўшимча восита сифатида фойдаланади. Айни вақтда, ҳокимият ҳам ОАВдан ўз сиёсатини тушунтириш, кенг оммага етказиш, уни янги бунёдкорлик фаолиятига сафарбар қилиш учун фойдаланади.

Демак, «тўртинчи ҳокимият» ҳокимиятни кенг омма билан ва халқни ҳокимият билан боғлашнинг самарали воситасидир, ҳокимият ва омма хатти-ҳаракатларида нотўғри, ноўрин чора-тадбирларнинг олдини олиш йўлларидан биридир. Жамиятдаги тескаричи кучлар ва гуруҳлар «Тўртинчи ҳокимият»дан ўзларининг қора ниятларида фойдаланишлари мумкин, тараққийпарварлик тарафдорлари учун эса у халқни, оммани сафарбар этишнинг қуроли ва минбаридир.

Мустақил Ўзбекистонда замонавий «Тўртинчи ҳокимият»нинг ҳар томонлама фаолияти учун барча шарт-шароитлар яратилган, ОАВ бир неча тилда, турли шаклларда юритилади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларидан, бошқа мамлакатлардан телевидение, уларнинг газеталари, журналлари, радиоси орқали турли ахборот олинади. «Тўртинчи ҳокимият» мустақилликни мустаҳкамлашнинг зарурий воситаси, халққа ҳуқуқий, илмий, сиёсий, ахлоқий, маънавий маърифат тарқатиш ва демократия минбари сифатида намоён бўлмоқда.

«У»

УЛУҒБЕК ВА УНИНГ АКАДЕМИЯСИ — Амир Темурнинг набираси, Шоҳрухнинг ўғли Муҳаммад Тарағай Улуғбек (1394--1449) дунёда давлат арбоби ва олим сифатида

маълум ва машҳур. Улуғбек, 17 ёшидан бошлаб то вафот этгунича, 39 йил Мовароуннаҳрга ҳокимлик қилади. Лекин тарихда буюк табиатшунос олим, мунажжим ва математик сифатида донг таратган, ўша даврларда тенги бўлмаган Самарқанд астрономия обсерваториясини яратган, ўз замонасининг йирик академиясини ташкил қилган, «Зийжи Кўрагоний» китобини ёзиб қолдирган. Шунингдек, бошқа соҳаларда ҳам ижод қилган. Масалан, «Тўрт улус тарихи»ни ёзган. Бир қанча мадраса ва маърифат масканларини қурдирган. Илмли бўлиш, илмий ҳақиқатни ечиш инсон учун олий фазилат эканлигини алоҳида таъкидлаган.

Улуғбек фанда кузатиш усулига ва илмий асбобларнинг ролига катта эътибор беради, илмий тадқиқотда математик воситалар ва маъниқий усуллар ўрнини алоҳида қайд этади. Унинг илмий фаолиятининг муҳим фазилатларидан бири — тадқиқотни мавҳум мулоҳазалардан эмас, балки жонли мушоҳададан бошлаганлигидадир; шу асосда мавҳум умумлашмалар чуқур абстракцияларга ўтади.

Улуғбекнинг жадваллари баён этилган «Зийж»ида жаҳонда ҳар хил халқлар йил ҳисобларидаги эралар ва уларнинг ўзаро муносабатлари, вақтни аниқлаш, экватор, эклиптика, азимут, кенглама, узунлама, умуман, самовий жисмларнинг координатлари ва ҳаракат хусусиятлари, Кўёш ва Ой тутилишлари, самовий жисмлар ҳаракатлари тенгламалари, ҳаракат жадваллари, юлдузлар ва сайёралар нурлари каби масалалар тарихда қандай бўлган, табиий жисмлар ҳаракатининг қонуниятлари қандай деган саволларга жавоб берган. Улуғбек астрономияси геоцентризмга асосланган бўлса-да, унинг астрономияга тегишли математик мулоҳазалари эскирмайди ва ҳануз илмнинг ривожига хизмат қилмоқда.

Улуғбек илмий меросини ўрганишга биринчи бўлиб Оврупо олимлари алоҳида аҳамият беришди. Поляк, инглиз, француз астрономлари, кейинчалик, немис шарқшунослари ва Оврупонинг бошқа йирик олимлари унинг асарларини атрофлича ўргандилар ва нашр эттирдилар. Ўз замонининг энг етук олти астроном олимларининг биринчиси деб тан олинган. Бизнинг асримизда қатор олимлар Улуғбек илмий ижодини ўргандилар, илмий таҳлил қилиб бердилар.

Улуғбек академиясида бир қатор йирик олимлар хизмат қилганлар: Гиёсиддин ал-Коший, Қозизода Румий, Али Қушчи ва бошқалар. Мазкур академияда истаган тригонометрик функцияларни бир даражанинг синуси ёрдамида аниқлаш — итерацион алгоритм — кашф этилди; «Пи» сонининг энг аниқ қиммати топилди ва ҳоказо.

Улуғбек Аллоҳнинг қудратига ишонган. Улуғбек, Жордано Бруно каби атеистик дунёқараши туфайли ўлдирилган, деб келинган фикр ҳақиқат эмас. У асосан, ижтимоий тўқнашув-

лар сабабли, жоҳил фитначилар томонидан ўлдирилган, десак ҳақиқатга яқинроқ бўлади. Улуғбек ўз ватанига 40 йилча хизмат қилди, ўз юртини ҳамда жаҳон фанини ривожлантирди. Шунинг учун ҳам, ЮНЕСКО Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини жаҳон миқёсида ўтказди. Халқимизнинг Улуғбекка бўлган ихлоси ниҳоятда баланд. Тошкент Давлат университети, Тошкент астрономия институти, Китобдаги халқаро кенглик станцияси, Самарқанд архитектура-қурилиш институти ва бир қанча мактаблар, шаҳарчалар; Тошкентда метро станцияси ва кўчалар унинг номида. Мустақил Ўзбекистонимиз тарихида у мустаҳкам ўринни эгаллаган.

УНИТАР ДАВЛАТ (французча «unitaire», лотинча «unitas» — бирлик, яхлит, бирлашган, бир бутунни ташкил қилувчи) — ташкил қилувчи қисмлари давлат мақомига эга бўлмайдиган давлат. Бундай давлатда ягона конституция, ягона фуқаролик, ягона олий қонун чиқарувчи, ягона бошқарув ва суд органлари мавжуд бўлади. Унитар давлатнинг у ёки бу қисмида фаолият кўрсатаётган давлат органлари маҳаллий давлат органлари ҳисобланади. Унитар давлат маъмурий-ҳудудий бирликларининг чегаралари марказий органлар томонидан қабул қилинган қонунлар асосида ўзгартирилади ва бунинг учун маҳаллий давлат органлари ёки аҳолининг розилиги талаб қилинмайди. Давлат органлари ўз фаолиятларини марказдан тайинланадиган махсус вакил (губернатор, комиссар; ҳоким ва ҳоказо) назорати остида амалга оширадilar.

Давлатнинг унитар ёки ноунитар шаклда ташкил қилиниши мавжуд тарихий, миллий, жуғрофий, ҳудудий ва бошқа қатор омилларга боғлиқ. Баъзи вазиятларда унитар давлат жамиятни бошқаришнинг энг қулай ва самарали шакли бўлиши, бошқа вазиятларда эса унитар бўлмаган, яъни, масалан, федератив шакл давлатни бошқаришнинг энг самарали шакли бўлиши мумкин.

Мустақил Ўзбекистон ўзининг давлат шаклини аниқлашда республикамиздаги шароитлар, тарихий тажриба ва анъаналарни, миллий менталитетни, яъни халқимизнинг фикр юритиш, жамият ҳаётини англаш ва талқин қилиш соҳасидаги тажрибасини ва бошқа барча омилларни, бошқа давлатларнинг давлатни бошқариш борасидаги ютуқлари, ижобий томонларини ўрганди ва уларни инobatта олган ҳолда иш кўрди, бозор иқтисодига ўтиш шароитларида давлатни бошқаришнинг энг мукамал шаклини танлай билди: барча вазирлар ва ҳокимларнинг Президент томонидан белгиланиши ва ишини удда қилолмаса, Президент томонидан бўшатилиши раҳбарликнинг самарали ва натижали бўлишини таъмин этмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон давлати таркибига кирилади. Бундай ҳолат Ўзбекистоннинг ва Қорақалпоғистоннинг умумий муштарак манфатларига ва Қорақалпоғистоннинг жужий манфаатларига монанддир. Демак, ҳозирги Ўзбекистоннинг мавжуд шароитларига унитаризм қоидалари жавоб беради. Аммо, баъзи масалаларда унитар бўлмаган давлатга хос томонлари ҳам бор.

УРФ-ОДАТ ВА РАСМ-РУСУМЛАР — кишилар турмушига сингиб кетган, доим такрорланиб турадиган хатти-ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган хулқ-атвор қоидалари ва кўникмалар (масалан, ўзбекларда кичикларнинг катталарга салом бериши, эрта туриб уй-ҳовлини супуриб-сидириб, тартибга келтириб қўйиш, меҳмонларга алоҳида ҳурматда бўлиш, байрам арафасида бетоб, ожиз ва қийналганлардан хабар олиш, ёрдамга муҳтожларга ҳашарга бориш ва шу кабилар).

Урф-одат ва расм-русумлар бир-бирларига жуда яқиндан боғлиқдир, бири-иккинчисининг таркибий қисми ҳисобланади. Бугунги кунда аждодларимиз томонидан қолдирилган расм-русум ва урф-одатларни ҳар томонлама тиклаш ва ривожлантириш, уларни ёш авлодни тарбиялашда самарали равишда қўллаш масаласи кўндаланг турибди.

Шўро даврида кўп урф-одат ва расм-русумларимиз эскилик сарқити, деб поймол қилинди, бу эса тарбия ишига ва ўзбек миллатининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Урф-одат ва расм-русумлар ҳар бир миллат ва элатнинг тарихи, турмуш тарзи ва бошқа омиллар таъсирида ўзига хос равишда шаклланади ва миллат ёки элатнинг ўзига хос қиёфасини белгиловчи хусусиятларидан биридир. Ўзбекларда, масалан, қудачилик ниҳоятда катта эътиборни талаб қилади. «Куёвни пайғамбарлар сийлаган», дейилади ва шунга яраша куёвга ҳурмат-эҳтиром билдирилади. Ўтмишда ота ўз қизи келин бўлиб тушган маҳалладан отдан тушиб, пиёда ўтган. «Бешик тўйи» эскилик сарқити, деб тақиқланган эди. Ҳолбуки, эндиликда бешикнинг диққатга сазвор кашфиётлардан бири эканлиги маълум бўлмоқда. Шундай урф-одат ва расм-русумлар кўп. Улар миллий анъаналар, миллий тил ва миллий руҳ билан бир қаторда миллий мустақиллик маънавияти ва маданиятининг муҳим қиррасини ташкил қилади.

Урф-одат ва расм-русумлар ҳар бир миллатда ўзига хос тизимни ташкил қилади, миллат томонидан турмуш тарзининг зурурий шарти деб қабул қилинади. Урф-одат ва расм-русумларга бефарқ киши ўзини ўз миллатидан узоқлаштириб узиб қўяди. Урф-одат ва расм-русумларга ҳурмат ўз миллатига ҳурматнинг таркибий қисмидир. Кўпмиллатли

давлатда ўз миллатининг расм-русум, урф-одатларига риоя қилиш бошқа миллатлар билан бўлган дўстлик ва тотувлик муносабатларига путур етказмаслиги керак.

«Ф»

ФЕДЕРАЦИЯ (лотинча «foederare» — иттифоқ бўлиб мустақкамлаш) — давлат тузилиши шаклларида бири. Федератив давлатлар мураккаб тузилишга эга давлатлар деб ҳам юритилади. Бунинг боиси шундаки, федератив давлат, одатда, давлатларнинг ўз сиёсий мустақиллигини ихтиёрий равишда ва муайян доирада чеклаш йўли билан ягона иттифоққа бирлашуви натижасида юзага келади.

Федерацияга хос белгилар:

1) Федерация ҳудуди, унинг субъектлари, яъни таркибий қисмлари баъзи давлатларда — штатлардан (АҚШ, Мексика, Бразилия, Венесуэла, Ҳиндистон, Австралия, Малайзияда), баъзиларида — кантон ва ярим кантонлардан (Швейцарияда), баъзиларида — провинциялардан (Аргентина, Канадада), ёки Ерлардан (Олмония ва Австрияда ва ҳоказо) иборат бўлади.

2) Федерация субъектлари, одатда, федератив давлат конституциясига зид эмас, ўз конституциясини қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади, лекин, баъзи бир федератив давлатларда (масалан, Канаданинг провинциялари, Венесуэланинг штатлари, шунингдек, Ҳиндистоннинг кўпгина штатлари) бундай субъектлар ўзларининг мустақил конституцияларига эга эмас.

3) Федерация ва унинг субъектлари ваколатлари ўртасидаги чегара иттифоқ конституциясида белгиланади. Барча федератив давлатларда икки поғонали давлат ҳокимияти, бошқаруви ва суд органлари мавжуд. Биринчи поғона — федерациянинг олий қонун чиқарувчи, ижрочи ва суд ҳокимиятлари. Иккинчи поғона эса ҳар бир федерация субъектининг олий қонун чиқарувчи, ижро қилувчи ва суд ҳокимиятидан иборат. Уларнинг ваколатлари конституция билан белгиланади. Ваколатларни чегаралаш усуллари турли хилдир. Масалан, бир қатор давлатларда, жумладан, АҚШ, Швейцария, Канада, Бразилия, Аргентина, Венесуэла ва Мексиканинг федерал конституциясида икки турдаги ваколат доираси белгиланган: а) федерал ҳокимиятнинг мутлақ ваколат доирасига кирган масалалар (мудофаа, пул чиқариш, ташқи алоқа); б) федерация субъектларининг мутлақ ваколатига кирган масалалар (штат олий қонун чиқа-

рувчи, ижро қилувчи ва суд органларини тузиш, штатларнинг ўз қонунларини қабул қилиши, бюджет масалалари).

Баъзи бир давлатларда (масалан, ОФР, Ҳиндистон ва Малайзияда) юқоридаги икки ваколат доираси учинчи ваколат доираси — рақобатлашувчи ваколат доираси билан тўлдирилади. Унга кўра, баъзи масалалар, бир вақтнинг ўзида, ҳам федерация ваколатига, ҳам федерация субъекти ваколатига киритилган. Бу ваколат доираси турига биноан, агарда бир масалани федерал қонунчилик билан федерация субъекти қонунчилиги турлича тартибга соладиган бўлса, федерал қонунчилик амал қилади, яъни умумфедератив қонунчиликка имтиёз берилади.

4) Ҳар бир федерация субъекти ўзининг ҳуқуқ ва суд тизимига эга бўлади. Масалан, 50 штатдан ташкил топган АҚШда ҳар бир штат бир-биридан фарқ қилувчи ҳуқуқ тизими ва ўз суд тизимига эга.

5) Кўпгина федератив давлатларда умумдавлат фуқаролиги ва, айни вақтда, федерация субъектларининг ўз фуқаролиги ҳам мавжуд бўлади. Лекин бу хусусият ҳамма федератив давлатлар учун хос эмас. Масалан, Канада, Венесуэла, Ҳиндистон ва Малайзияда фақатгина федерал фуқаролик белгилаб қўйилган.

6) Федерация субъектлари одатда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида федерал парламентда махсус палатага эгалар (масалан, АҚШ Конгрессининг юқори палатасида Сенат, Олмония парламентида — Бундесрат, Ҳиндистон парламентида — Штатлар кенгаши, Мексика Конгрессида — Сенат ва ҳоказолар шу вазифани бажарадилар). Лекин, улар унитар давлатлардаги парламентларнинг юқори палатасидан жуда кам фарқ қиладилар. Чунки, одатда, федерация субъектлари миллий давлат тузилмалари сифатида қаралмайди ва улар махсус манфаатларга эга эмас.

Умуман олганда, федерация давлат тузилиши шакли сифатида тарихда ижобий роль ўйнаган ва ўйнамоқда. Аммо, шу билан бир қаторда федерация тузиш ниқоби остида федерацияга кирувчи энг катта республиканинг имтиёзли ҳолатини таъмин этиш ёки федерациядан ҳукмрон сиёсий партиянинг ўз манфаатларини амалга ошириш воситаси ёхуд қуроли сифатида фойдаланиш ҳоллари ҳам учраб туради. Бунинг яққол намунасини собиқ СССР мисолида кўриш мумкин эди. СССР федератив давлат эканлиги, унга кирувчи барча республикаларнинг ҳар томонлама тенгҳуқуқли эканлиги ҳар бир жиҳатлардан тарғиб ва ташвиқ этилди. Аслида эса кўпмиллатли совет федератив давлати иттифоқдош республикаларни Марказнинг стратегик мақсад ва режаларига бўйсундиришнинг қуроли ва воситаси эди. Стратегик мақсад — иттифоқдош республикалардан жаҳон со-

циализмини кенгайтириш учун олиб борилажак курашларда моддий манба сифатида фойдаланиш эди. Шу боисдан иттифоқдош республикалар оддий мустамлакалардан фарқ қилмас эдилар. Республикаларда яратилган саноат марказлари, қишлоқ хўжалик майдонлари Марказнинг стратегик манфаатларини қондиришга мўлжаллаб яратилганди. Маънавият соҳасида эса сиёсат ягона социалистик маданиятни шакллантиришга қаратилган, миллий тилларни аста-секин ҳаётнинг муҳим соҳаларидан сиқиб чиқаришга йўналтирилган эди. Ана шу ўтмиш сабоғини назарда тутиб, СССР парчаланиб кетгандан сўнг, мустақил Ўзбекистон унинг ҳудудида ҳар қандай федерация тузиш режаларига салбий муносабатда бўлди ва бундай ғояларни қўллаб-қувватламади. Мустақил Ўзбекистон ҳақиқий тенглик асосидаги ҳамкорлик тарафдори.

ФИТРАТ — Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат 1886 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. «Фитрат» унинг адабий тахаллуси бўлиб, туғма табиат, туғма истеъдод, порламоқ маъноларини англатади. Унинг отаси савдогарчилик билан шуғулланган диндор, ўқимишли шахс бўлган, онаси Мустаф биби нозиктаъб, саводли аёл бўлиб, асосан фарзандлар таълим-тарбияси билан шуғулланган. Фитрат дунёқарашининг шаклланишида, унинг бадиият оламига яқинлашувида онасининг ўрни катта бўлган.

Фитрат дастлаб эски мактаб ва Мир Араб мадрасасида таълим олиб, 1909 йили, «Жамияти хайрия»нинг кўмагида, Россия шаҳарлари орқали Истанбулга ўқишга боради. У ерда Истанбул дорилфунунининг ваъзхонлик куллиётида таҳсил олади. Истанбулда ташкил этилган «Бухоро таълими маориф жамияти»нинг фаол иштирокчиларидан бирига айланади. Шу билан бирга, турк инқилобчи ёшлари ҳаракатига ҳам аралашади ва бу фаолиятини кейинроқ, ўз ватанида, ёш бухороликлар жамиятининг инқилобий курашида давом эттиради.

Фитрат 17 ёшидан бошлаб жиддий илмий-ижодий иш билан шуғулланади. Унинг асарлари 260 босма табоқдан зиёд илмий меросини ташкил этади. Бу асарлар адабиётшунослик, тилшунослик, тарих, фалсафа, диншунослик, шарқшунослик, этика, эстетика, мусиқа, шахмат, мелиорация, геодезия каби билим соҳаларига бағишланган бўлиб, улар Фитратнинг қомусий тафаккур ва ақл эгаси бўлганлигидан дарак беради. Унинг дастлаб яратилган «Мунозара» (1909), «Ҳинд сайёҳи» (1911), «Раҳбари нажот» (1915) асарлари нафақат бадиий ва диний, балки, ижтимоий ва фалсафий, маърифий ва ахлоқий тусдаги асарлар эди. Уларнинг моҳиятида жадидчилик ғоялари ётар эди. Бу асарларда халқнинг

ўтмиши ва қадриятлари ҳақида қайғуриш, тутқун ва турғун миллатнинг истиқболини ёритиш ҳақидаги ғоялар асосий ўрин эгаллайди.

Фитрат, кейинроқ ёзилган «Шарқ сиёсати» (1919), «Шарқда инглизлар», «Туркистонда руслар» публицистик мақолаларида истило сиёсатининг сабаб ва оқибатларини чуқур назарий мушоҳада этган, бу сиёсатнинг турли халқлар ва миллатлар ҳаётидаги таъсири, салбий оқибатларини равшан кўра олган, унга баҳо бера олган йирик арбоб сифатида фикр юртади.

Фитрат Петроград дорилфунунининг Шарқ факультетида маърузалар ўқиб юрган кезлари, ўзбек олимларидан биринчи бўлиб, профессор ушунга сазовор бўлган. У Британия энциклопедияси саҳифасида ўзбек файласуф олим сифатида қайд этилган адибдир. Фитрат ўзбек мумтоз адабиётини ўрганиш ва тарғиб этишда, ўзбек мумтоз мусиқаси ва санъатини ўрганиш, «Шашмақом»ни нотага туширишда жонбозлик кўрсатган. Унинг ҳар бир асари миллий меросни қайта тиклаш ва миллий маданиятни ривожлантиришга қаратилган, миллий истиқлол ва мустақил тараққиёт концепцияларини баён этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ўз илмий ва амалий фаолияти жиҳатидан кенг ва серқирра ижод этган олим ва миллатпарвар Фитрат 1937 йилда машъум қатагон сиёсатининг қурбони бўлди.

Большевикларнинг Россияда саиалистик инқилоб ғалаба қозонган тақдирда мамлакатда миллий масалани оқилона ва одилона ҳал қиламиз, деб тузган дастурлари аслида эзилган ва ҳар жиҳатдан камситилиб келинган халқларни социализм тузоғига тушириш режаси эканлигини Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий ва ўнлаб, юзлаб бошқа ёш зиёлилар ҳамда мутафаккирлар тушуниб, англаб улгурмадилар. Уларнинг фожиаси ва истибдод тузумининг янада мустаҳкамланиши ўсиб келаётган ўзбек илмий, ижтимоий-сиёсий борадаги зиёлиларнинг кўпчилигини биқинишга, очиқ ва эркин ижодий ҳаётдан ўзини четга олишга, оғир, шафқатсиз вазиятларга мослашишга, ҳаёлида бир фикр, сўзлаганда бошқа фикр айтишга мажбур этди. Янги Фитратлар ва Чўлпонларнинг юзага чиқиши, шаклланиши ва эркин ижод этиши учун барча шарт-шароитлар мустақиллик туфайли бунёд этилди.

ФОРОБИЙ (тўлиқ исми-шарифи Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон ал-Форобий, ҳозирги Шимкент вилоятининг Фороб деган жойида 873 йилда таваллуд топиб, 950 йилда Дамашқда вафот этган) — файласуф, мутафаккир, қомусий олим. Фороб, Тошкент, Бухоро ва Самарқандда ўқиган. Бағдодда яшаб; юнон олимларининг асарларини ўрганган. 70 дан ортиқ тилни билган,

дейилади унинг тўғрисида. 940 йилдан то умрининг охиригача Дамашқда ғарибона яшаб, фақат илм-фан билан шуғулланган. Фан оламида унинг 160 дан ортиқ асари маълум. Замондошлари уни «Шарқ Арастуси», «ал-Муаллим ас-Соний» (иккинчи муаллим, Арастудан кейин), деб номлаганлар. Афлотун, Арасту (Аристотел), Ўқлидис (Евклид), Ботилумус (Птолемей) асарларига ёзган шарҳлари, фалсафа ва мантиққа оид рисолалари Шарқу Ғарбда машҳур бўлган. Форобий ўз асарларида ўша давр фанининг барча соҳаларини қамраб олган. «Калом фи-л жавҳар» (Субстанция ҳақида сўз), «Китоб ал-Бурҳон» (Исбот китоби), «Ихсо ал-улум» (Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи), «Китоб ул-мусиқа ал-кабир» (Музика ҳақида катта китоб), «Рисола фи аъзо ал-Инсония» (Инсон аъзолари ҳақида рисола) ва бошқа асарлари фан оламида кенг маълум ва машҳур.

Форобийнинг адолатли жамият, оламнинг абадийлиги ҳақидаги ғоялари Оврупонинг Уйғониш даврига таъсир кўрсатган. Унинг ғоялари, умуман, Марказий Осиёдаги Уйғониш даврининг илк назарий асосларидан бўлиб, бу минтақада Уйғониш даври Оврупога нисбатан бир неча аср аввалроқ бошланишига туртки берган. Форобийнинг Оврупо ва, умуман, жаҳон фалсафасига таъсири ҳали ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Форобий, Марказий Осиё Уйғониш даври фалсафасини, ижтимоиётини ва тафаккурини бошлаб берган мутафаккир сифатида ҳам теран ўрганишга сазовор. Мустақиллик шароитларида унинг аҳамияти ўсиб боради. Чунки унинг адолатли жамият ҳақидаги фикр ва орзулари эндиликда амалга ошмоқда.

ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ — жаҳондаги илғор, маърифатпарвар, демократик давлатларда халқларнинг ҳуқуқий ва ҳақиқий тенглигини, ҳар бир фуқаронинг эркинлигини таъмин этиш бўйича тажрибасини ўрганиш натижасида, Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари аниқланди. Мустақил Ўзбекистоннинг демократик моҳияти, аввало, унинг халқ манфаатларини ҳимоя қилишда намоён бўлмоқда. Инсон ҳуқуқларини ва эркинликларини ривожлантириш ва такомиллаштириш мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг асосий тамойилидир. Шу маънода, Президент И.А. Каримов: *«Ўзбекистон — келажаги буюк давлатдир. Бу инсонпарварлик қондаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир»*, дейди.

Ўзбекистон фуқароларининг ўз мустақил давлатига мансублиги, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва қонунларида белгиланган ҳуқуқ, эркинлик ва

бурчларнинг жорий этилиши, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини давлат томонидан қўриқланишида ўз аксини топади ва улар уч гуруҳга бўлинади:

I. Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар: меҳнат қилиш, дам олиш, билим олиш, моддий таъминот каби ҳуқуқлардан иборат.

II. Сиёсий ҳуқуқ ва демократик эркинликлар: асосан фуқароларнинг жамоат бирлашмалари, сиёсий партияларга уюшиш ҳуқуқи, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, сўз ва матбуот эркинлиги, мажлис ва митинглар, намоёнига чиқиш ҳуқуқларидан иборат.

III. Уй-жой дахлсизлиги, шахсий ҳуқуқлар.

Бу ҳуқуқ ва эркинликлар Ўзбекистон давлатида ва жамиятида фуқаролар эркин ривожланишининг асосий омилидир.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси ва «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасига биноан, шаҳар, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар 2,5 йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқароларга ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда кўмаклашадилар, ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал этиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш, давлат ҳокимияти, бошқарув органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президентнинг фармонларини, ҳукуматнинг, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини бажаришда фуқароларни бирлаштирадилар.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳудудий тамойил бўйича тузилади. Ўзини-ўзи бошқариш органлари иш олиб борадиган ҳудудларни, фуқароларнинг тақлифига кўра, туман, шаҳар ҳокими белгилайди, ушбу қарор кейинчалик тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, уларнинг фаолият кўрсатишини ташкил этиш ҳамда ваколат кўлами ушбу қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун кучига эга ҳужжатлари билан тартибга солиб турилади.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари Ўзбекистоннинг ўтиш давридаги ҳаёти тинчлик, осойишталик, барқарорлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида кечишини таъмин этишда катта ўрин тутмоқда. Мустақиллик даврида тузил-

ган ўзини-ўзи бошқариш органлари тизимини МДХ миқёсида энг самарали деб билиш ҳақиқатга монанддир. Бу муваффақиятнинг сабаби шундан иборатки, давлат раҳбарияти халқ бағрида, унинг тарихий тажрибаси асосида тузилган, аммо шўролар даврида эътибордан четда бўлган маҳаллаларни тикладигина эмас, уларга кенг имконият яратиб берди, яъни ҳокимият ҳақиқатда ҳам халқ ихтиёрига ўтди. Ўзбек халқи эса доим уруш, жанжал, зиддиятларни кескинлаштиришни маъқул кўрмаган, ўзаро муносабатларни бамаънафат, мунозара, мусоҳаба ва мубоҳаса йўли билан ҳал этишга интиланган. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари намунали ишлаётган маҳаллалар, туманлар ва ҳудудларда юқорида эътироф этиб ўтилган ижобий жиҳатлар аҳолининг тинч ва осойишта, озода ва покиза, экология талаб ва қондаларига тўла риоя қилиб яшаётганини кўриш мумкин.

Бундай ҳолат умумқолидага айланиши учун иш олиб борилмоқда. (*Яна қаранг: «Маҳалла».*)

ФУҚАРОЛИК — шахснинг муайян давлат қарамоғида бўлиши, шу давлатга, мамлакат ичида ҳам, унинг ташқарисида ҳам мансуб эканлиги, шу мансубликнинг ҳуқуқий ҳужжатлар ёрдамида тасдиқланганлиги.

Фуқаролик тушунчаси жамиятнинг ҳозирги давр демократик, ҳуқуқий давлати томон ривожланишида катта йўлни босиб ўтди. У — жамиятнинг демократик ривожланишида қўлга киритилган улкан ютуқлардан бири. Фуқароликнинг жамият тараққиётидаги ижобий томони шундан иборатки, мамлакатда истиқомат қилиб турган ҳар бир кишининг муайян, аниқ санаб ўтилган ҳуқуқлари, жамиятдаги ўрни мамлакатнинг конституциясида, махсус қарор ёки қонунда ёзиб қўйилган ва уларга риоя қилиш, уларни бажариш барча фуқаролардан талаб қилинади. Яъни жамиятда бошбошдоқлик, ўзбошимчалик, зўравонлик, қонунсизликка ўрин қолмайди. Чунки, бундай хатти-ҳаракатлар фуқаролик ҳақидаги қонунга ҳилофдир.

Фуқаролик тушунчаси қадимий Юнонистон ва Римда мавжуд бўлса-да, асосан, феодализм инқирозга учраб, жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт демократия ва бозор муносабатлари заминига ўта бошлаганда, ҳозирги шаклида пайдо бўла бошлади ва илк бор «шаҳарли» (французча «ситуайян», инглизча «ситизен», русча «горожанин-гражданин» ва ҳоказо), яъни қолоқ қишлоқдан, мустабид феодал муносабатлардан озод деган маънони билдирган. Мустақиллик эълон қилингандан сўнг, ўзбек тилида ўтмишдаги «гражданлик» сўзи ўрнига «фуқаролик» деган атама қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси мустақил тараққиёт йўлига

чиқиб олгач, ўз олдида асрлар давомида ўзбек халқи орзу қилган демократик, адолатли, фуқаролар жамияти ва ҳуқуқий давлат қурилиш вазифасини қўйди, қабул қилган фуқаролик тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатларда эса ўзининг инсонпарварлик руҳида эканини намоён қилди.

Фуқаролик деганда, инсонни ҳуқуқий ёки сиёсий-ҳуқуқий томондан ҳимояланиши ва қонуний манфаатларининг ушбу давлат ичида ва унинг ташқарисида ҳимояланиши тушунилади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, фуқаролик тўғрисидаги қонун, бошқа амалдаги қонунлар, чет эл давлатлари билан тузилган шартномалар ва битимларда бу қоидалар эътироф этилди, қонуний жиҳатдан мустақкамланди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги, янги турдаги жамият ва шахс ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқиб, қуйидаги ижтимоий қоидаларга асосланади:

— мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллатлар ва элатлар тили, динидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги;

— эркалар ва аёлларнинг тенглиги;

— фуқароларнинг шахсий, ижтимоий келиб чиқиши, мулки, ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенглиги;

— фуқароликни қай тарзда қабул қилганлигидан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқий ҳолатининг бир хил белгиланганлиги;

— бутун Ўзбекистон ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилганлиги;

— «икки давлат фуқароси» бўлиш қонун билан ман этилганлиги;

— фуқароликни олиш ва тўхтатиш тартиби ҳуқуқий ҳал этилганлиги;

— ота-оналарнинг фуқаролиги ўзгарганда, болалар фуқаролигининг ўзгариши тартиби аниқ белгиланганлиги;

— фуқаролик масалалари бўйича ҳуқуқий актларни қабул қилувчи ва ижросини текширувчи давлат органлари тизими бирлиги;

— фуқаролик масалаларига оид қарорлар юзасидан шикоят қилиш тартибининг аниқ-равшанлиги;

— фуқаролик бўйича халқаро шартномалар турлари, характери қонунда аниқ белгиланганлиги.

Янги, мустақил давлатда фуқароликка тегишли масалаларни аниқлаш жараёнида жиддий асослашни талаб қилган муаммолардан бири «икки давлат фуқароси», ёки «икки фуқаролик» муаммоси бўлди. Яъни Ўзбекистоннинг фуқароси бўлатуриб, ўзбек миллатига мансуб эмас баъзи шахслар ўзлари ёки ажодлари авваллари яшаган давлатнинг ҳам фуқароси бўлишни истадилар ва шахсий, баъзида эса жамоавий хатлар ва илтимослар билан турли давлат идораларига мурожаат қила бошладилар. Бундай илтимосларга бошдан-оёқ

рад жавоби берилди. Чунки «икки фуқаролик», халқаро қонун-қоидалар ва анъаналарга биноан, фақат истисно сифатида ва фақат айрим шахсларга берилади. Кишининг Ватани ва фуқаролиги битта бўлади. «Икки фуқаролик» тарафдорлари айни вақтда бир эмас, икки стулда ўлтиришни истайдилар, ўзларининг беқарорликларини намойиш қиладилар, мамлакатимизга нисбатан ҳурматсизлик билдирадилар.

«Фуқаро» сўзи «фақир» сўзидан олинган ва шу сабабли тушунчани ифода этолмайди, дейиш бу борадаги иккинчи муаммо бўлди. Лекин тиллар тарихи шуни кўрсатадики, минглаб сўзлар давр ўтиши билан бутунлай бошқа маъно касб этиши мумкин (масалан, «кибернетика» сўзи аслида юнончада «денгизда кема бошқариш санъати» маъносини билдирган ва ҳоказо).

ФУҚАРОЛИК МАСЪУЛИЯТИ — жамиятнинг демократик ривожланиши жараёнида эришган ғалаба, ютуқ ва муваффақиятларига фуқароларнинг онгли муносабати, ютуқларни янада кўпайтириш ва улардан фойдаланишда фаол қатнашиши.

Фуқаролик масъулияти қадим замонлардан бери маълум. Аммо бу масъулият деярли ҳамма вақт кишининг синфий, ирқий, миллий, жинсий, диний, ҳудудий ҳолатларига қараб, турли чекланишлар ёки имтиёзлар билан боғлиқ бўлган. Ер юзидаги барча инсон зоти, ирқи, дини, миллати, жинси, яшаб турган ҳудудидан қатъи назар, тенг ва тенг бўлиб яшашга ҳақли эканлиги, тенгсизлик эса инсон ҳаётига четдан, ижтимоий кучлар, ҳукмрон мафкура ва сиёсий тузум томонидан киритилишини биринчи бўлиб Оврупо мутафаккирлари XVI—XVIII асрларда асослаб бердилар. Бу тараққийпарвар, илғор фикрларнинг тантанаси учун кураш, айниқса, кейинги икки аср давомида кескин тус олди. Жамиятни юксалишга ундовчи бу шиорлар ва талаблар ўзининг энг ёрқин ифодасини Улуғ француз инқилоби (1789—1793)нинг «Озодлик, Тенглик, Биродарлик» шиорида топди.

Фуқаролик масъулияти — жамиятдаги демократик ўзгаришларнинг давоми ва узвий қисми. Чунки жамият ўз демократик ривожланишида фуқароларга тенглик, озодлик, биродарликни ҳаётий воқеликка айлантирувчи турли ҳуқуқларни бериш билан чекланмайди, балки шу ҳуқуқларга риоя қилишни, ўз ҳуқуқларидан ижодий, жамият манфаатларини кўзлаб фойдаланишни талаб қилади. Шу сабабли, жамият қанчалик юксак даражада демократик бўлса, ундаги фуқароларнинг масъулияти ҳам шу даражада жиддий ва кенг қамровли бўлади. Ҳақиқий демократик жамиятда фуқаро мавжуд ҳуқуқлардан фойдаланувчи боқиманда эмас, балки бу

ҳуқуқларга суяниб, жамиятнинг муаммоларини ҳал этишда фаол қатнашувчи шахс бўлиши керак.

Мустақил Ўзбекистон, фуқаролик масъулиятини аниқлар экан, бу борадаги энг илғор халқаро тажриба ва назарияларга таяниб иш кўрди.

Фуқаролик масъулияти масаласи энг жиддий диққатни талаб қиладиган ижтимоий вазифалардан биридир. Унинг моҳияти мустақиллик шароитида тубдан ўзгармоқда. Аввалги, истибдод давридаги фуқаролик масъулияти тушунчаси биринчи ўринда социалистик жамият, марксча-ленинча мафкура, жаҳон социалистик тизими, ҳукмрон партиёга сadoқат, хусусий мулкчиликни инкор этиш, мустабид тузумнинг ижрочи солдати бўлишни талаб қиларди. Ўзбекистон мустақиллиги ҳақида сўзлаш, тадбиркорликни рағбатлантириш, корхоналарни ва мулкни хусусийлаштириш тўғрисида сўзлашишнинг ўзи жиноят даражасидаги фикр деб қараларди. Демак, фуқаролик масъулияти истибдодни, мафкура яккаҳокимлигини мустаҳкамлашга, тадбиркорликни бўғишга қаратилган эди. Етмиш йилдан ошиқ давом этган изчил ва мукамал ташкил қилинган коммунистча иқтисодий, ахлоқий, ижтимоий ва сиёсий тарбия ўз маҳсулини бермасдан иложи йўқ эди. Мустамлакачилик даврида чоризм томонидан босилган, эзилган, деярли йўққа чиқарилган мустақиллик ҳисси, тадбиркорлик шижоати истибдод даврида фикримиз ва фаолият доирамиздан янада узоқлаштирилди. Яқин ўтмишдан қолган бу «мерос», афсуски, онгимизга, турмуш тарзимизга, фаолият йўналишларимизга чуқур таъсир кўрсатган ва ҳозирда ҳам кўрсатмоқда.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш жараёнини жиддий равишда сушлаштириб, ўзгаришларни амалга оширишни секинлаштираётган салбий омиллардан бири фуқаролик масъулиятининг янги маъно ва мазмунини кўплар томонидан тушунмаслик ёки бу жиддий масалага эътибор бермаслик, бефарқлик, боқимандалик, юқоридан кўрсатма тушишини кутиб ўлтиришдир. Ҳозирги пайтда фуқароларнинг ҳуқуқий саводчилигини ошириш, ўрта ва майда тадбиркорликни ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган ишлар биринчи навбатда ана шу ўтмишдан қолган нуқсон ва сарқитларни бартараф этиш, фуқароларимизда жамиятга нисбатан, мустақилликка нисбатан масъулият ҳиссини уйғотиш ва шакллантиришга йўналтирилган. Истибдод тузуми фуқароларнинг ҳуқуқий соҳада саводли бўлишини ортиқча деб биларди. Чунки нима тўғри, нима нотўғрилигини партиё ўзининг «инқилобий виждони» асосида ҳал қилар эди. Мустақил Ўзбекистон фуқаролари ўз бурч ва ҳуқуқларини яхши билишлари — тараққиётимизнинг зарурий шартидир.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий масъулиятларини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

I. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва давлат тузумини мустаҳкамлашга қаратилган масъулиятлар:

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясига риоя қилиш;

— қонунларни бажариш;

— меҳнат интизомини сақлаш;

— жамоат бурчига виждон билан қараш;

— мулкнинг бозор шакллари мустаҳкамлаш;

— турмуш қоидаларини ҳурмат қилиш;

— бошқа мамлакат фуқароларининг миллий кадр-қимматини, ҳуқуқларини ҳурматлаш, шаъни, ўзлигини ҳурмат қилиш;

— ижтимоий бурчни ҳалоллик билан бажариш;

— Ўзбекистон фуқароси деган юксак номга муносиб бўлиш.

II. Ўзбекистон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган масъулиятлар;

— Ватан қудратини ошириш ва ҳимоя қилиш;

— Ватанни ҳимоя қилиш;

— умумий ҳарбий хизматни қонун асосида бажариш.

Мустақиллик шароитида Ўзбекистон фуқароларининг аксарияти ўз масъулиятларини тўғри тушуниб ихтиёрий равишда бажармоқдалар. Бундай ҳолатни эътироф этиш — ижобий нарсасиз. Аммо юқорида санаб ўтилган фуқароларнинг конституциявий масъулиятларини деярли худди шундай таърифда собиқ СССР конституциясида ҳам учратганмиз. Масаланинг бу жиҳатларига шунинг учун ҳам эътиборни жалб этмоқ зарурки, фуқароларимизнинг талайгина қисми яқин ўтмишдаги, яъни собиқ СССР даврида шакланган фикрлари, тушунчалари ва эътиқодлари, таассуротлари таъсирида қолиб келмоқдалар, мустақиллик бу борада туб ўзгаришлар талаб қилишини англаб ололмаётирлар. Мустақиллик шароитида фуқаролар масъулиятининг ҳар бир шакли ва соҳаси янги маъно ва янги мазмун касб этмоқда. Мустақиллик шароитида ҳар бир фуқаронинг саъй-ҳаракати, меҳнати, интизоми, мулкка муносабати ва ҳоказолар СССР деб аталмиш тагсиз-тубсиз, бепоеън бўшлиқда йўқ бўлиб кетмайди, балки ўз юртимиз, Ватанимиз хазинасига қўшилади.

«X»

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР — мустақил давлатлар ёки миллий жамиятлар (ассоциациялар)нинг, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий мақсадларга эришиши учун тузилган бир-

лашмалар, мамлакатлар ўртасида кўп томонлама ҳамкорлик қилишнинг энг муҳим турларидан бири.

Халқаро ташкилотларни тузиш ҳаракатлари қадимги замондан бери маълум; лекин, ҳозирги замон халқаро ташкилотларини тузиш XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланади. Айниқса, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг бу ташкилотлар кенг ривожлана бошлади. Халқаро ташкилотларнинг умумий хусусияти шундан иборатки, уларнинг вазифалари ва фаолияти ҳар бир давлат чегарасидан четга чиқади. Халқаро ташкилотлар давлатлараро ва жамоат бирлашмаларига бўлинади. Давлатлараро бирлашмалар бевосита норма яратиш функциясига эга. Чунки улар давлатлар — халқаро ҳуқуқнинг асосий субъектлари томонидан ташкил этилган. Улар ўз ўрнида ташкилотлар ва оқимларга бўлинади (масалан, «Кўшилмаслик» оқими ёки «77 лар» гуруҳи).

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти терминологиясида давлатлараро ташкилотлар «халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар» деб аталади. Кейингиларнинг давлатлараро ташкилотлардан фарқи шундан иборатки, улар доимий штаб-квартирага, халқаро фуқаровий хизматга, ўз бюджетига эга ҳамда бунга аъзо давлатлар халқаро ҳуқуқ субъектлари ҳисобланади, шунингдек, ўз ваколати доирасида халқаро шартномалар тузиши, зиммасига мажбуриятлар олиши мумкин.

Ҳозирги кунда жаҳонда 350 дан ортиқ ҳукуматлараро ташкилотлар мавжуд. Ҳудудий жиҳатдан улар универсал ва минтақавий, қатнашчилар сонига кўра кўп томонлама ва иккитомонлама (масалан, МДҲ давлатлари ўртасидаги ўзаро хавфсизлик шартномаси), компетенциясига кўра (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва БМТ), фаолият соҳасига кўра (сиёсий, иқтисодий), аъзолик хусусиятига кўра — очиқ ва ёпиқ ташкилотларга бўлинади. Халқаро ҳуқуқ қоидалари бўйича, ҳукуматлараро ташкилотлар ҳамда мусоҳабадаги мансабдор шахслар дипломатлардек имтиёз ва иммунитетларга эгалар. Ҳукуматлараро ташкилотларнинг халқаро ҳуқуқда ўрни шундан иборатки, улар Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш воситалари бўлиб хизмат қилмоқдалар.

Ўзбекистон, ўз мустақиллигини эълон қилгандан сўнг, 50 дан ортиқ жаҳоннинг энг нуфузли ташкилотларига аъзо бўлди. Бу — БМТ, ЮНЕСКО, Оврүпода Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Халқаро молия корпорацияси, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бошқа халқаро минтақавий ташкилотлар ҳамда ассоциациялардир.

Мустақил давлат халқаро ташкилотларда қанчалик кенг қатнашса, у халқаро ҳамжамиятга шу даражада кенг кириб боради, жаҳонда тинчлик, осойишталик, ўзаро ҳамкорлик

учун курашда тегишли даражада фаол қатнаша олади, инсоният тараққиётига қўшаётган ўз улушини янада ошириб боради, жаҳоннинг илғор давлатлари билан тобора яқинлашади, уларнинг фан, техника ва технология соҳасидаги янгиликларини самаралироқ қабул қилиб олади. Шу нуқтаи назардан мустақил Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан ўз алоқаларини йил сайин кенгайтириши жуда катта аҳамиятга эгадир. Айни вақтда, давлатимизнинг халқаро ташкилотларга кенг миқёсда кириб бориши мудҳиш ўтмишнинг сарқитлари билан кураш олиб боришнинг ҳам самарали йўлидир. Чунки, мустабидчилик йилларида Ўзбекистон, қизил империянинг бир чеккасида жойлашган, Марказий Осиёнинг қаърида қолиб кетган, кўпларга номаълум бир ўлка эди, холос; халқаро ташкилотларда бундай юрт ва республика борлигини билмас эдилар, уларга халқимизнинг вакиллари одатда йўлатилмас эди.

Халқаро ташкилотларда фаол қатнашиш — мустақил Ўзбекистонни жаҳон миқёсида танитишнинг, унинг халқаро мавқеини оширишнинг муҳим ва самарали йўлидир. Бунинг учун халқаро ташкилотлар даражасида фикр юритиб, халқаро тилларда эркин сўзлаб, Ватанимизни улуғлай оладиган фарзандларининг қаторини кенгайтиришимиз лозим.

ХАЛҚАРО ТИЛЛАР — ҳозирги замон халқлари, давлатлари орасидаги муносабатларда энг кўп ишлатиладиган тиллар. Халқаро тиллар билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг расмий тиллари орасида фарқ бор. Чунки БМТ ўзининг расмий тилларини белгилашда у ёки бу тилнинг жаҳон бўйлаб тарқалганлиги ва ҳар томонлама ривожланганлик даражаларидан ташқари, шу тилда сўзлашувчиларнинг сонини ҳам инобатга олган. Шу сабабли БМТ расмий тиллари қаторига хитой тили ҳам киритилган (хитой тилида 1997 йилда жаҳондаги 5,8 миллиард аҳолининг 1.175,7 миллиони, яъни 20,26 фоизи сўзлашади, аммо шевалари орасидаги чуқур фарқлар ҳамда иероглифик ёзувнинг мураккаблиги ва ҳоказолар сабабли хитой тили халқаро мулоқотда ишлатилмайди). БМТнинг расмий тиллари — инглиз, француз, испан, рус ва хитой тиллари. Шу билан бир қаторда, халқаро тилларнинг жаҳон тилларидан ҳам фарқи бор. Зеро, жаҳон тиллари деганда, дунёдаги энг йирик тиллар тушунилади: хитой, инглиз, рус, испан, ҳинди, япон, португал ва араб тиллари. Буларнинг ҳар бирида юз миллиондан тортиб то бир миллиарддан кўпроқ (хитой тили) аҳоли сўзлашади. Бу тиллар кундалик мулоқотда миллий тил, миллатлараро тил, минтақавий умумий тил, баъзилари эса халқаро тил вазифасини ҳам бажарадилар.

Халқаро тилларнинг жаҳон саҳнига чиқиши XVI—XX асрлар давомида умумжаҳон бозорининг ташкил топиши ва ривожланиши билан боғлиқ. Шу беш аср давомида жаҳон бўйлаб етакчи мустамлакачи давлатлар бўлмиш Испания, Франция ва Англия — уч давлат — тиллари орасида биринчилик учун кураш борди. XVI—XVII асрларда испан тили асосий ўринда, XVIII—XX асрнинг биринчи ярмида француз тили жаҳон сиёсати, дипломатияси ва иқтисодиётида биринчи ўринда бўлишга интилди. Иккинчи жаҳон уруши халқаро тилларнинг ўринларини узил-кесил аниқлаб берди. Бу урушда демократик кучларнинг ғалабаси натижасида АҚШ иқтисодий ва илмий салоҳият жиҳатидан жаҳонда биринчи ва етакчи ўринга чиқди, инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатлар (Буюк Британия, Австралия, Канаданинг катта қисми, Янги Зеландия) АҚШ билан биргаликда, иқтисодий ва сиёсий фаолият олиб бориб, жаҳондаги беш қитъанинг учтасини ўз таъсир доираларига торта олдилар. Бундан ташқари, янги фан, техника ва технологияни ўзлаштириш ва дунёдаги етакчи давлатлар қаторига ўтиб олишни ўзига вазифа қилиб қўйган Япония, ўз ҳудудига урушни кўрмага, илғор фан-техникани ўзида мужассамлаштирган АҚШ томонга яқинлашиб, унинг тилини ўзида татбиқ эта бошлади. Буюк Британия мустамлакачилигидан қутулган Ҳиндистон, Африканинг қатор янги давлатлари яхши ривожланган ва халқаро ҳамда ички муносабатларда қулай инглиз тилини ё давлат тили, ёки воситачи тил сифатида қолдирдилар. Демак, XX асрнинг 60-йилларига келиб, инглиз тили жаҳонда энг кенг тарқалган ва қулай халқаро тилга айланди.

Ҳозирги даврда жаҳондаги илмий ва техникавий адабиётнинг ўрта ҳисобда 80 фоизи инглиз тилида чоп этилади. Халқаро анжуманлар, конгресслар, сессиялар, конференциялар, суҳбатлар, муҳофасалар, расмий музокаралар, учрашувлар ва бошқа тадбирларнинг иш фаолияти, одатда, уч тилда — инглиз, француз ва испан тилларида олиб борилади, деб эълон қилинади. Аммо, қулайлик нуқтаи назаридан, маъруза ва чиқишларнинг энг камида 80 фоизи инглиз тилида ёзма ёки оғзаки эълон қилинади (ўрта ҳисоб билан француз тилида 12 фоиз, испан тилида 5 фоиз, қолган жаҳон тилларида — 3 фоиз).

Мустақил Ўзбекистон жаҳон саҳнига чиқа бошлади. Уни жаҳонга танитиш, унинг ҳақида сўзлаб бериш, унинг имкониятлари ва салоҳиятини жаҳон ҳамжамияти олдида кўрсата билиш бизнинг, биринчи навбатда, инглиз тилини мукамал билишимизга боғлиқдир. Бу борада изчил иш олиб боришмоқда: Тошкент чет тиллар ва Андижон тиллар институтлари университет мақомини олдилар, уларнинг имкониятлари жиддий кенгайтирилди, 1992 йилда Жаҳон иқти-

содиёти ва дипломатия университети таъсис этилди, барча олийгоҳ, ўрта махсус ўқув юртларида, халқ таълими тизимида чет тилларга бериладиган ўқув соатлари қайта кўриб чиқилди, педагогика олийгоҳларидаги чет тиллар факультетларининг иши ва фаолият доираси кенгайтирилди. Улардан ташқари, республика бўйлаб унинг шаҳар ва қишлоқларида юзлаб ва минглаб расмий ёки норасмий чет тилларни ўрганиш тўғарақлари ишлаб турибди, ҳар йили юзлаб ва минглаб ёшлар чет элларга ўқишга ва ўрганишга жўнатилмоқда ва ҳоказо.

ХУСУСИЙ МУЛК — айрим кишиларга тегишли, фуқаро фойда олиш мақсадида фойдаланадиган мулк тури. Мулкдан фойдаланиб, даромад олиш мақсадида ишлаб чиқариш, фуқаронинг ўз меҳнати билан ёки бошқа бировларни ёллаш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига биноан, хусусий мулкчилик мулкни ўзлаштириш, ўз мол-мулкига хусусий тарзда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборатдир.

Бу модданинг 1-бандига мувофиқ, хусусий мулкни ифодаловчи асосий хусусият унинг шахсга яқка тартибда тегишли эканлигидадир. Хусусий мулк даромад олиш, ва шунингдек, истеъмол қилиш мақсадида ўзлаштирилади. Ана шу даромаддан олинган мулкка нисбатан мулкдор, қонунга кўра, ўз ихтиёри билан эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф қилади.

Хусусий мулк, оммавий мулкдан фарқли ўлароқ, яқка тартибдаги ва алоҳида субъектларга тегишли мулк шаклларида иборат. Унинг субъектлари сифатида фақат фуқароларгина эмас, балки хўжалиқлар, жамоалар, ширкатлар, ижара ва жамоа корхоналари, жамоат бирлашмалари, диний ташкилотлар, хайрия ва бошқа ижтимоий жамғармалар фаолият кўрсатадилар.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат томонидан ҳимоя қилинади. Барча шахслар, уларнинг ким ва қандай лавозимда бўлишларидан қатъи назар, мулкдорнинг ҳуқуқини ҳурмат қилишлари, унга асоссиз ҳеч қандай путур етказмаслиқлари лозим. Мулкдор ўз мулкидан фақат қонунда кўрсатилган ҳолларда ва қонунда белгиланган тартибдагина маҳрум этилиши мумкин.

Хусусий мулк, биринчи галда, фуқароларга тегишли мол-мулкдан иборат. Чунки аксари хўжалик, жамоа ва ширкатлар, ижара ва жамоа корхоналарининг мулклари фуқаролар мулкидан ташкил топади ва ушбу мулкда фуқароларнинг улуши, ҳиссаси кўзда тутилган бўлиши мумкин. Фуқа-

роларнинг корхоналарда ёки якка хўжаликда ёлланиб ишладан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишдан олган даромадлари, кредит муассасалари берган маблағларидан, акциялар, бошқа қимматли қоғозлардан келган даромадлари, мерос бўйича ва амалдаги қонун ҳужжатларида ман этилмаган ўзга асосларга мувофиқ мол-мулкка эга бўлишлари ҳисобига ҳосил этилади ҳамда кўпайиб боради. Фуқароларнинг хусусий мулки бўлиб уй-жойлар, квартиралар, дала ҳовли, боғ ҳовли уйлари, ўтқазилган дарахтлар, чорва моллари, паррандалар, шахсий фойдаланиш буюмлари, пул маблағлари, корхоналар, транспорт воситалари ва бошқа мулк турлари хизмат қилади. Хусусий мулк деб ҳисобланиши мумкин бўлмаган мол-мулклар қаторига қурол-яроғлар ва қатор бошқа нарсалар киради.

Хусусий мулкчиликни кенг ёйиш, фуқароларда мулкчилик туйғусини шакллантириш ва мустақкамлаш — Ўзбекистоннинг ҳозирги даврдаги долзарб вазифаларидан бири. Истибод тузуми етмиш йилдан ортиқ давр давомида кишиларимизнинг онгидан хусусий мулк тушунчасини таг-туғи билан сиқиб чиқариш мақсадида изчиллик билан иш олиб борди. Хусусий мулкнинг жамият умумий мулкига айлантирилиши охир-оқибатда мулкнинг эгасиз қолишига, жиддий равишда талон-торож этилишига олиб келди. Хусусий мулкни кўпайтиришга интилиш ҳар бир кишининг табиий ҳолатидир. Хусусий мулк ишлаб чиқаришни ривожлантирувчи ички куч ва чексиз манбадир. Шу боисдан хусусий мулкнинг турли шаклларда ривож топишига кенг йўл очиб қўйган мамлакатлар қаторидан замонамизнинг илғор давлатлари етишиб чиқиши табиийдир ва мантиқан асослидир. Собиқ СССРда хусусий мулкчилик қоидалари асосида иш олиб борган томорқаларда, ер участкаларида, шахсий боғчаларда гектарбай ҳосил жамoa ва давлат хўжаликларидагига нисбатан 10-12 баробар юқори бўлган.

Хусусий мулкчиликни инкор этиш шўро тузуми барбод бўлишининг асосий сабабларидан биридир.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ (МУЛКНИ) — иқтисодий тушунча бўлиб, мулкка эгалик ҳуқуқини давлатдан фирмалар ва алоҳида шахсларга берилиши, хусусий секторга давлат хизматлари кўрсатилишини чеклашни ёки хусусий ташаббускорлик учун кенг имкониятлар бериш мақсадларида давлатнинг фаолият соҳасини торайтиришни билдиради. Бу жараён янги мулкдорлар синфининг вужудга келишига кўмаклашади, зеро, усиз бозор иқтисодиётини шакллантириш мумкин эмас. Хусусийлаштириш — бозор муносабатлари шаклланишининг негизи, хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни оёққа турғазишнинг чинакам асосини ташкил этади.

Хусусийлаштириш дастурини амалга оширишга киришаётиб, ҳар қандай давлат, энг камида, икки асосий мақсадни: корхоналарга ажратилаётган маблағлар камайиши ва давлат бойликларини сотишдан тушувчи маблағлар ҳисобида бюджетни тўлдиришни кўзлайди. Корхоналарнинг хўжалик фаолияти устидан ҳукуматнинг маъмурий-молиявий назоратининг чекланиши куч-ғайратни ва маблағларни ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларига жамлаш имконини беради.

Хусусийлаштиришнинг асосий еттита усулини алоҳида ажратиш мумкин. Улар: 1. Давлат корхоналари акцияларини очиқ сотувга чиқариш; 2. Акцияларни кимошди савдоси йўли билан сотиш; 3. Давлат корхоналарини хусусий инвестрлаш, яъни айрим шахслардан ихтиёрий равишда маблағ йиғиш йўли билан таъминлаш; 4. Корхоналарнинг мулкни сотиш ва кейинчалик мавжуд қарзларни тўлаш йўли билан давлат корхонасини тугатиш; 5. Давлат корхонасини алоҳида бўлинмаларга ажратиш ёки бўлиш ва қайта қуриш йўли билан уларни қисмлар бўйича сотиш; 6. Корхоналарни раҳбарлар ва меҳнат жамоаси аъзолари томонидан сотиб олиш; 7. Давлат корхонасининг хусусий шахс томонидан ижарага олиниши ёки давлат ва хусусий корхоналар ўртасида корхонани бошқариш тўғрисида битим тузиш.

Хусусийлаштириш натижаси, ҳеч бўлмаганда, икки асосий вазифани ҳал этишдан иборатдир: 1) Мулк ўзининг ҳақиқий эгасини топади. Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий маъноси ҳам мулкни ҳақиқий эгалари қўлига топшириш, тадбиркорлик фаолияти учун уларга кенг имкониятлар беришдан иборатдир. Давлат янги мулкдорларга бепул эмас, балки уни сотиб олиш йўли билан берилади. Бу нарса реал қийматга эга бўлган нарсаларнигина чинакамига қадрлаш ва тежаб-тергаш каби психологик омил билан боғлиқдир.

2) Хусусийлаштириш кўп укладли иқтисодиётни ва рағбатлантирувчи рақобатни, турли маҳсулот ишлаб чиқарувчи муҳитни вужудга келтиради.

Хусусийлаштириш собиқ СССР ўрнида юзага келган янги мустақил давлатларда энг кўп қийинчиликларга учраб, ниҳоятда мураккаб шароитларда амалга ошаётган жараёнлардан биридир. Шўро ҳокимияти йилларида ҳукмрон тузум ўзининг имтиёзли раҳбар табақаларини юзага келтирди, уларнинг онгида ва кундалик амалий ҳаётида хусусий мулксиз жамиятда беозор ва фаровон кун кечиришнинг йўллари танлаш ақидасини яратди. Бу табақалар катта тажрибага эга, юқоридан пастгача, пастдан юқоригача жамият ва давлат тузумининг барча соҳаларида мавжуд, кўпинча киритилаётган ислохот ҳамда туб ўзгаришларни ўз фойдаларини

кўзлаб талқин қиладилар. Хусусийлаштириш жараёнини сустратирадиган биринчи куч юқорида айтиб ўтилган омил десак, иккинчи салбий омил, бу — истибдод тузуми ва мафқураси кишиларда шакллантирган қарамлик, боқи-мандалик, фикр юритишда ва амалий фаолиятда номустақиллик, хусусий мулкка эга бўлиб, мустақил иш юритишдан кўрқиш ва чўчиш, ташаббускорлик ва тadbиркорликдан воз кечишдир.

Аммо хусусийлаштириш ҳар бир касалга даво ва жамиятдаги барча муаммоларни ечишнинг ягона калити, дейиш ҳам нотўғри бўлади. Ўтиш даври шароитларида хусусийлаштиришнинг ўзи қачон, қаерда ва қай тарзда ўтказилиши ўзибўларчиликка ташлаб қўйилмасдан, давлат томонидан ягона режа асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Мустақил Ўзбекистон шу йўлдан бормоқда.

«Ц»

ЦИВИЛИЗАЦИЯ (лотинча «civilis» — фуқаровий, ижтимоий) — жамиятнинг ўз тараққиёти жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларининг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.

Цивилизация инсоният тарихидаги уч катта тарихий даврнинг (ёввойилик, ваҳшийлик ва цивилизация) охиригиси бўлиб, у ёзув ихтиро этилишидан, яъни бундан 5-6 минг йил муқаддам бошланади. Ёзув оламда ягона тафаккур эгаси бўлмиш инсон ишлаб чиқарадиган, унинг тарихий тажрибасини мужассамлаштирадиган ва келажагини режалаштирадиган маҳсулотни, яъни фикрни моддийлаштириш имкони бериб, инсоният тарихида янги даврни очди ва жамият ривожланишини ҳар аср сайин тезлаштириб бораверди. Ҳозирги замон умумжаҳон цивилизацияси XVI—XX асрлар давомида бозор муносабатлари ва иқтисодининг тез суръатлар билан жаҳон бўйлаб тарқалиши, шу асосда қитъалар, минтақалар, мамлакатлар ва халқлар орасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар юзага келиши ва ривожланиши натижасида шаклланди. Умумжаҳон цивилизацияси бутун инсониятга тегишли умум хислатлардан ва шу билан бир қаторда ҳар бир қитъа, минтақа ва халқнинг ўзига хос хусусиятларидан ташкил топади.

Цивилизация айрим ҳудудий, бир-бири билан боғланмаган цивилизация масканлари ёки ўчоқлари сифатида шакл-

лана бошлаб (масалан, Қадимги Миср цивилизацияси, қадимий ҳинд цивилизацияси, Ўрта денгиз цивилизацияси, Марказий Осиё цивилизацияси ва ҳоказо), бозор муносабатлари ва иқтисоди ҳукмронлиги даврида (XVI—XX асрлар) умумжаҳон цивилизациясига айланди.

Цивилизация сўзи лотинча бўлиб, «ҳарбийларсиз ва руҳонийларсиз жамият»ни билдиради ва маърифатпарварлар урушсиз ҳамда мутаассиб руҳонийлар таъсиридан озод жамият учун, XVI асрдан бошлаб, курашишлари жараёнида фанга ва маданиятга кирди.

Цивилизациянинг тарихи урушлар ва диний жаҳолатпарастликка қарши, дунёвий жамият учун кураш тарихидир. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, илғор фан, техника ва технология асосида иш кўриб, ўзларида демократик, инсонпарвар жамият ва ҳуқуқий давлат қурган мамлакатларгина ҳақиқий цивилизация йўлига чиқмоқдалар. Цивилизация инсоният тараққиётининг маҳсули ва айни вақтда заминидир. У инсоният жамиятининг ниҳоятда нозик ҳолати бўлиб, вақт жиҳатидан беш миллион йиллик инсоният тарихининг бор-йўғи 0,1 фоизини ташкил қилади, яъни инсоният ўзининг босиб ўтган йўлининг 99,9 фоизи давомида ёввойилик ва ваҳшийлик даражасида ҳаёт кечирган.

Мустақил Ўзбекистоннинг мақсади — ҳозирги замоннинг инсонпарвар, демократик ва ҳуқуқий давлатига, яъни цивилизацияли, маърифий давлатига айланиб, халқнинг фаровонлигини таъмин этиш ҳамда илғор мамлакатлар қаторидан жой олишдир. Бунинг асоси ва зарурий шарти давлатимизда таъмин этилган тинчлик, барқарорлик ва ҳамжиҳатликдир.

Цивилизация ижтимоий фанларда энг бўш ишланган мавзулардан биридир. Бунинг боиси шундан иборатки, *биринчидан*, яқин ўтмишдаги ҳукмрон мафкура ва сиёсий тизим инсоният цивилизациясини синфий асосда иккига бўлиб, социалистик цивилизация тушунчасини эксплуататор жамият цивилизациясига қарши қўйди ва шу асосда инсониятнинг моддий ва маънавий маданиятига хизмат қилган минглаб фан, техника ва ижтимоий ҳаёт намояндаларини турли баҳоналар билан цивилизацияга хизмат қилганлар қаторидан ўчириб ташлади. Масалан, Баҳоуддин Нақшбанд, Ат-Термизий каби буюк мутафаккирлар, Сент-Экзюпери ва Есенин каби истеъдодли шоирлар, Беҳбудий ва Фитрат каби жамоат арбоблари ва юзлаб-минглаб бошқалар шулар қаторидандир. Цивилизация мавзусининг етарли ишланмаганлигининг *иккинчи* сабаби шундан иборатки, цивилизация тарихига чуқурлашиш собиқ СССРдаги етакчи катта миллат фақат кейинги уч асрда юзага чиққанлигини, бошқа миллатлар эса кўп мингйиллик тарихга эга эка-

нини, уларнинг инсоният цивилизациясини бойитиш учун қилган хизматлари катта эканлигини намоёиш қиларди, ва шу тариқа барча миллатлар ва элатларни улуғ миллат атрофида жипслашга маълум даражада тўсқинлик қилиши мумкин эди.

Инсоният цивилизациясининг барча ютуқ ва ихтироларини ўзлаштириш, уларни кундалик ҳаётимизнинг таркибий қисмига айлантириш, бозор муносабатлари асосида юртимизни илғор давлатлар қаторига кўтариш — жамиятимиз кун тартибидаги долзарб масаладир.

«Ч»

ЧЎЛПОН АБДУЛҲАМИД СУЛАЙМОН ЎҒЛИ (1897—1938) — XX аср ўзбек адабиётининг атоқли намоёндаларидан бири. Андижонда туғилган. Унинг отаси Сулаймонқул Мулла Муҳаммад Юнус ўғли баззозлик (яъни газлама сотувчи) билан шуғулланганига қарамай, ўз даврининг нозиктаъб кишиларидан бўлган, «Расво» тахаллуси билан ҳажвий шеърлар ҳам ёзган. Шоирнинг бувиси «тотли ва бой тил» соҳибаси бўлган.

Чўлпон мадраса ва рус-тузем мактабида таҳсил кўриб, бир томондан, анъанавий шарқона билимлардан, иккинчи томондан, оврупоча таҳсил ва тарбиядан баҳраманд бўлган. У 1914 йили, жадид ёзувчиси бўлиш нияти билан, Тошкентга кўчиб келганида, «Садои Туркистон» газетаси, «Шўро» (Оренбург) ва «Оина» (Самарқанд) журналлари ҳамда «Таржумон» (Боғчасарой) ва «Вақт» (Уфа) газеталарида босилган хабар, мақола, шеър ва ҳикояларнинг муаллифи сифатида танилган эди. Шунинг учун ҳам худди шу йили андижонлик бу ёш истеъдодли шоир билан учрашган Фитрат унга Чўлпон (яъни ёруғ тонг юлдузи) тахаллусини ҳадя этади. Тошкентда Мунаввар қори Абдурашидов бошлиқ жадидлар билан яқин алоқа ўрнатади, улар ташкил этган «Турон» жамиятининг фаолиятида иштирок этиб, жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиётининг кўзга кўринган вакилларидан бирига айланади.

Чўлпон 1917 йил февраль инқилобини катта умидлар билан кутиб олган, Туркистон мухторияти ҳукуматининг вужудга келишида фаол иштирок этган ва бу ҳукуматнинг «Озод турк байрами» деб номланган мадҳиясини яратган.

Туркистон мухторияти большевиклар томонидан тормор этилиб, ўзбек диёри шўролаштирила бошлаган йилларда, Чўлпон мустабид тузумнинг реакцион моҳиятини фош

этувчи оташин шеърларини ёзди. 20-йилларнинг ўрталарида унга «миллатчи» деган тамга ёпиштирилади; у 1924—1927 йилларда Москвада театр санъати билан қизғин шуғулланди, бугунги профессионал ўзбек театрининг том маънодаги асосчиларидан бири бўлди.

Чўлпон 1931—1934 йилларда қатагон тўлқинидан қочиб, Москвада яшади ва таржимонлик фаолияти билан шуғулланиб, В.Шекспир, А.С.Пушкин, А.П.Чехов, Л.Андреев, М.Горькийнинг қатор асарларини ўзбек тилига ўгирди. Унинг таржимон сифатида олиб борган самарали фаолияти ўзбек таржима мактабининг шаклланиши ва камол топишида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Чўлпон ўзбек тилининг етук адабий тил даражасига эришиши ва бойишига катта ҳисса қўшди. Унинг қаламига мансуб асарлар ўша давр ўзбек шеърияти, насри ва драматургиясининг янги тараққиёт босқичига кўтарилишида муҳим омил бўлди. У миллий театр танқидчилигига асос солди, ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослигининг шаклланишига муайян таъсир ўтказди.

«III»

ШАРҚ ВА ШАРҚОНАЛИК — жаҳон ижтимоий адабиёти, шу жумладан тарих, фалсафа, руҳият, бадий адабиёт, адабиётшунослик, этнология ва этнография, нафосат ва ахлоқ илмлари томонидан эътироф этиладиган, Шарққа, Шарқ халқлари ва мамлакатларига тегишли ҳислат ва хусусиятлар мажмуи.

Жамият тарихини ўрганиш шуни кўрсатадики, инсониятнинг илк ўтмиш, биринчи моддий ва маънавий маданият масканлари Шарқда шакланган ва инсониятнинг кейинги тараққиёти учун замин тайёрлаб берган. Шарқ деганда, асосан Яқин Шарқ (Миср, Сурия, Ироқ, Иордания, Туркия, Яман, Судан, Қувайт ва бошқалар), Урта Шарқ (Эрон, Афғонистон Мовароуннаҳр), Жанубий ва Жануби-шарқий Осиё (Бирма, Вьетнам, Индонезия, Таиланд, Ҳиндистон ва унга яқин ҳудудлар давлатлари), Узоқ Шарқ (Хитой, Япония, Корея, қисман, Россия Узоқ Шарқи) тушунилади.

Демак, Шарқ жуда катта ҳудуд, унинг ўзи ранг-баранг ҳамда турли-тумандир. Аммо, шу билан бир вақтда, Шарқнинг санаб ўтилган тўрт қисмини бирлаштириб турувчи умумий томонлари ҳам мавжуд. У ҳам бўлса, Шарқ халқларининг босиқлиги, ҳар қандай кескин вазиятда ҳам масала ва муаммоларни тинчлик, мубоҳаса, музокара, мунозара йўли билан ҳал қилиш, борини асраб-авайлаш, йўғини эса

яратиш, ҳаётнинг негизи ва замини изчил кундалик меҳнат эканлигини тан олиш ва шунга риоя қилиш, авлодларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлигини кўзда тутиб, ота-оналарга ҳамда фарзандларга алоҳида меҳрибонлик билдириш, ҳаётнинг ўткинчи эканлигини билиб, мол-дунё йиғиш, охиरोқибатда, кўпинча ижобий эмас, балки салбий натижа беришини назарда тутиш, бойлик ёки шон-шуҳратга, юксак лавозимларга эришган билан инсон зоти осмонга устун бўлолмайди, деб ҳамма вақт ўзини тия билиш, — бундай ўзига хос хислат ва хусусиятлар Шарқ ва шарқоналикни ифодалашга ёрдам беради.

Шарқнинг бундай ўзига хослигининг илдизлари унинг инсоният тарихидаги ўрни билан белгиланади: Шарқ инсониятни гўдакликдан балоғат ёшигача тарбиялаб етказган онадир. Бундай тарбиявий иш эса эҳтиёткорликни, очиқликни, изчилликни, ҳаёт зиналаридан бирма-бир чиқиб, кўтарилиб боришни талаб қилади.

Шарқ халқлари, инсоният тарихида биринчи бўлиб, ерга ишлов беришни, маданий ўсимликлар навларини, табиатдан танлаб олиш йўли билан, юзага келтирдилар, ўсимликларни чопиқ ва суғориш йўли билан тарбиялаб ўстиришни ҳаётга татбиқ этдилар, мураккаб ирригацион, яъни суғориш тартиб ва усулларини яратдилар, биринчи сув тегирмонлари ва обжувозларни қурдилар, дастлабки уй ҳайвонларини қўлга ўргатдилар, ва ҳатто, ипак қуртидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга эришдилар, ниҳоятда мукамал меъморчилик санъатига асос солдилар ва ҳоказолар. Шарқ биринчи бўлиб инсон қанчалик сабр-тоқатли, иродали, ўткир фикрли, жисмонан бақувват ва руҳан эгилмас бўлишини инсониятга намоён этди.

Янги тарих давридан бошлаб, яъни XVI асрдан Фарб мамлакатлари ва халқлари инсониятнинг олди қаторига чиқа бошладилар. Лекин Фарб Шарқнинг елкасига суянибгина, қолоқлик ва қашшоқлик оламидан қутулиб чиқа олди. Ана шу сабабдан Шарқ Фарбнинг диққатини ўзига жалб этган. Овруполиклар асрлар давомида Шарқ томон океанлар ёки чўллар орқали йўл қидирганлар.

Мустақил Ўзбекистон — Шарқ мамлакатларидан бири. Ўзбек халқи азалдан ўзининг босиқлиги, андишалчилиги, керак-нокеракка диққат бўлаверишга йўл қўймаслиги билан ажралиб турган. Унинг бундай шарқона хислатлари бозор иқтисодиётига ўтишда мамлакатимиз фойдасига катта хизмат қилмоқда. Мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажаги шарқоналигимизни Фарб фани, техникаси ва технологияси билан ижодий бирлаштириш орқалигина ҳаёт воқелигига айланиши муқаррардир.

Биз шу йўлдан бормоқдамиз.

ШАРҚОНА ДЕМОКРАТИЯ — демократия тушунчасининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, Шарқ мамлакатлари, асосан, аҳолисининг кўпчилилик қисми мусулмон маънавиятидан баҳра олган ҳудудларга хос бўлган демократик қоидалар мажмуининг ўзига хос шакл ва мазмунда намоён бўлишидир. Шарқона демократия миллий босиқлик, андиша, ёши улугларга ҳурмат, ўзаро маслаҳат, ҳар қандай кескин масалада ҳам томонларнинг келишувларига асосланадиган фаолиятдир. Ана шу хусусиятлари билан ушбу ижтимоий тушунча Ғарб демократиясидан фарқ қилади. Бундан ташқари, шарқона демократия, сиёсий тартибсизликлар, бош-бошдоқлик ва митингбозликни миллий манфаатларга зид деб қарайди ҳамда жамият ва давлатнинг ички масалалари — ҳар қандай фундаменталистик ва қуроли кучларга асосланган ҳаракатларни қоралаган ҳолда, ўз фаолиятини ўзига хос маданият тамойиллари асосида йўлга қўяди.

Шарқона демократия ҳам, умумий демократия сингари, сиёсий плюрализм, алтернатив жараён ҳамда ҳар бир шахс ёки гуруҳ манфаатларини ҳимоя этишни ўз фаолиятининг асосий тамойилларидан бири, деб ҳисоблайди, ушбу ҳаракатлар шарқона одоб ва қоидалар доирасида амал қилишини талаб этади.

Шарқона демократия, унинг тарихи, ижтимоий илдизлари ва руҳий заминлари деярли ўрганилмаган. Чунки, яқин ўтмишдаги истибод тузуми ва ҳукмрон мафкура, демократик қоидаларга зид ўлароқ, жамият муаммоларини фақат синфий кураш, зўравонлик, зулм, кўзғолон, исён йўли билан ҳал қилишни тавсия ва талаб қилар эди. Бу, албатта, собиқ тузум таназзулини ва ҳалокатини тезлаштирди. Қайси бир жамият, тузум ўз сиёсий фаолиятида демократик тамойилларни миллий ҳамда маҳаллий шароитлар талабларига мослаштира олмас экан, у сиёсий бошбошдоқлик ҳамда иқтисодий инқирозга маҳкумдир. Буни айрим собиқ иттифоқдош республикалар мисолида кўриш мумкин.

Мустақил Ўзбекистонда Шарқ демократиясини тиклаш, асослаш ва ҳаётга татбиқ этиш бўйича катта ишлар бажарилмоқда. Чунончи, аждоқларимиз тарихий тажрибаси инобатга олинган ҳолда, бугунги кунда, мукамал шакл касб этган шарқона демократия қоидаларига асосланган кучли ижтимоий сиёсат туфайли, республикамиз умумжаҳон миқёсида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб, йилдан-йилга иқтисодий юксалиш сари дадил одимлар билан қадам ташламоқда. Бу, албатта, жумладан, шарқона демократия қоидаларига асосланган сиёсат натижасидир.

Баъзида «демократия битта бўлади, унинг шарқий ва ғарбий кўринишлари бўлиши мумкин эмас», дейдиган фикрлар ҳам айтилади. Бундай нуқтаи назар шўро тузуми ва

мафкурасининг таъсирида шаклланган. Истибдод мафкура-си ва назарияси бутун жаҳонни, барча инсониятни бир бутун деб қараб, шу асосда миллатлар ва миллий тилларни қўшиб юбориш, миллий расм-русум ва анъаналарнинг катта қисмини эскилик сарқити деб тан олмаслик йўлидан борди. Ва бу сиёсат қандай натижаларга ҳамда оқибатларга олиб келганлигининг шоҳиди бўлди.

Демократияга ўтмиш сабоқлари ва ҳаёт тажрибаси асосида изчил-илмий қараш шундан иборатки, умуминсоний нуқтаи назардан, ҳақиқатан ҳам демократия битта: аммо бу бирлик шунинг учун ҳам ҳаётийки, у миллий шароитлар, минтақавий хусусиятлар ва қитъавий фарқ-тафовутларни инобатга олади, яъни кишиларнинг, жамиятнинг амалиёти билан чамбарчас боғланган. Барча мамлакатлар, ҳамма халқлар демократияга интиладилар, демократик тартиб-қоидаларни ўзларининг муайян шароитларида қўллаш ва турмушга татбиқ этишнинг энг маъқул йўларини ва усуллари-ни топишга ҳаракат қиладилар. Ана шу жаҳон бўйлаб бо-раётган оммавий ҳаракат ўзининг муайян шакл ва мазмуни-га эга кўринишларини беради. Шу кўринишлардан бири шарқона демократиядир.

Шарқона демократиянинг мустақил Ўзбекистонда қўл-ланила бошлаши халқимиз томонидан катта кўтаринкилик билан қабул қилинди. Фақат биргина шўро демократияси бўлиши мумкин деб ўргатилган халқ ўзининг азалий тартиб-қоидаларини бойитиб, уларни тиклай бошлади.



ЭКОЛОГИК ТАНГЛИК ХАВФИ — XX аср давомида техниканинг ривож, халқ хўжалигини ва кундалик турмуш-ни кимёлаштириш, Ер юзида аҳоли сонининг кескин кў-пайиши оқибатида табиат билан инсон ўртасидаги муво-занатнинг бузилиши, ер, сув ва ҳавонинг инсон ҳаётига зар-рарли даражада ифлосланиши натижасида пайдо бўлди.

Маълумки, жамият ҳаётига моторларнинг кенг кўламда кириб келиши XIX асрнинг охири — XX асрнинг илк йил-ларидан бошланди; кейинги юз йил ичида дунё моторлар оламига айланди: ҳозирги даврда жаҳон бўйича неча мил-лион автомобиль, пароход, паровоз, локомобиль, самолёт, мотоцикл, яхта, кемача, турли ёқилғида ва ёнилғида иш-лайдиган электростанциялар, иситиш қурилмалари ва ҳоқа-золарни санаб адоғига етиб бўлмайди. Ёқилғида ва ёнилғида ишлайдиган ҳар бир мотор ёки моторли иншоот, аслида,

инсонга керакли кислородни истеъмол қилувчи рақибдир. Моторлар тутаб, бир томондан, инсонга енгиллик ва қулайлик туғдирса-да, иккинчи томондан, атроф муҳитни ифлослантиради, инсон яшаётган муҳитни издан чиқариб, уни турли касалликларга дучор қилади.

Экологик танглик хавфи юзага келишининг *иккинчи* манбаи — кимёлаштириш, қишлоқ хўжалигида, чорвачиликда, саноатда, транспортда яхши кўрсаткичларга эришиш мақсадида кимёвий моддалардан кенг фойдаланишдир. Бунинг оқибатида, айниқса, собиқ СССРда «ривожланган социализмни такомиллаштириш» ва «коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш йиллари»да (1960—1985) «коммунизм бу — бутун мамлакатни электрлаштириш ва кимёлаштиришдир» деган шиор асосида иш олиб борилди, мамлакат тупроғи, суви, ҳавоси мисли кўрилмаган даражада ифлослантилди. Бу жараён Ўзбекистонда ҳам намоён бўлди, сариқ касали бўйича республикамизнинг жаҳонда «етакчи» ўринга чиқишига олиб келди, турли касалликларнинг кенг тарқалишига сабабчи бўлди.

Экологик танглик хавфи ўсишининг *учинчи* сабаби — аҳолининг талаблари ва унга кўрсатиладиган маиший хизматнинг такомиллашиши натижасида пайдо бўладиган ахлатнинг кўпайишидир (турли ишлатилган қоғоз, картон қутича, бутилка, флакон, озиқ-овқат қолдиқлари ва ҳоказолар).

Жамият ҳаёти изчил илмий негизда ташкил қилиниб, у фан тавсиялари ва тиббиёт қонунлари асосида олиб борилса, экологик танглик хавфини камайтириш ва аста-секин зарурий мувозанатга эришиш мумкин. Ҳозиргача инсоният, кўпроқ, табиатнинг бузғунчиси, эркатойи бўлган. Энди эса, у атроф муҳитнинг тиришқоқ хизматкорига, ишончли иштирокчисига айланиши, ҳар бир қадамида табиатни, атроф-муҳитни тозалаш, тоза тутиш қондасига риоя қилиши зарур. Бу зарурий шарт бузилса, инсоният ўз бошига янги балолар, янги касалликлар, хасталиклар, ногиронликларни орттириши шубҳасиздир. Бундай фикр мавжуд воқеа ва ҳодисаларда исботланмоқда. Шу тўғрида сўзлар экан, Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов бундай деди: *«Дунёда инсоннинг биологик тур сифатида яшашига бевосита хавф-хатар мавжуд. Яъни ялпи ядро уруши хавфи анча камайган бўлса ҳам, экологик танглик хавфи, биогенетик бузилишлар хавфи таҳликали ҳолатда сақланиб қолмоқда»*.

Ўзбекистоннинг миллий мустақиллиги юртимиздаги экологик вазиятни изга солиш учун жиддий имкониятлар яратди. Мамлакатимизда табиий атроф муҳитни соғломлаштиришга қаратилган муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда, мазкур масала расмий давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Ўзбекистонда экологик танглик хавфи айниқса катта эътиборни талаб қилади. Ўзбекистон — қадимий бой цивилизациянинг марказларидан бири. Унинг аҳолиси зич жойлашган ва йил сайин ўсиб бормоқда. Кейинги юз йил ичида Ўзбекистонда аҳоли сони беш баробар ўсди. Аммо бу ҳудуд фақат икки дарёдан сув ичади. Сувни истеъмол қилиш эса, Ўзбекистоннинг ниҳоятда иссиқ муҳитида ва аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти такомиллашиши билан, суғориладиган ерлар сатҳи кенгайиши сабабли, ўн беш баробар ўсди. Кўз ўнгимизда юзага келаётган бу номутаносиблик экологик аҳволни янада жиддийлаштириши мумкин. Бу муаммони ҳал этишда кундалик иш билан бир қаторда (масалан, «ЭКОСАН» ташкилоти ёрдамида) минтақада жойлашган беш мустақил давлатдан экологияни яхшилашнинг стратегик режасини тузишни ва шу асосда иш олиб боришни талаб қилади.

ЭЛЧИХОНА — суверен давлатнинг бошқа суверен давлат ҳукумати қошидаги дипломатик ваколатхонаси, шу ваколатхона жойлашган бино. Бу ваколатхонани элчи бошқаради. У ўз давлатининг расмий вакили ҳисобланиб, дипломатик унвонлардан бирига эга бўлади.

Биринчи марта доимий элчихоналар институти XVII—XVIII асрларда пайдо бўлган. Ҳозирги кунда элчихоналарнинг ҳуқуқий ҳолатини аниқловчи халқаро ҳуқуқий қоидалар «Дипломатик алоқалар ҳақидаги 1961 йил Вена конвенцияси»да жамланган.

Элчига жуда кенг ваколатлар берилади. Элчи элчихонада ва ўзи фаолият кўрсатаётган мамлакатдаги ўз давлати фуқаролари ўртасида бўлиб ўтадиган ҳар бир воқеадан хабардор бўлиши ва барча муаммоларни ҳал этиш ҳуқуқига эга. Элчи маслаҳатчилари элчи назорати остида ўзлари раҳбарлик қилаётган соҳаларга раҳбарлик қиладилар. Элчихонада ишлайдиган барча дипломатик ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўзлари турган мамлакатда асосий имтиёзлар ва имунитет (яъни дахлсизлик)га эгадирдар.

Одатда йирик давлат элчихонаси қуйидаги тузилишга эга бўлади: — Сиёсат масалалари бўйича гуруҳ; Ички сиёсат масалалари бўйича гуруҳ; Иқтисодий масалалар бўйича гуруҳ; Матбуот бўлими; Консуллик бўлими; Хўжалик бўлими; Элчихона котибияти; Ҳарбий ва ҳарбий денгиз атташесининг маҳкамаси.

Ўзбекистон мустақилликка эришиши муносабати билан элчихоналар масаласида туб ўзгаришлар юз берди. Истибдод даврида, собиқ СССР Конституциясига биноан, Ўзбекистон ҳам тенг ҳуқуқли суверен давлат ҳисобланарди. Аммо ташқи сиёсат ва ташқи савдо, хорижий давлатлар билан муносабат ва

мулоқот масалалари тўла равишда Марказ (Москва) ихтиёрида бўлиб, Ўзбекистон оддий маъмурий вилоят ва ўлка даражасига тушириб қўйилган эди. Ўзбекистон пойтахтида элчихоналар очиш тўғрисида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас эди. Ҳар бир чет эл фуқароси ёки ажнабий делегация Ўзбекистонга фақат Марказнинг рухсати билан келиши мумкин эди. Уларнинг республикамизда неча кун бўлиши, ким билан учрашиши ва нима тўғрисида сўзлашиши олдиндан Марказ томонидан белгилаб қўйилар ҳамда шу тартибдан чекиниш жиддий тушунмовчиликлар туғдириши мумкин эди.

Ҳозирги пайтда мустақил Ўзбекистонни икки юзга яқин давлат тан олган бўлиб, шулардан ўттиздан ортиғи билан бевосита дипломатик алоқалар ўрнатилган. Ҳозирги замоннинг етакчи илғор давлатларининг барчаси Ўзбекистон пойтахтида ўз элчихоналарига эгалар ва Ўзбекистон, ўз навбатида, у давлатларда ўз элчихоналарини таъсис этган. Мустақил Ўзбекистон учун дипломатия ходимлари тайёрлаш мақсадида давлатимиз пойтахтида, Ўзбекистон Республикасининг Президенти фармонида биноан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети очилди ва фаолият кўрсата бошлади.

Ташқи ишлар ва дипломатик соҳа Марказий Осиё минтақаси маҳаллий миллатлари, шу жумладан ўзбек миллати, энг камситилган тармоқлардан бири эди. Собиқ СССР Ташқи ишлар вазирлиги тизимида расмий равишда ишлайдиганларнинг тўқсон икки фоизи бир миллатнинг вакиллари эдилар. Иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнгги қирқ беш йил ичида (1945—1990 йиллар) Ўзбекистоннинг фақат етти вакили СССРнинг чет элдаги фавқулодда ва мухтор элчиси бўлиб ишлаш имкониятига эга бўлди (А.Абдуллаев, Баҳодир Абдураззоқов, Сарвар Азимов, Латиф Мақсудов, Нуриддин Муҳитдинов, Рафиқ Нишонов ва Анвар Кўчқоров). Шулардан фақат учтаси (А.Абдуллаев, Б.Абдураззоқов ва Л.Мақсудов) махсус дипломатик олий маълумотга эга эдилар, холос. Марказий Осиё республикалари вакиллари жаҳоннинг етакчи давлатларига масъул лавозимларда белгиланмас, уларни, одатда, «ўрточа» давлатларга ишга белгилар эдилар (Сомали, Покистон, Ливан, Шри Ланка, Габон, Сурия ва бошқалар). Оқибатда ўзбек миллатининг фарзандлари халқаро муносабатларнинг ҳал қилувчи йўналишларидан четлатилган эдилар. Ҳолбуки, улар жиддий аҳамиятга эга қатор таклифларни киритиб, ташқи ишлар ва муносабатларда асосли ва мустақил фикрларни олға сурганлар.

Мустақиллик Ўзбекистонни қарамлик ва кемтиклик ҳиссидан озод этди. Ўзбекистон дипломатлари кенг миқёсда халқаро саҳнга чиқмоқдалар.

ЭНЦИКЛОПЕДИЯ (юнончадан французча «Encyclopédie» — «билимлар доираси») — маълум қоидалар асосида тартибга солинган билимлар тўплами, илмий ёки илмий-оммабоп нашр.

Энциклопедияларнинг юзага келиши деярли уч ярим мингйиллик тарихга эга. Илк энциклопедиялар қадимий Миср ва Хитойда пайдо бўлган. Ундан кейин энциклопедик мазмун ва тусдаги асарлар Қадимги Юнонистонда, шу жумладан, Демокрит ва Аристотель томонидан яратилган. Марказий Осиёда Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Давлатшоҳ Самарқандий, Бобур қомусчилик тарихига қимматбаҳо ҳисса қўшганлар.

Биринчи ҳақиқий энциклопедия 1751—1780 йилларда 35 жилдда Д.Дидро бошчилигида француз олимлари Монтескье, Вольтер, Руссо ва д'Аламбер томонидан тайёрланиб, чоп этилди. 1917 йилгача Россияда Брокгауз ва Ефрон ҳамда Гранат энциклопедиялари маълум эди. Шўро даврида Катта Совет Энциклопедияси 1, 2 ва 3-нашр бўлиб чоп этилди. 30-йилларнинг ўртасигача, яъни «социализм галабаси» гача, чиққан КСЭнинг 1-нашри илмий жиҳатдан юксак даражада бўлиб, 2- ва 3-нашрларда эса ҳукмрон мафкура таъсири уларнинг мазмунига салбий таъсир кўрсатган. Шўро даврида бир қанча соҳа энциклопедиялари (фалсафа, тарих, техника, жуғрофия, химия ва бошқалар бўйича) ва республикалар энциклопедиялари тайёрлаб чоп этилди.

«Ўзбек совет энциклопедияси» 1971—1980 йилларда 14 жилддан иборат ҳолда чоп этилди. Ўзбек халқи тарихида биринчи тўлиқ мазмундаги энциклопедиянинг яратилиши муҳим воқеа бўлди ва ҳозирги замон фани даражасида олам, жамият ва инсон тафаккури ҳақидаги билимларни қомусий равишда, лекин ҳукмрон мафкура ва назария доирасида акс эттирди. ЎзСЭ етти мингдан ошиқ олим, соҳа мутахассислари, маданият ва давлат намояндаларининг кўп йиллик меҳнатининг самараси ва натижаси бўлди. Унга 40 мингдан ошиқ атама — мақолалар киритилди, 10 минг суврат ва 800 та харита илова қилинди. Афсуски, ЎзСЭ мазмунида яқин ўтмишдаги ҳукмрон мафкуранинг жиддий салбий таъсири бор. 1981 йилдан бошлаб ўзбек қомусчилари 2 жилдли «Энциклопедик луғат», тиббиёт, пазандачилик, болалар учун ва бошқа энциклопедиялар чиқардилар. 1997 йилда бир жилдли «Ўзбекистон Республикаси» энциклопедияси чоп этилди. Ҳозирги даврда янги нашрлар устида иш давом этмоқда.

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов энциклопедия ишига алоҳида эътибор бериб, 1997 йил 20 мартда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазир-

лар Маҳкамасининг қарорига имзо чекди ва у матбуотда эълон қилинди. Мазкур қарор мамлакатимизда энциклопедия ишини янги поғонага кўтаради, ўзбек тилининг кўп-жилдли изоҳли луғатини, соҳа энциклопедияларини, кўп-тилли луғатлар ва маълумотномаларни чоп этишни кенг миқёсда ва тартиб-режа асосида мунтазам олиб бориш истиқболини очади. Қарор асосида ўзбек миллий энциклопедиясининг 12 жилдли 2-нашрини яқин йилларда тайёрлаш ва чоп этиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон ўз олдига замонамизнинг илғор давлатларидан бири бўлиш каби олижаноб ва Ўзбекистон халқининг энг эзгу орзу-умидларига монанд мақсад ва ниятни амалга оширмақда. Шундай экан, мамлакатимизда энциклопедия иши ҳам шу мақсадга жавоб берадиган даражада олиб борилиши керак. Давримизнинг илғор мамлакатларидаги энциклопедик иш амалиёти шуни кўрсатадики, уларда энциклопедик луғатлар ва умуман маълумотномалар чоп этиш айланма (конвейер) саноати йўлга қўйилган бўлиб, турли энциклопедик луғатлар, маълумотномалар бир неча йилда бир марта эмас, балки ҳар йили оз-оздан чоп этиб борилаверади. Бу нарса луғат ва маълумотномаларда ҳаётдаги илмий, техникавий, луғавий ва бошқа ўзгаришларни инобатга олиб, тезкор акс эттириш имконини беради. Бундан ташқари, ўтмишдаги кўпжилдли, оғир, ноқулай энциклопедиялар ўрнига бир жилдли энциклопедия-луғат чоп этишга имтиёз берилмоқда. Бундай энциклопедия-луғатдан фойдаланиш, уни ўзи билан олиб юриш, ундан турли соҳа бўйича маълумотлар олиш ва аини вақтда шу тилдаги ҳар бир сўзнинг маъноси, тарихи, талаффузи ҳақида қисқа, лекин етарли маълумот олиш, турли халқаро иборалар, қисқартмалар, ўлчов бирликлари ҳақидаги саволларга ҳам жавоб олиш имконини беради.

Замонавий энциклопедия-луғатлар тайёрлаш ва чоп этишга кўчиш учун Ўзбекистон энциклопедиячилари етарли тажрибага эгалар.

ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ — киши онгида чуқур ўрнашиб қолган ва амалга оширилиши шахснинг кундалик эҳтиёжига айланган интилиш, хатти-ҳаракат ва дунёқарашлар тизими.

Эътиқод эркинлиги киши турмушининг муайян шароитлари таъсирида шахснинг амалий ҳаёти, ижтимоий фаолияти, жамият маънавий бойликларини эгаллаш, муайян ахлоқ қоидалари ва мезонларини обдон ўзлаштириб олишга интилиши жараёнида пайдо бўлади ва шаклланади. Эътиқод эркинлиги инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари ичида марказий ўринда турувчи қадрият ҳисобланади. Уни инсон-

нинг маънавий оламини, қарашларини белгиловчи, шакллантирувчи асосий омил, дейиш мумкин.

Эътиқод эркинлиги сиёсий, ахлоқий, илмий, диний каби турларга бўлинади. Инсон ўз ҳаётида шу турлардан бирига алоҳида ихлос қўйиши, шу турни ўз турмуш тарзи, хатти-ҳаракатлари, орзу-мақсадлари, интилишларини белгиловчи тамоийлар сифатида қабул қилиши мумкин.

Эътиқод эркинлиги яқин ўтмиш истибод тузуми шароитида ниҳоятда бир томонлама талқин қилинар ва у фақат коммунистик ғояларга эътиқод сифатида тушуниларди. Ҳолбуки, борлиқни идрок қилишда, унга ўз муносабатини билдиришда ва шунга қараб хатти-ҳаракат қилишда инсон онгининг бениҳоя турли имкониятлари намоён бўлади. Бундай фикрлардаги хилма-хилликни инкор этиш ва эътиқод эркинлигини бир қолипга, ягона мезонга солиш тафаккур қонунларига зиддир ва тафаккурнинг ўсишини, намоён бўлишини бўғади, чеклайди.

Мустақил Ўзбекистон ўз Асосий қонунини тайёрлашда ва қабул қилишда тафаккурнинг шу хислатини ва илғор мамлакатлар тарихий тажрибасини инобатга олди. Ўзбекистон Конституциясининг 29-моддасида бу эҳтиёж ва ҳаёт талаби алоҳида мустақамлаб қўйилган. 12-моддада: Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт, сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланади, дейилган. Айни вақтда, давлат фуқароларда умумбашарий ва миллий қадриятларга асосланган юсак эътиқод туйғуларини тарбиялашга кўмаклашади. Аммо эътиқод эркинлиги мутлақ чекланмаган, деб тушуниш нотўғри бўлади: у давлатнинг конституциявий асосларига ва фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига қарши қаратилмаслиги керак.

Эътиқод эркинлигини талқин қилиш ва амалиётга татиқ этиш мустақил Ўзбекистонда ҳал этилаётган энг мураккаб вазифалардан биридир. Бунинг боиси — коммунистик эътиқоддан мустақиллик эътиқодига кўчишнинг ички зиддиятлигидадир. Миллий-озодлик эътиқодини ўз онгининг таркибий қисмига айлантириб улгурмаган халқ, 1917 йил октябри воқеаларидан сўнг коммунистик эътиқодни мажбуран онгимизга жойлаштириш механизмига тўқнаш келди. Ҳукмрон мафкура ва давлат тузуми бизга етмиш йилдан ортиқ давр ичида «эътиқод фақат марксча-ленинча бўлиши мумкин» деб уқтирди ва бундай қарашни шубҳа остига олувчиларни раҳм-шафқатсиз йўқ қилди.

Демак, ривожланиб улгурмаган миллий онгимиз ва эътиқодимиз коммунистик тарғибот ва ташвиқот тазйиқида бир томонлама шаклланди. Биз XX асрнинг охириги ўн йиллигига, мустақиллик бўсағасига, ишқал сиёсий асосда ва хато

заминда шаклланган эътиқод билан келдик. Афсуски, кўп-лар истибдод даврида шаклланган эътиқодларини ягона тўғри ва илмий эътиқод деб билардилар. Ҳақиқий эркин эътиқод, ҳуқуқий давлат, демократик жамият нима эканлигини билмаган ва кўрмаган баъзи бир гўр сиёсатчи ёшлар мустақиллик арафасида ва мустақиллик эълон қилингандан сўнг тубдан ўзгарган янги вазиятда ўзларини йўқотиб қўйдилар, тўғри йўл тополмадилар, Ўзбекистон шароитларида Фарб андозаларига тўғри келадиган сиёсий фаолият турларини киритмоқчи бўлдилар ва ўз куч ҳамда ғайратларини митинг-бозликка, намойишкорликка, мажлисбозликка, фитнесчилик ва ифвогарчиликка сарфладилар.

Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг ўз вақтида кўрган чоралари жараённинг мураккаблашиб кетишига йўл бермади.

Мустақиллик йиллари давомида халқимиз яқин ўтмишнинг таъсиридан қутилиб бормоқда ва эътиқод эркинлиги тамойили асосида ҳаётга янгича ёндошишнинг қоидаларини яратмоқда.

«Я»

ЯГОНА ИҚТИСОДИЙ МИНТАҚА — бозор иқтисодиёти шароитида ҳудудий бозорлар макроиқтисодий тизимини ташкил этувчи бирликлар ўртасида интеграциянинг жуда юқори эканлигининг натижаси бўлиб, минтақавий бозорлар тизимининг дунёнинг бошқа минтақавий бозорлари билан рақобат қила олиши учун имконият яратади. Бозор дастаклари амал қилиши натижасида, айрим ҳудудлар табиий, ишлаб чиқариш ва илмий-техника омилларидан фойдаланиш самарадорлиги даражасини ошириш ҳамда имкони борича энг юқори даражада фойда олиш учун шароит яратилади.

Ягона иқтисодий минтақа унга кирувчи мамлакатлар ўртасида келишув ва шартнома тузиш асосида ташкил этилади. Ягона иқтисодий минтақага Оврупо Иттифоқи, Марказий Осиё мамлакатлари мисол бўла олади. Марказий Осиё минтақасидаги янги мустақил давлатлар иқтисодиёти ўзаро чамбарчас боғлиқлиги ва ўзаро таъсир остида бўлгани учун 1994 йилда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида Ягона иқтисодий минтақа тузиш ҳақида шартнома имзоланди. Бу минтақа интеграция жараёнларини чуқурлаштириш учун келажакда катта имкониятлар яратади, бу жараёнлар маълум босқичларни босиб ўтиб, ҳар томонлама мукамал ягона иқтисодий минтақа шаклланади. Бунинг учун

қуйидагилар амалга оширилиши лозим: эркин савдо минтақалари ва экспортга йўналтирилган чегара олди иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш; ўзаро тўлов ва келажақда валюта иттифоқи; умумий бозор ва минтақа мамлакатлари ўртасида мустаҳкам иқтисодий иттифоқни шакллантириш. Ягона иқтисодий минтақа махсус бошқариш ташкилотларига эга бўлади. Масалан, Марказий Осиёда бу масала бўйича Давлатлараро Кенгаш тузилди, унинг ишчи органи Ижроия Қўмитадир; минтақада иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш бўйича Давлатлараро комиссия, Марказий Осиё таъмирлаш ва тараққиёт банки ташкил этилган.

Ягона иқтисодий минтақалар тузиш ёки ташкил қилиш — инсониятнинг жамиятни бойитиш, кишилар фаровонлигини ошириш, ҳаёт қулайликларини такомиллаштиришда қилаётган саъй-ҳаракатларининг самарадорлигини оширишда йил сайин янада жиддийроқ ўрин эгаллайдиган амалий йўллардан биридир, чунки иқтисодий бирлашишнинг бу шакли ишлаб чиқариш унумдорлигини кўтаришда жуда кенг янги имкониятлар очади. Марказий Осиё давлатларининг бирлашиши, яъни ягона иқтисодий минтақа тузишга интилиши зарурий ва табиийдир. Зеро, умумий, бир-бирига туташган миллий ҳудудлар, тил ва маданият яқинлиги, улар тарихининг чамбарчас боғлиқлиги ва бошқа омиллар ягона иқтисодий минтақа тузишни енгиллаштиради, Марказий Осиё халқларининг эзгу ниятларига монанд келади.

Марказий Осиё мамлакатлари Ягона иқтисодий минтақа ташкил қилишининг яна бир жиддий зарурати бор: у ҳам бўлса, уларнинг мураккаб жуғрофий ҳолати, уларнинг денгиз ва океанлардан узоқда жойлашганлигидир. Бу салбий омил қўшимча иқтисодий қийинчиликлар туғдиради ва бирлашибгина бу муаммони ҳал этишнинг янги имкониятларини топиш мумкин. Марказий Осиё давлатлари Ягона иқтисодий минтақа ташкил қилишларининг зарурлиги яна шунинг учун ҳам аёнки, собиқ СССРни қўмсайдиган сиёсатчилар кам эмас. Улар янги мустақил давлатлардаги ўтиш даврининг қийинчиликларидан фойдаланиб, ўтмишдагидек, барча собиқ республикалар устидан назорат ўрнатиб, уларнинг иқтисоди, сиёсати, ҳарбий ишлари ва маданий тараққиётини собиқ Марказга боғлаб қўйишни режалаштирадilar. Бу жиҳатдан барча мустақил давлатлар жиддий синовдан ўтмоқдалар.

1998 йил январь ойида Туркменистон пойтахти Ашгабадда Марказий Осиёдаги беш мустақил давлат раҳбарларининг учрашуви бу беш давлат раҳбарлари вазиятни тўла ва яхши тушунишларини намоён қилди. Ашгабад учрашувининг тарихий аҳамияти шундаки, у беш давлат раҳбарлари Ягона иқтисодий минтақа тузиш билан чекланмай, уни кен-

гайтириш, фаолиятини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш тўғрисида ҳам келишиб олдилар.

Марказий Осиё давлатлари бу масалаларни ҳал этишда халқаро иқтисодий алоқа, иттифоқ, бирлашмаларнинг, ва биринчи навбатда, Овруро Иттифоқи тажрибасига суянадилар. 1957 йилда олти давлатдан бошланган бу Иттифоқ, ҳозир Оврупонинг 15 давлатини қамраб турибди: Франция, Олмония, Италия, Белгия, Голландия, Люксембург, Дания, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллиги, Ирландия, Юнонистон, Испания, Португалия, Австрия, Швеция ва Финляндия. Унинг аҳолиси қирқ йил ичида (1957—1997) 167 миллиондан 374 миллионгача етди.

ЯНГИ ИНДУСТРИАЛ МАМЛАКАТЛАР («ОСИЁ ЙЎЛБАРСЛАРИ») сирасига охириги йигирма йил ичида иқтисодиёти ва биринчи навбатда саноати жуда тез суръатларда ривожланган, ялпи миллий маҳсулотнинг йилига ўртача ўсиши 8,3 фоиз, анъанавий қишлоқ хўжалиги билан шуғулланган, ҳозирги пайтда халқаро савдода салмоқли ўрин эгалловчи давлатлар киради. Мисол учун қуйидаги мамлакатларнинг 1994 йил учун кўрсаткичларини келтирайлик (фоиз ҳисобида): Хитой — 10,4; Ҳиндистон — 4,2; Индонезия — 6,5; Жанубий Корея — 7,7; Малайзия — 8,9; Таиланд — 8,4 фоиз.

Индустриаллаштириш мақсадида тузилаётган иқтисодий ривожланиш стратегияси уч босқичга бўлинади:

а) Биринчи босқичда (50-йилларнинг ўрталари ва охири) чет элдан келтириладиган товарларни мамлакат ичкарасида ишлаб чиқариш мақсадида саноат тармоқлари ривожлантирилади. Бу сиёсатни амалга ошириш катта миқдорда валюта маблағларини тежаш ва ички бозорни истеъмол моллари билан тўлдириш имкониятини беради;

б) Иккинчи босқич (60-йилларнинг охиригача) иқтисодий ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида тизим ўзгаришлари юз бераётган даврга тўғри келиб, халқаро меҳнат тақсимотидаги ўзгаришлар ва бу жараёнда ривожланган мамлакатларга ажратилган ўрин экспортга йўналтирилган ривожланиш стратегиясини тақозо қилади.

Экспортга йўналтирилган иқтисодий сиёсат Осиё ва Лотин Америкасининг янги индустриал мамлакатларида турлича амалга оширилди. Осиёнинг янги индустриал мамлакатларида асосан кўп меҳнат, лекин кам капитал талаб қилувчи, капитал тез айланишини таъминловчи, жамғариш имкониятларини оширувчи ялпи истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этди.

70-йилларнинг бошларигача Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари экспортини асосан тўқимачилик, пўлат, кимё

саноати маҳсулотлари ташкил қиларди. 80-йилларга келиб машинасозлик саноат маҳсулотларини экспорт қилиш кенгайди. Бундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришга микроэлектротехникани ривожлантириш йўли билан эришилди; масалан, Жанубий Кореяда Ғарбий Европа мамлакатларидан кўпроқ яримўтказгичлар ишлаб чиқарилади.

в) Учинчи босқич илмий изланишларни талаб қилувчи тармоқларни ривожлантириш ва ўз илмий-техникавий базасини яратиш билан характерланиб, 70-йилларнинг охири — 80-йилларнинг бошига тўғри келади. Бу босқичнинг асосий хусусияти — илмий-текшириш ва тажриба-конструкторлик ишларини ривожлантиришга давлат ва хусусий инвестицияларнинг кўпайишидан иборат.

Янги индустриал мамлакатларнинг юксак суръатлар билан кўтарилиши Иккинчи жаҳон уруши сабоқлари инсоният онгини қанчалик ўзгартира бошлаганини яққол намоиш қилди. Бу урушда демократик кучларнинг ғалабаси мустамлакалардаги ва ярим мустамлака мамлакатлардаги миллий-озодлик курашининг янада изчиллик ва қатъиятлик билан олиб борилишини тақозо этди, тараққийпарвар гуруҳларни янги курашларга сафарбар этди. 50-йилларнинг иккинчи ярмига келиб, ўтмишдаги мустамлакалар ва ярим мустамлакалар тизими узил-кесил барбод бўлди ва бу мамлакатлар ҳаётида янги тарихий давр бошланди. Худди шу йиллардан кейин ўтган чорак аср ичида собиқ мустамлакалар, ярим мустамлакалар ва қарам давлатлар ўрнида ҳозирги замон техникаси ва технологиясига суянган илғор мамлакатлар, яъни «Осиё йўлбарслари» тарих саҳнига чиқдилар.

Марказий Осиё социалистик республикалари, аксинча, айни шу даврда Марказнинг ва «ривожланган социализм»нинг ҳақиқий мустамлакаларига айлантирилдилар, уларнинг моддий бойликлари ва инсон омили жаҳон социализмини мустаҳкамлашга сафарбар қилинди. Улар таназзул томон юз тутдилар.

«Осиё йўлбарслари»нинг иқтисодий ривожланиш тажрибаси Ўзбекистон учун диққатга сазовордир. Улардан бири бўлган Жанубий Корея билан иқтисодий соҳада яқин алоқалар ўрнатилган. Асакадаги автомобиль заводи ва Тошкент яқинида қурилаётган йирик тўқимачилик комбинати бунга мисол бўла олади. Бошқа мамлакатлар билан ҳам бу борада иш олиб борилмоқда.

ЯССАВИЙ АҲМАД (тахминан 1103—1166) — суфийлик тариқатининг Хожа Юсуф Ҳамадоний мактабига мансуб тарғиботчиси, туркийзабон шоир. У ўз асарларини ҳозирги даврда ҳам тушунарли ўзбек (турк) тилида ёзган. Яссавий асарлари мажмуаси 1878 йили нашр этилган «Девони ҳик-

мат» номи билан маълум. 1990 йили «Девони ҳикмат»нинг Тошкентда нашр этилиши муҳим воқеа бўлди ва у тез орада тарқалиб кетди. Шу боисдан 1992 йилда иккинчи бор нашр этилди.

Хожа Аҳмад Яссавий Ясси (бугунги Туркистон) шаҳрида туғилган. Унинг отаси Шайх Иброҳим исмли эшон бўлиб, ўғлининг ёшлигида вафот этган. Етим қолган Яссавий ўша замоннинг машҳур шайхларидан бири — Арслонбобдан таълим олган. Арслонбоб вафот этгандан кейин, Яссавий пир излаб, Бухорога келган. Бу ерда Хожа Юсуф Ҳамадоний билан учрашиб, унга мурид бўлган. Юсуф Ҳамадоний вафотидан сўнг Бухорода, унинг учинчи халифаси сифатида, шайхлик қилган. Бир неча йилдан сўнг, Бухоро шайхлигини Юсуф Ҳамадонийнинг тўртинчи халифаси бўлган Абдуллоҳиқ Фиждувонийга топшириб, ўзи Яссига жўнаган. У ерда хонақоҳ очиб, шайхлик қилган ва кўплаб муридлар орттирган. Яссавийнинг форс адабиёти вазн ва услубида эмас, турк миллий вазнида, халқ адабиёти услубида ҳикматлар ёзгани айнан шу даврга тўғри келади. Яссавий олтмиш уч ёшдан ошгач, хонақоҳда ерости чиллахонасини қаздириб, шунга кирган ва фоний дунёдан алоқасини узиб, шайхликни давом эттирган, ҳижрий 562 йилда вафот этган.

Хожа Аҳмад Яссавий шеърларининг ҳар парчасига «ҳикмат» унвони берилган ва улар тўпланиб китоб шаклига келтирилган.

Аҳмад Яссавийнинг бу асари ҳижрий V—VI асрнинг адабий ютуғи бўлмиш машҳур «Қутадғу билик» (Юсуф Хос Ҳожиб) китобидан бир аср кейин, «Ҳибатул ҳақойиқ» китоби билан бир даврда ёзилганлиги Ватанимиз тарихи учун катта аҳамиятга эга.

Баҳоуддин Нақшбандга тааллуқли деб тан олинган «Дил ба ёр, даст ба қор» иборасини ҳам биринчи бор Аҳмад Яссавий «Ниятинг худода, қўлда ишинг» шаклида баён этган. Демак, Яссавий тариқати билан Нақшбанд таълимоти моҳиятан бир бўлиб, ўша машҳур ибора биринчи марта XII асрда туркий, XIV асрда эса форсий тилда айтилган.

Аҳмад Яссавий Куръон ҳикматлари, ҳадислар мазмунини ва тасаввуф ғояларини қўшиб қуйлаган, инсофу адолат, ҳалоллик ва тўғрилиқни орифлик, ошиқлик, хилват ва узлат билан боғлаган. У биринчи бўлиб, тасаввуф ғояларини туркийлар орасига ёйиб, нафс ва худбинлик каби кўпгина ёмон иллатларни қаттиқ танқид қилди.

Қўшни Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрида мустақиллик йилларида Яссавий университети очилди ва йил сайин ўқиш жараёнини такомиллаштириб бормоқда.

«Ў»

ЎЗБЕК МИЛЛАТИНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШИ — Халқ ўзини ҳақиқий мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларнинг ифодаловчиси, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етиши жараёнида шаклланди. Ўзбек миллатининг ўз-ўзини англаши унинг миллат сифатида шаклланишининг нисбатан юқори босқичида шаклланди. Бу — мураккаб жараён бўлди. Чунки миллатимиз вакилларининг кўпчилигида ўзининг жузъий манфаатларидан умуммиллий манфаатларни устувор кўя билиш ҳисси ўта секинлик билан намоён бўлди.

Ўзбек миллатининг ўз-ўзини англаши унинг миллий онгидан фарқ қилади. Унинг миллий онги ягона тили, урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари ва маънавиятининг пастдан юқорига, оддийдан мураккабга томон ривожланиб бориш жараёнида намоён бўлган бўлса, бу онгнинг ўз навбатида такомиллашиши ўзбек миллатини ўз-ўзини англаш даражасига кўтарди. Миллий онгимиз миллатимизнинг ўзига хослиги асосида ривожланиб бориши бўлса, миллий ўз-ўзини англаш, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишда ва ривожлантиришда ички маънавий-руҳий салоҳият сифатида ўзини намоён этди ва этмоқда.

Ўзбек миллатининг ўз-ўзини англаши бевосита моддий куч сифатида миллатимиз шаъни, кадр-қиммати, обрў-эътибори, ор-номуси поймол этилганда ёки унинг моддий ва маънавий манфаатларига зид ҳаракатлар ва ҳолатларда намоён бўлди. Шўро йилларида миллатимизнинг шаъни, кадр-қиммати, ор-номуси, обрў-эътибори ва манфаатлари поймол этилди. Шу боисдан миллатимиз вакиллари, қайси лавозимда хизмат қилиши, бой ёки камбағал бўлишидан қатъи назар, ягона умуммиллий куч бўлиб бирлашдилар ва миллатимизнинг ўзлигини ҳимоя қилдилар. Бу нарса айниқса ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш учун бир неча ой давом этган курашда ёрқин намоён бўлди.

Демак, аёнки, ўз-ўзини англаш миллатимизнинг моддий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилувчи омилдир. Бу омил миллатимиз тараққиёти жараёнида иқтисодий, ижтимоий-сийсий соҳаларда юзага келаётган муаммоларни ҳал қилишда уни жипслаштирмоқда ва умум мақсадлар йўлида ҳаракатга келтирмоқда. Ўз-ўзини англаш миллатимизнинг абадийлигини таъминлашнинг муҳим омилдир.

Ўзбек миллати тараққиётида миллий ўз-ўзини англаш жараёни Россия империяси ўлкамизни босиб олганидан кейин ўз мустақиллигимиз учун курашларда, шўролар тузу-

ми шароитида ўзлигимизни сақлаб қолиш учун бўлган ҳаракатларда намоён бўлиб келди. Мустақилликни қўлга киритганимиздан кейин миллий ўзлигимизни англаш икки йўналишда: собиқ шўролар даврида топталган урф-одатларимиз, қадр-қимматимиз, қадриятларимизни тиклаш ва маънавий меросимизни ўзлаштиришга бўлган ҳаракатларда ҳамда янги адолатли демократик ҳуқуқ устуворлигига асосланган жамият қуриш ҳаракатларида намоён бўлмоқда. Миллат сифатида ўз-ўзимизни англашимиз бизни ўзга миллатлардан ажралиб қолишга олиб келмаяпти, балки ўзлигимизни англаб, миллатимизнинг бошқа миллатлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаб бормоқда.

Мустақиллик шароитида ўзбек халқининг ўз-ўзини англашини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистонда истиқомат қилиб турган бошқа миллатлар ва элатлар вакиллари ҳам миллий жиҳатдан ўз-ўзини англашлари, бунинг учун эса онг ва ҳаракатлари билан мустақил Ўзбекистон олға сураётган ва барча миллатларнинг эҳтиёж ва талабларига мос тадбирларни қўллаб-қувватлашлари зарур.

Миллий ўз-ўзини англаш масаласи фалсафа ва руҳият-шунослик фанида яхши ишланмаган соҳалардан биридир. Чоракам бир аср давомида ҳукмронлик қилган истибдод назарияси ва мафқураси изчиллик билан ўзбек миллатини бошқа миллатлар билан яқинлаштириш ва аста-секин қўшиб юбориш сиёсатини амалга оширди. Бу эса, миллатимизда ўзликни, ўз-ўзини англаш ҳиссини, миллий ғуруримизнинг ўсишини сустлаштирди. Ҳолбуки, тарихий тажриба шуни кўрсатадики, ҳозирги давр, бу — миллатларнинг гуллаб-яшнаш даври, демак, уларнинг миллий ўз-ўзини англаш ҳиссининг ўсиш ва мустаҳкамланиш давридир.

ЎЗБЕК ТИЛИ — ўзбекларнинг тили. Бу тилда сўзлашувчиларнинг умумий сони йигирма миллион билан йигирма беш миллион орасида бўлиб, уларнинг асосий қисмини Ўзбекистонда ва унга чегарадош бўлган мустақил давлатларда истиқомат қилиб турган ўзбек тилида сўзлашувчи ва ўзини ўзбек деб билувчи аҳоли ташкил қилади.

Ўзбек тили туркий тиллар оиласига киради ва сўзлашувчилар сони жиҳатидан турк тили ва озарбайжон тилидан сўнг учинчи ўринда туради. Ўзбек тили энг қадимий туркий ёзма тиллардан биридир. Ҳозирча ўрганилган манбаларга кўра, у деярли бир ярим мингйиллик тарихга эга. Аммо ўзбек тилининг асл тарихи бундан кўпроқ бўлиб, милоддан аввалги асрлар қаърига тақалади. Бу масалалар назарий ва методологик жиҳатдан ёритилмаган, фактик жиҳатдан ҳам тўла ўрганилмаган. Ўзбек тилининг тарихи, умуман, унинг

ривожи туркий тиллар тарихининг таркибий қисми эканлиги назарий-методологик жиҳатдан кўриб чиқилмаган. Ўзбек тилининг асрлар давомида форс-тожик тилининг яқин ҳамроҳи бўлганлиги ва бу нарса иккала тилнинг бойишига ҳамда ривожланишига ижобий таъсир кўрсатганлиги масалалари ҳам тилшуносларнинг диққат марказидан етарли жой олганча йўқ.

Ўзбек тили жаҳондаги энг бой ва ривожланган тиллардан бири. Бу тилнинг шаклланишида, айниқса, Алишер Навоийнинг хизмати катта.

Ўзбек тилининг такомиллашиш жараёни тўрт асосий манбанинг иштирокида амалга ошган:

а) асл туркий тиллар таъсири;

б) форс-тожик тилининг асрлар давомидаги ҳар томонлама таъсири;

в) араб тилининг ўрта асрлардаги Шарқ фанларининг ва ислом динининг умумий тили сифатида таъсири;

г) XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Оврупо тилларининг таъсири. Ана шундай кўптомонлама таъсир, ўзбек тилининг грамматик жиҳатдан мукамал ва луғавий бой бўлишини, фонетик жиҳатдан хушоҳанг тил сифатида шаклланишини таъмин этди.

Ўзбек тили шеваларга бой тиллардан бири ҳисобланади. Шевалар — умуммиллий тилни бойитишнинг чексиз манбаидир.

Ҳозирги замон ўзбек тили асосан уч кўринишга эга бўлиб, биринчидан, шевалардан, иккинчидан, умуммиллий адабий тилдан ва, учинчидан, уларнинг қоришмаси бўлмиш кундалик жонли мулоқот тилидан ташкил топган.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб XX асрнинг 30-йилларигача ўзбек тили янги замон ўзбек миллатининг тили сифатида шаклланди, ўз тараққиёт йўлларини аниқлаб, ривожлана бошлади. Афсуски, СССР Халқ Комиссарлари Совети ва ВКП(б) МКнинг 1938 йил 13 февралдаги «Рус тилини миллий республикаларда мажбуран ўқитиш тўғрисида» қарори чиққандан сўнг собиқ шўро мамлакатида кенг миқёсда руслаштириш сиёсати амалга оширилди, ўзбек тили ҳаётнинг асосий соҳаларидан аста-секин сиқиб чиқарила бошланди.

Мустақиллик ўзбек тилини озод ва эркин ривожланишнинг шоҳ кўчасига олиб чиқди. 1989 йилнинг октябрь ойида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди, шу асосда барча мажлислар, илмий ва амалий анжуманлар, учрашувлар, олийгоҳлардаги дарслар ва ҳаётнинг бошқа томонларига оид тадбирлар ўзбек тилида ўтказила бошлади, илмий ва илмий-оммабоп адабиёт асосан ўзбек тилида чоп этилмоқда. Бу борада ҳали иш кўп ва уларни бажа-

риш, биринчи навбатда, ўзбек миллий зиёлиларининг саъй-ҳаракатларига боғлиқ.

Ярим асрдан охиқ (1938—1991) давр ичида ўзбек тили мафкуравий, сиёсий, маъмурий жиҳатлардан улкан тазйиқ остида бўлди. ~~У шўро жамиятининг ўтай тилларидан бирига айлантирияди.~~ Ўзбеклар расмий вазиятларда юртида ўз она тилида сўзлашиши байналмилалчиликдан чекиниш деб талқин қилинди. «Ишчилар синфи шўро жамиятининг асосий ривожлантирувчи инқилобий кучи» дейилди, аммо Ўзбекистонда бу синфнинг кўпчилиги бошқа миллатлар вакиллари бўлгани сабабли, миллий тилимиз синфий нуқтаи назардан қаровсиз қолди. Ўзбек миллий зиёлиларига миллатчилигининг ибтидоси, азал манбаи сифатида қаралди, ва шу боисдан, улар асосан тузум тазйиқида асосан рус тилида мулоқот қилишга мажбур этилдилар. Ишчилар синфи ва миллий зиёлилардан миллий тил масаласида етарли мадад ололмаган деҳқонлар (ўзбекларнинг олтмиш фоизи) ўзбек тилида билганларича сўзлашдилар.

Ўзбек тили борасидаги ана шу тарқоқликни бартараф этиш — миллий зиёлиларимизнинг долзарб вазифасидир.

ЎЗБЕКИСТОН — «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» иборалари бир маънога эга. Ўзбекистон — Марказий Осиёнинг ўрта қисмида жойлашган мустақил мамлакат. Шимолий катта қисми мўътадил, жанубий чекка қисми субтропик минтақага мансуб. Иқлими ҳам мўътадил илиқ, кескин континентал. Худуди 447,4 минг кв. км. Аҳолиси 23,7 миллион киши (1997). Маъмурий жиҳатдан Қорақалпоғистон Республикаси ва Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Фаргона, Хоразм, Қашқадарё вилоятларидан ва Тошкент шаҳридан иборат маъмурий ҳудудларга бўлинган. Пойтахти — Тошкент шаҳри (аҳолиси 2,5 миллион кишидан зиёд).

Ўзбекистон халқ хўжалигида илғор техника билан қуролланган саноатнинг юздан зиёд тармоқ ва соҳаси мавжуд. Муҳим стратегик хом ашё — пахта ва ундан қайта ишланган маҳсулотларнинг экспорти бўйича Марказий Осиёда биринчи ва жаҳонда иккинчи ўринни эгаллайди. Ўзбекистон кўпгина бошқа маҳсулотларни ҳам экспорт қилиш имкониятига эга бўлиб бормоқда. Ўзбек заминининг ҳар бир қаричи олтинга тенг. Нодир қазилма бойликларнинг ишга солиниши мамлакатнинг жаҳон бозорига чиқишини таъминлайдиган янги саноат тармоқларини, масалан, автомобилсозликни яратиш имконини бермоқда.

Ҳозирги Ўзбекистон — саноати юксак даражада ривож топган мамлакат. Вазифа бу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, бозор иқтисодиёти шароитларида жаҳон бозорига

эркин кириб борадиган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришдадир.

Ўзбекистон ўзининг бой ўтмиши, тарихий ва кўҳна маданиятига эга.

Ўзбекистон Марказий Осиёда бундан 700—500 минг йил бурун одамзод пайдо бўлган жойлар сирасига киради. Селунгурда топилган «Фарғонтроп» (Фарғона одами) бунга мисол. Милоддан аввалги VII аср — милодий IV асрлар давомида тарихий маданий ўлкалар — Хоразм, Суғд, Бактрия ва бошқа давлатлар — шаклланган. Бу давлатлар ҳарбий-демократик тузилишга эга бўлганлар. Марказий Осиёда саклар, массагетлар, суғдликлар, бактрияликлар сингари халқ ва қавмлар яшаган. Ўзбекистон ўтмишда Мовароуннаҳр, Туронзамин, Туркистон номлари билан машҳур бўлиб келган. Буюк Ипак йўлида жойлашган давлатлар Шарқ ва Фарб мамлакатларини боғловчи, уларнинг фаол савдо-иқтисодий ва маънавий ҳамкорлиги туғиладиган ва уларни ўзаро яқинлаштирувчи кўприк бўлган.

Мустақиллик учун курашган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Торобий каби кўплаб халқ қаҳрамонлари тарихдан маълум.

Ўзбекистон Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий ва Ҳаким ат-Термизий, Бурҳониддин Марғилоний, ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Замахшарий, Форобий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари буюк сиймолар яшаган табаррук заминдир. Булар жаҳон цивилизациясининг маънавий ва маърифий меросига бебаҳо ҳисса қўшган буюк алломалардир.

Хусусан, Соҳибқирон Амир Темур Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларининг каттагина қисмини бирлаштириб, ўзаро низо ва тарқоқликка чек қўйиб барпо этган буюк салтанати илм-фан, маданият ва маърифатнинг беҳад равнақини таъминлаган Шарқ Уйғониш даври макони сифатида тарихга кирди.

Ўзбек халқи 70 йилдан ортиқ ҳукм сурган ва тарих сахнида ўзини оқлай олмай, оқибатда барбод топган шўролар тизими даврида марказга мутеъ бўлиб яшади, ота-боболари, доно зиёлилари қатагон қилинди, маънавияти, қадрияти депсинди. Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва мустақиллигини қўлга киритиши туфайли бу мудҳиш ҳолатга чек қўйилди.

Ҳозирги кунда турли динга мансуб 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бу диёрдан макон топган (уларнинг 75,5 фоизи ўзбеклар, 7 фоизи руслар, 4,2 фоизи тожиклар, 4,0 фоизи қozoқлар, 1,7 фоизи қорақалпоқлар).

Мустақиллик Ўзбекистоннинг сиёсий тизимида салмоқли ва жиддий ўзгаришларга олиб келди. Мамлакатимиз та-

рихида биринчи бор, муқобиллик асосида Президент сайланди. Ўзбекистон Республикасининг юксак демократик талабларига монанд Асосий қонуни — биринчи Конституцияси ва шу асосда кўпдан кўп қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон парламенти — Олий Мажлис илк марта кўппартиявийлик асосида сайланди. Давлат ва жамият ҳаётининг муҳим ҳуқуқий пойдевори яратилди.

Энг муҳими — Ўзбекистон иқтисодиётида босқичма-босқич туб ислохотлар ўтказилмоқда. Президент Ислоҳ Каримов илгари сурган беш тамойилга асосланган иқтисодий сиёсат тадрижий равишда амалга оширилмоқда. Аввало, деҳқонлар ер билан таъминланди. Мулк муносабатлари чуқур ислоҳ қилинди. Инсон маънавияти, юксак ахлоқ ва маданиятимизнинг янги қатламлари очилди, миллий анъаналар тикланди. Маънавий меросимиз дурдоналари она тилимизда ва бошқа тилларда кўплаб нашр этила бошланди.

Ўзбекистон жаҳон саҳнига чиқди. Ўзбекистон Мустақиллигини 170 дан ортиқ давлатлар тан олди, ўнлаб мамлакатлар билан дипломатик алоқа ўрнатилди.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Оврүпода Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти каби ўнлаб нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди.

Ўзбекистон ўз давлат рамзлари — байроғи, герби, мадҳияси, пойтахтига эга. Ўзбекистон таркибида суверен Қорақалпоғистон Республикаси мавжуд.

Эндиликда Ўзбекистон, сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги барқарор, суверен, демократик республикадир.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш устивор саналади.

ЎЗБЕКИСТОН МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ — жамиятда илм-маърифат, адолат, саводхонлик, билимни тараннум этиб, жаҳолат, саводсизлик, истибдод ва тенгсизликка қарши сўз кучи билан кураш олиб бориш тарафдорлари. Бу тушунча ҳукмрон феодал мафқурасига қарши XVII, ва айниқса, XVIII асрларда Фарбий Оврүпода вужудга келган ва кенг тарқала бошлаган тафаккур, маърифат ва илм-фан тантанаси ҳақидаги ғояларни ифодалаш учун ишлатилган.

Маърифатпарварлик бозор муносабатлари ҳукмронлиги вужудга келиши даврига хос муайян ижтимоий қатламлар манфаатлари билан боғлиқ ғоявий-маданий ҳаракатдир. Маърифатпарварлик, феодализмга қарши қаратилган ғоявий ҳаракат сифатида, турли халқларда турлича ва ҳар хил тарихий даврда намоён бўлади.

Марказий Осиё маърифатпарварлиги ҳам феодал тартибларига қарши, мамлакатни қолоқликдан чиқариш учун курашувчи илғор кучларнинг манфаатларини ифодаловчи

ғоявий ҳаракат эди. Маърифатпарварлик ўлкада юз бера бошлаган ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришларни ўзида акс эттирди, ривожланди ва маънавий мазмунини бойитиб борди. Ўлкамизда маърифатпарварликнинг илк намояндалари — Аҳмад Дониш (1827—1897), Бердимурод Бердақ (1827—1900), Сатторхон (1843—1902), Фурқат (1858—1909) Марказий Осиёни Россияга таққослаш натижасида ўлкани иқтисодий ва маданий соҳада орқада қолганлигини яққол кўриш имкониятига эга бўлдилар ва шу асосда феодал-хонлик тузумини, қолоқликни танқид қилдилар. Улар доно, маърифатпарвар подшоҳ илм ва маърифат тарқатишга кўмаклашиши орқали мамлакатни қолоқликдан олиб чиқиши мумкин деган фикрга амал қилдилар, Оврупо маданияти, илм-фанини ўзлаштириш зарурлигини уқтирдилар.

XIX асрнинг 90-йиллари капиталистик муносабатларнинг жонланиши натижасида ўлкада ижтимоий зиддиятлар кескинлашди, меҳнаткашлар оммасининг зулмга қарши норозилиги ошиб борди. «Доно ва маърифатпарвар ҳукмдор» ҳақидаги ғоя ўрнига монархия ҳокимиятини инкор қилиш ғояси кучая борди. Бу ғоялар Муқимий (1850—1903), Завқий (1853—1921), Анбар Отин (1870—1914), Ҳамза Ҳакимзода (1889—1929) асарларида яққол сезилади. Улар ҳам феодал хонлик тартибларини танқид қилдилар, ижтимоий тараққиёт илм-фанга, жамият аъзоларининг билимга эга бўлишига боғлиқ деб билдилар. Бироқ уларнинг ижтимоий тузумга, социал адолатга бўлган қарашлари ўз кескинлиги билан ажралиб туради.

Марказий Осиё маърифатпарварлигининг юқори босқичини жадидчилик ҳаракати ташкил этади. Унинг намояндлари мамлакатни феодал қолоқликдан чиқариш, миллий мустақилликка эришиш учун курашда жонбозлик кўрсатдилар. Жадидлар ҳаракатида миллий зиёлиларнинг деярли барча илғор вакиллари қатнашгандилар. Булар орасида жадидчиликнинг назарий асосчилари Маҳмудхўжа Беҳбудий (1879—1919), Мунаввар Қори Абдурашидхонов (1887—1929) алоҳида ўрин эгаллайдилар.

Ўзбекистон маърифатпарварлари масаласи ижтимоий фанларда етарли ёритилган деб бўлмайди. Чунки бу борадаги асосий тадқиқотлар истибдод йилларида бажарилган. Маълумки, у даврда ҳукмрон мафкура маърифатпарварларнинг тарихий аҳамиятини эътироф этган ҳолда, уларнинг фикрларини «ижтимоий, сиёсий ва илмий тафаккурнинг энг олий намоён бўлиши» деб аталган марксизм-ленинизм назарияси нуқтаи назаридан ҳали анчагина камолотга етмаган қарашлар мажмуи деб талқин қилар ва шу йўсин уларни маълум даражада камситар эди.

Бу камчиликларни бартараф этиб, маърифатпарварлари-

миз фаолиятининг ҳақиқий тарихий аҳамиятини тўла кўрсатиш — навбатдаги вазифаларимиздандир.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ — Ўзбекистон давлат бошқаруви шаклига кўра, президентлик республикаси, парламент республикаси ва аралаш республикага хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасида қайд қилинганидек, «Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти айна вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади». Конституциянинг 90-моддасига кўра, Президент «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади». 93-моддага биноан, Президент «Республика Олий Мажлисига ҳар йили ички ва халқаро аҳвол хусусида маълумотнома тақдим этади».

Ўзбекистон Президенти ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади, республика олий ҳокимияти ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; Ўзбекистон вазирликларини, давлат кўмиталарини ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни Олий Мажлис тасдиғига киритади; шу билан бирга, Президент Бош вазир, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Олий Мажлиснинг тасдиғига киритади; Олий Мажлисга Конституциявий суд раиси ва аъзолари, Олий суд раиси ва аъзолари, Олий ҳўжалик суди раиси ва аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади.

Ўзбекистон Конституциясининг 95-моддасига кўра, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси таркибида унинг нормал фаолиятини таҳдидга соладиган, ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда, ёхуд у бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган тақдирда, Президентнинг конституциявий қарори асосида Олий Мажлис тарқатиб юборилиши мумкин». 98-моддада ёзилишича, «Вазирлар Маҳкамаси таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти тузади ва у Олий Мажлис томонидан тасдиқланади». (*Яна қаранг:* «Каримов Ислом Абдуғаниевич» ва мустақил Ўзбекистон ҳақидаги бошқа мақолаларга.)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДЕВОНИ — Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон Президенти ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади. Президент девони мустақил давлат ҳокимияти идораси эмас, шу боис, у мажбур этувчи императив ваколатларга эга бўлмай, бевосита кундалик бошқарув билан шуғулланмайди. Мазкур девон Президент самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида таъсис қилинади.

Президент томонидан тасдиқланган Низомга биноан, Президент девони зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилган:

— Президент фаолиятини ташкилий, экспертлик-ҳуқуқий, илмий-ахборот жиҳатдан таъминлаш, республика сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасида Президентга конкрет таклифлар (лойиҳалар) киритиш; киритилган таклифларни амалга ошириш юзасидан аниқ тадбирларни ишлаб чиқиш;

— Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идораларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг, шунингдек, корхона, муассаса ва бирлашмаларнинг Президент фармонлари, фармойишлари ва бошқа топшириқларини бажариш бўйича фаолиятини уйғунлаштириш ва назорат қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони таркибига Президент фаолиятининг қуйидаги соҳалари бўйича давлат маслаҳатчилари киради:

1. Ташкилий-кадрлар сиёсати;
2. Маъмурий-ҳуқуқий масалалар, ҳарбий ва муҳофаза сиёсати;
3. Давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар;
4. Миллатлараро муносабатлар масалалари ва дин ишлари;
5. Фан, таълим ва ижтимоий муаммолар;
6. Ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари;
7. Маданият, маънавият ишлари ва жамоат бирлашмалари билан алоқалар;
8. Давлат маслаҳатчиси — назорат инспекциясининг раҳбари.

Бундан ташқари Президент девонида қуйидаги бўлинмалар мавжуд:

- Президент Котибияти;
- Президентнинг ёрдамчилари;
- Матбуот котиби хизмати;
- Ахборот маркази хизмати;

- Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгаши котибияти;
- Ишлар бошқармаси;
- Консультантлар гуруҳлари (бош консультантлар, етакчи консультантлар, консультантлар, экспертлар, референтлар).

Президентнинг Давлат маслаҳатчилари ўз фаолиятларини Президент томонидан белгиланган йўналишларда амалга оширадилар. Улар тегишли соҳадаги вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг фаолиятини уйғунлаштирадилар, шунингдек, ўз итлоатларидаги девон тузилмаси (хизмат) гуруҳига раҳбарлик қиладилар. Давлат маслаҳатчилари ўзлари раҳбарлик қилаётган соҳада давлат дастурлари, Президент фармонлари, фармойишлари ва бошқа топшириқларининг қатъий бажарилишини таъмин этиш вазифасини бажарадилар. Шунингдек, илмий асосланган тавсияларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда ҳаётга жорий этилишини таъминлайдилар. Тегишли давлат идоралари ва ташкилотлар фаолияти самарадорлигини таҳлил этиб, маълумотномалар тузадилар. Ваколат ва итлоатлари доирасига кирувчи давлат бошқаруви идоралари раҳбарлигига номзод кадрларни танлаб (агар улар Президент томонидан тайинланадиган бўлса), Президентга бу хусусда таклифлар киритадилар. Президент эътиборига ҳавола этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳасини чуқур экспертизадан ўтказиб, улар бўйича хулосалар тайёрлайдилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ — ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, тузилиши ва фаолият юритиш тартиби «Ўзбекистон Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонунда белгилаб берилган. 1996 йил июль ойида суднинг процессуал кодекси қабул қилинди. Конституциявий суд судьяларининг одоб-ахлоқ нормалари уларнинг шаъни тўғрисидаги кодексда белгилаб кўйилади. Конституциявий суд ҳузурида илмий-маслаҳатлашув кенгаши тузилиб, унинг таркибига таниқли олимлар ва амалиётчи ҳуқуқшунослар киритилган.

Конституциявий суд, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан, Олий Мажлис томонидан, суд раиси, раис ўринбосари ва Қорақалпоғистон Республикасидан сайланадиган судьяни кўшган ҳолда, беш аъзодан иборат таркибда сайланади. Судьяларнинг ваколат муддати — беш йил. Ҳар бир судья якка тартибда сайланади. Олий Мажлис депутатлари умумий сонининг кўпчилики овозини олган шахс сайланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Конституциясига содиқлик, мустақиллик,

коллегиаллик, ошкоралик ва судьялар ҳуқуқларининг тенглиги Конституциявий суд фаолиятининг асосий принципларидир. Конституциявий суд ўз вазифаларини бажаришда мустақилдир. Унинг мустақиллиги Конституциявий суд аъзоларини сайлаш ва уларни вазифаларидан озод қилишнинг қонунда белгиланган тартиби, уларнинг дахлсизлиги, суд ваколатига кирадиган ишлар ва масалаларни ҳал этишнинг юридик тартиботи, қарорларни чиқариш чоғида судьялар маслаҳатлашувининг сир тутилиши, Конституциявий судга ҳурматсизлик ёки унинг фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик, Конституциявий суднинг фаолияти учун зарур бўлган ташкилий-техникавий шарт-шароит яратиш, шунингдек, судьяларни моддий ва ижтимоий жиҳатдан таъминлаш орқали рўёбга чиқарилади.

Конституциявий суд ишларни ҳал этишда фақат Конституцияга амал қилади.

Конституциявий суд ваколатига кирадиган ишлар ва масалаларни ҳал этиш коллегиал тартибда амалга оширилади. Конституциявий суднинг мажлислари, қоида тарзида, очиқ ўтказилади.

Конституциявий судга сайланган шахслар алмаштирилмайдилар ва дахлсиздирлар. Конституциявий суд судьялари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга, бошқа маош тўланадиган лавозимни эгаллашга ҳақли эмас. Улар депутат бўлишлари мумкин эмас, шунингдек, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг аъзолари бўла олмайдилар.

Конституциявий суднинг энг муҳим ваколатлари қуйидагилардан иборат.

а) Қонунларнинг ва Олий Мажлис қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларининг, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг Конституцияга мослигини кўриб чиқиш;

б) Ўзбекистон давлатлараро шартномалари ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш;

в) Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериш;

г) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳлар бериш.

Конституциявий суд ўз ташаббуси билан ҳар қандай давлат органи, жамоат бирлашмаси чиқарган норматив ҳужжатларнинг конституциявийлиги тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Олий Мажлис раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Олий Мажлис депутатлари умумий таркибининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи, Олий суднинг раиси, Олий хўжалик судининг Раиси, республика Бош прокурори Конституциявий судга масалалар киритиш ҳуқуқига эгадирлар. Фуқаролар Конституциявий судга бевосита мурожаат этмай, зарур бўлган тақдирда, қонунга кўра, бундай ҳуқуқга эга бўлган органлар ва шахслар орқали Конституциявий судга мурожаат этишлари мумкин.

Конституцияга хилоф деб топилган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, қабул қилинган пайтидан бошлаб, юридик кучга эга бўлмаган ҳисобланади. Конституциявий суднинг тўхтами қатъий ва унинг устидан шикоятга ўрин бўлмайди. Қонунга мувофиқ, Конституциявий суд, агар тўхтам қабул қилинган пайтда номаълум бўлган янги муҳим ҳолатлар очилса ёки тўхтам қабул қилинишига асос бўлган конституциявий норма ўзгарган бўлса, ўз ташаббуси билан мазкур тўхтамни қайтадан кўриб чиқиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ

— **Ўзбекистон Республикаси XII чақириқ Олий Кенгашининг XI сессиясида, 1992 йил 8 декабрда мустақил Ўзбекистон давлатининг Конституцияси қабул қилинди. Давлатимизнинг бу Асосий қонуни умумбашарий ғоялар билан суғорилган, Ўзбекистон халқларининг асрий эзгу орзуси бўлиши мустақилликка, жамиятда янги ижтимоий муҳит яратишга хизмат қилишга қаратилган. Унда илк бор Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари — қонунларнинг устуңлиги, давлат ҳокимиятининг уч тармоққа бўлиниш тамойили, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият эканлиги акс эттирилган. Халқимиз ўз моҳияти билан тамомила янги Асосий қонун — Конституцияга эга бўлди.**

Ўзбекистон ҳудудида авваллари ҳам бир қатор конституциялар қабул қилинган (Туркистон АССРнинг 1918 ва 1920 йиллардаги, Хоразм ва Бўхоро халқ республикаларининг 1920—1921 йиллардаги, Ўзбекистон ССРнинг 1927, 1937, 1978 йиллардаги Конституциялари). Аммо у конституциялар халқ оммаси ўз ҳудудини ўзи эркин ва демократик асосида бошқариш, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқларини таъминламаган эди. Улар, асосан, Марказнинг кўрсатмаси билан ёзилган ва Иттифоқ Конституциясидан кўчириб олинган эди. Собиқ Иттифоқ давридаги конституциялар амалда тобеликни мустаҳкамлар, маъмурий-буйруқбозлик тизими учун имконият яратар, чет эл давлатлари билан алоқа ўрнатиш ҳуқуқидан республикаларни

махрум этар, бошқарувнинг истибодод тизимини муҳофаза этар эди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинган, табиий равишда, давлат мустақиллигини конституция асосида мустақкамлаш зарурияти вужудга келди. Шу масала хусусида тўхталар экан, Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов: «Давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири, кўп жиҳатдан, Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ», деган эди. И.А. Каримов раислигида 64 кишидан иборат конституциявий комиссия бир неча ой давомида жаҳондаги энг илгор давлатлар, умуман, Ер юзидаги Конституция ёзиш анъаналари ва тажрибасини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб, шу асосда мустақил Ўзбекистоннинг янги Конституцияси лойиҳасини яратди. Аммо, Конституциявий комиссия бу билан чекланмасдан, лойиҳани умумхалқ муҳокамасига олиб чиқишни таклиф қилди. Лойиҳа 1992 йил 26 сентябрда умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди.

Яратилаётган Конституцияда янги давлатнинг табиати, унинг ички ва ташқи сиёсати тамойиллари очиқ-ойдин ёритилди, инсон ҳуқуқларига, давлат суверенлигига, демократиянинг ва ижтимоий адолатнинг олий мақсадларига содиқлиги кўрсатиб ўтилди, шунингдек, ўзбек давлатчилиги ривожланиши тарихий тажрибасини ҳисобга олиш, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган меъёрлари устуворлигига таяниш лозимлиги айтилди. /Мамлакатда яшаётган барча миллат ва элатлар учун муносиб ҳаётни таъминлашга замин бўлиш, барқарор бозор иқтисодига асосланган демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти бунёд этилиши Ўзбекистон Конституциясининг моҳиятини ташкил этади. /

Эндигина дунё харитасида пайдо бўлган, демократик, инсонпарвар, адолатли жамият қуришни азму қарор қилган Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни — Конституциясининг қандай бўлиши нафақат Ўзбекистон халқининг, балки бутун дунё ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлди. /

Лойиҳа юзасидан тушган ва билдирилган барча таклиф, мулоҳаза, шунингдек, истаклар ўрганилиб чиқилди, улардаги ижобий таклифлар инobatга олиниб, Конституция лойиҳасига киритилди.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган Конституция мустақил давлатимиз тарихида буюк воқеа бўлди.

Ўтган давр Ўзбекистон Республикаси Конституцияси дунёдаги энг демократик конституциялардан бири эканлигини кўрсатди. (Яна қаранг: «Конституция».)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ — Ўзбекистонда одил судловни амалга оширувчи давлат органи ҳисобланади. Олий суд ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ амалга оширади.

Олий суднинг асосий вазифалари Республика Конституциясида ва бошқа қонунларда, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро битимларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя этишдан, ижтимоий адолатни таъминлашдан, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдан иборатдир. Олий суд фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов ишлари соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. Унинг таркиби Раис, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, суд ҳайъатларининг раислари ва судьялардан иборат.

Олий суд таркиби Олий суд Пленуми ва Олий суд Президиумидан ташкил топган.

Олий суд Пленуми суд инстанциясидан иборат бўлиб, унга Олий суд судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг Раиси киради. Олий суднинг Пленуми назорат қилиш тартибида ишларни, суд амалиётини умумлаштиришга оид материалларни кўриб чиқади, қонунларни қўллаш масалалари бўйича раҳбарлик тушунчалари беради, қонунларни қўллаш практикаси ҳамда қонунларни бажарилиши юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди; вилоятлар судлари, Тошкент шаҳар суди, Ҳарбий суд раисларининг ҳисоботларини тинглайди.

Олий суд Президиуми Пленум томонидан, Олий суд судьялари орасидан ташкил қилинади. У назорат тартибидаги ишларни, суд амалиётини умумлаштириш яқунларини, суд ҳайъатлари ҳамда Олий суд аппарати ишини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар судлари, Тошкент шаҳар суди ва ҳарбий судлар раисларининг қонунларни қўллаш амалиёти хусусидаги ҳисоботини тинглайди.

Олий суд аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти тавсияси билан Олий Мажлис томонидан беш йил муддатга сайланадилар. Олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида етти йиллик иш стажига, шу жумладан беш йил судья сифатида иш стажига эга бўлган ва малака имтиҳонидан ўтган Ўзбекистон фуқаросигина Олий суд судьяси этиб сайланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий судини ташкил қилишда барча илғор мамлакатларнинг ижобий тажрибаси ўрганилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЙ МАРКАЗИ — Ўзбекистондаги миллий маданий марказларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг маданий-маънавий эҳтиёжларини ўрганиш ва бу эҳтиёжларни қониқтиришда давлат идоралари ҳамда жамоат ташкилотларига кўмаклашиш мақсадида 1989 йилда ташкил қилинган мустақил муассаса.

Марказнинг вазифалари қуйидагича белгиланган:

— миллий маданий марказларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш;

— Ўзбекистонда истиқомат қилиб турган бошқа миллатлар ва элатларнинг маданияти ҳамда маънавий қадриятларининг ривожланишига, миллий анъаналар, урф-одатлар, расм-русумларнинг тикланишига кўмаклашиш;

— Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) ва хорижий давлатлардаги миллий ва байналмилал маданий марказлар билан алоқалар ўрнатиш, улар билан муносабатлар ҳамда ҳамкорликларни ривожлантириш;

— миллатлар ва элатларнинг байналмилал жипслашуви-га, миллатларо муносабатларнинг уйғунлашувига хизмат қилиш.

Бу вазифалар, миллий маданий марказлар 80-йилларнинг охирида юзага кела бошлаб, ўз фаолиятини кенгайтириб бориши жараёнида аниқланиб борди. 90-йилларнинг бошланишида Ўзбекистонда жами 12 миллий маданий марказ мавжуд эди. Ҳозирги пайтда уларнинг сони 90 га боради.

Ўсиш тамойилларини ҳисобга олиб, 1992 йил январида Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига биноан, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари бўйича вазирлиги қошидаги Республика миллатлараро маданий марказ ўрнига Ўзбекистон Республикасининг Байналмилал маданий маркази ташкил қилинди.

Марказнинг фаолияти Ижтимоий Кенгаш томонидан бошқарилади. Бу кенгаш марказ раҳбарияти, миллий маданий марказлар раҳбарлари, атоқли олимлар ва жамоат арбобларидан ташкил топган. Марказ мамлакатдаги умумхалқ байрамларини тайёрлаш, бу ишга барча миллат вакиллари-ни тортиш, турли фестиваллар, кўргазмалар, учрашувлар ташкил қилиш йўли билан турли миллий маданиятларнинг бойлиги ва ранг-баранглигини кўрсатиш, Ўзбекистонда яшаб турган барча миллатлар ва элатлар ўз маданиятлари, анъана ва урф-одатларини ривожлантиришда тўла эркинликка эга эканликларини амалий иш билан тасдиқлаш мақсадларини амалга оширишда жуда катта амалий-ташкилий иш олиб бормоқда. Байналмилал маданий марказнинг мавқеи ва фаолият доирасининг кенгайиб бораётганини кўзда тутиб, Ўзбекистон ҳукумати унга Тошкент марказида мах-

сус, ҳашаматли иморат ажратди. Марказ ўз фаолиятини ўзбек ва рус тилларида чоп этиладиган «Бирлик-Единство» рўзномасида ёритади.

Ўзбекистон Байналмилал маданий маркази ўз фаолиятини Президент И.А. Каримовнинг бевосита мадади ва Ўзбекистон халқининг асрлар давомида шаклланган анъаналарига суяниб олиб бормоқда. Ўзбекистон ҳудуди ҳеч бир вақт миллатлараро ғараз, тўқнашув, кескинлик маскани бўлган эмас. Галдаги вазифа кўпмиллатли Ўзбекистон халқини олижаноб мақсадлар ва ёрқин истиқболлар атрофида янада жипслаштиришдир. Бу ғояни амалга оширишда Байналмилал маданий марказ йил сайин ўз фаолият доирасини кенгайтириб бормоқда.

Кўпмиллатли аҳолини байналмилал асосда жипслаштиришнинг янги, мустақиллик талабларига монанд шакллари топилмоқда. Миллий маданий марказларга тўла эркинлик берилиши натижасида уларнинг фаоллиги ранг-баранг бўлиб бормоқда. Масалан, украинлар миллий маданий маркази ўз журналинини чоп этиб, ўзбек-украин тарихий, маданий, иқтисодий ришталарини ёритмоқда. Тошкент вилоят миллий маданият марказларининг газетаси уч тилда — ўзбек, рус, қозоқ тилларида чоп этилмоқда. Ўзбекистон давлат делегацияси қўшни мамлакатларга борганда, улар таркибига миллий маданий марказлар вакиллари киритилмоқда. Ўзбекистонга мустақил давлатлар раҳбарлари ташриф буюрганда, миллий маданий марказлар уларни кутиб олиш, кузатиш ва бошқа тадбирларда қатнашиб, ўзларининг Ўзбекистондаги мамнун ҳаётлари ҳақида сўзлаб бермоқдалар ва асл ватанларига бўлган меҳр-муҳаббатларини тўла изҳор қилмоқдалар. Баъзи миллий маданий марказлар она тили ва чет тиллар ўрганиш тўғарақлари ташкил қилиб, ёшларнинг ўз миллий она тилларини ва олийгоҳларга кириш учун чет тилларни ўрганишга кўмаклашмоқдалар. Йирик шаҳарларда Якшанба миллий маданият университетлари ташкил қилиш ҳаракатларида ҳам муваффақиятли қадамлар қўйилмоқда. Рус маданий маркази Россия Федерациясига бориб ўқишни хоҳловчиларга моддий ва ўқув ёрдами кўрсатмоқда ва ҳоказо.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ БАЙРОҒИ — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари ўтказилган VII сессиясида 1991 йил 18 ноябрь куни тасдиқланган. Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи — мамлакат давлат суверенитетининг рамзларидан биридир. У бугунги Ўзбекистон сарҳадида қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихан боғлиқлигини англатади ҳамда мамлакатнинг миллий-маданий анъаналарини ўзида мужассамлаштиради.

Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи ўз кўринишига кўра бутун узунлиги бўйлаб ўтган тўқ мовий ранг, оқ ранг ва тўқ яшил рангли учта эндан таркиб топган тўғри тўртбурчак шаклидаги матодир. Байроқнинг узунлиги 250 сантиметрга, кенлиги 125 сантиметрга тенг. Мовий ранг, оқ ранг ва яшил рангли энларнинг кенлиги бир хил. Ҳар бир эн 40 сантиметрга тенгдир. Байроқнинг ўртасидаги оқ рангли эннинг четларидан кенлиги 2,5 сантиметрга тенг қизил ҳошиялар ўтказилган. Байроқнинг юқори қисмидаги мовий ранг эннинг юза томонида ва орқа томонида, дастага яқин жойида, оқ рангли янги ой ва унинг ёнида ўн иккита оқ рангдаги беш қиррали юлдуз тасвирланган.

Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи тасдиқланиши муносабати билан чоп этилган махсус намоёишнома-плакатда бундай дейилади: «1) Байроқдаги мовий ранг тириклик мазмуни акс этган мангу осмон ва обиҳаёт рамзидир. Тимсоллар тилида бу — яхшиликни, донишмандликни, ҳалолликни, шон-шуҳрат ва садоқатни билдиради. Бинобарин, Амир Темур давлати байроғининг ранги ҳам мовий рангда эди. 2) Байроқдаги оқ ранг — муқаддас тинчлик рамзи бўлиб, у кун чароғонлиги ва коинот ёритқичлари билан уйғунлашиб кетади. Оқ ранг поклик, беғуборлик, софликни, орзу ва хаёллар тозаллиги, ички гўзалликка интилишнинг тимсолидир. 3) Яшил ранг — табиатнинг янгиланиш рамзи. У кўпгина халқларда навқиронлик, умид ва шодомонлик тимсоли ҳисобланади. 4) Қизил чизиқлар вужудимизда жўшиб оқаётган ҳаётини қудрат ирмоқларидир. 5) Навқирон ярим ой тасвири бизнинг тарихий анъаналаримиз билан боғлиқ. Айни пайтда қўлга киритилган мустақиллигимиз рамзидир. 6) Юлдузлар барча халқлар учун руҳоний, илоҳий тимсол саналган. Ўзбекистон Республикаси давлат байроғидаги 12 та юлдуз тасвири ҳам тарихий анъаналаримиз, қадимги қуёш йилномамизга бевосита алоқадордир. Бизнинг ўн икки юлдузга бўлган эътиборимиз Ўзбекистон сарҳадидаги қадимги давлатлар илмий тафаккурида «Нужум илми» тараққий этганлиги билан изоҳланади. Давлат байроғимиздаги ўн икки юлдуз тасвирини ўзбек халқи маданияти қадимийлиги, унинг комилликка, ўз тупроғида саодатга интилиши рамзи сифатида тушуниш лозим».

Халқ идрокида байроқнинг юқори қисми Ўзбекистоннинг доим мовий осмонини, байроқ ўртаси халқимизнинг оқ кўнглини ва унинг оқ пахтабини, байроқнинг туб қисми эса бизнинг чексиз яшил далаларимиз ва табиатимизни ифода қилади. Ўн икки юлдуз — кенг ва беҳад Ўзбекистонимиз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар азалий тарихимизга содиқлигини билдиради, ярим ой

эса юртимиз ислом Шарқи мамлакати эканлигидан дарак беради, байроқдаги икки қизил йўл — мавжуд бирлик ва бузилмас дўстликга эришиш учун юртимиз фарзандлари қон тўққанларига ҳам ишора қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи мамлакат Президенти, Олий Мажлис, Ўзбекистон ҳукумати, маҳаллий давлат идоралари, Ўзбекистоннинг турли ваколатхоналари иш олиб бораётган биноларда, Ўзбекистоннинг расмий делегациялари қатнашаётган халқаро тадбирларда кўтарилади. Бу қондалар алоҳида қонун асосида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғига нисбатан ҳурматсизлик билдирган шахс ёки ташкилот белгиланган тартибда жазоланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ ГЕРБИ — мамлакатимиз давлат мустақиллигининг рамзларидан биридир. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонун 1992 йил 2 июлда қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби думалоқ кўринишга эга бўлиб, бу шаклнинг сўл томони буғдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлари очилган гўза шоҳларидан иборат чамбарга ўралган, узоқдаги тоғлар ва дарёлар манзарасида гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб туради. Гербнинг юқори қисмида эса Ўзбекистон озодлигининг рамзи сифатида саккизбурчак юлдуз, унинг ички қисмида эса яримой ва юлдуз, марказида — бахт ва эрксеварлик рамзи — қанотларини ёзган Ҳумо қуши тасвирланган. Гербнинг пастки қисмида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини ифода этувчи чамбар тасмасига «Ўзбекистон» деб ёзиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли кўринишида: Ҳумо қуши ва дарёлар — кумуш рангида; қуёш, бошоқлар, пахта чаноқлари ва «Ўзбекистон» ёзуви олтин рангда; гўза шоҳлари ва барглари, тоғлар ва водийлар — яшил рангда; чаноқлардаги пахта — оқ рангда; тасма — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг рангларини акс эттирувчи уч хил рангда; саккизбурчак — олтин зарҳал билан ҳошияланган ҳолда ҳаво рангда; яримой ва юлдузлар — олтин рангда тасвирланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири қайси идора, муассаса, ташкилотлар, биноларда ўрнатилиши расмий махсус қонун ва қарорлар асосида белгиланади.

Давлат гербининг такрорланаётган тасвири, унинг катта-кичиклигидан қатъи назар, ушбу Қонунга илова қилинаётган рангда ва оқ-қора тасвирга яққол мос бўлиши керак.

Қонуннинг бажарилишини назорат қилиш маҳаллий давлат идоралари зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, мамлакатда истиқомат қилиб турган ўзга шахслар давлат гербини ҳурмат қилишлари шарт.

Давлат гербини беҳурмат қилган шахслар қонунларда белгиланган тартибда жазоланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «ХАЛҚ БИРЛИГИ» ҲАРАКАТИ — 1995 йил май ойида Ўзбекистон жамоатчилигининг ташаббуси билан ташкил қилинган ҳаракат.

Асосий мақсади: демократик, ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаровий жамият яратиш учун курашда Ўзбекистонда истиқомат қилиб турган барча миллатлар ва элатларни жипслаштириш. Бу мақсадга эришиш учун «Халқ бирлиги» ҳаракати Ўзбекистон Конституциясида ёзиб қўйилган ҳуқуқлар ва бурчларни тўла равишда ҳаётга татбиқ этиш, миллатлараро ва ижтимоий тотувлик, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, маданиятлик асосидаги фикрлашиш, мулоҳазаларни ошқора айтиш, умуминсоний қадриятларни чуқур англаш, Марказий Осиё мамлакатларида яшовчи халқлар учун бир бутун иқтисодий, маънавий ва сиёсий муҳит яратиш каби омилларга таянади.

Асосий вазифалари:

— барча миллатлар ва элатлар зиёлиларининг ижтимоий, фуқаровий имкониятларини мумкин қадар кенг очиш; аҳолининг ижтимоий ва миллий-маданий эҳтиёжларини қондиришда ҳаракат қатнашчиларининг давлат ҳокимияти органлари билан ҳуқуқий ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш;

— мамлакат ёшларини ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш; мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва тотувликда яшаш маданияти тўғрисида хорижий давлатлар жамоатчилигига холисона маълумот бериб туриш.

Бундан ташқари, «Халқ бирлиги» ҳаракати Ўзбекистон Байналмилал маданий маркази, миллий маданий марказлар, республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда иш олиб боради. Минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш учун халқ дипломатиясидан фойдаланади, «Туркистон — умумий уйимиз» халқаро ҳаракат иштирокчиларини қўллаб-қувватлайди.

«Халқ бирлиги» ҳаракатига аъзолик ихтиёрийдир. Ҳар бир фуқаро ёки жамоа унинг аъзоси бўлиши мумкин. Бунинг учун ягона шарт — унинг мақсад ва вазифаларини маъқуллаш, шуларга биноан ҳаракат қилиш ва Низом талабларига риоя қилишдир. «Халқ бирлиги» ҳаракатининг бош-

лангич ташкилотлари Қорақалпоғистонда, барча вилоят, туманларда тузилган. Матбуот органи — ўзбек тилидаги «Бирлик» ва рус тилидаги «Единство» рўзномаси. Баъзи вилоят ташкилотлари ўз рўзномаларига эгадир. «Халқ бирлиги» — сиёсий партия эмас, балки, умумхалқ ҳаракати бўлиб, сиёсий партиялар билан ҳамкорликда ишлайди.

«Халқ бирлиги» ҳаракати билан республика миллий маданиятлар марказининг баҳамжиҳат иш олиб бориши Ўзбекистон мустақиллиги шароитларида мамлакатнинг кўпмиллатли халқини жипслаштиришнинг энг қулай ва самарали шаклини топиш имконини берди. Бу фаолият кун сайин кенгайиб ва такомиллашиб бориб, Ўзбекистонда истиқомат қилиб турган барча миллат ва элатларни янада яқинлаштиришга хизмат қилмоқда. Давлатнинг ҳар томонлама ёрдами туфайли ҳозирги замон андозалари даражасида таъмирланган ва яқин ўтмишда «Пойабзалчиларнинг маданият саройи» деб аталган, шаҳар марказида жойлашган ҳашаматли бино, Ўзбекистон Республикасининг байналмилал маданий маркази ва «Халқ бирлиги» ҳаракатининг бирга фаолияти натижасида республикамизнинг кўпмиллатли аҳолисини ҳақиқий байналмилалчилик руҳида тарбиялашнинг асосий марказларидан бирига айланмоқда. Масалан, 1997 йилда Аденауэр фонди билан Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни оммавий ахборот воситаларида ёритишга бағишланган ёки Ўзбекистондаги барча вилоятлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси миллий маданият марказлари ва «Халқ бирлиги» ҳаракати вакиллари билан республикадаги турли динлар вакиллари билан учрашуви серқирра ва самарали мунозара ва муҳофазаларга бой бўлди, қатор жиддий масалаларга жамоатчиликнинг диққатини жалб этиш, тажриба алмашиш имконини берди, умумий ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, тотувлик муҳитининг нақадар устувор эканлигини намоён қилди.

«Халқ бирлиги» ҳаракати олижаноб вазифани бажармоқда. Уни қўллаб-қувватлаш — ҳар биримизнинг бурчимиз.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ — мамлакатда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялардан бири. 1991 йил 1 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган I (Таъсис) қурултойида унинг тузилиши эълон этилиб, Дастури ва Низоми қабул қилинди, Марказий Кенгаш ҳамда Марказий тафтиш комиссияси сайланди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1991 йил 15 ноябрда рўйхатга олинган. Ҳозирда, яъни 1998 йил 1 мартгача ХДП таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят, 208 та шаҳар ва туман кенгашлари, 14173 та бошланғич ташкилот бўлиб, уларда 443000 дан ортиқ аъзо бирлашган.

Партиянинг олий органи — қурултой ҳар 5 йилда чақирилади. Қурултойлар оралигида унинг олий раҳбар органи — Марказий Кенгаш пленумлари, одатда, йилда бир марта бўлиб ўтади. Жорий сиёсий ва ташкилий ишларни йўналтириш учун МК аъзолари таркибидан Сиёсий ижроия қўмита, котиблар ва ижроия-бошқарув органи — Котибият сайланади.

1994 йил 1 ноябрда Ўзбекистон ХДПнинг навбатдан ташқари 2 қурултойи бўлиб, унда партиянинг «Мақсадимиз — озод ва обод Ватан, тинч ва фаровон ҳаёт» деб номланган сайловолди сиёсий дастури қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигида ХДПдан номзодлар тасдиқланди. 1994 йил декабрда, кўппартиявийлик асосида бўлиб ўтган сайловларда, ХДП вакиллари барча депутатликка сайланганларнинг Олий Мажлисида 27, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоят Кенгашларида — қарийб 37, шаҳар ва туман Кенгашларида — 48 фойздан зиёдроғини ташкил этдилар. Олий Мажлисида партиянинг 1995 йил 24 февралда расмий равишда рўйхатга олинган депутатлик фракцияси фаолият кўрсатмоқда, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларида депутатлар гуруҳлари мавжуд.

Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсадлари:

- миллий мустақилликни мустаҳкамлаш;
- туб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий ислохотларни амалга ошириш орқали равнақ топган, қудратли, демократик давлат, адолатли, инсонпарвар жамиятни бунёд этиш;

- кишиларнинг миллати, сиёсий қарашлари, диний эътиқодларидан қатъи назар, муносиб ҳаёт кечириши учун тенг имкониятларни яратиш;

- фуқароларнинг эркинлик ва ҳуқуқлари, тинч ҳаёт кечиришларини кафолатлаш.

Бу мақсадларни рўёбга чиқариш учун ХДП ўз тасарруфидаги қонуний воситалар — парламентчилик, сиёсий-ташкилий, мафкуравий ишлар, матбуот нашрларидан фойдаланади; республикани жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторига олиб чиқиш йўлида турли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади. Ўзининг дастурий мақсадлари ва мустақиллик фояларини кенг тарғиб қилиш, жамиятимиз маънавий янгиланишига муносиб ҳисса қўшиш мақсадларида 1993 йил декабрида Ўзбекистон ХДПнинг миллий истиқлол мафкураси қабул қилинган.

Ўзбекистон ХДПнинг марказий матбуот нашрлари: «Ўзбекистон овози» (ҳафтада уч марта), «Голос Ўзбекистана» (ҳафтада бир марта) газеталари ва «Мулоқот» журнали (икки ойда бир марта) чоп этилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР — 1917 йилгача Туркистонда, Овруподан фарқли ўлароқ, сиёсий партиялар бўлмаган. Аммо XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида сиёсий партиялар шаклланиши учун шарт-шароит юзага кела бошлаган; Туркистонда ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларда турли ўзгаришлар юз берган; маърифатпарварлик деб ном олган кенг ижтимоий-маънавий оқим ўлка маданий ҳаётида катта ҳодиса бўлган; XIX асрнинг охирида чор самодержавиесига қарши турли гуруҳларнинг, яъни Пўлатхон, Дарвишхон, Дукчи эшон, Намоз ботир, Мўминбой бошчилигида турли халқ мустақиллиги учун кўтарилишлар бўлиб ўтган. Жорий асрнинг бошларида, маърифатпарварликнинг ривож сифатида, жадидчилик ҳаракати вужудга келади.

Аммо, 1917 йил октябрь тўнтаришидан сўнг Туркистонда жиддий сиёсий ўзгаришлар юз беради: 1918 йилда Туркистонда турли ижтимоий-сиёсий ҳаракатларга барҳам берилди ва ягона коммунистик партия мафқураси тартиботи ўрнатилди. 1924 йили коммунистик ва яккапартиявийлик ғояларини Шарқда кенг ёйиш ва Шарқни социализмнинг заминларидан бирига айлантириш мақсадида Ўзбекистон ССР ташкил этилди ва ягона коммунистик партия ҳукмронлиги амалга оширилди. Бу тартиб 1924—1990 йиллар ичида янада мустақамланди ва, табиийки, мустақилликка биз сиёсий партиялар тузиш, уларнинг фаолиятини таъмин этиш тажрибасисиз етиб келдик.

Собиқ Иттифоқдаги ижтимоий ва сиёсий воқеаларнинг якуний натижасида 1991 йил 31 августда Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинди. Мустақиллик шарофати туфайли ижтимоий ва маънавий соҳаларда янгича дунёқараш шакллана бошлади. Мафқуранинг яккаҳоқимлиги, барча соҳаларни синфий қараш асосида ўрганиш сингари нотўғри методологик кўрсатмалар барҳам топди, турли сиёсий партиялар вужудга кела бошлади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда тўртта сиёсий партия мавжуд, булар қуйидагилар:

1) Халқ Демократик партияси — 1991 йил 1 ноябрь куни бўлиб ўтган Таъсис қурултойида ташкил этилган. Унинг сафида 443 мингдан зиёд аъзолар мавжуд. ХДП ўз сафларида кенг оммани — зиёлилар, ишчилар, хизматчилар, деҳқонлар, тадбиркорлар, ёшлар, фахрийларни, 80 га яқин миллат ва элат вакилларини бирлаштиради.

2) «Ватан тараққиёти» партияси — 1992 йил 24 майда Таъсис съездида ташкил этилган. Партиянинг ижтимоий негизи — илғор зиёлилар, тадбиркорлар, хусусий мулк эгалари, фермерлар, деҳқонлардир. Партиянинг аъзолари 35 минг кишига етган.

3) «Адолат» социал-демократик партияси 1995 йил 18

февраль куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Таъсис қурултойида ташкил этилган. Ҳозирги кунда «Адолат» социал-демократик партиясига 30 мингдан ортиқ киши аъзодир.

4) «Миллий тикланиш» демократик партияси — 1995 йилнинг 3 июнида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Таъсис қурултойида ташкил этилган. Партия ўз фаолиятида кўпроқ Ўзбекистон зиёлиларига суянади ва ҳозирги кунда ўз атрофига 10 мингга яқин сафдошларни бирлаштирган.

Ўзбекистон Республикаси янги жамият, янги давлатчиликни барпо этмоқда. Шу нуқтаи назардан бозор муносабатлари тизимини йўлга қўйиш, ҳуқуқий демократик жамият қуриш ҳар бир сиёсий партиянинг умумий мақсад ва вазифаларидандир. Мамлакатда тинчлик ва барқарорлик, осойишталик учун кураш, миллатлар ва элатлар дўстлиги, тотувлиги, қўшни давлатлар билан ҳамкорлик, дўстлик ва ички ишларга аралашмаслик, давлат чегараларининг дахлсизлиги учун курашиш ҳар бир партиянинг муҳим вазифаларидандир.

Ҳар бир сиёсий партия ўз дастури ва низомига эга. Умумий қиёсий манзара уларнинг ўзаро фарқ тафовутларини ва муштарак томонларини билиб олиш имконини беради:

1. Халқ демократик партиясининг олий мақсади ва дастури: элимизнинг меҳнат аҳли, ҳар бир оиланинг моддий ва маънавий баркамол бўлишига кенг имкониятлар яратиш, уларнинг конституциявий ҳуқуқлари, фуқаролар эркинликларини кафолатлаш, дини, мазҳаби, миллатидан қатъи назар, ҳамюртларимизнинг қадр-қимматини, тинч ҳаётини ҳимоя қилишдан иборатдир.

2. «Ватан тараққиёти» партиясининг мақсад ва вазифалари:

- а) эркин бозор муносабатларини ривожлантириш;
- б) демократик жамият тараққиётини жадаллаштириш;
- в) зиёлилар, тадбиркорлар ва деҳқонлар манфаатини ҳимоя қилиш;
- г) хусусий мулкчиликни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш;
- д) ўз фаолиятида ҳамиша амалий тажриба ва соғлом ақл-идроқка таяниб иш кўриш.

3. «Адолат» социал-демократик партиясининг асосий мақсади: Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва демократик тамойилларга асосланган, янги ижтимоий муносабатлар қарор топган, адолатли, фуқаровий жамият қуришдир.

4. «Миллий тикланиш» демократик партияси фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагича белгиланган:

- а) миллатнинг маънавий бирлиги;
- б) Ватан (Туркистон) — ягона оила;
- в) кучли демократик давлат;
- г) миллий қадриятлар;
- д) илмий-техникавий тараққиёт ва умумжаҳоний интеграция;
- е) замон кишиси;
- ж) миллий истиқбол.

Партия Миллат, Инсон ва Ватан манфаатини муқаддас деб билади.

Юқорида зикр этилган қиёсий маълумотдан маълум бўлаётгани, сиёсий партиялар олға сурган мақсад ва вазифаларида И.А. Каримов ва Ўзбекистон ҳукумати асослаган мақсад ва вазифалар ўртасида фарқ-тафовутлардан кўра умумий, муштарак жиҳатлар кўпроқ. Юқорида қайд этилган мақсад ва вазифалар Президент И.А. Каримов томонидан ҳам аллақачон қўйилган, чунки Юртбошимиз сиёсати халқимиз, жамиятимиз олдидаги вазифаларни бажаришга қаратилган. Шу сабабли партияларнинг тилак ва истаклари, фаолиятлари уларнинг давлат ва Президент сиёсати билан ўзаро боғлиқлиги ва барқарорлигини таъминлайди.

Ўзбекистондаги сиёсий партияларнинг мавқеи ҳозирги кунда етарли эмас, таъсир доираси ҳали юзаки ва тор. Чунки сиёсий партиялар дарғаларининг ва халқнинг ҳали бу борада тажрибаси оз. Муҳими, аҳоли сиёсий партияларни Президент И.А. Каримов сиёсатини қўллаб-қувватлагани учун маъқуллайди. Бошқа мустақил давлатларда сиёсий партиялар эркинлиги ва кенг фаолияти кўп салбий воқеаларга сабабчи бўлди. Бу аччиқ сабоқни инобатга олган Ўзбекистон сиёсий партиялари Президент сиёсатини қўллаб-қувватлаш йўлидан бормоқдалар.

Сиёсий партиялар ўз нашрларига эга: Халқ демократик партияси «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журнали; «Адолат» социал-демократик партияси — «Адолат» газетаси; «Миллий тикланиш» демократик партияси «Миллий тикланиш» ҳафталик газетаси; «Ватан тараққиёти» партияси «Ватан» ҳафталик газетаси. Бу газета ва журналлар сиёсий партияларнинг юксак минбаридир. Сиёсий партиялар («Миллий тикланиш» партиядан ташқари) Ўзбекистон Олий Мажлисида ўз фракцияларига эгадирлар ва улар орқали фаол иш олиб борадилар.

ЎЗБЕКИСТОНДА СУД ҲОКИМИЯТИ — мамлакатимиз давлат ҳокимиятининг мустақил тармоқларидан ҳисобланиб, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, шунингдек, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотларидан мустақил иш юритади.

Суд ҳокимиятини мамлакатимизда Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, Тошкент шаҳар суди, вилоят судлари, шаҳар ва туман судлари амалга оширади.

Суд ҳокимиятининг бошқа ҳокимиятлар билан тенг фаолият кўрсатиши Конституция даражасида мустақамланган. Асосий қонунимизда судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар, деб ёзиб қўйилган. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади (112-модда). Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир (114-модда).

Судьялар одил судловни амалга оширишда фақат Конституцияга ва қонунларга бўйсундилар, уларнинг фаолиятига ҳар қандай аралашув ва тажовузларга йўл қўйилмайди. Агар шундай ҳолатлар рўй берса, бу нарса қонунда белгиланган жавобгарликка олиб келади.

Судьялар бирон-бир сиёсий партия ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлиши ёки ҳақ тўланадиган бошқа мансабларни эгаллаши мумкин эмас. Бундан ташқари, Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди раиси ва аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати этиб сайланиши мумкин эмас. Судьяларга белгиланган бундай мақом уларни қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, шунингдек, ҳар хил сиёсий кучлар таъсиридан мустақил бўлишини таъминлайди.

ЎРТА ОСИЁ — Осиё қитъасининг бир бўлаги, ғарбда Каспий денгизидан шарқда Хитой билан бўлган чегарагача ва шимолда Орол-Иртиш сувайирғичидан жанубда Эрон ва Афғонистон чегарасигача давом этади. Ўрта Осиё ҳудуди ўрта асрларда Мовароуннаҳр, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида (1924 йилда миллий-давлат чегараси ўрнатилишига қадар) Туркистон деб аталган. Кейинчалик Ўрта Осиё (Марказий Осиёдан фарқ қилиш учун) деб аталадиган бўлди. Чет эл адабиётида одатда «Ўрта Осиё» ва «Марказий Осиё» тушунчалари бир маънода ишлатилади.

Чоризм йилларида «Ўрта Осиё» дейилганда, Орол денгизининг шимолий нуқтасидан то Болхош кўлининг шимолий нуқтасигача ўтказилган тўғри чизиқдан қуйидаги, Эрон, Афғонистон, Хитой ва Каспий денгизи чегараларига қадар бўлган оралиқда жойлашган ҳудуд тушуниларди. Бу ҳудуднинг яна бир номи, боя айтганимиздек, Туркистон эди. Шўро йилларида бу тушунчалар бир оз ўзгарди, чунки 1924 йилдаги миллий-давлат чегараланиши натижасида собиқ «Ўрта

Осиё»нинг талай қисми Қозоғистон таркибига кирди. Қозоғистоннинг чегаралари эса шарқи-шимолда Ўрта Сибирга, ғарбда Ўрол тоғларига ва Волга дарёсининг этакларигача чўзилиб борарди, яъни қисман Оврупо қитъасига мансуб эди. Шу боисдан Қозоғистонни «Ўрта Осиё» тушунчаси билан қамраб олиш баҳсли бўлган. Бундай шароитда «Ўрта Осиё» деганда Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва унинг таркибига кирувчи Қорақалпоғистон тушунила бошлади. Расмий ҳужжатларда ва кундалик ҳаётда «Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон» деган ибора ва тушунча кенг ўрин олди.

Аммо, СССР парчаланиб, унинг таркибида бўлган Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон мустақил давлатларга айлангандан сўнг, тарихи, маданияти, ҳудуди, кўп жиҳатдан тили умумий бўлган бу мамлакатларни бириктирувчи, уларни бир-бирига жипслаштирувчи янги ва истиқболли омиллар пайдо бўлди ва «Ўрта Осиё ва Қозоғистон» тушунчаси ўрнини «Марказий Осиё» тушунчаси эгаллади. «Ўрта Осиё» жуғрофий тушунча, «Марказий Осиё» эса сиёсий-жуғрофий тушунча бўлиб қолди. Мустақиллик шарофати билан бу беш давлат ўз муаммоларини ҳал этишда биргаликда ҳаракат қилишлари маъқул эканлиги маълум бўлди. Шу муносабат билан бу беш давлат жойлашган ҳудуд «Марказий Осиё» деб атала бошланди.

(Яна қаранг: «Марказий Осиё».)

«Қ»

ҚАДРИЯТЛАР — борлиқ ва жамият, нарсалар, воқеалар, ҳодисалар, инсон ҳаёти, моддий ва маънавий бойликларнинг аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча. Қадриятлар билан боғлиқ масалалар ҳаётнинг энг асосий мавзулари бўлиб ҳисобланади. Қадриятларни Ғарбда аксиология фани ўрганади. У кенг тарқалган фалсафий фанлардан биридир. Ҳозирги даврда қадриятлар тўғрисида мамлакатимизда фалсафа, маданиятшунослик, сиёсатшунослик, психология фанлари турли тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Собиқ Иттифоқда қадрият мавзуси 60-йилларгача тадқиқ этилмас эди. Ҳозирги Ўзбекистонда бу масалага диққат-эътибор кенгайди. Негаки, қадриятлар мустақилликни мустаҳкамлайдиган маънавий омилдир.

Кўпчилик кишилар қадрланадиган нарсалар, ҳодисалар, масалан, қимматбаҳо буюмларни қадрият дейишади. Аслида эса ана шуларнинг ижтимоий аҳамияти қадриятларнинг ҳа-

қиқий баҳосини аниқлайди. Бирор нарса, воқеа ёки ҳодисанинг қадрининг унинг моддий-иқтисодий баҳосидан катта фарқ қилиши мумкин. Масалан, минг йил илгариги буюмни ҳозир ишлатиш мумкин эмас. Унинг иқтисодий қиймати кам, аммо, мерос сифатидаги қадрининг анча салмоқли бўлиши мумкин.

Қадриятлар тарихий ва замонавий бўлиши мумкин. Қадриятларнинг хилма-хил шакллари бор: моддий ва маънавий, умумбашарий, минтақавий, умуминсоний; жамият ҳаётининг соҳалари бўйича иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий қадриятлар; ижтимоий онг шаклларига мос келадиган ахлоқий, диний, ҳуқуқий, илмий; ҳаётнинг ижтимоий тузилишига мос келадиган, миллий, синфий, партиявий ва бошқалар. Қадриятлар дунёни билишнинг мақсади, билимларимизнинг ҳақиқатга мос келиш даражасини аниқлаш мезони ёки бирор идеал тарзида ҳам намоён бўлади. Қадриятларнинг асосий функцияси ҳам ана шулар билан боғлиқ.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг қадриятларга эътибор кучайди, мамлакатимизда умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги эътироф қилинди, миллий қадриятлар ҳамда шахс манфаатларини умуминсоний талабларга мослаштириш ва уйғунлаштириш асосий вазифа бўлиб қолди.

Қадриятлар инсоният тарихи давомида аста-секин шаклланадилар. Уларнинг миқдори ва сифатининг ортиши инсоният тараққиёти қанчалик илгарилаганлигининг кўрсаткичидир. Қачонлардир, ўтмишда баъзи қадриятлар тўғрисида, масалан, маърифат тўғрисида, умуман тушунча бўлган эмас. Бундай янги тушунчалар асрлар ўтган сари шаклланиб, қадриятлар қаторини бойитиб боради. Айни вақтда, қадриятлар маҳаллий, миллий, минтақавий ва умуминсоний бўлиши табиийдир. Чунки «қадрият» тушунчаси муайян вазият ва шароитда шаклланади. Жамият тараққий этгани сари жаҳоннинг барча халқларига тегишли, яъни умуминсоний қадриятлар кўпайиб бораверади ва бу ўзгаришлар инсоният ўз ривожига қандай янги чўққиларни эгаллаётганининг белгиси бўлади (масалан, эркинлик, тинчлик, ижтимоий тенглик, ижтимоий ҳақиқат, маърифат, маънавият, гўзаллик, яхшилик, инсонпарварлик, инсонийлик, демократия, ҳуқуқий жамият, қонуннинг устуворлиги, хотин-қизлар озодлиги ва бошқалар).

Қисқа қилиб айтганда, қадриятлар деганда, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарсалар тушунилади (масалан, эркинлик, тинчлик, яхшилик). Моддий қадриятлар ҳақиқий қадриятларнинг намоён бўлиш воситаларидир (масалан, ҳаётда керак бўладиган турли буюмлар). Инсоният тарихи унга хизмат қиладиган, ўзи яратган, суянадиган ва қўллаб-

қувватлайдиган қадриятлар дунёсининг кенгайиш, бойиш ва такомиллашиш тарихидир. Инсоният ўзининг кундалик меҳнати билан яратаётган сунъий нарсалар дунёсида яшайди. Биз яратаётган ушбу моддий ва маънавий бойликлар оламининг гултожи, сараси қадриятлардир. Қадриятлар ва қадрият мезонлари кишиларга, уларнинг хулқ-атворини тартибга солиш ва тўғри йўналтиришга хизмат қилади. Бундай ўзига хос бошқаришнинг самарадорлиги кишиларимизнинг қадриятлар оламини билишига боғлиқ.

(*Яна қаранг: «Миллий қадриятлар».*)

ҚАРАМЛИК — мамлакат ва ҳудудларни босиб олиш ёки бошқа хил йўллар билан уларнинг устидан бошқа давлат ва гуруҳларнинг ҳукмронлиги ўрнатилиши оқибатида давлат ҳокимиятининг олийлик ва суверенлик белгиларидан маҳрум бўлиши. Қарам давлатлар метрополия давлатларига сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан қарамлик занжирлари билан боғланган бўладилар.

Қарамликнинг ҳуқуқий шакллари 2 асосий гуруҳдан иборат: 1) халқаро-ҳуқуқий боғлиқлик — протекторат (ҳомийлик), васийлик, кондомиум ва мандатли ҳудуд; 2) давлат ҳуқуқий алоқалари.

Биринчи ҳолда қарам давлатлар юридик жиҳатдан метрополиянинг таркибий қисми деб қаралмайди ва улар ўз давлатчилигига эга бўлиши ҳам мумкин.

Қарамликнинг бир кўриниши бўлган «протекторат», яъни ҳомийлик, имзолловчи томонлар учун тенг бўлмаган шартнома асосида ўрнатилади. Унга кўра, ҳомий давлат, ўз қарамлигига олган давлатнинг ташқи сиёсатини белгилаб беради. Қарам давлат, бундай ҳолларда, фақат ташқи муносабатларда қарам бўлиб қолмасдан, шу билан бирга, одатда ўз ҳомийсидан давлатнинг ички ишлари юзасидан маслаҳатчини ёки агентни ҳам қабул қилади. Шу тариқа, ҳар қандай мустақилликдан маҳрум бўлади. Масалан, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги билан чор Россияси ўртасида 1873 йилда тузилган «Дўстлик шартномаси»га кўра, бу давлатлар устидан чор ҳукуматининг «ҳомийлиги» ўрнатилди. «Дўстлик шартномаси»га кўра, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ўз давлат бошқарув тизимини ўзгаришсиз сақлаб қолдилар. Шартномага биноан, Бухоро амирлиги Россия ҳукумати тайинлаган сиёсий агентини қабул қилди. Хива хонининг фаолияти устидан назорат қилиб бориш, шу мақсадда Россия томонидан махсус ташкил қилинган Амударё бўлимининг бошлиғига топширилди.

Иккинчи шаклдаги қарамликда эса тобеъ ҳудудлар, у ёки бу даражада метрополиянинг таркибий қисми, деб ҳисобланади ва бевосита метрополия ҳукумати тайинлайдиган амал-

дорлар томонидан бошқарилади. Қарам давлатларда ташкил этиладиган сайланадиган органлар қарам ҳудудни бошқаришда фақат маслаҳат овозига эга бўлади. Кўпчилик ҳолларда мустамлакалар ҳеч қандай сайланадиган органларга эга бўлмай, улар марказий ҳукумат кўрсатмаси орқали метрополия амалдорлари томонидан якка ҳолда бошқарилади. Масалан, чор Россияси томонидан 1865—1866 ва ундан кейинги йилларда босиб олинган Туркистон ерлари бевосита Россия давлатининг таркибий қисми деб ҳисобланди. Ўлкани бошқариш Россия императори томонидан лавозимга тайинланадиган ва озод қилинадиган генерал-губернаторга тегишли эди. Генерал-губернатор ўлкани яккабошчилик асосида бошқарган.

XX аср бошларида ҳам қарамлик муносабатлари асосан босиб олиш ва зўравонлик асосида вужудга келган бўлса, ҳозирги даврда бу муносабатларнинг вужудга келиши «маданийлашган» кўринишга эга бўлди. Ривожланган давлатларнинг тараққиётдан орқада қолган мамлакатларга бераётган иқтисодий «ёрдами» оқибатида, иқтисодий қарамлик аста-секинлик билан тўлиқ қарамликка айлана боради, деган хавф бор. Бундай қарамликка тушиб қолмасликнинг йўли — тезроқ бозор иқтисоди муносабатларини ривожлантириб, рақобатбардош маҳсулот билан жаҳон бозорига чиқишдир. Шу йўлдан бораётган Сингапур, Индонезия, Тайвань, Жанубий Корея ва бошқа қатор мамлакатлар ривожланган давлатлар даражасида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, «Шарқ аждаҳолари» номини олдилар.

Шўролар даврида Ўзбекистон ўз Конституциясида мустақил, суверен давлат деб эълон қилинган бўлса-да, аслида, қарам ҳудуд эди, ҳар бир иқтисодий, сиёсий, маданий-мафкуравий масала Марказ томонидан ҳал этилар ёки Марказнинг розилиги билан амалга оширилиши мумкин эди. Марказга қарамлик руҳи, фикр юритиш услуби ва турмуш тарзи кишиларимизнинг онгига чоракам бир аср давомида шўроларнинг изчил тарғиботи ва ташвиқоти натижасида жуда чуқур сингиб кетди. Кишиларимиз онгидаги ва хатти-ҳаракатларидаги қарамлик руҳиятини бартараф этиш жамиятимиз тараққиётининг жиддий вазифаларидан биридир.

«ҚИЗИЛ ИМПЕРИЯ» — 1917—1991 йилларда мавжуд бўлган собиқ шўро давлатига нисбатан ишлатиладиган атама. «Империя» сўзи лотинча бўлиб, мутлақ ҳокимиятга эга ҳокимни, маҳкумлар, мазлумлар устидан чекланмаган ҳуқуққа эга, жабр-зулм ва эзишга асосланган идора этиш ва бошқариш усулини, мустамлакаларга эгалик қилувчи ва қарам халқларни асоратга солиб шафқатсиз эксплуатация қилувчи йирик тажовузкор давлатни билдиради.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ — Ўзбекистон таркибидаги республика. Ҳудуди 164,9 минг кв. км., аҳолиси 1420 минг киши (қорақалпоқлар — 32,1 фоиз, ўзбеклар — 32,3 фоиз, козоқлар — 26,3 фоиз. Қолган 9,3 фоизи — туркманлар, руслар, корейслар, татарлар, украинлар ва бошқалар). Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид эмас. Аини вақтда Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийдир. Қорақалпоғистон Республикаси олий қонун чиқарувчи органи — Жўқорғи Кенгесининг 1992 йил 14 декабрда бўлиб ўтган сессиясида Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва герби, 1993 йил декабридаги сессиясида Давлат мадҳияси тасдиқланган. Қорақалпоғистон Республикасида 15 туман, 12 шаҳар, 16 шаҳарча ва 112 овул бор. Пойтахти — Нукус (191 минг аҳоли). Нукусда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали, давлат университети, педагогика институти, бир қанча Тошкент олийгоҳларининг филиаллари бор.

Ўзбекистон Республикаси амалдаги Конституциясининг махсус XVII боби «Қорақалпоғистон Республикаси» деб номланган. Унда «Суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон таркибига киради» дейилади. 70-моддада «Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза этилади» дейилади. Ҳар икки республика ўртасидаги муносабатлар Конституциялар доирасида тузилган шартномалар ҳамда битимлар билан тартибга солинади. Қорақалпоғистон Республикаси амалдаги Конституциясининг «Давлат суверенитети» деб номланган бобида «Қорақалпоғистон Ўзбекистон таркибига кирувчи суверен демократик республика» дейилган. Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясини ўзи тасдиқлайди, ўзининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини ўзи ҳал қилади, Ўзбекистон Республикаси сиёсатига мос ҳолда ўз сиёсатини юргизади. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди бўлинмас ва дахлсиздир. Унинг давлат тили қорақалпоқ тилидир. Қорақалпоғистон Республикаси фуқароси аини вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳамдир. Қорақалпоғистон Республикаси бозор муносабатлари шароитида хўжалиги ва маданиятининг кўтарилиши учун янги имкониятлар юзага келтирди.

ҚУРЪОН (арабча «қуръон» — қироат, ўқув) — ислом динида муқаддас деб тан олинган китоб. Унда ислом ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлари, чеклаш ва тақиқлари ўз ифодасини топган.

Ислом анъанасида Қуръон Аллоҳ томонидан Муҳаммад пайғамбарга 22 йил давомида, фаришта Жаброил орқали ваҳий қилинган деб тасаввур этилади. Исломшуносларнинг қайд қилишича, Муҳаммад пайғамбар ҳаёти даврида унинг тарғиботлари доимий равишда ёзиб олинмаган, омма орасида оғзаки тарқалган, фақат унинг баъзи гапларигина тош, сопол, чарм, пергамент ва бошқа нарсаларга ёзилиб келинган. Муҳаммад пайғамбар вафотидан кейин, халифа Абу Бакр даврида, унинг тарғиботларини ёзиб, тўплашга қарор қилинган ва бу вазифа Муҳаммад ҳаётининг сўнгги даврларида унга котиблик қилган Зайд ибн Собитга топширилган. У ўзи ва Муҳаммадга яқин бошқа кишилар ёддан билган сураларни тўплаб кўчирган. Шу тариқа, 632 йилда биринчи марта, Қуръон матни юзага келган. Орадан бир оз вақт ўтгач, бошқа тўпламлар ҳам вужудга келган, улар ўртасида муайян тафовутлар пайдо бўлган. Халифа Усмон мусулмонлар давлатининг мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида Зайд ибн Собитга Қуръон матнларини қайта таққослаб, ягона тўплам тузишни буюрган. Бу тўплам вужудга келгач, халифа ундан фарқ қиладиган тўпламларнинг барчасини йўқотиш ҳақида буйруқ берган.

Янги тўпламнинг асл нусхаси Мадинада қолдирилган. Ундан 3 нусха (айрим маълумотларга қараганда, 6-7 нусха) кўчиртирилиб, бошқа шаҳарлар (Куфа, Басра, Дамашқ)га юборилган.

Кейинги даврларда (милодий VII асрнинг 90-йилларига-ча) Қуръонни ўқишдаги тафовутларга барҳам бериш учун қўлёзмаларга араб ёзувига хос белгилар қўйиб чиқилган. Улардан бири Тошкентда Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармасида сақланади.

Қуръон 114 сурадан иборат: ҳар бир сура оятларга бўлинган. Сураларнинг ҳар бири махсус номланган (масалан, 1-сура «Фотиҳа», 2-сура «Бақара» ва ҳоказо). Суралар Қуръонда мазмунига ёки олдинма-кейин ёзилганлиги тартибида эмас, балки асосан ҳажмига, яъни ҳар бир сурадаги оятларнинг миқдори бўйича (катта суралар китоб бошида, кичиклари охирида) жойлаштирилган.

Қуръоннинг марказий ғояси тавҳид, яъни якка худо — Аллоҳ тўғрисидаги таълимотдир. Шу билан боғлиқ равишда унда пайғамбарлар ҳақида, тақдир тўғрисида ақидалар баён этилади. Қуръонда исломнинг асосий эътиқод талаблари (намоз, рўза, закот ва бошқалар) белгилаб берилган. Ундаги ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар кейинчалик шаклланган шариатга асос қилиб олинган. Қуръонда инсониятнинг ирқий бўлиниши, ижтимоий-иқтисодий табақаланиши инкор этилади. Аллоҳ наздида ҳамманинг тенглиги, уларнинг барчаси унинг бандаси эканлиги ғояси илгари сурилади.

Исломда Қуръонни тафсир қилиш (шарҳлаш) анъанага айланган. Қуръон мусулмон халқларининг фалсафий, ахлоқий ва ҳуқуқий қарашларига жиддий таъсир кўрсатади. У тарихий ва адабий ёдгорлик ҳамдир. Унда арабларнинг VI асрдаги ҳаёти ва тасаввурига оид айрим жуғрофий, этнографик ва тарихий маълумотлар учрайди. Қуръон араб насрининг дастлабки ёзма ёдгорлигидир. У арабларнинг ягона адабий тили шаклланишига асос бўлган.

Қуръон услуби (унинг анча қисми қофиялаштирилган шеърый прозада ёзилган) араб адабиётига, умуман, Шарқ адабиётига маълум таъсир кўрсатган. Қуръон, диний-фалсафий китоб сифатида, мусулмон мамлакатларида мактаб, мадраса, дорилфунунларда ўқитилади.

Қуръонда қайта-қайта таъкидланишича, Ислом динида Аллоҳ наздидаги энг оғир гуноҳ ширк, яъни ягона Парвардигорга қайси бир зотни шерик қилишга уринишдир. Барча илоҳий китобларда олға сурилган тавҳид (яратувчининг ягоналиги ва барча мавжудот манбаи эканлиги) гоёси исломда ўзининг олий даражасига кўтарилган.

Қуръон XII асрдан бошлаб, Оврупо халқлари тилларига, жумладан лотин тилига таржима қилина бошлаган. XVIII аср бошларида Оврупо халқлари тилларидан, XIX аср ўрталарида арабча асл нусхадан рус тилига таржима қилинган. Русча таржимаси Қозонда 3 марта (1878, 1894, 1907 йилларда) нашр қилинган. Қуръоннинг рус тилидаги асл нусхага мос келадиган адабий таржимаси, илмий изоҳлари билан, машҳур арабшунос, академик И.Ю. Крачковский томонидан амалга оширилган ва унинг вафотидан кейин (1963 йилда) нашр қилинган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейингина Қуръон ҳақида матбуотда холисона илмий мақолалар чоп этила бошлади. Унинг Алоуддин Мансур томонидан бажарилган маъно таржимаси «Шарқ юлдузи» журналининг бир неча сонларида босилиб чиқди. Кейинчалик у китоб ҳолида бир неча бор нашр этилди. Аммо Қуръоннинг илмий таржимаси, яъни мазмуни, шакли, тили, тарихи, тушунчаларини батафсил изоҳлайдиган таржимаси ҳамон ўзбек тилида мавжуд эмас.

«X»

ҲАДИС (арабча «ҳадис» — ривоят, нақл, ҳикоя, ахборот етказиш) — ислом динида Қуръондан кейинги муқаддас манба, Муҳаммад пайғамбарнинг фаолияти ва кўрсатмалари ҳақида ривоятлар мажмуи. Қуръон мусулмонлар жамоаси-

нинг барча ҳуқуқий ва ахлоқий масалаларини қамраб ололмаганлиги сабабли VII аср охири — VIII аср бошларида ҳадислар ёзила бошлаган. Ҳадисларда араб халифалигидаги зиддиятлар, ислом илоҳиёти, шариат талқини ифодаланиб, турли ижтимоий гуруҳлар манфаати ўз ифодасини топган. Шу боис, унда бир-бирига зид фикрлар юзага келган. Даврлар ўтиши билан, ҳадислар танланиб бир тизимга солина бошлаган. Ҳадислар тўплами «Сунна» деб ном олган. Ҳадисларни йиғувчи, шарҳловчи, тарғиб этувчи шахслар муҳаддис деб аталган.

Расулуллоҳ саллаллоҳу васалламнинг турли шароитларда шариат аҳкомларига оид айтган сўзлари ҳам ҳадисдир.

Ҳижрий III аср илми ҳадис учун олтин давр бўлди. Мазкур даврда, айниқса, «Саҳийҳ» йўналишига буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий (810—870) асос солган бўлиб, бу йўналишда ёзилган тўпламларга фақат тўғри, ишонарли ҳадислар киритилган.

Шўролар даврида тақиқда ва қувғинда бўлган ҳадисларни мустақил Ўзбекистонда кенг миқёсда чоп этиш ва ўрганиш бошлаб юборилди. Ҳадислар халқимизнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, салоҳияти ва ҳаётга муносабатининг ташкил топиши ва рўёбга чиқишида катта аҳамият касб этади.

ҲОКИМИЯТЛАР ТАҚСИМЛАНИШИ ТАМОЙИЛИ — давлат бошқарувини демократик асосда ташкил этишнинг асосий тамойили, кишиларнинг эркин равнақ топиши ва қонун устуворлигини таъминлашнинг ниҳоятда муҳим шартти.

Ҳокимиятларнинг тақсимланиши демократик ҳуқуқий давлатга хос хусусият ҳисобланади. Бошқача айтганда, ҳокимиятларни тақсимлаш ҳуқуқий давлатни барпо этиш, қонун устуворлиги ва ҳукмронлигини амалга ошириш воситасидир. Мазкур тамойилнинг қўлланиши ҳокимият суиистеъмол қилинишига жиддий тўсиқ қўяди, фуқарони мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан, тазйиқидан ҳамда ўзбошимчаликларидан ҳимоя қилади, давлат идоралари фаолиятининг самарали бўлиши учун шартшароит яратади.

Ҳокимиятлар тақсимланиши мумтоз назариясининг асосчилари инглиз файласуфи Ж.Локк (1632—1704) ва француз мутафаккири Ш.Л. Монтескье (1689—1755)дир. Бу назариянинг моҳияти шундаки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун давлат ҳокимиятининг қонун чиқариш, ижро этиш ва судлов функциялари бир-биридан мустақил бўлган турли идоралар томонидан амалга оширилмоғи лозим. Монтескьенинг фикрича, уч ҳокимият-

нинг ҳар қандай кўринишда бирон-бир идора ёки шахс қўлида жамланиши омма манфаатларига путур етказди, суиистеъмолга олиб келади ва бу ҳол шахснинг сиёсий эркинлиги билан асло сиғиша олмайди. Ҳокимиятлар тақсимланишининг мукамал тартиби ва механизми яратилган мамлакатда улар қарама-қаршилик ҳодисаси эмас, аксинча, унсурлари ўзаро бир-бирини тўлдирувчи, халқ фаровонлиги йўлида амал қилувчи ягона «сиёсий вужуд»ни ташкил этади.

Ҳокимиятнинг энг мақбул тақсимланиши конституциявий тартибда «ҳокимият идораларини ўзаро бир-бирини тийиб туриши ва қарама-қарши таъсир этиши тизими»ни вужудга келтириш орқали амалга оширилади. Бундай тизимнинг мавжуд бўлиши бирон-бир ҳокимият органи мутлақ авторитар мавқега эга бўлишига, ҳуқуқни ва Конституцияни поймол этишига йўл қўймайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳокимиятлар тақсимланиши тамойили асосида давлат ҳокимияти олий идоралари тизимини мустаҳкамлаган. Асосий қонуннинг 11-моддасига биноан, Ўзбекистонда давлат ҳокимияти тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши тамойилига асосланади. Мамлакатда қонун чиқариш функциясини кўппартиявийлик замирида сайланган Олий Мажлис амалга оширади, ижро этувчи ҳокимият Президент ва унинг раҳбарлигида ишловчи Вазирлар Маҳкамасига тегишли, суд ҳокимияти — республиканинг ягона суд тизимини ташкил этувчи Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳўжалик судига мансубдир.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, парламентимиз — Олий Мажлиснинг ўзи ҳам ҳокимиятлар тақсимланиши тамойили асосида тузилади. Масалан, Конституциянинг 91-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти қонун чиқарувчи органнинг депутати бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, қуйидаги лавозим эгалари ҳам депутатлик мандатини ололмайдилар: Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик судининг раислари ва аъзолари (108 ва 112-моддалар), ҳукумат аъзолари, вазирлар, уларнинг муовинлари, давлат кўмиталари ва бошқарув идораларининг раҳбарлари ва уларнинг муовинлари.

Айни вақтда, ҳокимиятлар тақсимланиши — давлат идораларининг бир-биридан ажралган турғун ҳолати эмас. Аксинча, у жўшқин ишловчи мурватдир. Бунда ҳокимият шохобчалари ўртасидаги муносабатларни, ҳатто низоли вазиятларни ҳал этишга мўлжалланган мураккаб келиштирув жараёни ва махсус ҳуқуқий муолажалар асосида уларнинг баҳамжиҳатлигига, бир бутунлигига эришилади.

ҲОКИМИЯТНИНГ УЧ АСОСИЙ ТАРМОҒИ — давлат ҳокимиятининг тақсимланиши тамойили, яъни давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига бўлиниши демократик ҳуқуқий давлатга хосдир. Давлатда бундай қонданинг ўрнатилиши узоқ тарихга эга бўлиб, унинг тўғрисида фикрлар асосан XVI—XX асрлар давомида аста-секин шаклланиб бориб, ҳозирги даврда давлат қурилиши ва фаолиятининг зарурий тамойилларидан бирига айланди.

Мустақил Ўзбекистон ўз Конституциясини яратишда инсоният бу борада эришган ютуқлар ва қонунчилик қоидаларига суянди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳокимиятнинг тақсимланиши Асосий қонун даражасида мустақамланган. Хусусан, Конституциянинг 11-моддасида «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятига бўлиниши тамойилига асосланади», деб белгилаб қўйилган.

Мазкур тамойил давлат идоралари фаолиятининг самарали бўлишига шарт-шароит яратади, айти пайтда, ҳокимиятнинг суиистеъмол қилинишига чек қўяди.

Конституцияда белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистонда қонунчилик Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, жойларда эса ҳокимият органлари, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари томонидан амалга оширилади.

Мамлакатимизда ижро ҳокимияти Президент ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан, жойларда эса ижро ҳокимияти туман, шаҳар, вилоят ҳокимлари томонидан амалга оширилади.

Конституциянинг XX бобида суд ҳокимияти тузилиши баён этилган, хусусан, 106-моддада «Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади», деган меъёр белгилаб қўйилган.

Президент И.А. Каримов бу масала хусусида тўхталаркан, «Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолият тартиби ваколатларнинг тақсимланиш тамойили асосида амалга оширилади. Қонун чиқаруви, ижро этувчи ва суд ҳокимияти — давлатнинг учта асосий таянчидир», дейди.

Ҳокимият бўлиниши тамойили ҳам, қонунларнинг устунлиги тамойили ҳам ҳуқуқий демократик давлатнинг энг муҳим шартларидан бири бўлган шахс манфаатларининг ҳамма нарсадан устунлигини таъминлашга қаратилгандир.

ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ — жамият тараққиёти ва давлат шакллариининг ривожланиши жараёнида юзага келган, давлатни ташкил қилишнинг энг мукамал

шакли ва мазмуни. Ҳуқуқий демократик давлат учун кураш бундан тўрт-беш аср муқаддам бошланиб, фақат XX асрнинг иккинчи ярмида ҳақиқатга айлана бошлади.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жамиятимиз ривожининг сиёсий ва конституциявий мақсади қилиб қўйилган ва бу йўлда жиддий ишлар олиб борилмоқда.

Ҳуқуқий давлат ҳақида узоқ ва яқин ўтмишда турлитуман фикр-мулоҳазалар, орзу-ниятлар олға сурилган. Бироқ, шўролар даврида, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақида ниҳоятда кўп гапирилган бўлса-да, «ҳуқуқий давлат» ибораси (атамаси) расман фақат 1988 йилга келиб, КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси материалларидагина биринчи марта демократлаштириш, адолатли жамият куриш ғоялари таъсирида қўлланилди.

Мустақиллик ва бозор муносабатлари шароитида ҳуқуқий давлатни бунёд этиш давлат курилиши ва демократияни авж олдириш соҳасидаги муҳим ижтимоий-сиёсий вазифадир. Ҳуқуқий давлат куришнинг назарий асослари ва амалий муаммолари Ўзбекистоннинг 1992 йилги Конституциясида ва мамлакат Президенти И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», «Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолоти» каби асарларида, Олий Мажлиснинг I ва VI сессияларидаги «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари», «Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари» номли маъруза ва нутқларида етарлича аниқ белгилаб берилган.

Шундай қилиб, бизнинг давримизга нисбатан ҳуқуқий давлатни қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:

1. Ҳуқуқий давлат куришга киришилар экан, аввало, жамиятда умумий маданиятни юксалтира боришга, инсонларнинг маънавий камолотини ва ҳуқуқий билимларини тобора бойитиб боришга ҳаракат қилинмоқда.

2. Ҳуқуқий давлат сари бориш жараёнида ҳуқуқий ҳужжатлар ва қонунларни яратиш билан шуғулланувчи давлат идоралари жамият ҳаётининг барча соҳаларида ижтимоий муносабатларни яхши билишни, қабул қилинажак ҳуқуқий меъёрларнинг бажарилишини, таъминловчи чораларни ҳам белгилашни, унинг ижтимоий, иқтисодий оқибатларини олдиндан кўра билишни ўзларига мақсад қилиб қўйганлар. Бунда ҳуқуқий меъёрларнинг бошқа ижтимоий меъёрлар билан ҳамоҳанг бўлишлиги ҳам назарда тутилмоқда.

3. Ҳуқуқий давлатда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ташқи муносабатларни тартибга солиб турувчи мукамал конституция, қонунлар ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши, амал қилиши, тегишли давлат

идоралари назорати остида барча субъектлар томонидан уларнинг бажарилиши талаб этилади. Бу йўналишда ҳозирдаёқ кўплаб ҳуқуқий актлар яратилди ва амалга киритилди.

4. Меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар, ўз моҳияти ва мазмуни жиҳатдан, демократик, адолатли, инсонпарвар бўлиб, давлат ва фуқаролар ўртасидаги барча муносабатларни, ҳокимиятнинг бўлиниши тамойилини, конституциянинг ва қонуннинг устунлигини, давлат идоралари ҳуқуқий мақоми ҳамда ваколатларини тобора аниқ белгилаб бораверади.

5. Фуқаролар ва мансабдор шахслар юксак ҳуқуқий билимга, ҳуқуқий маданиятга, ҳуқуқий онглиликка эришмоғи, ҳуқуқга ҳурмат ва унга амал қилиш одат қонидасига айланиш лозим. Бу масаланинг жиддий аҳамиятини кўзда тутиб, Президент И.А. Каримов шахсан катта эътибор ажратмоқда.

6. Юридик таълим, юридик фан, шунингдек, ҳуқуқий билимлар ва амалиёт тарғиботи юксак даражада ривож топиши кўзда тутилади. Бу борада қатор муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

7. Ҳуқуқ меъёрларининг, халқаро андозаларни ҳам инobatга олган ҳолда, мавжуд ижтимоий муносабатларни ҳамда Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини инobatга олувчи қондалардан иборат бўлмоғи талаб этилади.

Хуллас, ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси шуки, бундай давлат ҳуқуқ доирасида ҳаракат қилади, унинг жамият ва инсон билан барча муносабатлари ҳуқуқий меъёрга асосланadi. Ўз навбатида, ҳуқуқ ихтиёрий ва давлат таъсири орқали ижро этиб борилади. Ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши ва фаолият кўрсатишида давлат органлари, мансабдор ва юридик шахслар, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ҳамда фуқаролар бевосита иштирок қиладилар. Ҳуқуқий давлатда конституциянинг ва қонуннинг устунлиги (устуворлиги) тобора кенг ва тўла таъминлана боради. Бунга ҳозирдаёқ асос солинмоқда.

Мустақил Ўзбекистонда ўтган деярли етти йил ичида ҳуқуқий давлатнинг муҳим юридик негизлари юзага келтирилди, халқ оммаси кўплаб янги қонун ва фармонлар билан танишди, уларнинг янги давлат, янги жамият учун аҳамиятини англай бошлади. Биз ҳақиқий ҳуқуқий давлатни изчиллик билан яратмоқдамиз. Чунки, аҳоли шўролар ва ундан илгариги хонлар-амирлар даврида, ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий онг деган тушунчалардан йироқ бўлган. Демак, олдимизда турган вазифа қийин ва мураккаб, аммо олижаноб ва уддаласа бўлғусидир.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — умумий маданиятнинг муҳим қисми бўлиб, қуйидаги асосий таркибий қисмларни ўз ичига олади:

1. Давлат томонидан халқ ва жамоат бирлашмалари нуқтаи назарларини ҳам ифодаловчи ҳуқуқий сиёсатнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши. Бу сиёсат даврнинг руҳини ҳуқуқда ифодалаш лозим. Масалан, мустақиллик ва бозор муносабатлари билан боғлиқ масалалар ва вазифалар ҳуқуқий сиёсатдаги бош йўналишлардандир;

2. Юксак даражада ривожланган юридик фанларнинг мавжудлиги ҳуқуқий маданиятнинг муҳим қисмидир;

3. Кенг ва фаол ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятнинг бир қисми бўлиб, у давлат ва ҳуқуқий воқеликлар ҳақидаги ғоялар, қарашлар, ҳис-туйғулар, фикрлар, кайфиятлар тизимидир. Ҳуқуқий онгда ҳуқуқий руҳият ва ҳуқуқий мафкура жиддий ўрин тутади;

4. Ҳуқуқий маданият — бу инсонларнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги муҳим билимларни эгаллаб олиш даражасидир;

5. Илгари эришилган ва тўпланган барча ҳуқуқий тажриба, ҳуқуқий ёдгорликлар ва уларнинг оммага тарқатилиши ҳуқуқий маданиятга киради;

6. Амалдаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар: Конституция, қонунлар, кодекслар, фармонлар, қарорлар ва бошқа ҳуқуқий манбалар ҳуқуқий маданиятнинг асосини ташкил этади;

7. Ҳуқуқ ижодкорлиги маданияти, ҳуқуқ меъёрларини яратиш масаласи, юридик техника даражаси, масалан, депутатлар ва аппарат хизматчиларининг ҳуқуқий билимлари, дунёқараши, ҳуқуққа ёндошуви қанчалик юқори ва ҳолисона бўлса, ҳуқуқий маданият ҳам шунчалик юксак бўлади;

8. Ҳуқуқни амалга ошириш ишларининг ташкил этилиши қанчалик юқори бўлса, у ҳуқуқий маданиятга ҳам ўз ижодий таъсирини кўрсатади ва аксинча;

9. Ҳуқуқий маданиятнинг яна бир қисми — ҳуқуқни амалга оширувчи давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ меъёрлари талаблари даражасида ҳамда доирасида ўз ҳуқуқи, бурчларини бажариши, уларни англаб олишидир;

10. Мамлакатнинг давлат ва жамият ҳаётидаги қонунчилик даражаси, ҳаммининг қонун ва суд олдида тенглиги ҳуқуқий маданиятнинг ажралмас қисмидир.

Ҳуқуқий маданиятни мунтазам бойитиб бориш учун изчил ҳуқуқий тарбия ишларини олиб бориш лозим. Бу йўналишда куйидагилар ўта муҳим аҳамият касб этади: юксак малакали суд-адлия кадрларини тайёрлаб бориш; барча ўқув юртларида, мактабларда ҳуқуқ ҳақидаги билимларни ўргатиш-ўрганиш, мазкур фанлардан имтиҳонлар жорий этиш, радио, телевидение, вақтли матбуотда ҳуқуқий билимларни кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш; аҳолининг, мустақил равишда, ҳуқуқий билимларни ўрганиш мақсадида қонун ҳужжат-

ларини мунтазам чоп этиб бориш; суд, прокуратура, милиция органларининг иш тажрибасини оммалаштириб бориш; адлия ва ҳуқуқшунослик фанларини ривожлантириш, ошкораликни таъминлаш; бошқа давлатларнинг ҳуқуқий тажрибасини ўрганиш ва улардан фойдаланиш; бадиий адабиётда, санъатда ҳуқуқий билимларни тарқатиш; ҳуқуқий хулқни рағбатлантириш. Хуллас, ҳуқуқий маданият инсон маданиятининг муҳим қисми, унинг билан ўзаро боғлиқдир.

Ҳуқуқий маданият тарихан аста-секин шаклланган ижтимоий воқеа бўлиб, ҳозирги даврда илғор ҳуқуқий давлатларнинг ва уларнинг фуқароларининг зарурий хислати ва тараққиёт омилига айланди. Илғор мамлакатлар бу борада сезиларли ютуқларга эришдилар ва уларнинг ҳар бир фуқароси ҳар бир масалада қонунларга суяниб иш олиб боради, ўз ҳақ ва ҳуқуқлари давлат ёки айрим шахслар томонидан бузилган тақдирда, уларнинг даражаси ва мавқеидан қатъи назар, суд орқали адолатли ечимга эришади.

ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ АТАМАЛАР

- АВАЛЬ** — вексель бўйича қарздорни ўз гаровига олувчи шахс. Бундай гаров векселнинг устига ёки устига қўйилган варақа (алонже) имзо чекиш шаклида берилади. Бундай кафолат берган шахс (авалчи) қарздор билан биргаликда жавобгар ҳисобланади.
- АДЕНДУМ** — шартномага қўшимчалар, тўлдиришлар киритиш мумкинлигини билдирадиган сўз. Бу сўз шартномалар устига ёзилади.
- АЖИО** — вексель, пул, қимматли қоғозларнинг номинал нархларидан кўтарилиш томонга ўзгариши.
- АЛЬ-ПАРИ** — валюта, қиммат қоғозлар, векселларнинг номинал нархлари бозор, биржа нархлари билан бараварлиги кўрсатилиши.
- АУДИТОР** — фирма, компания, акциядорлик жамиятларининг молия-ҳўжалик ҳолатини шартнома асосида тартибга келтирувчи шахс ёки фирма. Аудиторлар текширган ҳужжатлар қонунчилик бўйича ишонилади ва қўлланади.
- АУТСАЙДЕРЛАР** — йирик монопол фирмаларга кирмайдиган корхона ва муассасалар, майда ширкатлар.
- БАНК-ЭМИТЕНТ** — банкнотлар, қимматли қоғозлар, тўлов-ҳисоб ҳужжатлари чиқарадиган банк.
- БАНКНОТЛАР** — эмиссион банклар чиқарадиган фоизсиз мажбурий банк чипталари; кредит пулларнинг асосий тури.
- БОНИФИКАЦИЯ** — олиб келинган маҳсулотларнинг сифати шартномада келишилган сифатига кўра баландроқ бўлганда маҳсулотларга қўйиладиган қўшимча нарх.
- БОНУС** — сотувчи ўз маҳсулотининг нархини харидор билан келишган ҳолда пасайтириши (арзонлаштириши).

- БОНН** — томонларнинг қисқа муддатли мажбуриятлари.
- БРОКЕР** — харидор билан сотувчи ўртасидаги олди-сотди жараёнини бажарувчи даллол.
- ВАЛЬВАЦИЯ** — хорижий мамлакатларнинг валютасини миллий валютага таққослаб баҳосини билиш.
- ВИА** — юкни, маҳсулотни кўрсатилган йўл бўйича манзилга етказиш (масалан, ВИА Лондон — Тошкент).
- ГРАТИС** — текин, тўловларсиз бажариладиган жараёнлар, нарсалар ва хизматлар.
- ДЕБЕНТУРА** — пул жаримасининг қайтариб берилганлиги тўғрисидаги божхона гувоҳномаси.
- ДЕМПИНГ** — товарларни ташқи бозорда ички бозордагига нисбатан арзон нархларда сотиш; баъзан, ташқи бозорни эгаллаш учун, товарларни таннархидан, ишлаб чиқариш харажатларидан паст баҳоларда четга чиқариш (рақобатда ютиш учун ҳам шундай қилинади).
- ДЕНОНСАЦИЯ** — шартномадан воз кечиш.
- ДИЛЕРЛАР** — қимматбаҳо металллар, валюталар, қимматли қоғозлар олди-сотдиси билан шуғулланадиган банкларнинг ва фонд биржаларининг аъзолари; улар ўз ҳисобига ва ўз номларидан иш кўрадилар. Дилерлар ўзаро ёки брокерлар ҳамда миҳозлар билан шартномалар тузишлари мумкин.
- ЖИРАТ** — вексель ўтказиладиган шахс.
- ЖИРОБАНК** — банкда жорий рақамлари бор бўлган миҳозлар ўртасидаги ҳисоб-китоб операциялари билан шуғулланадиган банк.
- ТАҚИҚ ТАРИФЛАРИ** — ташқи бозорни аниқ бир чет эл товарларини (молларини) олиб келиб киритишдан эҳтиётлаш мақсадида қўйиладиган божхона пул жарималарининг юқори ставкалари.
- ИНДЕКСАЦИЯ** — инфляция шароитида пул талаблари ва турли даромадларни сақлаш усули.
- ИНЖИНИРИНГ** — чет эл буюртмачиси билан контракт бўйича лойиҳаолди инженер-қидирув ишлари, илмий изланишлар, техникавий топши-

- риқлар тузиш, лойиҳа таклифлари, иқтисодий, молиявий ва бошқа характердаги бир қатор ишларни амалга ошириш.
- КАБОТАЖ** — бир мамлакатнинг портлари орасида юк ва йўловчиларни денгиз орқали олиб ўтиш.
- КЛЕЙМСЛАР** — отказилган товарнинг сифати ва ҳолатидаги камчиликлар туфайли харидорнинг сотувчига даъволари, талаблари ва шикоятлари.
- КЛИРИНГ** — товарлар, қимматбаҳо қоғозлар, хизматлар учун, ўзаро мажбурият ва талабларни ҳисобга олган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қилиш тизими. Банклараро клиринг ва халқаро валюта клиринглари мавжуд.
- КОНСАЛТИНГ** — маслаҳат ва сифатли консултация берадиган хизмат.
- ЛИЗИНГ** — машина, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш иншоотларини ижара олиш. Лизингда ижарачининг шартнома муддати тугагандан сўнг, унинг асбоб-ускуналарини қолдиқ қиймат бўйича сотиб олиш мумкин.
- МАРКЕТИНГ** — бозор ҳолатини асосли ўрганиш ва олдиндан баҳолаш асосида товарларни ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этиш ҳамда шу тариқа яхши фойда топишни уюштириш.
- МЕНЕЖЕР** — фирма, компания ёки банкнинг бошқарув раҳбари, ёлланма бошқарув раҳбари.
- «НОУ-ХАУ»** — ишлаб чиқаришнинг техникавий, конструкторлик ва бошқа сирлари; маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин бўлган техникавий, тижорат ва бошқа билимлар ҳамда ишлаб чиқариш тажрибаси (расмийлаштирилган, аммо патентланмаган бўлади).
- ПАРИТЕТ** — турли мамлакатлар валюталарининг (тилла, кумуш) миқдор бирлиги бўйича ёки харид кучи бўйича тенглиги.
- ПЕНАЛЬТИ** — шартнома бузилган ҳолатлардаги тўловлар.
- «ПУЛ»** — вақтинча тузилган монопол бирлашма. Хўжалик мустақиллигини юзаки сақловчи «ПУЛ» иштирокчилари харажат ва фойда-

- ларни оядиндан келишилган қонун-қоидалар орқали биргаликда бўлиб олишади.
- РЕЗИДЕНТ** — солиқ ҳуқуқлари бўйича фақат шу мамлакатга тегишли иқтисодий ҳудудда (камида 1 йилдан ортиқроқ яшаган бўлиши шарт) яшаб турган юридик ёки жисмоний шахс.
- РЕЙТИНГ** — обрў; шахснинг ёки корхонанинг, уюшманинг иқтисодий, сиёсий манфаатдорлиги қайси даражада эканлигининг кўрсаткичи.
- РЕНТИНГ** — машина, ускуна ва асбобларни қисқа муддатга — олти ойгача ижарага олиш (аммо, кейинчалик сотиб олиш ҳуқуқига эга эмаслик шarti билан).
- РЕФАКЦИЯ** — маҳсулот сифати шартномада келишилгандан пастроқ бўлса, нархнинг туширилиши, пасайтирилиши.
- РОЯЛТИ** — келишилган лицензия шартномаси давомида вақти-вақти билан савдо-сотиқ фойдасидан фоиз ҳисобидан тўланадиган мукофот.
- СЕРТИФИКАТ** — у ёки бу фаолият-амалиёт жараёнини тасдиқлайдиган ҳужжат.
- СУБВЕНЦИЯ** — маҳаллий ҳокимиятга ажратилган мақсадли молиявий нафақалар (масалан, пул маблағи фақат шифохона қуриш учун ажратилди).
- ТРОЯ УНЦИЯСИ** — бозорларда тилланинг нархини билиб, пул билан ҳисоб-китоб қилиш учун, тилла оғирлигининг анъанавий ўлчов бирлиги (31,1 г).
- ФРАНШИЗ** — суғурта шартномасининг шarti; бунда суғуртачининг айрим миқдордан оширилмаган зарар тўловларидан озод қилиниши кўзда тутилади.
- ХОЛДИНГ КОМПАНИЯ** — бошқа фирмаларни назорат қилиш ва бошқариш мақсадида акция назорат пакетлари билан таъминланган компания.
- ЭМБАРГО** — тилла ва бошқа кўрсатилган қимматбаҳо нарсаларни олиб киришни ёки олиб чиқишни давлат томонидан ман қиладиган фармойиш.

МУСТАҚИЛЛИК СОЛНОМАСИ

1991 йил

- 31 август** — Ўзбекистон ССР Олий Совети республиканинг давлат мустақиллигини эълон қилди ва ўз қарори билан Ўзбекистон ССР номини Ўзбекистон Республикаси деб ўзгартирди ҳамда 1 сентябрь кунини Мустақиллик байрами мақомида таъсис этди.
- 1 сентябрь** — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни, умумхалқ байрами.
- 6 сентябрь** — Президентнинг Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш тўғрисида Фармони.
- 24 сентябрь** — Тошкент шаҳрида ўзбеклар (туркистонликлар)нинг биринчи халқаро анжумани бўлиб ўтди.
- 30 сентябрь** — Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг навбатдан ташқари VII сессияси «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари Декларацияси»ни ратификация қилди.
- Президент Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари» Қонунига конституциявий мақом бериш тўғрисида»ги Қонунга имзо чекди.
- 1 ноябрь** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозимида ишлай бошлади.
- Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топди.
- 18 ноябрь** — Олий Кенгашнинг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонунни кучга киритиш ҳақида Қарори.
- 21 ноябрь** — Алмати шаҳрида Ўзбекистон ҳамда бошқа собиқ иттифоқдош республикалар: Озарбойжон, Арманистон, Беларусь, Молдова, Қозоғистон, Россия Федерацияси, Тожикистон ва Украина

- Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ)ни тузиш тўғрисида декларацияни имзоладилар.
- 9 декабрь** — Ўзбекистон, бошқа Марказий Осиё давлатлари билан биргаликда, Туркменистон ҳудудида Тажан — Сарахс ораллигидаги темирйўлнинг қурилишида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Шартномани имзолади.
- 29 декабрь** — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига биринчи яширин овоз бериш йўли билан тўғридан-тўғри умумий ва алтернатив асосдаги сайловда И.А. Каримов кўпчилик овозни олди ва номзоди халқнинг тўла ишончига эга эканлиги яна бир қарра намоён бўлди.

1992 йил

- 2 январь** — Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.
- 23 январь** — Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.
- 26 январь** — Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.
- 29 январь** — Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.
- 30 январь** — Прага шаҳрида ташқи ишлар вазирлари мажлисида Оврупода Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши (ОХХТ)га Ўзбекистон Республикаси қабул қилинди.
- 10 февраль** — Президентнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва мулкни хусусийлаштириш қўмитаси таъсис этилиш тўғрисида Фармони.
- 16—17 февраль** — Ўзбекистон Республикаси ИХТга, яъни Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо бўлди. Туркия, Эрон ва Покистон ушбу ташкилот аъзоларидир.
- 18 февраль** — Президентнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат Фан ва техника комитетини ташкил этиш тўғрисида Фармони.

- 19 февраль** — Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.
- 20 февраль** — Ўзбекистон Республикаси ва Саудия Арабистони подшолиги ўртасида дипломатик алоқа ўрнатилди.
- 21 февраль** — Президентнинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида Фармони.
- 22 февраль** — Ўзбекистон Республикаси ва Исроил Давлати ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилди.
- Президент И.А. Каримов Хельсинкида Ўзбекистон Республикаси номидан Оврупода Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг Яқунловчи актига имзо чекди.
- 1 март** — Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.
- 2 март** — Ўзбекистон Республикаси энг нуфузли халқаро ташкилот — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)га аъзо бўлди.
- 4 март** — Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.
- 12—14 март** — Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига ташрифи.
- 18 март** — Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.
- 20 март** — Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.
- 23 март** — Ўзбекистон Республикаси Халқаро Олимпия комитетига аъзо бўлди.
- 24 март** — Президент «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган чегара қўшинлари бўлинмалари тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.
- 27 март** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Рўза ҳайити ва Қурбон ҳайити кунларини дам олиш кuni деб эълон қилиш тўғрисида Фармони.
- 31 март** — Президентнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида Олий аттестация

- комиссияси (ОАК) ташкил этиш тўғрисида Фармони.
- 27 апрель** — Ўзбекистон Республикаси Оврупо таъмирлаш ва тараққиёт банки (ОТТБ)га аъзо этиб қабул қилинди.
- 24 май** — «Ватан тараққиёти» партияси ташкил топди.
- 22 июнь** — Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — БМТнинг Осиё ва Тинч океани бўйича Иқтисодий ва ижтимоий комиссиясига аъзо этиб сайланди.
- 2 июль** — «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонунни кучга киритиш тартиби ҳақида Олий Кенгашнинг Қарори.
- Президент И.А. Каримов «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунга имзо чекди.
- Президент «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги Қонунга имзо чекди.
- 3 июль** — Президентнинг Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига айлантириш тўғрисида Фармони.
- 3 июль** — Президент «Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ходимлари учун дипломатия класслари ва тоифаларини белгилаш тўғрисида»ги Қонунга имзо чекди.
- Президент «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунга имзо чекди.
- 8—10 июль** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Финляндияга расмий ташрифи ҳамда Оврупода Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши (ОҲХК) мажлисида қатнашуви.
- 19 июль** — Ўзбекистон Миллий гвардиясининг Қасамёди матни тасдиқланди.
- 20 август** — Президентнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Жаҳон муаммолари институти ташкил этиш тўғрисида Фармони.
- 1 сентябрь** — Ўзбекистон Республикаси Кўшилмаслик ҳаракатига аъзо бўлди.
- 23 сентябрь** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини ташкил этиш тўғрисида Фармони.

- 21 октябрь** — Ўзбекистон Республикаси Халқаро валюта фондига (ХВФ) аъзо бўлди.
- Ўзбекистон Республикаси Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки (ХТТБ)га аъзо бўлди.
- 8 декабрь** — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилди ва ўз қарори билан шу кунни умумхалқ байрами деб эълон қилди.
- 10 декабрь** — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси (гимни)ни тасдиқлади.

1993 йил

- 4 январь** — Тошкентда бешта мустақил давлатларнинг — (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон) янги минтақавий ҳамдўстлиги — Марказий Осиё Ҳамдўстлигига асос солинди.
- 13 январь** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Республика миллатлараро маданият маркази»ни «Республика байналмилал маданият маркази»га айлантириш тўғрисида» Қарор қабул қилди.
- 4 март** — Ўзбекистон Республикасининг «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди ва бу тўғрида Қонун эълон қилинди.
- 23 апрель** — Ўзбекистон Республикаси Президенти «Соғлом авлод учун» халқаро нодавлат хайр-эҳсон жамғармасини ташкил этиш тўғрисида Фармон чиқарди ва шу тўғрида Қонун эълон қилинди.
- 20 июль** — БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий вакили Холид Башир Малик Президентга ишонч ёрлиғини топширди.
- 28 сентябрь** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясида нутқ сўзлади.
- 24 октябрь** — Ўзбекистон Республикасида БМТнинг бирлашган ваколатхонаси очилди.
- 26 октябрь** — Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Маориф, фан ва

маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО)га аъзо бўлди.

- 29 декабрь** — Ҳар йили 14 январь кунини Ватан ҳимоячилари кунини сифатида нишонлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Қонун қабул қилди.

1994 йил

- 10 январь** — Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисида Шартнома имзоланди.
- 11 январь** — Нукус шаҳрида Россия делегацияси иштирокида Марказий Осиё мамлакатлари президентларининг Орол денгизи муаммолари бўйича конференцияси бўлиб ўтди.
- 16 январь** — Ўзбекистон ва Қирғизистон республикалари ўртасида Ягона иқтисодий маконни барпо этиш тўғрисида Шартнома имзоланди.
- 18—20 апрель** — Хитой Халқ Республикаси Ҳукумат Кенгаши Раиси Ли Пэннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи.
- 23 апрель** — Ўзбекистон Президентининг республикада «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ маркази таъсис этиш тўғрисида Фармони.
- 25—27 апрель** — Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттераннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи.
- 5 май** — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Қаҳрамони» олий унвонини ҳамда «Олтин юлдуз» медалини таъсис этиш тўғрисида Қарор қабул қилди.
- 6 май** — Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат фуқаролари — фашизм билан уруш қатнашчилари ва 1941—1945 йил фронторти меҳнатқашларини Ғалаба кунини муносабати билан «Жасорат» ва «Шуҳрат» медаллари билан мукофотлаш тўғрисида Фармон чиқарди.
- 4—6 июнь** — Корея Республикаси Президенти Ким Ен Самнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи.

- 1 июль** — Ўзбекистонда миллий валюта — сўм муомалага киритилди.
- 15 август** — Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси ташкил этиш тўғрисида Қарори чиқди.
- 13—14 октябрь** — Буюк мунажжим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.
- 18—19 октябрь** — Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов Истанбул шаҳрида туркийзабон давлатлар раҳбарларининг учрашувида қатнашди.
- 15 ноябрь** — шу кундан бошлаб Ўзбекистон миллий валютаси — сўм мамлакат ҳудудида ягона тўлов воқитаси бўлиб қолди.
- 24 декабрь** — барча 250 сайлов округларида Ўзбекистон Республикаси парламенти — Олий Мажлисга биринчи марта кўппартиявийлик асосида сайловларнинг биринчи босқичи бўлиб ўтди.

1995 йил

- 1 январь** — Ўзбекистон Республикасида янги паспорт амалга киритилди.
- 18 февраль** — Ўзбекистон Республикаси «Адолат» социал-демократик партияси ташкил топди.
- 26 март** — Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов ваколатини 1997 йилдан 2000 йилгача давом эттириш тўғрисида умумхалқ референдуми бўлиб ўтди.
- 29 апрель** — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши академияси ташкил этиш тўғрисида Фармон.
- 20 апрель** — Ўзбекистон Республикасининг 1941—1945 йил уруш қатнашчилари ва фронторти меҳнаткашларини «1941—1945 йилги урушда фашизм устидан Ғалабанинг 50 йиллиги» медали билан тақдирлаш ва пул мукофоти бериш тўғрисидаги Президент Фармони.
- 6 май** — Ўзбек — Америка «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси ишга туширилди.
- 25 май** — «Халқ бирлиги» жамоатчилиқ ҳаракати ташкил этилди.
- 21 июль** — Президент Фармони билан август ойининг

- учинчи якшанбаси «Ўзбекистон Республикаси ҳаво флоти куни» сифатида байрам қилинадиган бўлди.
- 30 август** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Меҳнат шухрати» ва «Шон-шараф» орденлари таъсис этилиши тўғрисида Қарори.
- 22 сентябрь** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси ташкил этилди.
- 10—12 октябрь** — Марказий Осиё мамлакатлари тарихида биринчи марта Тошкент шаҳрида христиан ва мусулмонларнинг қўшма конференцияси бўлиб ўтди.
- 24 октябрь** — Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов БМТ 50 йиллиги муносабати билан Бош Ассамблея мажлисида нутқ сўзлади.
- Октябрь—ноябрь** — ЮНЕСКО 28-ассамблеясида буюк ватандошимиз Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги юбилейи халқаро миқёсда нишонланиши тўғрисида қарор қабул қилинди.
- 21 декабрь** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақидаги Қонуни (янги таҳрирда)ни тасдиқлади.
- 26 декабрь** — Ўзбекистон Республикаси Президенти «1996 йилни «Амир Темур йили» деб эълон қилиш тўғрисида» Фармон чиқарди.

1996 йил

- 3 январь** — Вазирлар Маҳкамаси «Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида» Қарор қабул қилди.
- Вазирлар Маҳкамаси «Хива шаҳрининг 2500 йиллиги юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида» Қарор қабул қилди.
- 8 февраль** — Лозанна шаҳрида Халқаро Олимпия комитетининг қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовга тантанали равишда Олимпия олтин ордени топширилди.
- 4 март** — Президент «Ўзбекистон Республикасида фавқулодда ҳолатлар бўйича вазирлик ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.
- 12 март** — Президент «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатасини таъсис этиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

- 25 март** — Асакадаги автомобиль заводи конвейеридан дастлабки автомобиллар чиқа бошлади. Ушбу кун мамлакатимиз тарихида автомобиль sanoати туғилган сана бўлиб қолди.
- 17 апрель** — Президент «Ўзбекистон Республикасининг «Камолот» ёшлар жамғармаси тўғрисида»ги Фармон чиқарди.
- 26 апрель** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Амир Темур» орденини таъсис этиш тўғрисида Қарори.
- 13 май** — Президент И.А. Каримов Тажан — Серахс Трансosiё темирйўл магистралининг очилишида иштирок этди.
- 21 май** — Ислom Каримовнинг «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура» китоби босмадан чиқди.
- 22 май** — Ислom Каримовнинг «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» китоби нашр этилди.
— Ислom Каримовнинг «Бунёдкорлик» йўлидан» китоби чиқди.
- 23 май** — Ислom Каримовнинг «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» китоби нашр этилди.
- 21—22 июнь** — Мамлакатимиз раҳбарининг Италияга ташрифи ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Овруро Иттифоқи ўртасида ҳамкорлик ва шериклик тўғрисида Шартноманинг имзоланиши.
- 23—28 июнь** — Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг АҚШга ташрифи ва унинг АҚШ Президенти Б.Клинтон билан учрашуви, шунингдек, энергетика, мудофаа вазирлари, конгресс аъзолари ва АҚШ ишбилармонлари доираси вакиллари билан учрашувлари ва суҳбатлари.
- 2—3 июль** — Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Раиси Цзян Цзэминнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи.
- 19 июль** — Асакадаги «ЎздЭУавто» корхонаси ишга тушди.
- 27 август** — Президентнинг «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ байрамини ўтказиш тўғрисида» Фармони чиқди.
- 28 август** — Президент Самарқанд шахрини Амир Темур ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди.

- Президент Шахрисабз шаҳрини Амир Темур ордени билан тақдирлаш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди.
- 29 август** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Буюк хизматлари учун» орденини таъсис этиш тўғрисида Қарори эълон қилинди.
- 1 сентябрь** — Тошкент шаҳрида Халқаро олимпия шуҳрати музейи тантанали равишда очилди.
- 22 сентябрь** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази қошидаги халқаро хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Қарори эълон қилинди.
- 18 октябрь** — Тошкентда Темурийлар тарихи Давлат музейи тантанали равишда очилди.
- Самарқанд ва Шахрисабз шаҳарларида Соҳибқирон Амир Темур ҳайкали очилди.
- 18—20 октябрь** — Покистон Президенти Фаррух Аҳмадхон Легҳари раҳбарлигида шу мамлакат делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрди.
- 21 октябрь** — Тошкент шаҳрида Озарбойжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Туркия ҳамда Ўзбекистон раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди ва унда Тошкент Декларацияси имзоланди.
- 24 октябрь** — Тошкент шаҳрида «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида туган ўрни» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.
- 31 октябрь** — Президентнинг «Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказини тузиш тўғрисида» Фармони эълон қилинди.
- 9—13 ноябрь** — Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 йиллик юбилейига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди ва бу тантаналарда Бутунроссия ва Москва патриархи Алексей II қатнашди.
- 12—14 ноябрь** — Президент И.А. Каримовнинг Бельгия Қироллигига расмий ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Оврупо Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатлар билан оралиқ шартнома имзоланди.
- 6 декабрь** — Президент И.А. Каримов 1997 йилни «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилди.

- 13 декабрь** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни нашрга тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида» Қарори қабул қилинди.
- 26 декабрь** — Президент Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялар тўғрисидаги Қонунига имзо чекди.

1997 йил

- 7 январь** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элларга ўқишини қўллаб-қувватлаш бўйича «Умид» жамғармасини ташкил этиш тўғрисида Фармони эълон қилинди.
- 10 январь** — Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик Шартномаси имзоланди.
- 23 январь** — Президентнинг Ўзбекистон Республикаси Камалиддин Беҳзод номидаги Бадиий академиясини ташкил этиш тўғрисида Фармони.
- 21 февраль** — Вазирлар Маҳкамаси «Абдулҳамид Сулаймон ўғли — Чўлпоннинг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида» Қарор чиқарди.
- 27 февраль** — Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон тарихида биринчи марта «Жаҳон адабиёти» журналини чоп этиш тўғрисида Қарор чиқарди.
- 10 март** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кадрларни тайёрлаш бўйича миллий дастурни ишлаб чиқиш тўғрисида» Фармони эълон қилинди.
- 20 март** — Президентнинг «Ўзбекистон миллий Энциклопедияси» Давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисида» Фармони чиқди.
- 23 март** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларини ташкил этишни рағбатлантириш тадбирлари тўғрисида» Фармони эълон қилинди.
- 24 апрель** — «Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллик (омбудсмен) тўғрисида» Қонун эълон қилинди.
- 2—4 май** — Италия Республикаси Президенти Луиджи Скалфаронинг Ўзбекистонга расмий ташрифи.

- 23—28 май — XII Тошкент халқаро кинофестивали бўлиб ўтди.
- 16 май — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби босмадан чиқди.
- 25 июнь — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини мукаммаллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича ишларни яхшилаш тўғрисида» Фармони эълон қилинди.
- 22 август — Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи навбати ишга тушди.
- 15 сентябрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов «Марказий. Осиё — ядро қуролдан холи зона» халқаро конференциясида нутқ сўзлади.
- 17—18 сентябрь — Италия Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Романо Продининг Ўзбекистонга расмий ташрифи.
- 6 октябрь — Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.
- 11 ноябрь — Хоразм Маъмун Академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиқди.
- 27 ноябрь — Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори чиқди.
- 5 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беш йиллигига бағишланган мажлисда Президент Ислон Каримовнинг таклифига биноан 1998 йил «Оила йили» деб эълон қилинди.
- 25 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги Қонунига Ўзбекистон Республикаси Президенти имзо чекди.

1998 йил

(беш ойни қамрайди)

- 12 январь** — Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.
- 13 январь** — «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори эълон қилинди.
- 27 январь** — Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори чиқди.
- 2 февраль** — Республика «Оила» илмий-амалий Марказини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори.
- 7 февраль** — «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори.
- 18—20 февраль** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Украинага расмий ташрифи.
- 24 февраль** — «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори.
- 26-27 февраль** — Вашингтонда ўзаро муносабатларнинг турли масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Ўзбекистон-Америка комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Комиссия ўз ишини бошлаганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ва АҚШ Президенти Билл Клинтон табрик мактубларини йўлладилар.
- 2 март** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида Фармони.
- 4 март** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жа-

- вобгарлигини кучайтириш тўғрисида Фармони.
- 4 март** — Фонд бозорини янада ривожлантириш ҳамда давлат мулки негизда ташкил этилган акциядорлик жамиятларини қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида Фармон.
- 18 март** — 1998—2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида Фармон.
- 26 март** — Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида Фармон.
- 28 март** — Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбарларининг минтақавий интеграцияни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги баёноти эълон қилинди.
- 9 апрель** — Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида Фармон.
- 12-14 апрель** — Туркия Жумҳурияти Бош вазири Месут Ёилмазининг Ўзбекистон Республикасига ташрифи.
- 22 апрель** — Деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори.
- 29 апрель** — Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари Кенгашининг мажлисида иштирок этди. Ушбу учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов МДҲ мамлакатлари ҳукумат раҳбарлари Кенгашининг Раиси этиб тайинланди.
- 30 апрель** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши «Ер кодекси», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (кооператив хўжалиги) тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонунларни қабул қилди.
- 1 май** — Президент Ўзбекистон Республикасининг ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрирда)га имзо чекди.

- 6 май** — Ўзбекистон Республикаси Автомобиль ишлаб чиқарувчилар халқаро ташкилоти (ОИСА)га аъзо бўлди.
- 13 май** — Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори.
- 16 май** — Бозорлар фаолиятини тартибга солиш юзасидан мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори.
- 16 май** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши 1998 йил 30 апрелда қабул қилган «Ер кодекси», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини ҳаётга татбиқ этиш чора-тадбирлари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.
- 20 май** — Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида» Қонуни матбуотда эълон қилинди.
- 21 май** — Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» Қонуни матбуотда эълон қилинди.
- 26 май** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори матбуотда эълон қилинди.
- 29 май** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори матбуотда эълон қилинди.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Авторитаризм	5
Адолат	6
«Адолат» социал-демократик партияси	7
Акциядорлик (ҳиссадорлик) жамияти	8
Ал-Бухорий	9
Ал-Фарғоний Аҳмад ибн Муҳаммад	10
Ал-Хоразмий	12
Алтернатива	13
Амир Темур	13
Анъаналар	15
Ат-Термизий	17
Байналмилалчилик	17
Барқарорлик (ижтимоий, жамиятдаги)	18
Беруний Абу Райҳон	19
Беҳбудий Маҳмудхўжа	21
Биржа	22
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)	23
Бобур Заҳриддин Муҳаммад	25
Божхона	26
Бозор иқтисодиёти	26
Босқичма-босқич ўтиш	27
Буюк Ипак йўли	29
Вазирлар Маҳкамаси	31
Вазирлик	31
Ватан	33
Ватанпарварлик	34
«Ватан тараққиёти» партияси	36
Волонтаризм	37
Давлат байроғи	38
Давлат — бош ислоҳотчи	39
Давлат бошқаруви тизими	40
Давлат бошқарувининг президентлик шакли	41
Давлат герби	43
Давлат гимни	43

Давлат мустақиллиги рамзлари	44
Давлат рамзлари	44
Давлат тасарруфидан чиқариш (мулкни)	46
Давлат тили	47
Давлат чегараси	49
Девальвация	50
Демократия	51
Дин ва динлар	53
Дипломатия	54
Жадидчилик	56
Жамият сиёсий тизими ва демократия	59
Жамиятнинг ижтимоий-синфий тузилишидаги ўзгаришлар	60
Жугрофий маданият	62
Ибн Сино Абу Али	63
Ижроия ҳокимияти	64
Илғор давлатлар	65
Империяча тафаккур	67
Инвестиция	68
Инсонпарварлик	69
Интеграция	71
Инфляция	72
Ислом дини	74
Ислоҳот	75
Истиқлол	76
Ички ишларга аралашмаслик	77
Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги	79
Иқтисодий интеграция	80
Иқтисодий маданият	81
Иқтисодий мустақиллик	83
Иқтисодий рақобатбардошлик	84
«Камолот» жамғармаси	85
Капитализм	86
Каримов Ислом Абдуғаниевич	88
Кафолат	90
Конвертирланиш	91
Конституцион бурч	93
Конституция	94
Конституциянинг ва қонуннинг устувлиги	95
Конфедерация	97
Коррупция	98
Кўппартиявийлик	99
Лотин ёзувига кўчиш	101

Маданий мерос	102
Маданият	104
Маркетинг	105
Мафкура	106
Мафкура яккаҳоқимлиги	108
Мафкураларнинг хилма-хиллиги	111
Маҳалла	112
Маънавият	114
Маърифат	116
Менежмент	117
Менталитет	118
Миллат	120
Миллатпарастлик	122
Миллатпарварлик	122
Миллатчилик	123
Миллий анъаналар	124
Миллий биқиқлик	126
Миллий валюта	127
Миллий истиқлол мафкураси	128
Миллий маданий марказлар	129
Миллий манфаатлар	130
Миллий-озодлик ҳаракатлари	131
Миллий онг	133
Миллий руҳият	135
«Миллий тикланиш» партияси	136
Миллий тил	137
Миллий ўз-ўзини англаш	139
Миллий қадриятлар	141
Миллий гуруҳ	142
Миллийлик	144
Мовароуннаҳр	146
Мониторинг	147
Мулкдорлар синфи	148
Мулкий мустақиллик	149
Мустақил давлат	150
Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ)	152
Мустақил Ўзбекистонда демократия	153
Мустақил Ўзбекистонда ислом дини	155
Мустақил Ўзбекистонда ҳоким ва ҳокимият	157
Мустақил Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи ҳокимияти	158
Мустақиллик байрами	159
Мустақиллик ва ёшлар	160

Мустақиллик мафкураси	162
Мустақилликнинг ҳуқуқий асослари	163
Мухолафат	164
Муқобиллик	166
Навоий Низомиддин Мир Алишер	166
Наврӯз	170
Нажмиддин Кубро	170
Наркомания ва нарқобизнесга қарши кураш	172
Нақшбанд Баҳоуддин	174
Оврупо давлатларининг иқтисодий уюшмаси	175
Оила	177
Олий Мажлис	178
Омбудсман	179
Орол денгизи муаммоси	180
Парламент	182
Плебисцит	183
Рақобатбардош маҳсулот	184
Республика	185
Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази	187
Референдум	188
Сиёсий институтлар	189
Сиёсий маданият	191
Сиёсий партия	193
Сиёсий партия фракцияси	195
Сиёсий тузум	196
«Соғлом авлод учун» жамғармаси	197
Суверенитет	198
Суд ҳокимияти	201
Суфийлик	202
Тадбиркорлик	204
Талаб эҳтиёжни ўрганиш асосида маҳсулот ишлаб чиқариш	205
Тарихий хотира	207
«Темур тузуклари»	209
Тоталитаризм	210
Туркистон	211
Турон	213
«Тўртинчи ҳокимият»	214
Улугбек ва унинг академияси	215
Унитар давлат	217
Урф-одат ва расм-русумлар	218
Федерация	219
Фитрат	221

Форобий	222
Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари	223
Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари	224
Фуқаролик	225
Фуқаролик масъулияти	227
Халқаро ташкилотлар	229
Халқаро тиллар	231
Хусусий мулк	233
Хусусийлаштириш (мулкни)	234
Цивилизация	236
Чўлпон Абдулхамид Сулаймон ўгли	238
Шарқ ва шарқоналик	239
Шарқона демократия	241
Экологик танглик хавфи	242
Элчихона	244
Энциклопедия	246
Эътиқод эркинлиги	247
Ягона иқтисодий минтақа	249
Янги индустриал мамлакатлар («Осиё йўлбарслари»)	251
Яссавий Аҳмад	252
Ўзбек миллатининг ўз-ўзини англаши	254
Ўзбек тили	255
Ўзбекистон	257
Ўзбекистон маърифатпарварлари	259
Ўзбекистон Президенти	261
Ўзбекистон Президенти девони	262
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди	263
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси	266
Ўзбекистон Республикаси Олий суди	267
Ўзбекистон Республикасининг байналмилал маданий маркази	268
Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи	269
Ўзбекистон Республикасининг давлат герби	271
Ўзбекистон Республикасининг «Халқ бирлиги» ҳаракати	272
Ўзбекистон халқ демократик партияси	273
Ўзбекистонда сиёсий партиялар	275
Ўзбекистонда суд ҳокимияти	277
Ўрта Осиё	278
Қаҳриятлар	279
Қарамлик	281
«Қизил империя»	282
Қорақалпоғистон Республикаси	283
Қуръон	283

Ҳадис	285
Ҳокимиятлар тақсимланиши тамойили	286
Ҳокимиятнинг уч асосий тармоғи	288
Ҳуқуқий маданият	290
1-Илова: Халқаро иқтисодий атамалар	293
2-Илова: Мустақиллик солномаси	297

МУСТАҚИЛЛИК

Изоҳли илмий-оммабон луғат

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти
Тошкент — 2000

Муҳаррир: Б.Эшпўлатов
Мусаввир: М.Самойлов
Техникавий муҳаррир: Д.Габдрахманова
Мусахҳиҳлар: Ж.Тоирова, Ю.Бизаатова

Чоп этишга 05.11.99 да рухсат берилди. Бичими 84X108 $\frac{1}{32}$.
«Times-UZ» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 16,8.
Нашриёт-ҳисоб табоғи 19,2. Адади 15.000 нусха. Буюртма № 4588.
Баҳоси келишув асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.